6.Сатторов З.М. Қурилиш экологияси. - Т.:Sano-standart, 2017. - 364 б.

<https://www.uzsm.uz/>

KOMPETENTLI YONDASHUV ASOSIDA MUHANDISLARNING KASBIY KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH

Fayzullayev J.I. – dotsent

To'xtasinova Z.A., Ortig'aliyeva M.A. – talabalar

Farg'ona politexnika instituti

Muhandislik mutaxassisliklari talabalarining kasbiy faoliyatga tayyorgarlikning hozirgi bosqichida kasbiy kompetentlikni rivojlantirishning maqsadi kasbiy muammolarni hal qilishning yangi usullarini kashf qilish bilan bog'liq ijodiy ishlarni o'z ichiga oladi[5]. Bu shuni anglatadiki, ta'limning asosiy va yagona maqsadlaridan biri, olingan bilim talabalarning kasbiy kompetentligini rivojlantirish vositasiga aylanadi.

O'quv-tarbiya jarayonini kompetentli yondashuv asosida kreativ fikrlashga yo'naltirish bilan bog'liq holda quyidagi muammolar dolzarb ahamiyat kasb etadi[6]:

- talabalarining kasbiy faoliyat asoslarini to'laqonli egallash uchun zarur va yetarli bilim tizimini o'zlashtirishiga sharoit yaratish;

- o'zlashtirilgan bilimlarining uzluksiz tizimini, uning maqsadlari, usullari, vositalari va shart-sharoitlarini takomillashtirish.

- o'quv jarayonida talabalarining amaliy faoliyatida o'lashtirilgan nazariy bilimlarini amaliy qo'llay olish imkoniyatlarini kengaytirish;

Kasbiy bilimlarni yanada mustahkam o'rganish uchun talabalarining kasbiy kompetentligini rivojlantirish bilan ijodkorlik faoliyatini tashkil etish zarur. Bizga ma'lumki ishlab chiqarilgan elektr energiya miqdori iste'mol qilinayotgan elektr energiya miqdoriga teng bo'lishi kerak[4].

Asosiy matematik tayyorgarliksiz, texnik yo'nalishdagi oliy ta'lim muassasalarining zamonaviy bitiruvchisi o'z faoliyatida yuzaga keladigan ilmiy-texnik va professional muammolarni hal qilishi va tahlil qilishi imkoniyatiga ega emas. Buning uchun matematikani chuqur tushunish, matematik qobiliyatlarni rivojlantirish, matematikaning haqiqiy amaliy muammolarini hal qilishda talabalarda matematik qobiliyat bilan birga kasbiy kompetentlikni rivojlantirish talab etiladi. Shunday qilib, matematik muammolarni hal qilish qobiliyatini maqsadli shakllantirish talabalarining kasbiy kompetensiyalarini samarali shakllantirish shartidir[5].

Elektr energiya mahsulot turi bo'lib, u ishlab chiqariladi va o'zining iste'molchilariga ega. Har bir mahsulotning sifat ko'rsatkichlari bo'lgani kabi elektr energiyaning ham sifat ko'rsatkichlari bo'lib, chastota va nominal kuchlanish uning asosiy sifat ko'rsatkichlaridir[2].

Elektr stantsiyalarda ishlab chiqarilgan elektr energiyaning uzluksiz oqimi bo'yicha ularning sifatini aniqlash oddiy tasodifiy xodisa bo'lib quyidagi reja asosida amalga oshirilayotgan bo'lsin. Stantsiyalardagi ishlab chiqarilayotgan elektr energiyani n kvt, iste'mol qilinayotgan elektr energiyani esa m kvt bilan belgilab, elektr energiyasini uzatishda ishtirok etuvchi elementlarni ishdan chiqish va qayta tiklanish turlariga ajratamiz. Agar elektr energiya ishdan chiqish holatlari yuzaga kelmasdan uzatilsa n kvt ishlab chiqarilgan elektr energiya m kvt ga teng bo'lsin. Bundan tashqari n kvt ishlab chiqarilayotgan elektr energiyasini yetkazib berishni tekshirilayotganda sifatli yoki sifatsiz elektr energiyaga ajratilishi yo'lga qo'yilgan bo'lsin.

Agar uzatilayotgan elektr energiya sifatli yetkazib berilsa, iste'mol qilinayotgan elektr energiya ya'ni m kvt mahsulot tekshiruvsiz qabul qilinsin. Aksincha n kvt ishlab chiqarilayotgan elektr energiyasini uzatishda sifatsiz elektr energiya uzatilsa, iste'moldagi m kvt elektr energiya yoppa tekshirishga jalb etilsin.

Agarda uzatib berilayotgan elektr energiyaning miqdori sifatsiz bo'lsa uning sifatsiz bo'lish ehtimolini P-noma'lum parametr orqali belgilanganda, yuqoridagi $P = P_n(m)$ – reja bo'yicha uzatib

berilayotgan elektr energiya miqdori [1] $F_n(p) = \frac{n+mp}{n+m}$ ni tekshirishsiz qabul qilinishi lozim

bo'lgan sifatsiz elektr energiyaning o'rtacha miqdori

$$L_n(p) = P(1 - F_n(p)) = pq \frac{m}{n+m} \text{ ni tashkil etadi.}$$

Bu hol elektr energiyani sifatli uzatishda ishtirok etayotgan elementlarning tekshirish jarayonidagi uchragan yaroqsiz qismi qayta tahmirlanib, qabul qilingan holga mos keladi.

Agar uzatilayotgan sifatsiz elektr energiya tekshirishsiz qabul qilinadigan sifatsiz miqdorining yuqori chegarasi L^* berilsa, u odatda qaralayotgan reja bo'yicha kafolatni tashkil etadi. U holda $L_n(p) \leq L^*$ yoki $\max L_n(p) = L^*$ munosabat $p = p^*$

$$0 \leq p \leq 1$$

bo'lganda o'rinli bo'lsa, mazkur xol uchun $\max pq = \frac{1}{4}$, ya'ni $p^* = \frac{1}{2}$ ekanligidan $0 \leq p \leq 1$ kelib

chiqadi. U holda $L^* = \frac{m}{4(n+m)}$ munosabat o'rinli bo'ladi.

Agarda tekshirish jarayonida uchragan yaroqsiz elementlar ta'mirlashni iloji bo'lmay tashlab yuborilsa, u holda $\bar{L}_n(p) = p \cdot \frac{1 - F_n(p)}{1 - P F_n(p)}$ munosabat o'rinli bo'ladi [1]. U holda

$\bar{L}_n(p) = p \cdot \frac{m}{n + m(1 + p)}$ munosabatga ega bo'lamiz.

$(L_n(p))'_p > 0$ ekanligidan, $\bar{L}_n(p^*) = L^*$ munosabatdan

$p^* = \frac{L^*}{1 - L^*} \left(1 + \frac{n}{m}\right)$ yoki $L^* = \frac{p^* m}{n + m(1 + p^*)}$ bo'ladi.

Elektr energiya sifatini aniqlash jarayonida r – parametr noma'lum ekanligi oqibatida turli xatoliklar vujudga kelishi mumkin. Bu xolni α – ishlab chiqaruvchi stantsiyalardagi xatolik, β – elektr energiya istehmolchi xatosi deb belgilanganda [2]

$F_n(p) \geq 1 - \beta$, agar $p^* \leq p$ bo'lsa,

$F_n(p) \geq 1 - \alpha$, agar $p^* > p$ agar,

munosabatlar o'rinli bo'ladi [2]. β xatolik $\frac{m - (n + m)\beta}{m} \leq p^* \leq 1$ bo'lganda, α xatolik esa

$0 \leq p^* \leq \frac{m - (n + m)\alpha}{m}$ o'rinli bo'lganda sodir bo'lishi mumkin. Ular asosida $\alpha \leq \frac{m(1 - p)}{n + m} \leq \beta$

munosabatni olish mumkin.

Agar $\alpha = \beta$ bo'lsa, $p^* = \frac{n + m}{m} \cdot \frac{L^*}{1 - L^*}$ o'rinli ekanligi kelib chiqadi. Bundan esa

$$\alpha + \frac{L^*}{1 - L^*} = \frac{m}{n + m} \text{ hosil bo'ladi, ya'ni } \alpha = \frac{m}{n + m} - \frac{L^*}{1 - L^*}$$

Адабиётлар

1. Ю.К. Беляев “Вероятностные методы выборочного контроля”: Наука 1975
2. В.А.Козлов “Электроснабжение городов”, Энергия. 1977
3. М.М. Мамажонов “Об одном критерии выбора плана Доджа при конечном числе проверок” М.Надёжность и контроль качества, №8 (1982)
4. Fayzullaev, J. (2020). A systematic approach to the development of mathematical competence among students of technical universities. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 8(3)*. 42-47
5. Fayzullayev J. I. Mathematical competence development method for students through solving the vibration problem with a maple system //Scientific bulletin of Namangan state university. – 2020. – Т. 2. – №. 8. – С. 353-358.
6. Fayzullayev J. I. Fundamental fanlar yordamida texnika oliy ta'lim muassasalari talabalarining kasbiy kompetentligini rivojlantirish //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2021. – Т. 1. – №. 10. – С. 454-461.

TITANOMAGNETIT ZAHIRALARI VA ULARDAN VANADIY AJRATIB OLIISH MUAMMOLARINING HOZIRGI HOLATI

Voxidov B.R.,¹ Qayumov O.A.²

¹Navoiy davlat konchilik va texnologiyalar universiteti, Metallurgiya kafedrası dotsenti, Navoiy shahri

²Qarshi muhandilik-iqtisodiyot instituti, Konchilik ishi kafedrası assistenti, Qarshi shahri


ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada Titanomagnetit minerali zahiralari va ulardan vanadiy ajratib olish usullari, qo'llanilish soxalari haqida ma'lumotlar keltirilgan.

Kalit so'zlar: Titanomagnetit vanadiy, kon-metallurgiya sanoati, tanlab eritish, shlak, kuydirish.


Vanadiy zamonaviy sanoatda juda muhim metallidir. Strukturaviy, asbob-uskunalar va boshqa turdagi po'lat va qotishmalarda asosiy qotishma komponent sifatida ishlatilib, kimyo, aerokosmik va yadro sanoatida keng qo'llaniladi.

So'ngi 20 yillarda dunyo bo'yicha po'lat qotishmalar ishlab chiqarish uchun Vanadiyga bo'lgan talab yuqori darajada oshdi. Bundan tashqari Termoyadro energiyasining rivojlanishi tufayli vanadiy iste'molining oshishi ham taxmin qilinmoqda. Elektr energiyasini ishlab chiqarish hajmini oshirishda yangi atom elektrosytansiyalarini qurishda keyini 50 yil davomida vannadiy tarkibli qotishmalar iste'moli 500-600 ming tonnaga yetishi mumkin, bu esa har yili 10-12 ming tonna vanadiyga bo'lgan talabni oshishiga olib keladi.



1-rasm. Vanadiyni qo'llanilish soxalari.

Vanadiy ishlab chiqarish uchun asosiy xom-ashyo 0,5-1,5% V_2O_5 bo'lgan titanomagnetitlar bo'lib, ular jahon vanadiy zahiralari taxminan 90% ni tashkil qiladi. Xitoy, Rossiya, Kanada, Norvegiya, JAR, AQSH, Finlyandiya va Braziliya titanomagnetit rudalarining eng katta sanoat zahiralari ega. Titanomagnetit va titanomagnetit-ilmenit rudalarining yirik konlari Rossiya va MDH mamlakatlari hududida joylashgan (2-rasm) [9, 14].



2-rasm. MDH mamlakatlaridagi vanadiy tarkibli ruda konlari.

O'zbekistonda asosan tarkibida 2-4% TiO_2 , 0,15-0,80% V_2O_5 , 16% Fe bo'lgan titanomagnetitning yirik zahirasi bo'lgan Tebinbuloq koni bor. Tebinbuloq koni O'zbekiston hududidagi vanadiy va titan bo'yicha yirik metall tarkibli ma'danli obyekt sanaladi, u moddiy tarkibi va texnologik xossalari bo'yicha Kachkanar koni (Rossiya) ma'danlariga o'xshashdir. Shunday ekan O'zbekiston Respublikasi V_2O_5 sanoat sharoitlarida ishlab chiqarishni tashkil qilish uchun mineral va texnogenli xom ashyoga hamda texnologik imkoniyatlarga ega.

Titanomagnetitlardan vanadiyni ajratib olish asosan gidrometallurgik va pirometallurgik usullar bilan amalga oshiriladi.

Titanomagnetit konsentratida vanadiy miqdori 1% V_2O_5 dan ortiq bo'lsa va qora metallurgiyada titan saqlovchi temir rudasi xom-ashyosi sifatida gidrometallurgiya usuli samarali hisoblanadi. Sanoatda titanomagnetitlardan vanadiyni pirometallurgik usullar bilan ajratib olish asosan ikkita sxema bo'yicha amalga oshiriladi: Koksli-domnada eritish va kokssiz (elektr eritish). Domnada eritish titan miqdori kam bo'lgan (3-4% TiO_2) titanomagnetitlar uchun ishlatiladi. Konsentratni aylanma pechlarda dastlabki tiklashdan so'ng, yuqori titan tarkibli titanomagnetni rudali-termik pechlarda elektr eritish samarali hisoblanadi.

Vanadiyli xom ashyoni qayta ishlash texnologiyasining hozirgi holati tahlili shuni ko'rsatadiki, chiqindilarni va ma'danli xom ashyoni qayta ishlashga jalb qilish va undan besh oksidli toza vanadiy olish texnologiyasini tadqiq qilish va yaratishdir zarur.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Санакулов К.С., Петухов О.Ф. Перспективы развития ванадиевого комплекса за рубежом и в Республике Узбекистан // Горный вестник Узбекистана. – 2017. - №3.
2. Вышегородский, Д. В. Титаномagnetитовые руды – перспективная сырьевая база металлургии. / Д. В. Вышегородский // Уральский рынок металлов. – 2006. - №1. – С. 49-53.
3. Мизин, В. Г. Комплексная переработка ванадиевого сырья: химия и технология. / В. Г. Мизин, Е. М. Рабинович. - Екатеринбург: УрО РАН, 2005. – 416 с.
4. Xasanov A.S., Voxidov B.R, Qayumov O.A. "MINERAL VA TEXNOGEN XOM ASHYOLARDAN VANADIY BOYITMASINI OLI SH TEXNOLOGIYASINI ISHLAB CHI QISH" Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(9), 319-326.
5. Б.Р.Вохидов, О.А.Каюмов. ИССЛЕДОВАНИЕ ВОЗМОЖНОСТИ ИЗВЛЕЧЕНИЯ ОКСИДА ВАНАДИЯ ИЗ ТЕХНОГЕННЫХ ОТХОДОВ ХИМИЧЕСКИМ СПОСОБОМ. //

Инновационные технологии переработки минерального и техногенного сырья химической, металлургической, нефтехимической отраслей и производства строительных материалов// Сборник материалов Республиканской научно-практической конференции. Ташкент- 112-114 с.

6. Б.Р.Вохидов, Г.Ф.Мамараимов, О.А.Каюмов. РАЗРАБОТКА ХИМИЧЕСКОЕ ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ ПЯТИОКСИ ВАНАДИЯ ИЗ МИНЕРАЛЬНОГО СЫРЬЁ // Инновационные технологии переработки минерального и техногенного сырья химической, металлургической, нефтехимической отраслей и производства строительных материалов// Сборник материалов Республиканской научно-практической конференции. Ташкент- 123-125 с.

ERITMALARDAN SORBSION USULIDA VANADIY AJRATIB OLISHNING ADABIYOTLAR TAHLILI

Qayumov O.A., Yormatov D.A.

Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti

Vanadiyni olishning sorbsion usullari, boshqa metallar singari, ion almashtiruvchi smolalarda, ion almashinuv jarayonini qo'llashga asoslangan. Ionitlar - kislotalar, ishqorlar va organik muhitlarning suvli eritmalarida amalda erimaydigan qattiq sun'iy (yoki tabiiy) materiallar bo'lib, ular eritmalardan kation yoki anion shakldagi metallarni ajratib olishni ta'minlaydi [1].

Sorbsionli ajratib olish jarayoni ikki bosqichdan iborat: sorbentning to'yintirilishi va undan foydali komponentlarning desorbsiyasi. Birinchi bosqichda mahsuldor eritma sorbent bilan reaksiyaga kirishadi va foydali komponentlar ionitlar tomonidan tanlab yutiladi. Bir yoki bir nechta metallar uchun muvozanat sig'imiga erishgandan so'ng, sorbent desorbsiya bosqichiga o'tkaziladi, bu davrda u eritma bilan aloqa qiladi, uning ionlari ionitdan metall ionlarini almashtiradi, shundan so'ng u sorbsiya bosqichiga qaytadi [1].

Mahsuldor desorbat shaklida konsentrlangan eritma keyingi qayta ishlash uchun yuboriladi. Desorbsiyadan so'ng foydali komponentlarning eritmaları hajmi sorbsiya uchun berilgan dastlabki eritmalar hajmidan ancha past bo'ladi, bu esa, o'z navbatida, ularning keyingi konsentratsiyasini samarali amalga oshirishga imkon beradi.

Foydali komponentning nisbatan kam miqdori bo'lgan mahsuldor eritmalardan vanadiyni sorbsiya qilish uchun odatda ion almashtiruvchi smolalar qo'llaniladi [2].

Vanadil kationi VO_2^+ ko'rinishidagi mahsuldor sulfat kislota eritmalarida bo'lgan vanadiyning sorbsiyasi kationitlarda amalga oshiriladi.

Sorbsiya bosqichida mahsuldor eritmalardan vanadiyni ajratib olish darajasi eritmalarining tuz tarkibiga, kislotaliligiga, vanadiy konsentratsiyasiga bog'liq bo'lib, asosan ishlatiladigan ion almashtiruvchi smola markasi bilan belgilanadi.

Anionitlardan nitratlar va xloridlar vanadiyni desorbsiyalash uchun ishlatiladi. Ishqoriy eritmalaridan ammiak va natriy gidroksidning foydalanish yetarlicha o'rganilmagan.

Vanadiy odatda elyuentdan cho'ktirish usuli orqali olinadi.

Adabiyot va patent manbalaridan olingan ma'lumotlarni tahlil qilish quyidagilarni ko'rsatadi:

1. Vanadiyni mahsuldor eritmalardan ajratib olishning asosiy usuli cho'ktirish usuli ekanligi. Eritmalardan vanadiyni ajratib olish yuqori muvozanat konsentratsiyalarida (10 g/l dan ortiq) olib borilganligi uchun sorbsion ajratish usuli yetarlicha ishlab chiqilmagan.

2. Murakkab vanadiy rudalarini qayta ishlashda eritmalardagi vanadiy konsentratsiyasi 2-3 g/l dan oshmaydi va cho'ktirish usullari yaroqsiz holga keladi.

3. Tarkibida ko'p miqdorda kationik aralashmalar (temir, alyuminiy, marganets, kalsiy, magniy va hok.) bo'lgan eritmalar uchun vanadiyni kationitlar yordamida eritmalardan ajratib olish qiyin, chunki bu aralashmalar vanadiyning sorbsiyasini susaytiradi.

Adabiyotlar tahlili va xulosalar quyidagilarni tadqiq qilish zarurligini ko'rsatadi:

- vanadiyni aniqlash usullarini ishlab chiqish;
- vanadiyni sorbsiyalash texnikasini ishlab chiqish;

- vanadiyning turli anionitlar tomonidan sorbsiyalashni o‘rganish;
- optimal anionitlarni tanlash;
- vanadiyni sorbsiyalash apparatini hisoblash metodikasini o‘zlashtirish;
- vanadiyni sorbsiyalash apparatini hisoblash;

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Зеликман А.Н., Вольдман Г.М., Белявская Л.В. Теория гидрометаллургических процессов. –М.: Металлургия, 1975.
2. Плаксин И.Н., Тэтару С.А. Гидрометаллургия с применением ионитов. –М.: Металлургия, 1964.
3. МВИ массовой концентрации ванадия в технологических растворах титриметрическим методом // Сборник МВИ № Ц -01.16-12:2012 – Навои: НГМК. – 2012.
4. Санакулов К.С., Петухов О.Ф. Перспективы развития ванадиевого комплекса за рубежом и в Республике Узбекистан // Горный вестник Узбекистана. – 2017. - №3.

МАТЕМАТИКА ВА ФИЗИКА ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШГА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ТАДБИҚИ

Абдураимов Д.Э., Худойкулов Р.Ў., Нафасов Ғ.А.

Гулистон давлат университети, Ўзбекистон, Гулистон.

Абдураимов Р.Э.

Тошкент давлат техника университети, Ўзбекистон, Тошкент

Ҳозирги жадал ўзгараётган дунё, глобаллашув жараёни ҳамда илм, фан ва техника тараққиёти саноат, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт ва шунингдек, таълим соҳасига ҳам янги-янги технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда.

Шу боисдан Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида, ўқув-тарбиявий жараёни илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш зарурлиги уқтирилади, унинг иккинчи, учинчи босқичларида бажариладиган жиддий вазифалардан бири сифатида кўрсатиб ўтилганлигини айтиш мумкин [1].

Республикамизда таълим жараёнини чуқур ислоҳ қилиш давом этмоқда. Ушбу жараённинг муҳим хусусиятлари: егалланган билим, кўникма ва малакаларни жаҳон таълими андозаларига мослигини таъминлашга йўналтирилган бўлиб, Ватан ва миллий мустақиллик ғояларига садоқат руҳида тарбия қилишни, режалаштирилган натижаларга кафолатли еришишни кўзда тутади [2].

Бугунги кунда инновацион педагогик технологияларнинг назарий асосларини ўрганиш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш зарурати шунинг учун асосий муаммо бўлиб қолмоқдаки, анъанавий ўқитиш тизимлари ўз фаоллигини бироз йўқотди, бундай ўқитиш яхши натижа бермай қолди. Бунинг ўрнига инновацион педагогик технологияларни қўллаш таълим-тарбия жараёнига кўпроқ самара бермоқда.

Ахборот жамият, барча инсон ҳаёти ва фаолиятида муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Унинг ҳажми тез ўсмоқда. Ахборотлардан фойдаланиш характери жуда тез ўзгармоқда.

Замонавий ахборот ресурслари бу илмий назариялар, янгиликлар, патент ва ихтиролар, иқтисодий-математик моделлар, машина ва технологик жараёнлар лойиҳалари, ер ва океанлар бойликлари ҳақидаги маълумотлардир [3].

Шунингдек, илм-фан, техника тараққиётининг жуда тез ривожланиши натижасида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги, улардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш учун вақтнинг чегараланганлиги таълим жараёнига технологик ёндошиш заруриятини келтириб чиқармоқда. Бугунги кунда инновацион педагогик технологияларнинг назарий асосларини ўрганиш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш зарурати шунинг учун асосий муаммо бўлиб қолмоқдаки, анъанавий ўқитиш тизимлари ўз фаоллигини бироз йўқотди, ёрдамида ўқитиш яхши натижа бермай қолди. Бунинг ўрнига “Ахборотли ўқитиш” таълим-тарбия жараёнига кўпроқ самара бермоқда.

Ахборот – жамият, барча инсон ҳаёти ва фаолиятида муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Унинг ҳажми тез ўсмокда. Ахборотлардан фойдаланиш характери жуда тез ўзгармокда. Шунини таъкидлаш керакки, ахборот турли бўлганлигига қарамай, у учта муҳим сифатга ега бўлишлиги керак:

1.Тўлиқлик, яъни ўрганилаётган объект ёки ҳодисани тўлиқ ифодалаши керак.

2.Бебаҳолик, яъни унинг талабгорлиги, акс ҳолда ахборот талаб қилинмайди.

3.Ишончлилик, яъни ахборот шубҳа туғдирмаслиги ва бошқатдан қайта ишланмаслиги керак.

Бундай заруриятлар математика ва физика фанларидан ўқувчиларга таълим ва тарбия беришда ўқитувчиларга дарсларни ташкил етиш ва ўтказиш жараёнида таълим технологиялари ва воситаларидан самарали фойдаланишини тақозо қилмокда. Дарсларда анимацион роликлар, ко`рғазмали тақдимотлар , айнан жорий мавзуга оид видео роликлардан фойдаланиш о`қувчини қизиқишини орттиради, янги мавзунини осон ва тез о`злаштиришига ёрдам беради. Ўқитувчи фаолияти қанчалик фаоллашса, таълим олувчиларнинг хатти-ҳаракатлари қанчалик ижодий, қизиқарли, истиқболли ташкил ета олинса, албатта, қўлланилаётган таълим технологияларининг самарадорлиги ортади, лойиҳалаштирилган ўқув мақсадлари осонроқ амалга ошади, кутилаётган натижага тезроқ эришилади.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, физика ва математика дарсларини ташкил етишда замонавий таълим технологиялари ва воситаларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, инновацион педагогик технологияларни жорий етиш натижасида ўқувчиларда физика фанига бўлган қизиқишлари ортиши, лаборатория машғулотларда ишни бажариш бўйича аниқ тасаввурларга ега бўлиши, физикага доир масалаларни ечиш бўйича чуқур билим, малака ва кўникмаларни ҳосил қилишида кенг имкониятлар очади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.– Тошкент : Ўзбекистон, 2016. - 56 б.
2. Таштемиров Д.Е., Абдураимов Д.Е., Джумабаева Я.Э. «СОВРЕМЕННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СИСТЕМЫ ТЕСТИРОВАНИЯ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ». Вестник Гулистанского государственного университета 2018.4 (2018): 39-46.
3. Қулмаматов, С. И., Абдураимов, Д. Э., Норматова, М. Н., & Монасипова, Р. Ф. (2021). УГРОЗЫ В ИНТЕРНЕТЕ И СПОСОБЫ ИХ УСТРАНЕНИЯ. Экономика и социум, (7), 351-356.
4. Нуркулов, Ж. А. Ў. (2022). МОДЕЛИРОВАНИЕ ПРОЦЕССА ПЕРЕДАЧИ ДАННЫХ ПО ПРОТОКОЛАМ В КОРПОРАТИВНОЙ СЕТИ. Science and innovation, 1(A3), 158-163.
5. М.Камолдинов, Б.Вахобжонов. Инновацион педагогик технология асослари.- Т: “Талқин”, 2010 й.
6. Ишмухаматов Р. Абдукодиров А. Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. – Тошкент 2008 - 181 бет.

МАТЕМАТИКАГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

Абдураимов Д.Э., Худойқулов Р.Ў.

Гулистон давлат университети

Абдураимов Р.Э.

Тошкент давлат техника университети

Айни дамда, ижодий фикрлашнинг ажратилган хусусиятлар тизимидаги мустақиллик фикрлашнинг ижодий, маҳсулотли хусусияти деб ўрганилмокда. З.И.Калмакова маҳсулотли фикрлаш тушунчасига теранлик, эластиклик, мустаҳкамлик, қарама-қаршиликларни сезиш

каби хусусиятларни киритмоқда. Г.П. Антонова маҳсулотли фикрлашга турли хусусиятларни киритмоқда. Муаллифларнинг кўпчилиги ижодий фикрлаш учун фикрлашда устақиликка эга бўлиш муҳимдир.

Математик масалаларни ечишда интуиция муҳим аҳамиятга эга. Бу ерда интуиция бирдан хаёлга келган фикрдай «мувоффақиятли ғоя»дек намоён бўлади. Ечиш ғояси фараз, таҳлил қилиш, гипотеза шаклида пайдо бўлишига қарамай, олдин шаклланган билимлар, фаолият услублари (билиш ва кўникиш) масалада қўйилган шартлар хусусиятлар асосидаги янги боғланишларнинг муҳимлиги ечим асоси бўлиб хизмат қилади.

Ўқувчиларнинг масала ечиш жараёнини ўрганаётган Л.Л. Гуров ва З.И. Калмакова ва бошқа руҳшуносларнинг маълумотларига қараганда, кўрсатилган мулоҳазалар механизмнинг амалга оширилиши ўқувчининг аниқ тушунчаларни англаши, масалани ечиш услубларини ташкил қиладиган, уларнинг билиши ва кўникмаларнинг шаклланган даражасига боғлиқдир. Агар билим даражаси, фаолият услублари етарли даражада ривожланмаган бўлса, тахминлар киритишда, масалани ечиш гипотезаларни исботлаш ва асослашда ўқувчи хатоларга йўл қўяди, ёки бир қатор қийинчиликларга дуч келади.

З.И. Сленкань ўқувчилардаги масалани ечиш умумий билимларнинг шаклланмаганликларининг сабабларини қуйидагича таъкидлаб ўтади.

- 1) Масалани таҳлил қилишни билмаслик, масаланинг моҳиятига кира олмаслик, масала шартларида ифодаланган вазиятни тушуниб етмаслик;
- 2) Масалани ечиб бўлганидан кейин, ўқувчи томонидан қилинадиган ўз фаолиятининг таҳлили йўқлиги. Ушбу таҳлил масаланинг моҳиятни ажратиш олиш, бошқа масалаларни ечиш учун керак бўлган ахборотни олиш учун муҳимдир;
- 3) Масалани ечиш жараёнида ўқувчининг фикрлаш фаолиятини ўқитувчи томонидан етарли даражада бошқара олмаслик.
- 4) Масаланинг аҳамиятини аниқлашда, уларнинг таълим олишда етарличи эътибор бермаслиги.

Изланишимизда бизлар И.Я. Лернер ва М.Н. Скаткин ишлаб чиққан услублар туркумларига таянамиз. Ушбу туркумлашда услублар қуйидагиларга бўлинади:

- 1) тасвирли тушунтириш ёки рецентли ахборот услуби;
- 2) репродуктив (ёдда сақлаш, эслаш) услуби;
- 3) муаммоли ифодалаш услуби;
- 4) қисман изланиш услуби;
- 5) изланиш услуби;

Таълим услубларининг ушбу туркуми услубларини ёдга тушуриш ва мустақил фикрлаш фаолиятларининг нисбатига қараб бўлишга имконият яратади.

Геометрик масалани ечиш – бу жараёндир ва ўз ичига фикрлаш операцияси йиғиндиси, уларнинг ҳар хил бирикмаларини олади. Шунинг учун геометрик масалаларни ечишга ўргатиш услубиёти ишланмаси психологик маълумотлар асосида мувоффақиятли ҳал бўлиши мумкин. Руҳшунослар қуйидаги саволларни ўз олдига қўйишлари мумкин:

1. Масалани ечиш жараёнидаги ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш психологиясининг хусусиятларини қандай ўрганиш мумкин?
2. Ушбу ўрганишлардан фойдаланган ҳолда масалани ечишга ўргатиш услуби ҳақидаги назарияни қандай тузиш мумкин?

Ҳулоса қилиб шуни айтиш жоизки, тасвирли тушунтириш услуби учун тайёр билимлар ва фаолият услубларини эслаш (ёдда сақлаш) киради. Муаммоли ифодалаш услуби эса мустақил фикрлаш элементларининг бирга кўшилиб келиши ва аниқ билимларни ёдда сақлашни ўз ичига олади. Қисман изланиш услубида ижодий фикрлаш ва ёдда сақлаш элементлари кўшилиб келади. Изланиш услуби эса ижодий фаолиятни тахмин этади.

Фойдаланилган адабиётлар

7. Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.– Тошкент : Ўзбекистон, 2016. - 56 б.
8. Таштемиров Д.Е., Абдураимов Д.Е., Джумабаева Я.Э. «СОВРЕМЕННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СИСТЕМЫ ТЕСТИРОВАНИЯ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ». Вестник Гулистанского государственного университета 2018.4 (2018): 39-46.
9. Кулмаатов, С. И., Абдураимов, Д. Э., Норматова, М. Н., & Монасипова, Р. Ф. (2021). УГРОЗЫ В ИНТЕРНЕТЕ И СПОСОБЫ ИХ УСТРАНЕНИЯ. Экономика и социум, (7), 351-356.
10. Нуркулов, Ж. А. Ў. (2022). МОДЕЛИРОВАНИЕ ПРОЦЕССА ПЕРЕДАЧИ ДАННЫХ ПО ПРОТОКОЛАМ В КОРПОРАТИВНОЙ СЕТИ. Science and innovation, 1(A3), 158-163.
11. Т.Толаганов “Математика ўқитиш методикаси” (маърузалар тўплами) ТДПУ 2001 йил.
12. Ф.Сайдалиева, Н.Ешпўлатов “Математика ўқитиш методикаси” дан лаборатория машғулоти (методик қўлланма) 2007 йил.

TRIGONOMETRIK VAZNLI OPTIMAL KVADRATUR FORMULALARNING NORMASI

Bozarov B.I., Xatamova D.I.

Farg'ona politexnika instituti

Quyidagi

$$\int_0^1 \sin(2\pi\omega x)\varphi(x)dx \cong \sum_{\beta=0}^N C_s[\beta]\varphi[\beta] \quad (1)$$

kvadratur formulaga mos keluvchi

$$\ell_s(x) = \varepsilon_{[0,1]}(x)\sin(2\pi\omega x) - \sum_{\beta=0}^N C_s[\beta]\delta(x - [\beta]) \quad (2)$$

xatolik funksionallarni normasi kvadratini umumiy ko'rinishi topiladi. Bu yerda, $C_s[\beta]$ lar (1)

optimal kvadratur formulalarning koeffitsientlari, $[\beta] = h\beta$, $h = \frac{1}{N}$, N - natural son. bu yerda

$\varepsilon_{[0,1]}(x)$ bu $[0,1]$ kesmaning xarakteristik funksiyasi, $\delta(x)$ Dirakning delta – funksiyasi. Bundan tashraqi, (1) kvadratur formulaga mos keluvchi (2) xatolik funksionai quyidagi shartlarni ham bajarishi talab etiladi

$$(\ell_s, x^\alpha) = 0, \quad \alpha = 0, 1, \dots, m-1.$$

Yuqoridagilardan ko'rish mumkinki (1) ko'rinisdagi optimal kvadratur formula $(m-1)$ – darajali ko'phadlarga aniq.

$L_2^{(m)}(0,1)$ fazodagi (1) kvadratur formulaga mos keluvchi, $L_2^{(m)*}(0,1)$ qo'shma fazoga tegishli (2) xatolik funksionali normasining kvadrati quyidagicha

$$\|\ell_s\|_{L_2^{(m)*}}^2 = (-1)^m \left(\sum_{\beta=0}^N \sum_{\gamma=0}^N C_s[\beta]C_s[\gamma] \frac{|[\beta]-[\gamma]|^{2m-1}}{2 \cdot (2m-1)!} - 2 \sum_{\beta=0}^N C_s[\beta] \int_0^1 \sin(2\pi\omega x) \frac{|x-[\beta]|^{2m-1}}{2 \cdot (2m-1)!} dx + \int_0^1 \int_0^1 \sin(2\pi\omega x) \sin(2\pi\omega y) \frac{|x-y|^{2m-1}}{2 \cdot (2m-1)!} dx dy \right).$$

CHIZIQLI TENGLAMALAR SISTEMASININI MATEMATIK PAKETLARDA YECHISH

Ko'paysinova Z.Sh., Topvoldiyev M.A.

Farg'ona politexnika instituti

Kompyuterli matematika sistemalari (KMS) yoki matematik paketlar matematikaning turli masalalarni yechishda keng qo'llaniladi. Hozirgi vaqtda KMSlarning turli variantlari yaratilgan: *Maple, MathCAD, MatLAB, Mathematica, Direve*. Chiziqli tenglamalar sistemasini bu KMSlardan birinchisida, ya'ni Maple matematik paketida yechishni ko'rib chiqamiz.

$Ax=b$ tenglamalar sistemasi Maple paketida ikki usuldan biri bilan yechilishi mumkin.

1-usul: solve komandasi bilan.

Bu komanda bilan (5.1) ko'rinishda berilgan chiziqli tenglamalar sistema yechiladi.

$$1\text{-misol. } \begin{cases} 2x + 6y + 5z = 0, \\ 2x + 5y + 6z = -4, \\ 5x + 7y + 8z = -7 \end{cases} \text{ tenglamalar sistemasini yeching.}$$

Yechish.

> **eq:={2*x + 6*y + 5*z = 0, 2*x + 5*y + 6*z = -4, 5*x + 7*y + 8*z = -7};**

> **solve {eq, {x,y,z}};**

$$\{x=-1,y=2,z=-2\}$$

2-usul: linsolve(A,b) komandasi bilan.

Bu komanda bilan **linalg** paketidan $Ax=b$ tenglamaning yechimi topiladi.

Bunda komandaning argumenti: **A** -matritsa; **b** - vektor.

$$2\text{-misol. } \begin{cases} 2x + 7y + 13z = 0, \\ 3x + 14y + 12z = 18, \\ 5x + 25y + 16z = 39 \end{cases} \text{ tenglamalar sistemasini Gauss usuli bilan, Kramer formulalari}$$

bilan matritsalar usuli bilan yeching.

Yechish.

1) Sistemani Gauss usuli bilan yechamiz:

> **with(LinearAlgebra):**

$$A := \langle\langle 2,3,5 \rangle \mid \langle 7,14,25 \rangle \mid \langle 13,12,16 \rangle \rangle; \quad A := \begin{bmatrix} 2 & 7 & 13 \\ 3 & 14 & 12 \\ 5 & 25 & 16 \end{bmatrix}$$

$$> \mathbf{b} := \langle 0,18,39 \rangle; \quad b = \begin{bmatrix} 0 \\ 18 \\ 39 \end{bmatrix}$$

$$> \mathbf{GaussianElimination}(A); \quad \begin{bmatrix} 2 & 7 & 13 \\ 0 & \frac{7}{3} & -\frac{15}{3} \\ 0 & 0 & -\frac{3}{7} \end{bmatrix}$$

$$> \mathbf{GaussianElimination}(A, \text{'method'='FractionFree'}); \quad \begin{bmatrix} 2 & 7 & 13 \\ 0 & 7 & -15 \\ 0 & 0 & -3 \end{bmatrix}$$

$$\text{>ReducedRowEchelonForm}(\langle A|b \rangle); \begin{bmatrix} 1 & 0 & 0 & -4 \\ 0 & 1 & 0 & 3 \\ 0 & 0 & 1 & -1 \end{bmatrix}.$$

Demak,

$$x := K 4 \quad y := 3 \quad z := K 1$$

2) Sistemani Kramer formulalari bilan yechamiz:

> with(Student[LinearAlgebra]):

> d := <<2,3,5>|<7,14,25>|<13,12,16>>;

$$\text{> d:=Determinant(d); } d = \begin{vmatrix} 2 & 7 & 13 \\ 3 & 14 & 12 \\ 5 & 25 & 16 \end{vmatrix}$$

$$d := K 3$$

> dx1 := <<0,18,39>|<7,14,25>|<13,12,16>>;

$$\text{> d1:=Determinant(dx1); } dx1 = \begin{vmatrix} 0 & 7 & 13 \\ 18 & 14 & 12 \\ 39 & 25 & 16 \end{vmatrix}$$

$$d1 := 12$$

> dx2 := <<2,3,5>|<0,18,39>|<13,12,16>>;

$$\text{> d2:=Determinant(dx2); } dx2 = \begin{vmatrix} 2 & 0 & 13 \\ 3 & 18 & 12 \\ 5 & 39 & 16 \end{vmatrix}$$

$$d2 := K 9$$

> dx3 := <<2,3,5>|<7,14,25>|<0,18,39>>;

$$\text{> d3:=Determinant(dx3); } dx3 = \begin{vmatrix} 2 & 7 & 0 \\ 3 & 14 & 18 \\ 5 & 25 & 39 \end{vmatrix}$$

$$d3 := 3$$

> x:=d1/d;y:=d2/d;z:=d3/d;

$$x := K 4 \quad y := 3 \quad z := K 1$$

3) Sistemani matrilsalar usuli bilan yechamiz:

> with(Student[LinearAlgebra]):

$$\text{> A := <<2,3,5>|<7,14,25>|<13,12,16>>; } A = \begin{pmatrix} 2 & 7 & 18 \\ 3 & 14 & 12 \\ 5 & 25 & 16 \end{pmatrix}$$

$$> \mathbf{A}^{(-1)}; \begin{pmatrix} \frac{76}{3} & -\frac{213}{3} & -\frac{98}{3} \\ -\frac{12}{3} & -\frac{33}{3} & -\frac{15}{3} \\ \frac{3}{3} & \frac{3}{3} & \frac{3}{3} \\ -\frac{5}{3} & \frac{15}{3} & -\frac{7}{3} \\ -\frac{3}{3} & \frac{3}{3} & -\frac{3}{3} \end{pmatrix}$$

$$> \mathbf{B} := \langle\langle 0, 18, 39 \rangle\rangle; \quad B := \begin{pmatrix} 0 \\ 18 \\ 39 \end{pmatrix}$$

$$> \mathbf{X} := \mathbf{A}^{(-1)} \cdot \mathbf{B}; \quad X := \begin{pmatrix} -4 \\ 3 \\ -1 \end{pmatrix}$$

linsolve(A,b) komandaning argumenti sifatida mos ravishda **A** va **B** matritsalar olinsa, bu komanda bilan $AX = B$ matritsaviy tenglama yechimini ham topish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Claudio Canuto, Anita Tabacco. Mathematical Analysis I. Sprinder-Verlag Italia, Milan 2008.
2. Soatov Yo.U. Oliy matematika . I - jild, T.O'qituvchi, 1992.
- 3.

AN'ANAVIY TA'LIM MODELLARI

Mallaboyev N.M. – katta o'qituvchi

Nazarova Sh.Sh. – o'qituvchi

Murodullayev R.N., Nazarova G.Sh. – talabalar

Namangan muhandislik qurilish instituti

Ta'lim haqida turli nazariyalar mavjud. Ba'zi nazariyalar ta'limni jamiyatning ijtimoiy-iqtisodiy tuzilishiga bog'liq bo'lmagan hodisa sifatida baholasalar, ba'zilar ta'limning sinfiy xarakterga ega ekanligini, u jamiyatning har bir a'zorida muayyan siyosiy, falsafiy, ahloqiy, huquqiy qarashlarni shakllantirish maqsadi sari qaratilganligini ta'kidlaydi. Ta'limning maqsadi ob'yektiv hayot talablariga muvofiq holda o'zgarib borгани kabi, ta'limning xarakteri, yo'nalishi ham uning maqsadiga muvofiq o'zgarib boradi. Ta'lim dialektik tarzda taraqqiy etib boradigan ichki ziddiyatlar jarayonidir. Ta'lim bilish qobiliyatlari, his-tuyg'ular, idrok, shaxsni tarkib toptiruvchi kuchli omildir. Ta'lim jamiyat qurilishining muhim muammolarini hal qilish — jamiyatning moddiy-texnika bazasini yaratish, ijtimoiy munosabatlarni tarkib toptirish, yangi kishini tarbiyalashga yordam beradi. Shunday maqsadlarni amalga oshirish uchun ta'lim turlaridan samarali foydalanish maqsadga muvofiqdir. An'anaviy ta'lim-bu o'qituvchi ishi, asosan, talabalarga tayyor shaklda uzatiladigan va assimilyatsiyani ko'paytirishga mo'ljallangan bilimlar va harakatlar usullari bilan bog'liq bo'lgan ta'limdir; o'qituvchi-o'quv jarayonidagi yagona tashabbuskor shaxs. An'anaviy o'rganish asosan reproduktivdir.

An'anaviy ta'limning o'ziga xos xususiyatlari:

Taxminan bir xil yoshdagi va tayyorgarlik darajasidagi o'quvchilar guruhi tashkil qilinadi, bu butun o'qish davrida doimiy bo'lib qoladi;

Guruh jadvalga muvofiq yagona yillik reja va dastur asosida ishlaydi. Natijada, ta'lim oluvchi yiliga bir vaqtning o'zida va kunning oldindan belgilangan soatlarida ta'lim muassasasiga kelishi kerak;

Faoliyatning asosiy bo'limi darsdir;

Dars, qoida tariqasida, bitta o'quv faniga, mavzusiga bag'ishlangan bo'lib, bunda ta'lim oluvchi bitta material ustida ishlashadi;

Ta'lim oluvchining ishini o'qituvchi nazorat qiladi: u o'z fanidan olib borilgan tadqiqotlar natijalarini, har bir o'quvchining tayyorgarligini individual baholaydi va o'quv yili oxirida talabalarni keyingi sinfga o'tkazishga qaror qiladi;

O'quv kitoblari asosan uy vazifalari uchun ishlatiladi.

An'anaviy mashg'ulotning shubhasiz ustunligi bu qisqa vaqt ichida katta hajmdagi ma'lumotlarni uzatish qobiliyatidir. Ushbu turdagi mashg'ulotlar bilan talabalar o'zlarining haqiqatlarini isbotlash usullarini oshkor qilmasdan tayyor bilimlarni o'rganadilar. Bundan tashqari, u bilimlarni o'zlashtirish va takrorlashni va ularni o'xshash vaziyatlarda qo'llashni o'z ichiga oladi. Ushbu turdagi o'qitishning muhim kamchiliklari orasida uning diqqatini fikrlashga emas, balki xotiraga ko'proq saqlab qolishga qaratilganligidir. Ushbu trening shuningdek ijodiy qobiliyatlarni, mustaqillikni, faollikni rivojlantirishga ozgina hissa qo'shadi. Eng tipik vazifalar quyidagilardan iborat: kiritish, ajratib ko'rsatish, tagiga chizish, eslab qolish, takrorlash, misol orqali hal qilish va hokazo. O'quv jarayoni ko'proq reproduktiv xususiyatga ega, natijada o'quvchilar kognitiv faoliyatning reproduktiv uslubini rivojlantiradilar. Shuning uchun u ko'pincha "xotira maktabi" deb nomlanadi.

An'anaviy ta'lim hozirgi kungacha ta'limning eng keng tarqalgan an'anaviy variantidir. An'anaviy o'qitish o'z mazmuniga (an'analariga) ega va o'ziga xos an'anaviy printsiplar va usullarga ega, o'ziga xos an'anaviy o'qitish texnologiyasiga ega. An'anaviy mashg'ulotning asosiy afzalligi - qisqa vaqt ichida katta hajmdagi ma'lumotlarni uzatishdir. Bunday mashg'ulotlar bilan talabalar o'zlarining haqiqatlarini isbotlash usullarini ochmasdan turib, tayyor bilimlarni o'rganadilar. Bundan tashqari, u bilimlarni o'zlashtirish va takrorlashni va ularni o'xshash vaziyatlarda qo'llashni o'z ichiga oladi. Ushbu turdagi o'qitishning muhim kamchiliklari orasida uning diqqatini fikrlashga emas, balki xotiraga ko'proq bag'ishlash mumkin. Ushbu trening shuningdek ijodiy qobiliyatlarni, mustaqillikni, faollikni rivojlantirishga ozgina hissa qo'shadi.

An'anaviy ta'lim modellari quyidagilar:

O'quv yili (semestri) boshida dars jadvallari belgilanadi, fanlar bo'yicha kirish darslari o'tiladi.

Bunda talabalarga fanning tuzilishi, nazorat tizimi, adabiy manbalar va uslubiy maslahatlar beriladi.

Semestr davomida ma'ruza, amaliy mashg'ulotlar, laboratoriya mashg'ulotlari, kurs va diplom ishlari, referatlar, nazorat ishlari shaklida mashg'ulotlar bo'ladi.

Semestr oxirida o'zlashtirilgan bilimlar baholanadi.

Bunday o'qish usuli dastlabki oliy ta'limni olayotgan yosh talabalarga juda mos keladi. Lekin, bu usul, kun bo'yi ishda bo'ladigan, universitetga kelishga imkoni mavjud bo'lmagan, katta yoshli, qo'shimcha ta'lim olishni hohlovchi va malakasini oshiruvchi, uzoq masofada yashovchi, sirtidan o'qishni hohlaydigan talabalar uchun biroz noqulay hisoblanadi. Internet paydo bo'lishi bilan an'anaviy ta'lim elektron ko'rinishga o'tdi. Bunday tizimda talaba to'liq Internet orqali o'qiydi. Talaba deyarli universitetga kelmaydi, faqat yakunida baho olish uchun keladi. Bunday o'qish modeli katta yoshli, uzoq masofadan kelgan talabalar uchun juda qulay. Ta'lim tizimida masofadan o'qitish uslubi shakllari qo'llanilmoqda. Masofadan o'qitish uslubi bu an'anaviy o'qishning yangi shaklidir. Masofadan o'qitish bu mustaqil o'qishdir. Mustaqil o'qish insonning mustaqil fikrlash, holatni baholash, xulosa va bashorat qilish qobiliyatlarini rivojlantiradi. Masofadan o'qitishning yana bir afzalligi shundaki, unda o'quvchi o'ziga qulay vaqtda va hattoki ishdan ajralmagan holda o'qishi mumkin. Aynan shu afzalliklari tufayli bu uslub dunyoda hozirgi kunda keng tarqalgan. Ko'pgina yirik korxonalar mutaxassislari malakasini oshirish yoki o'zgartirish uchun shu uslubdan foydalanib, yiliga millionlab dollarlarni tejamoqdalar. Masofadan o'qitishning yana bir afzallik tomoni unda o'qish muddatini o'quvchi o'zi belgilaydi, ya'ni talaba ixtiyoriy paytda o'qishni boshlaydi, materiallarni o'qituvchi nazoratida o'zlashtiradi. O'zlashtirish topshiriqlarni, testlarni bajarishiga qarab aniqlanadi. O'quvchi berilgan programmani qanchalik tez o'zlashtirsa, shunchalik tez o'qishni tugatadi va guvohnoma oladi. Programmani o'zlashtira olmasa, unga mustaqil ishlab, o'qishni davom ettirishga imkoniyat beriladi. Ushbu uslubning ko'plab afzallik tomonlari borligi ko'pchilikka ayon. Barcha oliy o'quv yurtlarida masofadan o'qitish texnika va texnologiyasini amalga oshirish borasida qator ishlar olib borilmoqda. Axborot

texnologiyalarni rivojlanishi masofadan o'qitishni tashkil etishga yangicha yondashuvni taqozo etadi. Masofadan o'qitishni tashkil etishni hozirgi zamon modellarining asosida kommunikatsiya va tarmoq texnologiyalari yotadi. Masofadan o'qitish asosida ta'lim berish uchun o'qish istagida bo'lgan aholining muayyan qismini ta'lim muassasasi joylashgan yerga yig'ish shart emas. Ikkinchidan, tinglovchi yoki o'quvchi tomonidan ortiqcha sarf - xarajat qilish zarurati bo'lmaydi. Uchinchidan, bu ta'lim turiga jalb qilinuvchilarning yosh cheklanishlarini istisno qilish mumkin. Masofadan o'qitishga jalb qilinuvchi kontingentni quyidagi ijtimoiy guruhlarga mansub bo'lgan shaxslar tashkil qilishi mumkin:

Ikkinchi oliy yoki qo'shimcha ma'lumot olish, malaka oshirish va qayta tayyorgarlik o'tash istagida bo'lganlar;

Mintaqaviy hokimiyat va boshqaruv rahbarlari ;

An'anaviy ta'lim tizimining imkoniyatlari cheklanganligi sababli ma'lumot ololmagan yoshlar;

O'z ma'lumot maqomini zamonaviy talablar darajasiga ko'tarish istagida bo'lgan firma va korxonalar xodimlari;

Ikkinchi parallel ma'lumot olishni xohlagan tinglovchilar;

Markazdan uzoqda, kam o'zlashtirilgan mintaqalar aholisi;

Erkin ko'chib yurishi cheklangan shaxslar;

Jismoniy nuqsonlari bo'lgan shaxslar;

Harbiy xizmatda bo'lgan shaxslar va boshqalar.

O'zbekiston sharoitida masofadan o'qitish ni tashkil qilish katta samara beradi. Hozirgi davrda ta'limning bu turidan keng miqyosda foydalanish lozim.

Elektron ta'limning an'anaviy ta'limdan farqli jihatlari quyidagilar:

Talabaga kamroq tushuntiriladi, talaba ko'proq mustaqil shug'ullanadi;

O'qituvchi va boshqa talabalar bilan muloqot cheklanmagan bo'ladi.

Asosiy muloqot vositalari—chat, forum va elektron pochta. Shuningdek, “virtual elektron sinf” ham mavjud.

O'qituvchi ma'ruza o'qishi, virtual seminarlar o'tkazishi mumkin.

Guruhli mashg'ulotlarga jiddiy e'tibor qaratiladi, chunki talaba o'zini kompyuterga mixlangandek his qilmasligi va hamkorlikda ishlash ko'nikmalarini egallashi kerak.

Fan materiallari interfaol shaklda: matn, audio, video shaklida beriladi, bu materiallar turli rasmlar, grafiklar, sxemalar, animatsiyalar, simulyatsiyalar, fotolar, manbalarga havolalar bilan to'ldiriladi;

Talabalarning bilimlari test topshirish, guruhli loyihalar ishlash, esse yozish, ma'ruza va referatlar yozish, nazorat ishlarini bajarish kabi shakllarda nazorat qilinadi;

Ma'lumot almashish tizimi – fayl jo'natish va qabul qilish shaklida bo'ladi. O'qituvchiga jo'natilgan ma'lumotlar yaxshilab tekshirilgandan so'ng, shaxsiy mulohazalar, tavsiyalar yoki baho shaklida qaytariladi. Elektron o'quv modeli ancha moslashuvchan hisoblanadi. Transport, vaqt, joy muammolari deyarli yo'q. O'quv materiali o'ta aniq tuzilgan bo'ladi (chunki talaba mustaqil ravishda o'zi shug'ullanadi). Agar topshiriqlar belgilangan muddatgacha topshirilmasa talaba o'qishdan haydaladi. O'zini o'zi nazorat qilish va o'z ishini tashkil qilish ko'nikmalari juda muhim. Asosan katta yoshlilar uchun tavsiya etiladi.

idagi o'tkazilgan har xil kurslar bo'lishi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ismoilov Ravshanjon Bakhridinovich, Mullabayev Baxtiyarjon Bulturbayevich, Mahmudova Nilufar Gulomjanovna, Usmonov Rustamjon Karimjanovich, and Bakhridinov Jahongir Ravshanjon o'g'li, “USE OF MODERN MARKETING RESEARCH IN THE CONTEXT OF MARKET DEVELOPMENT”, IEJRD - International Multidisciplinary Journal, vol. 5, no. Special Issue, p. 8, Oct. 2020.b

2. Mullabayev Baxtiyarjon Bulturbayevich, Mirzabdullayeva Gulnora, Inamova Guligavkhar. (2020). Analysis of Macroeconomic Indicators and Forecast of Scenarios of the Republic of

Uzbekistan. International Journal of Advanced Science and Technology, 29(11s), 04-12. Retrieved from <http://sersec.org/journals/index.php/IJAST/article/view/19921>

3. Mullabayev Baxtiyarjon Bulturbayevich, Inamova Guligavkhar, Umarova Gulchekhra. (2020). Issues Of Development Of Light Industry Enterprises Through Modern Management Mechanisms And Forecasting Of Corporate Structures On The Basis Of Vertical Integration Processes. International Journal of Advanced Science and Technology, 29(11s), 1975-1986. Retrieved from <http://sersec.org/journals/index.php/IJAST/article/view/21866>

4. Mullabayev Baxtiyarjon Bulturbayevich, Saydullaeva Saodat, Juraeva Umida, Nurullaeva Shakhnoza, & Shamsieva Feruza. (2020). MECHANISMS OF STATE INCENTIVES FOR LOGISTICS CENTERS TO ENSURE THE COMPETITIVENESS OF THE ECONOMY. International Engineering Journal For Research & Development, 5(5), 7. Retrieved from <http://iejrd.com/index.php/article/view/1117>

ARALASH TA'LIM AFZALLIKLARI

Mullabayev N.M. – katta o'qituvchi

Nazarova Sh Sh. – o'qituvchi

Murodullayev R.N., Nazarova G.Sh. – talabalar

Namangan muhandislik qurilish instituti

Aralash ta'lim (Blended learning) - bu kompyuter grafikasi, audio va video, interfaol elementlar va boshqalar kabi maxsus axborot texnologiyalaridan foydalanadigan elektron o'qitish elementlari bilan sinfda o'qitishning an'anaviy shakllarining kombinatsiyasi. Aralash o'qitish (Blended learning) - onlayn o'quv materiallari hamda o'qituvchi rahbarligida guruhda ta'lim olishga asoslangan o'qitish shakli. Ushbu shakldagi o'qitish jarayonida talaba mustaqil ta'lim oladi, ammo ayni vaqtda unga guruh va o'qituvchi tomonidan yordam ko'rsatiladi. Guruhli mashg'ulotlar davomida aralash o'qitish "blended learning"ning qo'llanilishi tufayli har bir talaba o'quv materiallarini o'zlashtirish borasida o'zida ro'y berayotgan ijobiy o'zgarishlarni namoyon etgan holda muloqot ko'nikmalarini o'zlashtirib boradi, o'tilgan materiallarni takrorlaydi va yangi mavzuni o'rganishga tayyorlanadi. Aralash o'qitish (Blended learning) ko'p holatlarda topshiriqlarga tayanadi va asosiy, muhim ma'lumotlar negizida tashkil etiladi, qo'shimcha materiallar esa talabaga onlayn platforma orqali uzatib beriladi. Talaba mustaqil ta'lim olar ekan, guruhning boshqa a'zolari bilan onlayn rejimda tashkil etilayotgan muhokamada ishtirok etish orqali hamkorlik qiladi. Auditoriyada va onlayn rejimda tashkil etilayotgan mashg'ulotlar vaqt miqdori bo'yicha o'zaro mos kelishi turlicha o'zgarib turishi mumkin. Ta'limning turli bosqichlarida masofaviy va mustaqil ta'lim samarali ravishda qorishtirib yuboriladi.

Blended learning metodik yutuqlari va afzalliklariga quyidagilarni kiritish mumkin:

- Dars jadvalni qulayligi. O'quvchi o'ziga ma'qul bo'lgan vaqtda o'quv jarayoniga qatnashishi mumkin.
- Qulay foydalanish manzillari. O'quvchi internet kafe, uy, mexmonxona, ish joyida va boshqa joylardan o'quv jarayoniga qatnashishi mumkin.
- Qulay o'qish tempi. Ta'lim, o'quvchilar yangi bilimlarni tushunish tempida o'tkaziladi.
- Qulay o'quv reja. O'quv rejani talabalarga individual va davlat ta'lim talablariga mos holatda tashkil qilish mumkin.
- Ma'lumotlar bazasini to'planishi. Oldingi o'qigan talabalar bilimlarini to'plash va undan foydalanish imkoniyati.
- Kurgazmali qulayliklari. Multimediya imkoniyatlaridan to'liq foydalanish imkoniyati.
- Malakali o'qituvchilarni tanlab ta'lim jarayoniga jalb qilish.
- O'quv resurslaridan kuniga 24 soat foydalanish imkoniyati
- Ta'lim harajatlarini nisbatan kamligi

Ammo masofaviy ta'limning salbiy tomonlari ham borligi haqida aytish lozim.

Ularga quyidagilarni kiritishimiz mumkin:

- O'qituvchi bilan jonli muloqotning yo'qligi. Ushbu sababdan talabalar asosan virtual holatdagi ta'lim turida emas, balki oddiy (kunduzgi va sirtqi) ta'lim turlarida o'qish istagida bo'lishadi.
- Davlat masofaviy ta'lim standartlari yo'qligi va natijada davlat nusxasidagi diplom berilmasligi. Shu sababdan ko'pgina masofaviy ta'lim kurslari bitiruvchilariga faqat ushbu kursni bitirganligi haqida sertifikat yoki guvoxnomalar berishadi.
- Virtual muhit va texnika ta'minot bilan bog'liqligi. Masofaviy ta'lim internet borligi, undan foydalanish narxi, tezligi va servislar mavjudligiga, maxsus kommunikatsion texnikalar mavjudligi va ular ishlashiga taalluqli.
- O'quv vositalaridan samarasiz foydalanish resurslarning isrof qilinishiga olib kelishi mumkinligi
- Talabalar texnologiya haqida asosiy bilimga ega bo'lishlari va o'rganish istagi bo'lishi kerakligi
- Yuqori texnologiyalar texnik xizmat ko'rsatishda ancha qimmatligi

Masofaviy ta'lim nuqtai nazaridan aralash model o'quv jarayonini amalga oshirishda ko'proq moslashuvchanlikni (erkinlikni) ta'minlaydi. Moslashuvchanlik o'quv jarayonining bir necha jihatlarini o'z ichiga oladi. Birinchidan, o'qituvchi o'quv materiallarini taqdim etishda ko'proq erkinlikka ega. Endi u dars paytida barcha materiallarni tarqatishga majbur emas. O'qituvchi barcha materiallarni ikkiga ajratish imkoniyatiga ega, aytaylik, dars davomida berish uchun, boshqasini esa talabalar tarmoqdagi mustaqil ish yoki Internetdagi boshqa manbalar orqali olishlari mumkin. Ikkinchidan, aralashtirilgan ta'lim o'qituvchilarga monitoring va baholashda ko'proq moslashuvchanlik va erkinlikni beradi. O'qituvchi onlayn test, post topshiriqlari va testlarni va hatto semestr oxirida yakuniy testni o'tkazish imkoniyatiga ega. Bunday imkoniyat o'qituvchi uchun ham, talabalar uchun ham yaxshi. O'qituvchi o'quvchilarning faoliyatini baholashga ko'proq vaqt ajratadi va talabalar o'zlarining topshiriqlari bo'yicha istalgan joydan, darsga kelmasdan ishlashlari mumkin. Aralashtirilgan ta'lim jarayonida o'qituvchilar xatti-harakatlarni nazorat qila olmaydilar va bunday qilmasliklari kerak. Albatta, ular uzoqlashmaydilar, ular murabbiylar, menejerlar, murabbiylar va ba'zan o'qituvchilar. Aralash ta'lim juda mashhur bo'lib kelmoqda. Zamonaviy talabalar allaqachon fanning asosiy kursiga hamroh bo'ladigan onlayn komponent mavjudligi uchun tuzilgan. Aralash kursning elektron tarkibiy qismlarining xilma-xilligi o'quv materiallarini qulay va qiziqarli ko'rinishda taqdim etish uchun yangi imkoniyatlarni ochib beradi. Moslashuvchanlik va o'zgaruvchanlik printsiplari asoslangan yuqori sifatli tillarni o'qitishni amalga oshirish uchun kompyuter vositalarining imkoniyatlari talabalarga mustaqil ravishda mavzuni o'rganishning traektoriyasini aniqlashga imkon beradi. Bugungi kunda bolalar doimiy ravishda axborot oqimida o'smoqdalar, va o'qitish usullari ularni savollarni shakllantirish va keyin bu savollarga javob topish qobiliyatini qadrlaydigan dunyoda hayotga tayyorlash uchun ularni "chuqur qazishga" undashi kerak. Buni qanday qilishni bilmaydigan yoshlarni kim ishga oladi? Bu an'anaviy ta'lim tizimiga xos bo'lgan stereotiplarni yo'q qilishga yordam beradigan keng ko'lamlı strategiya. Bu o'qituvchilarga talabalarga ilgari imkonsiz bo'lgan yo'llar bilan erishish imkoniyatini beradi. Ammo bu ishlashi uchun maktab rahbarlari aralashtirilgan ta'lim yoki texnologiyadan boshlamasliklari kerak, ular aralashtirilgan ta'limning barcha imkoniyatlarini yuzaga chiqarish uchun puxta loyihalash jarayonidan boshlashlari kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ismoilov Ravshanjon Bakhriddinovich, Mullabayev Baxtiyarjon Bulturbayevich, Mahmudova Nilufar Gulomjanovna, Usmonov Rustamjon Karimjanovich, and Bakhriddinov Jahongir Ravshanjon o'g'li, "USE OF MODERN MARKETING RESEARCH IN THE CONTEXT OF MARKET DEVELOPMENT", IEJRD - International Multidisciplinary Journal, vol. 5, no. Special Issue, p. 8, Oct. 2020.b
2. Mullabayev Baxtiyarjon Bulturbayevich, Mirzabdullayeva Gulnora, Inamova Guligavkhar. (2020). Analysis of Macroeconomic Indicators and Forecast of Scenarios of the Republic of Uzbekistan. International Journal of Advanced Science and Technology, 29(11s), 04-12. Retrieved from <http://sersec.org/journals/index.php/IJAST/article/view/19921>
3. Mullabayev Baxtiyarjon Bulturbayevich, Inamova Guligavkhar, Umarova Gulchekhra. (2020). Issues Of Development Of Light Industry Enterprises Through Modern Management Mechanisms

And Forecasting Of Corporate Structures On The Basis Of Vertical Integration Processes. International Journal of Advanced Science and Technology, 29(11s), 1975-1986. Retrieved from <http://sersec.org/journals/index.php/IJAST/article/view/21866>

4.. Mullabayev Baxtiyarjon Bulturbayevich, Saydullaeva Saodat, Juraeva Umida, Nurullaeva Shakhnoza, & Shamsieva Feruza. (2020). MECHANISMS OF STATE INCENTIVES FOR LOGISTICS CENTERS TO ENSURE THE COMPETITIVENESS OF THE ECONOMY. International Engineering Journal For Research & Development, 5(5), 7. Retrieved from <http://iejrd.com/index.php/article/view/1117>

5 Ismoilov R. B., Mullabayev B. B., Abdulxakimov Z. T. Prospects For The Development Of A Tourist Route " Safed Broth Or Horn Jarir" //The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research.–2020.–Т. 2. – №. 08. – С. 38-44.

6. Ismoilov, R. B., Mullabayev, B. B., Abdulxakimov, Z. T., & Bakhriddino, J. R. O. (2020). The Essence Of Small Business And Private Entrepreneurship And The Theoretical Basis Of Its Development. The American Journal of Applied sciences, 2(08), 45-50.

7. Mullabaev, B. B., Vohidov, E., & Karimov, D. (2019). ROLE OF VERTICALLY INTEGRATED ENTERPRISES IN THE ECONOMY. Theoretical & Applied Science,(1), 85-90.

БЎЛАЖАК ИҚТИСОДЧИЛАРДА АНАЛИТИК ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ТАМОЙИЛЛАРИ

Назарова Г.А., Мамадалиев Н.И.

Фаргона политехника институти

Иқтисодий тафаккурнинг изчил ривожланиши назария ва амалиётнинг узвий боғлиқлигидан келиб чиқади. Айнан иқтисодий назария ва иқтисодий сиёсатнинг узвий боғлиқлигига эришиш иқтисодий маданият юксалишига ижобий таъсир қилади. «Миллий иқтисодий тафаккурнинг ривожланиши хусусий мулкчиликни эътироф этиш, миллий иқтисодиёт тармоқларида туб таркибий ўзгаришларни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар салмоғини ошириш билан бир қаторда мутахассис кадрларнинг халқаро миқёсда рақобатбардошликка қодир бўлган билимларни ўзлаштиришини талаб этади. Ҳозирги шароитда ёшларда янгича иқтисодий тафаккурни шакллантириш муҳим рол ўйнайди. Чунки иқтисодий тафаккур жамият аъзоларининг дунёқарашини шакллантиришда мустақил фикр юритиш, вазиятга кўра қарор қабул қилишни ўрганишига асос бўлади. Иқтисодий тафаккур иқтисодий фикрлаш, билимларнинг натижасидир. Иқтисодий тафаккур чегарани ҳис қилиш, меъёрни билиш, ҳисоб-китоб қилиш орқали хоҳиш, истак билан реал имкониятни таққослаб қарор қабул қилишда ифодаланади»¹.

Педагогик технологияни яратишнинг бир неча тамойиллари мавжуд:

- муайян дарс, мавзу, ўқув предметида кўзланган мақсадни шакллантириб олиш;
- умумий мақсаддан келиб чиқиб, дарсни ёки ўқув предмети модуларга ажратиб, ҳар бир модулдан кутилаётган мақсадни ва модулар ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар тизимини аниқлаб олиш;
- модуль ичида ечиладиган масалаларнинг ҳар бири бўйича тест саволларини тузиб чиқиш;
- мақсадлар аниқ бўлиб, тест ва саволлар тузилганидан кейин мақсадларга эришиш усуллари сақланиб, уларни ишлатадиган аниқ жойларини белгилаб олиш;
- тизимли ёндашув тамойилига биноан дарс қисмлари орасидаги зарурий боғлиқликларга ва фанлараро алоқаларга алоҳида эътибор қаратиш.

Олий таълимда бўлажак кадрларнинг аналитик тафаккур лаёқатини шакллантиришда амалда кенг қўлланиб келинаётган “Блиц-сўров”, “SWOT-таҳлил”, “Мунозара”, “ФСМУ”, “Интеллектуал дуэль”, “Фикрлар баҳси” каби интерфаол методлардан; “Фикрий ҳужум”, “Бумеранг”, “Зинама-зина” каби интерфаол

¹ Райзберг Б.А. Психологическая экономика: Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2019. В.78.

стратегиялардан; “Б-Б-Б”, “Концептуал жадвал”, “Венн диаграммаси”, “Инсерт”, “Кластер” каби график ташкилотчилар (органайзерлар) – умумпедагогик интерфаол таълим методларидан ўз ўрнида маҳорат билан фойдаланиши ижобий самара беради. Мисол учун, “SWOT-таҳлил” методи талабани мустақил фикр юритишга ундаши, тафаккур юритишга эҳтиёж, мотивация уйғота олиши билан характерланади.

Хулоса қилиб айтганда, бўлажак иқтисодчиларнинг аналитик тафаккури кўпроқ билими, ижтимоий фаоллиги, дунёқараши ва интеллектнинг ривожланиш уйғунлиги билан боғлиқдир. Шу боис уларнинг аналитик тафаккури юксак кадр сифатидаги камолотида иқтисодий соҳага оид фанларни тизимли ва изчил ўқитиш, таълим жараёнида билимлар билан бирга аналитик тафаккурини уйғунликда ривожлантириш юқори самара беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Nazarova, G. (2021). METHODS OF DIRECTING ECONOMICS TO SCIENTIFIC RESEARCH ACTIVITIES. *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS* (2767-3278), 2(06), 90-95.
2. Nazarova, G. (2021). Modern pedagogical factors for the development of analytical thinking in future economists. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 511-517.
3. Abdurahmonovna, N. G. (2022). Will Be on the Basis of Modern Economic Education Principles of Pedagogical Development of Analytical Thinking in Economists. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*, 6, 627-632.

MATEMATIKA FANINI O'QITISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN SAMARALI FOYDALANISH

Kuralov J.A. – o'qituvchi

Toshkent iqtisodiyot va pedagogika instituti

Аннотаси: Ushbu maqolada hozirgi kunda oliy ta'lim muassasalarida matematika fanini o'qitishda qo'llaniladigan dasturlar va texnologiyarni usullarga bog'lagan holda dars jarayonini tashkil qilish haqida yozilgan.

Калит со'злар: matematika, usullar, texnologiyalar, moodle, keys, loyiha.

Matematika va uning usullarini bilish zamonaviy mutaxassisni tayyorlash uchun zarur shartlardan biridir. Oliy ta'lim tizimida bitiruvchilarni tayyorlash darajasiga qo'yiladigan talablar matematika fanini har bir yo'nalishda o'qitilishi va o'rganilishi zamon talablaridan biridir. Hozirgi kunda universitetlar matematikani o'qitish jarayonini va uning qo'llanilishini tashkil qilishning mavjud yondashuvlarini o'zgartirishni o'z zimmalariga oladilar. O'qitishning asosiy yo'nalishi mutaxassislarni tayyorlashga yo'naltirilgan ta'lim jarayonining yo'nalishiga ham uzviy bog'liq.

Hozirgi vaqtda maktabning yuqori sinflarida matematikadan imtihonga maqsadli tayyorgarlik olib borilmoqda, bu tipik variantlarni yechishdan iborat. Oxir oqibat, maktab o'quvchilari uchun matematika mantiqiy fikrlashni shakllantirishga yordam bermaydigan bir qator amaliy masalalarni echish uchun alohida qismlar to'plami sifatida taqdim etilgan. Maktabda matematikani o'qitishning natijasi shundan iboratki, maktab o'quvchilari qanday fikrlash kerakligini unutyaptilar, ko'pchilik isbotlash, tahlil qilish, mantiqiy ko'nikmalarga ega emas.

Universitetlarda matematika 1-2 kurslarda o'rganiladi. O'qitish tajribasi shuni ko'rsatadiki, birinchi kurs talabalarining ko'pchiligida matematikani o'rganish motivatsiyasi past, mustaqil nazorat qilishni bilmaydi. Talabalar matematik tsikl fanlari bo'yicha darslarga muntazam ravishda qatnashmaydi.

Talabalar orasida darslarga kam qatnashish sabablarini aniqlash uchun anketa o'tkazildi. Darslarga kirmaslikning asosiy sabablari qatoriga quyidagilar kiradi: mavzuga qiziqishning yo'qligi, mavzularni tez o'rganish, katta hajmli yozuvlar, yozib olingan narsaning ma'nosini anglashga ulgurmaydigan narsalar, aniqlik yo'qligi, davomatning tartibsiz monitoringi. Bizning oldimizda savol tug'ildi: matematikani qanday qilib to'g'ri o'rgatish kerak, abituriyentlarning matematik

tayyorgarligi hozirda talab qilinadigan ko'p bo'lgan va auditoriya soatlari bo'lgan vaziyatda talabalarning motivatsiyasini kuchaytirish va o'quv faoliyatini nazorat qilishni o'rgatish.

Ta'limning an'anaviy shakli doirasida talabalarning motivatsiyasini oshirish imkoniyatlari cheklangan. Zamonaviy o'qitish usullari va texnologiyalaridan foydalanish talabalarning bilim mustaqilligini rivojlantirishga yordam beradi, ularni o'quv materialini o'zlashtirish darajasini oshirish, matematikaning boshqa fanlar bilan fanlararo aloqalarini o'rnatish, mashg'ulotlarni individualizatsiya qilish uchun imkoniyatlar yaratadi.

Texnologik universitetlar talabalariga matematikani o'qitishda qo'llaniladigan zamonaviy uslublar qatoriga quyidagilar kiradi: faol ma'ruzalar, interaktiv va faol amaliy mashqlar [5].

Zamonaviy texnologiyalarga quyidagilar kiradi: modulli yo'naltirilgan dinamik ta'lim tizimi Moodle, matematik paketlar MathCAD, MATLAB, Mathematica, Maple va MS Excel dasturi.

Faol ma'ruzalar tarkibiga muammoli ma'ruzalar va dialogli ma'ruzalar kiradi. Faol ma'ruzalar an'anaviy ma'ruzalar bilan birlashtirilishi kerak.

Muammoli ma'ruzaning an'anaviy darsdan farqi shundaki, yangi mavzular materialni taqdim etish jarayonida zarur bo'lgan muammoli savol yoki topshiriq yordamida kiritiladi. Talabalar munozarada qatnashadilar, muayyan echimlarni izlaydilar. Matematikaning amaliy mavzulari taqdimotida muammoli ma'ruzalar tez-tez ishlatiladi va talabalardan nazariy bazani bilishni talab qiladi. Dars jarayoniga ma'ruza-dialogga tayyorgarlik ko'rish uchun talabalar ma'ruza davomida to'g'ridan-to'g'ri javob berishga taklif qilinadigan bir qator savollarni o'ylab, tayyorlashlari kerak. Ma'ruza davomida savollar talabalarning ilgari olingan bilimlarini faollashtiradigan, talabalarning e'tiborini mavzuning asosiy jihatlariga qaratadigan, matematikaning o'rganilayotgan mavzulari va ixtisoslashtirilgan o'quv fanlari o'rtasidagi bog'liqlikni ko'rishga o'rgatadigan tarzda berilishi kerak [2].

Yangi mavzuni o'rganish boshlanishida ko'rib chiqilayotgan mavzuning dolzarbligini, tavsiya etilgan materialning amaliyot bilan bog'liqligini, tanlangan mutaxassislik bo'yicha kelajakdagi amaliy faoliyatda olgan bilimlarining qiymatini ko'rsatish kerak. Jarayonda quyidagilardan foydalanish kerak: ma'ruzalar, ko'rgazmali qurollar va o'quv qo'llanmalari. Materialning vizual taqdimoti o'quvchilar o'rtasida matematika kursi bo'limlari to'g'risida aniqroq tushuncha hosil qilishga yordam beradi [1].

Ma'ruzalarda talabalarni adabiyotga va darsliklar va o'quv qo'llanmalarining sifatiga yo'naltirish va shu bilan ularni mustaqil ishlashga yo'naltirish zarur. Universitetda matematika va uning o'rganadigan qismi, shu jumladan matematika tarixining asosiy darslari elementlari va matematikaning o'rganilgan bo'limlarini ixtisoslashtirilgan fanlar bilan aloqasi to'g'risida yaxlit tushuncha hosil qilish mumkin. Ma'ruzada o'rganilgan nazariy materiallarni mustahkamlash uchun interaktiv va faol amaliy mashg'ulotlar va ma'ruza bo'yicha talabalarning mustaqil ishlashlari zarur.

Interfaol amaliy mashg'ulotlarda loyiha usulidan foydalanish mumkin. Loyiha usuli - bu natijalarni majburiy taqdim etish bilan mustaqil harakatlar natijasida ma'lum bir muammoni hal qilishga imkon beradigan texnologiyalar to'plami [7]. Faol amaliy mashg'ulotlar muayyan real vaziyatning tavsifi bo'lgan va har xil turdagi ma'lumotlarni tahlil qilishni, ularni umumlashtirishni va belgilangan mezonlarga muvofiq mumkin bo'lgan echimlarni ishlab chiqishni o'rgatishga mo'ljallangan ish masalalaridan foydalangan holda mashg'ulotlarni o'z ichiga oladi. Keys metodining mohiyati shundan iboratki, bilimlarni o'zlashtirish va ko'nikmalarni shakllantirish talabalarning qarama-qarshiliklarni hal qilish bo'yicha faol faoliyati natijasidir, buning natijasida kasbiy bilim, ko'nikma, qobiliyatlarni ijodiy o'zlashtirish va fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirish mavjud. Keys muammolari haqiqiy faktik o'quv materialiga asoslangan bo'lishi va haqiqiy nazariy yoki amaliy vaziyatga yaqin bo'lishi kerak [3].

Moodle ob'ektiv yo'naltirilgan dinamik ta'lim tizimidan foydalanish, mustaqil ravishda tashkil etish imkoniyatlarini oshirish nuqtai nazaridan ta'lim jarayoni imkoniyatlarini kengaytirishga imkon beradi. Oliy ta'limning turli shakllarini qo'llab-quvvatlovchi tizimlar. Moodle-dan foydalanishning afzalligi har qanday mutaxassislik bo'yicha butun matematik kursning to'liq tarkibiy modelini elektron shaklda yaratish qobiliyatidir. Talabalarning topshiriqlari natijalariga ko'ra o'qituvchi baho qo'yishi va izoh berishi mumkin. Shunday qilib, Moodle shuningdek, o'quv

materialini yaratish va o'quv jarayoni ishtirokchilari o'rtasida interfaol o'zaro aloqani ta'minlovchi markazdir.

Ta'lim muhitini yaratishning asosiy bosqichlari matematikani Moodle-da o'qitish: tashkiliy bosqich (darsning referati, kurs ish dasturi loyihasi); materialni o'rganish bosqichi (nazariy materiallar, taqdimotlar, elektron o'quv qo'llanmalari); materialni aniqlash bosqichi ("Vazifa" elementi ishlatiladi, bu sizga imkon beradi: vazifani belgilash, olingan javoblarga baho berish, sharhlar va sharhlar qoldirish); boshqaruv va o'zini o'zi boshqarish bosqichi ("Sinov" elementi ishlatiladi, bu avtomatik baholashga imkon beradi, moslashuvchan sozlamalarga va individual testlarni avtomatik ravishda yaratish qobiliyatiga ega).

Birinchi yili matematikaning asosiy kursining birinchi darslaridan boshlab matematik to'plamlardan foydalanish kerak, so'ngra "Ehtimollar nazariyasi" kabi fanlarda davom ettirish kerak va matematik statistika, "Raqamli usullar". Matematik paketlardan foydalanish bir qator fanlarni o'rganishni to'ldiradi va kurs ishi va diplom loyihalariga sarflanadigan vaqtni qisqartiradi, chunki paketlar bir xil turdagi operatsiyalarni bajarish bilan bog'liq muntazam ishni minimallashtirishga imkon beradi [4]. Ularning yordami bilan siz ishni bajarishda ko'rinishni oshirishingiz, turli xil grafik ma'lumotlarni namoyish qilishingiz mumkin.

Shunday qilib, Oliy ta'lim muassasalari talabalariga matematikani o'qitishda qo'llaniladigan zamonaviy usullarga quyidagilar kiradi: muammoli ma'ruza, ma'ruza-dialog, loyiha usuli, amaliy tadqiqotlar yordamida trening. Zamonaviy texnologiyalarga quyidagilar kiradi: Moodle o'quv tizimi, matematik paketlar MathCAD, MATLAB, Mathematica, Maple va MS Excel dasturi. Keys vazifalaridan foydalanishning murakkabligi va matematikadan amaliy mashg'ulotlarda matematik to'plamlar - bu men-fan va ta'limning istiqbollari etishmasligi.

ADABIYOTLAR:

6. Kuralov, Y. A., (2022). Oliy talim muassasalarida oqitish texnologiyalarini innovatsion klaster usuli yordamida takomillashtirish. Academic research in educational sciences, 3(1), 679-685.

7. Kuralov, J. A., (2022). Двигател цилиндридаги газ оқимини сонли моделлаштириш. Механика va matematikaning amaliy muammolari, 2(3), 359-361.

8. Kuralov, J. A., (2022). Кўн ярим маҳсулотига механик ишлов берувчи машинанинг йўнувчи вали ҳаракат дифференциал тенгламаси. Yangi materiallar texnologiyasi, 4(1), 297-299

9. Kuralov, J. A., (2021). Моделирование течения жидкости в цилиндре со свободной поверхностью. Matematik fizik va matematik modellashtirishning zamonaviy muammolari, 1(2), 70-73.

10. Abdullayeva, U. T., (2022). Умумий ўрта таълим мактабларида қардош халқлар адабиётини қиёсий ўқитишнинг илмий - назарий асослари. Globallashuv davrida tilshunoslik va adabiyotshunoslik taraqqiyoti hamda ta'lim texnologiyalari, 1(1), 272 – 274.

11. Abdullayeva, U. T., (2021). Туысқан халықтар әдебиетін оқыту. Независимый казахстан: современный образовательный потенциал и достижения, 1(3), 9-11.

12. Abdullayeva, U. T., (2021). Учащихся школы «человек слова» понятие о технологии применения темы проходит резюме. Кластер педагогического образования: проблемы и решения, 1(2), 1181-1183.

FAN VA TA'LIMNING RIVOJLANISHINING ZAMONAVIY TENDENTSIYALARI

Kuralov Y.A. – katta o'qituvchi

Xakimova M.M. – talaba

Chirchiq davlat pedagogika universiteti

Zamonaviy jamiyatdagi ta'lim tizimi mamlakatda inson rivojlanishi uchun xizmat qilishi kerak. Buni amalga oshirish uchun, bizning fikrimizcha, quyidagi dolzarb muammolarni hal qilish kerak:

1. Ta'limning amaliy yo'naltirilganligini kuchaytirish, o'quv dasturlariga amaliy fanlarni ko'proq kiritish, o'quv jarayoniga amaliyotchi o'qituvchilarni ko'proq jalb etish, bu esa ta'limning amaliyotga yo'naltirilganligini kuchaytirish imkonini beradi.

2. Ta'lim tizimining texnologik tomonini imkon qadar saqlab qolish va rivojlantirish. Bu innovatsion iqtisodiyotni shakllantirish uchun mahalliy ilmiy-texnika ishlanmalarini jihozlash va ulardan foydalanish muammosini hal qilishga yo'naltirilganligini anglatadi.

3. Ijodkorlikni har tomonlama ochib, maktab bitiruvchilarining qiziqishi va faolligini qo'llab-quvvatlagan holda, abituriyentlar uchun oliy o'quv yurtlari tomonidan tayyorlangan imtihon bazasini yaratish yo'li bilan imtihon asosida talabalar bilimini xolis yakuniy baholashning boshqa shakllarini rivojlantirish.

4. Ta'lim muassasalari infratuzilmasini rivojlantirish va mehnatga haq to'lash uchun davlat byudjetidan qo'shimcha moliyaviy mablag'lar ajratilsin. Jumladan, tegishli mutaxassislik va ta'lim yo'nalishi bo'yicha professor-o'qituvchilar yaxshi maosh bilan rag'batlantirilsin.

5. Tarkibiy ishsizlik muammolarini hal qilish uchun kadrlar malakasini oshirish va qayta tayyorlash muassasalari infratuzilmasini kengaytirish va yangi dasturlar doimiy ravishda qo'shib borilishi nazoratga olinsin.

6. Oliy ta'limni xalqarolashtirish, o'qituvchilar va talabalarining harakatchanligini oshirish hamda kengroq tajriba almashish imkoniyatlarini ta'minlash orqali xalqaro ta'limni eng kerakli xususiyatlarini qo'shimcha kiritgan holda o'z dasturimizda qo'llash.

Ta'lim tizimi davlat ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishining asosiy ko'rsatkichlaridan biri hisoblanadi. Jahon miqyosida yetakchi o'rinni egallashga intilish bilan davlat aholining savodxonligi va bilim olishi, shu orqali mamlakatning yuksak intellektual salohiyatli inson salohiyatini shakllantirish haqida qator seminarlar o'tkazish kerak.

Zamonaviy dunyoda inson kapitalining ta'siri kuchayishi bilan birga iqtisodiyot va jamiyatning yangi sifatini shakllantirishning eng muhim omili sifatida ta'limning ahamiyati ortib bormoqda. Buning natijasida quyidagilarga talab kattadir.

1. Ta'limni insonparvarlashtirish – o'quvchi shaxsiga jamiyatning oliy qadriyati sifatida qarash, yuksak intellektual, axloqiy va jismoniy fazilatlarga ega fuqaroni shakllantirishga e'tibor qaratish. Bu tamoyil an'anaviy tamoyillardan biri bo'lishiga qaramay, ta'lim taraqqiyotining hozirgi bosqichida uning amalga oshirilishi boshqa shart-sharoitlar, birinchi navbatda, ta'lim tizimi faoliyatining an'anaviy va yangi tendensiyalarining murakkabligi bilan ta'minlanadi.

2. Individuallashtirish – oliy o'quv yurtlarida talabalar o'zi xohlagan o'qituvchilar bilan darsdan tashqari shug'ullanishi, ilmiy ish ustida izlanishlar olib borishi uchun talabalarni boshlang'ich yo'naltirish kerak. Bu tamoyilning amalga oshirilishi, eng avvalo, ta'limda shaxsiy-faollik yondashuvini tashkil etishda namoyon bo'ladi. Bolalarni tarbiyalash va o'qitishga bunday kompleks tizimli yondashuvning paydo bo'lishi pedagogika fanining tabiiyki rivojlanishi bilan bog'liq.

3. Demokratlashtirish – ta'lim jarayoni ishtirokchilarining (talabalar va o'qituvchilarning) faolligi, tashabbuskorligi va ijodkorligini rivojlantirish uchun zarur shart-sharoitlarni yaratish, ta'limni boshqarishga jamoatchilikni keng jalb etish va faollarni muntazam ravishda rag'abtlantirib borish zarur. Agar ta'lim ijtimoiy jamiyatning eng muhim instituti bo'lib, jamiyatni demokratlashtirishning asosiy vositasiga aylanishi kerakligidan kelib chiqadigan bo'lsak, biz jamiyatimiz demokratik bo'lishini istasak, bolani bolaligidanoq uning qo'lida bo'lgan chegaralar doirasida o'z ishlarini boshqarishga o'rgatishimiz va demokratik tartib-qoidalarining elementar

ko'nikmalarini, qarorlar qabul qilishda demokratik yondashuv, jamoatchilik bilan muloqot va hurmatni shakllantirishimiz kerak.

4. O'zgaruvchanlik yoki diversifikatsiya-ta'lim muassasalari bir vaqtning o'zida har xil turdagi ta'lim muassasalarini rivojlantirishni nazarda tutadi: gimnaziyalar, litseyalar, kollejlari, alohida fanlarni chuqur o'rganadigan maktablar. Bular ham davlat, ham nodavlat muassasalar bo'lishi mumkin. Unda ta'lim tizimidagi tarkibiy o'zgarishlarda namoyon bo'ladi.

5. Yaxlitlik-ta'lim tizimidagi tarkibiy o'zgarishlarda namoyon bo'ladi. Yuqori sifatli ta'lim va tarbiya faqat ta'lim tizimining barcha qismlarining real uzluksizligi sharoitidagina amalga oshirilishi mumkinligini anglash murakkab ta'lim muassasalarining (bog'cha-maktab, maktab-universitet va boshqalar) paydo bo'lishiga olib keladi.

6. Psixologiyani zamonaviy ta'lim jarayonida qo'llash. Bu nafaqat psixologiyaga ijtimoiy qiziqishning kuchayishini aks ettiradi, balki bugungi kunda pedagogik vazifalarni shakllantirishning o'zi o'zgarib borayotganini ko'rsatadi. Talaba va o'quvchilarni psixologik jihatdan qo'llash ularning o'z ustida ishlashiga ilhom beradi. O'qituvchining oldida o'quvchilarning bilim va ko'nikmalarini shakllantirish vazifasidan tashqari, bolaning ularni qabul qilishiga imkon beradigan aqliy qobiliyatlarni rivojlantirish vazifasi turibdi. Biroq bugungi kunda o'qituvchilarimizning psixologik tayyorgarlik darajasi bu muammoni muvaffaqiyatli hal etishga imkon bermayapti. Ushbu muammoni hal qilish uchun maxsus tadqiqotlar o'tkazish kerak, ularning natijalari pedagogika va psixologiyani amaliy bog'lanishini hozirgi tendentsiyasini yaxshiroq amalga oshirishga yordam beradi. Shu sababli, ta'lim muassasalariga o'qituvchi-psixolog lavozimi joriy etildi, bu esa vazifalarni hal qilishga yordam beradi.

7. Ta'lim berish jarayonida qiziqarli va foydali metodlardan foydalanish orqali o'quvchini jalb qilish kerak. Har bir dars boshqa darslardan farq qilishi va o'quvchilarni shu fanga qiziqtirishi zarur.

8. Standartlashtirish. Ta'lim mazmuni zamonaviy xalqaro ta'lim amaliyotiga xos bo'lib, ta'lim muassasasining turidan qat'i nazar, umumiy ta'limning yagona darajasini yaratish zarurati bilan bog'liq. Ta'limning davlat normasi sifatida qabul qilingan, ijtimoiy idealni aks ettiruvchi va shaxsning ushbu idealga erishish qobiliyatini hisobga oladigan asosiy parametrlar tizimi tushuniladi.

9. Raqamlashtirish ya'ni o'qitishning yangi modellarini yaratish va qo'llash va uning mazmunini o'zlashtirish samaradorligini (masalan, dasturlashtirilgan ta'lim) oshirish imkonini beruvchi yangi tizim yaratish va uni amalda qo'llash, sog'lig'i sababli ta'lim muassasalariga borish imkoniga ega bo'lmagan o'quvchilar uchun masofaviy ta'lim imkoniyatlarini sezilarli darajada kengaytirish ishlarini olib borish. O'qituvchi uchun kompyuter texnikasi uning mehnat quroli, o'quvchilar uchun ularni rivojlantirish vositasidir.

ADABIYOTLAR:

13. Kuralov, J. A., (2022). Кўн ярим маҳсулотига механик ишлов берувчи машинанинг йўнувчи вали ҳаракат дифференциал тенгламаси. Yangi materiallar texnologiyasi, 4(1), 297-299

14. Kuralov, J. A., (2021). Моделирование течения жидкости в цилиндре со свободной поверхностью. Matematik fizik va matematik modellashtirishning zamonaviy muammolari, 1(2), 70-73.

15. Abdullayeva, U. T., (2022). Умумий ўрта таълим мактабларида қардош халқлар адабиётини қиёсий ўқитишнинг илмий - назарий асослари. Globallashuv davrida tilshunoslik va adabiyotshunoslik taraqqiyoti hamda ta'lim texnologiyalari, 1(1), 272 – 274.

16. Abdullayeva, U. T., (2021). Туысқан халықтар әдебиетін оқыту. Независимый казахстан: современный образовательный потенциал и достижения, 1(3), 9-11.

17. Abdullayeva, U. T., (2021). Учащихся школы «человек слова» понятие о технологии применения темы проходит резюме. Кластер педагогического образования: проблемы и решения, 1(2), 1181-1183.

СОТРУДНИЧЕСТВО ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ И ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В ЕДИНОЙ ИНФОРМАЦИОННО- ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ СРЕДЕ.

Ниязова Н.А. – доцент

Акбаралиев С.К. – студент

Наманганский инженерно-строительный институт

В настоящее время в новых профессиональных учебных заведениях происходит ряд изменений в результате реформирования содержания, количества и качества образования, образовательных программ и технологий. В частности, особое значение в развитии системы целевой подготовки кадров и повышении качества образования имеет присоединение техникумов к высшим учебным заведениям, укрепление кооперации техникумов с производственными предприятиями. Эти процессы, в свою очередь, требуют дальнейшего усиления взаимной интеграции высших учебных заведений и профессионального образования.

В нашем исследовании мы сосредоточили внимание на процессах взаимного социального партнерства с непосредственным работодателем, т.е. профессиональными образовательными учреждениями, при подготовке будущих педагогов профессионального образования к педагогической деятельности.

Преимуществом и многоуровневостью образования, компетентностный подход, интеграция научно-образовательных процессов, использование современных информационно-образовательных технологий в подготовке будущих педагогов профессионального образования к педагогической деятельности в высших учебных заведениях играет решающую роль. В рамках реализации образовательных программ высшего и послевысшего профессионального образования в высшем учебном заведении осуществлялась подготовка, переподготовка и повышение квалификации педагогических и научно-педагогических кадров; проводились фундаментальные и прикладные научные исследования в области образования. Высшее учебное заведение является ведущим региональным научно-методическим центром в области образовательной деятельности и подготовки будущих педагогов к профессиональной деятельности и повышению профессиональной квалификации.

Основная идея «Социального партнерства в сфере образования» заключается в том, что решение проблем в сфере социальной значимости требует усилий всего общества. Социальное партнерство позволяет эффективно достигать общей для всех партнеров перспективной цели, эффективно координировать совместную деятельность с пониманием своей ответственности.

Практика взаимного сотрудничества организаций образования на основе социального партнерства – это социальная справедливость и гармония интересов, правовая унификация отношений, ответственность партнеров друг перед другом, добровольность и равноправие интересов, организация целенаправленной работы, ориентированной на результат, организация с этим должны сотрудничать постоянные рабочие группы, партии социальных партнеров. Соблюдение этих принципов позволяет гармонизировать интересы социальных групп, что способствует эффективному развитию образования.

Социальное партнерство в сфере образования основывается на заинтересованности и конструктивном сотрудничестве каждой из взаимодействующих сторон, объединении усилий и возможностей с учетом интересов каждого партнера, правовом обосновании взаимовыгодной деятельности [1]. Таким образом, социальное партнерство высших учебных заведений, образовательных организаций, профессиональных педагогических коллективов основано на равноправном и эффективном взаимном сотрудничестве, направлении ресурсов на развитие совместной деятельности, сборе и передаче передового профессионального опыта партнеров, совместная деятельность способствует эффективной координации.

Интересы региональных организаций образования в социальном партнерстве с вузом определяются прежде всего его сильной научной составляющей. Высшее учебное заведение

проводит научно-исследовательскую и опытно-конструкторскую работу с учетом актуальных направлений развития образования, в том числе потребностей региона. Проведенные на его базе региональные и международные конференции, защиты докторских диссертаций свидетельствуют о престиже научных исследований ученых ВУЗа. Научно-педагогический потенциал позволяет эффективно готовить специалистов в области научно-исследовательской деятельности.

Подготовка научных кадров в сфере образования начинается со студенческой стойки в ВУЗе, реализуются следующие формы научно-исследовательской деятельности студентов: руководство, студенческое научное общество, научные кружки и научные группы, научная работа под руководством научно-исследовательских работ студентов и выпускных индивидуальных работ и практических конференций по профессиональной деятельности. Научная работа студентов расширяет образовательную базу будущих учителей, позволяет им выбирать научные специальности. Информационно-образовательные ресурсы, разрабатываемые студентами под руководством преподавателей в ходе научно-исследовательской работы, не только подлежат апробации в современном профессиональном образовании, но и требуют применения в образовательном процессе. Поэтому результаты научных исследований, проводимых в ВУЗе, имеют большое значение для педагогического сообщества при планировании перспектив развития образовательных организаций, в развитии профессиональной педагогической деятельности будущих педагогов профессионального образования.

Литература

1. Ширшов Е.В. Педагогические условия проектирования электронных учебно-методических комплексов / Ширшов Е.В., О.В. Чурбанова – Архангельск: Изд - во Арханг. гос. техн. ун-та, - 2005. – 307 с.
2. Ниязова Н.А. Интеграциялашган ахборот-таълим муҳитида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини педагогик фаолиятга тайёрлаш методикасини такомиллаштириш. Дисс. ... пед. фан. ном. – Наманган: 2021. – 165 б.

MAPLE TIZIMIDA IKKI TEKISLIK MUNOSABATINI ANIQLASHDA FOYDALANISH

Rasulov R.G'. – o'qituvchi

Ahmadjonov B.I. – talaba

Farg'ona politexnika instituti

Oliy o'quv yurtlaridagi Oliy matematikani o'qitishda 2D va 3D formatlarda grafik va shakillarni talabaga aniq va sifatli ko'rsatish bilan mashg'ulotlarni jonli va samarali o'tkazish uchun zamonaviy matematika paketlaridan Maple tizimidan foydalanish axamiyatli ekanligini ko'rsatamiz.

Ikki tekislik orasidagi burchak sifatida ularning normallari orasidagi burchakni qabul qilamiz. U vaqtda, agar T_1 va T_2 tekisliklar

$$A_1x+B_1y+C_1z+D_1=0 \text{ va } A_2x+B_2y+C_2z+D_2=0.$$

umumiy tenglamalari bilan berilgan bo'lsa, ularning $\vec{N}_1 = \{A_1, B_1, C_1\}$ va $\vec{N}_2 = \{A_2, B_2, C_2\}$ normal vektorlariga asosan, tekisliklar orasidagi burchak φ uchun

$$\cos\varphi = \frac{A_1A_2 + B_1B_2 + C_1C_2}{\sqrt{A_1^2 + B_1^2 + C_1^2} \cdot \sqrt{A_2^2 + B_2^2 + C_2^2}}$$

formulani olamiz.

Agar tekisliklar parallel bo'lsa, ya'ni $\vec{N}_1 // \vec{N}_2$ dan

$$\frac{A_1}{A_2} = \frac{B_1}{B_2} = \frac{C_1}{C_2}$$

ni olamiz. Bu tekisliklarning *parallellik sharti* bo'ladi.

Eslatma.
$$\frac{A_1}{A_2} = \frac{B_1}{B_2} = \frac{C_1}{C_2} = \frac{D_1}{D_2}$$

bo'lgan holda tekisliklarning ustma-ust tushishini ko'rish qiyin emas.

Agar tekisliklar perpendikulyar bo'lsa, $\vec{N}_1 \perp \vec{N}_2$ ekanligidan $\vec{N}_1 \cdot \vec{N}_2 = 0$, ya'ni $A_1A_2 + B_1B_2 + C_1C_2 = 0$

kelib chiqadi. Bu tekisliklarning *perpendikulyarlik sharti* deyiladi.

Bu munosabatlarni aniqlashda birnecha misollarni Maple dasturi yordamida yechish yo'llarini ko'rsatamiz.

1-misol. $3x+y+z=7$ va $x+2y+5z=-3$ tekisliklarni quring va ular orasidagi burchakni hisoblang.

Maple dasturi:

1) $3x+y+z=7$ va $x+2y+5z=-3$ tekisliklar grafigini qurish(1-rasm):

```
> restart;with(geom3d): with(plots): with(Student[LinearAlgebra]):
```

```
> infoclevel[Student[LinearAlgebra]]:= 1:
```

```
> p1:=PlanePlot( 3*x+6*y+2*z =-7, [x,y,z]):
```

```
normal vector: <3., 6., 2.>
```

```
equation of plane: <3.*x+6.*y+2.*z = -7.>
```

```
point on plane nearest origin: <-.4286, -.8571, -.2857>
```

```
basis vectors: <-.2857, -.1714, .9429>, <-.8571, .4857, -.1714>
```

```
> p2:=PlanePlot( x+2*y+5*z =-3, [x,y,z]):
```

```
normal vector: <1., 2., 5.>
```

```
equation of plane: <1.*x+2.*y+5.*z = -3.>
```

```
point on plane nearest origin: <-.1000, -.2000, -.5000>
```


```
basis vectors: <-.3651, .8873, -.2819>, <-.9129, -.2819, .2953>
```

```
> with(plots,intersectplot);
```

```
> p3:=intersectplot(x+2*y+5*z=-3,3*x+6*y+2*z=-7,
```

```
x=-7..7,y=-7..7,z=-8..8,axes=box,thickness=2, orientation=[70,40]); p3 := PLOT3D(...)
```

```
> display({p1,p2,p3},view=[-8..8,-6..6,-4..7]);
```



1-rasm.

2) tekisliklar orasidagi burchakni topish:

> $N1 := \langle 3, 6, 2 \rangle; N2 := \langle 1, 2, 5 \rangle;$

> $\phi := \text{VectorAngle}(N1, N2); \phi := \arccos\left(\frac{5}{42} \sqrt{30}\right)$

a) topilgan burchakning qiymati radianda:

> $\phi := \text{evalf}(\%); \phi := 0.860510290;$

> $\phi := \text{evalf}(\%, 4); \phi := 0.8605$

b) topilgan burchakning qiymati gradusda:

> $\phi := \text{evalf}(180 * \phi / \text{Pi}); \phi := 49.30301820$

2-misol. O'zaro parallel bo'lgan $-3x + 2y + z = 3$ va $-6x + 4y + 2z = -6$ tekisliklarni qurish (2-rasm)

Maple dasturi:

> `restart;with(geom3d):with(plots):`

> `with(Student[LinearAlgebra]):`

`infolevel[Student[LinearAlgebra]]:=1:`

> `p1:=PlanePlot(-3*x+2*y+z=3,[x,y,z]);`

> `p2:=PlanePlot(-6*x+4*y+2*z=-3,[x,y,z]);`

> `display({p1,p2},view=[-6..6,-6..6,-6..6]);`

3-misol. O'zaro perpendikulyar bo'lgan $-3x + 2y + z = 3$, $3x + 2y + 5z = 3$ tekisliklarni qurish (3-rasm).

Maple dasturi:

> `restart;with(geom3d):with(plots):`


> `with(Student[LinearAlgebra]):`

`infolevel[Student[LinearAlgebra]]:= 1:`


> `p1:=PlanePlot(-3*x+2*y+z=3,[x,y,z]);`

> `p2:=PlanePlot(3*x+2*y+5*z=-3,[x,y,z]);`

> `display({p1,p2});`



2-rasm.



3-rasm.

ADABIYOTLAR

1. Матросов А.В. Maple 6. Решение задач высшей математики и механики, СПб.:БХВ-Петербург, 2001г.

2. Mirzakarimov E.M., Oliy matematika masalalarini Maple dasturi yordamida yechish, 1 q, T: "Adabiyot uchqinlari", 2014y.

3. Mirzakarimov E.M., Analitik geometriya masalalarini Maple tizimida yechish , 2 q, T:Navro'z", 2020y.

INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR TA'LIM TARAQQIYOTINING ASOSIY KUCHI VA TUTGAN O'RNI

Samatov S.M.

Termiz muhandislik-texnologiya instituti

Annotatsiya: Yurtimizning ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy, madaniy sohalarda bo'layotgan tezkor o'zgarishlar ta'lim tizimini ham tubdan isloh qilishni taqozo etmoqda, chunki mukammal ta'lim tizimi orqali respublikamizning kelajak intellektual imkoniyatlarini va uni gullab yashnashi hamda rivojlanishini belgilab beruvchi yoshlarni har tomonlama ijodkor, mustaqil faoliyat yuritadigan qilib tarbiyalashda hal qiluvchi rol o'ynaydi.

Kalit so'zlar: innovatsion texnologiyalar, ta'lim, taraqqiyot, ko'nikma, malaka

Yurtimizning ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy, madaniy sohalarda bo'layotgan tezkor o'zgarishlar ta'lim tizimini ham tubdan isloh qilishni taqozo etmoqda, chunki mukammal ta'lim tizimi orqali respublikamizning kelajak intellektual imkoniyatlarini va uni gullab yashnashi hamda rivojlanishini belgilab beruvchi yoshlarni har tomonlama ijodkor, mustaqil faoliyat yuritadigan qilib tarbiyalashda hal qiluvchi rol o'ynaydi. Shuning uchun ta'limda eng muhim strategik yo'nalish bo'lib, ta'lim muassasalarini innovatsion faoliyati hisoblanadi. Bu esa barcha ta'lim muassasalarida, ayniqsa ijodkor, yuqori salohiyatli mutahassis pedagog kadrlarni tayyorlovchi oliy ta'lim orqali intellektual mulkni tayyorlash va intellektual mulk tizimini innovatsion faoliyat ko'rinishida amalga oshirish bugungi kunning dolzarb masalasi hisoblanadi. Rivojlantiruvchi maqsad: egallangan bilim ko'nikma va malakalarni ijodiy qo'llash, mustaqil ishlash, ko'nikmalarini rivojlantirishdan iborat.

Innovatsiya (in-"lik", novus-"yangi") yangilik kiritish, yangilik degan ma'noni anglatadi.

Innovatsion texnologiyalar ta'lim taraqqiyotida tutgan roli. Har bir jamiyatning kelajagi uning ajralmas qismi va hayotiy zarurati bo'lgan ta'lim tizimining qay darajada rivojlanganligi bilan belgilanadi. Bugungi kunda mustaqil taraqqiyot yo'lidan borayotgan mamlakatimizning uzluksiz ta'lim tizimini isloh qilish va takomillashtirish, yangi sifat bosqichiga ko'tarish, unga ilg'or pedagogik va axborot texnologiyalarini joriy qilish hamda ta'lim samaradorligini oshirish davlat siyosati darajasiga ko'tarildi. «Ta'lim to'grisida» gi Qonun va «Kadrlar tayorlash milliy dasturi»ning qabul qilinishi bilan uzluksiz ta'lim tizimi orqali zamonaviy kadrlar tayyorlashning asosi yaratildi. Ma'lumki, uzluksizlik va uzviylik ta'lim tizimda, avvalo, jamiyatning ma'naviy va intellektual salohiyatini kengaytiradi, qolaversa, davlatning ijtimoiy va ilmiy taraqqiyotini takomillashtirish omili sifatida ishlab chiqarishning barqaror rivojlanishini ta'minlaydi. Pedagogik texnologiyalarning rivojlanishi va ularning o'quv-tarbiya jarayoniga kirib kelishi, shuningdek, axborot texnologiyalarining tez almashinuvi va takomillashuvi jarayonida har bir inson o'z kasbiy tayyorgarligini, maxoratini kuchaytirish imkoniyati yaratiladi.

Ta'limning barcha bosqichlariga oid umumiy pedagogik va didaktik vositalari, talaba (yoki o'quvchi)ning dasturiy bilim, tasavvur va ko'nikmalari asosida mustaqil ishlash samaradorligini takomillashtirish, ilmiy fikrlashga, o'quv faniga qiziqishini kuchaytirish, kasbiy bilimlarini chuqurlashtirish, nazariy va amaliy mashg'ulot mobaynida ularning faolligini oshirishdan iboratdir. Jaxon pedagogik tajribasi, zamonaviy pedagogik texnologiyalarining talaba (yoki o'quvchi)larni fanlarga qiziqtirishga, ularning mustaqil ishlashda faolliklarini oshirishga imkoniyati cheksiz ekanligini tasdiqlamoqda.

Ta'limning bugungi vazifasi talabalarni kun sayin oshib borayotgan axborot ta'lim muxiti sharoitida mustaqil ravishla faoliyat ko'rsata olishga axborot

oqimidan oqilona foydalanishga o'rgatishdan iboratdir. Buning uchun ularga uzluksiz ravishda mustaqil ishlash imkoiniyati va sharoitini yaratib berish zarur. Shuga ko'ra yoshlarining talab va istaklaridan kelib chiqqan holda umumkasbiy fanlarni axborot kommunikatsion texnologiyalar orqali tayyorlab, yoshlarning yanada bilim va ko'nikmalarini shakllantirishga harakat qilish bugungi kun dolzarb muammosi desak xato qilmagan bo'lamiz.

An'anaviy ta'limdan innovatsion ta'limga o'tish.

Shu vaqtgacha an'anaviy ta'limda talaba (yoki o'quvchi)larni faqat tayyor bilimlarni egallashga o'rgatib kelingan edi. Bunday usul talaba (yoki o'quvchi)larda mustaqil fikrlash, ijodiy izlanish, tashabbuskorlikni so'ndirar edi. Hozirgi kunda ta'lim jarayonida interfaol uslublar (innovatsion pedagogik va axborot texnologiyalari)dan foydalanib, ta'limning samaradorligini ko'tarishga bo'lgan qiziqish desak afzaldir. Ta'limga bo'lgan e'tibor kundan-kunga kuchayib bormoqda. Zamonaviy texnologiyalar qo'llanilgan mashg'ulotlar talaba (yoki o'quvchi)lar egallayotgan bilimlarni o'zlari qidirib topishlariga, mustaqil o'rganib, tahlil qilishlariga, xatto xulosalarni ham o'zlari keltirib chiqarishlariga qaratilgan.


O'qituvchi bu jarayonda shaxs va jamoaning rivojlanishi, shakllanishi, bilim olishi va tarbiyalanishiga sharoit yaratadi, shu bilan bir qatorda, boshqaruvchilik, yo'naltiruvchilik vazifasini bajaradi. Bunday o'quv jarayonida talaba (yoki o'quvchi) asosiy figuraga aylanadi.

Pedagog – olimlarning yillar davomida ta'lim tizimida

Nega o'qitamiz?

Nimani o'qitamiz?

Qanday o'qitamiz? savollariga javob izlash bilan bir qatorda qanday qilib samarali va natijali o'qitish mumkin? - degan savoliga ham javobni ta'limning serqirraligini inobatga olgan qisman topdilar.



Rasm-1: Innovatsion ta'lim va tuzilish sxemasi

Chunki innovatsion texnologiyalar orqali professor – o'qituvchilar global avditoryani yaratishdi. Bu esa ta'limni yanada imkoniyatlarini kengayishiga olib keldi. Bunday global tizim esa o'zi bilan birgalikda dunyo ta'limining bosqichma – bosqich rivojlanish sturukturasini shakllantirdi.

Shu bilan bir qatorda ta'lim oluvchi tomonidan yangi bilimlarni o'zlashtirish, ixtirolarni o'zgaralar bilan almashish tarmog'iga erishildi.

FAN VA TA'LIM RIVOJLANISHIDA ZAMONAVIY TENDENSIYALARINING AMALIY AHAMIYATI

Hoshimova Sh.U., Mahkamov E.U.

Jizzax politexnika instituti

Bugungi kunda mamlakatimizda amalga oshirilayotgan keng qamrovli islohotlar tufayli ilm-fanning turli sohalaridagi o'zgarishlar kundan-kunga ortib bormoqda. Bugun insoniyat ilm-fan o'qi atrofida aylanayotgan bir davrda, zamonaviy hayotni fan va ta'lim taraqqiyotisiz tasavvur etib bo'lmaydi. Dunyoning yetakchi davlatlarida ta'limni rivojlantirish birinchi navbatdagi vazifa sifatida belgilanayotgani bejiz emas. Zero, mamlakatning kelajakdagi taraqqiyoti uning bu sohadagi yutuqlari bilan chambarchas bog'liq bo'ladi. Bugun oliy o'quv yurtlarining ta'lim faoliyati yanada rivojlanib, xalqimizning asrlar davomida shakllangan bilimiga bo'lgan izlanish sifati yana bir bor namoyon bo'lmoqda. Yoshlarimiz sog'lom va go'zal hayot kechirishga, o'z kasbi bo'yicha doimiy ish joyiga ega bo'lishga, mas'uliyatni o'z zimmasiga olishga, inson qadr-qimmatini kamsitmaslikka, bir so'z bilan aytganda, komillikka erishishga intilmoqda va bu jarayonda ta'lim-tarbiyani eng muhim deb hisoblash mumkin. 2019-yil oktabr oyida mamlakatimizda O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish to'g'risidagi konsepsiyasi qabul qilindi. Mazkur hujjat intellektual rivojlanishni jadallashtirish uchun ilm-fan, ta'lim va ishlab chiqarish integratsiyasiga ko'maklashish, raqobatbardosh kadrlar tayyorlash, ilmiy va innovatsion faoliyatni samarali tashkil etish, xalqaro hamkorlikni mustahkamlash kabi vazifalarga asoslandi.

Konsepsiya so'zining ma'nosi mamlakatimiz oliy ta'lim tizimini isloh qilishning ustuvor yo'nalishlarini ifodalaydi. Unda oliy ta'lim muassasalarida ta'limni qamrab olish darajasini kengaytirish va sifatini oshirish, raqamli texnologiyalar va ta'lim platformalarini joriy etish, yoshlarning ilmiy faoliyatda ishtirokini ta'minlash, innovatsion tuzilmalarni yaratish, ilmiy faoliyatni tijoratlashtirish tadqiqot natijalari, xalqaro e'tirof va boshqa ko'plab aniq yo'nalishlar bo'yicha bayon etilgan. Bu darajasini yanada oshirishga xizmat ham qilmoqda. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning O'qituvchi va murabbiylar kuniga bag'ishlangan tantanali marosimdagi nutqi buning dalili desak mubolag'a bo'lmaydi. Prezidentimiz ta'kidlaganidek, keng ko'lamli demokratik o'zgarishlar, jumladan, barcha yoshlarni qanoatlantiruvchi ta'lim sohasidagi islohotlar orqali O'zbekistonda yangi uyg'onish davriga poydevor qo'yish asosiy maqsadimizdir.

So'nggi to'rt yil davomida Jizzax politexnika instituti qishloq xo'jaligi mahsulotlarini saqlash va dastlabki qayta ishlash texnologiyalari sohasida dunyoning ko'plab mashhur universitetlarining ilmiy, ta'lim va tadqiqot faoliyati hamda xalqaro ta'lim dasturlari tizimi bilan hamkorlikda ish olib borildi. Rossiya va Turkiya universitetlari bilan tuzilgan shartnomalar tufayli sohada katta o'zgarishlar amalga oshirilmoqda. Bu esa ta'lim jarayonining shakl va mazmunini kengaytirish muhimligini tushunishga undaydi. Ayni paytda O'zbekistonda oliy ta'lim sohasida ham sezilarli ijobiy o'zgarishlar ro'y bermoqda. Ta'lim muassasalarining dunyoqarashi o'zgarmoqda, moddiy-texnik bazasi yaxshilanmoqda, ijtimoiy qo'llab-quvvatlash, jumladan, ilmiy ishlanmalarni moliyalashtirish, professor-o'qituvchilarning daromadlari mustahkamlanmoqda.

Innovatsiya yo'nalishida alohida davlat tuzilmalari tashkil etilib, oliy ta'lim muassasalarida yangi yo'nalishlar ochilmoqda. Bularning barchasi oliy ta'lim istiqbolini o'zgartirishi, uning sifati va darajasini oshirishi aniq. Shu jumladan bizning institutimizda ham yangi zamonavit standartlarga mos binolar qad roslagani hech kimga sir emas. Shu o'rinda Prezidentimizning 2016-yil dekabr oyida O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasida olimlar, ziyolilar bilan bo'lgan uchrashuvi yodimga tushadi. O'shanda davlatimiz rahbari xorijda ishlab chiqarilayotgan zamonaviy texnologiya va asbob-uskunalarni mamlakatimiz sanoati, qishloq xo'jaligi va iqtisodiyot tarmoqlarida keng targ'ib etish va ulardan foydalanishga alohida e'tibor qaratgan edi. Raqamli yechimlar asosida ishlaydigan murakkab texnologik majmualardan tortib, oddiy muhandislik ishlanmalari va jihozlarigacha xorijdan keltirilib, berilgani yoshlarga katta ishonch bag'ishladi, desak xato bo'lmaydi. Ta'limning asosiy vazifalarini, mavjud ilmiy

salohiyat va shaxslarning qobiliyatlarini davlatning real ehtiyojlari, tuzilmalari va iqtisodiyot tarmoqlariga moslashtirish juda muhimdir. Agar bu bajarilmasa, bir kun kelib sivilizatsiyadan uzoqlashib, mamlakat uchun keraksiz isrofgarchilikka aylanib qolishi hech gap emas. Biz bugun qishloq xo'jaligi, oziq-ovqat va qishloq xo'jaligi mahsulotlarini saqlash va dastlabki qayta ishlash sohasi uchun yangi aniq texnologiyalar, asbob-uskunalar va dasturiy mahsulotlarni taklif qila olamizmi? Ta'lim va ilmiy tadqiqotlar sohasida kuchli raqobat sharoitida innovatsion yechimlarni ishlab chiqarish va ko'paytirish uchun institutimiz strategiyasi qanday bo'lishi kerak? Zero, bugungi shiddatli zamonda bir joyda qolib ketish, barcha bilim va ko'nikmalarni yo'qotish, savodsizlik tufayli orqaga qaytish mutlaqo mumkin emas. Bugun biz tobora ortib borayotgan talablarni qondirish uchun chora ko'rish zarurligini chuqur his qilmoqdamiz.

Yangilanish sari bir necha qadam tashlash uchun xalqimizning asrlar davomidagi bebaho tajribasi, ya'ni kadrlar tayyorlash va fan-ma'rifiy sohadagi yutuqlarini uslubiy, tarkibiy jihatdan hisobga olish va undan foydalanish zarur. , materiallar va nihoyat, innovatsion rivojlanish tajribasi. Bunday yo'l- yangilanish va kashfiyotlar yo'li- Jizzax politexnika institutining qishloq xo'jaligi mahsulotlarini saqlash va dastlabki qayta ishlash texnologiyasi yo'nalishini zamonaviy ilmiy-tadqiqot institutiga aylantirish yo'li deb hisoblaymiz.

Dunyoning yetakchi tadqiqot universitetlarining aksariyati yuqori sifatli kadrlarga ega, xususan: professor-o'qituvchilar malakasini doimiy ravishda oshirib borish; ish beruvchilar va ilmiy ishlanmalardan foydalanuvchilar bilan hamkorlikda bilim va ilg'or innovatsiyalarni keng targ'ib qilish; o'zining zamonaviy ilmiy-tadqiqot va tajriba infratuzilmasiga ega muassasa kabi ko'rsatkichlari bilan ajralib turadi. Innovatsiyalar bilan qurollangan yangi avlodning bilim va ko'nikmalariga asoslangan iqtisodiyotni yaratish, O'zbekiston agrosanoat majmuasini rivojlantirish strategiyasini yaratishdan boshqa yo'l yo'q.

Mazkur ijtimoiy-iqtisodiy tuzilma mamlakat makroiqtisodiyot tizimida alohida o'rin tutadi, chunki fan va ta'limning yuksak salohiyati qishloq xo'jaligi va irrigatsiya sohasida innovatsiyalarni amalga oshirish imkonini beradi. Bugungi kun talab qilayotgan innovatsiyalarni hayotga tatbiq etish uchun fan va ta'lim sohasining o'zi- o'z faoliyatiga eng zamonaviy innovatsion texnologiyalarni tatbiq etishga majbur. Bu ish fan va ta'lim sohasining innovatsion rivojlanishini boshqarishga mo'ljallangan texnologiyalar, mexanizmlar va usullarni takomillashtirishni talab qiladi. Muassasamizda bu borada ma'lum tajriba to'plangan, to'g'rirog'i, innovatsion rivojlanish salohiyatiga ega oliy ta'lim muassasasi sifatida o'zini tanishtiradigan ko'rsatkichlarga erishishiga ishonamiz.

BIOFIZIKA FANINI O'QITISHDA FANLARARO BOG'LANISH ELEMENTLARI

Jo'rayeva N.M., Axmadjonova U.T.

Jizzax politexnika instituti

Annotatsiya: Zamonaviy o'qitish texnologiyalarining asosiy elementlaridan biri fanlararo bog'lanishni dars mashg'ulotlarida qo'llashdan iboratdir. Chunki endilikda fanlar sohasidagi ilmiy yangiliklar turli fanlarning o'zaro bog'langan muommolari asosida yaratilmoqda. Ushbu maqola biofizika faniga yaqin bo'lgan fanlarning elementlaridan foydalanish orqali dars samaradorligini oshirishga qaratilgan.

Kalit so'zlar: biofizika, fizika, spektroskopiya, rengenstruktur analiz, elektron paramagnit rezonans.

Respublikamizda amal qilinayotgan Ta'lim to'g'risidagi qonunlarida ta'lim tizimini isloh qilish vazifasi belgilanib, barcha ta'lim muassalariga fanlarning o'qitilishini zamonaviylik, beriladigan bilimlar ko'lamini hayotiy jarayonlar bilan bog'lanishini ta'minlash, buning uchun o'qitishning yangi pedagogik texnologiyasini keng qo'llash kabi talablar qo'yilgan. Shu boisdan zamonaviy fan-texnika taraqqiyoti fizika va u bilan bog'liq bo'lgan biofizikaning rivojlanish muvaffaqiyatlarini dasturiy talablar asosida chuqurroq o'qitilishiga alohida e'tibor berilgan. Bunday vazifani bajarish uchun eng avvalo o'qitishning integrativ usulini keng qo'llashni talab etadi.

Zamonaviy pedagogikada ta'lim tizimi yo'nalishlarini bir-biriga bog'lab o'rganishni integrativ ta'lim deyiladi. Masalan, fizika bilan biofizika fanlarini bog'lab o'rganish tabiatda, jonli organizmlarda, shu jumladan inson organizmida kechadigan fizik hodisa va jarayonlarni, shuningdek tabiiy jarayonlarni tekshirishning va bemorlarni davolashning fizik metodlarini tushunishga katta ta'sir ko'rsatadi. Bu esa, bir tomondan-o'qitishda fanlararo aloqani muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun, ikkinchi tomondan, o'quvchilarni biofizika mutaxassisligiga, xususan, tibbiyot

№	Fizikaga oid mavzular	Biofizika oid mavzular
1	Tezlik, o'rtacha tezlik	Odam harakatining tezligi. Nerv impulslari, tomirlarda qon oqimi harakatining tezligi. Katta tezlikning odam organizmiga ta'siri. Sportchilarning start vaqtida vujudga keladigan va uchuvchi yoki kosmanavtlar ko'tarilish hamda qo'nish vaqtida sodir bo'ladigan tezlanishlar.
2	Tabiat kuchlari, elastiklik kuchlar	Odam va hayvonlarning muskul kuchlari, muskullarning cho'zilishi, qisqarishi, suyaklarning sinib ketish sabablari. Kuch o'lchagichning tibbiyotda qo'llanilishi.
3	Mexanik ish	Mushaklar ishi. Yurakning ishi va quvvati.
4	Suyuqlikning trubadagi harakati, Bernulli tenglamasi	Qon tomirlarida qon harakati qonunlari. Uning harakatlanish tezligi, qon bosimini o'lchash.
5	Gaz qonunlari	Nafas olish jarayonida gaz qonunlaridan foydalanish.
6	Sirt taranglik, sirt qatlamining molekulyar nazariyasi	Qonning quyilishi, terining tuzilishi va ahamiyati.
7	Elektr toki. Tok kuchi	Elektr toklaridan davolash maqsadida foydalanish.
8	Vakuumda elektr toki. Elektr lampalar.	Elektron lampalarning tibbiyotda qo'llanilishi. Elektrokardiograf. Elektron ossillografning biopotensiallarni analiz qilish uchun qo'llanilishi.
9	Yorug'likning tarqalishi. Yoritilganlik.	Odamning o'sishi va rivojlanishiga yorug'likning ta'siri. Turli ishlar uchun yoritilganlik normasi.
10	Rentgen nuri	Rentgen nurining organizmga ta'siri. Rentgen apparatlari.
11	Radioaktiv izotoplar.	Radioaktiv izotoplarning tibbiyotda qo'llanilishi. Odamning nurlanishdan himoya qilishning biofizik asoslari. Biosfera ifloslanishining aholi sog'lig'iga ta'siri.

mutaxassisliklariga yo'naltirish uchun muhim omil bo'lib xizmat qiladi [3].

Hozirgi zamon tibbiyot amaliyotida diagnostika uchun ham, davolash uchun ham turli xil fizik asboblardan keng foydalaniladi. Bu esa ta'lim muassasalari oldiga fizika va biofizika asoslarini mustahkam egallagan kadrlarni tayyorlash masalasini qo'yadi.

Biofizikaning asosiy metodlariga quyidagilar kiradi: spektroskopiya, rentgenostruktur analiz, elektron paramagnit va yadro rezonansini o'z ichiga oluvchi radiospektroskopiya, spektropolyarimetriya va molekular tuzilishini o'rganishning boshqa optik metodlari, biopotensiallarni va elektr o'tkazuvchanlikni o'lchash, kalorimetrik o'lchashlar, vakuumli texnika va past temperaturalar texnikasi, nishonlangan atomlar metodi, ionlovchi va optik nurlatuvchi manbalar (bunga kvantgeneratorlari-lazerlar kiradi), shuningdek, biologik jarayonlarni fizik va matematik modellashdan iborat. Bu hamma metodlar, asboblardan va usullardan biologiyaga fizikadan, fizikkimyo va matematikadan kelib kirgan [1-2].

Fizika fani fan-texnika taraqqiyotining asosiy bazasini tashkil etadi, o'z navbatida texnika taraqqiyoti ham fizika fanining rivojlanishiga yordam beradi. Fizika va texnika taraqqiyoti o'z

navbatida boshqa fanlarni rivojlanishiga va uning amaliyotda tatbiq etilishiga asosiy omil bo'lib xizmat qiladi. Bu masala tibbiyot sohasiga ham xosdir.

Vatanimiz asbobsozlik sanoati fizika fani yutuqlarini amalda qo'llab, tibbiyotning rivojlanishiga katta hissa qo'shmoqda [4].

Quyida ayrim mavzularni o'tishda fanlararo bog'lanishni ko'rib chiqamiz.

Biofizikaning tibbiyot aspektlarini bunday o'zaro bog'liq holda o'rganish shuning uchun ham muhimki, odam organizmi juda murakkab sistema bo'lib, uni turli fanlardan olingan bilimlarni sintez qilib va umumlashtiribgina o'rganish mumkin.

Biofizika fanini o'rganishda fanlararo bog'lanish usulidan foydalanishdan maqsad-o'quvchilarda bilimni chuqur o'zlashtirish uchun harakat qildirish, DTS talablari asosida ko'nikma va malakani egallash, talabalarda kuzatuvchanlikni rivojlantirish, u yoki bu umumiy masala bo'yicha olingan bilimlarni boshqa fanlardan olingan ma'lumotlar bilan to'ldirib borish hamda xotirada saqlab qolish imkoniyatini oshirishdan iboratdir.

Adabiyotlar

1. Yaxshiyeva, Z. Z., Axmadjonova, Y. T., & Axmadjonova, U. T. (2021). Ta'lim sifatini baholash xorij tajribasi misolida o'rganilmoqda. *Integration of science, education and practice. Scientific-methodical journal*, 383-385.
2. Жураева, Н. М., & Ахмаджонова, У. Т. (2021). Использование творческой работы в кругах. *Экономика и социум*, (3-1), 552-555.
3. Axmadjonova, Y. T., & Axmadjonova, U. T. (2021). O'quv dars mashg'ulotlarida didaktik o'yin texnologiyalaridan foydalanish. *Science and Education*, 2(11), 977-984.
4. Axmadjonova, Y. T., Axmadjonova, U. T., & Yaxshiyeva, Z. Z. (2021). Ta'lim sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarni tashkil etish chora-tadbirlari. *Academic research in educational sciences*, 2(CSPI conference 1), 1563-1567.

OLIV TA'LIM MUASSASALARIDA MOBIL ILOVALAR TABIIY FANLARINI O'RGANISH VOSITASI SIFATIDA (QATTIQ JISMLAR FIZIKASI FANI MISOLIDA)

*Narkulov O.O. – tayanch doktorant
Samarqand davlat universiteti*

Annotatsiya: Maqolaning maqsadi "Qattiq jismlar fizikasi" fanini o'rganish uchun mobil ilovalarni joriy etish imkoniyatlarini tahlil qilishdir. Maqolada oliy ta'lim muassasalari talabalarining tabiiy fanlar sohasida mustaqil ishlashlari uchun mobil ilova, mobil ta'lim texnologiyalaridan foydalanishning didaktik salohiyati ochib berilgan hamda "Qattiq jismlar fizikasi" fanidan mobil ilovalar uchun ishlatiladigan kompyuter imitatsion modellar keltirilgan.

Kalit so'zlar: Mobil ilova, Play Market, App Store, "Qattiq jismlar fizikasi", kompyuter imitatsion model.

Kirish:

Mobil qurilmalar zamonaviy jamiyat hayotining ajralmas qismiga aylanmoqda, shuning uchun o'quv jarayoniga aqli gadjet texnologiyalarini joriy etish maqsadga muvofiqdir. Play Market va App Store mavjud bo'lgan o'quv mobil ilovalardan to'g'ridan-to'g'ri auditoriyada yoki auditoriyadan tashqarida uy vazifasini bajarish vaqtida foydalanish mumkin. Ushbu dasturlar ko'pincha turli xil hodisalar yoki ob'ektlarning o'quv simulyatorlari yoki interaktiv modellari rolini bajaradi. Tabiiy fanlarni o'rganishda foydalanish mumkin bo'lgan mobil ilovalar eng qiziqarli, chunki tabiiy fanlarni o'rganish vizualizatsiyani talab qiladigan aqliy modellashtirish bilan chambarchas bog'liq.

Asosiy qism:

Kimyo fanini o'rganish uchun mobil ilovalar.

Elements 4D - mobil ilovasi yordamida foydalanuvchilar kimyoviy elementlarning tarkibi, xususiyatlari, o'zaro reaksiyaga kirishish to'g'risidagi ma'lumotlarni vizuallashtirish orqali olishi mumkin bo'ladi.

MolPrime – mobil ilovasi organik birikmalar formulalarini shakllantirish uchun dastur;

Chemist – mobil ilovasi virtual kimyo laboratoriyalari uchun mo'ljallangan.

ChemLab – mobil ilovasi interfaol vazifalarni bajarish uchun mo'ljallangan.

Fizikani o'rganish uchun mobil ilovalar.

Fizik hodisa va ob'ektlarning modellarini aks ettiruvchi ilovalar mobil dasturiy ta'minot muhitida ham keng tarqalgan.

Space 4D - mobil ilovasi quyosh tizimining tuzilishini simulyatsiya qilish. Bunday dastur astronomiyani o'rganishda o'ziga xos yordam bo'lishi mumkin.

Biroq, fizik hodisa va jarayonlarni mobil ilovalardan foydalanib o'rganish yanada qiziqarliqdir. Sensorli datchiklardan foydalanadigan ilovalar laboratoriya ishlarida ajralmas dasturiy vositaga aylanishi mumkin. Fizik hodisa va jarayonlarni ochib beraoladigan quyidagi mobil ilovalar mavjud: Toolbox Accelerometer, Luksmetr, Physics Toolbox Light Sensor, Accelerometer Monitor. Ular mexanik tebranishlar bilan bog'liq tajribalarda va laboratoriya ishlarida qo'llanilishi mumkin.



Sound Meter- mobil ilovasi shovqin darajasini o'lchash uchun mo'ljallangan;

Speed Gun – mobil ilovasi harakatlanayotgan obektlar tezligini aniqlash uchun mo'ljallangan;

Magnitometr – mobil ilovasi magnit maydonni topish va o'lchashga imkon beradi.

Qattiq jismlar fizikasi fanidan yaratilgan kompyuter imitatsion modellar tasnifi.

Yuqorida keltirilgan mobil ilovalar biologiya, kimyo, fizika fanlarini o'rganishda qo'llanilsa o'quv jarayonining sifat samaradorligi ortadi. Biz olib brogan taxlillarga qarasaq "Qattiq jismlar fizikasi" fanidan mobil ilovalar asosida o'qitishga yetarlicha e'tibor qaratilmagan. Shuning uchun biz o'z tadqiqotimizda "Qattiq jismlar fizikasi" fanidan tayyorlanadigan mobil ilovani negizi bo'lmish kompyuter imitatsion modellarni keltiramiz.



1-Rasm. Potensial energiyani masofaga bog'liqlik grafigining kompyuter imitatsion modellari.

Qattiq jismni tashkil qilgan atomlarning bog'lanish energiyalari ular o'rtasidagi ta'sir kuchlari tabiatiga bog'liq.

Ikkita A va B atomlar berilgan bo'lsin. Agar atomlar bir-biridan uzoqda joylashgan bo'lsa, ular o'zlarini erkin holatdagidek tutadi. Bunday sistemaning energiyasi har ikkala atomlar energiyalarining yig'indisiga teng bo'ladi, va uni 0 ga teng deb olish mumkin.

Xulosa:

Yuqorida keltirilgan grafiklarni talabalar aniq tasavvurga ega bo'lishi uchun kompyuter imitatsion modellari tayyorlangan. Talabalarga mobil ilovalar hamda ularni asosini tashkil etuvchi kompyuter imitatsion modellar yordamida mashg'ulotlar tashkil etilsa fizik jarayonlarni tub mohiyatini tushunishi osonlashadi. Dasturiy vositalardan foydalanib dars olib borilsa talabalar nafaqat "Qattiq jismlar fizikasi" fanini balki Axborot texnologiyalar fanini yanada keng imkoniyatidan foydalanishni ham o'rganib borishadi. Bu bilan talabalarda ta'lim olishga bo'lgan qiziqish ortib boradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Амиров А. А., Ашибекова А. М., Темирова А. Е. Роль современных мобильных приложений в учебном процессе вуза // Молодой ученый. - 2017. - № 1 (135). - С. 13-15.
2. Перминов А. А. Использование смартфона в учебных исследованиях механических колебаний // Учебная физика. - 2019. - №
3. Раздьяконова А. В. Возможности мобильных приложений в изучении физики // Актуальные проблемы развития среднего и высшего образования: межвуз. сб. науч. тр. / под ред. О. Р. Шефер. - Вып. XIV. - Челябинск: Край Ра, 2018. - С. 14-23.
4. Киттель Ч. Введение в физику твердого тела. - М.: Наука, 1978, 379-411 с.

БЎЛАЖАК МУҲАНДИСЛАРНИНГ ГРАФИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

Аралов М.М.

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

Жаҳонда таълим сифати ва самардорлигини ошириш, техника олий таълим муассасаларида талабаларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришда компетентли ёндашувдан кенг миқёсда фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Замонавий шароитда олий таълим муассасалари талабаларнинг ижтимоий қобилиятларини ривожлантириш ва шакллантиришга қаратилган, чунки бу талабаларни жамият ҳаётига тайёрлашдир. Бўлажак мутахассис ўз ҳаёт йўлининг истиқболларини мустақил моделлаштириши олиши, бўлажак касбий фаолиятни лойиҳалаштириши олиши керак.

Ҳозирги босқичдаги олий таълимнинг энг муҳим вазифаларидан бири интеграл педагогик жараёни моделлаштириш вазифасидир.

Педагогик моделлаштириш жуда қисқа вақт ичида (ОТМда ўқиш) замонавий мутахассисни тайёрлашга имкон беради-меҳнат бозорида рақобатбардош бўлиши мумкин бўлган, яъни зарур касбий малакага эга ва унинг зарур компоненти сифатида график компетенцияга эга бўлган мутахассисни тайёрлайди.

Техника олий таълим муассасалари талабаларининг график компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш модели бўйича биз талабаларга маълум билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга, шунингдек, касбий фаолиятнинг келажакдаги иштирокчиси сифатида талабанинг шахсини ривожлантиришга қаратилган ўқитиш ёндашувлари мажмуи бўлган ажралмас педагогик жараёни тушунамиз.

Талабаларнинг тизимли равишда ташкил этилган шахсга йўналтирилган касбий тайёргарлиги келажакдаги мутахассисни фаол когнитив фаолиятга, мустақилликни, ижодий ташаббусни, самарали фикрлашни ва бошқа зарур касбий ва ижтимоий компетенцияларни ривожлантиришга жадал жалб қилишни ўз ичига олади.

Педагогик модел нафақат дидактик, балки ижтимоий-педагогик тавсифга ҳам эга бўлиши керак.

Шу муносабат билан ўқув жараёнини ташкил этишнинг инновацион шаклларига ўтиш ҳақида гапириш керак. Бундай инновацион ёндашувларни ташкил этишда қуйидагилар мавжуд:

- шахсга йўналтирилган таълим;
- талабаларнинг ижодкорлиги ва ўз-ўзини англаш қобилиятини ривожлантириш шартлари;
- таълимни инсонпарварлаштириш;
- таълимнинг ривожлантирувчи йўналтирилганлиги (модулли, муаммоли, лойиҳавий, фаолиятга йўналтирилган ва бошқалар);
- педагогик жараённинг яхлитлиги ва бошқалар.

Ушбу ёндашувларнинг барчаси маълум миқдордаги билим ва кўникмалар тизимини ўзлаштиришга қаратилган таълимдаги анъанавий ёндашувдан сезиларли даражада фарқ қилади[7].

Педагогик жараёнларни моделлаштириш педагогик воситаларни тартибга солиш, улар ўртасида турли боғланишларни ўрнатиш, уларни қўллаш кетма-кетлигини аниқлашни ўз ичига олади. Педагогик жараённинг модели ҳар доим унинг динамикаси ва яхлитлигини ҳисобга олиши керак.

Модел жараён элементларининг тизим таркибини акс эттиради; тизим элементлари ўртасидаги муносабатларнинг табиати; элементлар ва умуман модел томонидан бажариладиган функцияларда намоён бўлади. Модел ҳақиқий амалий педагогик жараённинг назарий тасвири сифатида ишлайди.

График компетентликни шакллантириш жараёнини назарий таҳлил қилиш асосида "компютер графикаси" фанини ўрганиш жараёнида график компетентликни шакллантириш модели ишлаб чиқилди[9].

Ишлаб чиқилган модел биз томонидан тизимли ва шахсий фаолиятли ёндашувлари нуқтаи назаридан маълум бир интеграл тизимни ташкил этувчи мунтазам, функционал жиҳатдан боғлиқ компетентлар тўплами сифатида кўриб чиқилади. Ихтисослаштирилган дастурий-услубий мажмуадан фойдаланган ҳолда "компютер графикаси" фанини ўқитиш жараёнида талабаларнинг график компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш модели ўзаро боғлиқ блокларни ўз ичига олади (1-расм).

Моделда келтирилган мақсад ва вазифалар график компетентликни шакллантиришни таъминлайдиган педагогик фаолиятнинг асосий йўналишларини акс эттиради. Педагогик жараённинг йўналиши ва натижаларини белгилайдиган моделни ишлаб чиқишда қўлланиладиган асосий ёндашувлар тизимли, компетенцияга асосланган, шахсий фаолиятдир.

Тизимли ёндашув модулли тамойилни қўллашни ва тизим методологиясидан фойдаланишни, шу жумладан моделлаштиришни ўз ичига олади, бу талабаларга ўрганилаётган объектларни кўриб чиқиш, янги алоқалар, фазилатлар ва муносабатларни мунтазам равишда аниқлашга имкон беради[9,10].

Компетентлик ёндашув-бу ўқув жараёнининг мақсадга мувофиқлиги ва унда компетенциялар талабаларнинг кўникма ва қобилиятларининг энг юқори, умумлаштирилган даражасини белгилайди ва таълим мазмуни тўрт компонентли модел (билим, кўникма, ижодий фаолият тажрибаси ва қадриятли муносабат тажрибаси)билан белгиланади.

Шахсий-фаолиятли ёндашуви-бу талаба ўқув фаолиятининг фаол, ижодий субъекти сифатида ишлайдиган машғулот тури. Бундай ёндашув талабаларнинг индивидуал психологик хусусиятларини, уларнинг қобилиятлари, қизиқишлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олишни талаб қилади.


Моделнинг мазмунли блоки мақсад ва вазифаларга мос келадиган қуйидаги дидактик инновацион воситалар билан ифодаланади:

- "интерфаол электрон дарслик" galax.exe да бажариладиган назарий-услубий база. Электрон дарсликда график компетентликни шакллантириш учун зарур ва етарли бўлган барча назарий материаллар мавжуд;

- "электрон практикум" practica.exe модулида амалга ошириладиган ўқув машқлари тўплами. Электрон практикум ўқитувчига ҳисоблаш ишларини ҳар бир талаба учун индивидуал суръатда ёки жамоавий равишда бажаришни ташкил этиш имкониятини беради;

- Sytester.exe. талабалар томонидан лаборатория ишларини ўқитувчи билан биргаликда ва мустақил равишда ташкил этиш учун ўзига хос таълим муҳити ҳисобланади. Модул лаборатория ишлари учун услубий тавсияларни ўз ичига олган назарий қисмни, шунингдек бажарилган ишнинг электрон версиясини ўз ичига олади.

Моделнинг жараёнли блокада ўқув фаолиятини ташкил этишнинг шакл ва методлари келтирилган.



1-расм. Бўлажак муҳандисларнинг график компетентлигини ривожлантириш модели

График компетентликни шакллантириш жараёнида талабаларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари:

- назарий материални муаммоли тақдим этилувчи маърузалар ташкил қилади: интерфаол маъруза, тақдимот маърузаси, видеоматериал. Муаммоли тавсифдаги маърузалар тақдим этилган материалнинг чуқур аргументацияси билан ажралиб туради. Улар талабалар ўртасида мустақил ижодий фикрлашни шакллантиришга ҳисса қўшади, уларда билим ва кўникмаларини шакллантиради. Талабалар илмий тадқиқотлар ва муаммоларни ҳал қилиш иштирокчилари бўлишади, шунингдек керакли маълумотларни олишади. Интерфаол маъруза талабалардан бир-бирлари ва маърузачи билан фаол иштирок этишлари ва ўзаро алоқада бўлишларини талаб қилади. Маъруза-тақдимот ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги интерфаол ўзаро муносабатларнинг зарурий элементидир;

- ўқув машқлари мажмуасида график компетентликни шакллантирилади. У иккита блокдан иборат. Биринчи блок ўқитувчи дарсларида ҳам, мустақил равишда ҳам амалга оширилди ва амалий муаммоларни ҳал қилиш учун зарур бўлган график компетентликнинг алоҳида компонентларини шакллантиришга қаратилган (маълумотни бирлаштириш, сабабий муносабатларни ўрнатиш, башорат қилиш қобилияти). Иккинчи блокнинг мақсади: аудиторияда талабаларнинг график компетентлигини ҳар бир компонентининг шаклланиш даражасини аниқлаш;

- касбий вазифаларни ҳал этиш жараёнида ижодий фаолият тажрибасини шакллантириш.

Ўқитувчи томонидан қўлланиладиган шакллар доирасида фаол ўқитиш методлари қўлланилади (мунозаранинг муҳокама шакли, ўз-ўзини ўқитиш, изчиллик, дарсларнинг ўйин табиати) ва интерактив ўқитиш (ижодий вазифалар; аклий ҳужум; олимпиада, клуб, конференция каби аудиториядан ташқари усуллар).

Моделнинг натижа блоки талабаларнинг график компетентлигини шакллантириш босқичларини акс эттиради. Ўқув жараёни учта босқични ўз ичига олади, уларнинг ҳар бири график компетентликка киритилган барча компонентларнинг маълум даражада шаклланишига эришади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сон фармони.
2. Тўраев Х. Педагогик технологияларни жорий этиш – давр талаби. “Таълим тизимини ривожлантиришда таълим босқичлари ўртасидаги интеграция жараёнларини чуқурлаштириш”. Республика илмий-амалий ан-жумани материаллари тўплами. Тошкент, 2014, 1 март, 32–35-бетлар.
3. Д. Рўзиева М. Усмонова З. Холиқова Интерфаол методлар: Моҳияти ва қўлланилиши (методик қўлланма). Т., 2013, 4-бет.
5. Н. Эркабоева, М. Усмонбоева. Педагогик маҳорат. Схема ва расмларда. Методик қўлланма, Т., 2013, 65-бет.
4. Беспалко В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. – М.: 1995. – 250 с.
5. https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=p_TkgnAAAAAJ&citation_for_view=p_TkgnAAAAAJ:RHpTSmoSYBkC
6. https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=p_TkgnAAAAAJ&citation_for_view=p_TkgnAAAAAJ:2osOgNQ5qMEC.
7. <https://scholar.google.com/scholar?cluster=2370467247759733280&hl=en&oi=scholar>
8. <https://scholar.google.com/scholar?cluster=1033141500015341326&hl=en&oi=scholar>
9. https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=p_TkgnAAAAAJ&citation_for_view=p_TkgnAAAAAJ:zYLM7Y9cAGgC

ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ - ТЕХНИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ВИРТУАЛЬ ЛАБОРАТОРИЯЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ: КАМЧИЛИКЛАР ВА ИМКОНИАТЛАР

Омонов Н.Н., Атаджанова М.М.

Тошкент давлат техника университети, Ўзбекистон

Кейинги йилларда республикада электрон таълим муҳитида масофавий олий таълим тизимининг мутахассисларини кенг миқёсда тайёрлаш ва қайта тайёрлаш моделларини педагогик, ахборот ва телекоммуникация технологиялари интеграцияси асосида тузиш йўллари ишлаб чиқиш муаммоларини фаоллаштирди. Шунингдек, олий таълим вазирлиги бошчилигида электрон таълим муҳитини ривожлантириш, етакчи хорижий олий таълим муассасаларини ўрганиш ва энг маъқул келган тажрибаларни республикада таълим муассасаларига жорий қилиш кераклиги бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Биз масофавий таълим модели деб, масофавий таълим хусусиятлари ва принципларига кўра ўқитувчи педагог томонидан ташкил этилган таълим олувчининг фаолиятини акс эттирувчи ва ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган ташкилий педагогик ва услубий технологик характердаги компонентлар мажмуини тушунамиз.

Россия ва бир қанча чет эл тажрибаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, масофавий таълим тури кўпинча гуманитар ва социал-иқтисодий фанлар бўйича амалга оширилади. Кўпгина рус олий таълим масканлари масофавий таълимни татбиқ этиш доирасида иқтисод, менежмент, юриспруденция, информатика, туризм, меҳмонхона сервис каби йўналишларда амалга оширилади. Миллий электрон таълим тизимини шакллантириш ва ривожлантириш дастури Жанубий Кореяда 1995 йилдаёқ қабул қилинган эди. Корея Республикаси Таълим ва персонални бошқариш вазирлиги ҳамда Таълим ва илмий тадқиқотлар бўйича ахборот хизмати – “Korea Education and Research Information Service – KERIS томонидан ишлаб чиқилган ушбу дастур тўрт босқичда амалга оширилди ва ҳозирда кўриш мумкинки бу амалга оширилган ишлар Кореяда ўз натижасини берди, яъни электрон таълими юқори даражада ривожланган.

Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, юқорида айтиб ўтилган фанлар учун таълим моделларини яратиш нисбатан мураккаб масала бўлмай, координация кўрсатмалари, назорат топшириқлари ва графиклар, педагог ва таълим олувчининг of-line, on-line ёки мажмуа тартибида ўзаро фаолият ташкил этувчи ўқув материаллари асосан электрон ташувчилардан иборат бўлган маъруза, амалий ва семинар машғулотларининг электрон масофавий таълимни яратишдан иборат бўлади. Масофавий таълимнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, у куйидагилардан иборат: мослашувчанлик, параллеллик, камровчанлик, ишлов берувчанлик, социал тенглик ва ўқитувчининг янги роли.

Мослашувчанлик талабага унинг учун қулай бўлган вақт ва масканда ўқиш имконини беради.

Параллеллик эса асосий ишдан ажралмаган ҳолда таълим олиш имконини беради.

Қамраб олиш бир вақтнинг ўзида бир нечта ахборот манбаларига мурожаат эта билиш имконини беради.

Социал тенглик талабанинг қаерда яшашидан, ва шунингдек унинг моливий таъминланганлиги ва соғлиғининг ҳолатидан қатъий назар билим олишдаги имкониятлардан тўлиқ фойдалана олиш ҳуқуқини беради. Ўқитувчининг янги роли ўқув жараёнини мувофиқлаштириш ва уни кузатиб тўғрилаб туриш (корректировка)ни кўзда тутди.

Шунингдек, электрон таълим муҳитида техника олий таълим муассасаларида масофавий таълим ташкилида ўзига хос камчиликлари мавжуд. Масофавий таълим доим ҳам самарадор эмас ва кундузги ўқиш шаклига нисбатан таълим олиш муддати кўпроқ, бу эса одатда талабалар интизомига боғлиқ бўлади. Бундай таълим маълум бир техника ва интернет билан таъминланганликни талаб этади.

Белгиланган муаммони ечишнинг энг самарадор усуллари таркибида ўқув-услубий, дастурий-техникавий ва ташкилий воситалар интеграцияси мавжуд бўлган электрон

ўқув-методик мажмуалардан фойдаланиш киради. Ушбу воситалар маълум бир ўқув дарсини ўрганиш жараёнида зарур бўлган таълим хизматларини барчаси билан таъминлайди.

Масофавий таълимда лаборатория ишларини ташкил қилишда асосан икки хил усул билан лаборатория ишларини олиб бориш мумкин.

1. Электрон таълим муҳитида лаборатория ишларини бажаришга оид VirtuLab, Emaket, yenka.com ва б. платформалар имкониятларидан фойдаланиш мумкин.

2. Видеороликларни томоша қилиш вақтида талабалар асосан намоёиш экспериментни кузатадилар. Албатта бу вариантда уларга кўпгина ҳолларда фақатгина муваффақиятли яқунланган тажрибалар кўрсатилади. Тажрибанинг реал намоёиш этилишида эса, ўқитувчи муваффақиятсиз чиққан тажрибани, унинг муваффақиятсизлиги сабабларини тушунтирган ҳолда такроран намоёиш этиш имконига эга бўлади.

Виртуаль тажрибаларда талаба шу фан буйича қонун қоида чизикларидан ташқарига чиқувчи маълумотлар бериши мумкин ва табиийки, бу чагараларни ҳам ўрнатиши мумкин. Лекин одатда дастур тузувчилари фақат рухсат этилган кўрсаткичлар билан чегаралаб кўядилар ва жараёни идеал кўринишда кечишини таъминлаб кўядилар. Шундай қилиб бу ҳолатда талабалар тўлиқ реал тасаввурга эга бўлмай қолишлари мумкин.

Масофавий экспериментлар ўтказилганда талабалар лаборатория жиҳозлари билан тўғридан тўғри ишламайдилар, бунинг натижасида жиҳозлар билан ишлаш кўникмаларига эга бўла олмайдилар. Лекин юқорида қайд этиб ўтилган камчиликларга қарамай камчиликларни ҳисобга олган ҳолда таққослаш мумкин бўладилар:

- Лаборатория иши бажарилишида реал ёки унга яқинлаштирилган эксперимент маълумотларини олиш;

- Олинган маълумотлар асосида ҳисоблаш ишларини бажариш;
- Олинган маълумотлар асосида графиклар қуриш;
- Тайёр фототасвирлар буйича мустақил ўлчовларни амалга ошириш;
- Олинган маълумотларни жадвалга тизимлаштириш;
- Олинган кўрсаткичларни ўлчовда йўл қўйиладиган камчилик-ларни ҳисобга олган ҳолда таққослаш;

- Олинган маълумотларни таҳлили асосида хулосалар қилиш;

Масофавий таълимда талабаларнинг мустақил ўқув фаолияти роли сезиларли даражада кучаяди. Лаборатория иши топшириқларини бажаришда талабаларга кўрсатилган мустақил иш буйича керакли маълумотларни топиши, ўқув материални диққат билан томоша қилиши ва эшитиши, олинган маълумотларга ишлов бериши, таҳлил қилиши ва хулоса қилиши керак. Мана шу ҳолда талабалар мустақил иш кўникмаларига эга бўладилар.

Лаборатория машғулотларини бажаришда индивидуал вариант-ларини бериш имконига эга бўлган имитацион мажмуаларни қўллаш, видеофрагментларни қайд этиш, видеоконференциялар ўтказиш, виртуаль лабораториялардан ва турли ахборот ресурсларидан фойдаланиш талабалар билим савиясини ошириш ва ўзи учун янгиликларни ўрганишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish Konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni, 08.10.2019 yildagi PF-5847-son.

2. Ҳамидов В.С. Эркин ва очик кодли LMS тизимлар таҳлили, infocom.uz журнали № 7,8.14 бет, 2013 й.

3. Мицель, А.А., Молнина, Е.В. Дистанционное образование как составляющая процесса формирования единого образовательного пространства / А.А. Мицель, Е.В. Молнина // «Открытое образование» – 2006. – №2 – С. 59–65.

4. Windows Virtual Machines Pricing [Электрон. ресурс] – Режим доступа: <https://azure.microsoft.com/энus/pricing/details/virtualmachines/windows/> – дата доступа 23.12.2019.

ИЛМ-ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ХОРИЖ УНИВЕРСИТЕТЛАРИ ТАЖРИБАЛАРИ ТАХЛИЛИ

Атаджанова М.М., Ризаев Ш.Ф.

Тошкент давлат техника университети

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича устувор вазифаларга мувофиқ кадрлар тайёрлашнинг мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий маълумотли мутахассислар тайёрлашга зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида олий таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлаш даражаси ва сифатини тубдан яхшилаш ҳамда тизимдаги корхоналар ва ташкилотларда талабалар амалиётларини ўтказиш, илмий ишларни ҳамкорликда бажариш, олий таълим муассасалари битирувчиларининг ишга жойлашишини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар **дастури**да келтирилган вазифалар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.10.2019й. ПФ-5847-сонли Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги Фармонига кўра олий таълим соҳасида ечимини кутаётган бир қанча муаммоларни ечиш заруриятини муҳимлигини кўрсатмоқда.

Таълим жараёни, илмий тадқиқот фаолияти ва ишлаб чиқаришнинг интеграллашуви ҳам шундай ечимини кутаётган муҳим масалалардан биридир. Интеграциянинг апробациядан муваффақиятли ўтган моделлари ўзининг яшовчанлик ва порлоқ истиқболи хусусиятини асослаб берди. Мисол учун интеграциянинг америка модели бу аспектда энг махсулдор бўлиб, унинг битирувчилари кўпинча Нобель мукофоти луареатлари бўлишлари билан намуна бўла оладилар. Айнан улар томонидан амалга оширилган ишланмалар кейинчалик илм-фан ривожланиши ва кўпмиллионли фойдалар олиб келиш даражасига эришишга олиб келди.

Таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришни интеграцияси ҳар бир мамалакатда, жумладан алоҳида олинган университетларда специфик равишда амалга оширилиб, бу ҳол университетларнинг Америка, Япония, Европа ва яна яқин хориж мамалакатларидан турли шакллари ўрганиб чиқиш заруриятини белгилаб беради.

АҚШнинг 100 га яқин тадқиқот университетлари илмий-тадқиқот ва таълим ишлари учун 95 фоизини федераль бюджет маблағидан оладилар. Юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ҳам тадқиқот университетларида жамланган: АҚШ докторантларининг 60 фоизи 50 та тадқиқот университетларида тайёрланган. Бу университетлар магистрлик дастурлари бўйича ўқийдиган кўп сонли талабаларга эга бўлиб, ўқитувчилар ва талабалар сони бўйича яхши нисбатга эгадирлар (1 : 6), ваҳоланки бу кўрсаткич оддий ОТМ ларда (1 : 12).

Интеграциянинг бундай шаклига эга бўлган университетлар концепциясининг асосий хусусияти - ишлаб чиқариш билан мустаҳкам алоқанинг мавжудлигидир.

Замонавий илмий-тадқиқот университети - бу йирик иқтисодий субъект бўлиб, табиийки катта мустақилликка ҳам эга бўлади. Тадқиқот университетлари илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш бизнесининг тенг ҳуқуқли ҳамкорларига айланишди, кези келганда региондаги етакчи интегратор ролини ҳам бажарадилар. Бунда технопарклар яратиш тажрибаси жуда катта муваффақиятларга эришиб келмоқда.

Технопарк яратиш жараёнини икки босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқич-концептуаль бўлиб, у XIX асрнинг охирилари ва XX асрнинг 50 йиллари бошланишигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу соҳада илк бажарилган иш Альфред Маршалнинг “Иқтисодиёт принциплари” номли китоби бўлиб, XIX асрнинг охирида Буюк Британиянинг тадқиқот олиб борилаётган саноат ҳудудларида чоп этилган эди. Маршал ўзининг китобида кичик корхоналарни бирлаштириб эришиладиган синергетик самарадорлик ҳақида сўз олиб борган. 1891 йили Пало-Альто шаҳарчаси яқинида йирик ер эгаси бўлган Лиленд Стэнфорд васиятига биноан Стэнфорд университети очилди. Стэнфорд университети битирувчилари орасида жуда кўплаб машҳур кишилар, Вильям Шокли (физик, Нобель мукофоти лауреати), Джон Стейнбек (ёзувчи, Нобель мукофоти лауреати) ва яна жуда кўплаб бошқа соҳаларда машҳур бўлган кишиларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Иккинчи босқич - ҳудудий илмий-саноат паркларини яратиш ва фаолиятини бошлаш бўлиб, у XX асрнинг 50-70-йилларини ўз ичига олади. Америка ҳукумати саноат соҳасидаги урушдан кейинги турғунликда хавотирга тушиб, кичик бизнесни қўллаб қуватлаш мақсадида Институт ташкил этадилар. Бунда ёш компания нафақат молиявий ёрдам, балки керакли бўлган алоқалар, шунингдек бизнес жараёнларни тўғри қуриш имкониятига эга бўладилар.

Учинчи босқич- технополислар яратилиши ва фаолияти даври бўлиб, у 1980 йиллар - XXI аср бошларини ўз ичига олади.

Европада илмий парклар 70-йиллар бошларида пайдо бўла бошлади. Биринчилардан бўлиб Хэриот-Уатт, Эдинбург тадқиқот паркларини ва Тринити-колледжи, Кембридж; Левен-ла-Нев, Бельгия; Ниццадаги София-Антиполис, ва Греноблдаги ЗИРСТ, Франциядаги илмий паркларини санаб ўтишимиз мумкин. Бу парклар АҚШнинг энг биринчи яратилган моделларини тадбиқ этдилар.

1980 йиллар бошларида ғарбий европа мамалаткатлари учун янги булган, “юқори технологик” майда корхоналар эҳтиёжига йуналтирилган, америка “инкубаторлари” га ўхшаш инновацион марказлар кенг оммалашди. Уларнинг вазифаси энг аввало, ғоя ва ихтирони капитал (маблағ) ва тадбиркор билан бирлаштириш бўлиб, янги фан ютуқларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этувчи компанияларга “старт даври” ни таъминлашдан иборат эди. Бир қатор инновацион марказлар ерли ҳукумат бошқарувида фаолият кўрсатадилар, бир мунча йириклари эса Брюсселда базасига эга бўлган Европа тармоғини ташкил этади. Бу тармоқ қарийб 40 инновацион марказни бирлаштиради ва европа мамлакатлари учун мамалакатлараро технологиялар савдосини бирмунча қулайлаштириб беради.

Тадқиқот паркининг намунали туридан бири Шотландиядаги Хериот-Уоттский “Илмий парки” бўлиб, у ерда фақат илмий-тадқиқот ишлари олиб боришга рухсат берилган, оммавий ишлаб чиқариш эса ман этилган.

Илмий парклар Бразилия, Ҳиндистон, Малайзия, бугунги кунда эса Шарқий Европа, МДҲ ва Хитой каби мамлакатларда ҳам яратила бошланди. Ҳозирги даврга келиб дунёда 400 га яқин илмий парклар ташкил этилган. Яна бир қанчаси эса яратилиш босқичидадир.

“Илмий парк”ларнинг Япония модели, америка моделидан фарқли равишда тамоман янги шаҳарлар қуришни таклиф қилади - яъни “технополислар”. Бу “технополислар” илғор тармоқлар ва илмий саноат ишлаб чиқариши бўйича илмий тадқиқот ишларига эътиборини қаратади. “Технополис” лойиҳаси - технополислар яратиш лойиҳаси 1982 йилдан амалга тадбиқ этиш қабул қилинган.

Ҳозирги шароитда “Илмий паркларни” шартли равишда учта моделга ажратиш мумкин:

1. Америка модели (АҚШ, Буюк Британия);
2. Япон модели (Япония);
3. Аралаш модель (Франция, Германия).

Шундай қилиб, биз куйидаги хулосани келтиришимиз мумкин. Илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграцияси хорижий мамлакатларда социаль-иқтисодий ривожланишда муҳим бир компонентни ташкил этади. Интеграция модели ўзининг фаолиятини технопарклар (технополислар - Японияда номланиши бўйича) базасида амалга оширадилар. Айнан мана шу ерда талабалар нафақат янги билим оладилар, балки олган билимларидан - шу ерда илмий-тадқиқот фаолиятида ҳам фойдаланадилар, амалий бир натижа олгунча экспериментлар ўтказадилар, ва бу натижалар венчур ширкатларидаги технологик жараёнларда қўлланилади.

Илм - фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграцияси хориж университетларида XIX – асрнинг иккинчи ярми ва XXI - аср бошларигача бўлган даврдан яратила бошланди. Интеграциянинг апробациядан ўтган моделлари ўзининг яшовчанлик қобилиятини, айниқса истиқболи порлоқ эканлигини кўрсатди,

Бундай технопарклардаги талабаларнинг муваффақиятли ишланмалари кейинчалик бирвақтнинг ўзида илмий-техник ривожланиш ва кўпмиллионли фойдаларни таъминлаб берувчи гигант технологик компанияларидаги конвейерлар оқимига келиб тушади.

МАТЕМАТИКА ФАНИНИ ЎРГАНИШ БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МАЪНАВИЯТ ТАРБИЯСИДА МУХИМ ОМИЛ

Нафасов Ф.А., Худойқулов Р.Ў., Абдураимов Д.Э.

Гулистон давлат университети

Исмоилова Б.З.

Тошкент кимё халқаро университети

Айни вақтда мактабларда бошланғич синфларнинг математика дарсларида ўқувчилар муайян дастурий билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиш билан бирга рақамларда ифода этилган миллий маънавиятимиз билан ҳам танишиб борадилар. Математика фани сон-саноксиз ва ранго-ранг сирлари билан улкан бир жозиба кашф етувчи фандир. Чунончи, туркий халқлар учун икки, йети, ўн икки, йигирма, қирқ ва бошқа сонлар алоҳида маъно-мазмунга эга. Қуйида болаларни миллий маънавият руҳида тарбиялаш борасида сон (рақам) лар сир-асрорларидан воқиф этиш, масалалар йечиш хусусида сўз юритамиз. Халқ таълими ходимлари ёш авлодни ҳар томонлама камолотга йетган, чуқур билимли, ахлоқ-одоб меъёрларини пухта ўзлаштирган, пок виждонли, оталар ишининг муносиб давомчилари қилиб тарбиялашга алоҳида еътибор бермоқдалар. Бугунги ёшларнинг мантиқан тўғри фикр юрутиб, аниқ, қисқа ва содда тилда сўзлашни ўрганишларига ҳаракат қилмоқдалар.

Халқимизда: “Донолар сўзи - маънолар хазинаси”-деган нақл бор. Математика дарсларида бошланғич синф ўқувчиларининг маънавиятини ошириш борасида ўқитувчи сонлар иштирок етган қуйидаги каби мақоллардан фойдаланиб, ўтмиш даврлардаги донишмандларнинг чуқур, мазмунли фикрлари билан таниш бўлишлари, уларни имкони борича ўзлаштиришга аҳамият беришлари керак:

Санамай саккиз дема.

Етти ўлчаб, бир кес.

Шу сингари мақоллари орқали ўқувчиларда шарқона босиқлик, шошмасдан хулоса чиқариш каби кўникма ва малакалар ривожлантириб борилади. Бир йигит кишига қирқ хунар ҳам оз. Бундай мақоллар орқали ўқувчиларни касбга йўналтириш, меҳнатни севишга ундаш мумкин.

Ўқувчи – ёшларда ўз ватанига, халқига бўлган муҳаббат, садоқат туйғусини шакллантириш борасида фойдаланиш мақбул бўлган мақоллар:

Еридан айрилган етти йил йиғлар, элидан айрилган ўлгунча йиғлар.

Ўқувчиларда билим олишга интилишни тарбиялаш борасида қуйидаги мақоллар қўл келади.

Билаги зўр бирни йиғар, билими зўр мингни, билимдилар минг яшар.

Атроф–муҳитни асраб-авайлаш, эътиборли бўлишни тарбиялаш мақсадида қуйидаги мақоллардан фойдаланиш мумкин.

Бирни кессанг, ўнни эк!

Бир йил тут эккан киши, юз йил гавҳар терар.

Бир туп ток эксанг, б ир туп тол эк.

Буюк донишманд олимлар математика фани ҳақида қуйидаги фикрларни билдирганлар:

Математика фанлар ичра шоҳ, Унинг сирларидан бўлингиз огоҳ. (Қори Ниёзий)
Математика фақат математиклар учун емас, балки ҳамма фанлар, жуда кўпчилик мутахассислар учун ҳам зарур фандир. (О.Файзуллаев)
Математика -маънавий улуғворликнинг кенг дунёсидир. (С.И.Афоница)
Демак, математика дарсларида ўқувчиларнинг маънавиятини шакллантириб бориш ҳам ўз навбатида тарбиянинг муҳим ўрнини егаллайди. Мустақиллик йилларида жамиятимиз аъзоларининг дунёқараши, фикрлаш тарзида теран ўзгаришлар рўй берди. Халқимизни бирлаштирадиган, бунёдкорлик фаолиятига сафарбар етадиган, унинг езгу мақсадлари ва ҳаётий манфаатларини ўзида мужассам етадиган миллий ғоя ва мафқурани яратиш ижтимоий сиёсий ва маънавий тараққиётимизнинг муҳим шартини бўлиб қолди. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Бизни ҳамиша ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала – бу ёшларимизнинг одоб-

ахлоки, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким – ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айна пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин”.

Мустақиллик садоқат ҳиссини барчага баробар шакллантириш, фуқаролик туйғусини мустаҳкамлаш, миллий қадриятимизни еъозлаш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир.

Бошланғич синфларда олиб бориладиган маънавий-маърифий, тажриба-синов ишларининг асосий мақсади ўқувчиларда маънавий билим, маънавий эҳтиёж, маънавий кўникма ва маънавий еътиқодни тарбиялашдан иборат бўлади. Маънавий билимдан олинган маънавий тушунчаларни ўқувчи яхши пухта билади, айтиб бера олади. Бунга мисол қилиб, математика дарсида кунига ечиб бориладиган мисол ва масалалардан намуна келтирамиз.

1-синф математика дарсида куйидаги масала берилган бўлсин.

Жисмоний тарбия залида икки гуруҳда оқувчилар жисмоний машқлар билан шуғулланмоқдалар. Биринчи гуруҳда 15та ўқувчи, иккинчи гуруҳда еса 14та ўқувчи машқ қиляпти. Иккала гуруҳда жами ўқувчилар сони нечта? Оқувчиларнинг жисмоний ва руҳий томондан камол топиши, жисмоний камолот соғломликка олиб бориши, руҳий вазминлик, босиқлик ҳам инсоний фазилатларнинг бири саналиб, кишилар ўртасидаги шарқона муомалада муҳим ўрин тутди.

Бу масала орқали ўқувчилар билан жисмоний машқларнинг зарур томонлари, сиҳат саломат бўлиш учун кераклигига боғланган суҳбат уюштириш мумкин. Президентимиз таъкидлаганларидек; ”Соғлом халқ, соғлом миллат, соғлом болагина буюк ишларга қодир” деган сўзлари биз учун доим шиор бўлади.

Бошланғич синф ўқитувчиси ўқувчиларни маънавий баркамол инсон қилиб тарбиялашда рақамлар ҳам ўз ўрнига эга. Ўқувчиларга 1 сонини кўрсатиб, таништириб бўлгандан сўнг йер юзида нима битта, деган савол берилиб ўқувчилардан жавоблар олинади. Уларнинг диққатлари Ватаннинг битта бўлиши онанинг ягоналиги, болалик бир бора берилиши, чарақлаб турган куёш ҳам танҳолиги, уларни сақлаб ардоқлаш каби кўникмалар тарбияланади. 2 сони билан таништириш вақтида, кўпайтириш жадвалини ёд олишда туркий халқларнинг бу сондан кўп фойдаланишлари ҳақида сўзлаб ўтилади. 2 сони жуфт сонлиги, ота-она, ер-у-осмон жуфтликлари, уларга бўлган еътибор ҳақида тўхталиб ўтилади. Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги жуда кўп миллатларга маълум улар бир паёла чойдан сўнг, яна бир паёла чой ичинг, жуфт бўлсин деб таклиф қиладилар. Тўйларимизда дастурхонларга доимо жуфт қилиб нон кўйилади, тоқ кўйиб бўлмайди, деб ҳисобланади. Бирон марақада еса нон тоқ кўйилиб, жуфт кўйиб бўлмайди, деб ҳисобланади.

Математик билимлар билан бир қаторда ўқувчиларнинг маънавий тарбияси ҳам изчил, кетма-кетликда узвий равишда ташкил етилиши лозимдир. Таълимда назария ва амалиёт ўртасидаги кўприк-бу кўргазмалилик методидир. Бу метод ёрдамида таълим(дарс) жараёнини ташкил етиш ўқувчида теран таасуротлар қолдириши билан биргаликда маълумотлар базасини яратишда, объектлар ўртасидаги муҳим боғланишларни англашга ва уларни хотирага сақлашга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат рамзлари қабул қилинган саналарни ёддан билиш, уларни ўрганиш, ҳурмат ҳиссини шакллантиришни математика дарслари билан боғлаш мумкин.

Ҳулоса ўринда шуни айтиш жоизки, бошланғич синфларининг ҳар бир ўқув фанида, хусусан математика дарсларида кўпинча мактаб ва жамоа мулкани, табиатни асрашга қаратилган мавзуларга тўхталинади. Худди шу ўринда ибратли гаплар, ҳадислардан намуналар ва сонлардан ҳосил қилинган кўргазмалардан фойдаланиб ўқувчиларда ҳайвонот дунёсини, табиатни асраб-авайлаши, уни кўпайтириш учун қилиш зарур бўлган сай-харакатлар ҳақида суҳбатлар олиб борилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Иброҳим Искандарров. Ўзбек педагогика анталогияси. (1-жилд). – Т.: Ўқитувчи, 1995.
2. М. Исоқов, Н. Раҳмонов, Қ. Содиков, Б. Тўхлийев. Ўлмас обидалар (Ўзбекистон халқларининг қадимги ёзма ёдгорликлари бўйича тадқиқотлар) - Т.: Фан, 1999.
3. Б. Тўхлийев. Юсуф Хос Ҳожибнинг, , Қутадғу билиғ ва айрим жанрлар такомили (маснавий, тўртлик қасида) . - Т. : 2004.

МАТЕМАТИК МАТНЛИ МАСАЛАЛАР БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ФИКРЛАШИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЎРНИ

Нафасов Ф.А., Худойкулов Р.Ў., Абдураимов Д.Э.

Гулистон давлат университети.

Исмоилова Б.З.

Тошкент кимё халқаро университети

Айни вақтда мактабларда бошланғич синфларда математика ўқитишнинг асосий вазифаларидан бири ўқувчиларни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш ҳисобланади. Бунда уларда математика бўйича билимлар бериш билан бирга уларга ўрганилаётган билимларни асосли ва пухта бўлишини таъминлаш, уларни қўллай олиш кўникма ва малакаларини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса математика дарсларида фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш ҳамда уларни келгусида олинган билимларни онгли ҳаётий фаолиятда муваффақиятли қўллашлари учун зарур кўникма ва малакаларни шакллантириш бошланғич математик таълимнинг асосий вазифаларига айланиши лозим. Шу нуқтаи назардан ўқув жараёнида математик масалалар, жумладан ҳаётий мазмунли, уларнинг тўплаган тажрибасига асосланган масалаларни ечиш усулларига ва уларни қўллашга ўргатиш ўзига хос хусусиятларга эга, уларни таълим мазмуни ва ўрганилаётган тушунчалар моҳиятини очиқ беришда фойдаланиш, ўзаро алоқадорликда ва ўқувчилар амалий фаолияти тажрибаси билан қўшган ҳолда ўқитиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Бу усулларни ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш ўқитиш сифат ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Бошланғич таълимда математика фанини ўқитишнинг асосий мақсадларидан бири ҳам ўқувчилар интеллектуал тафаккурини шакллантириш асосида ўқувчилар қобилият ва қизиқишларини ривожлантириш ҳисобланади. Демак, бошланғич синфларда арифметик амаллар тушунчасини моҳиятини ва ҳисоблаш усулларини йетказиш услубиятини ишлаб чиқиш ўз ичига ўқувчиларда умуман бошланғич математика асосий тушунчаларни шакллантириш ва уларни амалда қўллай олиш кўникма ва малакаларини ривожлантиришни олади. Математик масалалар ечиш математика ўқитишнинг муҳим таркибий қисмидир. Масалалар ечмасдан математикани ўзлаштиришни тасаввур ҳам етиб бўлмайди.

Математикада масалалар ечишнинг назариясини амалиётга тадбиқ қилишнинг муҳим йўлидир. Масалалар ечишнинг бошланғич синфларда ўрганиладиган у ёки бу назарий материалларни ўзлаштириш жараёнида муҳим ролни ўқувчиларни фикрлаш қобилиятларини ўстириши ўйнайди. Масалалар амалий ишлар системаси асосида тузилади. Бу деган сўз ҳар бир янги тушунчани таркиб топтириш ҳар доим бу тушунча аҳамиятини тушунтиришга ёрдам берадиган унинг қўлланишини талаб қиладиган у ёки бу масалани ечиш билан амалга ошади.

Математика фанида масала устида ишлаш унинг мазмунини ўзлаштиришдан бошланади. Ўқувчилар ҳали ўқиш малакасига эга бўлмаган дастлабки вақтларда уларни ўқитувчи ўқиб берадиган масала матнини тинглашга шартнинг муҳим элементларини товуш чиқариб ажратишга ўрганиш керак, шундан кейин масала шартини яхшироқ ўзлаштириш мақсадида, ҳар бир ўқувчи масала матнини тинглашга ва масалани мустақил ўқиб чиқиши зарур.

Бунинг учун уларга масалани олдин овоз чиқармай ўқишни сўнгра эса товуш чиқариб ифодали ўқишни таклиф қилиш керак. Бошланғич синфларда масалаларни ўрганиш янги тушунчаларни шакллантириш, содда масаларни йечишдан мураккабларни йечишга ўтиш ёрдамида амалга оширилади. Бунда қўшиш, айириш, кўпайтириш ва бўлишга доир ҳар хил содда масалалар яъни бир хил қўшилувчиларнинг йиғиндисини топишга қаррали ва тенг бўлақларга бўлишларга доир сонни бир неча қатталаштириш ва кичиклаштиришга оид масалалар сонларни таққослашга амалларнинг номаълум компонентларни топишга доир содда масалалар шунингдек турли мураккаб масалалар шу жумладан келтириб ечиладиган масалалар, икки кўпайтувчининг йиғиндисини топишга доир ва унга тескари масалалар йиғиндисини сўнгра кўпайтириш бўлишга келтирадиган ва бошқа масалаларни кўриб чиқамиз. Агар берилган масала ўзининг мураккаблиги билан синфда ечилган масалаларга мос ёки ўхшаса у ҳолда ўқувчилар таклиф қилинган масаланинг йечилиши йўлини мустақил топишга ўргатиш керак. Шу мақсадда ўқувчилар масалалар ечишга яқинлашишнинг энг содда умумий усуллари егаллашлари лозим.

Ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида масала шартини қисқа ва яққол ёзиб олишлари, ечиш йўллари топишни осонлаштириш мақсадида шартини чизма ёки расм билан тасвирлай олишлари керак. Ўқувчилар йечиладиган масалада нима маълум нима номаълумлигини, масала шартидан нима келиб чиқишини, қандай арифметик амаллар ёрдамида қандай тартибда масала саволига жавоб топиш мумкинлигини аниқ ва равшан тушунтиришга ўрганишлари керак. Ўқувчилар ҳар бир амални нега танлаганликларини англай олишлари масала бўйича ифода ёки тенглама тузиб олишлари уни еча олишлари, саволга жавоб бериб, ечимнинг тўғрилигини текшириб олишлари лозим.

Уй ишида бажариладиган содда масалалар ечишини ўқитиш методикаси бўйича машқ қилдириш содда масалаларни ечишда кўрғазмали қўлланмаларни қўллашда баъзи ўқув ва малакаларини егаллашади. 2-синфда масалалар устида ишлаш асосий ўринни эгаллайди. Бу йерда қўшиш ва айиришдан ташқари кўпайтиришга ва бўлишга бир хил қўшилувчиларни йиғиндисини топишга тенг бўлақларга бўлишга, сонни бир неча марта орттириш ва камайтиришга сонларни қисқа таққослашга, амалларнинг номаълум компонентини топишга доир ҳар хил содда масалалар, шунингдек, ҳар хил кўринишдаги мураккаб масалалар келтириш усули билан йечиладиган масалалар иккита кўпайтманинг йиғиндисини топишга доир ва бунга тескари масалалар йиғиндисини сонга кўпайтириш ва бўлишга келтириладиган масалалар кўриб чиқилади.

Агар биз ўқувчиларда қўшиш ҳақида тўғри тушунча шакллантиришни истасак, бунинг учун болалар йиғиндисини топишга доир етарли миқдорда содда масалаларни деярли ҳар гал тўпламларни бирлаштириш амалини бажариб ечишлари зарур.

Масалан: қуйидаги масала берилган.

1. Умидда 7 та рангли ва 3 та оддий қалам бор. Умидда ҳаммаси бўлиб неча қалам бор?

Буни ечиш учун олдин 7 та чўп оладилар ва бунинг ёнига яна 3 та чўпни сўриб қўядилар, ва ҳаммаси бўлиб неча чўп бўлганини санайдилар.

Масалаларда аниқ материал бўлиб улар ёрдамида ўқувчиларда янги билимлар вужудга келади ҳамда уни йечиш жараёнида фикрлаш амалларини бажаришга ўрганадилар. Сўнгра масалани йечиш учун 7 га 3 ни қўшиш кераклиги ва ҳосил бўлган 10 сони бу икки соннинг йиғиндиси бўлишни тушунтиради. Шунга ўхшаш масалаларни кўплаб ечиб болалар қўшиш амали ҳақидаги тушунчаларни аста секин егаллаб борадилар ва уни умумлаштириш асосида қўшиш учун уларни бирга санаш кераклигини тушунадилар. Масалан: амалнинг номаълум компонентини топишга доир масалани ечаётиб ўқувчилар арифметик амалларнинг компонентлари ва натижалар орасидаги боғланишни ажратиш ва уни масалалар ечишга қўллашга ҳаракат қиладилар.

Ҳулоса ўринда шуни айтиш жоизки, масалаларда ўқувчилар кўрадиган, сезадиган ва тушунадиган аниқ материал бўлиб, улар ёрдамида ўқувчиларда янги билимлар вужудга келади ҳамда уни ечиш жараёнида фикрлаш амалларини бажаришга ўрганадилар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бикбоева Н.У. Янгибоева Э.Й. Иккинчи синф математика дарслиги. Тошкент. —Ўқитувчи 2005 йил.
2. Бикбоева Н.У. Янгибоева Э.Й. Учинчи синф математика дарслиги. Тошкент. —Ўқитувчи 2005 йил.
3. Жумаев М.Э, Таджиева З.Ф. Бошланғич синфларда математика ўқитиш методикаси. Тошкент. —Фан ва технология 2005 йил.

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТНИ МАТЕМАТИКА ФАНИДА ШАКЛЛАНТИРИШ

Нафасов Ф.А., Худойкулов Р.Ў., Абдураимов Д.Э.

Гулистон давлат университети

Исмоилова Б.З.

Тошкент кимё халқаро университети

Бугунги кунда ўқувчиларда ижодий фикрлашнинг ажратилган хусусиятлар тизимидаги мустақиллик фикрлашнинг ижодий, маҳсулотли хусусияти деб ўрганилмоқда. З.И.Калмакова маҳсулотли фикрлаш тушунчасига теранлик, эластиклик, мустаҳкамлик, қарама-қаршилиқларни сезиш каби хусусиятларни киритмоқда. Г.П. Антонова маҳсулотли фикрлашга турли хусусиятларни киритмоқда. Муаллифларнинг кўпчилиги ижодий фикрлаш учун фикрлашда устақилликка эга бўлиш муҳимдир.

Крутецкий фикрича ижодий ва мустақил фикрлаш ўртасидаги фарқнинг муҳимлиги шундаки, ижодий фикрлаш ва бу мустақил фикрлашдир, аммо ҳар қандай фаол фикрлаш ҳам мустақил ва мустақил фикрлаш ижодий фикрлаш бўла олмайди. Ўқувчининг ижодий фикрлашининг муҳим қисмларидан бири – бу интуиция (фахм)дир. Интуиция тушунчаси турли илмларда фойдаланилади: фалсафа, мантиқ илми, математика, психология; бунда ушбу тушунчага турлича маъно киритилмоқда. Интуициянинг асосий белгилари ижодий фикрлашни таҳлил қилганда шаклланган. Муаллифлар интуицияни «бевосита билим», «ҳаракатни бевосита кўра билмоқ» деб ҳисоблашади. Интуицияли фикрлашнинг маҳсулоти – бу янги билимдир. Янги билимни қабул қилиш факти равшанликдай ифодаланади. Равшанликнинг тўсатдан пайдо бўлиши унинг ҳақиқатлиги шубҳасиз эканлигини билдиради. Мактаб амалиётида Д.Поя таъкидлаганидек, «пайқаб олмоқ»қа кераклигича эътибор бермайди. Аммо ўқувчилар пайқаб билмоқнинг кашфиётдаги ахамиятини намойиш этиш учун кўплаб услуб ва имкониятларга эгадир. Бунда ўқувчилар томонидан қилинадиган изланишларида пойдевор бўлиб, катта ахамиятга эга бўлган ақлнинг ривожланишига олиб келади.

Математик масалаларни ечишда интуиция муҳим ахамиятга эга. Бу ерда интуиция бирдан хаёлга келган фикрдай «мувоффақиятли ғоя»дек намоён бўлади. Ечиш ғояси фараз, таҳлил қилиш, гипотеза шаклида пайдо бўлишига қарамай, олдин шаклланган билимлар, фаолият услублари (билиш ва кўниқиш) масалада қўйилган шартлар хусусиятлар асосидаги янги боғланишларнинг муҳимлиги ечим асоси бўлиб хизмат қилади.

С.Л. Рубнштейн фикрича, фикрнинг ҳаракати объектларнинг янги боғланишларида ифодаланади. Бунда янги хусусиятлар ва янги тушунчалар қилиб масалани ечиш жараёнини ташкил қиладиган мулоҳазада масала шартига кирмаган янги маълумотлар киритилади.

Таҳлилнинг бу шакли синтез (бириқиш) қилиш орқали мулоҳаза қилиш жараёнига ҳамма янги аргументларни (исботларни, далилларни) киритади, масалани ечишда аниқ хулоса қилишга олиб келади.

Ўқувчиларнинг масала ечиш жараёнини ўрганаётган Л.Л. Гуров ва З.И. Калмакова ва бошқа руҳшуносларнинг маълумотларига қараганда, кўрсатилган мулоҳазалар механизмининг амалга оширилиши ўқувчининг аниқ тушунчаларни англаши, масалани ечиш услубларини ташкил қиладиган, уларнинг билиши ва кўникмаларнинг шаклланган даражасига боғлиқдир. Агар билим даражаси, фаолият услублари етарли даражада

ривожланмаган бўлса, тахминлар киритишда, масалани ечиш гипотезаларни исботлаш ва асослашда ўқувчи хатоларга йўл қўяди, ёки бир қатор қийинчиликларга дуч келади.

3.И.Сленкань ўқувчилардаги масалани ечиш умумий билимларнинг шаклланмаганликларининг сабабларини қуйидагича таъкидлаб ўтади.

1) Масалани таҳлил қилишни билмаслик, масаланинг моҳиятига кира олмаслик, масала шартларида ифодаланган вазиятни тушуниб етмаслик;

2) Масалани ечиб бўлганидан кейин, ўқувчи томонидан қилинадиган ўз фаолиятининг таҳлили йўқлиги. Ушбу таҳлил масаланинг моҳиятни ажратиб олиш, бошқа масалаларни ечиш учун керак бўлган ахборотни олиш учун муҳимдир;

3) Масалани ечиш жараёнида ўқувчининг фикрлаш фаолиятини ўқитувчи томонидан етарли даражада бошқара олмаслик.

4) Масаланинг аҳамиятини аниқлашда, уларнинг таълим олишда етарличи эътибор бермаслиги.

Шунинг учун ўқувчи масалани ечиш услубларини тўғри топа олиши ва масалани ечиш жараёнини ташкил қила олиши учун мустақил фикрлашни етарли даражада ривожлантиришга қаратилган доимий ишларни ўқувчилар билан олиб бориш, аввал эгаллаган билимлар ва кўникмаларни янги вазиятда ишлата олишга, таниш маълумотдаги янги муаммони кўра олиш, объектнинг янги вазифаларини кўра билиш, объектнинг тузилишини англаш, ечимнинг ёки ечиш услубининг альтернативини топа билиш, аввалдан маълум бўлган муаммоларнинг ечиш услубларини янгилар билан боғлашни билмоқ муҳимдир.

Дидактлар ўзларининг изланишларида таълим олиш жараёнини ва фикрлашнинг ривожланиши узвий боғланиш бирлигида кўрадилар. Ижодий фикрлаш ривожланиши ташки шартларнинг ўқувчилардаги ички имкониятлари билан мувофиқ бўлишидаифодаланади.Ижодий фикрлашни ривож ланиши муаммоларининг таълимий услублари билан боғланиши эътиборда муҳимдир. Таълимнинг назарий ва амалий услубларининг кейинги ривожланишида Б.С.Есенов, И.Я.Лернер, М.Н.Скаткин ва бошқалар катта хиссасини кўшган.

Таълим услубларининг ушбу туркуми услубларини ёдга тушуриш ва мустақил фикрлаш фаолиятларининг нисбатига қараб бўлишга имконият яратади.

Геометрик масалани ечиш – бу жараён дир ва ўз ичига фикрлаш операцияси йиғиндиси, уларнинг ҳар хил бирикмаларини олади. Шунинг учун геометрик масалаларни ечишга ўргатиш услубиёти ишланмаси психологик маълумотлар асосида мувоффақиятли ҳал бўлиши мумкин. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, ўқувчиларнинг фикрий фаолиятини бошқариш ҳақидаги илмнинг шаклланиш жараёни ҳозирги вақтгача давом этиб келмоқда.Маълумки, умумий кўринишда бошқариш тизимни тартиблалашдек ифодаланиш мумкин, яъни ушбу муҳитда ҳаракатланувчи объект қонуниятига мос бўлишига олиб келтириш.

Объектни бошқариш ҳақидаги ахборот муҳимдир. Шунинг учун системалар қисмининг ўзаро таъсири ахборотни қайтадан ишлаб чиқиш ва олиб бориш воситаси орқали қувватланади.

Ахборотсиз бошқариш ва ушбу тизимнинг ишлатилиши ақлга сиғмайди. Инсонларнинг хулқига боғлиқ бўлган мураккаб тизимни бошқаришда фақатгина ахборотнинг маъноси ва муҳимлигини билиб қолмай, балки инсондаги шундай руҳий ва хулқий аспектлари, яъни мақсадли тахминлаш. Мақсадга қаратилиш, талаб ва қизиқишлар, асослаш манбаи кабиларни билиш лозим.

Хулоса қилиб шунини айтиш жоизки, тасвирили тушунтириш услуби учун тайёр билимлар ва фаолият услубларини эслаш (ёдда сақлаш) киради. Муаммоли ифодалаш услуби эса мустақил фикрлаш элементларининг бирга кўшилиб келиши ва аниқ билимларни ёдда сақлашни ўз ичига олади. Қисман изланиш услубида ижодий фикрлаш ва ёдда сақлаш элементлари кўшилиб келади. Изланиш услуби эса ижодий фаолиятни тахмин этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. М.Аҳадова. “Ўрта Осиёлик машхур олимлар ва уларнинг математикага доир ишлари”, Тошкент, “Ўқитувчи”. 1983-й. Б-9-128.
2. Х.Назаров, Қ. Остонов. Математика тарихи. Тошкент “Ўқитувчи”, 1996.
3. Стройк Д.Я.. Краткий очерк истории математики. - М., 1999.
2. Юшкевич А.П.. О математике народов Средней Азии в IX -XV вв.- М., 1993.
5. С.Алихонов “Математика ўқитиш методикаси” Тошкент Ўқитувчи 2011 йил.
6. Т.Толаганов “Математика ўқитиш методикаси” (маърузалар тўплами) ТДПУ 2001 йил.
7. Ф.Сайдалиева, Н.Ешпўлатов “Математика ўқитиш методикаси” дан лаборатория машғулоти (методик қўлланма) 2007 йил.

КАРТОГРАФИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ТАЛАБАЛАРИНИНГ ГРАФИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Ҳамидов Ж.А. – п.ф.д., профессор

Жиззах политехника институти

Аралов М.М. – мустақил тадқиқотчи

Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти

Техника олий таълим муассасаларида “Геодезия, картография ва кадастр” йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлашда график билимлар катта аҳамиятга эга.

График тадқиқот усули фазовий жойлашиш қонунларини, шунингдек географик объектлар ва ҳодисаларнинг тузилишини, уларнинг ўзаро боғлиқлигини, мониторинг ва прогнозлаш воситасини тушунишнинг энг самарали воситасидир.

Талабаларнинг график тайёргарлигини такомиллаштиришнинг асосий вазифаларидан бири картографиянинг ривожланиш даражаси ва ютуқларини етарли даражада акс эттириш, замонавий фазовий тасаввур ва тушунчаларга эътибор бериш, уларни географик тилда намойиш этишдир.

Хариталар билан ишлаш ва улардан керакли маълумотларни олиш қобилияти шахсни ривожлантирадиган оммавий график саводхонлик ва коммуникатив маданиятнинг ажралмас қисмига айланади. График тайёргарликнинг аҳамияти географик хаританинг жамиятнинг ривожланиш даражасини, унинг маданияти ва дунёни идрок этишни акс эттирувчи алоқа ҳужжати сифатида ролини тобора ортиб бориши билан боғлиқ. Харита, бошқа алоқа воситаларидан фарқли ўлароқ, кетма-кет эмас, балки интеграл график тасвирлар сифатида бир вақтнинг ўзида қабул қилинган фазовий график комбинациялар шаклида маълумотларни тақдим этади. Т.С.Комиссарова маълумотларига кўра, харита кўп ўлчовли географик маконни ўзлаштиришга ёрдам берадиган одамлар маданий жамоасининг халқаро тилидир. Географик харитани турли ҳудудларга хос бўлган ҳолат ва ўзгаришлар тўғрисида маълумот узатишда энг юқори синтез деб ҳисоблаш мумкин.

График фанларни ўқитишнинг муҳимлигини таъкидловчи график билимларнинг аҳамиятини тасдиқловчи олимларнинг сўзларини келтиришимиз мумкин:

Хариталар билан самарали ишлаш учун уларни қуриш қонуниятларини ва хариталарни яратишнинг асосий усулларини, график тасвирларни идрок этишнинг лингвистик тузилиши ва психологик хусусиятларини билиш муҳимдир; умумлаштириш техникасини ўзлаштириш, харитадан керакли маълумотларни ўқий олиш ва "олиб ташлаш", хариталарни яратиш ва "олиб ташлаш". Табиат, иқтисодиёт, аҳоли ва объектлар хариталаш ўртасидаги фазовий муносабатларда жойдан жойга географик фарқларни аниқлаш.

Юқоридаги фикрларга асосланиб хулоса қилиш мумкинки, график фанларни ўқитиш ОТМда бўлажак геодезларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Н.В.Андреев, А.М.Берлянт, С.В.Буланов, А.В.Гедимин, Г.Ю.Грунберг, Т.С.Комиссарова, М.В.Литвиненко, Т.А.Педастсаар, В.В.Пятунин, К.А.Салишев каби олимлар турли даврларда график тайёргарлигини такомиллаштириш билан шуғулланган.

А.М.Берлянт асарларида график тайёргарликни ва умуман график таълимни такомиллаштиришнинг иккала жиҳати, шунингдек картографиянинг алоҳида масалалари очиб берилган. Масалан, у картография дарслари ва картография бўйича маърузаларни тўлақонли график қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидлайди ва бу муаммони компьютер график тақдимотлари орқали ҳал қилишни таклиф қилади.

Ушбу олим биринчи марта янги илмий йўналиш - геоикониканинг мазмунини барча гео-тасвирларнинг хусусиятларини ўрганадиган билим соҳаси сифатида шакллантирди: хариталар, электрон хариталар, ҳаво ва сунъий йўлдош тасвирлари, стереотасвирлар ва компьютер анимациялари, уч ўлчовли моделлар ва бошқалар. У гео-тасвирларнинг ягона назариясини таклиф қилди, уларнинг таснифи ва тизимлаштирилишини берди, гипергеотасвирлар тушунчасини киритди. Географик тасвирларнинг хусусиятлари, уларнинг фазовий-вақтинчалик диапазонлари, умумлаштириш турлари ва ўзаро мувофиқлиги кўриб чиқилади. Геоиконометриянинг умумий назарияси, геоикониканинг икки, уч ва тўрт ўлчовли географик тасвирлардан ўлчашлар билан шуғулланувчи бўлими келтирилган.

Л.А.Фокина бўлажак мутахассисларни график фаолиятга тайёрлаш билан ҳам шуғулланади. У хариталарнинг муҳим қисми хатолардан холи эмаслигини таъкидлайди ва ушбу хатоларни аниқлаш ва тузатишни ўргатиш учун талабалар учун картография дастурига битта ёки иккита лаборатория машғулотларини киритишни таклиф қилади. Шунингдек, у талабаларни битта харитани ҳам, бир қатор хариталар ва атласларни ҳам касбий таҳлил қилишга, уларда мавжуд бўлган тасвирларни ўрганишга ёки керакли ўзгаришларни амалга оширишга ўргатиш зарурлигини таъкидлайди. У хариталардан тўлиқ географик маълумот манбаи сифатида фойдаланиш қобилиятини ривожлантириш учун мақсадли фаолиятга эҳтиёж борлиги тўғрисида хулоса чиқаради, бу ушбу фаолиятни амалга ошириш воситасига айланиши мумкинлигини кўрсатади. Унинг фикрига кўра, компьютердан фойдаланиш ўқитишни индивидуализация қилишни талаб қиладиган кўникмаларни шакллантиришнинг якуний босқичларида тавсия этилади (ҳар бир талаба темпига эга, хатоларини қилади, такрорлаш ва машқларга муҳтож).

Шундай қилиб, А.М.Берлянт график саводхонликнинг муҳимлигини таъкидлаб, қуйидагилар етишмаслигини кўрсатади: "бугунги кунда график саводхонлик ҳар бир инсон учун кундалик ҳаётда зарур бўлиб қолади: дипломат ва сайёҳ, маъмур ва муҳандис, астронавт ва тадқиқотчи ва ниҳоят, ҳар бир газета ўқувчи ва телевизион томошабини. Бунга кўра кўрқмасдан, график саводхонлик замонавий инсон компьютердан кам бўлмаслиги керак деб таъкидлаш мумкин. График саводхонликнинг йўқлиги иқтисодиётимиз ва режалаштиришимизга, табиат ва миллий муносабатларга муносабатимизга, халқаро сиёсат ва ҳамкорликка салбий таъсир кўрсатадиган омиллардан биридир.


А.М.Берлянт аҳолининг график саводхонлигини такомиллаштириш муаммоси график таълимга нисбатан инновацияларнинг долзарблигини белгиловчи омиллардан бири эканлигини таъкидлайди.

Ушбу концепция, унинг фикрига кўра, "талабаларнинг географик тасвирларнинг асосий турларининг ўзига хос хусусиятлари, улардан географик маълумотларни олиш қобилияти, шунингдек, ер юзидаги енг муҳим объектларнинг жойлашуви, нисбий катталиги, шакли ва шакли ҳақидаги назарий билимларини бирлаштириши керак (1-расм)".



1-расм. График саводхонлик тузилмаси

Бундан ташқари, у график саводхонликнинг таркибий қисмларини очиб беради: "график жиҳатдан саводли одам эгаллаши керак бўлган энг муҳим маҳорат, албатта, график асарларни ўқиш қобилиятидир, яъни график манбалардан географик ҳақиқатни таниб олиш, хариталарда кўрсатилган ҳодисалар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш. Ушбу кўникма картографияни ўқитиш жараёнида шаклланган хариталарни таҳлил қилиш усуллари билан бирга бўлиши керак: график манбалардан тасвирларни тузиш усуллари - қисмли ва мураккаб (натижада ҳудудларнинг географик хусусиятлари), шунингдек энг оддий картометрик усуллар тузилади. С.ВБуланов график саводхонликнинг куйидаги таърифини беради: "график саводхонлик ер юзасининг асосий моделларини, уларни ахборот манбаи сифатида ишлатиш ва улардан энг оддийини яратиш қобилиятини, шунингдек географик номенклатурани билишни англатади. Бу бизга уни географик маданиятнинг асоси деб ҳисоблаш имконини беради (2-расм)".



2-расм. график саводхонлик

У график саводхонлик даражасига кўйиладиган талабларнинг ўзгаришига ишора қилади, бу талабаларнинг график тайёргарлигига жамият ижтимоий тартибининг ўзгаришига боғлиқ.

У график тайёргарликнинг тўлиқлик даражасини график билиш усулини ўзлаштиришда касбий график компетентлиги ва дидактик график саводхонлигига мос келадиган учинчи даража деб ҳисоблайди.

График компетентлик тегишли мотивацияни (тайёрликни) яратиш орқали, билим мезони орқали, график кўникма (фаолият) орқали амалга оширилади.

Шундай қилиб, "Геодезия, картография ва кадастр" таълим йўналиши талабаларининг график компетентлиги шакллантиришнинг педагогик назарияси ва амалиётини таҳлил қилиш ва ДТСни таҳлил қилиш орқали график компетентлигини аниқлаш компетентли ёндашувга асосланган. Ушбу таърифга мувофиқ, уларнинг кўрсаткичларини тавсифловчи мезонларни ва талабаларнинг шаклланган график компетентлиги даражасини ҳисобга олиш керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Образцов П.И. Психолого-педагогическое исследование: методология, методы и методика: Учебное пособие. - Орел: Каргуш, 2007. - 248 с.
2. Берлянт А.М. Картоведение. - М.: Аспект Пресс, 2004. - 720 с.
3. Ҳамидов Ж.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллаш технологияси. пед. фан. докт. Дисс. Тошкент. 2017. - 337 б.
4. Ҳимматалиев Д.О. Касбий фаолиятга тайёргарликни диагностика қилишда педагогик ва техник билимлар интеграцияси. DSc диссертацияси автореферати – Т.: - 2018. – 22 б.
5. Аралов М.М. Муҳандислик йўналиши талабаларига картографик чизмачилик ва картография фанларини ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланишнинг услубий жиҳатлари. Муғаллим ҳам ўзликсиз билимлендириў. Нуқис, 2022-йил 2-сон.

ТЎГАРАКЛАРДА ИЖОДИЙ ИШЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Жураева Н.М., Ахмаджонова У.Т.

Жиззах политехника институти

Фан ва техника ривожидида етакчи ўринда турган фундаментал фан бўлган физика туб мазмуни жиҳатидан экспериментал фан ҳисобланади. Бу фанда назарий тушунчалар, қонуниятлар ўзининг тажрибавий асосига ва амалий исботига эга бўлади. Шунинг учун ҳам физика фанини ўқитишда маъруза машғулотларининг ажралмас ҳамда тўлдирувчи қисми бўлган намоийш тажрибаларини, амалий ишларини ташкил этиш ва ўтказиш катта аҳамият касб этади. Физикавий тажрибалар – амалий машғулотлар талабаларнинг илмий дунёқарашини шакллантиришда муҳим ўрин тутди.

Маълумки, кўриш қобилиятининг ўтказувчанлиги эшитиш қобилияти-нинг ўтказувчанлигига нисбатан ортиқроқдир. 90 фоиз ахборотларни талабалар кўриш орқали қабул қиладилар. Инсоннинг эшитиш органи- кулоқ 15500 та сезгир элементлар (рецепторлар)дан ташкил топган бўлса, кўз 126 миллион сезгир элементларга эга. Яъни кўз кулоққа нисбатан 8000 марта кўпроқ сезгир элементларга эга бўлиб, ахборотларни қабул қилиш кулоққа нисбатан кўзда 8000 марта тезроқ бўлиши аниқланган /1/. Агар дарслар сўз, тушинтириш орқали олиб борилса, ўзлаштириш 10 фоизни ташкил этади.

Кўргазмалилик-намоийш орқали ўтказилган дарсда самарадорлик-ўзлаштириш 50 фоизни, таълим жараёни ўқувчининг шахсан иштирокида, фаоллигида амалий ташкил этилса- ўтказилса ўзлаштириш сифати ва самарадорлиги 90 фоизни ташкил этади. Шунинг учун ҳам "Юз марта эшитгандан бир марта кўрган яхши", "Кўз кулоқдан сезгирроқдир" иборалари кенг тарқалган. Агар талаба ўз кўли билан бирор ходисани руёбга чиқарса, бирор қурилмани яратса, таҳлил асосида хулоса чиқарса, ахборотнинг хотирада сақланиш имконияти ортади. Ахборотлар тушунча, билимлар кўникма даражасига этади. Дарс самарадорлигини ошириш учун ўқитувчи ўз фанини, уни ўқитиш услубиятини талабаларга билим беришнинг турли хил форма услубларини яхши билиб, уни бевосита ҳаёт билан, фан техника тараққиёти билан узвий равишда боғлаб олиб бориши керак.

Мустақил ишларнинг аудиториядан ташқарида ташкил этиладиган турларидан бири – бу тўғарак машғулотларидир.

Тугарак турли туман, қизиқарли мустақил ишлар учун имконият яратиб, фаол ижодий шахснинг шаклланишига ёрдам беради. Тўғаракларда амалий ишларни бажариш учун саноатда ишлаб чиқарилган асбоб - ускуна ва жихозлар билан бир қаторда, содда, арзон, кўп

меҳнат талаб этмайдиган, ясама ўқув- техник воситалардан фойдаланиш яхши натижалар беради. Тугаракдаги ишлар физика дарсларида олган назарий билимларни амалий фаолиятда, масалан, асбоб ва моделлар яшашда қўллашга имкон беради. Асбоблар яшаш талабаларда конструкторлик қобилиятини, ўз қўли билан турли қурилмалар яшаш лаёқатини ўстиради, бу эса физикани ҳақиқий равишда чўқур тушуниб олишда жуда муҳимдир.

Шу сабабли ушбу мақолада физика тўғаракларида талабалар ўз қўллари билан яшашлари ва тажриба натижаларини олишлари мумкин бўлган амалий топшириқлардан бири келтирилган.

МЕВАЛИ ЭЛЕМЕНТ

Асбоб ва жихозлар: Миллиамперметр ёки гальванометр, мис сим, бир дона мих, мева ва сабзавотлар.

Ишдан мақсад: гальваник элементларнинг ишлашжараёнини электролиз ҳодисаси орқали мева ва сабзавотлар орқали таништириш.

Иш бажариш тартиби


1. Микроамперметр клеммаларининг бирига мис сим ва иккинчисига темир сим(масалан мих) уланг (1- расм).
2. Мис ўтказгич ва михни картошкага санчинг. Унда гальвонометр стрелкаси оғади. Бунга сабаб картошкадаги минерал тузлар эритмаси ва турли ўтказгичли электродларнинг ҳосил қилган потенциаллар фаркидир.
3. Ўлчаш натижаларини ёзиш учун қуйида кўрсатилгандай жадвал чизинг.

№	Мева ёки сабзавот тури	Гальвонометр кўрсатиши, мА
1	Лимон	
2	Картошка	
3	Пиёз	
4	Сабзи	
5	Турп	
6	Олма	

4. Гальвонометр кўрсатишини жадвалга ёзинг.

5. Ушбу тажрибани бошқа мева ва сабзавотлар учун ҳам такрорланг.

6. Тажриба якунида қайси мева ёки сабзавотда гальвонометрнинг стрелкаси катта қийматни кўрсатишини аниқланг ва бунинг сабабини аниқлашга ҳаракат қилинг.



1 - расм.

Ушбу тажрибага асосланиб сабзавотларда, (масалан қовун ва тарвузда) селитра кўп ёки камлигини аниқловчи оддий асбоб ҳам яшаш мумкин. Бунинг учун менерал тузлар миқдори бошқа аниқроқ усуллар билан аниқланган қовун ёки тарвуз олиниб, ушбу асбоб даражаланади ва менерал тузлар миқдори номаълум бўлган қовун ёки тарвуздаги тузлар миқдори аниқланади. Аниқроқ натижага эришиш учун асбобни нима билан даражаланган бўлса, шу турдаги мева ёки сабзавотларни текшириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Қуйидаги жадвалда баъзи қишлоқ хўжалик маҳсулотларидаги тоқлар мкА ҳисобида келтирилган

№	Махсулотлар номи	Электрод	№	Махсулотлар номи	Электрод
		алюминий -мис			алюминий -мис
1	Картошка	110-100	11	Баклажон	25-22
2	Пиёз	50-46	12	Турп	57-55
3	Помидор	100-90	13	Тарвуз	39-37
4	Болгар қалампери	42-38	14	Қовун	60-58
5	Сабзи(сарик)	44-40	15	Гармдори(кўк)	20-18
6	Сабзи (қизил)	28-25	16	Лавлаги (оқ)	50-48)
7	Лавлаги (қизил)	51-49	17	Саримсоқ пиёз	10-8
8	Редиска	58-55	18	Ошқовок	38-34
9	Бодринг	60-50	19	Хом нўхат	20-18
10	Карам	40-36	20	Маккажўхори	62-60

Мазкур илмий тадқиқот ишида келтирилган муаммоларни ҳал этиш замонавий педагогик технологиянинг ажралмас қисми бўлган мустақил таълим мазмунини оширишга ва унинг самарадорлигини янада яхшилашга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

5. Жураева, Н. М., & Ахмаджонова, У. Т. (2021). Использование творческой работы в кругах. Экономика и социум, (3-1), 552-555.
6. Yaxshiyeva, Z. Z., Axmadjonova, Y. T., & Axmadjonova, U. T. (2021). Ta'lim sifatini baholash xorij tajribasi misolida o'rganilmoqda. Integration of science, education and practice. Scientific-methodical journal, 383-385.
7. Axmadjonova, Y. T., & Axmadjonova, U. T. (2021). O'quv dars mashg'ulotlarida didaktik o'yin texnologiyalaridan foydalanish. Science and Education, 2(11), 977-984.
8. Axmadjonova, Y. T., Axmadjonova, U. T., & Yaxshiyeva, Z. Z. (2021). Ta'lim sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarni tashkil etish chora-tadbirlari. Academic research in educational sciences, 2(CSPI conference 1), 1563-1567.
9. Axmedovna, S. S., & o'rqinoy Tojimurodovna, A. Y. (2021). PISA a criteria for improving the quality of education. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 9(05), 306-308.

TALABALARDA MATEMATIK KOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISHDA MAPLE TIZIMIDAN FOYDALANISH

Mirzakarimov E.M. – dotsent v.b.

Alisherov Sh.M. – talaba

Farg'ona politexnika instituti

Matematik bilimlarni yanada mustahkam o'rganish uchun talabalarning matematik kompetentligini rivojlantirish bilan maqsadli faol faoliyatni tashkil etish zarur, shuning uchun texnika yo'nalishidagi Oliy Ta'lim Muassasalarida matematik kompetentlikni rivojlantirishning asosiy vazifasi nafaqat talabalarni nazariy bilimlarini ongli ravishda o'rganishga jalb qilish, balki ularni amaliy muammolarini hal qilishda qo'llashning asosiy usullarini o'rgatishdir.

Matematikaning texnik fanlarga qo'llanilishidagi vazifalar, analitik geometriya, vektorlar nazariyasi, funktsiyalarning hosilalari, muayyan va ko'p sonli integrallar, differensial tenglamalar, ehtimollik va statistik usullar texnik masalalarni yechish va tahlil qilishda muhim o'rin tutadi. Ushbu usullar fizika, nazariy mexanika, materiallarning qarshiligi, gidravlika, mashina va mexanizmlar nazariyasi kabi umumiy texnik va amaliy fanlarning ko'plab masalalarini hal qilish uchun yuqori ahamiyatga ega. Albatda bu yerda talabalarning olingan nazariy va amaliy bilimlaridan o'z mutahassisliklari bo'yida amaliy foydalana oladigan bo'lishlarini hisobga olib, ustoz pedagoglardan shu ko'rinishdagi masalalarni yechishni o'rgatish talab qilinadi.


Buning uchun matematikani chuqur tushunish, matematik qobiliyatlarni rivojlantirish matematikaning haqiqiy amaliy muammolarini hal qilishda motivatsiya berish va talabalarda matematik kompetentlikni rivojlantirish talab etiladi. Shunday qilib, matematik muammolarni hal qilish qobiliyatini maqsadli shakllantirish talabalarning matematik kompetensiyalarini samarali shakllantirish shartidir.

Matematik kompetentlikni takomillashtirishning oliy ta'lim jarayomga texnologik, tizimli, faoliyatli, kompetensiyaviy va innovatsion yondashuvlar asosida yondoshishni taqozo etadi. Matematikani o'qitishda Matlab, Matcad va Maple kabi dasturlar hozirgi kunda o'qitish jarayonida keng qo'lab kelmomqda. Aytish joizki, bu dasturlar nafaqat fan rivoji, balki iqtisodlik bo'yicha qanday qilib va qayerda qo'llash kerakligi masalalarini hal qilish bilan birga vaqtdan unumli foydalanishga ham yordam beradi.

Fazoda o'zaro sirtlarning kesishish chiziqini aniqlash va ularni koordinatalar tekisliklaridagi ortogonal proyeksiyalarini topish amallarni bajarishda Maple tizimidan foydalanish qulay, samarali va sifatli yechim berishini quyidagi tuzilgan dasturning tadbiri asosida ko'rsatamiz.

Maple dasturi

```
> restart;with(plots):with(plots,intersectplot):
> R:=4: z0:=7:
> q1:=implicitplot3d({z^2=x^2+y^2,(z-z0)^2+x^2=R^2},
x=-12..12,y=-12..12,z=0..20,grid=[13,13,13]):
> q2:=intersectplot(z^2=x^2+y^2,(z-z0)^2+x^2=R^2,
x=-4..4,y=-12..12,z=0..20, axes=box, thickness=3, orientation=[70,40]):
> q3:=intersectplot(x^2+y^2=(z0+sqrt(R^2-x^2))^2,z=0,
x=-4..4,y=-12..12,z=0..20, axes=box, thickness=3, orientation=[70,40]):
> q31:=intersectplot(x^2+y^2=(z0-sqrt(R^2-x^2))^2,z=0,
x=-4..4,y=-12..12,z=0..20, axes=box, thickness=3, orientation=[70,40]):
> q4:=intersectplot(z^2-y^2=R^2-(z-z0)^2,x=15,
x=-4..15,y=-12..15,z=0..20, axes=box, thickness=3, orientation=[70,40]):
> q5:=intersectplot(R^2-(z-z0)^2-x^2=0,y=15,x=-4..15,
y=-12..15,z=0..20, axes=box, thickness=3, orientation=[70,40]):
> plots[display]([q1,q2,q3,q31,q4,q5],orientation= [56,81], view=[-15..15,-15..16,-1..15]); (1-
rasm)
```



1-rasm.

Adabiyotlar

1. Danko R.E. Popov A.G., Kojevnikova G.U. Oliy matematika. Misol va masalalar. II q, T.: «O‘zbekiston», 2007y.
2. Маргосов А.В. Maple 6. Решение задач высшей математики и механики. СПб.: БХВ–Петербург, 2001.
3. Mirzakarimov E. Analitik geometriya masalalarini Maple tizimida yechish. 2q, T.: “Navro‘z”, 2020.

КАК РАЗЛИЧНЫЕ УСЛОВИЯ ВЛИЯЮТ НА СООТВЕТСТВИЕ ЦЕНТРАЛЬНОЙ ПРЕДЕЛЬНОЙ ТЕОРЕМЫ

Рахимова Ш.У. – ассистент

Иброхимжонов Н.У. – студент

Ферганский политехнический институт

Эта статья посвящена центральной предельной теореме, одному из самых замечательных результатов теории вероятностей. Сумма независимых случайных величин, каждая из которых бесконечно мала, при определенных условиях имеет распределение, близкое к функции нормального распределения (распределению Гаусса). Значение этого результата выходит далеко за пределы теории вероятностей. Он служит основой для использования нормального распределения в процессе решения многих практических задач.

ЦПТ также действителен для последовательности различных независимых распределенных случайных величин при соблюдении определенных условий.

Определение 1. Если для любого $\varepsilon > 0$

$$\frac{1}{s_n^2} \sum_{k=1}^n \int_{\{|x-a_k| \geq \varepsilon\}} (x-a_k)^2 dF_k(x) \xrightarrow{n \rightarrow \infty} 0 \quad (L)$$

если, то $\{\xi_k\}$, $k \geq 1$ Условие Линдеберга для последовательности случайных величин называется выполненным, где $a_k = M\xi_k$, $s_n^2 = \sum_{k=1}^n D\xi_k$ и $F_k(x)$ – ξ_k функция распределения случайных величин, $\xi_{nk} = \frac{\xi_k - a_k}{s_n}$ и $\forall \varepsilon > 0$ число

Состояние Феллера: $\lim_{n \rightarrow \infty} \max_{1 \leq k \leq n} M\xi_{nk}^2 = 0(F)$

$$\lim_{n \rightarrow \infty} \max_{1 \leq k \leq n} P\{|\xi_{nk}| > \varepsilon\} = 0(UAN)$$

Эти условия связаны следующим образом: $(L) \Rightarrow (F) \Rightarrow (UAN)$, при этом каждое из этих условий играет свою особую роль в том, подходит ли ЦПТ.

Как различные условия влияют на соответствие ЦПТ

Теперь мы используем условия (L) и (F), чтобы определить, как вышеупомянутые результаты связаны с ЦПТ. В связи с этим он складывается из несвязанных между собой случайных величин $\{\xi_n, n \geq 1\}$ рассмотрим последовательность, вместе с этим $\xi_n \sim N(0, \sigma_n^2)$, здесь $\sigma_1^2 = 1$ и $\sigma_k^2 = 2^{k-2}$, $k \geq 2$. $S_n = \xi_1 + \dots + \xi_n$ совокупность $MS_n = 0$ равен математическому ожиданию и $s_n^2 = DS_n = 2^{n-1}$ имеет дисперсию $\frac{\xi_k}{s_n} \sim N(0, 1/2)$ и по этой причине значение n для $\frac{S_n}{s_n} \sim N(0, 1)$. Так, $\{\xi_n\}$ так последовательность ЦПТ значением, затем

$$\lim_{n \rightarrow \infty} \max_{1 \leq k \leq n} \frac{\sigma_k^2}{s_n^2} = \lim_{n \rightarrow \infty} \frac{2^{n-2}}{2^{n-1}} = \frac{1}{2} \neq 0$$

нам ясна и вместе с этим

$$\max_{1 \leq k \leq n} P\left\{\frac{|\xi_k|}{s_n} \geq \varepsilon\right\} \geq P\left\{\frac{|\xi_n|}{s_n} \geq \varepsilon\right\} = 1 - \frac{1}{\sqrt{\pi}} \int_{-\varepsilon}^{\varepsilon} e^{-u^2/2} du > 0.$$

Таким образом, мы заключаем, что условие Феллера (F) не выполняется. Поскольку это удовлетворяет ЦПТ, условие Линдеберга (L) также не выполняется. Отсюда следует, что условие Линдеберга (L) является достаточным, но не необходимым для пригодности ЦПТ.

Условие Ляпунова и ЦПТ

Помимо условия Линдеберга (L), есть еще одно классическое условие. Это условие называется условием Ляпунова, и оно также обеспечивает справедливость ЦПТ. Определим условие Ляпунова.

$\{\xi_n, n \geq 1\}$ – несвязанные случайные суммы, а также как обычно

$$a_k = M\xi_k, \quad \sigma_k^2 = D\xi_k, \quad S_n = \xi_1 + \dots + \xi_n \text{ а также } s_n = (DS_n)^{1/2}$$

пусть будет каких-то $\delta > 0$ для $\xi_k, k \geq 1$ имеет упорядоченный абсолютный центральный момент, т.е. $2 + \delta$ – , т.е. $M\{|\xi_k - a_k|^{2+\delta}\} < \infty$ пусть будет

$$\lim_{n \rightarrow \infty} \frac{1}{s_n^{2+\delta}} \sum_{k=1}^n M|\xi_k - a_k|^{2+\delta} = 0 \quad (2)$$

Условие называется **Ляпуновым**

Теорема 4 (Ляпунова).[1] Если $\{\xi_n\}_{n \in N}$ он существует для последовательности

$$\text{случайных чисел } \delta = 1 \text{ есть, } n \rightarrow \infty \text{ в } \frac{1}{s_n^3} \sum_{k=1}^n M|\xi_k - a_k|^3 \rightarrow 0 \text{ (условие Ляпунова)} \quad (3)$$

если соотношение выполнено, то для этой последовательности случайных величин верна центральная предельная теорема, т.е.

$$P(S_n^* < x) \rightarrow \Phi(x), (n \rightarrow \infty)$$

$$S_n = \frac{1}{s_n} (\xi_1 + \dots + \xi_n - (a_1 + \dots + a_n))$$

Теперь определим роль условия Ляпунова для ЦПТ.

(а) Доказательство теоремы Ляпунова показывает, что условие (2) является достаточным. (2) Легко показать, что для ЦПТ это не нужно. Смотрим пример (2), там

$$\xi_1 \sim N(0,1) \text{ и } k \geq 2 \text{ для } \xi_k \sim N(0, 2^{k-2}) \text{ независимые, определяемые}$$

отношениями $\{\xi_k, k \geq 1\}$ была просмотрена последовательность случайных чисел. $\delta > 0$ условие (1) не выполняется при таком выборе суммы. Однако как в примере (2). такие как $\frac{S_n}{s_n}$ нормально $N(0,1)$ не распределена и по этой причине $\{\xi_k\}$ последовательность подчиняется ЦПТ.

Таким образом, условие (2) не обязательно для того, чтобы ЦПТ была подходящей.

СПИСОК ССЫЛОК

[1]. Abdushukurov A.A., Zuparov T.M. Ehtimollar nazaryasi va matematik statistika. Tafakkur bo`stoni , 2015y. –416 bet.

[2]. Феллер В. Введение в теорию вероятностей и её приложения. Т.2, М. - :Мир, 1984 г.–760 стр.

[3]. Стоянов Й. Контрпримеры в теории вероятностей. Москва Издательство МЦНМО 2014 г. 146-168 стр.

[4]. Hsu P.,Robbins H. Complete convergense and the LLN, Proc.Nat.Acad.Sci., USA– 1947, V33, p. 25 31.

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ УЧУН OPEN SOURCE НЕГИЗИДА WEB ШАКЛИДАГИ ТЎЛА МАТНЛИ ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ЭЛЕКТРОН РЕСУРСЛАРНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ

Абдураимов Д.Э., Адилов А.Н., Номозов Ш.А.

Гулистон давлат университети

Абдураимов Р.Э.

Тошкент давлат техника университети

Электрон ресурслар тизими — ҳар хил форматдаги ҳужжатларнинг тизимлаштирилган тўплами (шу жумладан китоблар, методик қўлланмалар ва шу каби ўқув услубий материаллар), навигацион ва қидириш функциялари билан таъминланган. Web шаклида тайёрланган, интернет ва маҳаллий тармоқда ишлайди. Таълим муассасаси ресурс маркази томонидан жамланган, кичик мутахассис тайёрлаш учун зарур бўладиган барча ўқув услубий материалларни тизимлаштирилган ҳолда фойдаланиш имкониятини беради.

Муҳит базасида, дастурни бошқариш ва фойдаланувчилар базасига ўзгартиришлар киритиш функциялари **“дастур администратори”** томонидан амалга оширилади.

Муҳит базасига жойлаштирилган ўқув-услубий материалларни янгисини киритиш, ёки мавжудларини ўзгартириш эса, администратор томонидан рўйхатдан ўтказилган **“муҳаррир-база редактори”** томонидан амалга оширилади.

Дастурдан фойдаланувчилар таълим муассасаси ўқитувчилари, ўқувчилари ва шу соҳада фаолият олиб борувчи изланувчилар ҳам бўлиши мумкин. Мазкур электрон ресурслар тизимини ташкил қилишда “Дарахт” (Tree) усулидан фойдаланилган. Бу усулда дарахт таркибига киритилган барча ресурслар тенг ҳуқуқли бўлиб, бир биридан фақат хоссалари билан ажралади. Ҳар бир ресурс бошқа ресурсга эгалик қилиши ёки тобе бўлиши мумкин.

Мазкур электрон ресурслар тизими қуйидаги ресурслар устида ишланади:

1	Таълим соҳаси	“Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар умумдавлат таснифлагичи” да кўрсатилган таълим соҳалари;
2	Йўналиш	“Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар умумдавлат таснифлагичи” бўйича;
3	Касб	
4	Китоб	Таълим тизими учун тавсия этилган дарслик ва ўқув услубий материаллар;
5	Бўлим	Ўқув услубий материалларнинг таркибий қисми;
6	Боб	Ўқув услубий материаллар боби;
7	Мавзу	Ўқув услубий материаллар мавзуси.

Муҳит базасига матн, расм, видео ва анимацион роликларни жамлаш имконияти мавжуд.

Электрон ресурслар тизими базасига катта ҳажмдаги (сервер имкониятларидан келиб чиқиб) ресурслар қўшиш мумкин. Электрон ресурслар тизимида ресурслар қуйидаги кетма-кетликда жойлаштирилади:

Соҳа → Йўналиш → Касб → Китоб → Бўлим → Боб → Мавзу.

Қуйидаги чизмада электрон ресурслар тизими базасига жойлаштирилган ресурсларнинг жойлашиш схемаси кўрсатилган.



Электрон ресурсларнинг Муҳит базасига бундай шаклда қўшилиши ундан фойдаланиш қулай бўлиши учун керак. Чунки, қайсидир ресурс чақирилганда, уни бутунлигича очиш анчайин кўп вақтни олади. Бунда эса мундарижадан қараб (мундарижа дарахт шаклида тузилган), керакли бўлим, боб ёки мавзунинг ўзини тезкор равишда очиш имконини беради.

Электрон ресурсларнинг амалдаги базасига “Қишлоқ ва сув хўжалиги” соҳасининг “Сув хўжалиги ва мелиорация” ва “Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи” йўналишларига тааллуқли ўқув услубий материаллар жойлаштирилган.

Электрон ресурслар тизимида қидирув тизими мавжуд бўлиб, дастлаб унда калит сўзлар орқали ресурс базасидан қидирилади. Қидирув натижалари чиққанидан кейин эса, экранга жиқарилган натижаларнинг юқорисидан кенгайтирилган қидирувни амалга ошириш мумкин бўлган ойнага ўтилади. Кенгайтирилган қидирув қисмида китоб номи, унинг маллифлари, нашр қилинган йили, нашриёти, ISBN рақами каби параметрлар ёрдамида кенгайтирилган қидирувни амалга оширишимиз мумкин.

Бу тизим “Мижоз-сервер” архитектураси асосида локал тармоқда ишлайди. Яъни, дастур таълим муассаси серверига ўрнатилади ва у тизим администратори томонидан бошқарилади. Фойдаланувчилар шу маҳаллий тармоққа уланган компьютерлар орқали Web браузер манзиллар қаторига масалан, kutubxona сўзини ёзиб киришлари мумкин. Фойдаланувчиларни рўйхатдан ўтказиш тизим администратори томонидан амалга оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида” ги 2011 йил 13 апрелдаги Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида” ги 2004 йил 29 апрелдаги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Электрон кутубхона тўғрисидаги намунавий низомни ҳамда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ва

кутубхоналарда тўлиқ матнли электрон ахборот-кутубхона ресурслари фондини яратиш режа-жадвалини тасдиқлаш ҳақида” ги 2011 йил 5 июлдаги 198-сон Қарори.

4. Сухарев М.В. Основы Delphi профессиональный подход. – Санкт-Петербург: “Наука и техника”, 2004. 603 б.
5. Хакимов М.Х., Гайназаров С.М. Берилганлар базасини бошқариш тизимлари. – Т.: “Фан ва технология”, 2013. 648 б.
6. Шлоссейгл Д. Профессиональное программирование на PHP. – М.: “Вильямс”, 2006. 624 б.

OOQA SUVLARNI TOZALASH TEXNOLOGIYASI

Abduvaliyeva M.J. – o‘qituvchi

Urolov A.X., Musurmonova A.I. – talabalar

Termiz muhandislik-texnologiya instituti

Iste’mol uchun va texnologik jarayonlarni amalga oshirish uchun suv hayot manbai, erituvchi, xomashyo va energiya tashuvchi vosita vazifalarni bajaradi. Suvning kundalik hayotda o‘ta muhim modda ekanligi e’tiborga olinib u maxsus tayyorlash jarayonlaridan o’tadi.

Bu jarayon quyidagi asosiy bosqichni o‘z ichiga oladi.

1. Tabiiy suvni texnik qo‘shimchalardan tozalash-tindirish. Bunda oqib keladigan suv katta sig‘imli inshootlarga yig‘iladi va ma’lum muddat saqlab tindiriladi.

2. Tindirish bosqichidan keyin suvni “muallaq” holda qoladigan mikroeterogen zarrachadan tozalash uchun bu zarrachalar koagulyatsiyalanadi. Bu jarayonda suvga $Fe_2(SO_4)_3$, $Al_2(SO_4)_3$ va $CuSO_4$ kabi elektrolitdan tegishli miqdorda qo‘shiladi. Bu moddalar koagulyantlar deyiladi chunki suvdagi muallaq zarracha musbat va manfiy zarrachali bo‘lgani sababli, bu kuchli elektrolit (Fe^{3+} , Al^{3+} , Cu^{2+} , SO_4^{2-} ionlarini hosil qilib zarrachalarni o‘zlari bilan yirik zarrachalar hosil qilib cho‘kmaga tushiriladi.

3. Suvni filtrlash. Ba’zi hollarda yuqoridagi ikkala bosqichda ham suvni mexanik qo‘shimchalardan tozalash imkoniyati bo‘lmasa u “mato”li qog‘oz, qog‘ozli yoki boshqa turdagi filtrlar orqali o‘tkazilib, tozalanadi.

4. Suvni dizenfeksiyalash. Suvni unda mavjut bo‘lgan mikroorganizmlar, mikroplar, zaharli kimyoviy moddalardan tozalash uchun xlor gazi, xlorli ohak solingan naychalar, ozonlar, kislorod gazi bilan qayta ishlanadi. Bu moddalar kuchli oksidlovchi hossalarga ega bo‘lgani uchun mikroblar va zaharli kimyoviy moddalarni oksidlab zararsizlantiriladi.

5. Suvni dearatsiyalash. Suv unda erigan CO_2 , SO_2 , O_2 , Cl_2 kabi gazlardan tozalash uchun gassizlantiriladi. Bunda suv maxsus qurilmalarda aylanma harakatga keltirilib, gazlar chiqarilib yuboriladi.

6. Suvning pH ini aniqlash. Suvda H^+ va OH^- larning miqdori (pH yoki OH) maxsus asboblarda pH-metr, ionomerlar yordamida doim o‘lchanib, nazorat qilib boriladi.

7. Suvning qattiqligini aniqlash va uni yumshatish. Sanoati rivojlangan hududlarda texnologik jarayonlarda foydalanilgan suvlar “oqova suv”lar deyilib, ulardan foydalanish uchun bu suvlarni ham yuqoridagi usullar yordamida tozalanadi. [1]

Suv obyektlariga oqova suvlarni oqizishning shartlarini aniqlash.

Suv obyektlaridagi suvlarning sifatini nazorat qilish va boshqarish quyidagi muommalarni yechishni ko‘zda tutadi: 1) Oqova suvlarni tozalash uchun talab darajasini aniqlash; 2) Korxonalar tarkibidagi moddalarning konsentratsiyasini suyultiradigan qurilmalarning qurish, toki foydalanadigan joyga borguncha organizmlarga ta’sir etmaydigan holatga kelishi kerak; 3) Istiqbolda suvning sifatini oldindan aniqlash. Bu muommolar oqadigan suvlar uchun ham, oqmaydigan suvlar uchun ham yechilishi kerak. Bu muommoni oqadigan suvning misolida ko‘rib chiqamiz.

Oqova suvlarni tabiiy suvlar bilan aralashtirish darajasi, asosan, quyidagi shaklda amalga oshiriladi:

$$QA_{\text{tut}} + QA_r = (Q + uQ) A_{\text{sip}}$$

Bu yerda Q -oqadigan suvlarni sarflash va oqava suvlarni sarflasj (m^3/s); A_r va A_{tut} -oqadigan va oqova suvlardagi zararli moddalarning konsentratsiyasi (umumiy holatlarda oqimning 1km balandligida).

ADABIYOTLAR

1. Abdulxayeva M.M "KIMYO" Toshkent 2018
2. Z.M.SATTOROV "EKOLOGIYA" Toshkent -2018

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ ВА ЎРГАНИШДА АХБОРОТ-ТЕХНОЛОГИК ТАЪМИНОТНИНГ ЎРНИ

Абдураимов Д.Э., Адилов А.Н., Номозов Ш.А.

Гулистон давлат университети

Абдураимов Р.Э.

Тошкент давлат техника университети

Бугунги кунда таълим муассасаларида инновацион ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш мақсадида уларни турли воситалар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, хорижий грантлар ёрдамида таълим муассасалари Интернетга уланган замонавий компьютер синфлари билан таъминланмоқда. Эндиги вазифа ана шу технологиялар ёрдамида таълим жараёнини самарадорлигини янада ошириш, ёшларнинг ахборот маданиятини, фан ўқитувчиларининг ахборот компетенцияларини шакллантириш каби вазифалар кўндаланг қўйилган.

Ўзбекистон тарихи ва чет тили фанлари олий таълимнинг барча ихтисосликлари ва йўналишлари учун ижтимоий-гуманитар фанлар блокига кирган камсонли фанлардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда таълимни ахборотлаштиришга, хусусан тарих ва чет тилини ўқитиш жараёнини ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлашга катта эътибор берилмоқда. Фанлардан электрон таълим ресурслари яратилиб, олий ўқув юртларидаги факультетлараро Ўзбекистон тарихи ва факультетлараро чет тиллари кафедралари профессор-ўқитувчилари ахборот-коммуникацион технологияларни ўқув жараёнининг турли шаклларида қўлламоқдалар.

Таълимни ахборотлаштириш унинг барча босқичларида ўқитишнинг дидактик тамойилларини амалга ошириш ва ривожлантириш; ўқитишни индивидуаллаштириш, шахсга йўналтирилган технологияларга таяниш; замонавий визуал воситаларни қўллаган ҳолда мавзуларни баён қилишни ҳамда ўқув материални етказишни такомиллаштириш; тарихий манбалар ва илмий асарлардан самарали фойдаланиш, уларнинг электрон кўринишларини яратиш; тайёр билимларни олишга йўналтирилган ўқитишдан билимларни мустақил ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга ўтиш; ахборот маданиятининг ўсиши ҳамда талабаларнинг умумий ва фан бўйича ахборот-коммуникацион салоҳиятларини шакллантиришни таъминлашга қўмаклашади.

Ахборот-коммуникацион технологияларни ўқув жараёнига жорий этиш ҳамда ахборот-технологик таъминот қўлланилаётган ахборот-коммуникацион технологияларнинг изчил мураккаблашувини; АКТлардан асосланган равишда фойдаланишни; АКТларнинг ўрганилаётган тарихий материал характериға ва уни қўллаш вазифаларига мос келишини талаб қилади.

АКТлардан фойдаланиш эса маълум билимлар, кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилмоғи зарурдир. Ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланишнинг имкониятларини қуйдаги жадвалдан англаб олишимиз мумкин:

Технология	Мактаб, коллеж ва лицейда фойдаланишнинг йўналишлари	Олий ўқув юртида фойдаланишнинг йўналишлари (булар мактаб, коллеж ва лицейдагиларга қўшимча)	Дастурий таъминот
Электрон матн ва гиперматн билан ишлаш	Электрон дарсликлар билан ишлаш; фанларга оид ресурслар ва электрон кўринишдаги нашрлар билан танишиш.	Фанларга оид ресурслар ва электрон нашрларни таҳлил қилиш; ахборотли маълумотларни, махсус мавзу ва манбаларни яратиш; ахборотни тақдим этиш форматлари билан танишиш.	Microsoft Word, OpenOffice Writer, ABBYY FineReader
Ахборот устида ишлаш	Ахборотни электрон жадваллар кўринишида тақдим этиш, диаграммалар тузиш.	Электрон жадвалларни таҳлил қилиш; мураккаб диаграммалар тузиш; статистик маълумотлар билан ишлаш; қонуниятларни аниқлаш ва кўрсатиш.	Microsoft Excel, OpenOffice Calc, SPSS
Маълумотлар базалари ва ахборот тизимлари	Маълумотлар базаси ва ахборот тизимларига ташкил этилган маълумот билан ишлаш.	Фанга йўналтирилган маълумотлар базаларини яратиш	Microsoft Access, OpenOffice Base
Графика ахбороти билан ишлаш	График тасвирлар (портретлар, расмлар, суратлар), хариталар билан ишлаш; график ресурсларни яратиш	График тасвирлар, хариталар асосида визуал ахборот технологияларини қўллаш	Adobe Photoshop, Irfan View, Paint, ArcView
Мультимедиа	Маърузалар ва фаолият натижаларининг тақдимотини яратиш; мультимедиа нашрлари билан ишлаш	Мураккаб тақдимотларни ва бошқа мультимедиа маҳсулотларини яратиш	Microsoft Power-Point, OpenOffice Impress
Коммуникацион технологиялар	Интернетдаги фанларга оид ресурслар билан ишлаш; масофавий таълим элементлари билан танишиш	Ресурсларни мустақил равишда излаб топиш; мавзу юзасидан ресурсни таҳлил қилиш (эссе, ҳисобот ёзиш), масофавий таълим имкониятларидан фойдалана олиш	Internet Explorer, Opera

Хулоса тариқасида шуни таъкидлаш жоизки, ўқитишга ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш ахборотни қабул қилиш ва ўзлаштириш жараёнини такомиллаштиради. Компьютер, Интернет ва мультимедиа воситалари ёрдамида ўқувчи-талабаларга ахборотнинг катта ҳажмини ўзлаштириш, мулоқот олиб бориш кўникмаларига эга бўлиш, ўқитишга қизиқишларини кучайтириш, билимларини кўпайтириш имконини беради ва оқибат натижада эса бутун таълим жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Захарова И.Г. Информационные технологии в образовании. – М., 2003.
2. Злотникова И.Я. Формирование информационной компетенции будущего учителя-предметника в педагогическом вузе // Педагогическая информатика, 2004. - №1 - С.44.
3. Таштемиров Д.Е., Абдураимов Д.Е., Джумабаева Я.Э. «Современные технологии использования системы тестирования в образовательном процессе». Вестник Гулистанского государственного университета 2018.4 (2018): 39-46.
4. Қулмаматов, С. И., Абдураимов, Д. Э., Норматова, М. Н., & Монасипова, Р. Ф. (2021). Угрозы в интернете и способы их устранения. Экономика и социум, (7), 351-356.

ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ ЖАМОАВИЙ-ЛИДЕРЛИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ ОЛИМЛАР НАЗАРИЯЛАРИ

Рашидова Н.Р. – таянч докторанти (PhD)

Педагогик инновациялар, профессионал таълими бошқаруви ҳамда, педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти

Аннотация: Ушбу мақолада лидер ва жамоавий-лидерлик тушунчаси, жамоавий – лидерлик компетентлиги, жамоавий-лидерлик компетентлигига асос солган хорижий олимлар, ҳамда профессионал таълим тизими педагог кадрларнинг касбий фаолияти самарадорлигида жамоавий-лидерлик компетентлигини ўрни ёритилган.

Калим сўзлар: Лидер, жамоавий-лидерлик, компетенция, компетентлик, лидерлик компетентлиги, жамоавий-лидерлик компетентлиги, профессионал таълим.

Аннотация: В данной статье рассматривается понятие лидерства и командного лидерства, компетенции командного лидерства, зарубежных ученые которые основали компетенцию командного - лидерства, также подчеркивается роль компетенции командного лидерства в эффективности профессиональной деятельности преподавательского состава в профессиональном образовании.

Ключевые слова: Лидер, командное - лидерство, компетентность, лидерская компетентность, командно-лидерская компетентность, профессиональное образование.

Annotation: This article deals with the development the concept of leadership and team leadership, team – leadership competence, foreign scientists who founded the competence of team leadership, the role of team leadership competence in the effectiveness of professional activity of teaching staff in vocational education is also highlighted.

Keywords: Leader, team-leadership, competency, leadership competency, team-leadership competency, vocational education.

Жаҳонда глобаллашув даврида катта миқдордаги ахборот, шиддат билан ўзгараётган ташқи муҳит, рақобатбардошликни сақлаб қолишнинг мураккаблашиши таълим муассасаларида бошқарув жараёнини мураккаблаштиради. Бундай шароитда эса жамоа бўлиб фаолиятни олиб бориш муаммоларни бартараф этишнинг энг осон усули ҳисобланади. Шу боис фан ва таълим тизимидаги ислохотлар педагог кадрларнинг рақобатбардошлигини таъминлашда уларнинг билими, шахсий фазилати ва энг аввало унинг касбий тайёргарлигига катта талаблар қўймоқда. Президентимиз Ш.М Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Ёшларимизнинг лидерлик қобилиятини кучайтириш, уларнинг фаоллигини ошириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, илғор иш тажрибаларини

оммалаштириш интеллектуал салоҳиятини ва ташкилотчилик қобилиятини янада юксалтиришга хизмат қилади.”[1]

Педагог кадр ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ доимий равишда ўз билимларини тўлдириб бориши, чуқурлаштириши, фан ва технологиянинг сўнгги ютуқларини ўзлаштириши, шунингдек рақобатбардош кадр бўлиши учун касбий кўникмаларни мукамал эгаллаши, лидерлик компетенциясига хос ташаббускорлик, шижоатлилиқ, ўзига ишонувчанлик, мақсадга интилувчанлик, фаоллик каби фазилатларни ўзида шакллантириши лозим.

Педагог кадрларда лидерлик компетенцияларини ривожлантиришнинг муҳимлиги унинг меҳнат фаолияти давомида ўқувчиларда ҳам мана шу хислатни шакллантиришидадир.

Шунингдек лидерлик компетенцияси ўз-ўзини шакллантиришга, ўз устида ишлашга, маъсулиятли бўлишга, жамоада фаолият юритишга ундайди. Жамоа фаолиятини ўз фаолияти билан боғлиқ равишда режалаштириш қобилияти педагог кадр учун муҳим бўлган талаблардан биридир. Чунки режалаштириш асосида ўз-ўзини бошқара олиш ва бошқаларни ташқи фаолиятини мақсадга мувофиқ тарзда йўналтиришни таъминловчи муҳим психологик хусусият ётади.[6] Режалаштириш-бу ўзига хос келажакни кўра олиш қобилияти, келажак образи бўлиб, бу нарса шахснинг қанчалик камол топганлиги ва мақсадга интилувчанлигининг муҳим белгисидир.

Лидерлик компетенцияси тўғрисида Россия олимларидан Спивак В.А., Гриднева М.А., Петров М.А., Шавалеева Ю.Ш, Татосян Е.А, Оболонский Ю.В, Илковская И.М ва бошқаларнинг тадқиқотлари лидерликга бағишланган. Хорижий олимлардан У.Деминг, М.Мескон, Ф. Котлер ташкилотларда кадрларнинг лидерлик компетентлигини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борган.

У. Деминг лидерлик компетенциясини сифат фалсафасининг 14 элементидан бири сифатида таърифлаб, «ташкilotда лидерликни жорий этиш» деб атайди.[3] Лидерлик компетенциясининг назарияларидан маълумки, у гуруҳлар ва командалар билан ишлашнинг ажралмас бўлаги ҳисобланади. М. Мескон лидерлик компетенциясини ташкilotнинг ички омиллар гуруҳига, “одамлар” кичик тизимига киритган.[7] Шундай қилиб лидерлик фалсафа, менежмент тизими ва жойлардаги иш жараёнида учрайдиган тушунча ҳисобланади. Умумий ҳолда лидерлик компетенцияси барча тизимлар билан ишлашда ва барча жараёнларда инсонлар билан муносабатларни амалга оширишда қўлланилади.

И.М.Илковскаянинг фикрига кўра, таълим соҳасидаги фаолиятида лидерлик компетенциясининг аҳамиятини кўплаб олимлар лидерлик кўникмаси, малакаси ва қобилиятларини таълим муассасаси педагогининг касбий компетентлигининг мажбурий таркибий қисми деб ҳисоблайди.[4] Ушбу фикр Н.А.Бозина, М.Н.Савина, И.Д.Чечель, И.М.Филинова ва бошқа бир қатор тадқиқотчилар нуқтаи-назаридан қўллаб қувватланади. Хусусан, И.Д.Чечель лидерлик компетенцияни касбий компетентликнинг таркибий қисми деб ҳисоблайди, шу жумладан, меҳнат фаолиятида ўзини, бошқаларни ва атрофдаги оламни, ижтимоий мулоқот қобилиятларини, низоли вазиятларда стратегик ёндашувлар ҳақидаги психологик билимлар тизимини акс эттиради.

Лидерлик компетенциясига А.Н Митин қуйидагича таъриф беради: “Лидерлик компетенцияси - бу янги натижаларни излаш ва амалиётга тадбиқ қилиш, янги ғоялар, қарашлар, кадриятлар, муносабатлар, шунингдек бошқарув фаолиятининг усуллари ва методлари, хулқ-атвор нормаларидир”.[8]

Таълим муассасаларида меҳнат фаолиятини сифатли амалга оширишда ҳам педагог кадрнинг лидерлик компетентлигини тизимнинг асосий юритувчи механизми сифатида қараш мақсадга мувофиқ.

Олимларнинг тадқиқотларини таҳлил қилиб шундай хулосага келдик лидерлик компетенциясининг ривожланиш нафақат раҳбар кадрларда, балки жамоанинг барча аъзоларида шаклланиши лозим. Бу борада эса раҳбар олдида ўз жамоасида жамоавий-лидерлик компетенциясини шакллантириш вазифаси қўйилади. Жамоавий-лидерлик компетенцияси шаклланган педагог кадрларни таълим муассасасининг стратегиясини амалга оширишда самарали натижа беради.

Жамоавий-лидерлик тушунчасига илк мартаба 90 йилларда хорижий олимлардан Р.М Белбин асос солган. Р.М Белбин лидерликнинг икки хил кўринишини айтиб ўтади: индивидуал ва жамоавий. Жамоавий-лидерликнинг индивидуал лидерликдан фарқи жамоа бўлиб фаолият олиб боришида, индивидуал лидер эса жамоа номидан иш юритишидадир.[2]

Жамоавий – лидерлик асосида фаолият олиб боришда ташкилотдаги ҳар бир шахс ташкилот бошқарувида, назорат қилишда, кўмаклашишда, мақсад ва кадриятларда биргаликда ҳаракат қилганликлари сабабли, ҳар бир жамоа аъзосининг индивид бўлиб шаклланишида жамоавий маъсулиятни ҳис қиладилар.[14]

Хорижий олимларнинг назарий тадқиқотларини таҳлил қилиб ҳар қандай ташкилот, жумладан профессионал таълим муассасасида ҳам жамоанинг ҳатти-ҳаракатларига таъсир этишда, самарадорликка эришишда педагог кадрнинг жамоавий-лидерлик компетентига эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Профессионал таълим муассасаларида олиб борилаётган ислохатларни амалда самарали тадбиқ этишда педагог кадрларнинг меҳнат фаолиятини жамоавийлик асосида ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Тизимга киритилаётган янги ахборот оқимини ўзлаштириш, қабул қилиш натижада муваффақиятга эришиш жамоавийлик фаолиятига янада эҳтиёжни орттиради. Жамоа бўлиб ишлаш ҳар қандай ташкилот самарадорлигини ошириш воситаси ҳисобланади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, таълим муассасаларида ҳам меҳнат фаолиятида жамоавий салоҳиятдан фойдаланиш педагог кадрларнинг фаолият самарадорлигини сезиларли ижобий ўзгаришларга олиб келади. Жамоада педагог кадрлар ёши, жинси, маълумоти, маданияти, эътиқоди ва кадриятлари фарқланиши мумкин, лекин бир жамоа бўлиб ишлаш педагог кадрларда жамоавий –лидерлик компетентлиги билан бирга коммуникатив, креатив, ижтимоий ва инновацион компетенцияларни ҳам ривожлантиради. Таълим ва технологиялар шиддат билан ривожланаётган даврда педагог кадр бир нечта кўникмаларга эга бўлиши ва бир нечта функцияларни бажара олиш қобилиятини талаб қилади. Шунингдек, педагог кадрларнинг жамоавий лидерлик компетентлигини ривожлантириш учун фаолият моделини яратиш ва унинг самарадорлигини ошириш учун малака ошириш жараёнларида таълим методларидан оқилона фойдаланишнинг характерли аспекти аниқлаш муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Президенти Ш.М Мирзиёевнинг Ёшлар форумидаги нутқи, 2020 й https://uza.uz/uz/posts/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-ozbekiston-yoshlari-forumida-sozlagan-nutqi_197662

2. Бозина Н. А. Теоретические основы развития профессиональной компетентности руководителей образовательных учреждений / Н. А. Бозина, М. Н. Савина // Инновационные проекты и программы в образовании. – 2013. – № 6. – С. 67–70.

3. Деминг У Лидерство Книга 1 - Перс.с. англ. //Тольятти: 1998-332 с.

4. Ильковская И. М. Профессиональная компетентность руководителя образовательной организации: определение и особенности / И. М. Ильковская // Вестник СГТУ. – 2014. – № 1. – С. 127–131.

5. Махсудова М.А., З.Қурбанова, Ё.Жуманазаров СИЁСИЙ ПСИХОЛОГИЯ, ўқув қўлланма, 2013 й -59 б

6. Мескон М., Алберт М. Основы менеджмента: Перс. англ. // Дело М., 1998- 542 с.

7. Митин А.Н Культура управление: учеб.пособ// Урал. акад.гос.службы – Екатеринбург 2015-526 с

8. Хайитов О.Э Психология управления: Учебник / О.Э. Хайитов; Ответственный редактор Д.Н. Арзикулов; Министерство высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан. – Чирчик: УзГУФКС

XORIJIY TILLARINI O'RGATISHNING BA'ZI USULLARI HAQIDA

Abdullayeva E.A.

O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti

Annotatsiya

Maqolada xorijiy tillarini o'qitishning asosiy bosqichlari va ularning psixologik va lingvistik tahlili ko'rib chiqiladi. Til materiallarining xususiyatlari uni assimilyatsiya qilish bo'yicha ishlarning o'ziga xos xususiyatlarini oldindan belgilab beradi. Muayyan davrlarda til materialining o'zlashtirilishi jarayoni xarakterlanadi.

Kalit so'zlar: o'qish, yozish, nutq, eshitish, birinchi bosqich, kasbiy faoliyat va madaniy aloqalar, texnologiya.

Аннотация

Статья рассматривает основные этапы обучения иностранным языкам и их психологическому и лингвистическому анализу. Особенности языкового материала определяют специфику работы над его усвоением. Характеризуется процесс усвоения языкового материала в определенных периодах.

Ключевые слова: чтение, письмо, речь, слух, первый этап, профессиональная деятельность и культурных контактов, технологии.

Abstract

This paper examines the basic stages of teaching foreign languages and their and psychological and linguistic analysis. Features of linguistic material predetermine the specificity of work on its assimilation. Characterized by a process of assimilation of linguistic material in certain periods.

Key words: reading, writing, speaking, listening and the first stage, professional and cultural contacts, technology

Xorijiy tillarini o'qitishda o'qish, tarjima, so'zlashuv va eshitish mavzulari ko'proq umuminsoniy qadriyatlar haqida, o'quvchilarning qiziqishlariga mos madaniy boyliklar yoki ularning kelajakdagi kasblari haqidagi ma'lumotni o'zida aks ettirgan mavzulardan iborat bo'lishi muhimdir.

O'rganishning ***birinchi bosqichida*** ijtimoiy hayotni aks ettiruvchi quyidagi mavzular taklif qilinishi mumkin:

-mehnatning har xil turlari, kasblar;

-mamlakatimizdagi va tili o'rganilayotgan mamlakatning fanlari tarixi;

-ushbu mamlakatlar olimlarining fan-texnika, tillarining madaniy va kasbiy faoliyatdagi roli;

-mamlakatlar o'rtasidagi ilmiy, madaniy va boshqa aloqalar; yoshlarning ta'lim olishi va dam olishi kabilar.

Til o'rganishning ***ikkinchi bosqichida*** yoshlarning ijtimoiy hayotimizda tutgan o'rni, kasb tanlash va kasbiy yo'nalishga tayyorgarlik, buyuk ixtirolarning tarixi, ularning mualliflari haqida ma'lumot, tabiiy boyliklardan o'rinli foydalanish, yer yuzidagi hayotni saqlab qolishda ekologiyaning roli, zamonaviy ishlab-chiqarishda fan va ilg'or texnologiyaning roli, bir tildan ikkinchi tilga avtomatik ravishda tarjima, ma'lumotlarni avtomatik qidirish kabi mavzularni tanlash mumkin.

Matnlarni tanlashda leksik birliklarga alohida e'tibor qaratilishi lozim. Leksik birliklarning asta-sekinlik bilan ko'payib borishi va shu tarzda moslashtirilgan matnlardan asl nusxadagi matnlarni o'qishga o'tilishi maqsadga muvofiqdir.

Matnlarning har bir o'quvchining qiziqishlari va qobilyatiga qarab tanlanishi ham muhimdir. Buning asosini individual shug'ullanish tashkil etadi.

Hozirgi vaqtda xorijiy tillarini o'rganishda mustaqil ta'limga e'tibor ancha ortib bormoqda. Bundan kutilgan maqsad har bir o'quvchini o'z ustida ko'proq ishlashga o'rgatish, olingan informatsiyalar ustida mustaqil ravishda fikr yurita olish va bayon eta olish, har xil turdagi ma'lumotlarni yetkazib bera olish, refaratlar yoza olish, annotatsiyalar yozish, bibliografiyalar

tanlash olishdir. Ko'p hollarda bunday ta'lim o'qishga ijodiy yondasha olish va ilmiy ishlanishlarga asos bo'ladi.

Xorijiy tillarini o'rganish jarayonida olinayotgan ma'lumotlar fanga oid materiallar bilan mos kelishi yoki chet tilidan o'zlashtirilayotgan ma'lumot o'quvchi uchun yangilik bo'lishi zarur.

Chet tili o'qituvchilarning matni o'qishga o'rgatishdagi vazifalaridan biri o'qish jarayonida matndagi mantiqiy-mazmunni ajrata olishga va izlanishlar olib borishga o'rgatishdir. Bunday turdagi topshiriqlarni bajarish uchun asosiy mazmunni tushunish mashqlarini ko'proq bajarish kerak bo'ladi. Buning uchun quyidagi mashqlarni bajartirish mumkin:

-kalit so'zlar, so'z birikmalari, gaplarni ajratish;

-berilgan parcha yoki matndan asosiy g'oyani tasdiqlovchi yoki rad etuvchi asos dalilni topish;

-matnda berilgan dalillarning miqdorini aniqlash;

-dalillarning muhimlik darajalariga qarab ajratish;

- ikkinchi darajali asoslarni ko'rsata olish;

Umumlashtira olish va alohida dalillarni aniqlash uchun quyidagicha topshiriqlar berish mumkin:

-xatboshiga sarlavha topish;

-matn mazmuniga mos sarlavhalarning bir nechta variantlarini bera olish;

-berilgan xatboshiga savol qo'ya olish;

-matndan parcha o'qib, uning davomini o'ylab topish kabilar.

Matni o'qib tushunish jarayonini aniqlash maqsadida quyidagicha savollar berish mumkin:

-Quyidagi berilgan tasdiqlar matn mazmuniga mos keladimi?

- Berilgan gaplardan qaysi birida matn mazmuniga oid ma'lumot mavjud?

-Keltirilgan ma'lumotlardan qaysi biri sizni qiziqtirdi va nima uchun?

O'rganuvchilar o'qish matni tahlil qilishi bilan bir-biridan farq qiladi. Bunda o'qishning qaysidir turidan olingan ma'lumotni to'liq anglab yetish tushuniladi. Buning uchun quyidagicha mashqlar berish mumkin:

-ajratilgan xatboshini tarjima qiling;

-berilgan matnning kalit so'zlarini aniqlang;

-muallifning xulosalari keltirilgan dalillarni sanang;

-keltirilgan dalillarning asosiylari va ikkinchi darajalarini aniqlang.

Yuqorida keltirilgan mashqlar, o'quvchining xorijiy tillarini o'rganish jarayonida mustaqil ravishda tushunishga, hali to'liq o'rganilmagan leksik birliklarni anglab etishiga yordam beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Николаева С.Ю. Индивидуализация обучения иностранном языкам. –Киев 1987.
2. Фоломкина С.К. Обучение чтению на иностранном языке в неязыковом вузе.- М.,1987.
3. Azizxo'jayeva N.N. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. T.: Yozuvchilar uyushmasi nashriyoti, 2006.
4. Hakimova M.F. Ta'lim tizimiga texnologik yondashuv. Monografiya. T.: 2019.
5. Скалкин В.Л. Основы обучения устной иноязычной речи. -М., 1981.

ICHKI YO'LAKLAR VA PIYODALAR YO'LAKLARINI YORITISH TIZIMI

Boymatov O'. – o'qituvchi

Abduraimov A.I. – talaba

Termiz muhandislik – texnologiya instituti

Annotatsiya: Yo'l qurilishida foydalaniladigan materiallarning mustahkamligini oshirish uchun geosintetik materiallardan foydalanish.

Kalit so'zlar: geosintetik, chidamli, geogrid, armiset, geonet, materiallar,

Bugungi kunda ko'cha yoritgichlari turar-joy va ichki yoritishdan farqli o'laroq, juda xilma-xil va ko'p funktsiyali noturarjoy binolari. Uning uchun to'g'ri tashkil etish siz me'yorlar va talablarni, shuningdek, tegishli GOSTni bilishingiz kerak, ularsiz tashqi yoritish turiga ta'sir qiluvchi omillarning butun doirasini baholash mumkin emas. Ko'chalarni yoritishda avtomobil yo'lining yoritilishi muhim rol o'ynaydi, chunki xavfsizlik to'g'ridan-to'g'ri unga bog'liq. tirbandlik va odamlarning hayoti va salomatligi. Shu sababli, ishlatiladigan yoritish uskunalarida GOST parametrlariga muvofiqligi uchun qat'iy standartlar va talablar mavjud.

Yoritish avtomobil yo'llari, ayniqsa, shaharlar va shahar tipidagi aholi punktlarida eng ko'p muhim element tashqi yoritish. Bizning maqolamiz sizga bu masalada qanday normalar, talablar va GOSTlar mavjudligi, shuningdek, yo'llarda lampalarni qanday qilib to'g'ri tanlash va o'rnatish haqida gapirib beradi. aholi punktlari. **Yo'lni yoritish**

xususiyatlari

Har qanday shahar uchun, shuningdek, kichikroq aholi punktlarida yo'llarni yoritish muhim vazifadir. Bu, birinchi navbatda, yorug'lik tizimini tashkil etishdagi eng kichik qoidabuzarliklar odamlarning o'limiga olib kelishi mumkinligi bilan bog'liq.

Ko'cha va yo'llarni yoritish

Shuning uchun bu erda yorug'lik bilan bog'liq muammolar mavjudligi (uning to'liq yo'qligi, sifatsizligi, me'yorlarning buzilishi, GOSTlar va boshqalar) potentsialning keskin o'sishiga olib keladi. xavfli vaziyatlar ko'pincha fojiali oqibatlariga olib keladigan aholi punktlarining yo'llari va ko'chalarida. Shuning uchun qat'iy talablar va me'yorlar, shuningdek, o'z GOSTlari mavjud. **Ularning barchasi maxsus hujjatlarda (SNiP va SanPin) ro'yxatga olingan.** Aholi punktlarida yo'llar va avtomobil yo'llarini yoritishni loyihalashda ushbu me'yorlarning barchasi va GOSTga qat'iy rioya qilish kerak. SNiP qat'iy talablarni o'z ichiga oladi, ular har qanday aholi punktlarining yo'lini yoritish imkon qadar samarali va xavfsiz bo'lishini kafolatlaydi. Shaharlar va qishloqlarda avtomobil yo'llarini yoritishning roli quyidagi vazifalarga qisqartiriladi:

- kechqurun va tunda yo'lning to'liq yoritilishi;
- yo'llar va avtomobil yo'llarida harakatlanish uchun eng xavfsiz sharoitlarni yaratish;
- qatnov qismi bo'ylab joylashtirilgan lampalar berishi kerak etarli darajada haydovchilar, hatto tunda ham, yo'lni aniq ko'rishlari va yo'l bo'ylab kelayotgan mashina yoki piyodani ko'rishlari uchun yoritish.

Kechasi yo'lni yoritish

Aholi punktlarida yo'lning yoritilishi etarli bo'lishi uchun maxsus hisob-kitoblar amalga oshiriladi. Bu erda ko'cha yoritgichlari bir nechta parametrlarga tayanadi:

- yorug'lik darajasiga taalluqli SNiP normalari va talablari;
- Yoritish moslamalari uchun belgilangan GOST. Floresan, LED yoki halogen yoritgichli barcha moslamalar tegishli GOST talablariga javob berishi kerak;
- kuch yorug'lik oqimi yorug'lik manbalarini ishlab chiqaradigan (LED, lyuminestsent yoki halogen lampalar).

Yo'llarni yoritishga qo'yiladigan talablar

Yuqorida ta'kidlab o'tilganidek, aholi punktlari yo'llarida tashqi yoritishni yaratishda hisobga olinishi kerak bo'lgan me'yor, GOST va talablar me'yoriy hujjatlarda - SNiP va SanPinda ko'rsatilgan. Va bu vaziyatda eng muhimi, siz SNiPda ko'rsatilgan me'yorlar va GOSTga tayanishingiz kerak. Ushbu hujjatlarning turli bo'limlarida har bir aniq vaziyat uchun normalar aniq ko'rsatilgan. SNiP-ning o'zi yorug'likning kerakli darajasini tartibga soladi, bunda haydovchilar yo'l harakati holatini o'z vaqtida va etarli darajada baholash imkoniyatiga ega. Aholi punktlarida harakatlanish joylari uchun o'rtacha gorizontal yoritishni hisoblash kerak. Ushbu parametr bo'lishi kerak:

- asosiy yo'llar va mintaqaviy ahamiyatga ega ko'chalar uchun o'rtacha gorizontal yoritish taxminan 6 lm / kv.m bo'lishi kerak;
- o'tish davri qoplamali mahalliy yo'llar va ko'chalar uchun - 4 lm / kv.m;

- ko'cha va yo'llarda boshqa turdagi qoplama mavjud bo'lsa - 2 lm / sq.m.

SNiPda yuqorida keltirilgan ko'rsatkichlar haydovchining etarlicha masofada yaqinlashib kelayotgan transport vositalarini, shuningdek, yo'l sirtining barcha notekisligini yaxshi ajrata olishini kafolatlaydi.

Yo'lning yo'lini yoritishni tashkil etish xususiyatlari

Kechqurun va tungi vaqtda yo'llar va ko'chalarni yoritish zamonaviy jamiyatning ajralmas qismidir. Shaharning tungi yoritilishi

SNiPda me'yorlarni aniqlashda inson vizual analizatorining qobiliyatlari asos qilib olingan. Kechasi insonning ko'rish qobiliyati yomon ko'rinishga moslashish va yulduz yorug'ligidagi ob'ektlarni 0,1 lyuks yorug'lik darajasida ajratish qobiliyatiga ega. Ammo odam yo'l bo'ylab qulay harakatlanishi yoki mashinada yurishi uchun yorug'lik moslamalari tomonidan yaratilgan yorug'lik darajasi kamida 2 lyuks bo'lishi kerak. Shu bois aholi punktlarida avtomobil yo'llari va yo'llarini sun'iy yoritishni tashkil etish zarurat hisoblanadi. Bu holda yorug'lik quyidagi talablarga javob berishi kerak:

- yo'lning bir tekis yoritilishini ta'minlash. Buning uchun SNiPda belgilangan vaqt oralig'ida armatura o'rnatilishi kerak;

Yo'l bo'ylab yoritish ustunlarini bir xilda joylashtirish

- yorug'lik oqimi osmonga emas, balki yo'lga yo'naltirilishi kerak;
- harakatlanayotgan transport vositasi atrofidagi bo'shliqni, shu jumladan yo'l chetini va qo'shni bo'lakni to'liq yoritish;
- gorizonta yo'naltirilgan oz miqdorda yorug'lik oqimining mavjudligi. Bunday yoritish sizga ko'rish masofasini oshirishga imkon beradi va siz tomon ketayotgan mashinalar hatto tunda ham sezilarli bo'ladi;
- ko'zni qamashtirmaydigan yo'l yoritgichi.

Yo'llar va avtomobil yo'llarini yoritishni tashkil qilishda ma'lum joylarda yoritgichlar o'rnatilishi kerak. Yorug'lik nuqtalarining soni, shuningdek ularning joylashuvi quyidagi parametrlar bilan belgilanadi:

- yulka xususiyatlari;
- yo'lning maqsadi (avtomobil yo'li, qishloq yo'li va boshqalar);
- taval o'tadigan aholi punkti turi (shahar, qishloq va boshqalar).

Shuning uchun, orqa yorug'lik hosil bo'ladigan moslamalar muayyan holatga qarab farq qiladi:

- keng yo'llar uchun lampalar 250-400 vatt quvvatga ega bo'lishi kerak;

Keng yo'l yoritgichi

- ikkinchi darajali yo'llar uchun lampalar 70-250 vatt quvvatga ega bo'lishi kerak.

Bundan tashqari katta ahamiyatga ega lampalarning o'zi ham yo'lning yoritilishini yaratishda o'ynaydi. Aholi punktlarida harakat xavfsizligi ularning to'g'ri tanlashiga bog'liq. Aholi punktlarining ko'chalarini yoritish qanchalik kuchli bo'lsa, ularning maydoni shunchalik katta bo'ladi.

ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ МАЗМУНИНИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Isoyev Y.A., Saydaxmadova N.Sh.

Фарғона политехника институти

Аннотация: Назарий ва амалий таълимнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш муҳим педагогик масалалардан ҳисобланади. Ушбу мақолада ана шу масалани ечишга қаратилган иқтисодий таълим мазмунини такомиллаштириш масаласи баён этилган.

Таянч сўзлар: амалий таълим, педагогик масала, иқтисодий таълим.

Аннотация: Обеспечение взаимосвязи теоретического и практического обучения является одной из важных педагогических задач. В данной статье описан вопрос усовершенствования содержания экономического образования.

Ключевые слова: практическое обучение, педагогический задач, экономическое образование.

Annotation: The theory and practice of education provide an important pedagogical approach. A criminal case has been initiated on this fact, an investigation is underway.

Keywords: practical training, pedagogical tasks, economic education.

Бугунги замонавий жамиятда инсон фаолиятининг энг кенг соҳаларидан бири - бу таълим ҳисобланади. Охирги йилларда таълимнинг ижтимоий роли ортиб, дунёнинг аксарият давлатларида таълимнинг барча турларига бўлган муносабат ўзгарди. Таълим ижтимоий ва иқтисодий тараққиётнинг бош, етакчи омили сифатида қаралмоқда. Бундай эътиборнинг сабаби замонавий жамиятнинг энг муҳим қадрияти ва асосий капитали - бу янги билимларни излаш, эгаллаш ва ностандарт қарорлар қабул қилишга қодир бўлган инсон ҳисобланади. Шундай экан, ҳозирги даврда таълим шахс ва жамиятни ривожлантиришда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув ва кескин рақобатчилик кучайиб бораётган шароитда инсоннинг олдинги даврдаги бутун ҳаёт учун таълим олиш эмас, балки бутун ҳаёти давомида узлуксиз таълим олиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Иқтисодий таълим бериш муаммоси назарий жихатдан кўп ўрганилган бўлсада, лекин иқтисодий таълимнинг касбий таълим билан интеграцияси, иқтисодий билимларни шакллантириш муаммоси ҳақида кам сўз юритилади. Ҳолбуки улар ўрнатилмаган мутлақо янги мавзу бўлиб, кенг қамровли илмий-педагогик тадқиқотларни ва изланишларни тақозо этади.

Биз ана шуларни эътиборга олган ҳолда “Талабаларда иқтисодий билимларни шакллантириш методикаси”ни ишлаб чиқиш зарур деб ҳисоблаймиз. Айнан унинг амалий жиҳатларига, талабаларда иқтисодий маданиятни шакллантириш методикасига, хусусан, иқтисодий маданият тренинглари, ўқув фирмалари, иқтисодий таълим жараёнида ўйин технологиялари инновацион технологияларни қўллашга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Зеро, бугунги кунда маданият тушунчалари (иқтисодий таълим, ҳуқуқий таълим, бадий билим, техник билим, компьютер саводхонлиги ва бошқалар) мутлақо янги маъно ва мазмун кашф этди.

Бу дунё мамлакатларининг ривожланиши, жамият тараққиётидаги жадаллашув, глобаллашув, қитисодий, сиёсий ва таълим соҳасидаги интеграциялар билан узвий боғлиқ.

Кўпгина адабиётларда талабаларда иқтисодий билим ва кўникмаларни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари кўпроқ умумий ва тарбиявий нуқтаи назардан ўрганилган, лекин касбий кўникмалар ва иқтисодий билимларни шакллантириш масаласи касбий-амалий таълимга боғлиқ ҳолда тадқиқ этилмаган ва бизнинг назаримизда бир қанча ноаниқликларга йўл қўйилган.

Биринчидан, бизнинг назаримизда, “иқтисодий билимни ривожлантириш”, “иқтисодий кўникма” иборалари илмий-педагогик нуқтаи назардан унчалик муваффақиятли йўлланилмаган.

Иккинчидан, гарчанд “иқтисодий билимни ривожлантириш”, “иқтисодий кўникма” иборалари илмий ишларнинг асосий тушунчалари ҳисобланса-да, лекин улар тушунча сифатида таърифланмаган, изоҳлаб берилмаган, тушунтирилмаган.

Учинчидан, талабаларда қобилият, тафаккур ривожлантирилади, билим шакллантирилади ёхуд оширилади. Шунинг учун ҳам “иқтисодий билимларни ривожлантириш” иборасини қўллаш, бизнинг назаримизда, унчалик ўринли эмас.

Тўртинчидан, “иқтисодий кўникма” ибораси жуда мавҳум бўлиб, унинг нимани англатиши, қандай маънони изоҳлаши тушунарли эмас. Бизнингча, “касбий-иқтисодий амалий кўникма” ибораси қўлланилиши лозим эди.

Бешенчидан, ноиқтисодий таълим муассасаси касб таълим йўналишини битирувчилари кўп ҳолларда тадбиркорлик билан эмас, асосан муҳандислик фаолият билан машғул бўладилар. Улар кўўпинча коллеж ёки мактабларда ишлайдилар. Шунинг учун ҳам тадқиқотчи ўз тадқиқотида кўпроқ уларнинг иқтисодий тўғрисидаги умумий билимларини

ошириш “дастлабки иқтисодий тасаввурларини кенгайтириш”, “ёшларни иқтисодий тарбиялаш” масалаларига кўпроқ тўхталиб ўтади.

Олтинчидан, педагогика олий таълим муассасалари талабаларида иқтисодий билим ва кўникмаларни ривожлантириш учун махсус ва уни ўқитиш дастури ишлаб чиқилмаган, балки тадқиқотга фақат “Иқтисодиёт асослари” ўқув фани мазмуни асос қилиб олинган. Кўшимча манбалардан фойдаланиш ҳақида умуман сўз юритилмаган.

Еттинчидан, талабаларда иқтисодий маданиятни шакллантириш муаммосини тадқиқот этиш масаласи илмий тадқиқотларида мутлақо акс этмайди.

Илмий адабиётлар ва диссертация ишларини таҳлил этиш натижалари шуни кўрсатадики, биринчидан, бугунги кунда таълим мазмунига, ўқитиш услубиятига, амалий таълимга талаб мутлақо ўзгарган, иккинчидан, талабаларнинг иқтисодий билимларни ошириш кўп қиррали бўлиб, кадрлар тайёрлашмилий дастури ва янги яратилган давлат таълим стандартлари асосида педагогик муаммо сифатида ўрганилмаган, учинчидан, узлуксиз таълим тизимидаги мустақил таълим тури бўлмиш ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари, хусусан, ноиқтисодий йўналишлардаги олий ўқув муассасалари талабаларида иқтисодий маданиятни шакллантириш масаласи тадқиқ этилмаган.

Касбга оид фанларни ўқитишга бағишланган илмий-методик ишларни ўрганиш натижалари кўрсатадики, ўқув машғулотларини ўқитишнинг янги усулларида фойдаланиб, аниқ амалий ишланмаларга таянган ҳолда ташки этиш лозим. Талабаларда иқтисодий маданиятнинг шаклланиши шундагина жадал кечади. Бу эса олий таълим муассасаларида иқтисодий йўналишдаги дарсликларнинг жиддий равишда қайта ишлаб чиқилишини тақозо этади. Келгусида яратиладиган ўқув қўлланмалар, айти пайтда мавжуд қўлланмалардан тузилиши ва мазмуни, ўқув материалларининг такомиллашганлиги билан фарқ қилиши керак.

Янгича иқтисодий фикрлаш тарбия жараёнининг тамойиллари, восита ва усулларини қайта кўриб чиқишни, маданиятга одатдаги ва зарурий меъёр сифатида ёндошишни талаб этади. Чунки таълим муассасаларидаги тарбия фнукциси билан бериш, ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантириш каби меъёрий вазифаларни амалга оширишни тақозо этади.

Иқтисодий тарбия тизимида қуйидагилар назарда тутилади: иқтисодий ва меҳнат тарбияси бирлигини таъминлаш, ўқишни амалиёт билан боғлаш; ишлаб чиқариш таълимини, талабаларнинг ёзги таътилдаги ижтимоий фойдали меҳнатини иқтисодий билим ва топшириқлар билан бойитиш; аудиториядан ташқари ишларда иқтисодий таълим-тарбияни ривожлантириш (таълим муассасаси моддий бойликларини асраб-авайлаш ҳақида суҳбатлар, хўжалик юритиш, солиқ, сарф-харажатлар, моддий бойликларни тежаш билан боғлиқ турли мусобақалар).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаев А., Эргашев А., АБдуллаева Х., Бизнес режа. Амалий машғулотлар тўплами
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “ Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909- сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ3151-сонли қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Мақтабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сонли фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги «Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5313-сон фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касбхунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига ШАРХ// <http://uzlidep.uz/positionparty/82>

7. Андреева А.С. Формирование системы профессионального воспитания обучающихся в условиях непрерывного образования// Устойчивое развитие науки и образования. 2016. № 3. С.34-38.
8. Аношкина В. Л., Резванов С. В. Образование. Инновация. Будущее. 2001. Раздел. 3. Стадии становления концепции непрерывного образования. URL: siblio.com/biblio/archive/resvanov_obrasovanie/
9. Ахмедов А.Э., Смольянинова И.В., Шаталов М.А. Система непрерывного образования как драйвер совершенствования профессиональных компетенций// Профессиональное образование и рынка труда. 2016. №3. С.26-28.
10. Захлебаева В.В. Психолого-педагогические условия успешной социализации сфере дополнительного образования детей// Синергия. 2016. №3. С.7-12.

ЁШ АВЛОД МАЪНАВИЙ ТАРБИЯСИДА АЖДОДЛАР АНЪАНАСИ

*Кичилова М.Х. – инновацион ва ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиги
Термиз муҳандислик-технология институти*

Аннотация. Мақолада эзгу кадриятлар сифатида ҳозир ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган ота-боболаримиз хунармандчилик анъаналарининг ёш авлод маънавий тарбиясидаги аҳамияти ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар. Хунармандчилик, кулоллик, дурадгорлик, темирчилик, мисгарлик, каштадўзлик, кўнчилик, тикувчилик, тўкувчилик, заргарлик.

Ўзбекистон ҳудудида тарихнинг турли даврларида мунтазам тарзда деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчиликни ривожлантиришга кулай имконият мавжуд бўлган, шу билан бир қаторда халқимиз меъморчилик, шаҳарсозлик, адабий ва бадиий ҳаёт соҳасида ҳам катта ютуқларга эришиш учун оғир синовлардан ўтганлигига тарих шохидлик беради.

Ўзбек халқи моддий маданиятининг таркибий қисмларидан бири уй-жой ва унинг жиҳозлари ҳисобланиб, булар инсоннинг асосий яшаш воситаси ҳисобланади. Маълумки ҳар қандай миллатнинг уй-жой жиҳозлари уларнинг маҳаллий табиий шарт-шароитига, турмуш тарзига ва хўжалигининг йўналишига боғлиқ ҳолда ривожланади. Шунингдек, халқнинг уй-жой жиҳозларидан унинг маданияти, ақл-заковати, фалсафий дунёқараши намоён бўлади.

Айниқса, Сурхон воҳасининг Бойсун туманидаги тоғ ва тоғ олди ҳудудларида лалмикор деҳқончилик билан биргаликда чорвачилик хўжалигини ривожлантириш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилган. Айнан ана шу билан боғлиқ хунармандчилик хўжалиги ҳам юксак даражада ривож топиб, ушбу соҳанинг кулолчилик, металлсозлик, куролсозлик, тўқимачилик, шишасозлик каби турлари анча юксалган. Гапимизни исботи сифатида, Чингизхон бошлиқ мўғуллар босқини арафасида Чўянли ва Мунчоктепа (Хомкон ҳудуди), Хожа Қошқарон, Тўдадаги Оқтепа, Аламлидаги Мунчоктепалар темирчи-кончиларнинг йирик кишлоқлари ва устахоналари бўлиб хизмат қилганлигини, бу кишлоқларда бир неча юзлаб метрларга чўзилган темир ва чўян эритиш печлари ва руда уюмлари Бойсунтоғнинг ўрта асрлар даврида Басанд шахрининг иқтисодий ҳаётида нақадар муҳим ўрин туганлигидан гувоҳлик беради.

Шунингдек, савдо йўлида жойлашган Бойсун асосий ҳарбий-стратегик марказ сифатида танилиши билан бирга Бойсунтоғ ва Кўҳитанг тоғларидаги темир конлардан фойдаланиш билан биргаликда Дарбандда мармар ишлаб чиқарилган. XIX асрда Бойсунда тўқимачилик ва хунармандчилик ишлаб чиқариш анча мукамал ривожланган.

Дарҳақиқат, Бойсунда энг кенг тарқалган анъанавий хунармандчилик - қўлда тўқиш ҳамда терини, ёғочни қайта ишлаш ва сандиқлар таёрлаш каби хунармандчиликнинг турлари Бойсун тумани ўзбеклар ва тожикларининг анъанавий маданиятини ўзида акс эттиради.

Айниқса, анъанавий уй-жой жиҳозларига гилам, шолча ва ҳар хил кўрпа-тўшаклар ҳамда ёғочдан ясалган токча, хонтахта, сандиқ ва шу кабилар кирган. Бу жиҳозлардан кўпроқ ўтроқ аҳоли фойдаланиб, хўжалиги кўпроқ чорвачиликдан иборат аҳолининг уй

жиҳозлари ўтроқ деҳқонларникидан бирмунча фарқ қилган. Ярим-ўтроқ чорвадорлар баҳорги мавсумда яшаш манзилини ўзгартириб, тоғ ва тоғ олди ҳудудларида жойлашган яйловларга кўчиб чиққанлар ва ўтов (қора уй) тикиб, жиҳозлаганлар. Шунинг учун уларнинг уй жиҳозлари енгил, пишиқ, синмайдиган, умуман кўчиш учун қулай бўлиши керак бўлган. Шунингдек, уй жиҳозлари кўпроқ хўжалик машғулотида келиб чиққанлиги учун қўй-эчки териси ва жунидан тайёрланган. Жундан гилам, дастурхон, напрамач, хуржун ва турли хилдаги қошиқлов, туз халта, чой халта каби ошхона анжомлари тўқилган, қўй-эчки терисидан эса супра, тулум, меш, саноч кабилар тайёрланиб, рўзғорда ишлатилган. Бу рўзғор буюмлари беминнат воситалар ҳисобланиб, биз шундай воситалардан бири, чорвадор хонадонларда теридан тайёрланган уй буюмларининг афзалликлари ҳақида баён этмоқчимиз.

Момоларимиз томонидан қўй-эчки терисига яхшилаб ишлов берилиб тайёрланган буюмлардан бири пўстак бўлиб, унинг бир нечта қўй-эчки териси қўшиб тикилган каттароқлари ва бўялган хиллари ҳам бўлган. Ҳозирга кунда бел-оёқ оғриғи, бод касаллиги, умуртқа поғонаси ва инсон ички органларининг шамоллаши каби турли касалликлар учрайди. Нега қадимда ота-боболаримиз соғлом, кучли, бақувват бўлганлар? Чунки улар табиат инъоми бўлган табиий нарсалардан фойдаланганлар. Пўстакнинг афзалиги шундан иборатки, у ҳар хил синтетик аралашмаларсиз, табиий тўшак бўлиб, ҳар хил шамоллашларнинг олдини олган. Оналар фарзандини кечаси ўринга ётқизишдан олдин албатта пўстак тўшаганлар. Чунки у иссиқ тутиш хусусиятига эга бўлиб, унда ётган ёш бола совуқсирамаган ва кечаси ўрнини ҳам ҳўл қилмаган. Ўрни ҳўл бўлмаган бола касал ҳам бўлмаган. Қадимда аҳолининг ҳозиргидай шарт-шароитлари (газ, электр энергияси) бўлмаган. Улар тоғ ва тоғ олди ҳамда чўл ҳудудларида айниқса, кечаси бўладиган салқин хавода ўзларига қулай бўлган уй жиҳозларини тайёрлашган, зеро у даврда ҳозиргидек шарт-шароитлар йўқ эди.

Маълумки, тоғ ва тоғ олди ҳамда чўл ҳудудларида қора қурт, чаён, бий каби ҳар хил зарарли ҳашаротлар бўлади. Пўстакнинг яна бир афзаллик томони шундан иборатки, бу каби ҳашаротлар унга яқинлашмайди, чунки ҳашаротлар пўстак жунлари устида юра олмайди. Шунинг учун ҳам бу тўшак ҳар томонлама хавфсиз ҳисобланган. Бундан кўринадики, ота-боболаримиз фойдаланиб келган буюмлар инсон соғлиғи ва хавфсизлиги учун қанча хизмат қилар экан. Буни биз оддийгина пўстак мисолида кўриб, аждодларимиз донишмандлигига тан берамиз. Ахир у осонликча йиртилмайдиган, эскирмайдиган, ранги учмайдиган, кўчиб юрганда енгилгина ва ювса яна янгиланаверадиган буюм бўлиб, ҳар қандай шароитда қулай яшаш воситаларидан биридир.

Юқоридагилардан хулоса чиқариб, қуйидагиларни тавсия қилган бўлар эдик: ота-боболаримиз фойдаланиб келган буюмларнинг афзалликлари ёш авлодга катталар томонидан ўргатиб борилса ва улар билимларидан унумли фойдаланиб, эзгу қадриятлар сифатида оммавий ахборот воситалари орқали кайвони, билағон онахонлар томонидан тайёрланиш усуллари намойиш этилса. Ахир бутун дунёда табиий нарсаларга ва уйни ҳам табиийлик билан жиҳозлашга катта эътибор берилётган бир замонда ҳам уйимиз дизайни чиройли кўриниш олар эди, ҳам соғлик учун фойда бўлар эди.

Демак, ҳунармандчилик - миллий анъанавий майда товар ишлаб чиқариш, оддий меҳнат қуроллари ёрдамида яқка тартибда ва қўл меҳнатига асосланган саноат тури бўлиб, Бойсун туманининг халқ хўжалигида ҳозирда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳунармандчилик инсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти билан вужудга келиб жамият ривожланиши давомида аста-секин деҳқончилик ва чорвачилиқдан ажралиб чиқди ва кенг ривож топди. Кулоллик, дурадгорлик, темирчилик, мисгарлик, бинокорлик, тоштарошлик, ўймакорлик, каштадўзлик, кўнчилик, тикувчилик, тўкувчилик, заргарлик, дегрезлик, туникасозлик ва бошқа ҳунармандчилик турлари кенг ривожланди.

QASHQADARYO VILOYATI HUDUDIDAGI TEMIR YO‘LLARI VA MUHOFAZA ZONALARI

Aliqulov G.N. – dotsent

Fayzullayeva L.X. – magistrant

Qarshi muhandislik iqtisodiyot instituti

Temir yo‘llar – murakkab texnik tizim bo‘lib, katta sondagi inshoot va qurilmalardan, mexanizm va mashinalardan, avtomatlashtirilgan jihozlardan tashkil topgan. Dastlab O‘zbekistonda 1888-yil may oyida Amudaryo orqali 30 ta ko‘priklarning qurilishi bilan Samarqandga temir yo‘l harakati ochildi. 1899-yilda Ursatevsk (hozirgi Hovost) stansiyasidan Toshkentgacha va Farg‘ona vodiysidan Andijongacha 2 ta yo‘l tashkil qilindi.

“O‘zbekiston temir yo‘llari” AJ O‘zbekiston respublikasi hududida joylashgan sobiq O‘rta Osiyo temir yo‘llari bazasida 1994-yil 7-noyabrda tashkil topgan. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 03.08.2004 yil № 366 sonli “O‘zbekiston temir yo‘llari” davlat aksiyadorlik temir yo‘l kompaniyasini boshqarishni tashkil etishni yanada takomillashtirish to‘g‘risida” gi qarori bilan Mintaqaviy temir yo‘l uzellarining tashkiliy tuzilishi hamda Mintaqaviy temir yo‘l uzelinig odatiy boshqaruv tuzilishi tasdiqlandi. Bunga ko‘ra:

- ✓ Toshkent Mintaqaviy temir yo‘l uzeli
- ✓ Qo‘qon Mintaqaviy temir yo‘l uzeli
- ✓ Buxoro Mintaqaviy temir yo‘l uzeli
- ✓ Qo‘ng‘irot Mintaqaviy temir yo‘l uzeli
- ✓ Qarshi Mintaqaviy temir yo‘l uzeli
- ✓ Termiz Mintaqaviy temir yo‘l uzellariga bo‘linadi.

Qashqadaryo viloyati respublikamizda o‘zining ishlab chiqarish salohiyati jihatida salmoqli o‘rinni egallaydi. Bugungi kunda viloyat bo‘yicha temir yo‘lining uzunligi 698,34 km tashkil etib, uning 94,7 % “O‘zbekiston temir yo‘llari” AJ ga qarashli. Viloyatda 54 ta temir yo‘l kesismalari bo‘lib, 51,8% qo‘riqlanadigan temir yo‘l kesishmalaridan iborat. “Qarshi Mintaqaviy temir yo‘l uzeli” unitar korxonadi to‘g‘risidagi ma‘lumotlar 1-rasmda keldirilgan.

Yuqorida qayd etilgan ma‘lumotlardan ma‘lum bo‘ldiki, temir yo‘l vokzallari soni 3 dona, temir yo‘l bekatlari 31 ta. Shundan 80,6 % Qashqadaryo viloyati hududida joylashgan. O‘rta hisobda yilida 350 ming yo‘lovchiga xizmat ko‘rsatadi.

Yo‘lining o‘tkazish quvvati, uning bir sutkada o‘tkazishi mumkin bo‘lgan poyezdlar jufti soni bilan aniqlanadi. Tashish quvvati esa bir yilda temir yo‘l tashib keltirishi mumkin bo‘lgan yuk hajmi bilan (mln.t.km) aniqlanadi.


Viloyat bo‘yicha temir yo‘llardan foydalanish jihatidan uchta darajaga bo‘linadi:

Birinchi darajali temir yo‘llarga mamlakat ichkarisi va xorijiy davlatlar bilan transport aloqalarini ta‘minlovchi temir yo‘llar kiritiladi. Ular orqali katta hajmda (yiliga 5 mln.t.km) yuk va yo‘lovchi passajirlar (10 va undan ko‘p) poyezdlar qatnovi yuqori tezlikda (150 km/soat) harakatlanadi 2-rasm).




2-rasm. O‘zbekistonni Afg‘oniston bilan bog‘lovchi xalqaro toifadagi temir yo‘l

Ikkinchi darajali temir yo‘llarga tumanlararo yuk va yo‘lovchi tashishni ta‘minlovchi temir yo‘llar qarashli bo‘lib, harakat tezligi 120-100 km/soatni tashkil etadi (3-pacm).



3-rasm. Qarshi va Kitob tumanlarini bog‘lovchi ikkinchi toifadagi temir yo‘l

Uchinchi darajali temir yo‘llar mahalliy ahamiyatga ega bo‘lgan temir yo‘llar hisoblanib, katta bo‘lmagan (2-3 mln.t.km) yuk tashish qobiliyatiga ega (3-pacm).



4-rasm. Xususiy temir yo‘llar

Temir yo‘l qatnovlari quyidagi turlarga bo‘linadi:

ichki qatnovlar — yuklar, yo‘lovchilar, bagaj va yuk bagajini O‘zbekiston Respublikasi doirasida tashish;

xalqaro qatnovlar — yuklar, yo‘lovchilar, bagaj va yuk bagajini O‘zbekiston Respublikasi va boshqa davlatlar o‘rtasida tashish;

to‘g‘ri aralash qatnovlar — yuklarni yagona transport hujjati bo‘yicha transportning har xil turlarida tashish. To‘g‘ri aralash qatnovlar ham ichki, ham xalqaro bo‘lishi mumkin.

Alohida muhim davlat ehtiyojlarini, shu jumladan mudofaa ehtiyojlarini qondirish uchun yuklarning maxsus turlari tashilishini ta‘minlovchi tashishlar maxsus tashishlar jumlasiga kiradi.

Temir yo‘lning asosiy elementi bo‘lib, to‘g‘ri uchastka, ayalana va o‘tish qayrilmalari hisoblanadi.


Qayrilmalar uchun quyidagi satndart radiuslar belgilangan: 150m, 180m, 200, 250 ... 4000m. Yo‘lning to‘g‘ri chiziqli qismi va vertikla aylanma qayrilma temir yo‘lning profil elementi hisoblanadi. To‘g‘ri chiziqli qismi $i=h/l$ nishablik bilan xarakterlanadi.

Bir izli yo‘llarda, qarshi keladigan poyezdni o‘tkazib yuborish uchun kichkina stansiya (razyezd) barpo etiladi (5-rasm).

Ikki izli yo‘llarda poyezdlarni o‘zib o‘tib ketishi uchun o‘zib o‘tish punktlari barpo etiladi (6-rasm).



5-rasm. Bir izli temir yoʻlda oʻtkazib yuborish stansiyasi sxemasi. 1-asosiy yoʻl; 2-yonlama yoʻl.



6-rasm. Oʻzib oʻtish punkti sxemasi. 1,2-asosiy yoʻllar; 3,4-yonlama yoʻllar.

Temir yoʻllarni izlari kengligi boʻyicha oddiy oʻlchovli (1520 mm), Evropa standartiga mos (1435 mm) va tor oʻlchovli (760 mm) temir yoʻllarga boʻlish mumkin.


Pioner temir yoʻllari asosan rivojlanayotgan hududlarni rivojlantirish uchun quriladi. Ularning yuk tashish quvvati nisbatan kichik - yiliga 1 million tonnagacha. Biroq, ularni loyihalashda yuk aylanmasining keyingi oʻsishini hisobga olish kerak - qoʻshimcha alohida punktlarni ochish imkoniyati, qabul qilish va joʻnatish yoʻnalishlarining foydali uzunligini oshirish; yoʻlning pastki tuzilishi parametrlari (pastki qatlam, suv oʻtkazgichlar) I va II toifadagi temir yoʻllarni loyihalash standartlariga mos kelishi kerak. Qiyin uchastkalarda kashshof temir yoʻl uzoq muddatli aylanma yoʻllar boʻylab yotqizilishi mumkin.

Soʻnggi yillarda tor oʻlchovli temir yoʻllar qurilmadi. Ayrim yoʻnalishlardagi mavjud yoʻllar hamma joyda oddiy oʻlchagichga oʻtkazilmoqda. Shunday qilib, 60-yillarda. Qozogʻistonda oʻzlashtirilmagan yerlarni oʻzlashtirish jarayonida dastlab tor oʻlchamli yoʻllar qurilgan, biroq deyarli darhol ular oddiy oʻlchamdagi 1520 mm.ga oʻtkazilgan. Uzoq vaqt davomida Chudovo-Novgorod tor temir yoʻl ishlagan. Alohida yogʻoch kesish liniyalari hali ham ishlaroqda. Biroq, bu yerda jiddiy qiyinchiliklar mavjud - harakatlanuvchi tarkib, yoʻl ustki tuzilishi elementlari (reklar, kalitlar) eskirgan va sanoat tomonidan yangi tuzilmalar ishlab chiqarilmaydi. Bugungi kunda Oʻzbekistonda 1520 mm. li temir yoʻllardan foydalaniladi.

Ixtisoslashgan yangi qurilgan temir yoʻllar bir (umumiy) turdagi yuklarni (koʻmir, neft, yogʻoch) tashish uchun moʻljallangan (va mos ravishda jihozlangan) boʻlishi mumkin. Bunday liniyalarda aylanmada katta uzunlikdagi ogʻir, maxsus harakatlanuvchi tarkib ishlatiladi. Yoʻlda yuklarning ogʻirligi har bir oʻqqa 30 tonnagacha yetadi. Eng yuqori strukturaning kuchayishini belgilaydi. Qatlamli tuproqlarga, uni siqish usullariga va tuzilmalariga qoʻshimcha talablar qoʻyiladi. Bunday chiziqlar bir vaqtning oʻzida ikkita yoʻl ostida qurilishi mumkin. Stansiyalar va tugunlarni loyihalashda muhim xususiyatlar mavjud (ayniqsa, yetkazib beruvchilardan tovarlarni qabul qilish va ularni isteʼmolchilarga oʻtkazish uchun moʻljallangan).

Muhofaza zonalarini — temir yoʻllardan, elektr taʼminoti va aloqa tarmoqlaridan bir meyorda foydalanishni, temir yoʻl transporti inshootlari, qurilmalari va boshqa obektlarining saqlanishi, mustahkamligi va turgʻunligini taʼminlash uchun zarur boʻlgan yer uchastkalari, shuningdek temir yoʻl transporti yerlariga tutash boʻlgan siljuvchi tuproqli yerlar.

Temir yoʻl muhofaza zonalarini temir yoʻl izi markazidan har ikkala tomonga 25,5 metr uzunlikda hisoblanadi va ushbu muhofaza zonasi ichida temir yoʻl boshqarmasi ruhsatisiz har qanday qurilish ishlari yoki dehqonchilik, chorvachilik bilan shugʻullanish taqiqlanadi. Barcha darajadagi temir yoʻllar uchun bu qiymat taalluqli. Stansiyalarda muhofaza zonasi koʻproq hududni egallaydi. Sababi ularda qoʻshimcha kommunikatsion texnologiyalar talab etiladi(7-rasm).



7-rasm. Qashqadaryo temir yo‘l stansiyasi misolida

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. “Temir yo‘llari davlat kadastrini yuritish tartibi to‘g‘risida” nizom. 30.06.2005 y.
2. O‘zbekiston Respublikasining “Temir yo‘l transporti to‘g‘risida” gi qonuni. 15.04.1999 y.
3. “Temir yo‘l bekatlari va tugunlari” A.Sh.Rustamov, R.Ya.Abdullayev. Toshkent 2007. Darslik
4. “Temir yo‘llar qurilishi texnologiyasi va tashkili” K.S.Lesov. Toshkent temir yo‘l muhandislari instituti o‘quv qo‘llanma. Toshkent 2019

К АКТУАЛЬНЫМ ВОПРОСАМ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ ОБРАЗОВАНИЯ

Маматханова К. – студент

*Михеева А.И. – научный руководитель
Ферганский политехнический институт*

На сегодняшний день большое внимание уделяется вопросам развития науки и образования. В республике проведены широкомасштабные реформы, касающиеся образовательной сферы. Современные тенденции в образовательной сфере направлены на интеграцию в мировое сообщество, с точки зрения заимствования опыта развитых стран.

Большое внимание в этом контексте уделено охвату населения высшим образованием.

Развитие системы образования возведено в нашей стране на уровень государственной политики. Задачи по проведению масштабных реформ в этой, в коей сосредоточено будущее государства, решаются поэтапно. Одним из семи приоритетных направлений Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы является развитие человеческого капитала. Цели 43, 44 Стратегии предполагают в числе прочих задач повышение качества образования в школах и поднятие на международный уровень знаний и квалификации педагогических кадров.

Необходимо констатировать тот факт, что приоритет отдаётся частным и президентским школам. Но как нам известно не все родители могут себе позволить обучение детей в частных школах. Тогда встаёт вопрос. Что же делать?

На этот вопрос ясный ответ мы можем найти в выступлениях главы нашего государства.

Под председательством Президента страны 5 апреля текущего состоялось видеоселекторное совещание по анализу эффективности реформ в сфере народного образования. Обсуждены многие вопросы, критически проанализирована работа соответствующих учреждений и образовательных организаций на местах.

В ходе исследования основное внимание уделялось организации учебного процесса в общеобразовательных школах регионов, качеству уроков, педагогическому потенциалу и

мастерству, создаваемым условиям, активности учащихся, духовной среде в школах. Утверждены целевые «дорожные карты» по выявленным недостаткам.

Необходимо констатировать тот факт, что для вхождения нашей страны в международное сообщество необходим соответствующий уровень развития в том числе и образовательной системы.

На уровне соответствующих министерств и ведомств ведутся целенаправленные работы по коренным сдвигам в сфере образования.

Констатируется, что передовые методики внедрены в Президентских, специализированных и частных школах. Однако во многих других школах методика преподавания устарела.

В своих выступлениях глава государства акцентирует внимание на реструктуризации учебных заведений, на необходимости соответствия руководителей, учителей духу Нового Узбекистана, то в результате возникнет возможность соответствия детей требованиям времени. Отмечается необходимость реформирования школ в целях создания фундамента для будущего.

Глава государства объявил о запуске общенационального проекта по переподготовке учителей школ на основе новых методик. Причина в том, что уровень учителей, работающих в системе народного образования, недостаточно удовлетворителен. Так, из 153 524 учителей, принявших участие в квалификационных испытаниях в 2021 году, всего 3,8 процента показали отличные результаты, 20,4 - хорошие, 37,8 - удовлетворительные, а 38,1 - неудовлетворительный результат.

В ближайшее время учителя школ будут задействованы в обучении на основе новой методики. С этой целью на базе центров повышения квалификации в каждом регионе создаются Национальные учебные центры для обучения учителей новым методикам. К ним будут привлечены квалифицированные зарубежные специалисты в области точных и естественных наук.

В своём исследовании мы хотели бы обратить внимание на проблемы недостатка учителей предметников естественных дисциплин, катастрофически не хватает специалистов по точным наукам таким как физика, химия, математика, в особенности учителей, владеющих русским языком.

Для решения этой проблемы необходимо открывать курсы магистратуры по данным направлениям и соответственно европейские группы.

В каждом регионе сформируют «группу тренеров» для повышения квалификации школьных учителей на местах. Им будут платить надбавки к заработной плате в размере до 100 процентов.

До конца года хокимияты совместно с Министерством народного образования приступят к внедрению передовых методик не менее чем в 20 процентах школ каждого района и города. На внедрение новой системы будет выделено дополнительно 100 миллионов долларов.

В соответствии с Указом Президента «О мерах по развитию сфер образования и воспитания, и науки в новый период развития Узбекистана» от 6 ноября 2020-го изучение зарубежных методик, внимание к финскому опыту, обеспечение преемственности учебных планов дошкольных, общеобразовательных, средних специальных, профессионально-технических и высших учебных заведений образования осуществляются в сотрудничестве с Государственной инспекцией по надзору за качеством образования при Кабинете Министров Республики Узбекистан и Министерством народного образования.

В целях обеспечения преемственности и последовательности между учебными планами в системе непрерывного образования созданы 22 рабочие группы с участием более 300 специалистов из сфер образования.

В сотрудничестве с министерствами образования были разработаны 22 научные концепции, образцовые учебные программы и установлена связь между видами образования.

В заключении следует отметить, что современная система образования предусматривает следующие цели - образование, воспитание и инновационное корпоративное сотрудничество.

В этой связи важной задачей в современное время является эффективная организация системы подготовки квалифицированных кадров и поднятие ее на высокий уровень.

**ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ МЕТОДИК
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МОБИЛ ТЕХНОЛОГИЯ
ИЛОВАЛАРНИ ЯРАТИШ УСУЛЛАРИ**

Менгатова Х.Т. – ТМТИ “Ёш дастурчи” тугараги рахбари

Мухторов С.Ш. – ТМТИ “Ёш дастурчи” тугараги аъзоси

Таянч сузлар: Мобил илова, Компетентлик, Инновацион, элементлар, ноанъанавий методлар, индивидуал технологик жараёнлар, касбий-методик, мотивлар, Креативлик, адекват, c++, Java,

Жаҳон таълим тизимидаги ислохотлар ва таълим бозорида рақобат муҳитини шаклланиши мутахассислар тайёрлаш тизимини компетентли ёндашув асосида ташкил этиш ва таълим стандартларида белгиланган компетенциявий талабларни узлуксиз такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Ҳозирги кунда, АҚШ, Англия, Германия, Россия, Жанубий Корея каби ривожланган мамлакатларнинг нуфузли илмий-тадқиқот марказларида педагог кадрларнинг методик компетенцияларни шакллантириш ва битирувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштиришнинг илмий асосланган тизимини яратиш борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, Иллинойис университетининг (АҚШ) “IEARN” ва “KIDLINK” минтақавий таълим дастурлари кадрлар тайёрлашнинг инновацион йўналишларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро тажрибага кўра педагогларнинг методик компетентлиги, жумладан, таълим жараёнини амалга оширишнинг энг мақбул методларини (multi-level interactive education), самарали моделларини ишлаб чиқиш, инновацион таълим муҳитини ташкил этиш ва амалга оширишнинг методик таъминотини такомиллаштиришга ахборот технологияларидан фойдаанишга алоҳида эҳтиёж туғилмоқда. Мазкур жиҳат бўлажак кадрларининг методик компетентлигини ривожлантиришни тақозо этади. Таълим жараёнини ташкил этишда таълим шакллари ва методларини модернизациялаш, методик компетентликни шакллантириш усулларини, илмий асосларини ишлаб чиқиш, шунингдек, кадрларнинг методик компетентлигини шакллантиришнинг замонавий методик тизимини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишнинг кадр шароитларини белгилаш, ўқув материалларини мазмунан такомиллаштириш зарурияти юзага келмоқда. Мазкур заруриятдан келиб чиқиб, инновацион ёндашув асосида ривожлантириш технологиялари жорий этиш, мобил технологияда иловаларни яратиш, касбий фанларни ўқитиш методикаси ва дидактик воситаларини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Мобил иловаларни яратиш учун windows системасининг Java дастурлаш тилидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Java юкори даражада химояланган ва объектга йуналтирилган даштурлаш тилидир.

Платформа: дастур бажарила оладиган ихтиёрий курилма ёки дастурий мухит платформадир. Jаванинг узини махсус бажарилиш мухити – платформаси мавжуд (JRE – Java Runtime Environment).

**ЎЗБЕК МУСИҚА МАДАНИЯТИ РАВНАҚИДА
АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ
Носирова С.Ш.**

Термиз давлат университети

Аннотация. Мақолада Амир Темур ва темурийлар замонида ўзбек мусиқа маданияти юксак даражада ривожланганлиги ёзма ёдгорликлар, тарихий манбалар орқали очиб берилиб, назарий-методологик жиҳатдан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар. Мусиқа, маданият, санъат, маънавият, Амир Темур, темурийлар даври, мерос, ёзма ёдгорликлар, тарихий манбалар.

Амир Темур ва Темурийлар даври, муболағасиз, нафақат ўзбек халқининг, балки бутун Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг мусиқа санъати жадал равнақ топган, камолот чўққисига эришган чинакам Уйғониш даври бўлган, дейиш мумкин. Зеро, бу халқлар ягона давлатни ташкил этиб, ўзаро самарали маданий алоқалар ўрнатибгина қолмай, Осиё ва Европанинг энг йирик мамлакатлари билан маънавий боғланиш имкониятига ҳам эга бўлганлар. Темурийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида хонанда ва созандалар расмий-дипломатик, ҳарбий ва бошқа тантаналарнинг доимий қатнашчиларига айланган. Халқ томошалари, оммавий байрамлар уларсиз ўтмас эди. Бу эса, ўз навбатида, мусиқанинг бошқа санъатлар қаторидан муҳим ўрин эгаллашини таъминлади. Манбаларда келтирилишча, ўзбек халқ мусиқаси билан бирга ҳарбий-расмий мусиқа турлари, мумтоз мақом санъати, минтақанинг бошқа туркий ҳамда арабзабон, форсийгўй халқларининг мусиқавий фольклори ҳам ривож топди. Энг муҳими, мусиқий анжомлар жасорат ва мардлик тимсолларига айланди.

Амир Темур ва темурийлар даври маданияти ва санъатининг ўрганилиши Шарқ ва Ғарб маданиятларини ўрганишда ҳанузгача очилмаган қирраларни ўрганишда асос бўлиб хизмат қилади. Мазкур йўналишда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, асарлар, таҳлилларни ўрганиш илмий аҳамиятга моликдир. Жумладан, Амир Темурнинг Темур тузуклари қомусида жангчиларни сафарбар этиш чоғида инсон овозидан, айрим махсус интонационал тизилмалардан кенг фойдаланилгани ҳақида маълумотлар келтиради².

Ўзбек мусиқа маданияти ривожидида Алишер Навоий асарлари қимматли манба сифатида ҳиссаси жуда катта бўлиб, ўша давр мусиқа ва чолғу асбоблари, жумладан, “Мажолисун — нафоис”да мусиқа билан шуғулланган шоирларнинг номларини келтирган³. Бу даврда жуда кўп фан, адабиёт, санъат аҳллари тўпланган ва беқиёс истеъдодлар етишиб чиққан эди⁴.

Яна бир муҳим манбалардан бири Руи Гонсалес де Клавихонинг Самарқандга-Амир Темур саройига саёҳат кундалигида элчилик вақтларида, яъни 1403-1406 йиллар мобайнида Амир Темур қўл остидаги мамлакат ва шаҳарларнинг умумий аҳволи, аҳолининг кун кечирishi, Темур ва яқинлари ташаббуси билан барпо этилган бинолар, бошқа мамлакатлар билан булган савдо-сотик ва маданий алоқалари, Амир Темур саройида амалда бўлган тартиб-қоидалар ёритилиши билан бирга санъат ва маданият жабҳалари ҳақида ҳам батафсил маълумотлар берилган⁵.

Шунингдек, темурийзодалардан Мирзо Бобурнинг Бобурнома асари ҳам мавзуни ёритишда муҳим манба бўлиб ҳисобланадиб.

² Амир Темур. Темур тузуклари, Тошкент, 1991, 80 б.

³ Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. – Тошкент. 1966.; Алишер Навоий. Бақо гули: Ғазаллар /Тўпловчи ва сўз боши муаллифи Муҳаммад Али. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б. 167. 300-б.; Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. МАТ 16-жилд, –Тошкент: Фан, 2000. 244-б. 5. / Мукамал асарлар тўплами, 17-том, – Тошкент: “Фан”. – Б. 27. 390-б.

⁴ Мирза Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. – 106 б.; Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. – Т: Мумтоз сўз.

⁵ Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга-Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар). Т.: “O`zbekiston”, 2010. – Б. 179.

⁶ Бобур Захириддин Муҳаммад. Бобурнома. (нашрга тайёрловчи П.Шамсиев) – Т: Юлдузча, 1989. – 368 б.

Ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳаларда асрлар мобайнида Амир Темур шахсига бўлган катта қизиқиш бадиий, тарихий ва илмий асарлар билан бир қаторда мусика санъатида аниқланган ёрқин асарлар, тарихий ҳақиқат ва бадиият нуқтаи назардан таҳлил этилган монография, тадқиқот ва мақолалар жуда катта аҳамиятга эгадир⁷.

Амир Темур ва темурийлар даври маданият ва санъатини ёритишда академик Э.Ртвеладзе⁸, санъатшунослик фанлари докторлари А.Назаров⁹, М.Қодиров¹⁰ каби олимлар тадқиқотларини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ушбу мавзунини атрофлича ёритишда турли йилларда ўтказилган илмий-амалий анжуманлар тўпламларида ва бошқа илмий нашрларда чоп этилган А.Саидов¹¹, Бегматов¹², О.Файзиев¹³, Т.Ширинов¹⁴, М.Ҳақимов¹⁵ каби олимларнинг илмий изланишлари шулар жумласидандир.

Шунингдек, Амир Темур ва темурийлар даврида яшаган муаррихлардан Шарафиддин Али Яздий, Низомиддин Шомий, Мирхонд, Ибн Арабшоҳ, Муиниддин Натаний ва бошқа катор муаллифларнинг аксарияти ўша даврда яшаганликлари учун бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисаларни унинг бевосита ҳамда билвосита шохидлари сифатида жонли ва ишончли тарзда баён қилган.

XI–XV асрлар давомида ўзбек халқининг маданияти янги чўққиларга эришди. Айниқса, Темурийлар замонида ўзбек мусика маданияти юксак даражаларда ривожланди. Бунда Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур каби улуғ алломаларимизнинг хизматлари алоҳида ҳурматга сазовордир. Бу борада ёзма ёдгорликлар, тарихий манбалар бизнинг бой ўтмишимиз ҳақида ҳозирги ва келажак авлодларга қимматли маълумотларни беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Амир Темур. Темур тузуклари, Тошкент, 1991. 80 б.
2. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. – Тошкент. 1966.
3. Алишер Навоий. Бақо гули: Ғазаллар /Тўпловчи ва сўз боши муаллифи Муҳаммад Али. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.
tushunmaganlaridan so'ng jahli chiqishi, asabiylashishi, "tushuna olmayapman" so'zi "xohlamayman", "istamayman" so'zi bilan almashishi, eng yomoni darslarga qiziqmaslik, sovushlik holatlarini keltirish chiqaradi. Ularda yana qayta darsga qiziqish uyg'otish, bilishi kerak bo'lgan bilimlarini singdirish juda qiyin bo'ladi. O'qituvchi uchun ham, ota-ona uchun ham bu juda muammoli vaziyatdir. Bunday vaziyat yuzaga kelsa, kinestetik bolaning eng yaxshi ko'radigan ishi orqali, u o'yinchog'i, bir buyumi bo'lishi, harakatli o'yin bo'lishi mumkin, shular orqali ularni yana dars faoliyatiga qiziqtirish mumkin. Bu anchayin murakkab jarayon bo'lganligi bois, o'qituvchi ham, uning yaqinlari ham uni nazardan chetta qoldirishlari mumkin emas. Chunki, qiziqishlarning so'nishi bolaning kelajagiga ta'sir qilishi aniq faktdir. O'yin tashkil qilish, interfaol metodlarni to'g'ri tanlay olish, qo'llash, dars o'tishda yangi g'oyalar ishlab chiqish, jajji o'quvchilarga bilimlarini puxta egallashlariga yordam beradi. Kinestetiklar uchun metodlar tana a'zolari bilan bog'liq bo'lishini ahamiyatga olishimiz shart. Bunday metodlar boshqa guruh a'zolari uchun qiziq o'yin bo'lsa, kinestetik o'quvchilar uchun esa bilim egallash jarayoni bo'ladi. Dars olib borishda metod turlarining juda ko'pidan foydalanish mumkin: "Buzuq telefon", "Radio", "Xatni kim birinchi yetqazadi?" va boshqalar. Biz "Xatni kim birinchi yetqazadi metodiga to'xtalishni ma'qul topdik. Bu metodni quyidagicha olib bo'rish mumkin: o'quvchilar saf tortib turib olishadi, o'qituvchi eng so'ggidagi bolaning orqasiga bir so'z yozadi, boshqa ishtirokchilar teskari qarab turgan holatda bo'lishadi. So'zni tushungan o'quvchi o'zidan keying ishtirokchining orqasiga aynan shu so'zni yozadi, so'zni anglab yetgan o'quvchi o'zidan keying ishtirokchiga, keyingisi keying ishtirokchiga... Bu metod guruh holda amalga oshirilsa, juda qiziq o'tadi. Bu jarayon bir gapning tugashiga qadar davom etadi. Bu faqat gap emas yoki so'z emas balki, harf ham bo'lishi mumkin. Metodning asosiy maqsadi: o'quvchi tushunishi qiyin bo'lgan, yozishda qiynaladigan so'z, yoinki, tushunmagan mavzusi yuzasidan biron jumla keltirish orqali uni shu mavzuni yaxshiroq tushunishga undashdir.

O'quvchilar uchun, dars jarayoni uchun qo'llasa bo'ladigan metodlar juda ko'p, faqat o'qituvchi metodni to'g'ri qo'llay olishi muhimdir. Aslida tushunmaydigan, qoloq o'zlashtiradigan bola bo'lmaydi! Faqat o'zlashtirishi kerak bo'lgan bilimni turli yo'llar bilan oladiganlar bor. Bu bilan nima demoqchimiz, o'quvchilarning bilimli yoki savodsiz bo'lishi o'qituvchining qo'lida ekan, biz sharaflil va mas'uliyatli kasb egalari o'z vazifamizga astoydil kirishmog'imiz, har bir o'quvchi bilimli bo'lishi uchun barcha bilimlarimizni safarbar etishimiz kerak!

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, pedagog qanchalar mahoratli bo'lmasin, bilim darajasi qanchalik yuqori bo'lmasin, mavzuni o'quvchilarga tushuntirish yo'lini topa olmasa, metodlarni to'g'ri tanlay olmasa, dars berishining foydasi yo'q. Har bir metodning o'quvchi psixikasiga ta'sir etishda alohida vazifasi va ahamiyati bo'ladi. Yuqorida sanab o'tilgan metodlar, o'qituvchi dars jarayonida o'z faoliyatni amalga oshirishda katta yordam beradi. Bu metodlar o'quvchilarning dars jarayoniga qiziqishlarini oshiradi, befarq yoki tushunmaydigan, qoloq o'zlashtiradigan bolalarning bilim darajasini oshirishda katta samara beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Farrux Baratov; "Firdavsiyning hikmatli so'zlari" dan, 2021y.
2. E.G'oziyev, Umumiy psixologiya, Toshkent. "Universitet"-2002y.
3. P.I. Ivanov, "Pedagogika va psixologiya bakalavriat ta'lim yo'nalishi talabalari uchun darslik" kitobidan, 2008y.
4. Petrovskiy. A.V "Umumiy psixologiya", 1992y.

نوابی نینگ اثرلری حقیده

ترمذ مهندسیلیک تیخنالایگه انستیتوتینینگ تلبه سی خال الدین رسولی

(رحمة الله علیه)

اولوغ شاعر، متفکر، مدبر سیاست اربابی حضرت نوابی

قیسقهسی

اۆزبیک خلقی نینگ اولوغ متفکری علیشیر نوابی جهان ادیباتی، مدنیتیگه، انسانلر بخت-سعادت، خلق فروانلیگی، مملکت آبادانلیگی اوچون اولکن حصه قوشکن دیر. علیشیر نوابی ۱۴۴۱ بیل ۹ فیوروریده هرات شهریده توغیلدی. آتہسی غیاث الدین کیچکینه نهموریلر سراییدهگی عملدارلردن بولیب، علیشیر نینگ اوقیشی، تربیهسیگه علیده اعتبار بیرهدی. ۵-۴

ياشیده عليشېرنى مکتبگه اوقيشگه بېرهدى. عليشېر مشهور تاريخچى شرف الدين على يزدي نينگ صحبتیده بولهدى، هراتده سعدي نينگ «گلستان» و «بوستان»، فرید الدين عطار نينگ «منطق الطير» («قوش نطقى») اثرىنى اوقيب اورگندهدى، موسيقى، تاريخ فلرى بيلن جدي شغلندهدى، آهسى نينگ وفاتیدن كېين ابوالقاسم بابر قرهماغیده تربيهلندهدى، اونينگ سرايیده خدمت قيلهدى. ابوالقاسم بيلن مشهدگه باريب، بو شهرده اوقيشنى دوام اپتتيرهدى. فردوسى، نظامى، دهلوى، لطفى، آتابى ايجادىنى چوقور اورگندهدى. عليشېر ۱۹-۱۸ ياشلريده عبدالرحمان جامى بيلن تنيشدهدى. سمرقند شهريده بولگن بيللرده اتاقلى عالم و صنعتكارلر ميرزا حاجى سمرقندي، سيد قطب سمرقندي و باشقملر اثرلرينى اورگندهدى. حسين بايقرا هرات تختينى اېگهللگنده، هراتگه قيتيب، سرايیده دستلب مهردارلىك، سونگره وزيرلىك وظيفهلرينى ادا اېتهدى، شهر نينگ آبادانليگيگه، فقرالر تينچيليگى، فروانليگيگه عليحهده اعتبار بېرهدى، ايجادى ايشينى هم دوام اپتتيرهدى: «خمس»، «لسان الطير» («قوش تىلى»)، «محبوب القلوب» («كونگيللر نينگ سيوگنى»)، «مجالس النفايس» («گوزلر مجلسى»)، «خزايين المعانى» («معنالر خزينهسى»)، و باشقه اثرلرنى يازدهدى. عليشېر نوايى ۱۵۰۱ يىل ۳ جنوريده هرات شهريده وفات اېتهدى.

اساسى سوزلر

اولوغ شاعر متفكر حضرت اميرالكلام عليشير نوايى، اوزبىك، خمس، خزايين المعانى، سراج المسلمين، مجالس النفايس، تورك و چغتاي.

كيريش

بويوك عالم، متفكر شاعر و مدبر سياستچى امير عليشير نوايى ميلادى 1441نچى يىلى، فيبروى آيى نينگ 9نچى سېده امير تيمور نينگ كېنجه اولغى شاهرخ ميرزا سلطنتى دوریده هرات شهريده دنيآگه كيلىدى. عليشير نوايى نينگ اوزبىك ادبى تىلىنى رواجلنتيريش ساحه سېدهگى بويوك خدمتلريدن بېرى ادبى تىل اوسلوبلرينى ايشلب چيقيش و ترتيبگه كيلىتيريشى دېر. او خلق تىلى نينگ بيتمس - توگنمس بايلىكلرى، امكانتلريدن كېنك فايدهلنېشى اساسيده اوز دورى اوزبىك ادبى تىلى نينگ تورلى اوسلوبلرينى ايشلب چيقدى. نوايى اوزى نينگ بو ساحهدهگى ايشينى بوتون حياتى، اجتماعى - سياسى و ايجادى - عملى فعاليتى دواميده آليب باردى. عليشير نوايى دستلب اوزبىك تىلى نينگ ادبى - بديعى اوسلوبىنى توليق شكنتيردى و رواجلنتيردى. اوزبىك ادبياتیده اوزبىك ادبى تىليده نظم و نثرى اوسلوبگه خاص عجايب دُردهلر يرتهدى. او دستلب ليرىك اثرلر يازدى. اونينگ «خزايين المعانى» اثرىگه غزل، خمس، رباعى، قطعه، فرد، قصيده سينگرى ليرىك تور نينگ اون آلتى خيل ژانرده بيتليگن شعرلر كيريتيلگن. ژانرلر نينگ اوزىگه خاص اوسلوب معيارلرى، تويلىشى و شكلىرى بېلگيلنگن يوكسك بديعى بو اثرلرنى اوزبىك تىليده يازيش ارقلى نوايى انه تىلى نينگ توگنمس خزينه سېنى، كتته امكانتلرينى، خيلمه - خيل تصويرى واسطه لريگه باى اېكلنليگىنى كورستيب بېردى. او اوزى نينگ اجتماعى - سياسى، فلسفى و اخلاقى - تعليمى قره شلرينى سير مضمون مصرع لرده افاده اېتدى، عيني زمانده اوزبىك ادبياتیده بو ژانرلرنى ينه هم رواجلنتيردى. عليشير نوايى كتابى، ادبى اوسلوب بيلن بيرگه عموم خلق جانلى سوزلشو تىليگه خاص بىطرف اوسلوبگه عايد سوز و عبارتلردن هم ماهرلىك بيلن فايدهلنېش ارقه لى ايچكى روحى كيچنمه لرنى، نازك حس - تويغولرنى افاده اېتوچى بديعى يوكسك، ساده، روان مصرع لر بيتهدى و ادبى تىلى نينگ بديعى - تصويرى واسطه لرينى ينه هم كېنگه يتتيرهدى. (1: 76)

تېكشيريش هدفى

اميرالكلام حضرت امير عليشير نوايى (844) هجرى (1441) ميلادى يىلده هرات شهريده دنيآگه كيلىگن دېر. عليشير نوايى نينگ دولت اربابى، سياستچى بوليشيدن قطع نظر، اوزبىك تىلى نينگ رونقى و رواجيگه اولكن حصه قوشگن اولوغ شاعر و متفكر اېدى. او، حقيقى جان كويز، يورت پرور، وطن ابادليگى اوچون قيغورگن انسان بولگن. بوتون مال و ملك، بايلىكلرينى علم و فن ترقياتى يوليگه صرفلهگن، برچه ملت و ايلتلر نينگ تېنگ حقوق ليكده يشهش، حقيقت معنوى حيات يرتهيش اوچون ايزگو عملى ايشلر قىلب جھان ادبيات گه اوزى نينگ قيمتلى اثرلرى بيلن حصه قوشگن. بو مقاله ده نوايى نينگ قلمىگه عايد ايرىم اثرلرنى تانيشگه يول آله ميز.

تېكشيريش يولى

تېكشيريش يولى، هر بير كونو نينگ تېكشيريش يولى فرقى يوللر بيلن آچىقله نيپ بحث بولندهدى. شونگه كوره، بو مقاله نينگ يازيليش و تېكشيريش يولى كتابخانه ليك بوليب تحقيقى اثرلر، كتاب لر و علمى مقاله لردن فايده له نيپ تيارلنگن دېر.

خمس

خمس عليشير نوايى نينگ قلمى بيلن يازيلنگن بيش داستان «حيرت الابرا»، «لىلى و مجنون»، «فرهاد و شيرين»، «سبعه سيار» و «سد اسكندرى» دن عبارت شاه اثر دېر. نوايى اوز خمس سېنى 1483-1485 يىللر اچيده يازيب تاممليدى. «خمس» 26415 بيتنى اوز اچيگه آلهدى. نوايى، فارسى شعر بيتهده خمس يرتهيش معجزه اېكيني انگلهگن و شو عنعنه گه قوشيلنگن حالده اوزبىك - توركى خمس سېنى يرتهنگ نوايى عنعنوى خمس يازيش قايىغیده چيقدى و اسلافلرى يازگن خمس لريگه تنقيدى كوز بيلن قره مېدى. «خمس» اوزبىك - توركى ادبياتى نينگ كوز ايلغهمس چوقيسى و جھان مدنيتى خزينه سى نينگ ارزشلى ميراثى دېر.

ولى اېت دېب كيم مېنگه توتتى يوز،
كه مېن يوز اوچون دېمه ديم ايكي يوز؟ خمس 44 بيت.

علیشی نوایی ایجادینینگ یوکسک چوقیسینی شهبهسیز، اونینگ خمسهسیگه کیرگن داستانلری تشکیل بیرهدی. نوایی خمسهسی نینگ وجودگه کیلیشی تورکی خلقر، اینیقهسه اوزبیک ادبیاتی تاریخیده بویوک حادثه حسابلنهدی. خمسه طفیلی اوزبیک ادبیاتی دنیاگه اینگ ایلغار ادبیاتلر قطاریدن اوزین آلدی. (67:6).

خزاین المعانی

خزاین المعانی میلادی 1491-1496 بیللر علیشیرنوایی تمانیدن ترتیب بیریلگن شعرى دېوان. «غرایب الصغر»، «نوادر الشباب»، «بدایع الوسط» و «فوائد الکبیر» ناملی دېوانلردن تشکیل تاپگن بیغمه کلیات دیر. اوندە 45000 مصرعگه یقین 3130 پرچەدن آرتیق گۈزەل شعرلر سیغدیریلگن و بو دېوانده لیریک تورنینگ 16 ژانریدهگی 3130 پارچەدن آرتیق شعرلرینی کیریتگن. اونگە 2600 غزل، 4 مستزاد، 10 مخمس، 5 مسدس، 4 ترجیع بند، 1 مثنی، 1 ترکیب بند، 1 مثنوی، 1 قصیده، 1 ساقینامه، 210 قطعه، 133 رباعی، 52 معما، 10 چیستان، 13 تویوق، 86 فرد کیریپ دیر. نوایی بو اثریده عروض نینگ دبیرلی برچه وزنلریده قلم تیرهتگن، نوایی بیٹی - سیکیز یاشدن، آلتیش یاشگچە برهتگن غنایی لرینی عمر فصللریگه ماسلب «خزاین المعانی» گه کیریتگن. «دېوانلرده دغی هم اول دستور بیله معانی جواهر شاهواریدین و الفاظ نقش نگاریدین و ترتیب سلاست و لطافتیدین و چاشنی حالت و حرارتیدین هیچ جزوی جزئیات یوقتور کیم، اول حضرت نینگ مبارک طبعی نینگ انده کلی دخلی بولمه میس بولغی. بلکه اصل خیال اول حضرت نینگ بولوب، بو بنده هم اول حضرت نینگ بو پروغی تعلیمی بیله انده جزوی دخلی قیلیمش بولغیمین. بو جهتدین بولە آغای که، بو دېوانلر اول حضرت نینگ عدیل سیز طبعیدپک بینظیر و هر شاه بیٹی اوز همایون ذاتیدیک عالمگیر بولغی. چون بو معنی گوهرلری برچه اول حضرت نینگ طبعی بحریدین و ذهنی کانیدین حاصل بولدی و الفاظ و عبارت خزاینی هم اول معنالر گوهریدین تولدی، بو معنادین اینینگ آتین «خزاین المعانی» قویولدی. (9: 98).

رباعیه

یارب، بو خزاین که مین ایتیم معمور،
کیم خازن جنت انگه خوشتور گنجور.
چون کیلدی فتورلوق کونگولرگه سرور،
بیرمه اندین کونگول سروریغه فتور. رباعیه 63 بیت

رباعیه

بو بحر که، گنجلر مکانی دبدیلر،
هرقطره سین آب زندگانی دبدیلر.
شه مخزن طبعیدین نشانی دبدیلر،
کیم آنی «خزاین المعانی» دبدیلر. رباعیه 90 بیت

اگرچه خورشید عالمتاب نینگ فلکنی بیر دوره قیلغان زمانیغه بیل آت قویوتورلر و بیل کیم عبارت تورت فصلدین دور، هر فصلغه دغی بیر آت تعین قیللب دورلر. بو نیر اعظم فلکنی بیر دوره قیلغانی نینگ مانندی کیم، بحری و کانی و نباتی و حیوانی نینگ نتایجی انده ظاهر بولور، مونده دغی جمیع اول نتایجیدین دلیل و اثر تاپسه بولور. تورت فصلی نینگ مقابله سیده کیم، تورت دېوان واقع بولویوتور، هر قیسیغه بیر مناسب آت اُردی، اول سببیدین اولغی دېواننی کیم طفولیت بهاری غنچهسی نینگ عجیب گللری و صغر گلزاری باغچهسی نینگ غریب چیچکلری بیله آراسته بولوب اُردی، «غرایب الصغر» دبدیلدی. و ایکینجی دېواننی کیم، ییگیتلیک و آشفته لیغ و شباب و آفته لیغ یازی و دشتیده یوزلنگن نادر وقایع بیله پیراسته بولوب اُردی «نوادر الشباب» اتلدی. و اوچینچی دېواننی کیم، وسط الحیات میخانه سیده عشق بیله شوق پیمانہ سیدین یوزلنگن بدیع نشاطلری کیفیتین یازیلیب اُردی، «بدایع الوسط» آت قویولدی. و تورتینچی دېواننی کیم، عمر نینگ آخرلریده یوزلنگن عشق درد و رنجی فایده لری کیم، جانسوز آه اورماق و جان تاپشورماق دور کیم، انده ثبت بولویوتور، «فوائد الکبیر» لقب بیریلدی. امید اول کیم، بو تورت دېوان کیم، سلطان صاحبقران آتی بیله مذیل دورور و القابی بیله مطرز، هم اینینگ آتی دپک ربع مسکونده تولغی و هم اینینگ القابی دپک تورتینچی کؤککه دېگینچه منتشر بولغی. شکر کیم، بو بنده نظم وسیله سی و شعر واسطه سی بیله تمام عمر و منی اول حضرت نینگ مدحی بیله کیچوردوم و برچه حیاتیمنی اینینگ دعاسی بیله اؤتکردیم». (9: 98).

سراج المسلمین

حسین بایقرانینگ ایسته گیگه بنا علیشیرنوایی تمانیدن میلادی 1499-1500 نچی بیله یازیلگن منظوم اثر، «سراج المسلمین» («مسلمانلر چراغی») ده اسلام عقیده لری و مسلمانچیلیک رکنلری- نماز، روزه، زکات، حج کبی موضوعلر حقیقه سؤز یوریتیلهدی. بو اثرنی بیتیلیشی حقیقه حضرت نوایی شونده ی دیگنلر:

دیدیم کیم آیله یین بیر نسخه مستور،
که بولغی دین و اسلام اویی معمور.
نیکیم دین اهلیغه بولغی ضرورت،
بری توتقی انی بیلگنگه صورت.
هم ایتگی مین بورون شرح عقاید،
که اسلام هلیغه بیرگی فواید.
بیان قیلغی می «انداق روشن و پاک،
که ادراک ایتگی آنی خیال اتراک. 97 بیت

بو اثرده شریعت احکاملری بولمیش ایمان قاعدهلری، مومنلرنینگ تفصیلی، حق تعالی نینگ سکیز صفاتی و اعتقادی نیچه مسئلهگه اشاره و اسلام ارکانلری، طهارت فضایی و وضو فرضلری، سننلری، مستحبلری وضو ناقصلری، غسل (چومیلیش) فرضلری، چومیلیش سننلری و تیمم فرضلری.

اسلام نینگ ایکینچی رکنی بولگن نماز نینگ آلتی خارجی و آلتی داخلی فرضلری و اونینگ واجبلری نماز اراسیدهگی بیگیرمه سنت و اول جملهدن اون قولی و اون فعلی سینی بیان ایتیب نماز فرض رکعتلری نینگ تعدادی و سنت رکعتلری نینگ سناقلری.

اسلام نینگ اوچینچی رکنی بولگن مبارک روزه نینگ شرحی و اونینگ فوایدی. فوت بولگن روزه کفارتی حقیده معلوماتلر بیریلهدی.

اسلام نینگ تور تینچی رکنی بولگن زکات بیانی و نصاب حدی نینگ توضیحی یازیلدی.

اسلام نینگ بی شینچی رکنی بولگن حج بیانی و حج فرض بولماغی شرایطلری حقیده توخته لیب اوتیلدی. (66:4)

بو محذورات گر یوق تیبره فی الحال،
 اوزونگنی دوست کوی طرفیغه سال.
 نی کیم فرض اولدی بونونگده ادا قیل،
 یی تیب مقصدقه کامینگنی روا قیل. 64 بیت

بو کتابنی یازیلگن بیلی و خاتمه سیده نوایی شونده دیب تیلگه آلهدی:

توقوز یوز بیس دا بیر فرخنده فرزند،
 ادب بیرله تواضع دین برومند.
 که مجلس ایچره حاضر اپردی بیر کون،
 مسائل بحثی اپردی تیلگه مقرون. 66 بیت
 چو اندا قابلیت ظاهرا اپردی،
 کونگول بو نظم غه ترتیب بپردی.
 چو روشن ایلار اسلام اهلی ذاتین،
 «سراج المسلمین» قویمیش مین آتین.
 امیدیم اول که هر کیم، کیم اوقوغی،
 مونونگ نوری بیله کونگلی یاروغی.
 دعا بیرله مینی هم ایله بان یاد،

روانیم اول دعوا دین ایله گی شاد. 66 و 67 بیت

مجالس النفایس

علیشیرنوایی قلمی بیلن تورک تیلده ایلك مرتبه یازیلگن قیمتلی تذکره؛ میلادی 1991نجی (ایکینچی تولدیریلگن ورینتی 1498)نجی بیله یازیلگن «مجالس النفایس» («نفیسلر مجلسلری») سکیز مجلس (قسم) دن عبارت بولیب اونده نوایی خراسان، ماورالنهر و باشقه قوشنی مملکتلرده یشب ایجاد ایتگن 459 شاعر، خطاط، بستهکار، عالم و مدنیت حامی لری نینگ حیاتی و ایجاد حقیده معلومات بیریپ اولرنینگ ایجادیدن نمونه کیلتیره دی، همده 15نجی عصر هرات ادبی محیطی و معرفت پرور تیمور زادهلر حقیده چوقور تصور بیره دی.

«مجالس النفایس» نینگ سکیزینچی قسمی نوایی نینگ دوستی، سبقداشی بویوک شاعر، متفکر و دولت اربابی سلطان حسین بایقرا میرزا ایجادیه گه بغیشلنده دی.

قیته قیته فارس تیلگه ترجمه بولگن «مجالس النفایس» بیرینچی مرتبه میلادی 22-1521 بیللر طهماسب شاه نینگ سرای شاعری فخری هراتی تمانیدن ترجمه قیلینگن. ایکینچی ترجمه تورک سلطانی نینگ سرای طیبی محمد قزوینی قلمگه منسوب و اوچینچی بار 1598 بیل شاه علی عبدالعلی تمانیدن نیشاپورده ترجمه قیلینگن. اوشبو قوییدهگی بیتلر بیلن باشلنده دی. (5: 84)

یوز حمد انگا کیم یساب جهان بستانی،
 ایلاب یوز و زلفیدین گل و ریحانی.
 قیلدی یساچاچ بو باغ روح افزانی،
 نظم اهلین انینگ بلبل خوش الحانی. 49 بیت

اربعین

اسلام پیغمبری نینگ حدیثلری تورکی تیللی خلقلرگه بیتقه زیش اوچون علیشیرنوایی تمانیدن یازیلگن منظوم اثر دیر. نوایی 240 مصرعدن عبارت بو اثرینی میلادی 1481نجی بیلی ایکی کونده یازیب توگتگن.

فارسی دانلار ایلابان ادراک،
 عاری اپردی بو نفع دین اتراک.
 ایسته دیم که، بو خلق هم باری،

بولمغایلار بو نفع دین عاری. 24 بیت

«اربعین» مقدمه (کیریش) بیلن مثنوی ژانریده یازیلگن دیر. محمد (ص) نینگ قیرق حدیثینی یازگن نوایی، جامی و اونینگ «اربعین» اثری فایدهلری حقیده توخته لیب اوتهدی. و بو اثر «چهل حدیث» هم دیب نامله گنلر. (4: 43)

محاکمة اللعین

میلادی 1499 نچی بیل حسین بايقرا التماسیگه كوره علیشیرنوی قلمی بیلن یازیلگن علمی اثر دیر. بو موجز کتاب اوزبیک و فارس تیللری سوز امکانیتلرینی سالیشتیرمه طرزده بیان ایتهدی. بو اثرده افسکی اوزبیک تیلینینگ فارسی-دری تیلیگه نسبتاً افاده میدانی کی-نگ و سوز یسهلیشی بی قیاس اېکنی اثباتلندهدی. «محاکمة اللغتين» اثری نینگ ینه بیر قیمتی تمانی شونده که، 15نچی عصر تیل نظریهسی، تیللر نینگ کیلیب چیقیشی، لهجهلر و لغت شناسلیک کی مسئلهلر باره سیده بحث یوریتهدی. شونینگ دېک بو اثرده نوایی اوزی نینگ بعضی اثرلری و اوزیدن آلدین اوتگن کلاسیک شعریت نینگ بیریک نمایندهلری حقیقه معلومات بی رهدی. بو اثر قوییدهگی سطرلر و رباعی بیلن توگلندهدی:

... «بو طایفه دین هیچ کیمگا اجتماعی، دست بی رمایدور، و اختراعی میسر بؤلمايدور، دست بی ردی و میسر بؤلدی»...
 ... «تورکی و سارت لغتی کیفیتی و حقیقتی شرحی دا بو رساله می جمع قیلیب بیتیدیم، و انگا محاکمة اللغتين ات قویدیم».
 تا تورک اېلی تیلی فصاحت و دقتی و بلاغت و وسعتی که اول حضرت بو تیل و عبارت بیله نظم بساطی توزوب دورلار، و مسیحا انفاسی و خضر زلالی دین اولوک تیرگوزماک طریقتین عالم اهلیغه کورگوزوب دورلار، ظاهر قیلدیم. و خیالیمغه مونداق کیلور کیم تورک اولوسی فصیح لاریغه اولوغ حق ثابت قیلدیم، که اوز الفاظ و عبارت لاری حقیقتی، و اوز تیل و لغت لاری کیفیتی دین واقف بؤلدی لار و فارسی گوی لار نینگ عبارت و الفاظ بابیده طعن قیلور سرزنشی دین قوتولدیلار.

الارداغی رنج و مشقتیم مقابله سیدا، چون بو مخفی علم دین که ظاهر قیلیب می، و قوف تاپسه لار، امید اولکیم بو فقیرنی خیر دعاسی بیله یاد قیلغایلار و روحومنی آنینگ بیله شاد قیلغایلار». (58:2)

رباعیه

بو نامه که یازدی قــــــــــــلمیم تار تیب تیل،
 تاریخین آنینگ جمــــــــــــادی الاول بیل.
 کون نینگ رقمی نی چهــــــــــــارشنبه قیلغیل،
 توفوز یوز بیل دین اوتوب اپردی بی ش بیل. 77 بیت

منشآت

علیشیرنوایی تمانیدن یازیلگن مکتوبلر مجموعه سیدن عبارت اثر دیر. «منشآت» نینگ توزیلگن بیلی معلوم اېمس. بیراق مکتوبلردن معلوم بولیشیچه میلادی 1498-1499 نچی بیلرده توزیلگن بولیشی ممکن و بعضی اثرلرده هجری (898) میلادی (1492) کورسیتیلگن، «منشآت» ده نوایی افسکی اوزبیک تیلیده نثر یازیش و اونی عامه لشتیریشنی نظریده توتگن. نوایی «...خیالمغه انداق کیم تورکی الفاظی نینگ واقعه لری هم اول مثال بیلا بیتیلگای و بو تیل نینگ نامه لری اوشول منول بیلا ثبت ایتیلگای» دېب یازگن.

بو نامه لر نوایی و نوایی حیاتیدهگی ایشلری، فعالیتلرینی و اونینگ اون بی شینچی عصردهگی دنیا قره شینی یاریتیب بی رهدی. کیم خراسان زمین 15نچی عصر سیاسی، فرهنگی و اقتصادی اوضاعینی تانیتشده قیمتلی منبع لردن سنله دی. بو اثر تورکی تیل ادبی و تاریخی منبع لردن سنله لیشیدن تشقیری بو نامه لر تورکی تیل ادبی تاریخی اینیقه سه هرات تی موری دور نثری منبع لردن بیر حسابلندهدی.

مقدمه سی فارسیچه یازیلگن «منشآت» دهگی مکتوبلر نینگ مضمونی تورلیجه. اولر نوروز، ساغینیچ مکتوبلری، تعزیه نامه لر همده اقتصادی، سیاسی، مدنی و ادبی موضوعلردهگی یازیشمه لردن عبارت.

«منشآت» دهگی 88 خطن 76 نامه سی تورلی شکلرده یازیلگن. (5: 90)

هر کیم انی اوقــــــــــــورنی بنیاد اېتکی،
 راقم نی اگــــــــــــر دعا بیله یاد اېتکی.
 تی نگری انی هرــــــــــــر بنددین آزاد اېتکی،
 هرغم دین انینگ خاطرینی شاد اېتکی.
 نی بهارده شاد بــــــــــــؤل چندان،
 آیه بیان اوزنی گل کبی خندان.
 نی خزانیده برگ عیشینی ساچ،
 یوز اوزره زعفران دکــــــــــــانین آچ. 88 بیت

وقفیه

میلادی 1481 بیل علیشیرنوایی قلمی بیلن یازیلگن غایت قیمتلی اثر دیر. بو اثرده نوایی دولتگه و ملک چیلیککه مناسبتی و اولر نینگ اېل و خلققه کیلتیر میاتگن فایده لر و باشقه قاعده لر خصوصیده معلومات بی رهدی. «وقفیه» ایکی قسمدن عبارت بولیب، بیرینچی قسمده، نوایی نینگ سلطان حسین بايقرا سربایگه کیلیشی، سلطانگه بولگن مناسبتی، نوایی نینگ اېل و جمعیت منفعتی اوچون قیلگن ثوابلی ایشلری، اوزیدن قالدیرگن قوریلش میراثی حقیقه معلومات بی رهدی.

اثر نینگ ایکینچی قسمیده، نوایی اوز قبلی بیلن بجرگن خیرلی ایشلری، وقف قیلگن مال – ملک و وقف ییرلرده ایش و اداره اصولی معاش نفقه و قفگه عاید اورنیتیلگن ترتیب – قاعده لر، قوریلگن بنالر و مراسملر حقیقه سوز یوریتیلهدی. نوایی اثر تاریخی حقیقه موندهدی دېدی: (6: 126)

یوز شکر که بقعه لار مکمل بــــــــــــؤلدی

وقفی بو حدود کیم مفصل بـؤلدى
سکیز یوز اېدی و سکسان آلتی تاریخی
وقفیهسی اول کون که مسجل بـؤلدى. 82 بیت

سونوچ (نتیجه آلیش)

علیشیر نوایی میلادی 1441 نچی بیل نینگ فبروری آیی نینگ توقیزیده امیر تیمور اوغلی شاهرخ میرزا دوریده، هرات شهری نینگ باغ دولت دیگن جاییده آنه دن بولدی. شاعر نینگ آنه سی «کیچگینه بهادر» لقبی بیلان مشهور بولگن غیاث الدین محمد، تیموری لردرباری نینگ اعتبارلی شخص لریدن، چغتای ایلی نینگ پهلوان لریدن و بیر نیچه امیرزاده لرنینگ آتالیقی بولگن. علیشیر نینگ آنه سی کابل نینگ امیرزاده لریدن حسابلنگن شیخ ابوسعید چنگی نینگ قیزی ایدی. علیشیر باله لیگیده تیموری شاهزاده لر بیلن بیرگه تربیه لندی. تورن یاشیده اونى اوقیشگه بیردیله. زیرک و قابلتلی علیشیر مکتب ده گى باشقه باله لردن اجره لیب تورر ایدی و کتته لرنینگ دقتینی اوزیگه جلب قیلر ایدی. بیراق هرات ده گى اوقیش اوزاققه چیکمه دی. شهزاده لر و امیرو عملدارلر اورته سیده گى تاج و تخت اوچون بولگن کورش کوچه بیب بارماقده ایدی. اینقیسه 1447 نچی بیلدن شاهرخ میرزا وفاتیدن کیین تیموری شهزاده لرنینگ تاج و تخت اوچون کورشی نهایت ده کیسکینله شیب کیتدی. خراسان ده قیزیب کیتگن اوزارا اروشلرکوپ کیشی لرنی تورلی تمانگه کوچیب کیتیشگه مجبور قیلدی. جمله دن نوایی عایله سی عراققه کوچیب، تفت دیگن شهرده یشه باشله دیله. تفت ده مشهور تاریخی شرف الدین علی یزدی تورر ایدی، یاش علیشیر بو عالم نینگ صحبتیده بولدی. یزدی یاش علیشیر نینگ عقل و فراستی دن نهایت خرسند بولدی. اره دن ایککی - اوچ بیل اوتگندن کیین اوز ارا فیودالی اروشلر خیلی پسیدی و خراسان ده بیر مونچه تینچلیک باشلندی. 1452 نچی بیل ده علیشیر عایله سی هراتگه قیتیب کیلدی. غیاث الدین کیچگینه بهادر میرزا ابوالقاسم بابر (1452 - 1457) درباریده خدمت قیله باشله دی. کوپ اوتمه ی ابوالقاسم بابر اونى سبزواری شهری نینگ حاکمی قیلیب تعینله دی. جهان بویچه شهرت اېگهسی بولگن حضرت علیشیر نوایی 1501 بیله دنیادن کوز یومیب اوشه مدنیتلی شهرده دفن اېتیلده. (8)

(46)

مناقشه

تاریخی و بویوک بیلمدانلرنینگ توغریسیده یازیلگن منبعلرنی چوقور و انیق شکلده اوقیگنیمیز بیلان بیله میزکه؛ فکر بیلدیریش گه اېگه بولگن محقق و یازوچی قلمکشلریمیز، علیشیر نوایینى هومر، دانتته، نظامی، سعدی، شکسپیر، تولستوی و تاگور کبی بویوک صنعتچیلر بیلن عین مقامده کوره دیله. مینینگ فکریمچه، نوایی اوز صنعتی نینگ درجهسی، ملی ادبیات نینگ رواجلنیشیده بولگن خدمتاری و کوپ سانده تالیف اېتگن اثرلری بیلن فقط گینه شکسپیر، بالزاک و لئوتولستوی بیلن مقایسه اېتله آلده و اولر بیلن بیر قطارده توره دی. باشقه تاماندن، او کوپ سانلی اثرلر یره تیشدن تشقوری، تیمور اولدلری سلطنتی دوریده بیر اولوغ دولت اربابی صفتیده جمعیت و ملت حیاتیدهگی بویوک تأثیرینی هم کوزده توتسک، او دنیاده مثل سیز دیر.

ایچکی و تشقی یازوچیلر و قلم اربابلری تمانیدن نوایی نینگ حقیده انچه کتابلر یازیلگن مقصدی؛ نوایی نی معنویت ساحه سیده بویوک یازوچی، بیلمدان، قلم قهرمانی، دولت اربابی، مدبر وزیر، کتته شخصیت... بولگنیدن دلالت بی رده دی، شو جمله دن؛ تاریخی خواندمیر نینگ روایتیگه کوره؛ مولانا لطفی، نوایی نینگ اون ایکی یاشیده یازگن غزل مطلع (عارضین یاپغچ... سینی اوقیگندن سونگ: «اگر ممکن بولسه، فارس و تورک تیللریده یازگن 10-12 مینگ مصرعلیک شعرلریمنی بو غزل بیلن المشتیرردیم» دیگن اېمیش.

سمر قندلیک دولت شاه اوزی نینگ «تذکره الشعرا» کتابیده شو معلوماتنی بی رده دی: «نوایی، پاک ملکینی و حلال بایلیگینی الله یولیده صرفله دی؛ مملکتی اوچون مدرسهلر، مسجدرلر، کاروانسالر و... بنالر قوردیرده دی».

میرزا حیدر نینگ «تاریخ رشیدی» آتلی اثریده بونده ی بیر بهالش موجود: «علی شیر نینگ بیر کونلیک خرجاتی 18 مینگ شاهرخی دینار اېدی و بونینگ تامامینی خیرلی ایشلر اوچون صرفلر دی»....

بو مقاله نی اوز بیکی تیلشناسی عالم «لیب» نینگ مقالهسی نوایی باره سیده قوبیدهگی یازگن مطلبی بیلن کفایه قیله میز: «بوتون بو معلوماتلر نوایی نینگ قنچه لیک صمیمی، یورتینی سیوگن و بو سیوگیسینی عملی بیلن اثباتله گن بیر انسان بولگنینی کورسته دی. نوایی بو صفتلری بیلن یالغیر-گینه تورکستان و تورک تیللی دولتگره اېمس، بلکه بوتون دنیاگه، بوتون انسانیتگه عبرت (اؤرنک و سرمشق) بولگودېک شخصیتدیر. تاریخده بونده ی بیر شخصنی تاپماق جوده هم قیین. چونکه نوایی نینگ عملگه اشیرگن بو خیرلی ایشلرینی، نه تولستوی قیلگن و نه هم شکسپیر بجرگن. بو معناده نوایی نی هم صنعتکار همده بیر شخصیت صفتیده دنیانینگ اېنگ بویوک صنعتکارلری بیلن تینگ کورستماق و یا قیاسله ماق ممکن اېمس. نوایی، مثل سیز بیر شخصیت، اولوغ بیر صنعتچی دیر»....

Abstract:

Ali sheer nawae was has borned in Herat in 844 Hegira or 1441 AD. From his childhood he was enthusiast with literature. He memorized and transferred to the others poems of Faridduddeen Atar, Qasim Anwari, Termozi, and so on.

In 850 Hegira after the death of Sharukh Merza, and cause of the interior problems of the time, they moved from Herat to Iraq. Later on, they have traveled from Iraq to Mashad (Iran) in 867 Hegira. His childhood friend Sultan Hussain Baiqara became the kind of his period, so he came back Afganistan (Herat). In 876 Hegira, he has selected as a governor and later on, as a minister by Sultan Hussain Bayqara.

Ali sheer Nawae, tried to expand the Obek literature, and many books has written by him. All the time, he tried to boost the brotherhood and empower the islam finally, Ali Sheer Nawae died in 906 Hegira and his tomb is in Herat.

Key words: Sultan Hussain Bayqara, Herat, Ozbek, Ali Sheer Nawae, Literatur, and Farudduden Atar.

آلینگن منبعغر فهرستی

- 1- نوایى، امیر نظام‌الدین علیشیر. خزاین‌المعانی، غرایب‌الصغر، نشرگه تیار لاوچی نورالله آلتای، مالزییا: 1386.
- 2- نوایى، امیر نظام‌الدین علیشیر. محاكمة‌اللغتين، دكتور محمد یعقوب واحدی اهتمامی بیلن، کابل: 1363.
- 3- نوایى، امیر نظام‌الدین علیشیر. خمسة‌المتحرین، نشرگه تیار لاوچی عبدالله رویین، بلخ ولایتی: 1388.
- 4- نوایى، امیر نظام‌الدین علیشیر. اربعین، نشرگه تیار لاوچی عبدالله رویین، بلخ ولایتی: 1389.
- 5- نوایى، امیر نظام‌الدین علیشیر. منشآت، نشرگه تیار لاوچی عبدالله رویین، بلخ ولایتی: 1388.
- 6- نوایى، امیر نظام‌الدین علیشیر. وقفیه، نشرگه تیار لاوچی عبدالله رویین، بلخ ولایتی: 1388.
- 7- نوایى، امیر نظام‌الدین علیشیر. محبوب‌القلوب، نشرگه تیار لاوچی عبدالله رویین، بلخ ولایتی: 1388.
- 8- بابر، ظهیرالدین محمد. یابرنامه، نشرگه تیار لاوچی هدایت الله هدایت، بلخ: 1386.
- 9- نوایى، امیر نظام‌الدین علیشیر. خمسه، تاشکینت، اوزبیکستان جمهوریتی.
- 10- www.ishonch.blogfa.com
- 11- www.ziyouz.com kutubxonasi
- 12- www.ziyouz.com

ISSIQ SHAROITDA YO'L QOPLAMALARINI BARPO QILISH (JANUBIY HUDUDLARDA)

Boymatov O'. – o'qituvchi

Abduraimov A.I. – talaba

Termiz muhandislik – texnologiya instituti

Annotatsiya: Yo'l qurilishida foydalaniladigon materiallarning mustahkamligini oshirish uchun geosintetik materiallardan foydalanish.

Kalit so'zlar: geosintetik, chidamli, geogrid, armiset, geonet, materiallar,

Magistral yo'l dan tashkil topgan *pastki qavat va yulka*. yo'l kiyimlari ko'p qatlamli strukturani ifodalaydi va qoplama va taglik qatlamlarini o'z ichiga oladi. *Qoplama*- avtomobil g'ildiraklarining ishqalanish va zarba yuklariga, shuningdek zarbalarga yaxshi bardoshli yuqori bardoshli qatlam tabiiy omillar. U eskirish qatlami va asosiy (rulman) qatlamdan iborat. *Baza*- tosh materialdan yoki bog'lovchi bilan ishlangan tuproqdan tuzilgan, bir necha qatlamlardan iborat bo'lgan qoplamaning mustahkam qismi. Odatda yo'lning umumiy qiymatining 40-60% ni tashkil etadigan qoplama turini tanlash muhim va mas'uliyatli qaror hisoblanadi. Yo'lning texnik toifasi qanchalik baland bo'lsa, qoplamaning mustahkamligi va mustahkamligiga qo'yiladigan talablar shunchalik yuqori bo'ladi.

Avtomobil yo'llari Belarus Respublikasining umumiy transport tarmog'idagi ahamiyatiga ko'ra va avtomobillarning o'rtacha kunlik harakat intensivligiga qarab, ular beshta texnik toifaga bo'linadi: Ia - kuniga 14000 dan ortiq transport vositalarining harakat intensivligi. Ib - harakat intensivligi 14000 - 7000 avtomobil / kun. II - harakat intensivligi 7000 - 3000 avtomobil / kun. III - harakat intensivligi 3000 - 1000 avtomobil / kun. IV - harakat intensivligi 1000 - 100 avtomobil / kun. V - kuniga 100 ta mashinadan kam harakatlanish intensivligi. Qoplamalar strukturaning mustahkamligiga, harakatlanish xususiyatiga va texnik-iqtisodiy ko'rsatkichlarga qarab quyidagilardir: kapitalni yaxshilash (tsement-beton, monolit va yig'ma; asfalt-beton, issiq va issiq holatda yotqizilgan va boshqalar); ilg'or engil bo'lganlar (organik bog'lovchilar bilan ishlangan shag'al va shag'al materiallaridan, sovuq asfalt-betondan va boshqalar);

o'tish davri (ezilgan tosh, cüruf, shag'al, bog'lovchi moddalar bilan mustahkamlangan tuproqlardan va boshqalar); pastroq (tuproq, turli xil mahalliy materiallar bilan yaxshilangan).

Yo'l qoplamalarining odatiy dizaynlari: a - tsement-beton qoplamasi; b - maydalangan tosh asosda asfalt-beton qoplamasi; c - beton asosda asfalt-beton qoplamasi; d - tsement bilan mustahkamlangan erga asfalt-beton qoplamasi; e - emdirish bilan ishlangan yuqori qatlamli ezilgan tosh qoplamasi; f - yo'lda aralashtirish orqali bitum bilan ishlangan shag'al yuzasi; g - past toifadagi yo'lda shag'al qoplamasi, 1 - tsement beton; 2 - bitum bilan ishlangan qumning tekislash qatlami; 3 - birlashtiruvchi bilan ishlangan ezilgan tosh, shag'al yoki tuproq qatlami; 4 - sovuq himoya qatlami qumdan; 5 - nozik taneli asfalt-beton; 6 - ezilgan tosh qatlami; 7 - qo'pol taneli asfalt-beton; 8 - tsement bilan mustahkamlangan tuproq; 9 - emdirish bilan ishlangan ezilgan tosh; 10 - bitum bilan ishlangan shag'al; 11 - shag'al


asfalt qoplamasi asosiy yo'llarda etakchi o'rinni egallaydi. Ular yuqori transport va ekspluatatsiyaga egaishlash, kuchli, bardoshli, ta'mirlash oson. Ularning aşınması hatto og'ir va intensiv harakatda ham yiliga 1 - 1, 5 mm dan oshmaydi. Asfalt-beton qoplamalar poydevor turiga va yo'l harakati talablariga qarab, bir, ikki yoki uch qatlamda o'rnatiladi. Yuqori qatlam bardoshli, aşınmaya bardoshli va suv o'tkazmaydigan bo'lishi kerak. Ushbu shartlar mineral kukunni o'z ichiga olgan nozik taneli va qumli aralashmalarga mos keladi. Qoplamalarning pastki qatlamini o'rnatish uchun mineral kukunli yoki unsiz issiq qo'pol taneli va o'rta taneli asfalt-beton aralashmalari qo'llaniladi.

Tsement-beton qoplamalar Boshqa qoplama turlariga nisbatan quyidagi afzalliklarga ega: barcha transport vositalarining yilning istalgan vaqtida o'tishiga imkon beruvchi yuqori quvvat; uzoq kapital ta'mirlash muddati (30-40 yil); avtomobil g'ildiraklari bilan yuqori yopishish koeffitsienti, bu qoplama namlanganda deyarli o'zgarmaydi: ochiq rang tungi vaqtda harakat xavfsizligini oshiradigan qoplamalar; qurilish mavsumining davomiyligi organik bog'lovchilardan foydalanishga qaraganda uzoqroq; qoplamaning past aşınması, yiliga 0, 1-0, 2 mm dan oshmaydi. Biroq, tsement-beton qoplamalari yo'llarda foydalanishga to'sqinlik qiladigan bir qator kamchiliklarga ega. Bularga quyidagilar kiradi: katta raqam qoplamaning ishlashi va tekisligini buzadigan transvers tikuvlar; ta'mirlash qiyinligi; qoplamadan so'ng darhol harakatlarni ochishning mumkin emasligi va hk. Tsement-beton, shuningdek, og'ir va og'ir harakatlanadigan yo'llarda asfalt-beton qoplamalar uchun poydevor qo'yish uchun ishlatiladi. Tsement-beton qoplamasi yo'lda monolit yaxlit plita shaklida, kengaytiruvchi bo'g'inlar orqali turli uzunlikdagi qismlarga bo'lingan yoki zavodda tayyorlangan plitalardan yig'ma qoplama shaklida o'rnatiladi. har xil o'lcham. Ikkinchi holda, yo'lda ish tayyorlangan asosda plitalarni o'rnatishga qisqartiriladi. Ushbu turdagi qoplamaning ba'zi afzalliklariga qaramasdan, masalan, mavsumning davomiyligini oshirish, qurilish, prefabrik beton qoplamalar asosiy yo'llarda qo'llanilmaydi. Bu ularning transport va ekspluatatsion sifatlarini sezilarli darajada yomonlashtiradigan katta kamchiliklar bilan bog'liq.

Yakuniy qoplamaning sifati ko'plab omillarga bog'liq. Ulardan biri tabiiy substratdir. Aniqrog'i, keyin gaplashamiz yulka tagida bo'ladigan tuproq haqida. Bu birinchi qatlam. Ba'zi joylarda er usti tuprog'ining kuchli siljishi bo'lishi mumkin, shuning uchun siz ma'lum bir darajaga chuqurroq borishingiz kerak, bu yanada barqaror, shuningdek, kattaroq qatlam qatlamini yasashingiz kerak. Muhim nuqta yo'lni yotqizayotganda drenajni ta'minlash kerak. Ular yomg'ir va boshqa suvni zudlik bilan yo'naltiradilar, bu esa yo'lning yo'q qilinishiga olib kelishi mumkin. Bu, ayniqsa, sovuq mavsumda sodir bo'ladi, suyuqlik, teshiklarda muzlab, kengayadi va asfaltning deformatsiyasiga olib keladi.

Yo'lning kengligi nafaqat qatnov qismini o'z ichiga oladi. Materiallar iste'moli, shuningdek, avtomobillar to'xtab turgan yo'l chetlarini ham o'z ichiga oladi. Yuqori sifatli qoplama bir necha turdagi qatlamlardan iborat. U uzoq xizmat qilish uchun mo'ljallangan. Bunday qoplamani ishlab chiqarish qimmatga tushadi, ammo xizmat muddati uzoq bo'lganligi sababli uni saqlab qolish unchalik qimmat emas. O'z vaqtida bajarilishi bilan ta'mirlash ishlari Faqat yuqori qatlam eskirgan. Yo'l qoplamasining taglik bo'lib xizmat qiladigan va yuk ko'taruvchi xususiyatlarini ta'minlovchi pastki qatlamli shikastlanmagan holda qolishi kerak, chunki uni ta'mirlash uchun uning muhim qismini qayta tiklash kerak bo'ladi. Rulman qopqog'i ostida taglik joylashgan.

Yo'l qoplamasida u substrat yoki tuproqdagi yuklarning teng taqsimlanishini ta'minlaydi, bu esa yuk mashinalarining og'ir og'irligi ostida zarb qilishni yo'q qiladi.



Harorat noldan ancha pastga tushadigan hududlarda qish vaqti asosga qo'shimcha qatlam mavjud. Uning vazifasi yukni o'tkazish va uni erga taqsimlash, shuningdek, sovuqning zararli ta'siriga qarshi butun qoplamaning barqarorligini ta'minlashdir. Muhim yog'ingarchilik kuzatilgan va suv qolishi mumkin bo'lgan joylarda tuvaldan namlikni o'z vaqtida olib tashlaydigan drenaj qatlami mavjud. Ushbu maqsadlar uchun quyidagilarni yotqizish mumkin: qo'pol taneli qum, ezilgan tosh, tuproq, uning barqarorligini yaxshilaydigan qo'shimchalar bilan qo'shimcha ravishda qayta ishlanadi, ezilgan tosh. Ushbu variantlar mavjud bo'lmagan joylarda mahalliy qurilish materiallari ishlatiladi.

AFG`ONISTON: XAVFSIZLIK VA IQTISODIY RIVOJLANISH

To`rayeva S.B. – katta o`qituvchi

Afg`oniston fuqarolarini o`qitish ta`lim markazi

Annotatsiya: “Afg`oniston: xavfsizlik va iqtisodiy rivojlanish” xalqaro konferensiyasi, Termiz shahridagi ko`p tarmoqli transport – logistika xabi faoliyati va imkoniyatlari, Afg`oniston fuqarolarini o`qitish ta`lim markazining bugungi kungacha bo`lgan faoliyatining yoritilishi haqida fikr yuritilgan.

Kalit so`z: Xalqaro ekspert, iqtisodiyot, logistika, infratuzilma, platforma, spiker, gumanitar rivojlanish, iqtisodiy rivojlanish.

2021yil 25-26 iyul kunlari yurtimiz poytaxti bo`lmish Toshkent shahrida “Hilton” mehmonxonasida “Afg`oniston: xavfsizlik va iqtisodiy rivojlanish” xalqaro konferensiyasi bo`lib o`tdi. Anjumanda 20 dan oshiq mamlakatning Afg`oniston bo`yicha maxsus vakillari, ko`plab xalqaro tashkilotlar, mahalliy va xorijiy axborot vositasi xodimlari, xalqaro ekspertlar, Afg`oniston muvaqqat hukumati delegatsiyasi ishtirok etishdi. Ushbu konferensiyada Afg`oniston fuqarolarini o`qitish ta`lim markazi ma`muriyati va talabalari ham faol ishtirok etishdi. Anjumanda O`zbekiston respublikasi prezidenti Shavkat Mirziyoyevning “Afg`oniston: xavfsizlik va iqtisodiy taraqqiyot” mavzusidagi xalqaro konferensiya ishtirokchilariga murojaati o`qib eshittirildi. Yurtboshimiz o`z nutqida: “Biz butun xalqaro ham jamiyat afg`on xalqi bilan birdamlikni namoyon etishimiz zarur. Afg`oniston iqtisodiyotini qayta tiklash vazifasi bizning umumiy ustuvor yo`nalishimizga aylanmog`i kerak, bu jafokash afg`on zaminida mustahkam tinchlik o`rnatishning muhim sharti hisoblanadi.” –deya ta`kidladi. Konferensiyada Afg`oniston muvaqqat hukumati delegatsiyasi rahbari Amirxon Muttaqiy so`zga chiqib, bu galgi konferensiya avvalgilaridan farq qilishini ta`kidlab: “Biz butun dunyo hamjamiyatiga endi Afg`oniston urush va qon to`kiladigan joy bo`lmasligini e`lon qildik. Biz barcha gumanitar tashkilotlar bilan o`zaro hurmatga asoslangan munosabatlarni kuchaytirishga tayyormiz.” – deb, anjumanni tashkil etgan O`zbekiston rahbariyati va hukumatiga alohida minnatdorchilik bildirdi. Ushbu konferensiyada Afg`onistonning kelajagi uchun xayrli bo`ladigan bir qator dolzarb masalalar ko`rib chiqildi. Xalqaro konferensiya doirasida

Afg`onistonda iqtisodiy barqarorlikni tiklashga qaratilgan bir qator infratuzilma loyihalar taqdimoti ham bo`lib o`tdi. “Gumanitar rivojlanish – Afg`onistonni farovon kelajakka eltuvchi yo`l” mavzusida sho`ba yig`ilishida markazimizning faol talabalari bilan birgalikda ishtirok etdik. Unda ikki davlat oliy o`quv yurtlari o`rtasidagi hamkorlikni kengaytirish, ularda ta`lim oladigan afg`on yoshlari sonini yanada oshirish va malakali mutaxassislar tayyorlashning istiqbollari haqida muhokamalar bo`lib o`tdi. Tadbir davomida Termiz shahridagi ko`p tarmoqli transport – logistika xabi faoliyati va imkoniyatlari, Afg`oniston fuqarolarini o`qitish ta`lim markazining bugungi kungacha bo`lgan faoliyati va imkoniyatlari tasvirlangan videoroliklar namoyish etildi. Tadbir ishtirokchilari markaz faoliyati haqida tanishgach, ijobiy fikrlar bildirishdi va markazimiz talabalari bilan ijodiy suhbatda bo`lishdi. Tadbir yakunida markazimizning O`zbek tili va adabiyoti yo`nalishida tahsil olayotgan Shekibo Samadiy xalqaro anjumanni tashkil qilgan O`zbekiston respublikasi prezidenti Shavkat Mirziyoyevga va o`zbek xalqiga minnatdorchilik bildirdi. Kun davomida “Afg`oniston: xavfsizlik va iqtisodiy taraqqiyot ” mavzusidagi xalqaro anjumanga bag`ishlab Xalqaro press-klub o`zining navbatdagi sayyor sessiyasini tashkil etdi. Ushbu press-klubda ham ta`limga alohida e`tibor qaratildi va unda Oliy va o`rta maxsus ta`lim vaziri birinchi o`rinbosari Komiljon Karimov spiker sifatida o`z fikrlarini bildirib o`tdi. Anjumanda ta`kidlanayotgan har bir soha uchun albatta birinchi malakali mutaxassislar kerakligi va bunda 2017 yilda tashkil etilgan Afg`oniston fuqarolarini o`qitish ta`lim markazi muhim rol o`ynashini aytib o`tdi. Ushbu markaz afg`on fuqarolarini bakalavriat yo`nalishlari bo`yicha tayyorlash bilan bir qatorda turli sohalarda band bo`lgan afg`onistonlik mutaxassislar uchun qisqa muddatli kurslar va seminarlar tashkil etish uchun ham platforma vazifasini o`tayotganligi aytib o`tdi. Anjuman qizg`in muhokamalarga boy bo`ldi.

Konferensiya doirasida ushbu markaz talaba-yoshlari OAVda intervyu berdilar: o`z hishayajonlari, anjuman haqidagi ta`surotlari, muhokamaga sabab bo`lgan mavzular haqidagi fikrlari bilan bo`lishishdi. Markaz talabasi Shohmuxammad Noyibzoda “Bizga yaratilgan barcha, imkoniyatlar va sharoitlar uchun minnatdorman, Afg`oniston xalqi O`zbekiston xalqidan , prezidentidan juda xursand, chunki Afg`onistondan O`zbekiston davlati doimo yordamini ayamaydi. Shaxsan o`zim va kursdoshlarim o`qishni yakunlagach, ikki davlat o`rtasidagi do`stlikni yanada rivojlantirish, yanada mustahkamlashga xizmat qilishni hohlaymiz”-deydi.



Ushbu nufuzli anjumanda qatnashib, ko`plab Afg`oniston bo`yicha maxsus vakillar, xalqaro va mintaqaviy tashkilotlar, xalqaro ekspertlar, olim va tadqiqotchilar fikrlari va muhokamalarni tinglar ekanman, qo`shni afg`on zaminining tinch va osoyishta mamlakatga aylanishi, ijtimoiy, iqtisodiy gullab yashnashi va buning uchun zarur bo`lgan barcha muammolarning echim topishiga ishonaman. Chunki bu yurtda she`riyat mulkinging sultoni A Navoiy yashab o`tgan, Boborahim Mashrab xoki joylashgan, buyuk shoh Zahiriddin Boburga panoh panoh bo`lgan. Ularning avlodlari bo`lgan millionlab yoshlar tinch va osoyishta yurtda baxtli yashashga haqlidirilar.

Foydalanilgan adabiyotlar:

<https://daryo.uz/>

<https://dunyo.info/uz/site/>

TIRIKLIK MANBAI SIFATIDA SUVDAN OQILONA FOYDALANISHNING BA'ZI USULLARI

Xolmatova M.Q. – talaba

Jizzax politexnika instituti

Alqorova U.M. – fizika va texnologik ta'lim fakulteti tyutori

JDPU

Annotatsiya: Maqolada sanoat taraqqiyotining shaxdam odimi bilan bog'liq ravishda ko'payib borayotgan iflos oqova suvlarni tozalab ulgur olmayapti. Shu sababli hozirgi vaqtda bunday suvni tozalashda mexanik, kimyoviy, elektrolit va biologik usullar qo'llanilishi yuzasidan ma'lumotlar beriladi.

Kalit so'zlar: xo'jalik, ehtiyoj, hovuz, biofiltr, mexanik, kimyoviy, elektrolit, biologik, dezinfeksiya, aerotenk.

Suv. . . Senda na tam bor, na rang va na hid, seni tugal tariflashning o'zi mumkin emas. Nimaligini bilmay turib, sendan rohatlanamiz. Hayot uchun keraksan deb aytish noto'g'ri – sen hayotning o'zisan. Bizga sezgilarimiz xis qila olmaydigan quvonch baxt etasan, yo'qotgan darmonimiz sen tufayli qaytadi. Ehsoning sababli yuragimizning qurib qolayotgan buloqlari yana qaynay boshlaydi. Sen olamda ulkan boylikсан. . .

ANTUAN de SENT - EKZYUPERI

Tabiatda hamma narsa yaxshi, biroq suv – uning asosiy go'zalligidir.

S. AKSAKOV

Suv – nemat yoki zahar bo'lishi mumkin, bu esa u qaerda turgani yo oqayotganiga hamda inson undan foydalanishni bilish – bilmasligiga bog'liq.

A. VOEYKOV

Hozirgi kunda ishlab chiqaruvchi kuchlarning shiddat bilan rivojlanishi, fan va texnika taraqqiyotining tezlashishi, mahsulot ishlab chiqarish va iste'mol qilishning ortib borishi bilan xarakterlanadi. Yer yuzida aholi sonining tobora ko'payishi uning ehtiyojini ta'minlash uchun tabiiy boyliklardan har tomonlama to'la va oqilona foydalanishni, uning imkoniyatlarini jadal ishga solishni talab qiladi.

Suv nima? Suv, vodorod oksid H₂O - vodorod (11, 19%) va kislorod (88, 81%) dan tarkib topgan eng sodda kimyoviy birikma. Suv rangsiz, hidsiz suyuqlik (qalin qatlamda zangori rangli). Yerning geologik tuzilishi tarixi va unda hayotning paydo bo'lishi, fizik va kimyoviy muhit, iqlim va ob-havoning shakllanishida suvning ahamiyati muhim. Hech qanday tirik organizm suvsiz hayot kechirishi mumkin emas. Suv qishloq xo'jaligi va sanoatdagi barcha texnologik proseslarning zaruriy komponentidir.

Suv tabiatda keng tarqalgan. Yer yuzining qariyb $\frac{3}{4}$ qismini ishg'ol qiladi. Gidrosfera - okeanlar, dengizlar, ko'llar, suv havzalari, daryolar, yer osti suvlari, tuproqlar namini o'z ichiga olgan yerning suvli po'stlog'i 1, 4-1, 5 mlrd. km³ ni tashkil etadi. Atmosferada suv bug', tuman, bulut, yomg'ir, qor holida bo'ladi.

Ma'lumotlarga qaraganda yer yuzida yashovchi kishilar bir yil davomida 7milliard kub metr ichimlik suv iste'mol qiladi. Shunga ko'ra, suvning toza saqlanishi muhim vazifalardan biri bo'lib turibdi. Tekshirishlar shuni ko'rsatadiki, o'rmon bo'lmagan ochiq yerlarda suvning ifloslanishi 8-10 marta ko'p bo'lib, harorat 7-9 darajagacha ko'tariladi. Natijada suvdagi har turli o'simliklar tez rivojlanib suv "Gullab" (sasib) oqibatida suvda yashovchi baliqlar, turli suv jonivorlari va o'simliklari halok bo'ladi.

Suv. . . bir qarashda bundan serob narsa yo'qdek! Axir, u yer kurrasining to'rtidan uch qismini egallab turibdi! Aslida esa buning 94 foizi okeanlardagi sho'r suvlardir. Insoniyatga zarur bo'lgan

chuchuk suv esa sayyoramizdagi jami suvning 2 foizidan ko'prog'ini tashkil etadi, xolos. Buning har to'rtidan uch qismi shimolda va yuksak tog'lar cho'qqisida asriy muzliklar hosil qilib yotibdi.

Chuchuk suvlar ifloslanishining asosiy sababi shaharlashuv va sanoat ishlab chiqarishining rivojlanishi bilan bog'liq. Suvdan sanoat va maishiy - xo'jalik ehtiyojlarini ta'minlash uchun foydalanganda shahar teritoriyasida erigan holatdagi va to'z'g'ib yuruvchi har xil mineral va organik moddalarga boy ko'plab oqova suvlar vujudga keladiki, ular keyinchalik daryolarga borib quyiladi. Hisoblarga qaraganda, dunyo bo'yicha sanoatda va maishiy ehtiyojlar uchun foydalanishdan hosil bo'lgan oqova suvlarning umumiy hajmi 500 kub kilometrni tashkil qiladi, bu - Azov dengizidagi jami suvdan bir yarim baravar ziyod demakdir. Uning bir qismi shu qadar ifloslanganki, uni tozalamay turib foydalanish mumkin emas.

Sanoat ishlab chiqarishidan hosil bo'lgan oqova suvlar murakkab kimyoviy tarkibga ega bo'lib, unda har xil kislota, fenol, vodorod sulfid, ammiak va boshqa zaharli moddalar, shuningdek, yog', neft mahsulotlari va boshqa birikmalar, turli biogen moddalar bor.

Ichki suv havzalarini ifloslovchi manbalar juda xilma-xil bo'lib, ularning asosiylari quyidagilardan iborat: sanoat korxonalarini va maishiy - xo'jalik ehtiyoji uchun ishlatilgandan keyingi oqova suvlar; qazilma boyliklarga ishlov berishdan hosil bo'lgan chiqindilar; shaxta, kon, neft korxonalarining oqova suvlari; suv va temir yo'l transportlarining tashlandiq suvlari, shahar teritoriyasidan hamda o'g'itlangan va zaxarli kimyoviy moddalar bilan ishlov berilgan dalalarda hosil bo'lgan oqova suvlar; yog'ochsozlik sanoati chiqindilari, chorvachilik fermalari va komplekslarining chiqindi oqovalari, sanoat va elektr stansiyalarining ishlatilgan issiq suvlari va boshqalar. Neftni qayta ishlash zavodi, to'qimachilik va sellilyoza - qog'oz fabrikasi, ximiya va metallurgiya korxonalarining oqovalari ichki suvlarni haddan tashqari ifloslantiradi. Bu manbalar orasida, sanoat ishlab chiqarishidan hosil bo'lgan oqova suvlar asosiy o'rinni egallaydi. Quyidagi raqamlar fikrimizga yaqqol dalil bo'la oladi. AQSh sanoat ishlab chiqarishi har yil 50 kub kilometr ifloslangan oqova suv hosil qiladi, shuning 27 foizi ximiya sanoati ulushiga to'g'ri keladi. GFR sanoatida ishlangan 10 kub kilometr hajmdagi yillik oqova suvning 30 foizi ximiya sanoatiga to'g'ri keladi. Hozirgi vaqtda ichki suv havzalarining ifloslanish ko'lami kengayib, u yirik mamlakatlarda chinakam milliy muammoga aylanmoqda. Chunonchi, G'arbiy Yevropadagi ko'pchilik mamlakatlarning, ayniqsa GFR, Angliya, Niderlandiya, Belgiya, Fransiya, shuningdek AQShning barcha yirik daryolari nihoyatda ifloslangan. Yaponiyada esa kuchli darajada ifloslanmagan daryo yoki ko'l deyarli qolmagan.

Ichki suv havzalarini toza saqlash muammosi bizning mamlakatimiz uchun ham katta ahamiyatga ega. Hukumatimiz tomonidan qabul qilingan chora - tadbirlarning amalga oshirilishi tufayli suv havzalarining tozaligi sezilarli tarzda ortayapti. Lekin shunga qaramay, yer usti suvlarining ifloslanish muammosi hali to'liq hal qilinmagan. Chunki ilgari qurilgan korxonalarining aksariyati tozalov inshootlarisiz barpo etilgan. Gap shundaki, hozir qisqa vaqt ichida bu korxonalarining hammasi uchun zarur bo'lgan tozalash komplekslarini qurish va shu bilan bog'liq ravishda bu korxonalarining faoliyatini muayyan vaqt birdan to'xtatib qo'yish mumkin emas. Lekin suv resurslarini muhofaza etishning qabul qilingan rejali tadbirlari o'zining ijobiy natijalarini beryapti.

Yer yuzida aholi iste'mol qiladigan toza suv miqdori borgan sari kamayib bormoqda. Odamlar sanoat ehtiyojlari uchun mo'ljallangan suvdan ko'proq foydalanmoqdalar, suv korxonalar chiqindilari bilan ifloslanmoqda. Injenerlar suvni tozalashning turli usullarini topmoqdalar.

Yuqorida daryo va boshqa havzalardan suvning tabiiy o'zini tozalash jarayoni kechishini tilga olgandik. Lekin bu jarayon nihoyatda sekin kechib, sanoat taraqqiyotining shaxdam odimi bilan bog'liq ravishda ko'payib borayotgan iflos oqova suvlarni tozalab ulgurolmayapti. Shu sababli hozirgi vaqtda bunday suvni tozalashda mexanik, kimyoviy, elektrolit va biologik usullar qo'llanyapti. Bakterial ifloslangan oqar suvni zararsizlantirish uchun dezinfeksiyalanadi. Shuni aytish kerakki, u yoki bu metodning qo'llanilishi oqova suvlarning ifloslanish xarakteri va aralashmalar zarariligining darajasiga bog'liq. Quyida ana shu usullar ustida qisqacha to'xtalib o'tamiz.

Mexanik tozalash usuli: Unga ko'ra, oqar suvlardagi erimaydigan aralashmalar mexanik tarzda olib tashlanadi. Bu usul maxsus moslamalar, masalan panjara, to'r, moyushlagich, neftushlagich qurilmalari yordamida amalga oshiriladi. Kattaligi 5 millimetrdan ziyod aralashmalar to'rlarda, undan maydalari esa elaklarda ushlanadi.

Suv yuzasida qalqib yuruvchi iflosliklarni tozalashda yog'ushlagich, moyushlagich va neftushlagichlardan foydalaniladi. Maxsus tindirgichlarda esa suvdagi og'ir zarralar cho'kindi, yengil zarralar tindirilayotgan suv yuzasida qalqib yuradi. Mexanik tozalash usuli maishiy oqova suvlaridan 60 foizgacha, ishlab chiqarish oqova suvlaridan esa 95 foizgacha erimaydigan aralashmalarni ajratib olish imkonini beradi.

Kimyoviy tozalash usuli: Bunda oqar suvlarga shunday moddalar (reagentlar) qo'shiladiki, ular iflosliklar bilan reaksiyaga kirishib, erimagan va qisman erigan moddalarning cho'kishiga yordam beradi. Shuningdek, erimagan ba'zi bir moddalarni eritish bilan birga zararsizlantiradi ham. Kimyoviy tozalash usuli oqar suvlardagi erimagan iflosliklarni 95 foiz, erigan holatdagilarni esa 25 foizgacha kamaytiradi.

Elektrolit tozalash usuli: Keyingi vaqtlarda mazkur usulning qo'llash ko'lami kengayib boryapti. Elektrolit tozalash usulining mohiyati shundaki, bunda ifloslangan suv orqali muayyan tarzda elektor toki o'tkazilishi natijasida oqar suvlardagi organik moddalar yemiriladi va metallar, kislota va boshqa noorganik moddalar chiqarib olinadi. Elektrolit tozalash usuli maxsus binolarda o'tkaziladi. Shuni aytish kerakki, mexanik va kimyoviy usullar aksari, oqova suvlarni suv havzalariga oqizishdan oldin tozalash usuli sifatida qo'llaniladi, ba'zan esa u birinchi bosqich bo'lib, undan keyin suvni biologik tozalashga yuboriladi.

Biologik tozalash usuli. Oqar suvlarni tozalashda ayniqsa biologik usulning ahamiyati katta, yoki boshqa suv havzalarining biokimyoviy va fiziologik o'z - o'zini tozalash xususiyatidan foydalanib, oqar suvlardagi organik iflosliklarni aerobiokimyoviy jarayonlar yordamida minerallashtirishga asoslangan. Biologik usul vositasida asosan maishiy oqova suvlar, shuningdek, sanoat oqova suvlaridan esa organik moddalar bilan ifloslanganlari tozalanadi. Biologik usulning tabiiy hamda suniy turlari mavjud.

Ifloslangan oqar suvlarni tabiiy sharoitda biologik usulda tozalash maxsus tayyorlangan yer uchaskalarida filtrlash dalalarida amalga oshiriladi.

Iflos suvning tozalanishi suvning tuproqdan filtrlanishi jarayonida sodir bo'ladi. Sakson santimetr qalinlikdagi tuproq qavati iflos suvni maromda tozalash uchun kifoya qiladi. Oqar suvlarni tabiiy sharoitda biologik tozalash uchun, hovuz yoki suniy ko'llardan ham foydalaniladi. Biologik tozalash hovuzlari sayoz, atiga bir metr gacha chuqurlikda bo'lib, bu yerda ham tabiiy suv havzalaridagidek o'z - o'zini tozalash jarayoni ro'y beradi va oqar suvlarning tozalanishida suv havzasidagi hamma organizmlar qatnashadi. Odatda, biologik hovuzlar salgina nishab joylarda 4-5 pog'onali zinapoya shaklida qurilib, suv yuqori hovuzdan pastdagiga jildirab oqib turaveradi. Suv havzasi yuzasining kattaligi hisobiga aeratsiya (atmosfera havosining tabiiy ravishda kirishi; organik moddalarning jadal oksidlanishiga imkon beradi) sodir bo'ladi.

Ifloslangan oqar suvlarni suniy sharoitda biologik tozalash maxsus qurilmalarda, yani biofiltr yoki aerotenklarda. Bunday qurilmalarda iflos suvlar yirik donador materiallar qatlami orqali filtrlash yo'li bilan amalga oshiriladi. Donador material sirtiga aerob mikroorganizmlardan iborat yupqa biologik parda qoplanadi.

Ifloslangan suvlarni biofiltrda tozalash filtratsiya dalalardagi tozalashdan aytarli farq qilmasa - da, lekin shu parda tufayli biokimyoviy oksidlanish jarayoni ancha tez kechadi.

Shuni aytish kerakki, iflos oqova suvlarni tabiiy va suniy sharoitda biologik tozalashdan oldin mexanik tozalanadi. To'g'ri, biologik tozalash mobaynida oqar suvlardagi hamma bakteriyalar, shu jumladan kasal qo'zg'atuvchi bakteriyalarni butkul yo'qotishga erishilmaydi. Shu boisdan suvni biologik tozalagandan keyin uni zararsizlantirish uchun xlorli ohak bilan dizenfeksiya qilinadi. Oqova suvlarni suv havzalariga ag'darishdan oldin xlorlab ultrabinafsha nurlar, elektroliz va ultratovushlar ta'sir ettiriladi.

Shuni ta'kidlash kerakki, tozalash qurilmalari barpo etish daryo va suv havzalarini ifloslanishdan to'liq saqlay olmaydi, chunki taraqqiyotning hozirgi rivojlanish darajasida suvdagi

ifloslanishning hamma turlarini yo‘qotib bo‘lmaydi. Shuning uchun, avvalo, pokiza qiluvchining o‘zi pokiza saqlanishini ta‘minlash kerak.

Ayni vaqtida tozalanayotgan suv miqdori tobora ko‘payayotgan oqova suvlar hajmidan ortda qolmoqda. Shu sababli oqova suvlarni daryo va ko‘llarga tashlash uchun emas, balki ulardan takror foydalanish maqsadida tozalash kerak. Qolaversa, ilgari korxonalar quvvatining o‘shishini hisobga olmagan holda barpo etilgan tozalash qurilmalari xajmi ko‘payib borayotgan iflos oqova suvlarni tozalab ulgira olmayapti. Buning ustiga, tozalash qurilmalari ancha qimmatga tushadi, bu xarajat, ba‘zan, butun sanoat kompleksi tannarxining 20-30 foiziga yetadi.

Xulosa o‘rnida shuni aytmoqchimizki. Xalqimizda, «Suv yetti yumalasa toza bo‘ladi», degan naql bor. Bu, sirasini aytganda, oqar suvning o‘z-o‘zidan tabiiy tozalanishiga ishoradir. Darhaqiqat, suv quyosh radiatsiyasi ta‘sirida tiklanish va muttasil o‘z-o‘zini tozalashdek ajoyib xususiyatga ega. Bu jarayonning mohiyati shundaki, bunda ifloslangan suv toza suv massasi bilan aralashib, undagi organik moddalar minerallashadi va qo‘shilib qolgan bakteriyalar halok bo‘ladi. Suvning o‘z-o‘zini tozalash omillari: bakteriya, zamburug‘ va suvo‘tlardir. Mutaxassislar o‘tkazgan tadqiqotlardan ma‘lum bo‘lishicha, suvning bakterial o‘z-o‘zini tozalashi mobaynida 24 soatdan keyin 50 foiz, 96 soatdan keyin esa 0, 5 foiz bakteriya qoladi.

Ifloslangan suvning o‘z-o‘zini maromda tozalashini ta‘minlash uchun, unga bir necha baravar ko‘p miqdorda toza suv qo‘shiladi. Agar suv haddan tashqari ifloslangan bo‘lsa, u vaqtda o‘z-o‘zini tiklash jarayoni deyarli sodir bo‘lmaydi. Hozirgi vaqtda dunyoning turli mamlakatlarida ichki suv havzalari, xususan, daryolar shu qadar ifloslanganki, tabiiy jarayonlar ularni tozalashga ojizlik qiladi. Ta‘bir joiz bo‘lsa, bunday suv “yetti yumalash” u yoqda tursin, ming “yumalagani” bilan ham toza bo‘lmaydi.

Ichki suv havzalari, xususan daryo va ko‘llar suvi ifloslanishining hozirgi kunda tobora kuchayayotganligi ko‘pgina mamlakatlarni tashvishga solmoqda.

Ichki suv havzalarining ifloslanishi, shubhasiz, chuchuk suv tanqisligini yanada kuchaytiradi. Zero, daryo va ko‘llarning ifloslangan suvi nafaqat iste‘molga, balki maishiy - turmush va sanoat ehtiyojlari uchun ham yaroqsiz bo‘lib qolyapti, shu bilan birga har turli kasalliklarni keltirib chiqaryapti.

Xullas, tabiatning tabiati nozik. Shuni doimiy yodda tutganimiz holda tabiat boyliklaridan oqilona foydalanishimiz, bu boyliklarning o‘rni doimiy to‘lib borishiga erishmog‘imiz, sirasini aytganda, tabiatni insondan emas balki inson uchun, kelajak avlodlar uchun asrashimiz zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar:

“Fan va turmush” jurnali 1982-yil 2-son.

O‘zbekiston Respublikasi Ensiklopediyasi 1978-yil 10-jild.

“U kim bu nima” bolalar ensiklopediyasi Toshkent 1988-yil 3-tom.

R. Obidov. , “Sirdaryo havzasi”, Fan va turmush jurnali, 1988-y 11-son, 10-12 betlar.

A. Rafiqov. , “Ahvol qanday, Orol!”, Fan va turmush jurnali, 1989-y 6-son, 2-4 betlar.


ELEKTRON DARSLIK YARATISH JARAYONIDA MACROMEDIA FLASH PROFESSIONAL 8 TEXNOLOGIYASIDAN FOYDALANISH

*Yorbekov A.D., Tojiqulov M.E. – stajor o‘qituvchi
Toshkent Kimyo-texnologiya instituti Yangiyer filiali*

Butun dunyoda jumladan O‘zbekistonda ham ta‘lim tizimi doimiy ravishda modernizatsiya qilish talab qilinadi. Ushbu jarayonning asosiy maqsadi ta‘lim sifatini oshirishdir. Ushbu maqsadga erishish yo‘llaridan biri o‘quv jarayoniga zamonaviy multimedia o‘qitish vositalaridan foydalangan holda elektron darslik yaratish hisoblanadi. Flash texnologiyalari ta‘limning barcha darajalarida (shu jumladan, oliy o‘quv yurtlarida) faol qo‘llaniladigan multimediyaning eng innovatsion turlari qatoriga kiradi.

Flash texnologiyalari - bu interaktiv veb-animatsiya texnologiyasi bo‘lib bu dastur birinchi bo‘lib Macromedia tomonidan ishlab chiqilgan va ma‘lumotlarning multimedia taqdimoti sohasida

ko'plab texnologik yechimlarni birlashtirgan dastur hisoblanadi. Flash texnologiyalari yordamida elektron darslik yaratish uchun zarur bo'lgan turli xil axborot bloklari (grafik, video va matn) ni yaratish mumkin. Bu dasturning turli versiyalari mavjud bo'lib, ulardan biri Macromedia Flash Professional 8 versiyasidir. Bu dasturning ishchi oynasi 1-rasmda keltirilgan.



1-rasm. Macromedia Flash Professional 8 dasturi ishchi oynasi.

Flash dasturi axborot texnologiyalari turli xil fanlar bo'yicha o'quv jarayonida faol qo'llaniladi: kimyoviy, fizik, biologik va boshqa jarayonlarni vizualizatsiya qilish uchun; prezentatsiyalar orqali nazariy materiallarni vizual tarzda namoyish etish uchun; filmlarga asoslangan amaliy misollarni (ishlarni) tahlil qilish. Flash texnologiyalari o'qituvchiga nazariy va amaliy mashg'ulotlarda innovatsion faoliyatni qo'llashga, shuningdek, ular asosida o'qitishning faol shakllarini amalga oshirishga imkon beradi. O'qituvchi ta'lim jarayoniga Flash texnologiyalarini joriy etishning quyidagi afzalliklarini ajratib ko'rsatish mumkin:

Mashg'ulotlar samaradorligini sifat jihatidan oshirish;

Talabalarining asosiy ko'nikmalarini rivojlantirish (o'z-o'zini o'rganish va o'zini rivojlantirish qobiliyati, kasbiy faoliyatda nazariy bilimlarni qo'llash);

Zamonaviy IT-texnologiyalar bilan ishlash ko'nikmalarini takomillashtirish Shuni ta'kidlash kerakki, Flash texnologiyalaridan foydalanish nafaqat o'qituvchilarga, balki talabalarga ham ma'lum foyda keltiradi:

Avtomatik ravishda ma'ruza matnini yozadigan passiv tinglovchilardan talabalar o'quv jarayonining faol ishtirokchisiga aylanadilar (axborotni idrok etishning barcha kanallari jalb qilinganligi sababli);

O'rganilayotgan intizomga qiziqish ortadi, o'qish uchun motivatsiya kuchayadi; materialni o'zlashtirish darajasi o'sib boradi, bu o'quvchining mashg'ulotga tayyorgarlikdagi resurslarini optimallashtiradi.

Flash-texnologiyalarining muhim xususiyati ularning talabalarining turli xil qabul qilish xususiyatlariga ega bo'lgan talabalarni o'qitishda ko'p qirrali bo'lishidir: ba'zi talabalar ma'lumotni quloq (audio) orqali yaxshi qabul qilishadi, boshqalari - video tomosha qilish yoki matnni o'qish orqali. Flash texnologiyasi elektron darslik yaratishda ma'lumotlarni turli xil audio matn video ko'rishda yaratishga imkon beradi. Ta'lim jarayonida Flash texnologiyalariga asoslangan professor-o'qituvchilar tarkibidan foydalanishning asosiy bosqichlarini taqdimotlar misolida ko'rib chiqamiz.

Texnik masalalarni hal qilish: darsda prezentatsiyalardan foydalanish usulini tanlash (o'quvchilarning kompyuterlarda individual ishlashi yoki proyektor yordamida butun auditoriya uchun slayd-shou).

Metodik bosqich: Flash texnologiyalaridan foydalanishning maqsad va vazifalarini belgilab, dars rejasini tuzish. To'g'ridan-to'g'ri prezentatsiya yaratish va uni talabalarga namoyish etish.

Talabalar faoliyatini tahlil qilish, Flash-texnologiyalaridan foydalanish samaradorligini baholash, talabalarning bilim darajasini baholash.

Ta'lim jarayonida Flash texnologiyasidan foydalangan holda yaratilgan taqdimotdan foydalanishning afzalliklari:

1. asosiy fikrlarni ta'kidlab, ovozli va vizual namoyishlardan foydalanish orqali o'quvchilarning idrokini kuchaytirish;

2. auditoriya bilan aloqani saqlab qolish va doskaga yozishga majbur bo'lmaslik;

3. ekranda katta miqdordagi ma'lumotni ko'paytirish qobiliyati.

Xulosa qilib shuni ta'kidlash kerakki, Flash texnologiyalari zamonaviy ta'limning asosiy tarkibiy qismlaridan biriga aylandi. Ulardan foydalanish, bu dastur yordamida yaratilgan elektron darslik o'quv jarayonining sifatini yaxshilaydi:

- ta'lim jarayonida talabalarga barcha pedagogik interfaol usullardan foydalanish usullarini bir-biriga bog'lab, nazariy materialga qaraganda yaxshiroq tushuntira olish;

- ma'ruzalar va amaliy mashg'ulotlar taqdimotini yaratish;

- talabalarning mustaqil izlanishini ta'minlash;

- talabalar tomonidan o'z-o'zini boshqarish imkoniyatini oshirish;

YADRO TEXNOLOGIYALARINI INSON SALOMATLIGI YO'LIDA QO'LLANILISHI.

Bozorov E.X. - O'zMU, "Fizika" fakulteti, f. -m. f. d., professor.

Batirova R.B. - FarPI "IMT" kafedrasida muhandisi

Hozirda texnika taraqqiyoti rivojlangan paytida kompyuter tomografiyasini o'tkazishga majbur bo'lgan har bir kishi allaqachon yadroviy tibbiyotga duch kelgan. Yadroviy tibbiyot – bu zamonaviy tibbiyotning eng innovatsion va tez rivojlanayotgan yo'nalishlaridan biri.

Bu soha klinik tibbiyot, molekulyar biologiya, farmakologiya, yadro fizikasi va hatto organik kimyodagi ishlanmalarni birlashtiradi. Ushbu fanlarning yaqinlashishi onkologik kasalliklar, yurak, qalqonsimon bez kasalliklari va nevrologik muammolarni tashxislash va davolash jarayonida ionlashtiruvchi nurlanishdan foydalanish imkonini beradi. Bundan tashqari, radiatsiya miya operatsiyasiga yordam beradi. Yadroviy tibbiyot usullari 100% ishonch bilan davolanish imkoniyatini beradi.



1-rasm. Yadroviy tibbiyoti.

Yadro tibbiyoti yangi amaliyot va texnologiyalar yordamida kasalliklarga tashxis qo'yish jarayonini takomillashtirdi. Yangi usullardan biri pozitron emissiya tomografiyasi yoki PET. Bemorga elektron antizarrachalarni chiqaradigan radioizotoplarni o'z ichiga olgan maxsus radiofarmatsevtik AOK qilinadi. Ulardan eng keng tarqalgani 18F-FDG. Tuzilishi bo'yicha u oddiy glyukozaga o'xshaydi va odamlar uchun zararsizdir. Keyin tana skanerdan o'tkaziladi va tasvir olinadi. Unda o'simta hujayralari yorqin dog'lar bilan ta'kidlangan, chunki ular preparatni ko'proq o'zlashtiradi. Jarayon sizga o'simtaning kattaligi va kasallikning bosqichi, o'choqlarning lokalizatsiyasi va tarqalish tezligi haqida xulosa chiqarish imkonini beradi. Bu individual davolanishni ishlab chiqish jarayonini tezlashtiradi.

Yadro texnologiyalari kasalliklarni davolashda ham qo'llaniladi. Shifokorlar sog'lom to'qimalarga zarar etkazadigan saraton hujayralari va ta'sirlangan organlarga maqsadli ta'sir

qilishdan foydalanadilar. Bu sizga protseduraning tanadagi oqibatlarini va bemorning umumiy farovonligini engillashtirishga va ayni paytda barcha o'choqlarda harakat qilishga imkon beradi. Saraton kasalligini davolashning eng samarali va xavfsiz usullaridan biri bu tashqi nurli radiatsiya terapiyasi. Saraton kasalliklarida esa bu juda ham muhim rol o'ynaydi. Bunda nurlanish dozasi kontaktsiz, qisqa masofadan yetkaziladi. Shunday qilib, shifokorlar sog'lom to'qimalar bilan o'ralgan eng chuqur o'smalarga borishga muvaffaq bo'lishadi. Kontaktli radiatsiya terapiyasida nurlanish manbai zararlangan organga u bilan bevosita aloqa qilish orqali ta'sir qiladi. Yadro texnologiyasi diagnostika va davolashda qo'llaniladigan radiofarmatsevtikalarni ishlab chiqarish uchun ishlatiladi. Terapiyada ularning vazifasi to'g'ridan-to'g'ri o'simta yoki metastazlarga ma'lum bir nurlanish dozasi etkazishdir. Radionuklidlar saraton hujayralarini o'ldiradigan ionlashtiruvchi nurlanish hosil qiladi. Ularning DNKsi shikastlangan, bu esa saraton o'chog'ining pasayishiga olib keladi. Bemorga qo'llaniladigan maxsus formulalar hujayra proliferatsiyasining markazida to'planib, ularni yo'q qiladi. Masalan, maqsadli radionuklid terapiyasi teri ostiga radiofarmatsevtikani kiritishni yoki qon oqimi orqali zararlangan hujayralarga etib borishi uchun bemor tomonidan so'rilishini talab qiladi. Saratonni davolashning jarrohlik usullari bilan solishtirganda, yadroviy tibbiyot samaraliroq. Uning usullari shifokorlarga hatto eng kichik metastazlardan va inson tanasidagi yagona hujayralardan xalos bo'lishga imkon beradi.

Nazariy jihatdan bu aniq, lekin amalda qanday?

Birinchi radioterapiya bo'limi 1903 yilda Morozov institutida ochilgan. Endi bu Moskva onkologiya ilmiy-tadqiqot instituti. P. A. Gertsen. Dunyodagi birinchi tadqiqot rentgen klinikasi 1918 yilda Petrogradida paydo bo'lgan. Endi bu I. I. nomidagi Rossiya radiologiya va jarrohlik texnologiyalari ilmiy markazi. akademik A. M. Granov. Uning asoschisi Mixail Nemenov dunyodagi birinchi rentgenologlardan biri edi.

Noyob izotop - kaliforniy-252 - nafaqat dunyodagi eng qimmat metall, balki saraton o'smalarini radiatsiya terapiyasi uchun neytronlar manbai. U dunyoda faqat ikkita tadqiqot markazida ishlab chiqariladi, ulardan biri Dimitrovgradagi Atom reaktorlari ilmiy-tadqiqot institutidir.

Hozirgi kunda O'zbekistonda yadroviy tibbiyot usullari akademik Ya. Xolmatov nomidagi Respublika ixtisoslashtirilgan endokrinologiya ilmiy-amaliy markazining Yadro tibbiyoti kafedrasida va akademik V. Voxidov nomidagi Respublika ixtisoslashtirilgan jarrohlik markazining radioizotop tashxis laboratoriyasi bo'limida qo'llanilmoqda. Ushbu bo'limda yod-131 radioizotopini qo'llash yordamida qalqonsimon bez kasalliklari tashxisi va davolanishi, shuningdek, qalqonsimon bez saratonining ham davolanishi amalga oshiriladi. So'nngi yillarda 850 dan ortiq bemorlar yod-131 radioterapiyasini o'tadi. Shuningdek, Endokrinologiya IAI va V. Voxidov nomidagi RIJM samariy-153 oksabifor radiofarmpreparati va texnetsiya generatoridan foydalanishni yo'lga qo'ydi.

- Atalishi qiyinroq bo'lgan samariy-153 oksabifor preparati suyak metastazasidagi og'riqni qoldirish va davolash uchun foydalaniladi. V. Voxidov nomidagi RIJMda texnetsiy-99 (saron, yurak-qon tomir kasalliklari, bosh miya, buyrak, jigar va boshqa kasalliklar tashxisida qo'llaniladigan radiofarmpreparat) yordamida yiliga 2000 tagacha tashxis tadqiqotlari va samariy-153 oksabifor dori vositasini qo'llagan holda 300 tagacha suyak metastazasining radioterapiyasi o'tkaziladi. Samariy-153 preparati qon tomirlari ichiga yuboriladi, dori suyak to'qimasida va asosan saraton metaztazalarida to'planadi. Preparatning bir dozasi 6 oy mobaynida og'riqsizlantiradi va saraton o'smalarini remissiyada (saron rivojlanishini to'xtadi) ushlab turadi va kunlik qabul qilinadigan kuchli og'riqni qoldiruvchi dori vositalarini, misol uchun – morfiiy, o'rmini bosadi. Shuningdek, dorilardagi radiatsiya miqdori butun organizmni nurlantirish uchun kam hisoblanadi, ammo ma'lum bir joydagi saraton hujayralarini yo'q qilish uchun yetarli.

Xulosa o'rnida yadro texnologiyalarini inson salomatligi yo'lida qo'llanilishi butun dunyo aholisini sog'lom turmush tarzini yanada rivojlanishida ulkan samaradorlikka erishishga zamin bo'ladi. Yadro texnologiyalarini yanada rivojlantirish va takomillashtirishda malakali kadrlarni o'rni beqiyos. Mutaxassislik sohalari bo'yicha yetuk kadr bo'lib yetishishning birdan bir omili sifatli ta'limdir. Sifatli ta'lim -kelajak taraqqiyoti hamda kafolotidir.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. O'zbekiston Respublikasi sog'liqni saqlash tizimini tubdan takomillashtirish bo'yicha kompleks chora-tadbirlar to'g'risida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni.

2. Левченко, В. А. Основные характеристики америциевого реактора для нейтронной терапии. Реактор «МАРС» / В. А. Левченко [и др.] // Известия вузов. Ядерная энергетика. – 2003

INGLIZ TILINI OQITISHNING INNOVATSION USULLARI

Boyqo'ziyeva M.I.

Maktabgacha va Boshlang'ich ta'limda xorijiy til yo'nalishi 2-kurs talabasi

Anatasiya: Ingliz tilini o'rganishdagi zamonaviy metodikalar shuningdek, ularning qo'llash usullari va samardorlik darajasi haqida. Yangi metodikalarning talablari va tadbiq etilgan jarayonlar tahlili.

Kalitso`z: Til o'rganish talablari, zamonaviy metodlar, o'yin faoliyati.

Bugungi kunda xorijiy tillarni bilish konikmasi proffessionl talimning ajralmas. qismlaridan biri bolib bormoqda. Turli sohalardagi mutaxassislarda chet ellik hamkorlar bilan hamkorlik qilish korsatkichi yuqori bolganligi sababli, ularda til organishga bolgan talab yuqoridir. Zamonaviy jamiyatda chet tillari kasbiy talimning muhim tarkibiy qismiga aylanmoqda. Bunday bilimlarni insonlar dastlab maktab, kollej, litsey, keyinchalik institutlarda, oquv kurslarida yoki mustaqil ravishda xorijiy tilni organishga yordam beruvchi asosiy malumot toplamlari bilan tanishgan holda organadilar Bugungi kunda turli darajadagi til bilimiga ega kishilar uchun oquv materiallarining katta toplamlari mavjud. Ushbu maqsadga yetishishda muvaffaqiyatga erishish, oqituvchilarning amaliy uslublari va malakasiga bogliq.

Axborot texnologiyalari va zamonaviy oqitish usullaridan foydalanish qobiliyati yangi materiallarni tezkor tushunishga yordam beradi. 1 Turli usullarni birlashtirib oqituvchi muayyan talim dasturlarini yechishga qodir boladi. Shu munosabat bilan oqituvchilar va talabalar xorijiy tillarni oqitishning zamonaviy usullari bilan tanishishlari kerak.

Natijada maqsadlariga erishish uchun eng samarali usullarni tanlay bilish konikmalari shakillanadi. Bunda oqitish va organishning bir necha metodlaridan foydalanish samarali natija beradi. Oqitish kichik bosqichlarda amalga oshiriladi va oquvchining mavjud bilim tizimiga asoslanadi. 2 Zamon ilgarilab borgani sari har sohada yangilik kopayib bormoqda. Til orgatishda ham turli uslublar paydo bolmoqda. Ingliz tilini orgatishda organuvchining salohiyat va darajasi, yoshidan kelib chiqqan holda bosqichma-bosqich orgatish yaxshi natija beradi. Bunda oquvchilar boshlangich bosqichda oqitish, orta bosqichda oqitish, yuqori bosqichda oqitish asosida guruhlarga bolinadi. Har bir bosqich uchun oqituvchi tomondan maxsus dastur ishlab chiqiladi.

Boshlangich bosqichda talaffuzga muhim etibor beriladi. Harmerning takidlashicha, suhbat davomida ona tilini biladiganlardan birinchi talab- bu talaffuz. Oquv jarayonining boshlanishida oqituvchi asosiy etiborni oquvchining talaffuziga qaratishi kerak. Grammatika va lugat asosiysi hisoblansada, maruzachi talaffuzi notogri bolsa, buning hammasi befoyda. Native speakerlar agar sozlovchi sozlarni togri talaffuz qilsa nutqni grammatik xatolar bilan ham tushunishlari mumkin.

Shuning uchun oqitishda dastavval asosiy eribor talaffuzga qaratiladi. Bunda native speakerlarning turli xil audiolaridan faydalanish yaxshi natija beradi. Oqituvchi dars davomida harflar, sozlarni togri talaffuz qilishni orgatishi kerak. Shuningdek boshlangich bosqichda ogzaki nutqqa va oqish texnikasini ostirishga katta etibor beriladi. Bunda chet tilini oqitishning nutq faoliyati turlari boyicha korib chiqadigan bolsak, ularni orgatishda quyidagi vazifalarni bajarish zarur:

- a) Oqish mexanizmini hosil qilish;
- b) Ogzaki oqish texnikasini ostirish;
- c) Oqiganini tushunishga orgatish .

Boshlangich bosqichda oqishning asosan ovoz chiqarib oqish turiga keng orin ajratiladi. Oqish uchun ajratilgan matnlar ham eng sodda va oddiydan asta-sekin murakkablashib boradi. Lekin shuni aytish kerakki, boshlangich bosqichlardagi ish faoliyati asosan ogzaki nutqiy

konikmalarni rivojlantirishga yonaltirilgan bolishiga qaramay ingliz tilida ogzaki nutqni ostirish masalasini hal qila olmaydi. U haqiqiy ogzaki nutq ustida ishlash uchun faqat tayyorgarlik bosqichini otaydi. Qolaversa, sozlarni chiroyli va ravon oqish oquvchining shu tilni organishga bolgan muhabbatini oshiradi.

Bundan tashqari oquvchilar boshlangich bosqichda The Present indefinite Tense. , The Past indefinite Tense. The Future indefinite Tense kabi fel zamonlarini yaxshi bilishlari va fel shakllaridan ushbu zamonlarda yorqin foydalana oladigan bolishlari talab etiladi. Oquvchilar otlarni birlikda va koplikda ishlatilishini, hozirgi noaniq zamonda kelgan felning III shaxs birlikdagi shakliga "s" yoki "es" qoshimchalarini qoshilishini, gaplarning soroq, inkor va buyruq shakllarini ham boshlangich bosqichda oqish davrida egallaydilar.

Ingliz tilini orgatishning orta etapida asosiy etibor koproq hajmdagi matnlarni oqib tushunishda fikrlashni nutq faoliyatini, tashabbuskorlikni oshirishga yordam beradigan usullardan foydalanish kerak. Oquvchilarga uy vazifasi sifatida matnlar berib boriladi. Matnni tushunganligini tekshirishga moljallangan mashqlar berilib ular quyidagicha ifoda etilishi mumkin:

Answer the question on the text Samarkand: .

Yuqori bosqichda mustaqil ishlash alohida rol oynaydi, ayniqsa chet tili bilan. Bu bosqichda darsga qoyilgan talablar oldingi etaplardagidan farq qiladi. Endi dars ogzaki nutq asosida korilmaydi, chunki bu bosqichda til materialining kopchilik qismi passiv ravishda (retseptiv holda) organiladi. Yani oqib tushinish asosiy rol kasb etadi. 4 Tekstlar ham hajmi jihatidan katta, til materiali esa murakkabdir. Reading, speaking, listening mashqlari doimiy otkizib boriladi. Darsni tashkil etishda Readingga alohida kun, Speakingga alohida kun, Listeningga alohida kun belgilanadi.

Uyga beriladigan vazifalar ham oldingi bosqichlardan koproq va murakkabroq tuziladi.

Speaking darslarida ortaga biror mavzu tashlanib 2 daqiqalik nutq belgilanadi. Yana bir usulda matn mavzulari yozilgan kartochkalar oquvchilarga tarqatiladi. Har bir oquvchi ozi tanlagan kartochkada berilgan mavzu haqida oz fikr mulohazalarini bildiradi. Nutqda avval otilgan birikmalar, frazalar, kirish soz, yangi sozlar, sinonimlardan foydalanish talab etiladi.

Matbuot , davriy nashrlar, ommaviy axborot vositalari, internet materiallaridan foydalanib qoshimcha matn mavzularini tayyorlab kelishni uy vazifasi sifatida berish mumkin. Qiziqarli izlanishlar va ilmiy kashfiyotlar haqidagi matnlarni oquvchilar qiziqish bilan organadilar.

Xulosa qilib aytish kerakki, zamonaviy tilni orgatish koproq madaniyatli shaxsni shakllantirishga qaratilgan bolib, u oz-ozini tahlil qilish va yangi bilimlarni tizimlashtirish konikmalariga ega ekan. Innovatsion usullar butun tizimni modernizatsiya qilishning ajralmas qismidir. Shunga amin holda oqituvchilar eng ilgor yondoshuvlar bilan tanishishlari va keyinchalik ularni birlashtirishi va oz ishlarida foydalangan holda talim tizimida sezilarli osishga erishish mumkin. Koplab tashkilotlar axborotni jonatish va olish uchun multimedia imkoniyatlaridan foydalangan holda yangi darajaga otmoqda. Kompyuterlar va boshqa qurilmalardan foydalanish butun talim jarayonining muvaffaqiyatini belgilaydi.

Talim jarayonida otkaziladigan treninglarda nutq konikmalarini shakllantirishga va ijtimoiy moslashuvchanlikni rivojlantirishga yetarli etibor berilishi kerak. Bundan tashqari talimda har bir darsning muvaffaqiyati kop jihatdan mashgulotni togri tashkil etishga bogliqdir. Dars oqituvchi va oquvchining ijodiy hamkorligiga asoslanishi lozim.

Shundagina oquvchilar mustaqil erkin fikrlay oladilar, irodalari tarbiyalanadi.

Yuqori bosqichda mustaqil ishlash alohida rol oynaydi, ayniqsa chet tili bilan. Bu bosqichda darsga qoyilgan talablar oldingi etaplardagidan farq qiladi. Endi dars ogzaki nutq asosida korilmaydi, chunki bu bosqichda til materialining kopchilik qismi passiv ravishda (retseptiv holda) organiladi. Yani oqib tushinish asosiy rol kasb etadi.

4 Tekstlar ham hajmi jihatidan katta, til materiali esa murakkabdir. Reading, speaking, listening mashqlari doimiy otkizib boriladi. Darsni tashkil etishda Readingga alohida kun, Speakingga alohida kun, Listeningga alohida kun belgilanadi.

Uyga beriladigan vazifalar ham oldingi bosqichlardan koproq va murakkabroq tuziladi.

Speaking darslarida ortaga biror mavzu tashlanib 2 daqiqalik nutq belgilanadi. Yana bir usulda matn mavzulari yozilgan kartochkalar oquvchilarga tarqatiladi. Har bir oquvchi ozi tanlagan kartochkada berilgan mavzu haqida oz fikr mulohazalarini bildiradi. Nutqda avval otilgan birikmalar, frazalar, kirish soz, yangi sozlar, sinonimlardan foydalanish talab etiladi.

Matbuot , davriy nashrlar, ommaviy axborot vositalari, internet materiallaridan foydalanib qoshimcha matn mavzularini tayyorlab kelishni uy vazifasi sifatida berish mumkin. Qiziqarli izlanishlar va ilmiy kashfiyotlar haqidagi matnlarni oquvchilar qiziqish bilan organadilar.

Xulosa qilib aytish kerakki, zamonaviy tilni orgatish koproq madaniyatli shaxsni shakllantirishga qaratilgan bolib, u oz-ozini tahlil qilish va yangi bilimlarni tizimlashtirish konikmalariga ega ekan. Innovatsion usullar butun tizimni modernizatsiya qilishning ajralmas qismidir. Shunga amin holda oqituvchilar eng ilgor yondoshuvlar bilan tanishishlari va keyinchalik ularni birlashtirishi va oz ishlarida foydalangan holda talim tizimida sezilarli osishga erishish mumkin. Koplab tashkilotlar axborotni jonatish va olish uchun multimedia imkoniyatlaridan foydalangan holda yangi darajaga otmoqda. Kompyuterlar va boshqa qurilmalardan foydalanish butun talim jarayonining muvaffaqiyatini belgilaydi.

Talim jarayonida otkaziladigan treninglarda nutq konikmalarini shakllantirishga va ijtimoiy moslashuvchanlikni rivojlantirishga yetarli etibor berilishi kerak. Bundan tashqari talimda har bir darsning muvaffaqiyati kop jihatdan mashgulotni togri tashkil etishga bogliqdir. Dars oqituvchi va oquvchining ijodiy hamkorligiga asoslanishi lozim.

Shundagina oquvchilar mustaqil erkin fikrlay oladilar, irodalari tarbiyalanadi.

Adabiyotlar ro`yxati:

1. J. Jalalov , , Chet tili o`qitish metodikasi`` Toshkent 2012
2. Harmer J. The practice of English language. Teaching London 2001
3. Bekmurotova U. B , , Ingliz tilini o`qitishda inovatsion texnologiyalardan foydalanish`` mavzusida referat Toshkent 2012
4. O`. Hoshimov I. Yoqubov , , Ingliz tili o`qitish metodikasi`` Toshkent sharq nashriyoti 2003
5. Otaboyev M. R , , Chet tilini o`qitishda zamonaviy inovatsion texnologiyalardan foydalanish va uning samaradorligi`` 2017.

DASTURLASH TILLARI RIVOJLANISHINING ZAMONAVIY TENDENTSIYALARI

*Kuralov Y.A. – katta o`qituvchisi
Nishonova M.O'., Komilova Sh.A. – talabalar
Chirchiq Davlat Pedagogika*

Dasturlash tili - bu kompyuterga aniq vazifalarni bajarish uchun ko'rsatma berish uchun belgilar va qoidalar to'plami. Dasturlash tilidan foydalanib dastur yozishdan oldin dasturchilar barcha belgilangan qoidalarga amal qilishlari kerak. Foydalanuvchi kompyuter bilan u tushunadigan tilda muloqot qilishi kerak. Inson kabi kompyuter ham o'ziga xos tilda muloqot qiladi. Bu til faqat kompyuter tushunadigan til bo'lib, u cheklangan lug'at va qat'iy yozish qoidalaridan iboratdir. Kompyuter tushunadigan va muloqot olib boradigan "til" dasturlash tili deb ataladi. Istalgan dasturlash tilini bilgan shaxs o'z dasturini bemalol tuza oladi. Lekin protsessor dasturlash tilida yozilgan dasturni to'g'ridan - to'g'ri tushuna olmaydi. Shuning uchun ham dasturni protsessor tiliga tarjima qiladigan (raqamli otkazib beruvchi) tarjimon tili - translyatordan foydalaniladi. Tarjimon tilining ikkita turi mavjud: kompilyator va interpretator . Kompilyator dasturlash tilida yozilgan dastur kodini to'laligicha oqib , mashina kodiga tarjima qiladi va tarjima natijalarini bajariladigan yaxlit bitta faylga yig'adi. Interpretator dasturlash tilida yozilgan kodni bosqichma -bosqich mashina kodiga aylantirib , tahlil qiladi va berilgan buyruqlarni ketma- ketlikda bajaradi. Agar xatolik sodir bo'lsa, o'sha zahoti xabar beradi.

Tizimli va amaliy dasturlarni yaratish uchun dasturlash tillaridan foydalanamiz. Dastur yaratish jarayoni katta hajmga ega bólib, dasturlash tillarida dastur yozish jarayonning bir qismi sanaladi. Kompyuter dasturlarini yaratish jarayoni bir necha bosqichlarini óz ichiga oladi:

1. dastur uchun talab aniqlanadi.
2. dastur loyihasi ishlab chiqiladi.
3. dastur kodi yoziladi.

4. kodlash jarayoni tugab, dasturdagi xatoliklarni aniqlash va testlash jarayoni amalga oshiriladi.

5. dastur amaliyotga joriy etiladi.
6. qóllab- quvvatlash amalga oshiriladi.

Ushbu bosqichlarga to'xtaladigan bo'lsak. Bu bosqichlar quyidagi vazifalarni bajaradi:

1. Ushbu jarayonda dasturning qanday maqsadda qóllanilishi, kirish va chiqish ma'lumotlari aniqlanadi. Dastur va resurslarni ishlab chiqish, uni joriy etishning narxi baholanadi.

2. Dasturchilar uchun texnik topshiriq va vazifalar shakllantiriladi. Ishchi hujjatlar hamda ish rejasining grafigi tuziladi.

3. Bu kodlash (dasturlash) jarayoni bólib, tuzilgan algoritm dasturlash tilida yoziladi.

4. Bu jarayonda dasturning tóg'ri tuzilganligi, ishlash samaradorligi va boshqa parametrlariga aniqlik kiritiladi.

5. Agar dastur aniq buyurtmachi talabiga muvofiq yaratilgan bólsa, u holda bu bosqich eng muhim bosqich sanaladi. Bunda avvalgi dasturda foydalanilgan qurilma va ma'lumotlar yangi dasturga moslanadi. Ushbu dastur bilan ishlovchi mutaxassislar óqitiladi.

6. Bu bosqichda foydalanuvchilarga tavsiyalar beriladi. Shuningdek, foydalanuvchi xohishini inobatga olgan holda, ish jarayonida yuzaga kelgan kamchilik va takliflar asosida dasturga tuzatish kiritiladi.

Bugungi kunda dasturlash tillarining turlari juda ham ko'p va o'z navbatida ularga bo'lgan talab ortib bormoqda. Har bir dasturlash tili o'zining vazifasi va funksiyasiga ega. Shunga ko'ra:

C-kompyuter operatsion tizimlarini yozish uchun móljallangan.

JAVASCRIPT-interfaol web- saytlarni yozish uchun móljallangan.

SCRATCH-dasturlarni órganish uchun eng Mo's vizuallashtirgan dasturlash tili.

JAVA-kompyuter, mobil telefon va planshetlar uchun móljallangan.

PHP-dinamik web-saytlar yaratish uchun móljallangan.

PYTHON-turli masalalarni yechish, sun'iy intellekt tizimlari uchun móljallangan.

Ushbu dasturlash tillari ko'rsatilgan vazifalar uchun qulay dasturlash tillari hisoblanadi.

Izlanishlarimiz davomida dasturlash tillarining mavjud kamchiliklarni va afzalliklarini quyidagi jadval asosida keltirib o'tganmiz.

Mavjud kamchiliklari:	Mavjud avzalliklari:
Dasturlash tilida yozilgan xatoliklarni topish qiyin.	Mavjud ishlarni avtomatlashtira olish imkoniyati.
Dastur kodini yozish ko'p vaqt talab qiladi.	Yuqori darajadagi til tabiiy tilga yaqinroq, shuning uchun ularni o'rganish va tushunish osonroq.
Dasturlash tilini o'rganish uzoq vaqt talab etadi.	Iqtisodiy samaradorlikning oshishi.
Maxoratli kadrlar yetishmovchiligi.	Yuqori darajadagi til dasturi mashinalar o'rtasida ko'chma bo'lishning afzalliklariga ega.

Dasturlashni o'rganish uchun hamma joyda ham sharoit yetishmasligi.	Inson omilining kamayishi.
Mahoratli kadrlarni munosib taqdirlash mavjud emasligi.	Xalqaro darajada ishlash imkoniyati.

(1-jadval)

ADABIYOTLAR

Kuralov, J. A. , (2022). Kўn yrim maхsulotiga mexanik ishlov beruvchi mashinaning йўнувчи вали ҳаракат дифференциал тенгламаси. *Yangi materiallar texnologiyasi*, 4(1), 297-299

Kuralov, J. A. , (2021). Моделирование течения жидкости в цилиндре со свободной поверхностью. *Matematik fizik va matematik modellashirishning zamonaviy muammolari*, 1(2), 70-73.

Abdullayeva, U. T. , (2022). Умумий ўрта таълим мактабларида қардош халқлар адабиётини қиёсий ўқитишнинг илмий - назарий асослари. *Globallashuv davrida tilshunoslik va adabiyotshunoslik taraqqiyoti hamda ta'lim texnologiyalari*, 1(1), 272 – 274.

Abdullayeva, U. T. , (2021). Туысқан халықтар әдебиетін оқыту. *Независимый казахстан: современный образовательный потенциал и достижения*, 1(3), 9-11.

Abdullayeva, U. T. , (2021). Учащихся школы «человек слова» понятие о технологии применения темы проходит резюме. *Кластер педагогического образования: проблемы и решения*, 1(2), 1181-1183.

KO'PBURCHAK VA AYLANA KOMBINATSIYASINI O'QITISH HAQIDA

Isoqova E.J.- JDPI, talabasi

Annotasiya: Ushbu maqolada ko'pburchak va aylana kombinatsiyasiga doir bo'lib, bunda uchburchak, to'rtburchak, muntazam ko'pburchak va unga ichki va tashqi chizilgan aylanalarga doir qiziqarli masalalarni yechish usullari berilgan.

Kalit so'zlar: uchburchak, to'rtburchak, muntazam ko'pburchak, aylana.

Umumiy o'rta ta'lim maktabi geometriya darsida 7-sinf darsligida “Ko'pburchaklar va uchburchaklar” mavzusiga jami 8 soat, “Uchburchak tomonlari va ular orasidagi munosabatlar” mavzusiga jami 7 soat, 8-sinfda “Ko'pburchaklar, qavariq ko'pburchak ichki va tashqi burchaklarining yig'indisi, parallelogram va uning xossalari, paralelogramning alomatlari, to'g'ri to'rtburchak va uning xossalari, romb va uning xossalari, kvadrat va uning xossalari, uchburchakning o'rta chizig'i, trapetsiya, teng yonli trapetsiyaning xossalari, trapetsiyaning o'rta chizig'i, uchburchak yuzi kvadrat yuzi ko'pburchak yuzi” mavzulariga jami 14 soat, “Aylana, markaziy burchak, aylana vatari va diametrir, aylanaga urinma, aylanaga ichki chizilgan burchak, ichki chizilgan aylana, tashqi chizilgan aylana” mavzularga jami 7soat, 9-sinf darsligida “Ko'pburchakning o'xshashligi, uchburchak o'xshashligi, aylanaga ichki chizilgan ko'pburchak, aylanaga tashqi chizilgan ko'pburchak, muntazam ko'pburchaklar, muntazam ko'pburchakka ichki va tashqi chizilgan aylana, aylana uzunligi, diora yuzi, doira bo'laklar yuzi” mavzularga jami 9 soat ajratilgan[1, 2, 3]. Bundan ko'rinib turibdiki, ko'pburchak va aylana masalasi xususiy hollarda o'rganiladi, ya'ni uchburchak va aylana, to'rtburchak va aylana, ko'pburchak va aylana. Aynan bir masalada bir nechta shakllarning kombinatsiyasi juda kam hollarda qaralgan. Ushbu maqolada biz bir nechta geometrik shakllarning kombinatsiyasini o'qitishni berib o'tamiz.

Quyidagi masalalarni qaraylik:

1-masala. Muntazam oltiburchakning tomonlari davom ettirilishidan hosil bo'lgan uchburchaklarga doiralar ichki. Muntazam oltiburchakka tashqi chizilgan doira yuzini, doiralar yuzlari yig'indisi nisbatini toping (1-rasm).

Yechish: Ma'lum bo'lishicha muntazam ko'pburchaklar tomonlari davom ettirilishidan hosil bo'lgan uchburchaklar o'zaro teng va teng tomonli shu bilan birga tomonlari muntazam ko'pburchak tomonlariga teng ekanligi kelib chiqadi.


Ishni avvalo, muntazam uchburchakka ichki chizilgan doira radiusini topishdan boshlaymiz

$$r = \frac{h}{3} = \frac{\sqrt{3}}{6}a = \frac{a}{2\sqrt{3}}$$

Muntazam oltiburchakka tashqi chizilgan doira radiusi tomoniga teng. Bundan

$$\frac{S_1}{S_2} = \frac{\pi a^2}{\pi \frac{a^2}{12} \cdot 6} = 2$$

Javob: $\frac{S_1}{S_2} = 2$ ga teng.




1-rasm


2-masala. O'рта chizig'i M ga, diagonalarini tutashtiruvchi kesma N ga teng bo'lgan teng yonli trapetsiyaga aylana ichki chizilgan. Shu aylanaga tashqi chizilgan muntazam uchburchak tomonini toping (2-rasm)?

Yechish: Shartda berilgandek chizma chizamiz va aylana radiusini topamiz. Diagonalari o'rtasini tutashtiruvchi kesma asoslar ayirmasi yarmiga teng o'рта chiziq esa yig'indisi yarmiga teng. Aylanaga tashqi chizilgan uchburchak qarama qarshi tomonlari yig'indisiga $a + b = c + c$ ga teng bo'ladi. Bundan esa $c = M = \frac{a+b}{2}$ kelib chiqadi.

Demak, yon tomoni ham M ga teng. Balandlik esa radius ikkilanmasiga teng shu sababli balandlikni topamiz. Asoslari ayirmasi yarmi N ga teng.



2-rasm



3-rasm

Endi muntazam uchburchakni aylanaga tashqi chizamiz(3-rasm).

$$r = \frac{h}{3} = \frac{\sqrt{M^2 - N^2}}{2} = \frac{h}{3}, h = \frac{3\sqrt{M^2 - N^2}}{2}$$

$$a^2 = \frac{a^2}{4} + \left(\frac{3\sqrt{M^2 - N^2}}{2}\right)^2, a^2 = \frac{a^2}{4} + \frac{9(M^2 - N^2)}{4}, a = \sqrt{3(M^2 - N^2)}$$


Javob: $a = \sqrt{3(M^2 - N^2)}$

3-masala. Kvadratning har bir burchagi markaz qilib radiusi kvadrat tomonining yarmiga teng bo'lgan doiralar chizilgan. Shu aylanalarga tashqi chizilgan kvadratga tashqi chizilgan doira yarmi doiralar kichik kvadratdan kesib olingan yarmiga nisbatini toping (4-rasm).

Yechish: Birinchi kvadrat tomonini a deb belgilab olamiz. Kichik doira radiusi kichik kvadrat tomonning yarmiga teng. Birinchi navbatda kichik doira yuzini topib olamiz

$$r = \frac{a}{2}, S = \pi R^2 = \pi \cdot \frac{a^2}{4},$$

$$\frac{S}{4} = \pi \cdot \frac{a^2}{4} \cdot \frac{1}{4} = \frac{\pi a^2}{16}$$



4-rasm

Bu aylana berilgan aylananing 4 dan 1 qismi. Shunday qismlardan 4 ta ularning yuzi $S^1 = 4 \cdot \frac{\pi a^2}{16} = \frac{\pi a^2}{4}$ ga teng. U holda, $S_1 = a^2 - \frac{\pi a^2}{4} = \frac{a^2(4-\pi)}{4}$

Endi katta kvadrat tomonini topamiz va uning tomoni 4 ta kichik doiralarda radiusiga teng

$$4 \cdot \frac{a}{2} = 2a$$

Tomoni $2a$ bo'lgan kvadratning diagonali $d = 2\sqrt{2}a$ ga teng. Katta doira radiusi diagonal yarmiga teng ekanligidan $R = \frac{2\sqrt{2}a}{2} = \sqrt{2}a, S_2 = \pi R^2 = 2\pi a^2$ ga teng. Demak,

$$\frac{S_2}{S_1} = \frac{2\pi a^2}{\frac{a^2(4-\pi)}{4}} = \frac{8\pi}{(4-\pi)} \text{ ga teng ekan.}$$

$$\text{Javob: } \frac{S_2}{S_1} = \frac{2\pi a^2}{\frac{a^2(4-\pi)}{4}} = \frac{8\pi}{(4-\pi)}$$

Agar umumiy o'rta ta'lim maktabi geometriya darslarida bitta masalada bir nechta jismlar kombinatsiyasi birgalikda qaralsa o'quvchilarga berilgan tushuncha va tushunchalar umumlashmasini o'quvchilar tomonidan yaxshi o'zlashtirishi, mavzulararo aloqadorlikni ta'minlashga xizmat qiladi.

ADABIYOTLAR

A'zamov A., Haydarov B., Sariqov E., Qo'chqorov A., Sag'diyev U. Geometriya. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 7 – sinfi uchun darslik. Toshkent. Yangiyo'l poligraf. 2017 yil. 160 bet.

2. Rahimqoriyev A., To'xtaxo'jayeva M. Geometriya. 8 – sinf uchun darslik. Toshkent. Yangiyo'l poligraf servis. 2014 yil. 160 b.

3. Haydarov B., Sariqov E., Qo'chqorov A. Geometriya. 9 – sinf uchun darslik. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi davlat ilmiy nashriyoti. Toshkent. 2014 yil. 160 b.

NEFT SANOATI TARIXI VA QASIB OLISH USULLARI

Ziyayev F.Ch. – o'qituvchi

Fayziyev X.A. – talaba

Termiz muhandislik – texnologiya instituti

Annotatsiya: Nefti sanoati tarixini o'rganish, qazish usullarini taxlil qilish va sohadagi muammolarni ko'rib chiqishga yo'naltirilgan loyihalarni ko'rib chiqish.

Kalit so'zlari: neft, quduq, suyuqlik, kon, quvur, qazish, qatlam, mahsulot, tashish.

Neft sanoati — og'ir sanoat sohasi. Neft va gaz konlarini qidirish, kon quduqlari qazish, neft va neft bilan aralash chiqadigan gazni qazib olish, neft gazini qayta ishlash, neftni quvurlar orqali jo'natishni o'z ichiga oladi. Neft sanoati neft quduqlarini mexanik usulda qazishga o'tilgan davrdan

(AQSH, 1859) rivojlana boshladi, deb hisoblanadi. Rossiyada 1-neft qudug'i Kubanda 1864-yilda qazilgan. Neft sanoati Kanadada 1862-yildan, Venesuelada 1917-yildan, Eronda 1908-yildan paydo bo'lgan.

O'zbekistonda dastlabki neft koni 1904-yilda ochilgan (Fargona vodiysidagi Chimyon neft konida 278 m chuqurlikdan sutkasiga 130 t neft olingan). O'sha yili Vannovsk (hozirgi Oltiariq) temir yo'l stansiyasida neftni qayta ishlash zavodi ishga tushirildi. O'zbekistonda neft sanoatining paydo bo'lishi shu sanadan boshlanadi. Keyinroq Fargona botig'ida Yorqo'ton, Selroxs konlari ham ochildi, Chimyon-Vannovsk neft quvuri qurildi, neftni qayta ishlash zavodi kengaytirildi. Shu davrda rus va chet el kapitali neft qazib olish, uni qayta ishlash, neft mahsulotlarini sotishni to'la o'z nazoratiga oldi. "Santo" — O'rta Osiyo neft savdosi shirkati tashkil etildi. 1913-yilda jami 13 ming t neft qazib olindi. Oktabr to'ntarishidan keyin neft konlari va neftni qayta ishlash korxonalari natsionalizatsiya qilinib, neft konlarini izlash, ishga tushirish ham sho'rolar hokimiyati ix-tiyoriga o'tkazildi. O'zbekistonga boshqa respublikalardan, ayniqsa, Rossiyadan ko'plab mutaxassislar kela boshladi.

Qo'qon shahrida "O'zbekneft" (1924), Termiz shahrida "Termizneft" (1936) trestlari tashkil qilindi. Qo'qon neft texnikumi (1935) ochildi. Urushgacha bo'lgan davrda Surxondaryo viloyatida ham neft konlari ochildi va ishga tushirildi (1935; Uchqizil, Xavdag). 1940-yilda mamlakatda neft olinadigan konlar soni 11 taga yetkazildi. 1941—45 yillarda yangi neft konlari (Farg'ona vodiysida Janubiy Olamushuk, Polvontosh, Andijon) ochildi va tez fursatda ishga tushirildi. Oltiariq zavodi kengaytirildi. O'sha davrda respublikada neft sanoatining infratuzilmasi ham vujudga keldi. 1941-yilda 196 ming t, 1945-yilda 478 ming t neft qazib olindi, 50-yillardan neft konlarida telemexanizatsiya vositalari qo'llanildi, turbinali burg'ilash joriy qilina boshladi. 1959-yilda Farg'ona vodiysi va Surxondaryo viloyatidagi 9 neft konining o'zidan 1460 ming t dan ziyod neft olindi. Usha davrda Buxoro-Xiva hududlarida topilgan neft konlari ishga tushirildi, ularning negizida neft va gaz qazib olish boshqarmasi tashkil etiddi. 70-yillar boshidan ayrim neft konlaridagi zaxiralarning tugashi natijasida neft qazib olish kamaydi. Yangi neft konlarini topish uchun chuqur quduqlar qazish o'zlashtirildi. Voruxda 5200 m, G'umxonada 5670 m, Chust-Popda 5805 m, Mingbuloqda 6006 m o'ta chu kur neft quduqlari burg'ilandi. 1985-yilda Buxoro-Xiva provinsiyasida yaxshi tarkibli, neft-gaz kondensatli Ko'kdumaloq koni ochildi. O'zbekiston Respublikasi mustakillikka erishganidan so'ng Neft sanoatini rivojlantirish masalasi muhim ishga aylandi. 1992-yil 23-dekabrda neft va gaz sanoati hamda u bilan bog'liq barcha korxonalar, tashkilot, muassasalar yagona boshqaruvga birlashtirilib, "O'zbekneftgaz" milliy korporatsiyam tashkil etildi. 1993-yil Farg'ona botig'ining o'ta chuqur qatlamlaridan (Mingbuloq tuzilmasidan) neft otilib chiqdi (qidiruv burg'ilash ishlari davom etmoqda). Respublika neft sanoati xalq xo'jaligining neftga bo'lgan talabini to'liq qondirish imkoniyatlariga ega. Ayniqsa, Ko'kdumaloq koni jadal sur'atlar bilan ishga tushirildi. 1995-yilda O'zbekistonda 7 mln. t ga yaqin neft va kondensat qazib olindi. 1991—2003-yillarda O'zbekistonda neft va gaz kondensatini olish 2, 8-marta oshdi (1990-yilda 2, 81 mln. t; 1997-yilda 7, 9 mln. t) va 1995-yilda neft importini tugatib, respublikaning neft mustaqilligini ta'minlashga imkon yaratdi. 2001-yilning yanvariga kelib O'zbekistonda 59 konda neft olindi, 17 ta kon ishlatishga tayyorlangan va konservatsiyada. 13 ta kon qidiruv holatida. Neft qazib olish va konlarni izlab-tekshirish bo'yicha O'zbekiston — Malayziya qo'shma korxonasi (O'z-Maloyl) (1994) tashkil etildi. O'zbekiston neft mustaqilligiga erishgach, chetdan neft va neft mahsulotlari tashib keltirishga zarurat qolmadi. 2000-yilda O'zbekiston Neft sanoatida gaz kondensata bilan birga 7, 53 mln. t neft qazib olindi. Neft-kimyosanoatining rivojlanishi tufayli hozirgi zamon iqtisodiyotida neftning ahamiyati ortib bormoqda. Jahonda Neft sanoati AQSH, Rossiya, Buyuk Britaniya, Saudiya Arabistoni, Eron, Quvayt, Venesuela, Xitoy va boshqa mamlakatlarda rivojlangan. Neft qudug'ini kazishning ma'sulyatli boskichlaridan biri bu tugallash ishlari bo'lib, unga quyidagilar kiradi: maxsuldor qatlamni ochish; mustahkamlovchi quvurlar tizmasini teshish va semonlash, quduq tubini jixozlash va neft oqimini hosil qilish. Bu ishlarning qanchalik to'g'ri olib borilganligi quduqni o'zlashtirish davrida va ishlatish davomida bilinadi. Neft qatlamini ochishda neft va gazning quduq tomon tabiiy sizuvchanligini saklab kolish va avariya-siz ishlashini ta'minlash uchun ochish texnologiyasini to'g'ri tanlash lozim. zlashtirish Maxsuldor

qatlamni ochish, suyuqlik oqimini hosil qilish va quduqda o'zlashtirish ishlarini olib borish vaktidagi kungilsiz xodisa (ochiq favvoralanish, suv paydo bo'lishi) larning yuz berishi nazariy va amaliy koidalarga rioya kilmalikdandir. Maxsuldor qatlamni ochish usuli qatlam bosimi, qatlamning neft bilan tuyinganligi va boshqa kattaliklarga qarab xar-xil bo'lishi mumkin va ularning xar – biri quyidagi talablarga javob berishi kerak: -yuqori bosimli qatlamni ochishda ochiq favvoralanishga yo'l kuymaslik; -qatlamni ochish vaktida quduq tubi tog' jinrlarining tabiiy o'tkazuvchanligini saklab kolish, o'tkazuvchanligi yomon bo'lsa, uni yaxshilash choralarini qo'llash. -maxsuldor qatlamni shunday ochish kerakki uzok vakt quduq maxsuloti suvlanmasdan ishlashi kerak; Maxsuldor qatlamni ochish uchun shunday yuvuvchi suyuqlikdan foydalanish kerakki, u maxsuldor qatlamning o'tkazuvchanligini yomonlashtirmaydigan va qatlam bosimiga teskari bosim hosil kilaoladigan bo'lishi kerak. YUvuvchi suyuqlik barqaror bo'lishi kerak, u maxsuldor qatlamning o'tkazuvchanligini yomonlashtirmaydigan va qatlam bosimiga teskari bosim hosilkilaoladigan bo'lishi kerak. YUvuvchi suyuqlik barqaror bo'lishi kerak, yani vakt o'tishi bilan o'zining sifatini o'zgartirmasligi lozim, chunki qatlam ochilgandan keyin tizmani tushirgincha ancha vakt o'tadi. Neft va gaz quduqlarini muvofaqiyatli o'zlashtirish uchun maxsuldor qatlamning sifatli ochilishi katta ahamiyatga ega. Ilmiy, amaliy va laboratoriya tekshirishlari shuni ko'rsatadiki maxsuldor qatlamni ochish vaktida suv asosida tayerlangan yuvuvchi suyuqlikdan foydalanish tabiiy g'ovak muxit o'tkazuvchanligini yomonlashtiradi. Laboratoriya sharoitida tabiiy va suniy namunalardan foydalanib tekshirilganda g'ovak muxit o'tkazuvchanligi 15-60% gacha yomonlashishi aniklangan. Maxsuldor qatlamni ochishda yuvuvchi suyuqlik quyidagi talablarga javob berishi kerak: 1. Qatlamga singib kam miqdorda fil'tratlar hosil qilishi yoki umuman hosil kilmasligi kerak. 2. Hosil bo'lgan filtrat va qattiq zarrachalarni er yuzasiga chiqarishni oson bo'lishini ta'minlash. 3. Iloji boricha g'ovak muxit o'tkazuvchanligini yomonlashtiruvchi eritmalarni kullaniilishiga yo'l ko'ymaslik. Neft va gaz sohasiga bugungi kunda alohida etibor qaratilmoqda. Bunga misol qilib joriy yilning 29-30-oktabr sanalarida Toshkent kimyo-texnologiya instituti va "Uzbekneftgaz" AJ tomonidan "Neft-gaz sanoatida innovatsiyalar, zamonaviy energetika va uning muammolari" mavzusida 2-Xalqaro ilmiy-texnikaviy anjuman o'tkaziladi. Anjumanga Polsha, Rossiya, Xitoy, Qozog'iston, Tojikiston va O'zbekistondan maqolalar taqdim etilgan. Xalqaro anjumanning yalpi majlisida Polsha, Rossiya, Belorussiya, Tojikiston va O'zbekiston olimlari va yetuk mutaxassislari tomonidan ma'ruzalar tinglandi. Shuningdek, anjumanda Respublika va Rossiyalik ishlab chiqarish soha vakillari ham ishtirok etdilar. Bugun neft va gaz sohasidagi muammolardan biri ishlatilayotgan texnikalarning eskiligi va bugungi kun texnik talablariga javob bera olmaydi. Texnikalarni yangilash yangi innovatsialarni olib kelish neft va gaz sohasiga tubdan rivojlanishi va o'sishiga olib keladi.

“BOBURNOMA” - QOMUSIY ASAR

Fayzullayeva G. – talaba

Jizzax davlat pedagogika universiteti

Ne'matova H. – o'qituvchisi

JDPU

Annotatsiya

Ushbu maqola Zahridin Muhammad Boburning “Boburnoma” asari haqida yozilgan bo'lib, unda asarning mohiyatini ochib berilgan. Hamda bu asarning bugungi kundagi ta'limiy va tarbiyaviy ahamiyatiga doir fikr va tavsiyalar berilgan.

Kalit so'zlar: Zahridin Muhammad Bobur, “Boburnoma”, harbiy yurishlar, Hindiston, vatanparvarlik, o'zbek adabiyoti, fizik, biologik, geografik, etnografik, zoologik dalillar, yuksat tafakkur, adolatli hikmdor, shoir va davlat arbobi.

Аннотация

В данной статье написано о произведении «Бабурнома» Захриддина Мохаммада Бабура, в котором раскрывается суть произведения. При этом даются мнения и рекомендации относительно воспитательной и воспитательной значимости этой работы на сегодняшний день.

Ключевые слова: Захриддин Мухаммад Бабур, «Бобурнома», военные походы, Индия, патриотизм, узбекская литература, физические, биологические, географические, этнографические, зоологические свидетельства, высокое мышление, справедливый правитель, поэт и государственный деятель.

Abstract

This article is written about the work "Baburnoma" by Zahriddin Mohammad Babur, which reveals the essence of the work. At the same time, opinions and recommendations are given regarding the educational and educational significance of this work today.

Keywords: Zahriddin Muhammad Babur, "Boburnoma", military campaigns, India, patriotism, Uzbek literature, physical, biological, geographical, ethnographic, zoological evidence, high thinking, just ruler, poet and statesman.

Zahiriddin Muhammad Boburning hayot yo‘li va faoliyatiga nazar tashlaydigan bo‘lsak, uni mohir sarkarda, jangchi bo‘lish bilan birga o‘z davrining yetuk tarixchisi, g‘azal va ruboiylari bilan she‘riyat olamiga vatanga bo‘lgan sog‘inch ruhini olib kirgan hassos shoir sifatida bilamiz. Nafaqat janglardagi mahorati, balki hayoti davomida ham o‘zining shaxsiyati, yurtiga bo‘lgan muhabbati, xalqiga bo‘lgan adolati bilan ham u “sher”ligini ko‘rsata bildi. Kitobxon sifatida “Boburnoma”ni o‘qir ekanmiz, muallifning nafaqat tarixga oid qimmatli ma‘lumotlar to‘plagani, balki, o‘sha davrga oid fizik, biologik, geografik, etnografik, zoologik dalillar keltirishi bilan asarni boyitgani tufayli u qomusiy asar sifatida asl mohiyatini ko‘rsatganining guvohi bo‘lamiz. Shu boisdan ham “Boburnoma” o‘zbek adabiyoti tarixida eng ko‘p o‘rganilgan va xorij tillariga tarjima qilingan asarlardan hisoblanadi.

“Boburnoma”da harbiy yurishlar va strategiyalar bilan bir qatorda landshaftlar va shaharlar, mahalliy iqtisodiyot va urf-odatlar, jumladan, “ayollar orasida rasm bo‘lgan bir fol ko‘rish usuli bor: o‘g‘il bo‘ladimi yo qiz bo‘larmikan, deb ikki qog‘ozda — birida Ali yo Hasan yozib, yana birida Fotima bitib, ikki yumaloq loy ichiga qo‘yib, u loylarni bir kosa suv ichiga soladilar. Har qaysi oldin ochilsa, o‘shandan dalil kuzatadilar: er kelsa, o‘g‘il bo‘lur, qiz kelsa, qiz bo‘lur derlar” [1. 166], -deyilsa, yana bir o‘rinda o‘simlik va hayvonot olamining “faqat Hindistonga xos o‘simliklardan biri anbadir. Ko‘pchilik hindustonliklar „be“ harfini harakatsiz talaffuz qilganliklari tufayli bu so‘zni aytishda qiynaladilar, shu bois ba‘zilar uni „nag‘zak“ deyisharkan [2. 211] va hayvonlarning—Hindustonning suv hayvonlaridan biri suv sheridir. Oqmas suvlarda yashaydi, gilasa (kaltakesakka) o‘xshashligi bor. Aytishlaricha, u odamlarni, hatto ho‘kizni ham yamlab yuta olarmish [3. 211] kabi yaxshi kuzatilgan tavsiflari mavjud. Ko‘rinib turibdiki, Boburning tasvir mahorati, hind xalqining urf-odatlarigacha bo‘lgan qirralarini batafsil ochib beribgina qolmay, hayvon-u o‘simliklarning foydali va zararli xususiyatlari haqida yetarlicha ma‘lumotlarni qoldirgan. Bu jihatlar nafaqat sayyohlarga, balki hind xalqining ham katta qismiga ma‘lum bo‘lmagan muhim yangilik hisoblanardi.

“Boburnoma”da ma‘lumotlar shunchaki yangilik sifatida emas, balki, yangi bir kashfiyotdek keltiriladi. Chunki kitobxon asarni o‘qish davomida Bobur bilan birga g‘aroyibotlarni qayta kashf etgandek his etadi o‘zini: “Hindustonning yana uch narsasidan qiynalardik: birinchisi — uning issig‘i; ikkinchisi — changi; uchinchisi — qattiq shamoli. Hammom har uchalasining ziyonini daf qila olarkan. Hammomda chang va shamol nima qilsin. Issiq kunlari u yer shu qadar sovuq bo‘ladiki, odam hatto sovqotishi ham mumkin.” [4. 223]. Bilamizki, hammom—poklanish joyi. Ushbu satrlarda Bobur “poklik”ka ishora qilyapti. Muqaddas dinimiz asosida poklik yotganidek, poklanish orqali inson har qanday mushkulotlardan xalos bo‘ladi.

Bilamizki, Bobur ham asl musulmon kishisi sifatida birinchi o‘ringa o‘z dinini qo‘yadi. Uning amallariga sinchiklab qaraydigan bo‘lsak, doimo din hukmiga ko‘ra ish yuritadi. Shu sabab islomdagi “omonatga xiyonat qilmaslik”, “birovning haqqini yemaslik” tushunchalaridan kelib chiqib ham haqiqiy turkiy xalqiga xos bo‘lgan oliyjanoblik, milliy g‘urur fazilatlarini o‘zida yaqqol ifoda etadi. “Boburshohning fikricha, fothlik va hukumdorlik ishida yuz ming usul qo‘llasa ham haq va zarur hisoblanadi. Biroq bosib olingan yerlarni, ayniqsa, bu o‘lkalarni o‘z saltanati tarkibiga kiritish rejalashtirilgan bo‘lsa-da, u g‘olib askarlarning mag‘lublar mulkini talon-taroj qilishiga

mutlaqo yo‘l qo‘ymasdi”[5]. Garchi u Hindistonda o‘z saltanatini barpo etgan bo‘lsa-da, madaniyatlararo nizolarni bartaraf etdi, millat ajratmadi, aholini bid‘at, xurofotlardan xalos etdi, shu orqali o‘zga millatlar totuvligiga ham erisha oldi.

Tole yo‘qi jonimg‘a balolig‘ bo‘ldi,
Har ishniki ayladim, xatolig‘ bo‘ldi.
O‘z yerni qo‘yib, Hind sori yuzlandim,
Yo Rab, netayin, ne yuz qarolig‘ bo‘ldi. [6]

11 yoshdan to umrining so‘nggiga qadar hukmdorlikda bo‘lgan Bobur adolatparvar shohlik qilish bilan birga ajoyib ruboiylar, g‘azallar yozgan shoir ham edi. Dunyoda vatanga bo‘lgan muhabbat, uning sog‘inchi kabi kuchli tuyg‘u bo‘lmasa kerak, shu kuch Boburning mana shunday nodir, o‘lmas ijod namunalari yaratishiga asos bo‘ldi. Mana necha asrlardirki, uning ijodi o‘rganilib, Bobur qirralari qaytadan kashf etilmoqda. Ayniqsa, o‘zining “Boburnoma”sini yozishda yuksak xotirasi barobarida kuchli tasvir va kuzatuv mahoratini namoyon etgan. Bu Boburning yuksak tafakkur egasi bo‘lganligidan dalolat beradi. Xotiralar uyg‘unligi va mazmun ketma-ketligi jihatidan o‘zgacha yondashib yozilgan asar, hatto, ispan tarixchisi va sayyohi Klavixoning “Esdaliklar”idagi ma‘lumotlar bilan aynan mos tushadi. Shu tufayli ham Boburni o‘z davrining har taraflama yetuk namoyandasi deya olamiz.

Hayotining katta qismi harbiy yurishlar, jang-u jadallarda o‘tganligiga qaramay, Bobur buyuk shaxs— haqiqiy vatanparvar, adolatli hukmdor, mehribon ota, g‘amxo‘r o‘g‘il, oqil nozim sifatida o‘zining yorqin siymosini tarixning oltin zarvaraqlarida o‘chmas qilib qoldirdi. Uning shaxsiyatini abadiylashtirish maqsadida Andijon davlat universitetiga, shahardagi maktab, bog‘ hamda mahallalarga Bobur nomi berildi, Bobur xalqaro fondi tashkil etildi. Ayniqsa, har yili Bobur tavalludi munosabati bilan o‘tkaziladigan boburxonlik kechalari uning ijodini yanada chuqur o‘rganish, uning kashf etilmagan qirralarini qayta kashf etishga yordam berayotganligi e‘tirofga sazovordir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Zahiriddin Muhammad Bobur “Boburnoma”. “O‘qituvchi” nashriyot-matbaa ijodiy uyi. Toshkent. 2008 yil. 288 b.
2. @bl.uk\onlinegallery axborot sayti. Buyuk Britaniya xotiralar kutubxonasi, “Memoirs of Babur” ilmiy maqolasi
3. @tafakkur.net axborot sayti
4. @washington.edu axborot sayti; Daniel C. Waughning “Memoirs of Babur” ilmiy maqolasi. Vashington. 1999.
5. @wondersandmarvels axborot sayti “The Baburnama: An Emperor tells his own story” ilmiy maqolasi.

MUHANDISLIKDA ZAMONAVIY AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI QO‘LLASH

Aliqulova M.U.

Termiz muhandislik-texnologiyalari instituti talabasi

Annotatsiya: Ushbu maqolada sohaga oid muhandislik masalalarini axborot texnologiyalaridan foydalangan holda yechimini topish g‘oyasi ilgari surilgan. Maqolada qo‘yilayotgan masalani avtomatik yechimini topish maqsad qilib olingan

Kalit so‘zlar: Avtomatlashtirish, sohaga oid muhandislik masalalari, dasturlar, resurslar.
APPLICATION OF MODERN INFORMATION TECHNOLOGIES IN ENGINEERING

Madina Alikulova is a Ural girl

Student of Termiz Engineering-Technology Institute

Key words: ICT, Automation, electronic resources, system, information, CREDO, AY ALT, AutoCAD

Kirish: Rivojlangan davlatlarda Avtomobil yollarini avtomatlashgan loyihalash tizimini zamonaviy rivojlanish bosqichi loyihachi chiziqchi-muhandis bevosita ishlayotgan amaliy dasturiy ta'minot va personal kompyuterlardan foydalanish bilan bog'liq.

Loyiha-yo'l va uning inshootlarini qurish va keyinchalik ularni saqlash uchun zarur bo'lgan hujjatlar komplekti. Ilg'or zamonaviy konsplekti loyihalashga tizimli, yakdil yondashishni talab qiladi. Yakdil, tizimli yondashish ma'lum bir bosqichlar orqali ta'minlanadi. Har bir bosqich loyihachilar oldiga ma'lum bir maqsad va vazifalarni qo'ygan.

Avtomobil yo'llari loyihalari ikki bosqichda ishlab chiqiladi.

Loyiha oldi bosqichi:

Yo'llarni rivojlantirish dasturi:

Investitsiyalarni asoslash:

Loyiha bosqichi:

Muhandis-loyiha:

Ishchi hujjatlar:

Muhandis uchun zarur bo'lgan texnik fikrlarni chizma yordamida bayon etishni va texnik buyumni ish prinsipi hamda konstruksiyasiga qarab tushunishni, geometrik loyihalash asoslarini, chizmalar tuzishni nazariy asoslari va texnik buyumlar hamda ularning chizmalarini o'qishni o'rgatadi. Muhandislik va mutaxassislik fanlariga oid grafik axborotlarining, ya'ni geometrik ob'ektlarning ikki va uch o'lchamli tasvirlarini loyihalash, hamda texnologik jarayonlarning modellarini yaratish kabi ishlarni avtomatlashtirish uchun zarur bo'lgan bilim, ko'nikma va malakalarga yetarli darajada o'rgatishdan iborat. Oliy o'quv yurtlarini bitkazuvchilar bilimi va malakasiga bo'lgan talablar doimo oshib boradi. Loyiha ishlaridagi zamonaviy texnika va texnologiyalarini hamda tizimli loyihalashni zamonaviy uslublari va tamoyillarini o'zlashtirgan keng qamrovli muhandis yo'lchilar tayyorlashga zarur bo'lgan hissani "Loyihalash jarayonlarini avtomatlashtirish asoslari" fanini o'rganish olib keladi. Respublikamizda birinchi bor, Rossiyada ishlab chiqilgan "Elektronika" rusumidagi kompyuterlardan foydalanilgan bo'lsa, keyinchalik xorijda ishlab chiqilgan, IBM 286, 486 Pentium- I, II, III kompyuterlaridan keng foydalanildi. Hozirgi kunda eng zamonaviy hisoblangan pentium IV kompyuterlaridan, noutbuk, Netbuklardan amalda keng foydalanilmoqda. Zamonaviy texnika va texnologiyalarni o'zlashtirish va avtomobil yo'llarini avtomatik loyihalash ishlari "Yo'l loyihasi byurosi" mas'uliyati cheklangan jamiyatida keng ko'lamda amalga oshirilmoqda, oxirgi yillarda avtomatlashgan loyihalash tizimlaridan keng ko'lamda foydalanish natijasida "O'zbek milliy avtomagistrallari" loyihalari ishlab chiqildi. Bunda asosan CREDO, MX ROAD, IndorCAD, AutoCAD va CorelDRAW dasturlaridan foydalanildi. Zamonaviy texnologiyalardan foydalanib, resurslardan foydalana bilish kerak. Kompyuter dasturlaridan xabardor bo'lish va amalyotda qo'llay bilishdir. Axborot texnologiyalari to'g'risida gap ketganda, material sifatida ham, mahsulot sifatida ham axborot ishtirok etadi. Avtomatlashtirilganda turli xil chizmalarni hal etish modellari, algoritmlari tartibi texnologiyasini ishlab chiqishdir. Ma'lumotlarni qayta ishlash bo'yicha har xil amaliy vazifalarni hal etish yuzasidan turli kategoriyadagi foydalanuvchilar uchun texnik vositalar bilan samarali ishlashni tashkil qilish imkonini beradi.

Axborotning moddiy-texnik bazasi turli xil mutaxassislikda ishlaydiganlar uchun avtomatlashtirish keng qulayliklarni beradi. Axborot bu turli jabhalarda ma'lumotlarni izlash, to'plash, yaratish, ish vaqtidan unumli foydalanishda va turli xil qo'l yozmalar algoritmlash, chizmalarni aniq bir o'lchamda chizish uchun qulaylikni yaratadi. 1992-yildan boshlab O'zbekistonda loyihachi-muhandislar avtomobil yo'llari va yo'l inshootlarini qurish, rekonstruksiya qilish va ta'minlash loyihalarini ishlab chiqishda CREDO kompleks dasturini qo'llab kelmoqda. AY ALT- avtomobil yo'llarini avtomatlashgan loyihalash tizimini qo'llash tajribasi shuni ko'rsatadiki, loyiha yechimlarini sifatini oshirish va loyihalash muddatini qisqartirish nuqtai nazaridan katta samara beradi. Hozirgi vaqtda zamonaviy texnologiyalardan keng ko'lamda foydalanilmoqda. Barcha kasblar uchun kompyuter va zamonaviy texnika vositalari insonlarning bir bo'lagi desak, mubolag'a bo'lmaydi, albatta. Axborotning muhim qismi bu adekvatligidir. Adekvatlik bu-olingan ma'lumotlarning real ko'rinishidir. Axborot bu har qanday ma'lumot emas,

balki u ma'lum noaniqliklarni kamaytiradi. Inson hayolidagi ma'lum bir ob'ektni aks ettiruvchidir. Avtomatlashtirilgan loyihalash dasturidan biri bu AutoCAD dasturidir. AutoCAD tizimi-muhandis grafik ishlarini kuchli universal muhitni hosil qiladi. Bu bilan quyidagi imkoniyatlar yaratiladi:

Ikki o'lchamli ishlab chiqish:

Uch o'lchamli modellashtirishni hosil qilish:

Konstruktorik hujjatlarni olish:

Namunaviy shakllar va chizmalar yaratish.

Kompyuterda turli qurilmalar mexanizmlar, qurilish chizmalarini yaratishdir. Hozirgi vaqtda uch o'lchamli modellashtirish dasturidan foydalanilmoqda. Ulardan foydalanish konstruktorlik-loyihalashlarning sifatli bajarilishi hamda foydalanuvchiga chizmalarni yuqori aniqlikda va oz muddatda bajarish, qog'ozga chiqarish imkonini beradi. Chizmalarni chizishda AutoCAD dasturidan keng miqyosda qo'llanilayotgan dasturlardan biridir. AutoCAD bu "kompyuter yordamida avtomatlashtirilgan chizma va dizayn"deb tarjima qilinadi. AutoCAD dasturi Autodesk kompaniyasida ishlab chiqilgan bo'lib, ko'p sonli muhandislar uchun vaqtni tejash, aniqlikda bajariladigan chizmalarni chizishda foydali imkoniyatlarni beradi. Hozirgi vaqtda dasturlarning eng yaxshi xarakteristikasi bu boshqa dasturlar bilan chambarchas bog'liqlikda ishlay olishidir.

Bunda AutoCAD dasturi 3D modellashtirish fazosi bn 3 o'lchamdagi chizmalarni yaratadi va Microsoft Office dasturi bilan moskeladi. AutoCAD dasturi dizaynerlar, arxitektorlar, muhandislar va barcha mutaxasislarning ishini osonlashtiradi. Oldingi vaqtlarda chizmalarni chizish qo'lda qog'ozga tushurishdan iborat bo'lgan bunda vaqtning ko'p ketishi, qog'ozdagi chizmalarining vaqt o'tishi bilan o'zining oldingi holatini yo'qotishi natijasida chizmalar oz vaqtda saqlangan. Hozirgi vaqtda kompyuterlarda chizilgan

chizmalar vaqtning tejamkorligi va qancha vaqt bo'lsa o'z holicha saqlanishi va xohlagan vaqtda qog'ozga nusxalash imkonini beradi. Xulosa qilib aytishimiz mumkinki, AutoCAD dasturi juda ham yaxshi rivojlangan deyarli barcha jabhalarning bir bo'lagi desak mubolag'a

bo'lmaydi, albatta. AutoCAD dasturi keng imkoniyatlarni yaratib bermoqda, yildan yilga qo'shimcha

dasturlar kiritilishi uning imkoniyatlarini yaratishning yaqqol isbotidir. Barcha mutaxasislarning g'oyalarini aks ettiruvchi dastur hisoblanadi. Unumli va aniq o'lchamlarni beruvchi ishni osonlashtiruvchi dasturdir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

”Avtomobil yo'llarini avtomatlashtirilgan loyihalash”

”Avtomobil yo'llari va aerodromlar”

TA'LIMDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNING TURLARI VA AHAMIYATI

Eshpulatova X.M. – o'qituvchi

Afg'oniston fuqarolarini o'qitish ta'lim markazi

o'zbek tili va adabiyot fani

Kalit so'zlar: interaktiv metodlar, innovatsion ta'lim, innovatsiya, pedagogic texnologiya, axborot texnologiyalari, an'anaviy ta'lim.

Annotatsiya: Ushbu maqolada hozirgi kunda rivojlangan ta'lim sharoitida innovatsion ta'lim texnologiyalarining ahamiyati haqida so'z yuritilgan. Ta'limni yanada samarali qilish usullari, zamonaviy texnologiyalardan dars davomida qanday foydalanish usullari haqida ma'lumot berib o'tilgan.

Hozirgi kunda ta'lim jarayonida interaktiv metodlar, innovatsion texnologiyalar, pedagogik va axborot texnologiyalari o'quv jarayonida qo'llashga bo'lgan qiziqish, e'tibor kundan kunga kuchayib bormoqda, bunday bo'lishining sabablaridan biri, shu vaqtgacha an'anaviy ta'limda o'quvchi-talabalarni faqat tayyor bilimlarini egallashga o'rgatilgan bo'lsa, zamonaviy texnologiyalar ularni egallayotgan bilimlarini o'zlari qidirib topishlariga, mustaqil o'rganib, tahlil

qilishlariga, hatto xulosalarni ham o'zlari keltirib chiqarishlariga o'rgatadi. O'qituvchi bu jarayonda shaxsning rivojlanishi, shakillanishi, bilim olishi va tarbiyalanishiga sharoit yaratadi va shu bilan bir qatorda boshqaruvchilik, yo'naltiruvchilik funksiyasini bajaradi.

Ta'lim jarayonida o'quvchi-talaba asosiy figuraga aylanadi. Shuning uchun oliy o'quv yurtlari va fakultetlarida malakali kasb egalarini tayyorlashda zamonaviy o'qitish metodlari - interaktiv metodlar, innovatsion texnologiyalarning o'rni va roli benihoya kattadir. Pedagogik texnologiya va pedagog mahoratiga oid bilim, tajriba va interaktiv metodlar o'quvchi-talabalarning bilimli, yetuk malakaga ega bo'lishlarini ta'minlaydi.

Hozirgi davr ta'lim taraqqiyoti yangi yo'nalish - innovatsion faoliyatni maydonga olib chiqdi. Axborot - yuksak rivojlangan texnologiyalar asri deb yuritilayotgan XXI asrga kelib, ta'lim jarayoniga innovatsiyani keng joriy qilish masalasiga e'tibor yanada kuchaytirildi. O'zbekistonda ham so'nggi yillarda innovatsiya boshqa sohalarga qaraganda birinchilardan bo'lib ta'lim tizimiga kirib keldi va innovatsiyani ta'lim jarayonida qanday o'z aksini topganligini quyidagilarda ko'rishimiz mumkin. Pedagogik fanlar tizimiga innovatsiyaning kirib kelishini pedagogika fanlari tarkibiga quyidagi:

- a) Gendr pedagogikasi;
- b) Evristik pedagogika;
- v) Majburiy pedagogika;
- g) Androgogik pedagogika kabi fanlarning kirib kelishi bilan belgilandi.

O'qitish tizimiga innovatsiyaning kirib kelishini ta'lim mazmunida, o'qitish metodlarida, dars shakli, o'qitish turlari, o'qitish vositalarida ko'rishimiz mumkin.

- Ta'lim mazmuniga innovatsiya an'anaviy, noan'anaviy va masofaviy o'qitish turlarining kirib kelishi bilan izohlanadi.

- O'qitish metodlariga innovatsiya aktiv, passiv va interaktiv metodlarining kirib kelishi misolida ko'ramiz. Aktiv metodni qo'llash talabalarni dars jarayonidagi faolligini oshirishga xizmat qilsa, passiv metod talabalarni bir tomonlama tushuncha berilishi bilan izohlanadi. Interaktiv metod esa birgalikda faol harakat qilishi (o'qituvchi bilan talaba, talaba bilan talaba) tushuniladi.

- Dars shakliga innovatsiyani kirib kelishini standart, nostandart hamda vertual dars shakllari misolida ko'rishimiz mumkin.

- O'qitish turlaridagi innovatsiyani muammoli ta'lim, evristik ta'lim, darajalangan ta'lim, integratsiyalangan ta'lim, interfaol ta'lim, informal ta'lim, rasmiy ta'lim, norasmiy ta'lim turlari mavjud.

- O'qitish vositalariga innovatsiyani kirib kelishini dars jarayonida multimedia, elektron doskalar va boshqa vositalarni misol qilish mumkin.

- O'qitish metodlaridagi innovatsiyani quyidagi metodlarda ko'rishimiz mumkin.

1. Aktiv metod - dars jarayonida faollashuviga, ma'lum bir holat va voqelikka nisbatan fikrlashga-mulohaza yuritishga undaydi.

2. Passiv metod - dars jarayonida talabalarda o'rganilayotgan mavzu bo'yicha bir tomonlama tushuncha hosil bo'lishiga olib keladi.

3. Interaktiv metod. Bu metodni maqsadi dars jarayonida o'qituvchi va talabalarni birgalikdagi faol xatti-harakatlariga asoslanadi.

Dars shaklidagi innovatsiyani quyidagi shaklda ko'rishimiz mumkin.

a) Standart dars – dars ichidagi struktura o'zgarmaydi.

b) Nostandart dars – dars ichidagi struktura o'zgaradi.

v) Vertual dars – ya'ni masofadan o'qitish. Pedagogik innovatsiyada “yangi” tushunchasi markaziy o'rin tutadi. Shuningdek, pedagogik fanda xususiy, shartli, mahalliy va sub'ektiv yangilikka qiziqish uyg'otadi.

Xususiy yangilik V. A. Slasteninining aniqlashicha, joriy zamonaviylashtirishda muayyan tizim mahsuloti unsurlaridan birini yangilashni ko'zda tutadi. Murakkab va progressiv yangilanishga olib keluvchi ma'lum unsurlarning yig'indisi shartli yangilik hisoblanadi. Yangilik - bu vositadir: yangi metod, metodika, texnologiya va boshqalar. V. I. Zagvyazinskiy yangi tushunchasiga ta'rif berib, pedagogikadagi yangi bu faqatgina g'oya emas, balki hali

foydalanilmagan yondashuvlar, metodlar, texnologiyalardir, lekin bu pedagogik jarayonning unsurlari majmuan yoki alohida olingan unsurlari bo'lib, o'zgarib turuvchi sharoitda va vaziyatda ta'lim va tarbiya vazifalarini samarali hal etishning ilg'or boshlanmalarini o'zida aks ettiradi.

Pedagogik innovatsiyalar - bu maqsadlarga samarali erishishga yordam beradigan ta'lim sohasidagi yangiliklarni ishlab chiqish, joriy etish, sinovdan o'tkazish va baholash jarayoni. Ular orasida: ta'lim jarayoni vaqt o'tishi bilan o'zgaradi, mehnat bozori bo'lajak xodimlarga yangi talablarni qo'yadi va o'qitish o'zgartiriladi, yangi maqsadlarga moslashtiriladi, bunga erishish uchun yangi pedagogik usullar, uslublar va usullar zarur.

Ta'limdagi innovatsiyalar quyidagi maqsadlarga erishishga yordam beradi:

Ta'lim jarayonini insonparvarlashtirish, demokratlashtirish;

Talabalarning kognitiv faolligini faollashtirish;

Ta'lim va tarbiya ishlarini tashkil etish samaradorligini oshirish;

O'quv materialining metodika va didaktika nuqtai nazaridan o'zgartirishlari.

Pedagogik jarayonga faol joriy etilayotgan yangi yondashuvlar belgilangan maqsadlarga erishishga yordam beradi. Ular ta'lim muassasalarida ishning yangi uslub va uslublarini ishlab chiqish uchun asos bo'lib xizmat qiladi.

Ta'limga yondashuv - bu yangi texnologiyalar uchun asos bo'lgan asosiy tamoyil, talablar va maqsadlar to'plami.

Zamonaviy ta'limning talabi o'quvchilarga imkon qadar ko'proq bilim berish emas, balki ularni o'z-o'zidan o'rganishga, nafaqat bilishga, balki olingan ma'lumotlar bilan ishlay olishga o'rgatishdir.

Pedagogik innovatsiyalar ikkita asosiy yondashuvga asoslanadi:

Talabaga yo'naltirilgan yondashuv o'quv jarayonini har bir talaba shaxsiga yo'naltirishni nazarda tutadi. Zamonaviy pedagogika har bir o'quvchining o'ziga xos tajribasi va xarakterini hisobga olishi, uning individualligi va iste'dodini rivojlantirishi kerak. Ushbu yondashuvni amalga oshirish tanlov tamoyillariga tayanishni o'z ichiga oladi (talabalar o'zlari xohlagan sohalarni tanlashlari mumkin), ishonch (o'qituvchilar tomonidan avtoritar bosimning yo'qligi), ijodkorlik va muvaffaqiyat, sub'ektivlik, individuallik;

Xulosa qilib aytganda, ushbu innovatsion texnologiyalardan foydalanish Afg'oniston fuqarolarini o'qitish ta'lim markazida dars jarayonida qo'llanmoqda hamda afg'on talabalari ham chuqur bilimga ega bo'lish, yangi g'oyalar yaratish, erkin fikrlash, so'z boyligini oshirish bilan birgalikda ilmiy salohiyatlarini oshirishda samarali natijalarga erishmoqda.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Oliy ta'limda faol va interaktiv ta'lim texnologiyalari (darslarni o'tkazish shakllari): darslik / komp. T. G. Muxin. - Nijniy Novgorod: NNGASU, 2013. - 97 p.

2. Gushchin Yu. V. Oliy ta'limda interfaol o'qitish usullari // "Dubna" Xalqaro tabiat, jamiyat va inson universitetining psixologik jurnali, 2012. - No 2. - B. 1-18.

3. Zaxarova, I. G. Ta'limda axborot texnologiyalari: oliy ta'lim uchun darslik. darslik muassasalar / I. G. Zaxarov. - M. : "Akademiya", 2008. , 338-bet

5. Zamonaviy ta'lim texnologiyalari: darslik / mualliflar jamoasi; ed. Bordovskoy N. V. - 2-nashr, o'chirilgan - M. : KNORUS, 2011. - 432 b.

6. Sultanova, S. M. , Nurmatova, I. , Orzigul, X. (2021). Sovershenstvovaniefinansovogo analiza informatsionnoy sisteme buxgalterskogo ucheta AO "Uzbekiston Temir Yullari". "O'zbekiston transport tizimida raqamli va innovatsion texnologiyalarni iqtisodiy samaradorligini baholashning dolzarb masalalari", 2(1), 137-142.

7. Sultanova, S. M. , Nurmatova, I. (2021). Temir yo'l transporti sanoat korxonasi soliq yuki tahlili. Xorazm Ma'mun akademiyasi axborotnomasi, 5(5), 23-28.

FIZIKANI O'QITISHDA ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALARINING O'RNI

Ismoilov S.B.

Jizzax davlat pedagogika universiteti magistr talabasi

Annotasiya. Maqolada maktab fizikasini o'qitishda mul'timediya vositalari misolida zamonaviy modelini rivojlantirishni bayon qilingan.

Tayanch so'zlar: fizika, fizik jarayon, fizik tushuncha, mul'timediya

XXI asrda insoniyat sivilizatsi davri- axborotlashgan jamiyat davri boshlandi. Bu informatsion - telekommunikatsiyaning jadal rivojlanishi, axborot texnologiyalarni tezkor tarqalishi, jamiyat rivojlanish jarayonlarining globallasuvi, xalqaro kommunikatsion hayot muhiti, ta'lim, muloqat va ishlab chiqarishni shakllanishi hamda infosferaning rivojlanishi bilan xarakterlanadi. Axborotlashgan jamiyatning tashkiliy-texnologik asosini global informatsion tarmoq -Internet tashkil etadi.

Global Internet tizimining rivojlanishi jahon ta'lim tizimida evolyusion takomillashtirishning yangi istiqbollarini ochib berdi. Bugungi kunda an'anaviy ta'lim uslublari Internet, elektron-kompyuter setlari va telekommunikatsiya muhitiga asoslangan yangi o'qitish uslublari bilan to'ldirilmoqda. Internet texnologiyaga asoslangan teleo'qitish va masofaviy ta'lim bir qator yangi funksiyalarni bajarish bilan bir qatorda, o'zaro taqsimlangan hamkorlik prinsipi, integratsiya, xalqaro Internet tarmog'iga kirish kabi aniq prinsiplarni amalda qo'llashni talab etadi.

Zamonaviy fizika darsi yangi pedagogik texnologiyalar asosida ilm-o'quv mazmunining ilmiylik tamoyilini oshirishga, fanlararo aloqadorlik va fan ichida uzviylikni ta'minlashga qaratilgan bo'ladi.

Zamonaviy kompyuterlar, shu jumladan, Internet tarmog'i ta'limda fizikani o'rganishda bir qator ijobiy xususiyatlarga ega. Xususan, animatsion fizik modellar bilan o'qitish dasturlari, kompyuterda namoyish etiladigan videolavhalar, avtomatlashtirilgan laboratoriya qurilmalari va boshqalar uzluksiz ta'lim tizimida fizika fanini o'qitishni zamonaviy darajasini oshiradi.

Fizika darslarining tuzilishi o'qituvchi va o'quvchilarning dars jarayonida birgalikdagi faoliyatini, ularning darsga tayyorgarlik darajalarini ichki va tashqi jarayonlari mohiyati bilan bog'langan.

Ma'lumki, umumta'lim maktablarda fizika fani o'z ichiga "Mexanika", "Elektrodinamika va magnetizm", "Molekulyar fizika", "Optika", "Atom va yadro fizikasi" kabi bo'limlarni o'z ichiga oladi. Ularni o'rganish va tushunish uchun tasavvur tafakkurini tahlil qilish va taqqoslash qobiliyati talab qilinadi.

Ayrim o'quvchilar esa ushbu bo'limlarda tasvirlangan hodisalar, jarayonlarni chuqur tushunish uchun zarur bo'lgan fikrlash qobiliyatiga ega bo'lmasliklari mumkin. Bunday vaziyatlarda zamonaviy texnik o'quv qurollari va birinchi navbatda shaxsiy kompyuter yordamga keladi. Zamonaviy AKT vositalari yordamida tasavvur qilinishi qiyin bo'lgan tajribalarning, hodisalarning modelini yaratish, balki jarayonning shartlarini o'zgartirish, assimilyatsiya qilish uchun optimal tezlik bilan "aylantirish" imkonini beradi.

Agar fizika darsi davomida 3D ekranda mexanika bo'limi mavzularini bosqichma bosqich tushuntiradigan virtual taqdimot paydo bo'lsa, bunday taqdimotni o'quvchi hech qachon esdan chiqara olmaydi va chuqur o'zlashtira oladi. Fizika bu har xil hodisa va voqealarni atrofdamizdagi olam bilan bog'lab ilmiy yondashib diagrammalar va suratlar orqali ko'rib chiqish bo'lib hisoblanadi.

Shunday qilib, fizik jarayonlar mexanizmlarini, ularning yuz berish bosqichlarini kompyuterda kuzatish, ularni yangi dars bayonida, tajriba mashg'ulotlarida namoyish etish va bu holatlarni kompyuter texnologiyalariga tayangan holda olib borish o'qitish jarayonida o'quvchiga bilim berish va fan asoslariga doir ko'nikmalar hosil qilish samaradorligini oshiruvchi omil hisoblanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Nazarov O'. Q. va boshqalar. Umumiy fizika kursi. 1-2 q. – T. : O'qituvchi, 1992.
2. Qodirov O. Fizika kursi. 1 q. – T. : Fan va texnologiya, 2005.

3. Safarov A. S. Umumiy fizika kursi. 1-2 q. - T. : O'qituvchi, 1992.
4. Ismoilov M. , Xabibullaev P. , Xaliulin M. Fizika kursi. – T. : O'zbekiston, 2000.
5. www. ziyonet. uz
6. www. ref. uz
7. www. google. uz
8. www. lex. uz

AFG'ONISTONLIK O'ZBEK YOSHLARIGA O'Z ONA TILINI O'QITISH VA O'RGATISH HAMDA MAZKUR TILNING RIVOJI UCHUN QO'SHAYOTGAN HISSALARI

Ahmad Jovid Anis

*O'zbekiston respublikasi Oliy va O'rta
Maxsus ta'lim vazirligi huzuridagi Afg'oniston
fuqarolarini o'qitish ta'lim markazi talabasi*

Annotatsiya: usbu maqolada Afg'onistonlik yoshlarga o'zbek tilini o'qitish va o'rgatish hamda mazkur tilning rivoji uchun qo'shayotgan hissalari haqida so'z boradi.

Kalit so'zlar: “Urxun enisey”, maosir, didaktik, qomusiy, runiy

Ona tili – millatning ruhi, uning or-nomusi, ma'naviy qiyofasi, orzu-umidlarning namunasidir. Ona tili millatning birligi va birdamligining timsolidir. U millatni yagona xalq sifatida o'z atrofida birlashtiradi va dunyoda borliqni ta'min etadi. Har bir millatning o'z Vatani, oilasi bo'lgani kabi uning jonajon va betakror ona tili ham bo'ladi. Inson uchun uning vatani, ota-onasi, oilasi qanchalik qadrlil bo'lsa, uning ona tili ham shu qadar aziz va muqaddas bo'ladi. Hattoki, go'dak ham o'z vatanini, ota-onasini, dunyoni o'z ona tili orqali anglaydi va atay boshlaydi. Farzand tarbiyasida onaning o'rni beqiyos bo'lganidek, insonning hayotda o'z o'rnini topishida, kamolotga erishuvda tilning o'rni ulkan ahamiyatga ega. Shu bois tilni, onaga qiyoslab ona tili deb ataydilar. Shuning uchun o'zbek tili va adabiyoti boy madaniyatga ega bo'lib, uning adabiyotga oid ilk tarixiy ildizlarini 5-8 asrlarda “Urxun enisey”(runiy) yodgorliklaridan izlash mumkin. So'ngra barcha turkiy xalqlarga tegishli shahkor asarlar jumladan Yusuf Xos Hojibning “Qutadg'u bilig”, Mahmud Koshg'ariyningning “Devoni lug'otit turk”qomusiy asari, Ahmad Yugnakiyning “Habbat ul-haqoyiq” didaktik asari va boshqalar turk-o'zbek tilining yorqin namoyon qilishi uchun xizmat qilganlar.

Bundan keyingi asrlarda Movaro un-nahr hamda Xuroson muhitida qad ko'tar shoir va yozuvchilar shu jumladan Rabg'uziy, Lutfiy, Navoiy, Bobur, Boyqaro va yuzlab shoir va yozuvchilar turk-o'zbek adabiyotining boyligini jahon miqyosiga ko'targan. Afg'oniston jahon o'zbeklarining son jihatdan ikkinchi va o'zbek tilining rivoji va taraqqiyotiga ko'ra birinchi markaz sanalar edi. Bu so'z isboti uchun hurmatli shoir va yozuvchimiz Toshqin Bahoiyning qiziqarli so'zlari borki deydilar” O'zbekiston , o'zbeklarning siyosiy vatani bo'lmishiga qaramay o'zbek tili va adabiyoti taraqqiyot bosqichlaridan gap chiqqanda ularning eng yuksak cho'qqisida turgan Amir Alisher Navoiy hozirgi Afg'oniston hududiga qarashli Hirotda tug'ilib, u yerda o'sdi va ijod etdi va nihoyatda uning vafoti ham shu yerda yuz berib , maqbarasi ham ana shu joyda. Mavloni Majlisiiy va uning ijodi Balx saroyi bilan bog'liq. Zahiriddin Muhammad Bobur hayotining katta qismi, ijodiyoti hamda tuprog'i Kobul bilan bog'liq. Bobo Rahim Mashrabning hayoti, ijodiy faoliyati hamda vafoti Balx va qatag'an bilan jips bog'liq, uning maqbarasi ham Taxor viloyatining Ishkamish tumanida. ” Shunday ekan o'tmishda ushbu mamlakatda Boburiylar, Sulton Husayn Boyqaro va uning maosirlari o'zbek tili va adabiyotini kamolot bosqichlariga yetishtirganlar. Valekin bir qancha urishlar va nizolar hamda millatchiliklar sababli mazkur til hozirgi kunda o'z o'rnini bir oz yo'qotgan. Ammo keyingi 250 - 260 yillar mobaynida Afg'onistonda o'zbek tili o'z mavqeini bir qadar yo'qotganga o'xshaydi . Bu ham o'sha zamonda olib borilgan turli ijtimoiy va siyosiy sabablar bilan bog'liq . O'zbek xalqi o'rta Osiyo va hozirgi Afg'oniston hududida qadim zamonlardan hayot kechirib kelmoqda . garchi so'ngi necha yil jarayonida o'zbek tilini rivojlantirishi uchun farhangsevar shaxslar tomonidan bir qancha harakatlar yo'lga qo'yilgan ,

ammo bir qancha o'zbeklar esa mazkur tilning rivojlantirish to'g'risida davlat tomonidan hech qanday ijobiy harakat yo'lga qo'ymaganlar .

Yaratilgan qulayliklar bois Afg'onistonda o'zbek va turkman tillarini rivojlantirish uchun hukumat unchalik baho bermay turgan . Afg'onistonning ayrim viloyatlarida shu jumladan Saripul , Foryob , Badaxshon viloyatlarida o'tgan ancha yillar orasida o'zbek bolalariga o'z tillarini o'rganish uchun etarliycha kitob chop etilib, shart-sharoit yaratilmagan . Chop bo'lgan kitoblar esa maktablarning arxivlarida saqlanib eskirib ketishi bilan birga o'zbek tili mutaxassislarining hozirlagan darslik kitoblari hali ham hukumat tomonidan chop etilmay qolgan . Buning birinchi sababi o'sha paytda o'zbek tili va adabiyoti uchun bo'lgan mutaxassislarning kamchiligi va ikkinchi tomonda davlatimizning mazkur tilga baho bermaganligi bois, o'zbek tili o'z o'rnini yo'qotib va rivojlanishdan keyin qolgan . Ammo haligacha o'zbeklar yashaydigan hududlarning nayolg'uz maktablarda balki, davlat idoralarida xabarlar , e'lonlar va bayonotlar hali ham o'zbek tilida yozilmaydi , shuning uchun bu muammolarni hal qilishning birinchi tomoni o'zbek tili uchun mutaxassislarni ko'paytirish , kuchaytirishi va ikkinchisi esa davlatning mazkur tilga e'tibori nazarda tutiladi. Agarda bu til uchun xizmat qiladiganlar , rivojlantiradiganlar , ustoz va mutaxassislar bo'lmasa ilgari aytganimdek maktablarda qanday o'zbek tili o'qitilsin , e'lonlar , gazetalar qanday o'zbek tilida aytilsin? Bundan ma'lumki eng katta muammo mutaxassislarning kamligi va bundan ham katta muammo davlatimizning baho berishidir . Agarda qancha hamki bu sohada mutaxassislar ko'p bo'lsalar lekin davlatimiz ularga baho bermasa , bu foydasizdir .

Ana shu holda o'zbek tili va adabiyotining mutaxassisi Doktor Shafiqa Yorqin o'zbek tili rivoji uchun hukumatni e'tiborsizlikda aybdor bilib, Maorif vazirligidan hozirlangan o'zbek tili va adabiyoti darslik kitoblari 12- sinfgacha hozirlanib, biroq necha yil o'tishi bilan hukumat haligacha bu kitoblarni o'quvchilarga yetkazib berishga qodir bo'lmay , chop etilgan kitoblar ham maorif nisobiga kiritilmagan. Bunga ko'ra o'zbeklar yashaydigan hududlarning davlat idoralarida o'zbek tilida maktub va bayonotlarning yozishiga erta , shuning uchun hukumat bu til rivoji uchun kerakli chora va tadbirlar olib asosiy ishlarni amalga oshirib , o'zbek tili va adabiyoti maktablarda asosiy bir mazmun ularoq qabul qilinmasa , davlat idoralarida o'zbek tili o'z ahamiyatini topa olmaydi. Qoldirib ketmaslik kerakki, Afg'onistonlik o'zbek bolalari va o'z tili haqida uning qanday kelib chiqishi haqida etarlicha ma'lumotga ega emas. Buning omili maktab davrida dars o'tilmaganligidir, chunki maktabda o'zbek tili va adabiyotidan dars o'tilmadi. Shuning uchun o'zbek yoshlari o'z tilidan o'z o'tmishidan bexabar qoladi. Agarda o'zbeklar yashayotgan viloyatlarda davlat idoralarida forscha va pushtuncha tillari yonida o'zbek tiliga ham ahamiyat berilsa, mazkur tilning rivoji uchun muhim odim sanaladi va davlat idoralarida o'zbek tilida yozishmalar rasmiylashtirilganda ishga kiradigan har davlat xodimiga o'zbek tilini bilishi shart bo'lib, maktablarda ham o'zbek tili va adabiyotini yaxshi shaklda o'rganish bir eh'tiyoj taniladi va o'zbekcha o'qish va yozish har bir insonga boshqa tillardek majburiy bo'ladi .

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, tilni sevish, uni ardoqlash, millatni sevish va uni qadrlash bilan teng hisoblanadi. Har qaysi xalqning turmush tarzi, urf-odatlar, madaniyati uning tilida o'z ifodasini topadi. Til – millat ko'zgusi, deb bejiz aytilmagan. Xalqimizning necha asrlik boy tarixi, ko'hna va serqirra madaniyati o'zbek tili ta'sirida shakllangan. Biz o'z ona-tilimizni asrab-avaylashimiz, uning nufuzini oshirishimiz, go'zal va sofligini avlodlarga meros sifatida qoldirishimiz, dunyoga tanitishda o'z hissamizni qo'shishimiz kerak. “Til yashasa, millat yashaydi”. Agar biz o'z tilimizning ko'rkamligi, boyligini dunyoga tarannum etsak, millatimiz yanada charog'on bo'ladi va birligimiz mustahkam bo'ladi. Zero rus tarixchisi Skobelev aytganidek “Millatni yo'q qilish uchun u yerga qurol ko'tarib borish shart emas, uning tilini, ma'naviyatini, adabiyotini yo'q qilish kerak, shunda millatning o'zi yo'q bo'lib ketadi” degan fikri naqadar to'g'ri ekanligini ko'rishimiz mumkin. Lekin hozir Afg'onistonda o'zbek tiliga unchalik baho berilmagan . Mamlakatda 40 yillik urishlar bois, hozirgi o'zbek yoshlari o'z ona tillarini unchalik bilmaydilar. Buning sababi yuqorida aytib o'tildi. lekin, o'zbek bolalari , o'zbek yoshlari o'z tilini o'rganishga qiziqishi yuqori darajada turadi. Ayrim tilshunoslarning aytishicha insonning ona tili o'ziga boshqa tillardan ko'ra shirinroq , go'zalroq ko'rinadi . Shu Aslga qaraganda har bir xalq uchun tillarning eng a'losi ham ona tilidir. O'zbek tili va adabiyotini o'qish uchun dast avval kishilarning o'z qiziqishlari ,

milliy ehsos uyg'onishi va qo'shni o'lkalardan kelayotgan o'quv imkoniyatlardan unumli foydalanishidir. Bu muammolarni hal qilish uchun , tilni taraqqiyot avjiga yetkazish uchun va yoshlarni shu tomonga to'g'irlash uchun mazkur tilning namoyandalarini o'rni juda katta. Afg'onistonda bo'lgan bir qancha tilshunoslarning aytishi bo'yicha, o'zbek tili oxirgi 5 – 6 yilar orasida misli ko'rinmaydigan suratda rivojlanmoqda. Hozirgi kunda qo'llanadigan barcha tillar shu jumladan o'zbek tili ham jamiyatning rivoji bilan rivojlanib boradi va tarqqiyoti bilan taraqqiy etadi.

Hozirda O'zbekiston respublikasi Surxondaryo viloyatida aynan Afg'onistonlik o'zbek yoshlari o'zbek tili va adabiyoti mutaxassisligi bo'yicha ta'lim olmoqdalar. Bu o'quv markazida 96 ta Afg'onistonlik yoshlar ona tillarining mutaxasisi sifatida diplom olib o'z ona yurtlariga qaytib ketdilar. Ularning sa'y-harakatlari bilan ba'zi o'zbek mahallalarida o'zbek tilini o'qitish bo'yicha kurslar tashkil etildi. Hozirda ushbu dunyoda yagona bo'lgan markazda O'zbek tili va adabiyoti mutaxassisligi bo'yicha 119 nafar talaba ta'lim olmoqda. Bu talabalar hozirda o'zbek tili qonuniyatlarini o'rganib, she'r, adabiy va ilmiy maqolalari bilan turli matbuot va ilmiy nashrlarda faol ishtirok etmoqdalar. Kelajakda bu yoshlar Afg'onistonlik o'zbeklarning o'z ona tillarini va uning tarixini mukammal o'rganishiga o'z hissalarini qo'shadi degan umiddamiz.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

<http://ishanch.blogfa.com/>

MATHEMATICS EDUCATION IN THE METHODOLOGY APPLIED RESEARCH METHODS

*Qosimova M.Y., Solijonova Z.I.
Farg'ona Politexnika instituti*

Pedagogical to educate about the work experiences without learning and generalizing, pedagogical process deep research without doing standing up pedagogy by developing it won't be. Current education pedagogy scientific to know common method with arms, however another each like what kind of science pedagogy science is also private research methods there is

Scientific research methods - this legal connections, relationships, connections installation and scientific theories make up in order to scientific information get methods. Observation, experience, school documents with acquaintance, study , conversation _ and questionnaires transfer, scientific pedagogical research methods including enters _ Last _ at times mathematician and cybernetic methods , as well as modeling methods use note is being done.

Get started mathematics teaching in the methodology whole pedagogical in studies applied of methods from himself is used.

Follow up method is usual in the circumstances observation the results respectively note to do with pedagogical the process directly to the goal directed without perception from doing consists of Follow up from the method education of work or this in the field of work how that he is going learning for is used. This is the method teacher and of students activities about forced not done natural in the circumstances gathering factual material enable gives _

Follow up on time researcher study of the process usual to go does not interfere . Follow up sure the goal intended _ plan based on long or near time between continue is enough of observation progress, facts, happening happening _ events, equipment observation to the diary note done will go

Follow up connection or selection to be can _ Connect _ in observation wider received phenomenon (e. g. math _ in their classes small age of students to know activities), choice in observation little by little in volume events (for example, math in their classes of students independent works) are observed . Decision to write or diary conduct to observe note of doing the most simple is a method . But observations note of doing the most reliable method technical tools, video, photo and from the cinema, from the TV screen is to use.

Used observation methods one progress _ pedagogical the experience learning and from generalization consists of From this method successful of use mandatory main condition from that consists of teachers of experience description placed _ research to the task answer giving to be need

(our in our country advanced pedagogical the experience to learn circle big the work take is going This is an experience generalization scientific and practical of conferences and pedagogy of their studies materials in collections, monographs and journal newspaper articles technologies apply in the process own on the contrary is finding).

2. *Experience and school documents study* _ _

Experience is also observation _ be, special _ organize made, researcher by control by doing standing and systematic respectively by changing standing in the circumstances will be held. Pedagogical Experience of teaching and or that of education this method, instructions - manuals efficiency research in doing is used .

Experience from transfer before researcher research to be done need has been issues sure expressing take, such issues solution to be done school in practice and pedagogy science for important have to be need _ Experience from transfer before researcher learning subject to be of the matter theory and history with , as well as this field according to practical the work experience with getting to know comes out T in research scientific the assumption place big important have _ Whole the experience organize to do scientific the assumption to check will be directed . He collects material ways designation enable gives, of the researcher factual in the material confused to go the way does not pour

Experience the results analysis to compare _ method with will be held. Of this for two or one how many group will be compiled, this to groups entered students composition according to preparation degrees and another indicators according to opportunity as long as one kind of to be need _ One different in classes researcher by special work developed experience material according to the work will be done. Bark for control classes is selected _ classes students composition, their knowledge degrees according to approx experience to classes equal to strong to be it is necessary in classes mathematics experience in classes applied methods, tools and others does not apply.

Experience results about objective data to get another methods are also used:

1. Experiment-test held _ in classes initial conditions control to the class than one so much the most is more convenient; if experience in classes such in the circumstances good results received if so, the issue experience solution to do himself justified is

2. Students composition approx one different was _ two class is taken ; research being done of the matter new the solution that's it of classes in one is used , then another topic in the materials second one in class is used; if so in use new method, method good the result if, this method, method himself justified will be

Experience from the start before, his intermediate stages and At the end of everyone class of students knowledge will be checked . Received information analysis to do based on research being done of the method, of the method and etc. efficiency about conclusions is issued. Experiment held from classes received quality and quantitative the results analysis to do based on conclusion is issued. Quantitative sizes to determine different different methods (assimilation _ according to , right and wrong the answers to compare and etc.) are available. Next at times that's it on purpose variation statistics methods each different count technique and cybernetic from tools is being used. Some important the rules experiential check public Experience the way with done is increased.

Pedagogical of research wide spread out methods one students works and documents from learning consists of of students works them of the program some departments according to preparation level to determine, to teach known period during growth and developments observation enable gives _ For example, special written and graph affairs that's it on purpose It is held that these check as a result of children from mathematics received knowledge and qualifications sure appearance need _ known time between such special things done Stand up , students forward that he was moving and how level that he was moving shows . of students written in their work road _ put mistakes analysis to do important important have _ Such analysis whole class of students face coming complicated difficulties, as well as students mathematics in their mastery individual features determination enable gives Study documents (Education plan, program, methodology affairs documents, reports and etc.) study educational things development process and situation reflection makes _

of students notebooks study, scientific _ research work for important have _ Long time during students the team looking exit and analysis to do teacher work system, students of work features to open help gives _

Used books

1. Uzbekistan Republic of " Education "about". law _
2. Uzbekistan " Personnel " of the Republic preparation national program "
3. Electronic magazine <http://www.arki.ru/magaz>
4. Complete textual library <http://www.lib.ru>
5. UzMU <http://www.nuu.uz>

ИНТЕГРАЛЬНОЕ ПРЕОБРАЗОВАНИЕ МЕЛЛИНА ДЛЯ ОПЕРАТОРА ИНТЕГРОДИФФЕРЕНЦИРОВАНИЯ ДРОБНОГО ПОРЯДКА.

*Сюнова Т. Г. – студент, Мамаюсупов Ж. Ш. – ассистент
Ферганский политехнический институт*

Ключевые слова и выражения: интегральное преобразование Меллина, формула Дирихле, интегродифференциальные операторы дробного порядка.

Пусть a_i, b_i ($i=1,2$) действительные числа, причем $-\infty \leq a_i < b_i \leq \infty$ ($i=1,2$) и $\Omega = \{(x_1, x_2) : a_1 < x_1 < b_1, a_2 < x_2 < b_2\}$.

Как в работе [1,2] введем оператора дробного интегродифференцирования порядка (α_1, α_2) :

$$D_{a_1, a_2; x_1, x_2}^{\alpha_1; \alpha_2} \varphi(x_1, x_2) = \begin{cases} \frac{1}{\Gamma(-\alpha_1)\Gamma(-\alpha_2)} \int_{a_1}^{x_1} \int_{a_2}^{x_2} \frac{\varphi(t_1, t_2) dt_1 dt_2}{(x_1 - t_1)^{\alpha_1+1} (x_2 - t_2)^{\alpha_2+1}}, & \alpha_1 < 0, \alpha_2 < 0, \\ \varphi(x_1, x_2), & \alpha_1 = 0, \alpha_2 = 0, \\ \frac{\partial^n}{\partial x_1^{n_1} \partial x_2^{n_2}} D_{a_1, a_2; x_1, x_2}^{\alpha_1 - n_1; \alpha_2 - n_2} \varphi(x_1, x_2), & \alpha_1 > 0, \alpha_2 > 0, \end{cases} \quad (\alpha_1 \geq 0, \alpha_2 < 0 \text{ ёки } \alpha_1 < 0, \alpha_2 \geq 0).$$

1)

Где $\Gamma(z)$ - гамма функция Эйлера [1], $n = n_1 + n_2$,

$$n_i = \begin{cases} [\alpha_i] + 1, & \text{агар } \alpha_i > 0 \\ 0, & \text{агар } \alpha_i \leq 0 \end{cases}, \quad i=1,2.$$

Интегральное преобразование Меллина функций $\varphi(x_1, x_2)$ $x_1 > 0, x_2 > 0$ определяется формулой

$$\varphi^*(s_1, s_2) = \int_0^\infty \int_0^\infty t_1^{s_1-1} t_2^{s_2-1} \varphi(t_1, t_2) dt_1 dt_2 \quad (2)$$

а обратное интегральное преобразование Меллина осуществляется с помощью равенство

$$\varphi(x_1, x_2) = \frac{1}{2\pi i} \int_{\gamma_1 - i\infty}^{\gamma_1 + i\infty} \int_{\gamma_2 - i\infty}^{\gamma_2 + i\infty} \varphi^*(s_1, s_2) x_1^{-s_1} x_2^{-s_2} ds_1 ds_2, \quad \gamma_i = \text{Re } s_i, \quad i=1,2 \quad (3)$$

Если знаком \leftrightarrow обозначить соответствие между функций и ее интегральное преобразование Меллина, то легко установить формулы:

$$\varphi(k_1 x_1, k_2 x_2) \leftrightarrow k_1^{-s_1} k_2^{-s_2} \varphi^*(s_1, s_2), \quad x_1^{k_1} x_2^{k_2} \varphi(x_1, x_2) \leftrightarrow \varphi^*(s_1 + k_1, s_2 + k_2);$$

$$\varphi(x_1^{p_1}, x_2^{p_2}) \leftrightarrow |p_1|^{-1} |p_2|^{-1} \varphi^*\left(\frac{s_1}{p_1}, \frac{s_2}{p_2}\right), \quad p_i \neq 0, \quad p_2 \neq 0 \quad \varphi(x_1^{-1}, x_2^{-1}) \leftrightarrow \varphi^*(-s_1, -s_2)$$

Имеет места

Теорема 1. Пусть $\alpha_1 < 0, \alpha_2 < 0$ $x_1^{s_1 - \alpha_1 - 1} x_2^{s_2 - \alpha_2 - 1} \varphi(x_1, x_2) \in L_1(\Omega)$, тогда справедлива формула

$$D_{a_1, a_2; x_1, x_2}^{\alpha_1, \alpha_2} \varphi(x_1, x_2) \leftrightarrow \frac{\Gamma(1 + \alpha_1 - s_1) \Gamma(1 + \alpha_2 - s_2)}{\Gamma(1 - s_1) \Gamma(1 - s_2)} \varphi^*(s_1 - \alpha_1, s_2 - \alpha_2), \quad (4)$$

$$s_1 + \alpha_1 < 1, s_2 + \alpha_2 < 1.$$

Теорема 2. Пусть $0 < \alpha_i < 1$ ($i = 1, 2$) $x_1^{s_1 + \alpha_1 - 1} x_2^{s_2 + \alpha_2 - 1} \varphi(x_1, x_2) \in L_1(\Omega)$. Тогда формула (4) справедлива при $s_1 < 1 - \alpha_1, s_2 < 1 - \alpha_2$ и условиях $x_1^{s_1 - 1} x_2^{s_2 - 1} \left(D_{0.0; x_1 x_2}^{\alpha_1, \alpha_2} \varphi \right) = 0$ при $x_i = 0, x_i = \infty; i = 1, 2$.

Адабиётлар.

Ўринов А. Қ. Махсус функциялар ва махсус операторлар. – Фарғона, 2012. 112 б.

Самко С. Г., Килбас А. А., Маричев И. О. Интегралы и производные дробного порядка и некоторые их приложения. – Минск: Наука и техника, 1987. 688 с.

Kosimov K., Mamayusupov J. Transitions melline integral of fractional integrodifferential operators //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 1. – С. 12-15.

Мамаюсупов Ж. Ш. Интегральное преобразование Меллина для оператора интегродифференцирования дробного порядка //Periodica Journal of Modern Philosophy, Social Sciences and Humanities. – 2022. – Т. 11. – С. 186-188. .

JIZZAX VILOYATIDA UCHRAYDIGAN INULA HELENIUM TURINING

XO‘JALIK AHAMIYATI

Avalbayev O. N., Berdiqulova N.Y., Xushnazarova N.D.

Jizzax davlat pedagogika universiteti

Inula L. – Asteraceae L. oilasiga mansub ko‘p yillik o‘simlik, balandligi 150-160 sm, qalin, kalta, etdor, ko‘p boshli ildizpoyaga ega, ulardan bir nechta qo‘shimcha ildizlar tarqaladi. Poyasi tik turuvchi, chiziq-chiziqli, kalta, zich, oq tuklar bilan tuklangan, yuqori qismida qisqa shoxlangan. Barglari ketma-ket, yirik, notekis tishsimon, tashqi tomoni biroz burushgan, ostida kulrang yumshoq tuklangan. Gullarining diametri 7, 8-8, 3 sm bo‘lgan to‘pgul (savatchalar) ichida to‘plangan, asosiy poya va novdalarning yuqori qismida savatchalari zich bo‘lmagan ro‘vak yoki qalqonchani hosil qiladi. Gullari oltinsimon sariq, xira oq rangli, tukli popugi bor. Mevasi 4-5 mm uzunlikdagi to‘rt qirrali qo‘ng‘irrang pistachalardan iborat bo‘lib, uning popugi pistachaga nisbatan ikki baravar uzun.

Inula L. turlari dasht zonasida, quyi va o‘rta tog‘ mintaqalarida tarqalgan. Butazorlarda va baland bo‘yli o‘tloqlarda o‘sadi. U ko‘pincha nam joylarda – daryolar, ko‘llar, tog‘ irmoqlari bo‘ylarida, yer osti suvlari oqib chiqadigan joylarda uchraydi.

O‘zbekistonda yovvoyi holda o‘svuvchi o‘simliklarga dorivor, bo‘yoqbop, asalchil, yem-xashak va oziqabop xom ashyo sifatida ehtiyoj katta. O‘simliklardan oqilona foydalanmaslik natijasida qizilmiya, andiz, zirk butasi, sariqchoy, chirmovgul, efedra, kovrak va boshqa o‘simlik turlari zahiralari keskin kamayishiga sabab bo‘lmoqda.

Asteraceae L. oilaga mansub xalq tabobati va rasmiy tibbiyotda keng qoʻllanib kelinayotgan dorivor oʻsimliklardan biri qora andiz - *Inula helenium* hisoblanadi. *Inula helenium* - bu oʻsimlik qadim zamonlardan xalq tabobatida foydalanib kelingan. Ushbu turkumning nomlanishi “Inula” grekcha soʻzdan “ineo” – tozalash, “helos” – botqoq oʻsimligi, “helios” – quyosh hamda juda chiroyli manzarali oʻsimlik degan maʼnolarni bildiradi. *Inula helenium* qadim zamonlarda xalq tabobatida 9 ta dardga davo ekanligi haqida maʼlumotlar mavjud.

Inula helenium oʻsimligini Gippokrat asarlarida ham uchratish mumkin. U qadimgi Rim va Gretsiyada faqat kasalliklarni davolashda emas, undan turli ziravorlar sifatida, uning ildizidan murabbo hamda shirinliklar tayyorlashda keng foydalanishgan. Oʻrta asrlarda ushbu oʻsimlikdan vino va yaxna ichimliklari tayyorlangan.

Ulugʻ hakim Abu Ali ibn Sino “Tib qonunlari” asarida ham *Inula helenium* oʻsimligidan shamollash, boʻgʻim ogʻriqlarida, ildizini qaynatib uzum qiyomini aralashtirib isteʼmol qilish oʻpka va yurak kasalliklarida, asal bilan aralashtirilgani balgʻam koʻchiruvchi sifatida taʼsir etishi toʻgʻrisidagi maʼlumotlarni yozib qoldirgan. Undan tashqari ushbu oʻsimlik boʻgʻim ogʻriganda, siydik haydovchi, isitma tushiruvchi, gijja haydovchi dori sifatida, oʻpka sili kasalliklarini davolashda foydalaniladi, bundan tashqari oʻsimlik qaynatmasi bilan qoʻtir va yaralar davolanadi. Abu Ali ibn Sino umuman *Inula helenium* haqida quyidagilarni ham aytib oʻtgan: “Andiz inson organizmining ish faoliyatini tetiklashtiradi, yurak quvvatini mustahkamlaydigan malham, bosh ogʻriqni davolaydigan, qurtlarni tushiradigan eng kuchli dori-darmondir” andiz ildiz va ildiz poyasidan qarilik va juda charchash tufayli kishilarda roʻy beradigan skreroz xastaligini, bronxial astma, ziqqinafasni, jigar, bavoil hamda meʼda ichak yoʻli tizimidagi yuqumli kasalliklarni, qand kasalligi, tuz toʻplanishi, temiratki, tish milklari shamollashi va jarohatlarni davolashda qoʻllanilishi haqida maʼlumotlar qoldirgan. U eng toʻyimli ozuqa ham hisoblanadi. Chorva mollari, ayniqsa ot oʻsimlikni yaxshi yeydi. Shuning uchun boʻlsa kerak xalq orasida “andizli joyda ot oʻlmas” degan maqol ham bor.

Xalq tibbiyotida qora andiz bilan birga - *Inula grandis* Schrenk, tol bargli andiz - *Inula salicina* L, chachalbosh - *Inula Britannica* L. turlari ham yuqorida koʻrsatilgan maqsadlarda ishlatiladi.

Inula helenium ildiz poyasining tarkibida 1-3 % efir moylari, saponinlar, smola, shilimshiq va achchiq moddalar shu bilan birga ildiz moylarining asosini alantolaktonlar, izoalantolaktonlar, fitomilan va boshqa atsetilen birikmalari, inulin va psevdoinulin uchraydi va quyida keltirilgan kasalliklarni davolashda foydalaniladi.

Inula helenium oʻsimligining ildiz va ildiz poyalaridan olingan preparatlar rasmiy tibbiyot tomonidan oʻtkir va surunkali nafas olish kasalliklari, grippni qoʻzgʻatuvchilarga qarshi dezinfektsiyalash vositasi sifatida ishlatiladi. *Inula helenium* ning ildiz va ildiz poyalaridan oshqozon va oʻn ikki barmoqli ichakning yaralarini davolashda ishlatiladigan “Alanton” preparati olingan. Preparat yaraga qarshi, yalligʻlanishga qarshi, kapillyarlarni mustahkamlovchi, mikroblarga qarshi, oʻsma kasalliklari va radiatsiyaga qarshi taʼsirga ega.

Alantolakton antigelmintik taʼsirga ega. Dorivor oʻsimlikdan uning alohida qismlaridagina emas, balki kompleks holda foydalanish muhim ahamiyat kasb etadi. *Inula helenium* ildiz va ildiz poyalari, farmakopeya xom ashyosi ham hisoblanadi. Soʻnggi yillarda andiz populyatsiyasining kuchli antropogen taʼsiri tufayli, baland boʻyli andiz sezilarli darajada kamayishni boshlagan, chunki ushbu turni ruhsatsiz va nazoratsiz yigʻish hollari tez-tez uchrayotganligi turning butunlay yoʻq boʻlib ketishiga olib kelishi mumkin. *Inula helenium* ning bioekologik xususiyatlari, tarqalishi, fitotsenotik ahamiyati oʻrganilmaganligi ushbu turni bioekologiyasini oʻrganishni taqozo etadi. *Inula helenium* ning patogen mikroorganizmlarga nisbatan antimikrobial taʼsir koʻrsatganligi isbotlangan, bu esa yangi veterenariya preparatlarini ishlab chiqishda yaxshi natijalarga erish mumkinligini koʻrsatadi. *Inula helenium* ning yuqori darajadagi dorivor xom ashyo qismlari ildiz poyalari va ildizlari boʻlib, ular yalligʻlanishga qarshi vosita sifatida qoʻllaniladi va “Alanton” preparatini olishda foydalaniladi.

Inula helenium ning ildiz tizimidan aminokislotalar, sakkizta seskviterpenli laktonlar gullaridan ajratib olingan. Ular orasida, izoalantolakton va santamarin ginekologik saraton hujayralariga qarshi muhim ingibitiv faolligni ko'rsatadigan moddalar hisoblanadi.

Inula helenium o'simligi tarkibidagi alantolakton, izoalantolakton saratonni oldini oluvchi vosita sifatida qo'llanilgan.

Shuningdek, *Inula helenium* turining ildiz ekstrakti, biologik faol moddalarning boy manbai, xususan, inulin, polisaxarid, fruktooligosaxaridlar, flavanoidlar mavjud.

Inula helenium o'simligi Xitoy, Mo'g'uliston, Hindiston, Bolgariya, Tibet xalq tabobatida qo'llaniladi.

Xalq tabobatida mikroblarga qarshi faolligi bilan *Inula helenium* ildiz va ildiz poyasi ba'zi bir gramm musbat va gramm-manfiy bakteriyalar hamda mikroblarga qarshi faol ekanligi aniqlangan.

A. Akmuradov (2013) keltirilishicha *Inula helenium* ning ildiz poyasi sil, oshqozon-ichak kasalliklarida, diuretik va antigementik vosita sifatida ishlatiladi. Undan tashqari nafas yo'llarining yallig'lanishi, bronxit uchun ekspektoran sifatida, damlamalari - o'pka sil kasalligi, oshqozon yarasini davolashda o'simlik ildizi asosida tayyorlangan dorilar buyuriladi.

Inula helenium ildizi va ildizpoyasi tarkibida organik moddalar, mineral tuzlar, vitamin S, 44 % inulin, psevdoinulin, oz miqdorda alkaloid, 6 % oshlovchi moddalar, organik kislotalar hamda 0, 3-1, 7 % efir moyi mavjud, efir moyining asosini galenin, laktonlardan alantolakton, izoalantolakton hamda alantokislotalar tashkil etadi. Bargida achchiq moddalardan alantotsikrin bo'lib, u o'zining ta'sirchanligi jihatidan pikrotoksin va sikutotoksin moddalaridan qolishmaydi. Qand aralashtirib pishirilgan ildiz va ildizpoyalar xorijiy mamlakatlardan olinayotgan imbir xom ashyosining o'rnini bosa oladi. Andizlarning ildizidan texnik spirt ham olish mumkin.

V. V. Sergeeva, I. Yu. Chernogorets (2018) keltirishicha, *Inula helenium* qandli diabet kasalligida, nafas olish yo'llari, ovqat hazm qilish organlari kasalliklarini davolashda, bronxit, qalin viskoz balg'am sekretiysi ko'paygan, yo'talish, gastrit, jigar va o't yo'llari kasalliklarini davolashda keng ishlatiladi.

Inula helenium ildiz va ildiz poyasi tarkibidagi gelinin moddalari bakterial floraning rivojlanish xususiyatlarini kamaytirganligi sababli terini va mushak qavatini dezinfektsiyalashda qo'llaniladi. *Inula helenium* rasmiy tibbiyotda, oziq-ovqat sanoatida va ozuqa ishlab chiqarishda ishlatiladigan istiqbolli o'simlik bo'lgani uchun, tabiiy populyatsiyalarini o'rganish, ko'paytirish, iqtisodiy xususiyatlarni saqlab qolish muhim ahamiyatga ega.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

Холматов Х. Х. , Пратов Ў. П. Махсумов М. Н. Асоратсиз дори-дармонлар. –Тошкент. «Ўқитувчи». 2006. -Б. 45-46.

Ҳожиматов Қ. , Оллоёров М. Ўзбекистоннинг шифобахш ўсимликлари ва уларни муҳофаза этиш. -Тошкент. «Фан нашриёти». 1988. –Б 15-17.

Холматов Х. Х. , Қосимов А. И. Доривор ўсимликлар. –Тошкент. «Ибн Сино». 1994. -Б. 259-260.

Ҳамидов А. , Набиев М. , Одилов Т. Ўзбекистон ўсимликлари аниқлагичи. –Тошкент. «Ўқитувчи» нашриёти», 1987 й. -Б. 283-284.

IQTISODIY MASALALARNI ODDIY OPTIMIZATSIYA MODELLARI. (FAN VA TA'LIMNI RIVOJLANISHINING ZAMONAVIY TENDENTSIYALARI)

Abdurazakov A. – fizika-matematika fanlari nomzodi, dotsent

Kadirov A. – talaba

Farg'ona politexnika instituti

O'rganilayotgan ob'ekt turli iqtisodiy ishlab chiqarish jarayonlari bilan bog'liq bo'lishi mumkin: yukni manzilga elitish, mahsulotni assortimentini aniqlash, ishlab chiqarish quvvatlarini taqsimlash va hokazo. Maqsad o'rganilayotgan ob'ektni (ishlab chiqarish jarayonini) asosiy xususiyatiga qarab aniqlanadi: Yukni manzilga eltishda-minimal harajat, maksimal foyda, mahsulotni optimal assortimenti va hokazo. Optimallik kriteriyasi funktsional ko'rinishda

ifodalanadi: Ishlab chiqarishda eng kam harajat, yukni eltishni minimal bahosi va hokazo. Bunda iqtisodiy ko'rsatkichlar, qanday cheklanishlarni qanoatlantirishi lozimligi aniqlab olinadi. Amaliy masalalarda bu ko'rsatkichlar juda ko'p bo'lishi mumkin, ayrimlari masalaning shartidan, ayrimlari masalani yechish jarayonida kelib chiqadi.

1-Masala : Mahsulotni assortimentini aniqlash.

Korxonada ikki xil A_1 va A_2 turdagi mahsulot ishlab chiqaradi va ishlab chiqarilgan mahsulot ulgurji bozorga chiqariladi. Bu mahsulotlarni ishlab chiqarish uchun ikki xil xom-ashyo ishlatiladi (A_1 va A_2). Bu mahsulotlarni ishlab chiqarish uchun ishlatiladigan xom ashyolarning sutkali zahirasi mos ravishda 9 va 13 birlik. Bir birlik A_1 va A_2 turdagi mahsulot ishlab chiqarish uchun xom ashyo sarfi quyidagi jadvalda berilgan.

Xom-ashyo	Bir birlik mahsulotga sarf		Zaxira
	A_1	A_2	
B	2	3	9
C	3	2	13

Bozor o'rganildi: Sutkalik A_1 mahsulotga talab A_2 mahsulotga bo'lgan talabdan 1 birlikdan oshmaydi, A_2 mahsulotga talab esa 2 birlikdan oshmaydi. Mahsulotlarni ulgurji bahosi mos ravishda 3 pul birligi va 4 pul birlida sotiladi. Har bir mahsulotdan qancha miqdorda ishlab chiqarilganda ularni sotishdan olinadigan daromadni maksimalashtiruvchi matematik model quring.

Yechish:

1. Masalada izlanilayotgan kattalikni aniqlaymiz.

2. Masalani yechishdan maqsad. Qaysi ko'rsatkichlarni (parametrlar) optimallik kriteriyasi sifatida aniqlash, masalan, foyda, tannarx, vaqt va hakazo.

3. Resurs va izlanilayotgan (noma'lumga) nisbatan qanday shartlar qo'yilishi kerak.

Yuqoridagi masalani matematik modelni algoritmi:

1. A_1 va A_2 turdagi mahsulotlardan sutkalik ishlab chiqarish hajmini topishimiz kerak.

Quyidagi belgilarni kiritamiz: x_1 - A_1 mahsulotni sutkalik ishlab chiqarish xajmi (b/sut), x_2 - A_2 mahsulotni sutkalik ishlab chiqarish xajmi (b/sut)

2. Ishlab chiqarishni maqsadi - mahsulotni sotishda maksimal daromad olish. Sutkalik daromad:

A_1 - mahsulotni sotishda sutkalik daromad $3x_1$ pul birligi,

A_2 - mahsulotni sotishda sutkalik daromad $4x_2$ pul birligiga teng.

U holda A_1 va A_2 mahsulotlarni sotishda $3x_1 + 4x_2$ - pul birligida daromad olamiz. Korxonada maksimal daromad olish uchun jamlanma daromad $f(x) = 3x_1 + 4x_2$ (funksiya bilan ifodalanadi) shartni qanoatlantirishi kerak: maqsad funksiya ekstremum (**max**) ga tekshiriladi

3. x_1 va x_2 birlik mahsulot ishlab chiqarish uchun quyidagi shartlar bajarilishi kerak:

1. C va D xom-ashyo miqdori - sutkali zaxirasi, sutkalik xom-ashyo miqdoriga cheklov qo'yishimiz kerak. Matematik yozilishi: $2x_1 + 3x_2 \leq 9$ A-xom-ashyo uchun, $3x_1 + 2x_2 \leq 13$ B-xom-ashyo uchun

4. A_1 va A_2 turdagi mahsulotlarni ishlab chiqarish xajmi nisbatan- ya'ni A_1 mahsulot A_2 mahsulotga qaraganda bir birlik ko'p ishlab chiqariladi, ya'ni, $x_1 - x_2 \leq 1$

5. A_2 turdagi mahsulotni 2 birlikdan ko'p ishlab chiqarmasligi kerak $x_2 \leq 2$

6. Ishlab chiqarilgan mahsulotlarni ishlab chiqarish hajmi $x_1 \geq 0$, $x_2 \geq 0$ shartni qanoatlantirishi kerak

Natijada masalaning matematik modeliquyidagi ko'rinish hosil qiladi:

$$f(x) = 3x_1 + 4x_2 \rightarrow \max$$

$$\begin{cases} 2x_1 + 3x_2 \leq 9 \\ 3x_1 + 2x_2 \leq 13 \\ x_1 - x_2 \leq 1 \\ x_2 \leq 2 \\ x_1 \geq 0, \quad x_2 \geq 0 \end{cases}$$

Maple dastur tizimida yechish

> z:=3*x1+4*x2;

$z := 3x_1 + 4x_2$

> maximize(z, {2*x1+3*x2<=9, 3*x1+2*x2<=13, x1-x2<= 1, x2<=2, x1>=0, x2>=0}, NONNEGATIVE);

$\{x_2 = \frac{7}{5}, x_1 = \frac{12}{5}\}$

> subs(%, z);

$\frac{64}{5}$

ORIGIN= 1

m:= 4

n := 2

$c := \begin{pmatrix} 3 \\ 4 \end{pmatrix}$

$a := \begin{pmatrix} 2 & 3 \\ 3 & 2 \\ 1 & -1 \\ 0 & 1 \end{pmatrix}$

$b := \begin{pmatrix} 9 \\ 13 \\ 1 \\ 2 \end{pmatrix}$

$f(x) := \sum_{i=1}^n (c_i \cdot x_i)$

$x_n := 0$

Given

$a \cdot x \leq b$

$x \geq 0$

$x := \text{Maximize}(f, x)$

$x = \begin{pmatrix} 2.4 \\ 1.4 \end{pmatrix}$

$f(x) = 12.8$

Adabiyotlar:

A. Abdurazakov, A. Shayev, N. Mirzamahmudova, N. Mahmudova Iqtisodchilar uchun matematika. 2021y

Abdurazakov A. , Mirzamahmudova N. , Maxmudova N. IQTISODIY MASALALARNI MAPLE DASTUR TIZIMI YORDAMIDA YECHISH USLUBIYOTI //Scientific progress. – 2021. – T. 2. – №. 7. – C. 737-745.

MAHALLIY O`ZBEK YOSHLARINING AFG`ONISTONDA MILLIY ADABIYOTNI RIVOJLANTIRISH HAQIDAGI QARASHLARI

Niyozova D.J – katta o`qituvchi

Xolida Zohir Soodot – talaba

Surxondaryo viloyati Termiz shahar Afg`oniston fuqarolarini o`qitish ta`lim markazi

Anatatsiya-Afg`oniston , O`zbekiston bilan ta`lim sohasida xalqaro hamkorlikni kengaytirish , Afg`onistonda o`zbek adabiyotini kengroq rivojlantirish, matbuotini kengroq yo`lga qo`yish kabi masalalar keltirilgan.

Kalit so`zlar. Ilm fan, adabiyot, Afg`on mahalliy o`zbeklar, taraqqiyot.

Afg`oniston xalqlari asrlar davomida yagona madaniy sivilizatsiyon makonda yashab kelgan. Azal-azaldan Amudaryoning ikki tomonda o`zaro o`xshash tillar, umumiy muqaddas din va mushtarak ma`naviy qadriyatlar, adabiyotini birlashtirib turadigan xalqlar yashab kelmoqda. Amudaryo hamisha biz uchun tiriklik manbayi bo`lib kelgan. Ilm- fan sohasidagi yutuqlari bilan o`rtoqlashishga va bir-birini madaniy boyitishga umuman to`squinlik qilmagan. Afg`oniston zaminida X-XI asrlarda g`oyat unumli ijod qilgan , Markaziy Osiyo uyg`onish davri, g`arb va sharq olamining adabiyotini hamda ilm-u fanini rivojlantirishda o`z buyuk hissalarini qo`shgan buyuk allomalarimiz Abu Rayhon Beruniy, Lutfiy, Alisher Navoiy, Kamoliddin Begzod, Zahiriddin Muhammad Bobur kabi namoyondalar va boshqa ko`plab bizning ajdodlarimiz yashab ijod qilishgan.

Afg`onistonda o`zbek adabiyoti hozirgi kunda keng ko`lamda rivojlanmoqda. Afg`onistonning shimoliy hududida bir qancha serqirra o`zbek adabiyot vakillari ijod qilib kelmoqda. Shularning orasida O`zbekiston adabiyot vakillari bilan hamkorlikda ijod qiladigan shoir va yozuvchilarimiz ham bor. Shulardan:Shafiqa Yorqin, Said Abdulhakim Shariy Javzjoniy, Nurulloh Oltoy, Toshqin Bahoiy, Ashraf Sharifiy, Hoji Ergash Uchqun kabi ijodkorlarimizning ijodlarini na`muna sifatida aytish mumkin . Birgina misol Hoji Ergash Uchqun o`zbek adabiyotining rivojlanishiga hissa qo`shgan ijodkorlar hisoblanadi. Bu shoir bir necha yillar davomida Afg`onistonning Foryob viloyati maktablarida oqituvchi bo`lib faoliyat ko`rsatdi . U turli xalqaro yig`ilishlarda qatnashgan va uning she`rlari hamda maqolalari Afg`oniston , Turkiya , O`zbekiston , Amerika qo`shma shtatlarida va jahon matbuotlarida doimiy bosilib chiqqan . Uning “Turkiy xalqlar tarixi” mavzusida yozilgan maqolalari esa ingliz, turk va fors tillarida tarjima qilinib chop etilgan. Hoji Ergash Uchqunning she`rlarida vatanparvarlik , tilga e`tibor, yoshlarning tarixni bilish va o`rganish g`oyalari ilgari surilganligi yaqqol namoyon bo`lib turadi. . Ergash Uchqun birgina she`r yozish bilan cheklanib qolmadi, shoir ijtimoiy- siyosiy mavzularda ham bir qator maqolalar muallifi bo`lgan. ijodda esa o`ziga Navoiy , Fuzuliy va Mashrab kabi mumtoz shoirlarimizni ustoz deb bilgan.

Afsuski, hozirgi kunda Afg`onistonda istiqomat qilib kelayotgan o`zbek adabiyot vakillarining ijod qilishiga qulay shart-sharoitlar ko`zga tashlanarli darajada yaratilmagan. Ijodkorlarimizning asarlari qisman sof o`zbek tilida yozilganligi, ya`ni davlat tomonidan o`zbek adabiyot namoyondalarining asarlarini, yoki , she`rlarini sof o`zbek tilida chop qiladigan nashriyotlarning kamligi , adabiy tanqidchilarning kamligi, o`zbek adabiyot namoyondalarining o`zbek tilida yozilgan asarlarini o`qiy oladigan kishilarning ozligi va davlat tomonidan targ`ibot va tashviqot qilinmasligi kelajak o`zbek yoshlarining yozuvchi va shoirlar ijodlaridan bebahra qolayotganligiga sabab bo`lmoqda. Afg`oniston o`zbeklarining O`zbekiston bilan milliy urf-odatlari va milliy qadriyatlari bilan aloqada bo`lib turishi, chegaraning ikki tomondagi til bo`yicha mutaxassislarining doimiy ilmiy aloqada bo`lishlari, fikr almashishlari, o`zbek tilining yanada o`sishi va takomillashishiga katta yordam bergan bo`lar edi. Afg`onistonda o`zbek tilining turli lahjalari bor, ushbu lahja va shevalarda ko`pgina sof , asl so`zlar va birikmalar hanuzgacha ilmiy jihatdan o`rganilmagan. O`zbekiston Afg`oniston o`zbeklariga o`zbek tilini ilmiy o`rganishda yordam berishi kerak, O`zbekiston va Afg`oniston o`zbeklari , ayniqsa, adabiyot vakillari bilan doimiy aloqada bo`lib ilmiy muzokaralar va tadqiqotlar yanada kengroq olib borilsa yaxshi

samaraga erishar edi Afg'onistonda o'zbek matbuoti kengroq rivojlantirilsa, jurnalistika, teatr va san'at universitetlarida darslar o'zbek tilida olib borilsa, biz o'zbek yoshlar kelajagi uchun yangi bir poydevor qurilgan bo'lar edi. Afg'oniston teleradiyo kanallarida O'zbekiston kanallarining qisman yo'qligi Afg'onistonda istiqomat qilib kelayotgan biz o'zbeklar, o'zligimizni yo'qotayotgandaymiz. Biz ham o'zbeklarning milliy qadriyatlarini, urf-odatlarini, san'atini bilishga va o'rganishga haqlimiz-ku.

Men hozirda ikki davlat Prezidentining Shavkat Mirziyoyev Miromonovich va Afg'oniston Prezidenti Muhammad Ashraf G'aniy Ahmadzay tashabbuslari bilan O'zbekiston Respublikasi Vazirlar mahkamasining 2017-yil 13- noyabrdagi O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi huzurida ochilgan Surxondaryo viloyatida Afg'oniston fuqarolarini o'qitish ta'lim markazida o'zbek tili va adabiyot yo'nalishi 1-kurs talabasiman. Bu markazning ochilishidan asosiy maqsad, Afg'oniston Islom Respublikasi bilan ta'lim sohasida xalqaro hamkorlikni kengaytirish. Bu ikki davlatning ta'lim borasidagi hamkorligi biz yoshlarning har sohada ta'lim olishimiz va o'zbek tilini mukammal o'rganishimiz uchun zamin yaratib berdi. Men bu yurtga kelib, bu yurtning davlat tili o'zbek tili ekanligi, xalqining o'z tilida bimalol har joyda erkin so'zlasha olishi, ijod qilishi, o'z tili to'g'risida faxrlanib kuylay olishi, o'zbek yozuvchi va shoirlarning ijodi uchun yaratilgan shart-sharoitlarini, ta'limning har tomonlama rivojlanganligini, bu yurtning mehmondo'stligi va mehr-oqibatini ko'rib o'zbek deb atalmish millatning farzandi ekanligimdan faxrlandim.

Xulosa qilib aytganda, men kelajakda Afg'oniston ta'lim sohasining rivojlanishida, shu yurtning mahalliy o'zbeklarini har tamonlama bilimli, salohiyatli va o'z ona tilini mukammal o'rganishida hamda bu tilda qo'rqmasdan so'zlasha olishida, o'zbek adabiyot vakillarining she'rlari va asarlarini sof o'zbek tiliga o'girib, kitob qilib yosh avlodga targ'ibot qilishda va ularni kitob o'qishga qiziqtirishga o'z hissamni qo'shmoqchiman, bu esa mening eng asosiy vazifalarimdan biridir.

Foydalangan adabiyotlar:

1. <https://www.bbc.com>. 2013/05
2. "Tarixiy manbashunoslik"-ZiyoNet. Uz.

AFG'ONISTONDA FAN VA TA'LIMNI RIVOJLANTIRISHNING ZAMONAVIY TENDENSIYALARI

Shekibo Samadiy – talaba

Surxondaryo viloyati Termiz shahar Afg'oniston fuqarolarini o'qitish ta'lim markazi

Annotatsiya: Maqolada bugungi kunda Afg'onistondagi ta'lim jarayonlari haqida so'z borgan. Kalit so'zlar: pozitsiya, funktsiya, ekvatorial, global, etika normativ, mikrograda, elita.

Ta'lim mohiyat-e'tibori bilan dars berish jarayonini, ya'ni pedagog (o'qituvchi) faoliyatini, umuman o'quvchining bilish, o'rganish faoliyatiga rahbarlik qilishni hamda o'qish jarayonini, ya'ni o'quvchi faoliyatini bildiradi. Ta'lim jarayoni ta'lim beruvchi — o'qituvchi va ta'lim olayotgan o'quvchilar faoliyatining yig'indisidan iborat. Ta'lim va tarbiya jarayonida shaxsning sifatleri, dunyoqarashi, qobiliyati o'sadi. Ta'lim avlodlar o'rtasidagi ma'naviy vorislikni ta'minlaydi: kishilarning ijtimoiy, tarixiy tajribalari yosh avlodga ta'lim orqali o'tadi.

Ta'limda bugungi kun voqeligining ehtiyojlariga ko'ra, o'quvchilarning o'zini o'zi tasdiqlashi, o'zini o'zi anglashi va o'z taqdirini o'zi belgilashi uchun shart-sharoit yaratish va ularga imkoniyat berish muhim ahamiyatga ega. Bu o'z-o'zini tashkil etishni rivojlantirishga yordam beradi. O'qituvchi va talabaning pozitsiyalari hamkorlik shakliga aylanadigan vaqt keldi. O'zaro ta'sir shakllarining o'zgarishi ta'lim jarayonidagi barcha ishtirokchilarning roli va funktsiyalarining o'zgarishi bilan bog'liq.

Bugungi kunda O'zbekiston bilan jonajon qo'shni bo'lgan Afg'oniston bir daryoning ikki qirg'ogidagi xalqdir, shuning uchun ham milliy urf-odatlarimiz tarixi va milliy meroslarimiz bir-biriga juda yaqin va mosdir. Shunday ekan bugungi ta'lim jarayonlarimiz ham deyarli farq qilmaydi.

Afg'oniston ta'lim tizimi haqida.

Afg'oniston ta'lim tizimidagi vaziyat ikki qismga bo'linadi: asosiy ta'lim va o'rta maxsus ta'lim. Boshlang'ich ta'limda daryi bo'yicha birinchi-to'qqizinchi sinflar o'qitiladi. O'rta ta'limda 10-12-sinflar o'qitiladi. Afg'onistonda baholash tizimi 100 ball bo'lib, ular yuqori natijani 100 ball deb hisoblaydilar. O'quvchilar sinfdan sinfga o'tishi uchun minimal daraja 40-60 baldir.

Afg'oniston bo'yicha magistratura mutaxassisligi

Afg'onistondagi barcha bakalavrlar 136 ta yo'nalishni o'z ichiga oladi. Agar talaba 4 yillik bakalavrni 3 yil davomida tugatmoqchi bo'lsa, har bir semestr uchun ko'proq dars olib borishi kerak. Davlat ta'lim tizimida talabalarga har bir semestr uchun 14-24 tadan o'quv kurslarini tanlashga ruxsat etiladi. Agar talaba allaqachon boshqa universitetda kursdan o'tgan bo'lsa va kirish imtihoniga qabul qilish mumkin bo'lsa, afg'on universitetlarida o'qishni davom ettirmoqchi bo'lsa, o'tkazilgan darslarning baholarini ekvatorga chiqarishi mumkin.

Birinchiidan, ikkita maqola ro'yxatdan o'tgan bo'lishi kerak. Afg'onistonda Ph. D darajasiga qabul qilinish uchun magistr darajasiga, shuningdek, mikrogradalar bo'yicha aniq darajaga va magistrlik rejasiga ega bo'lishingiz kerak. Bundan tashqari, TOEFL yoki IELTS darajasi bo'lishi kerak (5.5 balldan yuqori bo'lgan holda) va yil davomida darslarda qatnashish kerak bo'ladi.

Shubhasiz, hayotning barcha sohalaridagi texnik, iqtisodiy, ijtimoiy, madaniy, harbiy va xulosaviy o'zgarishlar mamlakatning ilm-fan va ilmiy-akademik markazlari rivoji bilan bog'liqdir. Tibbiyot, qishloq xo'jaligi, sanoat va koinot sohalaridan kosmos va koinotga qadar ko'rish mumkin bo'lgan har bir yutuq sinfxonalarda ta'lim olish, professor-o'qituvchilar va tadqiqotchilarning laboratoriyasi va o'qitish va tadqiq qilish bo'yicha tajriba bilan butunlay bog'liq. Bu yillarda qo'llaniladigan aholi sifati tushunchasi jamiyatda shaxsning ta'lim va savodxonlik darajasini ko'rsatadi. Mamlakatlarning savodxonligi va ta'lim darajasi bir-biridan farq qilishi aniq, xalq va standart ilmiy markazlarga ega bo'lgan davlatlar global siyosatda yuqori o'ringa ega, barcha o'zaro aloqalarda yuqori iqtisodiy mavqega va qaror qabul qilishning yuqori darajasiga ega. Afg'oniston Fanlar akademiyasida tadqiqotchi o'rinbosaridan tortib tadqiqotchigacha bo'lgan 5 ta ilmiy daraja bor. Yuqoridagi darajaga erishish shart-sharoitlar va ilmiy loyihalar, tarjima va yozuv maqolalari hamda tadqiqotlarni ham o'z ichiga oladi. Olti yil ichida yuqori pog'onalariga ko'tarilishi mumkin bo'lmagan ilmiy xodimlarning har qanday a'zosi o'z vazifasidan ozod etiladi. Bunda professor yoki tadqiqotchining ilmiy darajasiga erishish zarur. Masalan, doktorlik darajasi (PhD). Ya'ni ilmiy daraja ta'lim darajasiga bog'liq.

Oliy ma'lumot to'g'risidagi qonunga kiritilgan o'zgarishlardan so'ng fakultetlar reytingiga o'tish normativdan chetlashtiriladi va akademik kadrqa qabul faqat falsafa doktori (PhD) yoki magistr darajasiga ega bo'ladi. Ilmiy rag'batlantirishning boshqa shartlari quyidagilardan iborat:

dissertatsiya yozish, tadqiqot loyihasini o'tkazish, yuqori malakali kafedra uchun darslikni tarjima qilish yoki yozish;

Yuqorida aytib o'tilgan asosiy ishlardan tashqari, quyi asarlarning mavjudligi, ya'ni universitetning ilmiy kadr a'zosi universitetlar va chet el jurnallarining ilmiy jurnallarida bir necha maqolani bir darajadan boshqasiga o'qigan bo'lishi kerak. Ilmiy jurnallar faqat oliy o'quv yurtlari va Fanlar akademiyasining jurnallari chop etilgan, ularning tahririyati yuqori ilmiy darajalarda o'tiribdi.

Hakamlar hay'ati konferensiyani ijobiy baholashi sharti bilan, ilmiy konferentsiyalarni hakamlar hay'ati huzurida taqdim etish,

Ilmiy rag'batlantirish uchun nomzodlarning ishi bo'yicha yuqori malakali professor-o'qituvchilarning mavjudligi;

Tashqi tilni bilish;

Tegishli bo'limning hisoboti;

Har bir semestr davomida o'quv mashg'ulotlarining majburiyatini bajarish;

Yana ikki nafar professor-o'qituvchi tomonidan tasdiqlanishi;

Universitetning barcha o'quv ishlarida ishtirok etish va kadr oldiga qo'yilgan vazifalarni muvaffaqiyatli bajarish;

Professor-o'qituvchilarni tayyorlash (professor-o'qituvchilar va professor-o'qituvchilarning yuqori malakali nomzodlari uchun);

Akademik etika, yuqori standartlar va yaxshi qarashlarga ega bo'lish, jamiyatni isloh qilish va ilmiy tadqiqotlarni amalga oshirishga bo'lgan sadoqat, hamkasblarga yaxshi munosabatda bo'lish va davlat xizmatchilariga rioya qilish yuqoridagi shartlarni o'z ichiga oladi.

Ilmiy darajaga ega bo'lish olimlarning tengi yo'q elita ekanligini anglatmaydi. Ammo boshqa bo'limlar, ilmiy markazlar va muassasalarda yana ko'plab elita olimlar borligini ko'rib turibmiz. Bu esa akademik bo'limlardan biriga a'zo bo'lishga va ilmiy darajaga ega bo'lishga olib keladi. Bu shaxsning ilmiy markazga (universitet/akademiyaga) bo'lgan aloqasi va a'ziligini ko'rsatadi.

Afg'oniston Fanlar akademiyasida tadqiqotchi o'rinbosaridan tortib tadqiqotchigacha bo'lgan 5 ta ilmiy daraja bor. Yuqoridagi darajaga erishish shart-sharoitlar va ilmiy loyihalar, tarjima va yozuv maqolalari hamda tadqiqotlarni ham o'z ichiga oladi. Olti yil ichida yuqori pog'onalarga ko'tarilishi mumkin bo'lmagan ilmiy xodimlarning har qanday a'zosi o'z vazifasidan ozod etiladi. Oxirgi o'rinni egallagandan so'ng, professor-o'qituvchilarga o'qitish, ilmiy-tadqiqot, maqolalar chop etish va ilmiy anjumanlar o'tkazish majburiyatini oladilar. Bunda professor yoki tadqiqotchining ilmiy darajasiga erishish zarur. Masalan, doktorlik darajasi (PhD). Ya'ni ilmiy daraja ta'lim darajasiga bog'liq.

Shunday ekan bugunki kunda ta'lim berish va uni rivojlantirish uchun har bir o'qituvchi o'z ustidan ko'proq ishlashi va deyarli tajribaga ega bo'lishi kerak. Agar biz yoshlarga yaxshi bilim, tarbiya va ko'nikma bera olgandagina natijaga erisha olamiz deb, o'ylayman.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. <https://go2tr.co/afghanistan/study>
2. <https://www.ariana-afghanistan.com/2022/01/15/%D8%B1%D8%AA%D8%A8->
3. liderlar kitobi Otabek Hasanov 198- bet

DISKRET MA'LUMOTLARNI MATHCAD DASTURIDA TEKISLASH (FAN VA TA'LIMNI RIVOJLANISHINING ZAMONAVIY TENDENTSIYALARI)

Mirzamaxmudova N.T. – katta o'qituvchi

Azamjonov S. – talaba

Farg'ona politexnika instituti

Tajriba natijalariga ishlov berish har bir tadqiqotchi oldida turgan asosiy vazifalardan biri hisoblanadi. Natijalarga ishlov berishda matematik dastur programmalaridan foydalanish to'g'ri qaror qabul qilishda asos bo'lib xizmat qiladi. Diskret ma'lumotlarga Mathcad dasturida ishlov berish uchun bir necha ishchi funksiyalar mavjud. Ya'ni Slope, line va boshqalar.

Mathcad programma dasturida interpolyatsiyaning quyidagi usullarini ko'rish mumkin:

Funksiya	Funksiyaning vazifasi
Slope(x, 1)	$y=ax+ bx$ bog'lanishda a ni hisoblaydi
Intercupt(x, 0)	$y=ax+ bx$ bog'lanishda b ni hisoblaydi
Lin(x, 2)	$y=ax+ bx$ bog'lanishda a va b ni hisoblaydi

Tadqiqot (tajriba) natijalari o'rganilayotgan sohada har-xil xususiyatlarga bo'ysunadi. Bunday hollarda interpolyatsiya funksiyasi bir necha funksiyadan iborat bo'ladi.

Demak, quyidagilarni yozish mumkin:

$$f(x) = c_1\varphi_1 + c_2\varphi_2 + \dots + c_n\varphi_n$$

Bu yerda c_1, c_2, \dots, c_n noma'lum koeffitsientlar. Bu koeffitsientlarni topish uchun Mathcad dasturidan foydalanamiz. Tajriba yordamida quyidagi natijalar olindi:

x	1. 1	2	3	4	4. 8
---	------	---	---	---	------


y	25	12	9.4	6.2	26
---	----	----	-----	-----	----

Bu masalani Mathcad dasturida yechamiz.

$$x1 := \begin{pmatrix} 1.1 \\ 2 \\ 3 \\ 4 \\ 4.8 \end{pmatrix} \quad y1 := \begin{pmatrix} 25 \\ 12 \\ 9.4 \\ 6.2 \\ 26 \end{pmatrix} \quad F(x) := \begin{pmatrix} x \\ x^2 \\ \exp(x) \end{pmatrix}$$

$$k := \text{linfit}(x1, y1, F)$$


$$k = \begin{pmatrix} 23.622 \\ -9.098 \\ 1.012 \end{pmatrix}$$



$$r := 1, 1.25 .. 5$$

$$i := 0..4$$

$$G(t) := F(t) \cdot k$$



Mathcad dasturi yordamida bajarilgan yechimlar hisob ishlarini osonlashtiradi. Natijaga tezroq erishish mumkin. Grafik interpretatsiyasi funksiyani to'la ko'rish imkoniyatini beradi.

Adabiyotlar:

Щикин Е. В. , Чхартишвили А. Г. , Математические методы и модели в управлении, 2000.

Abdurazakov A. , Mirzamahmudova N. , Maxmudova N. "IQTISOD" YO'NALISHI MUTAXASSISLARINI TAYYORLASHDA MATEMATIKA FANINI O'QITISH USLUBIYOTI //Scientific progress. – 2021. – T. 2. – №. 7. – С. 728-736.

Abdurazakov A. , Mirzamahmudova N. , Maxmudova N. IQTISODIY MASALALARNI MAPLE DASTUR TIZIMI YORDAMIDA YECHISH USLUBIYOTI //Scientific progress. – 2021. – T. 2. – №. 7. – С. 737-745.

O‘ZBEKISTON XALQ SHOIRI SIROJIDDIN SAYYID IJODIDA SO‘Z SEHRI

Eshpulatova X.M. – o‘qituvchi

Afg‘oniston fuqarolarini o‘qitish ta‘lim markazi

Kalit so‘zlar: *Hadis, uyushma, adabiyotshunos, barkamol, badia, chaqmoq, yashin.*

Annotatsiya. *Maqolada Sirojiddin Sayyidning so‘zdan foydalanish mahorati, shoir ijodida aks etgan har bir narsaning ifodalanishi haqida so‘z boradi.*

Bejizga so‘zda sehr, she‘riyatda hikmat bor, deya baho berilmagan. So‘z sehrini roviylarimiz ham yuksak baholaganlar. Dunyo yaralibdiki, u bilan birgalikda so‘z ham yaralgan. So‘zga bo‘lgan talab hech qachon o‘zgarmaydi, aksincha unga bo‘lgan talab oshaveradi. Shoir ijod qilish davomida o‘ziga Alloh tomonidan berilgan iste‘dod, salohiyat, iqtidordan foydalanib she‘r yozadi. Hammaga xush keluvchi, qalblarni junbushga keltiruvchi she‘rlarni hamma ham yozavermaydi. Buning uchun ijodkor qalamining nechog‘lik o‘tkir, jozibador, nishonga qadalishi uchun qalbidan so‘z axtaradi. Yozilgan she‘r adabiyot osmonida zarbali chaqmoqdek chaqnasagina, butun adabiyot olamini larzaga soltasagina, ko‘ngillarni yashindek qoplasagina u haqiqiy she‘r hisoblanadi.

O‘zbek adabiyoti tarixida juda ko‘plab shoir-u shuarolar o‘tgan. Har bir davrda she‘riyat osmonini charaqlatgan ijodkor bo‘lgani kabi, Sirojiddin Sayyid ijodi, u kishi yaratgan mohiyati teran, badiiy jihatdan barkamol she‘riyati ham kitobxon qalb to‘rini larzaga solib zabt eta oldi. Sirojiddin Sayyid ilk she‘rlari bilan buyuk shoirlar Erkin Vohidov, Abdulla Oripov, adabiyotshunos olim Ozod Sharafiddinov, mashhur rus shoiri Andrey Voznesenskiy, Aleksandr Faynbergning nazariga tushdi. Dunyoda eng og‘ir – so‘zning yo‘lidir, deb bilgan O‘zbekiston xalq shoiri, “Do‘stlik” va “Mehnat shuxrati” ordeni sohibi, Yozuvchilar uyushmasi raisi Sirojiddin Sayyid ijodning hamma mashaqqatlarini o‘z zimmasiga oldi va bu yo‘lda ulkan yutuqlarga erishdi.

Sirojiddin Sayyidning “Xayrullaning komandasi” nomli ilk hikoyasi 1972-yilda Respublika gazetasida chop etilgan vaqtida shoir endigina 8-sinf o‘quvchisi edi. “Orzu” va “Istak” nomli birinchi she‘rlari 1975-yilda “Toshkent universiteti”, “Sevgi” va “Orzu” nomli she‘rlari “Sariosiyo haqiqati” gazetalarda chop etildi. “Ruhim xaritasi” nomli ilk sheri kitobi 1985-yilda G‘afur G‘ulom nomidagi adabiyot va san‘at nashriyotida bosildi. Ushbu to‘plam tez fursatda kitobxonlar nazariga tushdi. Ko‘p o‘tmay “Yoshlik” jurnalida bosilgan “Saksoninchi yillar” dostoni Sirojiddin Sayyidni shoir sifatida keng tanitdi. Shundan so‘ng uning “Salqin xarsanglar kaftida” (1986), “Sevgi mamlakati” (1987), “Asragil” (1990), “Mehr qolur, muhabbat qolur” (badialar, maqolalar, 1992), “Kuydim” (1994), “Uyingdagi beshiklar” (1996), “Vatanni o‘rganish” (1996), “Egasi bor yurt” (2001), “Qaldirg‘ochlarga ber ayvonlaringni” (2005), “Dil fasli” (2007), “Yashasin yomg‘irlar” (badialar, suhbatlar, adabiy maqolalar, 2007), ikki jildlik “So‘z yo‘li” (2008) “Yuz oh, Zahiriddin Muhammad Bobur” (doston, 2011), O‘zbekiston Respublikasi mustaqilligining 20 yilligiga bag‘ishlangan “Bug‘doybo‘y Vatan” (she‘rlar, badialar, maqolalar, 2011), “Ochil, ey gul, ki bo‘ston vaqti bo‘ldi” (2014) singari kitoblari nashr etildi.

Ulug‘ bobong Navoiyning
yotar joyi Hirot bo‘lgay,
Valekin bilmasang ul
zotni sen, og‘ir uyot bo‘lgay.

Shu ma‘noda Sirojiddin Sayyidning “Kuydim”, “Vatanni o‘rganish” nomli to‘plamlariga kirgan she‘rlarida qulf ura boshlagan go‘zal va mungli tuyg‘ulari yanada keng ko‘lam va zalvor kasb etgan, tug‘ilgan yurt, ona Vatan haqidagi sog‘inch va hayajonlari, mehru muhabbati “Vatan abadiy” (2001), “Ustimizdan o‘tgan oylar” (2003), “Ko‘ksimdagi zangorlarim” (2005) nomli she‘riy to‘plamlarida bor bo‘y-basti bilan namoyon bo‘ladi. Shoirning keyingi yillarda bosilgan “Ko‘ngil sohili” (“Shamnoma”, to‘rtliklar, 1995), “Dil fasli” (2007), “Bug‘doybo‘y Vatan” (2011) kabi kitoblaridagi she‘rlar, manzuma va dostonlarni ilmiy-adabiy jamoatchilik xayrixohlik bilan qarshi oldi. S. Sayyidning “Tanazzul” (1989), “To‘palondaryo bilan xayrlashuv” (1992), “Yaxshilik eskirmaydi” (Qirq hadis, 1992–2001), “Bahor Surxondan boshlanar” (2002), “Laylakqor va

odamzod rivoyati” (1998), “Yuz oh, Zahiriddin Muhammad Bobur” (2010) dostonlari mustaqillik yillari epik janr qiyofasini yaratishda muhim o‘rin tutadi.

Sirojiddin Sayyid tarjima sohasida ham faoliyat yuritib, Pushkin lirikasidan namunalarni, Andrey Voznesenskiyning “Mangu rizq” (1991) she‘rlar va nasriy kitobini, bulg‘or shoiri Lyubomir Levchev she‘rlarini, musavvir Pablo Pikassoning she‘riy tajribalarini, Abu Homid G‘azzoliyning “Munojot lazzati” nomli hikmatlarini, Jaloliddin Rumi, Hofiz Sheroziy g‘azallari bilan hikmatlarini, Ro‘dakiy, Aleksandr Faynberg, Loyiq Sherali she‘rlarini o‘zbek tiliga o‘girdi. Shoirning she‘r va dostonlari rus, turkman, ukrain, belorus, tojik, qozoq va ozarbayjon tillariga tarjima qilingan. O‘zbekiston xalq shoiri Sirojiddin Sayyid O‘zbekiston Yozuvchilar uyushmasi raisining birinchi o‘rinbosari hamda “O‘zbekiston adabiyoti va san‘ati” gazetasi Bosh muharriri lavozimlarida xizmat qildi. Hozirgi kunda O‘zbekiston Yozuvchilar uyushmasi raisi lavozimida faoliyat yuritayotgan Sirojiddin Sayyid she‘riyati chorak asrga yaqinki, o‘quvchilari e‘tiborini qozonib kelmoqda. Ijodkorning o‘zi ta’kidlaganidek, uning shoirligi “yozilmish manglayimga bir zamonlar”dir. U 1999-yilda “Do‘stlik” ordeni bilan mukofotlangan. “Yuz oh, Zahiriddin Muhammad Bobur” dostoni uchun Bobur jamg‘armasining Xalqaro mukofoti bilan taqdirlangan. Aytish mumkinki, ulug‘ xalqi, buyuk ustozlari, ko‘z- ko‘z qilishga arzigulik sofdil shoirlardan biri, shubhasiz, Sirojiddin Sayyiddir.

Men dunyoga nomimni Kuygan sahro ham o‘zim,
Bunyod etgali keldim. Toshqin daryo ham o‘zim,
Avval o‘zni yo‘qotib, Ishqdan ado ham o‘zim,
So‘ng yod etgali keldim. Faryod etgali keldim.

S. Sayyidning “ijod mavzusi”yu, alohida so‘z yo‘li bu – Ona yurtga muhabbat, sevgi va sadoqat yo‘lidir. S. Sayyid Vatan manzarasini jimjimador so‘zlarsiz, hayqirig‘u da‘vatlarsiz sodda va samimiy, barcha uchun tushunarli sodda tilda aks ettiradi. Ayniqsa, bu holatni shoirning “Bug‘doybo‘y Vatan” she‘rida yaqqol ko‘rishimiz mumkin:

Handalakbo‘y tuproq, bug‘doybo‘y Vatan
Bugun har dehqoning-mo‘tabar boyim.
Rizq-u nasibamni butun aylagan,
Or-u nomusimsan asli, bug‘doyim.

Sirojiddin Sayyid she‘riyatini varaqlaganimizda, asosan o‘zi tug‘ilib o‘sgan Surxon zaminini, O‘zbekiston o‘lkasini yuksak cho‘qqilarga ko‘taradi, uning kuz-u yozini, bahori-yu qishini olamdagi hech bir mamalakatdan kam emasligini ta’kidlaydi:

“Olamga boq – qancha bog‘, Qancha gulu chamandir. Bir tomoni Chin-Mochin, bir tomoni Yamandir”, – deya hayqiradi, ammo bular orasida Ona yurt yagonaligini “Bir jism-joni tandir, Vatan bitta Vatandir” ekanligini, zero, Vatandan boshqa har qanday makon “Qayon borsang – onangday, Yo‘llaringda zor bo‘lmas” deya xitob qiladi.

Sirojiddin Sayyid hamma mavzularda she‘r yaratdi. Shoir ochmagan mavzu, ilgari surmagan g‘oya qolmadi. Hatto kichik bir elementdan ham mohirona foydalanib katta bir g‘oya yarata oldi.

Buncha ham qattiq ekan Bu dunyoda nihoyat
Qismating bolishlari Bir hikmatni ilg‘adim.
Ko‘z oldimdan ketmas hech Kalishlarni yuzimga
Onamning kalishlari Bosib kelar yig‘lagim.
Ular ostonasida Onamning kalishlari...
Ko‘zimga butun dunyo Bir umrlik qarzimday
Turar bir juft abgorday. Pataklarini ko‘zimga
Ko‘rinadi aybdorday. Surtib o‘lsam arzigay.

Sirojiddin Sayyid bolalik chog‘laridan boshlab matalgo‘ylik, dostonxonlik muhitida, ertak va afsonalar olamida ulg‘aydi. Oybibi momosi, Saidumar amakisi, Islomiddin tog‘asidan eshitgan xalq qo‘shiqlari, Abduvahob bobo, Vahob shoirning she‘rlari, onasi Xolbibini Nasriddin qizi aytgan naql-u hikoyatlar uni shoirlar mamlakatiga yetakladi. Shuning uchun shoir ijodiga nazar solsak, so‘zdan keng xalqona ravishda unumli foydalanganligining guvohi bo‘lamiz. Shoirning har so‘zidan go‘zal bir ma’noni uqish mumkin.

Yomg'irlar yig'lashib sel bo'ldi, ona,
Sog'inchlar birlashib bo'ldi, ona.
To'planib-to'planib barcha og'riqlar
Mening ko'kragimda dil bo'ldi, ona

Xulosa o'rnida shuni aytishim mumkinki, Sirojiddin Sayyid she'rlarini o'qiganda kitobxon uni mazmunini tez va oson tushunadi, ayniqsa, Ona va Vatan mavzuidagi she'rlari barchaning qalbiga orom baxsh etadi. Ona va Vatanning bir-biridan ajralmas tushuncha ekanligi, uning qadr-qimmatini naqadar yuksak ekanligini, undan ajralish esa katta fojia ekanligini kitobxon qalban va ruhan sezadi hamda uni hamisha qadrlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Karimov I. A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. T. : Ma'naviyat. 2008.
2. Sh. M. Mirziyoyev. Yangi O'zbekistonda erkin va farovon yashaylik. 2021.
3. Sirojiddin Sayyid. Asarlar. I jild. 1975-1989. T. :2018.
4. Sirojiddin Sayyid. Asarlar. II jild. 1990-2003. T. :2018.
5. Sirojiddin Sayyid. "Dil fasli" Toshkent "O'zbekiston" - 2007
6. Sirojiddin Sayyid. "Yashasin yomg'irlar" Toshkent "O'zbekiston" - 2007

PISA TADQIQOTIDA MATEMATIK SAVODXONLIK BO'YICHA TOPSHIRIQLARNING BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARI UCHUN AHAMIYATI

Amonova A.S.

JDFU " Boshlang'ich ta'lim" fakulteti 3-bosqich talabasi

Annotatsiya: Ushbu maqolada boshlang'ich sinf o'quvchilari uchun xos bo'lgan PISA tadqiqotining matematika yo'nalishi bo'yicha topshiriqlardan namuna, ularning baholash mezonini haqida fikrlar bildirilgan. Bundan tashqari, topshiriqlarda miqdorlar bo'limiga kiruvchi uzunlik o'lchov birliklarining qo'llanishi haqida qayd etilgan.

Kalit so'zlar: kompetentlik, kontekst, topshiriq, matematik savodxonlik, miqdorlar, matematik yechim

KIRISH

Har bir davlat matematik savodxonlik yoki kompetentlik tushunchasi bo'yicha o'z qarashlariga ega va unga kutilgan natija sifatida erishish uchun o'z ta'lim jarayonini tashkil qiladi. Tarixan matematik savodxonlik yoki kompetentlik asosiy arifmetik ko'nikmalarga ega bo'lish, xususan, butun sonlar, oddiy va o'nli kasrlar ustida qo'shish, ayirish, ko'paytirish va bo'lish amallarini bajarish, foizlarni hisoblash, sodda geometrik shakllarning yuzi va hajmlarini hisoblash kabi ko'nikmalarni o'z ichiga olib kelgan. Topshiriqlarni baholash uchun kontekstlar va XXI asrning tanlangan ko'nikmalari tadqiqotlarida darsliklarimizdagi odatdagi matematik masala emas, balki biror kontekstda taqdim qilingan real hayotiy muammoli vaziyatlar beriladi. Eslatib o'tamiz, darsliklarimizdan o'rin olgan, odatdagi standart matematik masalada berilgan miqdorlar (ma'lumlar) va topish kerak bo'lgan noma'lum miqdor bo'ladi. Noma'lumni berilgan ma'lumlardan foydalanib topish talab qilinadi. Bunda berilganlar noma'lumni topish uchun yetarli bo'lib, ular kam ham bo'lmaydi, ko'p ham bo'lmaydi. PISA topshiriqlari esa matematik masala emas, u matematik masaladan oldin keluvchi bosqich – muammoli vaziyatning tavsifi (kontekst)dan iborat. Topshiriq kontekstida tasvirlangan muammoli vaziyatni mulohaza yuritish orqali o'rganib, uni matematik tilga o'girib ifodalash, ya'ni matematik masalaga keltirish kerak bo'ladi. Shundan keyingina masalani matematikani qo'llab yechishga kirishiladi.

ADABIYOTLAR VA METODOLOGIYA

PISA tadqiqotlarida o'quvchilarning matematik tayyorgarligini baholashda quyidagi uch jihatga alohida e'tibor qaratiladi: topshiriqlar o'quvchilarning kundalik hayotdagi qiziqishlari va ehtiyojlariga mosligi; muammo mazmuni (kontekst)ning hayotiyliigi; matematikani qo'llash bosqichlarining faqat ayrimlarini emas, balki barchasining to'liq qamrab olinganligi, ya'ni bu

jarayonning bir qisminigina bajarish (masalan, tenglamani yechish, algebraik ifodani soddalashtirish) emas, balki masalani tushunish bosqichidan boshlab, uni matematik tilda ifodalash, yechish va yechimni talqin qilishgacha bo'lgan barcha bosqichlarning hammasini qamrab olinganligi.

Boshlang'ich sinf o'quvchilari matematik misol va masalalarni yechish orqali amaliy masalaning matematik yechimidan olingan natijalar ustida fikr yuritish, matematik yechimni real muammo mazmuniga ko'chirish va matematik masalada tasvirlangan real muammoga nisbatan uni talqin qilish va topilgan yechim muammoning haqiqiy yechimiga mosligini hamda yaqinligini baholash, matematik fikrni aniq, yozma va tasvirli ifodalash uchun matematika tilidan, belgi va timsollardan hamda kompyuter va axborot kommunikatsiya texnologiyalari imkoniyatlaridan foydalana oladi.

Siz-u bizga tanish bo'lgan uzunlik va uning o'lchov birliklari birinchi sinfdan boshlab o'quvchilarga tushuntirilib boriladi. Chunki, biz bu mavzuni real hayotda juda ko'p uchratamiz, bu mavzuning birinchi sinf darsligida kiritilishi ham bejiz emas, albatta. PISA topshiriqlarida ham uzunlik o'lchov birliklariga oid matematik savodxonlikni oshiruvchi misol va masalalar bor. Quyida shu mavzuga doir PISA topshiriqlariga kiritilgan misola va masalalar bilan tanishtiraman.

Topshiriqdan namuna

Uydan kinoteatr gacha masofa 1 km 200 m, maktabgacha bo'lgan masofa esa 850 m. Uydan maktabgacha masofa kinoteatr gacha masofadan necha m qisqa?

A. 400 m B. 250 m

C. 350 m D. 300 m

Savol tavsifi: Uydan maktabgacha masofa qancha qisqaligini aniqlash

Matematikaga oid mazmun sohasi: miqdorlar

Kontekst: ijtimoiy

Aqliy faoliyat turi: ifodalash.

Boshlang'ich sinf o'quvchisi bu masalani yechish uchun, avvalo 1 kilometrni metr ga aylantirib olishi kerak, $1\text{km}=1000\text{m}$. Keyingi bosqichda 1000 metr ga 200 metrni qo'shish talab etiladi va chiqqan javobdan 850 metr ayriladi. O'quvchi xuddi shu tartibda topshiriqni ishlashi kerak. Topshiriqning baholash mezon:

Quyidagi holda javob to'liq qabul qilinadi:

To'g'ri javob: C) 350 m

Quyidagi hollarda javob qabul qilinmaydi: boshqa javoblar bo'lsa; javob berilmagan bo'lsa.

XULOSA

Boshlang'ich sinf o'quvchilarining matematik savodxonligi, kreativ fikrlashi, o'qish savodxonligi, albatta, ta'lim tizimimizning rivojlanishi uchun muhim hisoblanadi. PISA muayyan maktab o'quv dasturlarining ustunligini emas, balki o'quvchilarning asosiy mavzularda bilim va ko'nikmalarini qo'llay olish qobiliyati, muammolarni tahlil qilish, sharhlash va samarali hal qilish, fikrlash va muloqot qilish imkoniyatlarini o'rganadi. O'quvchilar maktabda o'rganishi lozim bo'lgan hamma narsani to'liq o'zlashtira olmaydilar. Samarali o'rganuvchi bo'lish uchun nafaqat bilim va ko'nikmalarni, balki ular qanday va nima uchun o'rganilishi haqida xabardor bo'lishi lozim. O'quvchilarning matematik savodxonligini baholashda ularning taniqidiy fikrlashi, ijodkorligi, kreativligi, mulohaza yurita olishi kabi ko'nikmalari inobatga olinadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. PISA–2021 Mathematics Framework (second draft), 46th meeting of The PISA Governing Board, 5-7 November 2018 Prague, Czech Republic.
2. PISA Mathematics in 2021, An analysis of the center for curriculum redesign (CCR), 2016.
3. Implementing the Proposed Mathematics Framework: Recommendations for PISA-2021, Peggy G. Carr, Ph. D. , Vice Chair, PISA Governing Board Associate Commissioner, National Center for Education Statistic(NCES) May 25, 2018.
4. Assessing Reading, Mathematics and Scientific Literacy: A framework for PISA 2009. OECD, 2009.

5. PISA-2012 Assessment and Analytical Framework: Mathematics, Reading, Science, Problem Solving and Financial Literacy, OECD Publishing.
6. PISA 2021 Mathematics: A Broadened Perspective (2017) by the OECD Subject Advisory Group (EDU/PISA/GB(2017)17).
7. OECD (2013), PISA 2012 Assessment and Analytical Framework: Mathematics, Reading, Science, Problem Solving and Financial Literacy, OECD Publishing.

MAKTABGACHA TA'LIM MUASSASASI VA MAKTAB HAMKORLIGI

Nazarova M.A. – talaba

Jizzax davlat pedagogika universiteti

Annotatsiya

Ushbu maqolada maktabgacha ta'lim muassasasi va maktab hamkorligi doirasida amalga oshiriladigan ishlar hamda maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarning qiziqishlarni, qobiliyatlarini aniqlash, yo'nalish ko'rsatishda pedagogning roli haqida bayon etilgan.

Kalit so'zlar: pedagog, intellekt, iqtidor, qobiliyat, diqqat, ong, qiziqish, axloq, e'tibor, nutq, metod, tarbiya, bilish jarayonlari.

Mamlakatimizda mustaqillik yo'lidagi ilk qadamlardan oq jamiyatning barcha sohasini qamrab olgan siyosiy va iqtisodiy tub islohotlar amalga oshirila boshlandi. Ta'lim sohasida jumladan uning birinchi pog'onasi hisoblanmish maktabgacha ta'lim sohasida ham katta o'zgarishlar qilinmoqda. Mustaqillik yillarida mamlakatimizda ta'lim muassasalari faoliyatini me'yorlashtiruvchi «Ta'lim to'g'risida»gi Qonun. «Kadriar tayyorlash milliy dasturi», «O'zbekiston Respublikasi maktabgacha ta'lim to'g'risida»gi Nizom, «Maktabgacha yoshdagi bolalarni ta'lim-tarbiyasiga qo'yilgan davlat talablari» kabi muhim davlat hujjatlari qabul qilindi.

Isloh etish jarayonida bolalarga ta'lim va tarbiya berish vazifalari, mazmuni, shaki va uslublari, shuningdek pedagogika fani taraqqiyotining ustivor yo'nalishlari qamrab olinmoqda.

Bugungi maktab bolasidan aniq bHimlargina emas, fikrlash ko'nikmasi, kattalar hamda sinfdosh o'rtoqiarini tushunish, ular bilan hamkorlik qilish talab etiladi. Shuning uchun bolaning maktabga qadam qo'yayotganida nechog'li bilimga ega ekanligi emas, balki uning yangi bilimlami egallashga tayyorligi. atruf olamga moslashish ko'nikmasi, voqea-hodisani mustaqil ravishda tahlil etishi muhimroq hisoblanadi.

Bolani biror narsaga o'rgatishgina emas, unda o'z kuchiga ishonchni orttirish, o'z g'oyasini himoya qilish, mustaqil ravishda bir qarorga kelish ko'nikmasini shakllantirish ham muhimdir. «O'zbekiston Respublikasi maktabgacha ta'lim to'g'risidawgi Nizomga muvofiq bola maktabgacha ta'limni uyda ota-onaning mustaqil ravishda ta'lim-tarbiya berishi orqali yoki maktabgacha ta'lim muassasalarida, shuningdek, maktabgacha ta'lim inuassasalariga jalb qilinmagan bulalai uchui maklabgacha ta'lim muassasalarida, maktablarda, maxallalarda tashkil etilgan maxsus guruhlar yoki markazlarda oladi.

Maktabgacha yoshdagi bolalarning maktab ta'limiga o'tishi xamisha uning hayoti, axloqi, qiziqish va munosabatlarida jiddiy o'zgarishlarni yuzaga chiqaradi. Shuning uchun maktabgacha yoshdagi bolalarni maktabgacha ta'lim muassasasida yoki oilada maktab ta'limiga tayyorlash, uni murakkab bo'lmagan bilim, ko'nikma va malakalar bilan tanishtirish kerak bo'ladi. Bunday tanishtiruv moslashuv davrining jiddiy qiyinchiliklaridan xalos bo'lishga yordam beradi.

Shunga binoan, MTMsi bilan maktab o'rtasidagi bog'liqlik bir tomondan, bolalarni maktab ta'limi talablariga javob beradigan darajada umumiy rivojiantirib va odobli qilib tarbiyalagan holda maktabga o'tkazishni, ikkinchi tomondan, o qituvchining katta maktabgacha yoshdagi bolalarning egallagan bilim, malaka sifatlariga va lajribalariga tayanib, ulardan o'quv-larbiyaviy jarayonda samarali foydalanishni MTMsi bilan maktab o'rlasidagi uzviy bog'liqlik kalla maktabgacha yoshdagi bolalar va maklabning boshlang'ich sinf o'quvchilariga ta'lim-tarbiya berish sharoilini yakinlashtirishga yordam beradi. SHunday ish tutilganda bolalarning maktab sharoitiga moslashishi ancha engillik bilan o'tadi. Bolalar maktab sharoitiga tabiiy moslashib ketadilar, bu esa o'z navbatida maktabda o'qishning birinchi kunidan boshlab ta'lim-tarbiya ishining samarasini oshiradi.

Zero, maktabgacha ta'lim muassasasi xodimlari birinchi sinfda bolalar oldiga qo'yiladigan talablarni yaxshi bilishlari, maktabga tayyorlov guruhidagi bolalarni shunga muvofiq ravishda ta'lim olishga tayyorlashlari kerak. Maktab bilan MTM o'rtasidagi uzviy aloqa murakkab va ko'p tomonlama tuzilishga ega. Unda ta'lim-tarbiyaviy ishlarning mazmuni, metod va usullari, tashkiliy shakllari. shuningdek bolalarni tarbiyalash shart-sharoillari va pedagogik talab kabi etakchi tomonlarini ajratib ko'rsatish mumkin. Bunda quyidagilarga alohida e'tibor berish kerak:

Maktab talabi nuqtai nazaridan bolalar bilimlarni chuqurroq egallab olish lozim

MTM nuqtai nazaridan bolalarni maktab talabi darajasidagi bilim, malakakunikmalar bilan qurollantirish

Bolalarning maktabga ruxiy tayyorligi. Bu erda vazifa bolalar mehnatning har kaday turiga tayyor turishlari, ularda aqliy mehnat-bilishga qiziqishni o'stirishining kelajakdagi mustaqil faoliyatga tayyorlashdan iborat.

MTMsida beriladigan ta'lim rivojiantiruvchi tarzda bo'lishi kerak.

MTMsi bilan maktab o'rtasida izchil aloqa o'rnatish.

Uzviylik MTMsi va maktabda shaxsni har tomonlama shakllantirish bo'yicha olib boriladigan ta'lim-tarbiya ishini izchillik bilan amalga oshirish imkoniyatini yaratadi. MTM maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarda boshlang'ich sinf ta'limi maqsad va vazifalariga mos keladigan sifat jihatdan yangi xususiyatlarni shakllantiradi.

Maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalar egallagan xulq-atvor shakllari, kattalar va tengdoshlari bilan bo'ladigan o'zaro munosabat shakllari, axloqiy xis-tuyg'u va tasavvuriar maktabning boshlang'ich sinflarida bolalarga yangi axloqiy xulq-atvor shakllarini ulaming ongini, his-tuyg'ularini tarbiyalash uchun manba Bю'MБ xizmat qiladi.

Maktab bolalarda axloqiy tasavvuriar va xulq atvorda birlik bo'lishini tarbiyalash, o'z xatti-harakati uchun shaxsiy javobgarlikni seza bilish, jamoachilik xislatlari, sifat jihatdan yangi bo'lgan xulq, atvor shakllarini tarkib toptirish uchun shart-sharoit yaratadi. Maktabda vatanparvarlik, baynalmilallik, o'z vatani oldidagi burchini chuqur anglash kabi his-tuyg'ular shakllanadi. Bunday yuksak hislar bolalarning MTMda ota-onalariga, oilasiga muhabbat, kattalarga hurmat, ona tabiatga mehr va shu kabi axloqiy xislari asosida shakllanadi. Maktabda bolalarni estetik tomondan tarbiyalash bo'yicha izchil ish olib boriladi. Bolalar musiqa va ashula darslarida musiqa asbob-anjomlari bilan tanishadilar. ashula aytadilar, marsh sadolari ostida yuradilar. o'yinga lushadi san'at darsida esa o'qvchilar chizmachilik, rasm solishni. Naqqoshlik, rangtasvir, manzarali-amaliy san'at natyurmortni, portretni bir-biridan farqlashni o'rganadilar.

O'qish darsida bolalar adabiy janrlar bilan tanishtiriladi. Amaliy mashg'ulotlarda ularning badiiy, ijodiy qobiliyatlari yanada rivojiantiriladi. Bolalarda mehnatsevarlikni tarbiyalash. mehnat axiiga ijobiy munosabat. mehnat malaka va ko'nikmalarini shakllantirish ishlari ham maktabda o'rganilib boriladi. Maktab bilan MTM o'rtasidagi mehnat tarbiyasi bo'yicha uzviy bog'liqlik mehnat tarbiyasining mazmunini murakkablashtirishga, uni ijtimoiy foydali tomonga qaratishga, bolalarning mehnatdagi mustaqilligi, o'z-o'zini tashkil eta bilishga, axloqiy munosabatlarning ongli tus olishiga olib keladi. Mehnat faoliyati yanada tarkib topa boradi. Maktabdagi hamma o'quv-tarbiyaviy jarayonlar bola shaxsini har tomonlama shakllantirishni rivojiantirish bo'yicha izchillik asosida olib boriladi.

Maktab bilan MTM o'rtasidagi uzviy aloqa asosini MTM va maktabda amalga oshiriladigan ta'lim-tarbiya ishlari mazmunini belgilovchi dasturlar o'rtasidagi bog'liqlik tashkil etadi. Hozirgi boshlang'ich sinflar dasturi bilan MTM dasturini olib solishtiradigan bo'lsak, ular o'rtasida bir qancha o'zaro bog'liqlarni ko'ramiz. Bu eng avvalo dasturlarda asos qilib olingan prinsiplarning umumiyigi bilan belgilanadi. Ularning mazmuni bolalarni har tomonlama tarbiyalash maqsad va vazifalariga mos kelish printsiplari, hayot bilan borliq, ilmiylik printsiplari, ta'limning tarbiyalovchi va rivojlantiruvchi xususiyatga egaligi va falsafiy, ruhiy nuqtai nazarlarning birligida namoyon bo'ladi.

Birinchi sinf o'quv dasturi ayrim predmetlar bo'yicha MTM dasturi bilan solishtirilganda ularda umumiylik ko'pligini ko'ramiz. Masalan, MTMsida ona tiliga o'rgatish va boshlang'ich sinflardagi ona tili darsiga bolalar nutqini har tomonlama rivojiantirish kabi umumiy g'oya asos qilib olinadi. MTMsida bu ish bolalarning lug'qtini boyitish, tovushlarni to'g'ri talaffuz qilishga,

ifodali o'qishga o'rgatish, bog'langan nutqni shakllantirish orqali amalga oshiriladi. Maktabda esa bolalarda mana shu MTMda egallagan bilim. malaka, tushunchalarga asoslanib, yozma nutq malakasi, ortib grafik xat malakasi shakllantiriladi, ularga morfologiya va sintaksis elementlari o'rgatiladi. Shu bilan bir qatorda MTMda boshlangan bolalar lug'atini boyitish, nutqning ifodaliligi. bog'langan nutqni rivojlantirish davom ettiriladi. MTMda ham, maktabda ham tabiatshunoslik to'g'risidagi bilimlar organism bilan muhitning birligi to'g'risidagi umumiy g'oyaga asoslangan holda olib boriladi. Shu asosda bolalarga jonli va jonsiz tabiat, tabiat va kishilar o'rtasidagi bog'liqlik to'g'risida bilim va tushunchalar beriladi. Bunda dasturlar mazmunida birlik o'rnatishda maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalar bilan maktab yoshidagi bolalarning yoshlari. bilimlaridagi farq xususiyatlari e'tiborga olinishi kerak.

Maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalar egallashlari lozim bo'lgan bilim va tushunchalar mazmunini tevarak-atrofdagi hayot to'g'risidagi tasavurlar va ayrim oddiy tushunchalar tashkil etadi. Bunday tasavvur va tushunchalarning bolalar tomonidan egallab olinishi, ya'ni bolalarda bar xil soxalar bo'yicha o'z. lashtirgan umumiy tasavvurlar sistemasini ularning kelajakda umumiy rivojlanishi uchun nixoyatda zarur bo'lib. busiz ular hozirgi zamon boshlang'ich sinfta'limidagi kerakli bilimlarni egallay olmaydilar. Maktabda esa o'quvchilarning bilimi yangi bosqichga ko'lariladi va kengayadi, shu bilan birga ular egallayolgan bilimlarni nazariy jihatdan anglay boshlaydilar. ilmiy tushunchalarni shakllantirish maktabda olib boriladigan ta'lim-tarbiyaviy ishning markaziga qo'yiladi. Maktabda bilimlar asosini egallash yanada aniqroq tusga kira boradi. . MTM bilan maktab o'rtasidagi izchillik ta'limning shaki va usulida ham o'z aksini topadi.

Ta'lim berish usulidagi izchillikning muhim sharti bolalarning bilim, malaka va ko'nikmalarni ongli egallab olishlariga erishish, bog'chada va maktabda ularning aqliy qobiliyatlarini va ijodiy faolliklarini o'stirishdir. MTMi va maktabning boshlang'ich sinfida qo'llaniladigan juda ko'p usullar bir xil bo'lib. ular bolalarning aqliy. axloqiy-irodaviy rivojlanishlarini yaxshilashga qaratilgan, shu bilan birga ularning yangi mazmundagi bilimlarni egallashga. amaliy faoliyatga, bilishga qiziqishini oshirib, o'qituvchi bilan dars Jarayonida yuzaga keladigan munosabatlarning murakkabroq shakllarini egallab olishlarga yordam beradi. Tarbiyachining mashrg'ulotlar jarayonida bolalarning amaliy faoliyatlariga, bilish jarayoniga bunday raxbarlik qilishi maktab va MTM o'rtasidagi ta'lim usulidagi izchillikning asosini tashkil etadi.

Maktabdagi dars, MTMidagi mashg'ulot bir muncha o'ziga xos xususiyatlarga ega, shu bilan birga ta'limning tashkiliy asosda olib borilishida esa umumiylik buzulib turadi. Mashg'ulot va darslarning mazmuni aniq dastur asosida olib borilishi, aniq elgilangan vaqt ajratilishi, pedagogning rahbarlik roli, ta'limning ilmiy asoslangan metod va usullaridan t'oydalanish, ta'lim berish jarayonida bolalarda o'quv faoliyati elementlari, o'z xulqini ixtiyoriy boshqarish qobiliyati, ma'lum maqsadga qaratilgan aqliy ish bilan shug'llanish qobiliyati tarbiyalab boriladi. Bular hammasi bolani maktab ta'limiga faol kirishib ketishga tayyorlaydi.

Shunday qilib, MTMlari bilan maktab o'rtasida ta'lim-tarbiya ishidagi izchillik bola shaxsini aniq maqsad bilan har tomonlama rivojlantirib borish imkonini yaratadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

«Ta'lim to'g'risida»gi qonun, «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi ». Barkamol avlod – O'zbekiston taraqqiyotining poydevori. – T. : Sharq HMK – 1997.

I. A. Karimov. Barkamol avlod orzusi. – T. : «O'zbekiston» – 2000.

I. A. Karimov. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. – T. : Ma'naviyat. – 2008.

M. Vohidov. Bolalar psixologiyasi. – Toshkent. «O'qituvchi» – 1882.

A. V. Petrovskiy va boshqalar. Umumiy psixologiya. – T. : «O'qituvchi». – 1992.

P. I. Ivanov. Umumiy psixologiya. – Toshkent. – 2007.

E. G'oziyev. Psixologiya. Darslik. «O'qituvchi» nashriyotmatbaa ijodiy uyi. – Toshkent. – 2008.

V. M. Karimova, F. A. Akramova. Psixologiya. Ma'ruzalar matni. FTDK, DITAF – Toshkent. – 2000.

B. C. Мухина. Возрастная психология. – Москва. – 2008.
E. G'oziyev. Psixologiya (pedagogik). – Toshkent.
«O'qituvchi» – 1994.

TINDIRGICHLAR TURI, KONSTRUKSIYASI VA ULARNING HISOBI

No'monov M.B., Xaydarov J.O.

90-19 YTB va BKBIH guruhi talabasi

Annotatsiya: Maqolada tindirgichlarning turlari, sxemalari va hisobi keltirilgan. Gorizonttal, vertikal va radial tindirgichlarning tuzilishi hamda ishlash prinsiplari taxlil qilingan.

Kalit so'z: тиндиргич, горизонтал, вертикал радиал, чукурлик, lebyodkalar, zemsnaryadlar, snaryadlari (zemsnaryadlar),

Tindirgichlar asosan mexanik zarrachalarni va qisman organik birikmalarni suvdan ajratib olish uchun xizmat qiladi. Ular bo'ylanma, ko'ndalang va radial turlarga bo'linadi. Bo'ylama tindirgichlar To'g'ri To'rt burchak shaklidagi temir beton rezervuarlar (xovuzlar) bo'lib, ularda suv bo'ylama yo'nalishda bosh qismidan oxiriga qarab 5-7 mm/s tezlikda xarakatlanadi.

Tindirgich bosh qismida taqsimlagich va oxirgi qismida toza suv yig'uvchi, hamda cho'kma yig'uvchi qurilmalar bilan jihozlangan.

Ko'ndalang tindirgichlar kvadrat yoki aylana shaklidagi temir beton rezervuarlar bo'lib, ularda suv pastdan yuqoriga 2-4 mm/s tezlikda xarakatlanadi. Tindirgich O'rtasida taqsimlagich truba chekasida esa suv yig'uvchi qurilmalar bilan jihozlangan. Uning tubi 60° qiyalikdagi konus shaklida bo'lib, cho'kmani yig'ib va olib ketilishini taminlaydi. Radial tindirgichlar aylana shaklidagi temir beton rezervuarlar bo'lib, ularda suv markazdan periferiyaga qarab 5-4 mm/s tezlikda xarakatlanadi. Uning markazida taqsimlagich periferiyasida esa, suv yig'uvchi lotoklar mavjud. Tindirgich cho'kma yig'uvchi aylanuvchan qurilma bilan jihozlangan.

Ushbu ishda laboratoriya sharoitida qattiq jismlarni cho'kish tezligini va qarshilik koeffitsientini aniqlash bilan tindirgichlarda cho'kish jarayoni o'rganiladi. Bunda cho'kish tezligi:

$$V = \frac{4}{3} g \frac{\rho_{k.jc} - \rho_{cuv}}{K_{k.jc}} \cdot d_{k.jc} = \frac{4}{3} \cdot \frac{\gamma_{k.jc} - \gamma_{cuv}}{K_{k.jc}} \cdot d_{k.jc}$$

V- qattiq jism cho'kish tezligi, mm/s;

$\rho_{k.jc}$ - oqava suvdagi cho'kma zichligi

ρ_{cuv} - suvning zichligi

$d_{k.jc}$ - qattiq jism (sharsimon) diametri, mm;


g – erkin tushish tezlanishi;

$\gamma_{k.jc}$ - jismning solishtirma og'irligi

γ_{cuv} - suvning solishtirma og'irligi;

$K_{k.jc}$ – chiqayotgan jism qarshilik koeffitsienti.

Suv oqmasdan turgan vaqtda yoki kichik tezlik bilan oqayotgan vaqtda suvdagi zarralar zichligi suv zichligidan katta bo'lgan har xil jinslar o'z og'irliklari ta'sirida suv tagiga cho'kadi. Suv kichik tezlik bilan xarakat qilayotgan vaqtda tindiruvchi hovuzlarda suvdagi jinslarni cho'ktirish yo'li bilan suvni tozalash shu prinsipga asoslangandir.



8-sxema. Bo'ylama tindirgich. 9-sxema. Ko'ndalang tindirgich.

Suvdagi har xil jins zarrachalari turlicha tezlikda cho'kadi, zarrachalarning cho'kishi ularning shakliga, kattaligiga, zichligiga, yuzasining tekisligiga, suv haroratiga bog'liqdir.

Suv harorati 10^0 bo'lganda jinslarning sekundiga millimetrlarda cho'kish tezligini zarrachalarning gidravlik kattaligi deyiladi. Zarrachalarning gidravlik kattaligi oshishi bilan suvni kerakli darajada tozalash vaqti kamayadi yo bo'lmasa suvning tindirgichlarda turish vaqti kamayadi.

Suv tindirilayotgan vaqtda oldin jins zarrachalarining cho'kish jarayoni tez boradi. Og'ir jinsli zarrachalar cho'kib bo'lganidan keyin qolgan zarrachalarning cho'kish i uzoq davom etgani uchun bu jarayonni kutish iqtisodiy jihatdan samarasiz hisoblanadi, chunki keyingi cho'kish jarayonlarida juda kam loyqa cho'kadi va hajmi katta tindiruvchilarni quritish kerak bo'ladi.

Demak, suvni tindiruvchilarda tozalashga ko'p vaqt ketadi. SHuning uchun amalda suvni qancha tozalash oldindan belgilab olinib, shunga asosan tindiruvchining hajmi anio'lanadi.

Har xil suvlarda jins zarrachalarining gidravlik kattaligi turlicha bo'ladi, uni anio'lash uchun tindiruvchi quriladigan suvda texnologik tajribalar o'tkaziladi yoki xuddi shu suvda ishlayotgan tindiruvchilar samaradorligiga qarab loyihalanaadi.

Tindiruvchilarni hisoblaganda jinslar zarrachalarining gidravlik kattaligi Qurilish Normalari va Qoidalari bo'yicha quyidagicha bo'ladi: gullagan, har litrida jinslar miqdori 50 milligrammgacha bo'lsa suvga koagulyant qo'shilganda sekundiga $U_0=0,35-0,45$ mm, har litr loyqa suvdagi jinslar miqdori 250 milligrammdan ko'p bo'lsa koagulyant qo'shilganda sekundiga $U_0=0,5-0,6$ mm, loyqa suvga koagulyant qo'shilmaganida sekundiga $U_0=0,12-0,15$ mm olinadi.

Tindiruvchi oldida chqkindili reaksiya kamerasi olinsa, u holda gidravlik tezliklarni 20—30% oshirish mumkin.

Tindirilayotgan suvning yo'nalishiga qarab tik, Bo'ylama va radial tindiruvchi hovuzlar qo'llaniladi.

Tindiruvchilarda loyqa zarrachalari cho'kadigan tinish zonasi va cho'kma yig'iladigan zonalar bo'lishi ko'zda tutiladi.

Tik tindiruvchi hovuz temir-betondan doira yoki To'rt burchak shaklida yasilib, tag qismida konussimon bo'ladi. Konus hosil qiluvchi burchak $50-70^0$ dir. Hovuzning O'rtasiga temir-betondan doira shaklida kamera qurilgan, u reaksiya kamerasi vazifasini bajaradi. Reaksiya kamerasiga suv yuqori tomondan beriladi; suv tindiruvchi hovuz tagigi etgach, u sekin yuqoriga ko'tariladi va inshoot tepasida diametri 12 m dan katta bo'lganida radial qurilgan tarnovlar orqali yig'ib olinadi, loyqa zarralari esa hovuz tagiga cho'kadi. Suvning inshootda ko'tarilish tezligi loyqa zarrachalarining cho'kish tezligidan kamroq bo'lganida suv yaxshiroq tozalanadi. Suvning ko'tarilish tezligi ko'pincha sekundiga 0,00035—0,0006 m bo'ladi.

Tik tindiruvchi hovuzning yuzasini quyidagi formuladan aniqlash mumkin:

$$F_0 = F + f = L \frac{q}{3,6V} + \frac{q \cdot t}{60 \cdot H_k},$$

bu yerda F – tindiruvchi hovuzning reaksiya kamerasiga hisobga olinmagan yuzasi, m^2 ;

f – reaksiya kamerasi yuzasi, m^2 ;

L- tindiruvchi hovuz hajmidan foydalanish koeffitsienti; bo‘lib, hovuzda suvning qanday taqsimlanishiga bog‘liq. Hovuz diametrining cho‘kish zonasi balandligiga nisbati $\frac{D}{H} = 1-1,5$ ga teng bo‘lganda L - 1, 3-1, 5 olinadi;

q - tindiruvchi hovuzning suv tozalash quvvati, soatiga kub metr;

H_k - reaksiya kamerasing balandligi 0, 9 ga teng.

t - suvning reaksiya kamerasida turish vaqti, 15 - 20 minut;

V - suvning hovuzdan ko‘tarilish tezligi, sekundiga millimetr.

Bo‘ylama tindiruvchi hovuz - planda to‘rtburchak shaklida bo‘lib, asosan temir-betondan quriladi. Bo‘ylama hovuzlarda ichish uchun suv tozalanayotgan vaqtda, tozalanib chiqayotgan suvning loyqaligi litriga 8-12 milligrammdan oshmasligi kerak. Bunday loyqa suv filtrga yuboriladi.

Suv sanoat korxonalarida texnologiya jarayonida ishlatiladigan bo‘lsa uni filtrga yubormay tindiruvchidan chiqqach, to‘g‘ridan-to‘g‘ri ishlatilaveradi.

Gorizonal tindiruvchi hovuzlar qurilmoqchi bo‘lsa cho‘kindi hovuzlar ishini to‘xtatmasdan gidravlik yoki mexanik usullar yordamida, uni chiqarib tashlash ko‘zda tutilgan bo‘lishi kerak.

Tozalangan suv tindiruvchining oqimiga nisbatan oxirgi devoridan olinsa, u holda tindiruvchi hovuzning yuzasini quyidagi formuladan anio‘lash mumkin:

$$F = \frac{\alpha q}{3,6U_0},$$

bu erda U_0 -suvdagi loyqa zarrachalarning cho‘kish tezligi, u sekundiga millimetrda olinib, qiymati har xil suvlar uchun quyidagichadir: uncha loyqa bo‘lmagan, gullagan suvlar koagulyant qo‘shib tozalansa sekundiga 0, 35-0, 45 mm, O‘rtacha loyqa suvlar koagulyant qo‘shib tozalansa 0, 45, loyqa suvlar koagulyant qo‘shib tozalansa 0, 5-0, 6 mm, loyqa suvlar koagulyant qo‘shmasdan tozalansa 0, 12-0, 15 mm olinadi.

q - tindiruvchi hovuzning suv tozalash quvvati, soatiga kub metr;

α -nima?

L-zarrachalarning cho‘kish tezligiga salbiy ta’sir etuvchi koeffitsient bo‘lib, bunda suvning qalqib turishi hisobga olinadi va u quyidagi formula bilan aniqlanadi.

$$L = \frac{U_0}{U_0 - \frac{V_{urt}}{30}},$$

bu erda V_{urt} - suvning o‘racha bo‘ylama oqish tezligi. Sekundiga millimetr, u quyidagicha olinadi:

$$V_{urt} = KU_0$$

bu erda K – tindiruvchi uzunligi L ning tindiruvchida loyqa zarrachalari cho‘kish qismining balandligiga nisbati bo‘lib, u quyidagicha olinadi:

L/H	10	15	20	25
K	7, 5	10	12	13, 5
V	1, 33	1, 5	1, 67	1, 82

Tindiruvchi eni V_{tind} metr hisobida quyidagi formula yordamida anio‘lanadi:

$$V_{tind} = \frac{q}{3,6V_{urt}HN},$$

bu erda V_{urt} - tindiruvchidagi suvning o‘rtacha tezligi, sekundiga millimetr;

H - tindiruvchining balandligi, ko‘pincha 2, 5-3, 5 m olinadi;

N - hisoblangan tindiruvchilar soni.

q - tindiruvchi hovuzning suv tozalash quvvati, soatiga kub metr;

Tindiruvchi hovuzlar eni 6 m dan oshmasligi kerak, undan oshsa enining har 3-6 m da uzunasiga yupqa devorlar quriladi.

Bo'ylama tindiruvchining cho'kindi yig'iladigan qismining hajmi W_{tind} tindiruvchining tozalashlar orasidagi vaqtga bog'liq, u quyidagi formula yordamida aniqlanadi:

$$W_{\text{tind}} = \frac{249q_{\text{coam}}(s-t)}{N\mathcal{G}} \cdot T$$

Tozalashlar o'rtasidagi vaqt T -12 soatdan kam bo'lmasligi kerak, tindiruvchi suvdan butunlay tozalanadigan bo'lsa T -24 soatdan kam bo'lmasligi kerak.

Bu erda \mathcal{G} - siqilgan chiqindining o'rtacha suyuqligi;

N - hisoblangan tindiruvchilar soni.

t - tinituvchi chiqayotgan suv tarkibidagi loyqa miqdori, kub metriga gramm, u kub metriga 8 - 12 gramm olinadi.

q - tindiruvchi hovuzning suv tozalash quvvati, soatiga kub metr;

s - suvdagi loyqaning umumiy miqdori. Har kub metriga gramm, u quyidagi formula yordamida topiladi.

$$S = M + K D_k + 0,25S + V,$$

Bu erda M - daryo suvining loyqaligi, kub metriga gramm;

D_k - koagulyant dozasi, kub metriga gramm;

K - koagulyantning tozaligini hisobga oluvchi koeffitsient, tozalangan alyuminiy sulfat uchun 0,55, tozalanmagan alyuminiy sulfat uchun 1, xlorli temir uchun 0,8 olinadi.

S - tozalanayotgan daryo suvining gullaganligi, gradus;

V - suvga ohak qo'shilganda, uning tarkibidagi erimaydigan moddalar, kub metriga gramm, u quyidagicha aniqlanadi:

$$V = (1 - 0,04) D_v$$

Bu erda D_v — ohak dozasi;

Tinituvchida tozalanayotgan suv tinituvchi yuzasiga qurilgan teshik quvurlar yoki tarnovlardan yig'ib olinsa, bunda tindiruvchining yuzasi yuqoridagi formula yordamida aniqlanadi, va birga teng deb olinadi, U_0 uncha loyqa bo'lmagan suv uchun 0,5, O'rtacha loyqa suv uchun 0,6, loyqa suv uchun 0,7-0,8 olinadi.

$V_{\text{O-rt}}$ esa tindiruvchining old qismi uchun uncha loyqa bo'lmagan suvga sekundiga 6 - 8, O'rtacha loyqa suvga 9 - 12 mm olinadi.

Tindiruvchi yuzasiga osib qurilgan tarnov va quvurlarga suv diametri 25 mm dan kam bo'lmagan teshiklardan kiradi, bu teshiklarda tezlik sekundiga 1 mm dir. Tarnov va quvurlarning oxiridagi tezlik sekundiga 0,6 - 0,8 mm bo'ladi.

Quvurlar va tarnovlar tindiruvchining oxiridan hisoblaganda tindiruvchi uzunligining 2/3 qismiga teng qilib quriladi.

Teshiklar tarnovlar tagidan 5 - 8 sm yuqorida bo'ladi, quvurlar esa teshiklar o'rtada bo'ylama o'qda joylashadi.

Tarnovlar yoki quvurlar orasidagi masofa 3 m, tindiruvchi hovuz devoridan esa 0,5 m kam bo'lmasligi va 1,5 m dan oshmasligi kerak.

Bo'ylama tindiruvchi hovuzlar ko'pincha bir-biridan suv tushayotgan qismining har xilligi bilan farq qiladi. Ko'pincha tozalanadigan suv tindiruvchiga tarnov orqali tushadi va tarnov orqali chiqarib yuboriladi.

Tindiruvchining oldidagi devoridan va oxirgi devoridan 1 - 2 m masofada teshik devor quriladi, bu tindiruvchiga tushayotgan va undan chiqayotgan suvning tezligi bir meyorda bo'lishini taminlaydi. Devorning tagi esa cho'kindi yig'iladigan qismidan 0,3 - 0,5 m yuqorigacha teshiksiz bo'ladi.

Tindiruvchining old qismiga quyo reaksiya kamerasi qurilsa, u holda bo'ylama tindiruvchiga suv quyidagicha kiradi.

Keyingi vaqtda taklif qilingan bo'ylama tindiruvchida 45° li quvurli sistema o'rnatilgan bo'lib, loyqa zarrachalari shu quvurga cho'kib, undan sirg'anib pastga tushadi. Cho'kindi esa lebyodkalar orqali bir joyga yig'iladi va chiqarib tashlanadi.

O'zbekistonda qurilgan ko'pchilik tindiruvchilar temir-betondan qurilmay tuproqdan qurilgan. Bunday tindiruvchilarning to'rt devori ich tarafga qarab nishob qilib qurilgan. Suv

tushayotgan joydagi tuproq yuvilib ketmasligi uchun beton plita yotqizilgan. Bunday tuproqdagi qurilgan tindiruvchi hovuzlar temir-betondan qurilgan hovuzlarga qaraganda ancha arzon tushadi. Undan cho'kindi zemsnaryad deb ataladigan nasoslar yordamida chiqarib tashlanadi, bunday tuproq snaryadlari (zemsnaryadlar) qayiq yoki kichik kemachalarga o'rnatilgan. Ko'pina hovuzlarda bunday loyqani chiqarib tashlaydigan snaryadlar ishlamayotganligidan tindiruvchilarni bir necha yillar mobaynida hajmi kichrayib boraveradi. U hovuzlardan loyqani yo'qotish uchun hovuzdagi suv to'xtatilib, yoz oylarida quritiladi, tuproq ekskavator yoki buldozer yordamida chiqarib tashlanadi, bu esa ancha vaqtni oladi.

**AYDAR-ARNASOY KO'LLARI TIZIMINING SHARQIY TUZKON QISMIDA
TARQALGAN ECHINOSTOMA CRIBBI SP. N. (TREMATODA:
ECHINOSTOMATIDAE) NING RIVOJLANISHI VA KO'PAYISH SIKLI**

Nurmamatova F.M. – talaba
Ravshanova A.R. – o'qituvchisi
JDPU

Annotatsiya. Bu yerda *Phalacrocorax pygmaeus* qushlarining ingichka ichaklaridan yig'ilgan *Echinostoma cribbi* sp. n. tasvirlangan. Yangi tur umurtqasizlardan qizilo'ngachning yo'qligi, tuxumdon va moyaklar bilan tutashganligi, oldingi moyaklar orqa moyaklarga qaraganda kichikroq va boshqa xo'jayin va joylashuvi bilan tavsiflanadi. Bu *Echinostoma* Kichik qoravoy, qorabuzov *Phalacrocorax pygmaeus* qushidan 2022 yilda Sharqiy Tuzkonda olingan.

Abstract. Here, *Echinostoma cribbi* sp. n. , collected from the small intestines of *Phalacrocorax pygmaeus* birds. described. The new species is characterized by the absence of the esophagus from invertebrates, the presence of ovaries and testes, the anterior testes being smaller than the posterior testes, and a different host and location. This *Echinostoma* was taken from the bird *Phalacrocorax pygmaeus* in Eastern Tuzkon in 2022.

Абстрактный. Здесь *Echinostoma cribbi* sp. n. , собранный из тонкого кишечника птиц *Phalacrocorax pygmaeus*. описано. Новый вид характеризуется отсутствием пищевода у беспозвоночных, наличием яичников и семенников, меньшими размерами передних семенников по сравнению с задними, иным хозяином и расположением. Эта эхиностома была взята у птицы *Phalacrocorax pygmaeus* в Восточном Тузконе в 2022 году.

Kirish

Phalacrocorax pygmaeus kichik qoravoy -kurakoyoqlilar turkumining qoravoilar oilasiga mansub qush. Jan. Yevropa, Kichik va O'rta Osiyoda tarqalgan. O'zbekistonda ham tekislikdagi suv havzalarida uchraydi. Dengiz va chuchuk suvli havzalarning orollarida, qamishzor va daraxtzor qirg'oqlarida yashaydi. Suvda yaxshi suzadi va sho'ng'iydi. 3—5 yoshida voyaga yetadi. Uyasini koloniya bo'lib qamishlar, o'tlar orasiga, daraxtlarga quradi. Mart — aprel oylarida 4—6 ta tuxum qo'yib, 28—29 kun bosadi. Bolalari iyun — iyul oylarida mustaqil hayot kechirishga layoqatli bo'ladi. Faqat baliqlar bilan oziqlanadi. Havza baliqchilik xo'jaliklariga zarar keltiradi. Tabiat va tabiiy resurslarni muhofaza qilish xalqaro ittifoqi Qizil ro'yxatiga va O'zbekiston Qizil kitobiga kiritilgan. [1]

Ushbu tadqiqot Sharqiy Tuzkon kichik qoravoilari bilan bog'liq trematodalar bo'yicha so'rov o'tkazildi.

Aydar-Arnasoy ko'llar tizimi. Ingichka ichakdan olingan ikkita na'muna *Echinostoma Rudolphi* (1809) jinsiga tegishli va bu erda tasvirlangan.

Materiallar va uslublar

Ikkita trematod na'munasi *Phalacrocorax pygmaeus* qushlarining ingichka ichaklaridan topilgan 2022 yilda o'tkazilgan so'rov davomida. Ikkita parazit ham ingichka ichakdan yig'ilgan. Qurtlar ichki a'zolarining turli qismlarini alohida stakanlarga solib, so'ngra pipetka yordamida ajratilgan holda yig'ilgan.

o'tkir qaychi. Yig'ilgan namunalar 24 soat davomida mikroskopik slaydlar orasida biroz tekislangan. Qurtlar etanolning suvsizlangan. Na'munalar ksilolda tozalangan Mayer karmalumida bo'yalgan va tozalash uchun chinnigullar yog'idan o'tdi va nihoyat Kanada balzamidagi oynachalargalarga doimiy ravishda o'rnatildi.

Echinostoma cribbi sp. n. (1a-e-rasmlar)

Xo'jayini: *Phalacrocorax pygmaeus*

Joylashuv: Aydar-Arnasoy ko'llar tizimi, Sharqiy Tuzkon

Joylashuvi: ingichka ichak

Tekshirilgan uy egaindividlar soni: 6


Qayta tiklangan na'munalar: 2 ta

Tavsif

Tana cho'zilgan, o'rtacha kattaligi 7, 60-8, 22 dan 2, 05-2, 22 gacha, oldingi qismi torroq, testlar darajasida maksimal kenglik. Og'zaki so'rg'ich deyarli yumaloq, kichik o'lchamdagi 0, 34 dan 0, 37 ga 0, 34 - 0, 36. Prefarenks kichik o'lchamdagi 0, 22-0, 34 dan 0, 20-gacha 0, 24. Farenks ko'proq yoki kamroq yumaloq, 0, 28-0, 30 dan 0, 27-0, 88 gacha. Qizilo'ngach yo'q. Asetabulum yaqinida oldingi ekstremal, ko'richakdan keyingi bifurkatsiya, mushak, og'iz so'rg'ichidan 0, 98-1, 15 masofada katta. Thecaeca tananing orqa uchiga etib boradi. Ko'r ichakning bifurkatsiyasi va asetabulum orasidagi masofa 0, 20-0, 23.

Cirrus xaltasi cho'zilgan, bir oz ustma-ust tushadigan asetabulum. Jinsiy organlarning teshiklari ko'richak bifurkatsiyasidan orqada joylashgan va asetabulumdan biroz oldinroq. Ko'r ichakning bifurkatsiyasi va asetabulum orasidagi masofa 0, 090-1, 10. Tuxumdon o'rtacha moyakgacha bo'lgan asetabulumdan 1, 70-1, 84 masofada joylashgan trilob moyaklar bilan tutashgan.

Oldingi moyak 0, 42-0, 56 ga 0, 40-0, 48 gacha lobli, median, orqa moyakga nisbatan kichikroq. Orqa moyak va tananing orqa uchi o'rtasida 2, 27-2, 45. Oldingi moyaklar 0, 32-0, 35 ga teng 0, 31-0, 35, orqa tomon esa 0, 60-0, 63 ga 0, 59-0, 63 ga teng. Orqa tomondan ko'r ichakni o'rab turgan Vitellaria asetabulumning uchdan bir qismi tananing oxirigacha. Bachadon asetabulum va tuxumdon o'rtasida mo'tadil halqalarga ega. Chiqaruvchi pufakcha Y shaklida. Tuxumlari ovaldan cho'zilgan, devorlari silliq, o'lchami 0, 095-0, 097, 0, 046-0, 051. [3]



1. *Echinostoma cribbi* sp. n.

a = butun golotip, b = so'rg'ichlarining joylashishini ko'rsatadigan yoqa

c = yoqa so'rg'ichlari kattalashgan, d = yon tomonlarning so'rg'ichlari kattalashgan, d = tuxum, kattalashgan

Munozara

O'zbekistonda Echinostomatidae Dietz, 1909 oilasi turlarining uchratilganlik va o'rganganlik darajasini ko'rib chiqamiz.

E. revolutum Sulstonov (1958, 1959, 1963, 1970), Sarimsaqov (1963), Adisheva (1963, 1970), Alimova (1963, 1968), Alimov (1968, 1969).

E. chloropodis Zeder, 1800 Sultanov (1958, 1963).

E. dietzi Skrjabin, 1923 Sultanov (1958, 1959, 1963).

E. grandis Baschkirova, 1946 Sultanov (1958, 1959, 1963). [2]

Echinostomatidae oilasining morfologik xilma-xilligi, 1926 yil uning 21 ga bo'linishiga olib keldi. Nominal subfamiliyalar va 91 nominal avlodlar (Jones va boshq., 2005). Bushra va boshqalar, (2014) yuzdan ortiq xo'jayin qush turlari xabar qilingan.

Echinostoma jinsi Rudolphi tomonidan 1809 yilda moslashish uchun qurilgan. *E. revolutum* (Frolich, 1802) Looss, 1899 sin. *E. echinatum* (Zeder, 1803); *E. armatum* Molin, 1858; *E. revolutum* var. *japonicum* (Kurisu, 1932); *E. miyagawai* Ishii, 1932 va *E. paraulum* Ditz, 1909, turli suv va quruqlik qushlari, sutemizuvchilar, amfibiyalar va odamlar (Yamaguti, 1971; Stillson va Platt, 2007; Belden, 2006; Grover va boshqalar, 1998).

Hozirgi tur *E. vallentini*ga eng yaqin keladi, lekin tanasining kattaligi kichikroq (5, 5-6, 4) bilan farqlanadi. 0, 7-0, 9 ga) hozirgi turlarga nisbatan moyaklar va qorin so'rg'ichlarining shakli, og'iz so'rg'ichining o'lchami kichikroq. (0, 12-0, 13 ga 0, 16-0, 18), *E. vallentini*da qizilo'ngach mavjudligi, hozirgi tur, farenks kichikroq (0, 15-). 0, 17 ga 0, 07-0, 009), boshqa uy egasi (*Phalacroca fusicolis*) va boshqa joylashuv (Thatta, Pokiston).

Pokiston *E. vallentini* qushlaridan olingan boshqa turlarga nisbatan, *E. atrae*, *E. megavota*, *E. sindhenses*, *E. chloropodis*, *E. revolutum* va *E. rafiae*, ularning hammasi qizilo'ngachga ega. U hozirgi namunalarda yo'q. Hozirgi tur *E. rafiae* bilan solishtirganda hajmi jihatidan kichikroq.

Hozirgi turlardagi tuxumlar *E. atrae*, *E. vallentini*, *E. megavota*, *E. sindhenses*, *E.* bilan solishtirganda kattaroqdir.

E. chloropodis, *E. revolutum* va *E. rafiae*. Bundan tashqari, *E. chloropodis* va *E. revolutum*da prefarenks yo'q.

Hozirgi turlardagi yoqa tikanlar soni (38-40), *E. vallentini* (35); *E. megavota* (35), *E. sindhenses* (50); *E. chloropodis* (46); *E. revolutum* (37) va *E. lahorensis* (45). Hisobot qilingan barcha turlar O'zbekistonda uchraydi.

Shunga ko'ra, hozirgi namunalar yangi tur deb hisoblanadi va *Echinostoma cribbi* deb nomlanadi. Uning nomi doktor T. H. Cribb sharafiga berilgan., Kvinslend universiteti, Brisben, Avstraliya.

Adabiyotlar

O'zbekiston Milliy Ensiklopediyasi. 2005-yil 9-jildi. 110-b.

Боргаренко. Л. Ф. Гельминты птиц Таджикистана. Книга II. Трематоды. "Дониш", Душанбе. 1984. 11 ст.

М. А. Султанову Гельминты птиц Узбекистана. Тошкент, 1963. 30 ст.

Aly Khan, Rafia Rehana Ghazi end etc. *Echinostoma Cribbi* sp. n. (Trematoda: Echinostomatidae) in a bird from district Matiari, Sindh, Pakistan. Khan Et Al (2017), *Fuust J. Biol.*, 7(1): 53-56 page.

Beaver, P. C. (1937). Eksperimental tadqiqotlar *Echinostoma revolutum* (Frölich) qushlardan bir chandiq va sutemizuvchilar. *Illinoys biologik monografiyasi*, 15:1-96.

TEXTUAL ARITHMETIC ISSUES , THEM OF SOLVING AND OF CLASSIFICATION STAGES

Yusupova N.X., Matnazarov D.H.

Farg'ona Politexnika instituti

Mathematics science in teaching issues solve very important place holds, because the problem is solved target-students theoretical what they know each character practical issues solve in the field conscious respectively fast and persistence with application to do is to teach . Problem solving is mathematical theory in practice application from doing consists of Mathematics solving problems in teaching pedagogical essence how much big the fact that and teacher own work both in planning and teaching at the same time How attention to give need that's it better than said is understood .

Issues solve the way with various mathematician concepts to the body are brought , various arithmetic operations understand is taken , issues often some theoretical the rules in release basis will be The teacher 's problem mathematician speech to get rich and to grow help gives _ Issues in life different the facts between quantitative relationships to understand help gives _ Appropriate content issues students patriotism in the spirit in education will be a tool . Students makes sense of thinking in their growth amounts between connections in the definition , it is correct conclusions take out in knowing issues especially important place holds _

And especially 5-6th grade mathematics in the chair issues to solve to teach through , students makes sense of thinking growth , that 's it period received knowledge , education skill and qualifications in the future algebra and geometry course study for , as well as students in the future mathematics in the field mature specialist being their growth for basis will be

Mathematics in teaching of the matter essence from what consists of

Arithmetic Searched as a text issue amount with shown in connection was numerical values of quantities using looking for the numerical value of the quantity from finding consists of Demand is understood .

So so , the issue solve for the following own into received a must there is to be need : a) numerical values of quantities ; b) given of quantities between and given amounts with searched for amount between connection about some instructions ; c) answer to give for Finding the number you are looking for need was question _

Given numbers with searched for numbers between connection disclosed without , i. e searched for thigh to find for given numbers on how actions where in order perform need showing given issues usually numerous are called examples . It 's like this examples in solving from students symbols with shown actions perform Demand will be done . Such examples often count qualifications to grow and strengthening for is used .

Given and searched for amounts between connections disclosed without not given , maybe just like that of the matter question like only words with the said issue is literally an issue or it is called a text issue .

Har how of the matter in the text to the elements put must was requirements stopping let's go Numerical material of students mathematician preparation suitable arrival , given and searched for that the numerical values of the quantities are real need _ Also , the problem condition and question his to numerical data in the condition coordinated sure and obvious expressed to be need _

of condition the number givens and wanted ones to the number according to to be need _ In that case of the matter one the solution there is and it will be a clear issue .

If in the matter a must the number enough if not , ask one how many the solution to be possible and such a problem is called an uncertain problem .

Example 1 . « Plant 2700 villages economy their cars prepared to 3 regions sent _ Har which region how many car received ?" . of the problem provided machines regions between how distributed : equal whether distributed or otherwise , it is not indicated . of this matter the solution a lot to be can _

Example 2 . "86. 7 meters in length reinforced concrete the wall with how right rectangle shaped the field wrapping get Is it possible ? Conditional number (reinforced concrete length) of the issue sure solution for enough not _ Such case is unclear will be

Used books

1. Uzbekistan Republic of " Education "about". law _
2. Uzbekistan " Personnel " of the Republic preparation national program "
3. Electronic magazine <http://www.arki.ru/magaz>
4. Complete textual library <http://www.lib.ru>
5. UzMU <http://www.nuu.uz>

QIRQCHILTON ARXITEKTURA YODGORLIGI TARIXI

Narziev A.Q. – assistant

JIZPI

Qirqchilton ziyoratgohi Jizzax tumani «Ko'rpasoy» mahalla fuqarolar yig'iniga qarashli Sho'rbel qishlog'i yaqinida joylashgan bo'lib, hududi 7, 5 gektarni tashkil etadi. Yangidan tashkil etilgan bog' o'rtasida xonaqoh bor.

« . . Shuni bilmoq kerakkim, yer yuzida chiltonlar bor. Bulardan yuqori martabada turadigan haftan bor. Bulardan yuqori martabada turadigan sitanlar bor. Bularning ustidan Qutbi Abdol kattadurlar. Qachon kutb olamdan o'tsa, sitanlardan bir kishini qutb qilib saylaydilar, haftanlardan bittasini sitanning o'rniga saylaydilar, chiltonlardan bittasini haftanlarga kushadilar va yer yuzidagi solih kishilardan birini topib, chiltonlarga a'zo qiladilar. Bularning adadlari qiyomat kunigacha kam bo'lmas. Bularni rijol ul-g'ayblar derlar. Bularning duolarining barakotidin insonlar voyaga yetadilar va ko'p kishilar to'g'ri yo'lni topadilar [1].



Avliyoi kiromlar orasida vazifalari insonlarga shodlik ulashishdan iborat bo'lganlaridan tashqari boshqa vazifalari ham bo'lgan valiylar tayin qilingan. Masalan, Alloh taologa yaqin, sevikli (avliyo) qullardan bir qismini tashkil qilgan abdollar bo'lib, ular insonlarga yordamda va xizmatda bo'ladi. Kuzdan yashirin, (ya'ni zohiran bilinmaydigan) bulgan bu zotlarning soni yetti, qirq, ba'zan yetmishta ekanligini alloma Sayyid Sharif Jurjoniy yozib utgan. «Xilyatul-avliyo»da aytilgan xadisi sharifda ular xaqida shunday deyilgan: «Rasululloh: «Ummatim orasida har doim qirq kishi topiladiki, ularning qalblari Ibrohim alayhissalomning kalblari kabidur. Alloh taolo ular sababli yer yuzidagi bandalar boshidan balolarni qaytaradi. Ular bu darajaga namoz o'qish va ro'za tutish orqaligina yetishmaydilar», dedilar. Shunda Abdulloh ibn Ma'sud «Yo Rasululloh! Ular kima bilan bu darajaga yetishdilar?» deb suradi. Rasululloh (s. a. v): «Sahiylik va musulmonlarga nasihat qilish yo'li bilan», deb marhamat qildilar.

Ko'z bilan ko'rib, bilib bo'lmaydigan, ko'zdan xoli narsalar haqida ishlatiladigan «g'ayb» so'zi bilan birga tuzilgan «rijol ul-g'ayb» birikmasi «ko'rinmas yerlar» degan ma'noni bildiradi. Bular butun mahluqotlar yuklarini zimmasiga olib, g'am-tashvishlarini ketkazishga mas'uldirlar. Bular Allohning do'stlari, ahloqi hamida sohibi bo'lgan irfonli kishilardir. . .

Avliyolikda yuksak darajalarga erishgan, muborak olimlarning bir qismiga qutb deyiladi. «Qutb» degani aslida tegirmon toshining miliga berilgan nom bo'lib, tasavvufda «olamning ma'naviy jihatdan boshqarilishi uchun mas'ul bo'lgan valiylar saltanatining boshlig'i» demakdir. Mutasavviflarga ko'ra, tegirmon toshi o'z milining tevaragida aylangani singari butun olam ham uning atrofida aylangani uchun valiylarning boshlig'i «qutb» deb yuritiladi.

«Qutb» so'zi uzi ishlatilganda boshqa ma'nolarni ham berganligi, bu yerda esa bitta qutb, ya'ni «valiylar boshlig'i» haqidagina so'z yuritilayotganligi uchun Qutb ul - Aqtob (qutblar qutbi) atamasi qullaniladi. Qutbni yana G'avs yoki G'avs ul-A'zam ham (bu ulug'likka Bag'dodda maqbarasi bo'lgan Abdulkodir G'iloniy (1079-1166) sazovor bo'lgan) deb atashadi [2].

Adabiyot.

1. «Hazrati Bashir tarixi». «Sharofnoma» fondi. Toshkent, 1994 yil. 67-bet.
2. O'zbekiston ziyoratgohlari va qadamjolari-Sirdaryo va Jizzax viloyatlari. Bahtiyor Eraliev, Ikromiddin Ostonaqulov, Farrux Aqchayev. Toshkent . Turon zamin ziyo 2017.

SPECIFIC CHARACTERISTICS OF THE METHODOLOGY OF TEACHING TO SOLVE TEXT PROBLEMS BY ARITHMETIC METHOD

Qosimova S.T.

Teacher of the Higher Mathematics Department of FarPI

Textual arithmetic issues are also content and description , and difficulty in terms of differently since it was, them in solving different method and roads application to be done in the eye is caught . Often one type of issues themselves solve for different methods use need will be Some cases issues solve for method in choosing of the matter character or to the content just looking not but _ his mathematics in the chair held place and of students knowledge and qualifications is chosen depending on

It is known that it is desired mathematician issue in solving makes sense of thinking main ways was analysis and synthesis without using not to be by himself _ obviously _

That's why also textual for issues in solving usually two the way _ analytical and synthetic roads it is shown that both road the same to power have issues _ _ in solving both are applications to be done can _

Of this on top of it issues in solving usually this both makes sense method one at the time is used . Analysis and synthesis combine in front of us standing the problem solution reach for the most good is a method . Even issues in solving " only analytical " or " only synthetic " methods . " it won't happen to say because it is possible in thinking synthesis with analysis from each other not separated .

Diploma of our work main topic students issues of solving arithmetic method about because it was this the concept let's describe :

Arithmetic method issue never what formula or equation without use , free respectively reasoning to do the way with questions according to gradual in the picture the solution is a method .

Students issue arithmetic method with in solving calculations with limited without remaining , another to methods than more reasoning conduct need will be

We are in schools spent pedagogy in the process that's it thing we observed in the 5th- 6th grades lesson giver teachers this method less importance they give students reasoning to do they don't teach about equations early they pass , that's it as a result students issues equations using to solve used to they stay .

Now issues of solving the most important stages showing let's say :

- 1) of the issue condition study and mastering ;

- 2) of the issue condition to write
- 3) analytical - synthetic analysis to do
- 4) of the issue solution questions based on or explanatory the solution to write
- 5) the solution check _
- 6) after the issue is resolved after his on work _

of these stages each one , if the teachers serious thinking if they look issue solve process relieves and of the matter good to be understood help gives _ To these stages more detailed stopping let's go

1. Conditional given and searched for amounts between to connect determine which _ data not enough , or of them which ones provided Hide in case given to open the issue of solving the first stage - condition of the issue study will be (this sometimes of the matter condition analysis also called doing).

Condition of the issue o `learning , him attention with from reading begins , then of the matter concrete content and question is determined .

Students often in the matter statement the actual fact imagination do it not knowing as a result issue in solving suffering remains ; sometimes depending on the issue used terms not understanding they stay . Some the term and of concepts the meaning of the teacher himself explaining to give it is necessary he is concrete in purpose simple from issues uses _

2. Problem content clarification , in the matter given amounts between to connect determination of the problem condition scheme in the form of writing to get possibility gives _ This is the scheme How success with if it is built , solve it the plan make up a lot cases getting easier remains .

Condition of the issue briefly schematic to write enough level price not to give of perception accuracy harm delivers _ Terms of the matter briefly of writing importance especially that's the problem good perception to do , to think and to understand help gives _ First condition - conditions perception to do can't be since , quantities between connections , conditions some parts to compare and comparison to understand possible not _

Especially difficult of issues conditions briefly to write very necessary _ Experience that's it shows that _ the most good students , even teachers It is difficult for them issues in solving conditions briefly from writing they use

Think about it analytical method students synthesis method according to strictly thinking to do is addictive and of students makes sense of thinking to growth more help gives _ Teacher students' problem solving the plan good from what they understand suspected each one without this from the method use need _ Solving the problem continuation sure and obvious was cases from the analysis partially use can

3. Now issue arithmetic method solve in the process him how to write forms in particular stopping let's go

of the problem solution to write very big to the point have and therefore for it is the teacher 's always attention in mind to be need _ This is us on the ground of the matter solution to write for teacher for ready mold wants to give we are not , but to the teacher of writing each one stage on thought conduct and himself for of the matter some moments note by doing to put one character form choose to get advice we will give it .

of the problem solution questions written in the form to give or of the student performing actions explain in the form of take going need _ Only that's it road only with teacher of students notebooks out of sight sorry stand up , their speech meaning in terms of road put mistakes know takes _

teacher is a problem solve the plan of writing sure the rule work output need _ It is a matter of teachers solve the plan before writing to get Demand to do do you need or plan issue solve with together Is it written ? of the teacher himself solution to do it is necessary

References

Qosimova, M. Y. , & Yusupova, N. X. (2020). On a property of fractional integro-differentiation operators in the kernel of which the meyer function. *Scientific-technical journal*, 24(4), 48-50.

Qosimova, M. Y. , Yusupova, N. X. , & Qosimova, S. T. (2021). On the uniqueness of the solution of a two-point second boundary value problem for a second-order simple differential equation solved by the bernoulli equation. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(9), 969-973.

Kosimova, M. Y. , Yusupova, N. X. , & Kosimova, S. T. (2021). Бернулли тенгламасига келтирилиб ечиладиган иккинчи тартибли оддий дифференциал тенглама учун учинчи чегаравий масала. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(10), 406-415.

Yakubjanovna, Q. M. (2022). Some Methodological Features of Teaching the Subject «Higher Mathematics» in Higher Educational Institutions. *Eurasian Journal of Physics, Chemistry and Mathematics*, 4, 62-65.

Kosimova, M. Y. (2022). TALABALARNI TA'LIM SIFATINI OSHIRISHDA FANLARARO UZVIYLIGIDAN FOYDALANISH. *Nazariy va amaliy tadqiqotlar xalqaro jurnali*, 2(2), 57-64.

Kosimova, M. Y. , & Kh, Y. N. SOLVING HIGHER-ORDER DIFFERENTIAL EQUATIONS USING THE METHOD OF ORDER REDUCTION. *Chief Editor*.

TALABALARGA MULTIMEDIALI TEXNOLOGIYA ASOSIDA DARS O'TISH TEXNOLOGIYASI

Qurbonazarova Sh.E.– Ch.D.P.U talabasi
Qurbonazarov S.E.– TMTI assistenti

ANNOTATSIYA: Mazkur maqola ta'lim muassasalarida dars o'tishda qo'llaniladigan multimedia texnologiyalaridan foydalanish bilan birgalikda ta'lim sifatini oshirishga qaratilgan dolzarb masala sifatida yoritilgan. Multimedida vositalarini qo'llash orqali talabalarda hech bo'lmaganda tushintirilayotgan mavzu yuzasidan tushuncha paydo qilish ta'lim berish jarayoniga sezilarli ta'sir qiladi.

АННОТАЦИЯ: В данной статье рассматривается использование мультимедийных технологий, применяемых на занятиях в общеобразовательных учреждениях, как актуальная проблема, направленная на повышение качества образования. При использовании мультимедийных средств понимание учащимися как минимум объясняемой темы оказывает существенное влияние на учебный процесс.

ANNOTATION: This article discusses the use of multimedia technologies used in the classroom in educational institutions as an urgent problem aimed at improving the quality of education. When using multimedia tools, students' understanding of at least the topic being explained has a significant impact on the learning process.

Kalit so'zlar: Multimedia texnologiyalari, ta'lim texnologiyalari, ta'lim sifati, OTM – Oliy Ta'lim muassasalari, ta'lim maskani

Ключевые слова: Мультимедийные технологии, образовательные технологии, качество образования, ВУЗы - Высшие учебные заведения.

Key words: Multimedia technologies, educational technologies, quality of education, Universities - Higher educational institutions.

Biz bilamizki, Oliy ta'lim muassasalarida ta'lim sifatini oshirish uchun turli xil metodlar qo'llaniladi. Qaysi ta'lim texnologiyasini qo'llash bu ta'lim beruvchining mahoratiga, shaxsiy qobiliyatlariga bo'lib, bitta darsni o'tish mobaynida bir nechta ta'lim texnologiyalarini qo'llash mumkin bo'ladi. Har xil metodlarni qo'llash orqali bilim oluvchilarni o'z darsiga qiziqтира olishi ta'lim beruvchining hayotiy tajribasiga ham bevosita bog'liq bo'lib qoladi [1]. Innovatsion ta'lim texnologiyalaridan biri bo'lgan "multimedial ta'lim texnologiyasi" haqida qisqacha ko'rib o'tamiz.

Insonning yetuk komillikka erishishida ta'limining ahamiyati kattadir. Prezidentimiz ma'ruzasida ta'kidlaganidek, "mamlakatni modernizasiya qilish va kuchli fuqarolik jamiyati barpo etish ustuvor maqsadimiz", degan mulohazalaridan barkamol avlodni tarbiyalash, ularni har tomonlama yetuk qilib voyaga yetkazish ta'lim muassasasining asosiy vazifalaridan biri ekanligini unutmashimiz kerak. Shu sababli, ta'lim maskani degan ulug' dargohning inson va jamiyat taraqqiyotidagi hissasi va ta'sirini nafaqat yoshlarimiz balki butun xalqimiz kelajagini ham hal qiladigan o'qituvchi va murabbiylar mehnatini hech narsa bilan o'lchab qiyoslab bo'lmaydi [2].

Multimedia vositasining bir qancha ta'riflari mavjud, ularning ayrimlarini keltiramiz. Jumladan, multimedia - (inglizcha-yunoncha "multimedia" – o'rta vositalar) bu –axborot informasiya uzatishning xilma-xil vositalarini qamrab oluvchi texnologiya bo'lib, unda muayyan dasturlar va vositalar mavjud bo'ladi. Multimediyaga ega kompyuterlar odatda kuchli videotizmga, vadeomagnitafon va videokamerani ko'rish imkoniyatiga, tasvirni ushlab va axborotlarni rangli grafika, ovozlarning chiqishi va sintezlashgan musiqalar kabi turli ko'rinishlari bilan ishlash imkoniyatidir. *Multimedia texnologiyasi* – informatikaning dasturiy va texnikaviy vositalari asosida audio, video, matn, grafika va animasiya (obyektlarning fazodagi harakati) samaralari asosida o'quv materiallarini ta'lim oluvchilarga yetkazib berishning mo'ljallangan ko'rinishidagi texnologiyasidir.

Multimedia vositalari pedagogik nuqtai nazaridan ta'lim oluvchilarining ta'lim-tarbiyasi jarayoniga tadbiiq etilishida kompyuter asosida yangicha yondashuv hisoblanadi. Kompyuterli texnologiyalar o'quvchilarning faolligini oshirishda, o'rganiladigan o'quv materiallarining hajmini ko'paytirishda va ta'lim jarayonining samaradorlik darajasini oshirishda muhim vosita sifatida amalga oshirilmoqda. Unda kompyuter monitoriga qarab ekranda ko'rsatiladigan materiallardan foydalanib bilim olish, kompyuter savodxonligini shakllantirish, ta'lim samaradorligini oshirishga xizmat qiladi. Multimediali kompyuterli texnologiyada ko'rgazmali vositadan tashqari ta'lim beradigan manba sifatida qaraladi. Chunki o'rganiladigan materiallar oldindan kompyuter xotirasiga joylashtirilgan bo'ladi. O'qituvchi qaysi mavzuni o'quvchilarga o'rgatmoqchi bo'lsa, kerakli ma'lumotlarni monitor ekraniga chaqirib oladi va namoyish etiladigan materiallar bilan ta'lim oluvchilarni tanishtiradi. Shu asosda ular mavzu yuzasidan namoyish etilgan materiallarni o'rganib boradilar. Bunda ta'lim oluvchilar kompyuter bilan yetarli darajada ko'nikma hosil qiladi. Shu bilan birga o'quvchilarning kompyuterdan foydalanish jarayonida tafakkuri rivojlanadi, bilim olishga qiziqishi ortadi va dunyoqarashi kengayib boradi.

Multimedia hozirda juda tez rivojlanayotgan zamonaviy axborot texnologiyalardan bo'lib, u quyidagi xususiyatlarga ega:

* An'anaviy axborot turlarini: matn, jadval, turli xil bezaklar hamda orginal axborot turlarini: nutq, musiqa, telekadrar, videofilmlardan parchalar, lavhalar, animatsiya ko'rinishidagi axborotlarni o'z ichiga oladi.

* Video va audio axborotlarni kompyuterda qayta ishlash va aks ettirish uchun markaziy protessorning harakatchanligini, ma'lumotlarni uzatish shinasining o'tkazish qobiliyatini, tezkor video va xotira hajmini, katta sig'imli tashqi xotirani, kompyuter kirish - chiqish kanallari bo'yicha almashinuv tezligini taxminan ikki barobar oshirish talab etiladi;

* "inson – kompyuter - inson" interaktiv muloqotining yangi darajasining ta'minlanishi, muloqot jarayonida foydalanishda ancha keng va har tomonlama axborotlarni olishga ega bo'lish.

Hozirgi amaliyot shuni ko'rsatmoqdaki, multimedia vositalari yordamida ta'lim sohasida o'quvchilarni o'qitish ikki baravar samarali bo'lmoqda. Ma'lumki, eshitgan materialning to'rt dan bir qismi xotirada qoladigan bo'lsa, o'quvchilarga berilayotgan materiallarni video orqali amalga oshirsak, axborotni xotirada saqlanib qolishi va tasavvur qilish imkoniyati 35-70 % gacha oshadi. Shuningdek, mazkur o'quv dasturlar audio video va grafika ko'rinishida mujassamlashtirilgan holatda o'quvchilarga berilsa, materiallarni xotirada saqlab qolish 70-95 % ga oshishi kuzatimoqda.

Ta'lim sohasida multimedia vositalari yordamida o'quvchilarga bilim berish afzalliklari quyidagilardan iborat:

Ta'lim jarayonida berilayotgan materiallarni chuqurroq va mukammalroq o'zlashtirish imkoniyatining mavjudligi;

Ta'lim olishning yangi sohalari bilan yaqindan aloqa qilish ishtiyoqining yanada oshishi;

Dars jarayonida bilim olish vaqtining qisqarishi natijasida vaqtni tejash imkoniyatiga erishilishi;

Olingan bilimlarning kishi xotirasida uzoq muddat saqlab qolishi va uni amaliyotda qo'llash mumkinligi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

“Zamonaviy pedagogik texnologiyalarini qo'llash orqali ta'lim sifatini takomillashtirishni tadqiq qilish” Qurbonazarov S. E. “zamonaviy muhandislik kommunikatsiya tizimlari va avtomobil yo'llari infrastrukturasiidagi dolzarb muammolar” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy anjumani materallari to'plami. Namangan-2022

“Talabalarga bilim berishda zamonaviy ta'lim texnologiyalarini qo'llash” Qurbonazarov S. E. “Respublikamizning janubiy hududlarida qishloq va suv xo'jaligiga innovatsion texnika va texnologiyalarni joriy etish istiqbollari” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy anjumani materallari to'plami. Termiz-2022

TA'LIM TIZIMIDAGI INOVATSIYALAR MAVZUSINI TARKIBIY JARVAL METODI FOYDALANIB O'QITISH TEXNOLOGIYALARI

Quvondiqova F.M.

TATU

Ushbu maqolada hozirgi kunda eng ommalashgan ta'lim shakillaridan biri bo'lgan SMART ta'lim texnologiyasini mazmun mohiyatini o'quvchilarga zamonaviy metod yordamida o'qitish masalalari keltirilgan.

Kalit so'zlar: Smart ta'lim, virtual auditoriya, sinkveyin, onlayn ustoz, texnologiya, tarkibiy jarval.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 26-noyabrdagi “Zamonaviy maktab”larni tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida”gi PQ-4537-son qarori, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining “Axborot texnologiyalari sohasida ta'lim tizimini yanada takomillashtirish, ilmiy tadqiqotlarni rivojlantirish va ularni industriya bilan integratsiya qilish chora-tadbirlari to'g'risida” qarori, 06. 10. 2020 yildagi PQ-4851-son va “Raqamli O'zbekiston — 2030” strategiyasini muvaffaqiyatli amalga oshirish maqsadida kelajak avlodni zamonaviy texnologiyalar bilan birgalikda zamonaviy va yangi jahon standartlariga mos keladigan ta'lim metodlari qo'llanishi keng yo'lga qo'yilmoqda va ta'lim muassalarida ko'plab chora tadbirlar amalga oshirilmoqda xususan dars jarayonida zamonaviy AKT imkoniyatlaridan foydalanish, darslar saviyasi va mazmunini oshirish maqsadida zamonaviy metod va texnologiyalardan foydalanish keng yo'lga qo'yilmoqda.

SMART texnologiya har bir sohada maqsadlarni to'g'ri qo'yish va vazifalarni aniqlashda zamonaviy yondashuv bo'lib, dastlabki bosqichda barcha mavjud ma'lumotlarni umumlashtirishga, faoliyatning maqbul (optimal) shartlarini ko'rsatishga, resurslarning adekvatligini aniqlashga va jarayonning barcha ishtirokchilariga aniq va tushunarli vazifalarni taqdim etishga imkon beradi.


SMART asosiy foydalanuvchilar (talabalar, o'qituvchilar, tadqiqotchilar) bilan o'zaro hamkorlik qilish orqali universitet foydalanadigan asbob-uskunalar va energiya manbalarining samaradorligini oshirishga qaratilgan. Aqlli texnologiyalar nafaqat o'quv jarayonini olib borishda instrumental texnologiyalarda (SMART board va boshqalar), balki innovatsion o'quv dasturlari va fanlarida ham mavjud bo'lgan o'quv dasturlarini amalga oshirishda qo'llaniladi. Bu sizga inqilobiy o'quv materiallarini ishlab chiqish, shuningdek, talabalar uchun individual ta'lim yo'llarini yaratishga imkon beradigan aqlli texnologiyalardir. SMART ta'lim konsepsiyasi quyidagilarni o'z ichiga oladi.

Ushbu maqolada hozirgi kunda ta'lim tizimimizga kirib borayotgan elektron ta'lim mavzusini tahlil qilib ko'rib chiqamiz. Ayni damda bu ta'lim tizimi, ta'lim tizimimizga kirib kelishi, uni amalyotta qo'llashimiz qanchalik foydali va ta'lim tizimimizni jahon standartiga mos holatga yetqazish uchun ahamiyatligiga amin bo'lamiz shu bilan birga hozirgi kunda qo'llanilayotgan zamonaviy metodlardan biri “Tarkibiy jarval” metodidan foydalanib tahlil qilamiz chiqamiz. Dastlab metoddan foydalanish bosqichlarini ko'rib chiqamiz:

“Tarkibiy jarval” metodi yordamida Ta’lim tizimidagi inovatsiyalar (Moodle, LMS, Smart ta’lim, e-learning).

“Tarkibiy jarval” bu texnologiya guruh bilan ishlashga mo’ljalangan bo’lib bunda talabalarga to’ldirish uchun asosiy jadval va turli qog’oz bo’laklar beriladi va talabalarning vazifasi mavzu yuzasidan asosiy tushuncha va atamalarni qog’ozchalarga yozib ularni mantiqiy bog’lanishda jadvalga yopishtirishdan iboratdir. Ko’rib turganingizdek bu texnologiyadan foydalanish orqali nafaqat talaba mavzuni o’rganadi balki mantiqiy fikirlash va g’oyalarning mutunosibligini tahlil qiladi. Yuqorida keltirilgan mavzuga bu texnologiyani quyidagicha joriy qilish mumkin. Masalan o’qituvchi mavzuni oldindan o’zlashtirib kelgan talabalarni guruhlarga bo’lib “Tarkibiy jarval” ni tarqatadi va guruh azolari kichik qog’ozchalarga mavzu haqida o’zlari bilgan ma’lumot va atamalarni yozib uni boshqa guruhdoshiga beradi va u ham shunday qiladi. Barcha o’z fikrini birlashtirib jadvalga joylab umumiy xulosa yasaladi.

“Tarkibiy jarval” metodi yordamida Ta’lim tizimidagi inovatsiyalar (Moodle, LMS, Smart ta’lim, e-learning). Qo’llanilishi



Demak ta’lim tizimini rivojlantirish (zamonaviylashtirish) deganda faqat so’ngi texnologiya narsalari electron doska, planshet, telefon, electron kitoblar, aqilli stol, kompyuter bilan birgalikda ularni izchil tizimlashtirish uchun shunga mos ta’lim tizimi, Smart ta’lim bo’lishi zarur. Ushbu ta’lim tizimidan foydalanish, ta’lim jarayonida yangi usul va uslublarni yaratish uchun katta imkoniyatlarni taqdim etadi. Shubhasiz, bu o’qituvchining o’quv va ilmiy-tadqiqot faoliyatida o’z ustida ishlash lozimligini talab qilib, o’quvchilarning bilim faolligini va qiziqishlarini oshiradi.

Xulosa qilib aytganda texnika asrida yashar ekanimiz har qadamimiz, kundalik hayotimizni ularsiz tasavvur qila olmaymiz, shu jumladan ta’lim tizimini ham. Ta’lim tizimini elektron tizimlashtirish xalqaro doirada bilimga ega bo’lish bilan birgalikda jahon standartlariga javob bera oladiga yetuk kadrlarni tarbiyalash imkoniyatini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 26-noyabrdagi “Zamonaviy maktab”larni tashkil etish chora-tadbirlari to’g’risida”gi PQ-4537-son qarori.
2. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining “Axborot texnologiyalari sohasida ta’lim tizimini yanada takomillashtirish, ilmiy tadqiqotlarni rivojlantirish va ularni industriya bilan integratsiya qilish chora-tadbirlari to’g’risida” qarori, 06. 10. 2020 yildagi PQ-4851-son.
3. D. A Zaripova (Phd) Laboratory classes on "Educational Technologies" (Methodical instructions).
4. Elov B. B. Oliy ta’lim muassasasi o’quv jarayoni boshqaruvining relyatsion modeli. O’zbekiston Informatika va energetika mummolari jurnali. O’zbekiston Jurnal. - Toshkent, 2007.

5. Elov B. B. Oliy ta'lim muassasasi o'quv jarayoni boshqaruvi jarayonlar modeli. O'zbekiston Informatika va energetika mummolari jurnali. O'zbekiston Jurnal. - Toshkent, 2007.

ПОРТАТИВ ХУЖЖАТ ФОРМАТИДА ОБЪЕКТЛАР ВА УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Тургунбаев Р.

Тошкент ахборот технологиялари университети

Аннотация: Ушбу мақолада портатив хужжат форматида объектлар ва улар ўртасидаги боғлиқликлар, оқим ва филтрлар, файлни янгилаш имкониятини берувчи кетма-кет янгиланиш механизми ҳамда контентни талабга қараб тақдим этиш имкониятини берувчи линеаризация механизми тўғрисида батафсил маълумот келтирилган.

Калит сўзлар: портатив хужжат формати, объект, контент, файл

Портатив хужжат формати куйидаги бешта асосий объектлар билан ишлайди:

- натурал ва хақиқий сонлар;

- матнлар - қавс ичида ёзилади ва турли кодировкада бўлиши мумкин;

- номлар - луғатларда калит сўзлар сифатида ишлатилади ва / белгиси билан бошланади;

- мантиқий қийматлар - true ёки false калит сўзлар ёрдамида белгиланади;

- бўш объект - true калит сўзлар ёрдамида белгиланади.

Бундан ташқари куйидаги учта бирикма объектлари билан ҳам ишлайди:

- массивлар - объектларнинг тартибланган тўпламини ўз ичига олади;

- луғатлар - номларни объектларга боғловчи тартибсиз тўпламидан ташкил топади;

- оқимлар - иккилик маълумотлар билан биргаликда маълумотларнинг хусусиятларини тавсифловчи луғатни ўз ичига олади. Оқимлар расм ва шрифт каби маълумотларни сақлаш учун ишлатилади.

Портатив хужжат формати объектлар ўртасида боғлиқликни ҳосил қилувчи билвосита ҳавола орқали боғлаш усулини қўллаш имкониятини беради. PDF файли объектлар ўртасида боғлиқликни ҳосил қилувчи билвосита ҳавола орқали боғланган объектлар графигидан ташкил топади.

Натурал ва хақиқий сонлар

Натурал сонлар бир ёки бир нечта 0 дан 9 гача бўлган сонлардан иборат манфий ёки мусбат белгисидан кейин ёзилиши мумкин:

0 +4 -4 45

Хақиқий сонлар бир ёки бир нечта 0 дан 9 гача бўлган сонлардан иборат манфий ёки мусбат белгисидан кейин ёзилиши ва каср нуқтаси эга бўлиши мумкин:

0.1 -0.0045.4

Кўп холларда белгиланган объект натурал сон ёки хақиқий сон бўлиши мумкин. Қолган холларда объект натурал сон бўлиши керак. Натурал ва хақиқий сонларнинг чегаралари ва аниқлик даражаси портатив хужжат форматининг тадбиғи томонидан белгиланади. Портатив хужжат форматининг жорий тадбиғида агар натурал сон мавжуд чегарадан чиқиб кетса ушбу сон хақиқий сонга ўзгартирилади.

Матнлар

Матнлар қавслар орасида ёзилган байтлар кетма кетлигидан иборат:

(Matn namunasi)

Қавс ва орқа слеш белгиларини матн ичида ишлатиш учун улардан олдин \ белгисини қўйиш талаб этилади. Масалан:

(Matn ichidagi \ orqa slesh va \(qavs belgilari)

Юқоридаги мисол “Matn ichidagi \ orqa slesh va (qavs belgilari” матнни белгилайди. Матн ичидаги қавслар жуфтлиги олдига орқа слеш белгиси қўйилиши шарт бўлмайди. Масалан:

(Qavsli (matn))

Орқа слеш белгиси ёрдамида махсус белгиларни кўйиш имконияти мавжуд бўлади:

\n катор ташлаш
\r катор бошига қайтиш
\t горизонтал Tab
\b Backspace
\f саҳифа ташлаш
\ddd саккизлик рақамдаги белги коди

Номлар

Номлар портатив ҳужжат форматида луғатлар учун калитлар ва турли кўп қийматли объектларни белгилаш учун қўлланилади. Номлар слеш белгиси ёрдамида белгиланади:

/Hujjat

Номлар бўш белгилар ва ажратувчиларни ўз ичига олмаслиги керак. Аммо, агар ном ушбу белгиларга эга ташқи номга мурожаат қилиши керак бўлса панжара белгисидан фойдаланиш мумкин:

/Hujjat#20Mavjud#20belgi

Юқоридаги мисол /Hujjat Mavjud belgi номини билдиради. ASCII кодлаш жадвалида ўн олтилик санок системасидаги 20 бўш белгини билдиради. Номларда ҳарфларнинг катта-кичиклиги аҳамиятга эга.

Мантиқий қийматлар

Портатив ҳужжат формати true ва false мантиқий қийматлар билан ишлайди ва улар асосан луғат ёзувларида қўлланилади.

Массивлар

Массивлар объектлар ва бошқа массивларнинг тартибланган тўпламини ифодалайди. Бунда объектлар бир хил турда бўлиши талаб этилмайди. Масалан:

[0 0 400 500]

Ушбу массивда тўрта рақам тартибланган ҳолда жойлашган.

Луғатлар

Луғат калит-қиймат жуфтликларидан ташкил топган тартибланмаган тўпламини ифодалайди. Луғат калитларни қийматларга боғлайди. Калитлар - номлар, қийматлар исталган PDF объекти бўлиши мумкин. Луғатлар << ва >> белгилари орасида ёзилади. Масалан:

<</Bir 1 /Ikki 2 /Uch 3>>

Ушбу мисолда /Bir номига 1 натурал сони, /Ikki номига 2 натурал сони ва /Uch номига 3 натурал сони боғланган. Луғатлар бошқа луғатларни ҳам ўз ичига олиши ҳам мумкин.

Билвосита ҳаволалар

Маълумот талаб қилинганида ўқиш учун портатив ҳужжат форматида контентни турли объектлар ўртасида бўлиб чиқиш учун улар билвосита ҳаволалар ёрдамида боғланади. Объектга билвосита ҳавола кўйиш қуйидаги кўринишга эга:

6 0 R

Бу ерда 6 объектнинг рақами, 0 авлод рақами ва R билвосита ҳавола калит сўзи. Қуйидаги мисолда билвосита ҳавола фойдаланилган луғат келтирилган:

<< /Manba 10 0 R

/Kontent [4 0 R] >>

Бунда луғат қийматидаги 10 ва 4 рақамли объектлар билвосита ҳавола қилинган.

Оқимлар ва филтрлар

Оқимлар иккилик маълумотларни сақлаш учун ишлатилади. Оқимлар луғатлардан кейин келадиган иккилик маълумотлар бўлаги кўринишида ташкил топади. Луғатда маълумотнинг узунлиги ва қўшимча маълумотлар кўрсатилади. Оқимнинг ёзилиши луғат, stream калит сўзи, маълумотларнинг байтлари ва endstream калит сўзидан иборат. Масалан:

4 0 obj

<<

/Length 65

```
>>
stream
1. 0. 8. 9. 50. 200. cm
BT
/F0 36. Tf
(Oqim kontenti) Tj
ET
endstream
endobj
```

Юқоридаги мисолда луғат /Length ёзувига эга бўлиб оқимнинг байтдаги узунлигини билдиради.

Барча оқимлар билвосида объект бўлиши керак. Оқимлар аксарият ҳолларда турли компрессиялаш механизмларидан фойдаланган ҳолда сиқилган кўринишда бўлади.

Кетма-кет янгиланиш

Кетама-кет янгиланиш ўзгаришларни файлнинг охирига қўшиш орқали файлни янгилаш имкониятини беради. Бу эса файлнинг қолган қисмини қайта ёзиш мажбуриятини олдини олади. Янгилаш жараёни янги ёки ўзгартирилган объектлар ва ўзаро мос ёзувлар жадвалини янгилашдан ташкил топади. Ушбу янгилаш жараёни бир неча мартаба такрорланиши мумкин. Бундай кўринишда янгиланган файллардаги ўзгаришлар бекор қилиниши ва файлнинг аввалги версиясини қайта тиклаш мумкин бўлади.

Линеаризациялашган PDF

Катта ўлчамга эга PDF файлини паст тезликдаги тармоқда кўриш вақтида фойдаланувчи файлни кўриш учун бутун файлни юклаб олинисини кутишни истамайди. Фойдаланувчи ҳужжатнинг биринчи вароғини тез юкланашини, кейинги вароққа ўтганида у ҳам тез юкланисини истайди. PDF 1. 2 версиясидан бошлаб линеаризациялашган PDF механизми тақдим этилган [1]. Ушбу механизм файлда объектларни тартибли жойлаштириш қоидалари ва мазкур объектлар қандай тартибланганини билдирувчи ёрдамчи жадвалларни киритади. Линеаризациялашган PDF файли файлнинг юқори қисмида жойлашган линеаризация луғати орқали аниқланади. Масалан:

```
%PDF-1.4
%вгПУ
4 0 obj
<< /E 200967
/H [ 667 140 ]
/L 201431
/Linearized 1
/N 1
/O 7
/T 201230
>>
endobj
```

PDF файлининг ўқиш тартиби

PDF файлини ўқиш учун одатда қуйидаги қадамлар амалга оширилади:

1. Портатив ҳужжат форматининг сарлавҳа қисми ўқилади ва ундан версия рақами олинади.

2. Файл якуни белгиси (%%EOF) топилади. Трейлер луғати ўқилади ва у ердан ўзаро мос ёзувлар жадвали аниқлаб олинади.

3. Ўзаро мос ёзувлар жадвали ўқилади ва ҳар бир объектнинг файлдаги жойланиши аниқлаб олинади.

4. Барча объектлар ўқилиши ва таҳлил қилиниши ёки бу жараён ҳар бир объект керак бўлгунига қадар тўхтатиб турилиши мумкин.

5. Ушбу босқичда маълумотлардан фойдаланиш, саҳифаларни ажратиб олиш, контентни таҳлил қилиш, метамаълумотларни экстракция қилиш [2] имкониятлари мавжуд бўлади.

PDF файлининг ёзилиш тартиби

PDF файлини ёзиш қуйидаги босқичлардан иборат:

1. Сарлавҳа қисми ёзилади.
2. Бошқа объектларга ҳавола келтирмайдиган барча объектлар ўчирилади.
3. Объектлар 1 дан болшаб рақамланади.
4. Объектлар ёзилади. Бунда ўзаро мос ёзувлар жадвалига объектнинг жойлашиш байт оралиғи ёзиб қўйилади.

5. Ўзаро мос ёзувлар жадвали ёзилади.

6. Трейлер, трейлер луғати ва файл яқуни белгиси ёзилади.

Портатив хужжат формати тўрта асосий қисмлар, сарлавҳа қисми, тана қисми, ўзаро мос ёзувлар жадвали ва трейлердан иборат. PDF файлининг тана қисми объектлар кетма-кетлигидан ташкил топган ўзаро боғланган объектлар гуруҳларидан иборат бўлади. Ўзаро мос ёзувлар жадвалида ҳар бир объектнинг жойлашуви белгиланади. Объектларнинг жойланиши аниқ бўлганидан кейин маълумотларни ишлатиш, экстракция қилиш ва қайта ишлаш имкониятлари пайдо бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

[1] Alifov, A. A. (2019, October). About direct linearization methods for nonlinearity. In International Conference of Artificial Intelligence, Medical Engineering, Education (pp. 105-114). Springer, Cham.

[2] Turgunbaev, R. , & Elov, B. (2021, September). THE USE OF MACHINE LEARNING METHODS IN THE AUTOMATIC EXTRACTION OF METADATA FROM ACADEMIC ARTICLES. In International Conference on Applied Sciences.

AYDAR-ARNASOY KO'LLAR TIZIMIDA UCHRAYDIGAN LARUS CACHINNANSA UCHRAYSIGAN SCHISTOCEPHALUS SOLIDUS, MYULLER 1776, TURINING FAUNASI VA EKOLOGIYASI

Ravshanova A.R. – o'qituvchisi

Xushvaqova Z.S. – talaba

JDPU

Аннотация. Ушбу мақола Айдар-Арнасой ко'ллари тизимидagi Ларус кашиннанс (Oddiy chag'alay) da uchraydigan tasmasimon chuvalchang – Schistocephalus solidus haqida bo'lib, parazitning geografik tarqalishi, yashash joyi, rivojlanishi, ko'payishi hamda hayotchanligi haqida bo'lib, bu ma'lumotlardan qishloq xo'jaligi va baliqchilik xo'jaligida, dissertatsiya va bitiruv malakaviy ishida foydalanish mumkin.

Абстрактный. Статья посвящена ленточному червю Schistocephalus solidus, обнаруженному у Larus cachinnans (чагалай обыкновенный) в системе озер Айдар-Арнасой, о географическом распространении, среде обитания, развитии, размножении и жизнеспособности паразита, данные могут быть использованы в сельском хозяйстве. и рыбного хозяйства, диссертационные и дипломные работы.

Abstract. This article is about the tapeworm - Schistocephalus solidus found in Larus cachinnans (Ordinary chag'alay) in the Aydar-Arnasoy lake system, about the geographic distribution, habitat, development, reproduction and viability of the parasite. The data can be used in agriculture and fisheries, dissertation and graduation work.

Калит со'злар. Изолация, baliqxo'r qushlar, nasl gallanishi, koratsidiya, , proserkoid, serkomer.

Ключевые слова. Выделение, рыбаодные птицы, размножение, корацидии, просеркоиды, саркомер.

Key words. Isolation, piscivorous birds, breeding, coracidia, , prosercoid, sarcomere.


Geografik diapazoni. *Schistocephalus solidus* Shimoliy Amerikaning g'arbiy va sharqiy hududlarda, shu jumladan Alyaska va Kanada, Yevropa va Yevrosiyo provinsiyalarida izolatsiya qilingan. Bu joylar uning ikkinchi oraliq xo'jayini *Gasterosteus aculeatus* (Poulin va boshqalar 2011) nikidir. Bu sestodni 40 dan ortiq turli turdagi baliqxo'r qushlar yuqturgani ma'lum, ular ikkinchi oraliq xo'jayinlardir (Nishimura va boshqalar 2011), shuning uchun u ikkala qit'ada juda keng tarqalgan. *Schistocephales solidus* sutemizuvchilarga ham yuqtirishi mumkin, ammo bu kamdan kam hollarda laboratoriyadan tashqarida kuzatiladi (McCaig va Xopkins, 1962). [1]

MDH davlatlarida Tojikistonda – Borgarenko (1979); Turkmanistonda – Smogorjevskaya, Isqova, Eminov (1965); Qozog'istonda – Gvozdev (1964); O'zbekistonda – Turamuratov (1966). [2]

Aydar-Arnasoy ko'llari tizimining janubiy Tuzkon qismida (18. 01. 2022) *Larus cachinnas*da topildi.

Yashash joyi

Schistocephales solidus parazit bo'lib, murakkab nasl gallanishi uchta alohida xo'jayinga ega bo'lganligi sababli, uning yashash muhiti egasining yashash muhitiga bog'liq. Voyaga yetgan qurt o'zining asosiy xo'jayini suv-botqoq qushlarining ichaklarida rivojlanadi va u yerda tuxum qo'yishga kirishadi. (Nishimura va boshqa 2011). Atrof muhitda koratsidiya tuxumdan 22-29 kun ichida paydo bo'lib, egasiga yuqtirishi mumkin. Siklop- uning birinchi oraliq xo'jayini bo'lib, unga yuqqandan so'ng uning ichagida yashaydi va ikkinchi oraliq xo'jayin *Gasterosteus aculeatus* tomonidan iste'mol qilinmaguncha rivojlanaveradi (Klark, 1953). Bu parazit selomida rivojlanib, baliqni qush yeguniga qadar parazit ko'payish siklni yakunlaguncha rivojlanaveradi (Nshimura va boshqa 2011). *Schistocephales solidus* juda moslashuvchan tasmasimon qurtdir (1-rasm).



1-rasm. *Schistocephalus solidus*ning rivojlanish sikli

Rivojlanish

Murakkab hayot aylanishiga ega bo'lgan sestoda sifatida *Schistocephales solidus* xo'jayinlari o'rtasida o'zgarib turadigan anotomiyaga ega. Tuxumdan chiqqandan so'ng ko'p kiprikli erkin suzuvchi koratsidiyaga aylanadi. Birinchi oraliq xo'jayinda *Schistocephales solidus* morfologiyasini o'zgartiradi, proserkoid shaklga aylanadi, cho'ziladi va shaffofligini yo'qotadi. Bu sestod shuningdek, orqa ilgaklar va orqa «lampochka» ni rivojlantiradi, ular serkomer deb ataladi (Clarke 1953). Ikkinchi oraliq xo'jayinda u serkomerni tashlab 60-80 proglottidlar hosil qiladi (Smit, 1946). Ushbu bosqichda bu pleroserkoiddir. Yakuniy xo'jayin tomonidan yutilganda parazit o'sib, ko'payib, tuxum ishlab chiqaruvchi shaklga aylanadi (Klark, 1953). (Klark 1954; Smit, 1946)

Ko'payishi

Schistocephales solidus ham jinsiy ham jinssiz yo'l bilan ko'payadi (Klark, 1953). Germofradit sifatida u urug'lantirilishi yoki o'z o'zidan urug'lanishi mumkin. *Schistocephales solidus* o'ziga nisbatan yirikroq juft bilan juftlashishni afzal ko'radi. Yiriklari nisbatan kichikroq

juftlari mavjud bo'lganda o'z-o'zini urug'lantirishi kuzatilgan (Luscher va Widekind, 2002) (Klark, 1954; Lyuscher va Wedekind, 2002)

. Umri davomida 20 000 dan ortiq tuxum ishlab chiqarishi mumkin (Klark, 1954) jinsiz ko'payish erkinligi va qulayligiga qaramay , Schistocephales solidus juftini kutish uchun tuxum ishlab chiqarishni kechiktiradi (Schjorring, 2004). Bu tabiiy tanlanish mexanizmi bo'lishi mumkin, chunki o'z-o'zini urug'lantiardigan organizmlarda umumiy tuxum ishlab chiqarish kamroq bo'ladi (Schjorring, 2004), shuningdek, ikkinchi oraliq xo'jayin egasida rivojlanishi kamroq bo'ladi (Kristin va Milinski, 2003). Schistocephales solidus individlari nisbatan kattaroq juftlar bilan juftlashishni afzal ko'rishlari va nisbatan kichikroq juftlardan qochishlari mumkin. Ba'zi hollarda, Yiriklari nisbatan kichikroq juft mavjud bo'lganda ham o'z-o'zidan urug'lantiriladi (Kristen va Milinski) (Klark, 1954; Lyuscher va Wedekind, 2002; Schjorring, 2004)

Hayotchanligi.

Schistocephales solidus umr ko'rish muddati siklning har bir bosqichini bajarish vaqtiga bog'liq. Tuxumlarning chiqishi 22-29 kun davom etishi mumkin. Koratsidiumga mos xo'jayin topish uchun 24-48 soat vaqt bor. Birinchi oraliq xo'jayinga kirganda, u ikkinchi oraliq xo'jayinni yuqtirishdan 3-4 hafta oldin rivojlanadi (Clarke , 1953). Ikkinchi oraliq xo'jayinda pleriserkoid shakli taxminan 17 kun davomida sezilarli darajada o'sadi (Sharsack va boshq. 2007). Aniq xo'jayin tomonidan istemol qilingandan so'ng, kattalar shakli tuxum ishlab chiqarish va tashqariga chiqarishdan 3-4 kun oldin kerak bo'ladi (Smyth, 1946). Voyaga yetgan shaklning uzoq umr ko'rishi xo'jayiniga bog'liq. Laboratoriya sharoitida Schistocephales solidus kalamushlarda 6 kun, kaptarlarda 10 kun va o'rdaklarda 14 kun, hamsterlarda 18 kun tirik qolgan(Makkaig va Xopkins).

Adabiyotlar

1. Л. Ф. Боргаренко. Гельменты птиц Таджикистана, I том. Дониш. Душанбе. 1981. ст. 17
2. Кочнева А. А. Протеомы некоторых видов цестод на разных стадиях жизненного цикла. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата биологических наук. Петрозаводск – 2022. 16-17 ст.
3. Manfred Milinsk. Fitness consequences of selfing and outcrossing in the cestode Schistocephalus solidus. From the symposium "Sexual Selection and Mating Systems in Hermaphrodites" presented at the annual meeting of the Society for Integrative and Comparative Biology, January 4–8, 2005, at San Diego, California. 373-380 page.

MAKTAB MENEJMENTI SOHASINING XALQ TA'LIM TIZIMIDAGI O'RNI VA RO'LI

Payziyev S.V.

Maktab menejment yo'nalishi talabasi

ANOTATSIYA: Ushbu maqolada xalq ta'lim tizimida maktab menejment sohaning qay darajada dolzarbligi tizimda kuzatiluvchi muomolar va kamchiliklarni hal qilishda maktab menejment o'rni va ro'li va aynan shu soha bo'yicha tahsil olgan boshqaruv kadrlarining salohiyati orqali xalq ta'lim tizimiga yangicha innovatsialar olib kirish orqali xalq ta'lim tizimini rivojlantirish yo'lari bo'yicha takliflar hamda ushbu soha bo'yicha tahsil olgan kadrlarni ko'proq jalb qilish bo'yicha chora tadbirlar olib boorish bo'yicha takliflar keltirib o'tilgan

Kalit so'zlar: Xalq ta'lim sohasi, Ta'lim boshqaruvining ahamiyati, xalq ta'limi va maktab menejmenti yo'nalishi integratsiyasi, Rahbar kadrlar salohiyati, Xalq ta'limi bo'yicha islohatlar, xalq ta'limi faoliyati, pedagogik faoliyat, Innovatsion texnologiyalar, Intelektual salohiyat,

Bugungi kunda xalq ta'lim sohasi hamda ta'lim menejmenti sohasi uzviy bog'liq hisoblanadi. Sababi maktab menejment sohasi ta'lim sohasiga oid yo'nalish bo'lib u umumiy o'rta ta'lim maktablarini boshqarish , ta'lim menejerligi va pedagogik faoliyat, ta'lim sifatini nazorat qilish, xalqaro baholash dasturlari, ta'limda innovatsiyalarini boshqarish, taym menejmenti kabi kompleks masalalar bilan bog'liq kasbiy sohalar majmuasini qamrab oladi. Maktab menejmenti

yo'nalishining oliy ta'lim nuassasalarida tashkil etilishidan maqsad ham aynan xalq ta'lim sohasiga boshqaruv sohasi bo'yicha kadrlar tayyorlash hisoblanadi.

Bu orqali maktabning boshqaruv mamuriyatiga aynan boshqaruv sohasi bo'yicha uning usulari tamoilari haqida to'laonli ko'nikmaga ega bo'lgan kadrlar tayorlab berish orqali tizim boshqaruv jarayonini takomillashtirish undagi har hil nojo'ya holatlarni oldina olish orqali xalq ta'lim tizimini rivojlantirish ustuvor vazifa hisoblanadi. Bu bo'yicha yurtimizda ham ko'plab ilohatlar o'tkazilayotgani bejiz emas albatda bunga misol qilib. Davlatimiz rahbarining 2017-yil 30-sentyabirdagi qaroriga muvofiq Xalq ta'limi vazirligining boshqaruv tizimi takomillashtirildi, asosiy vazifa va faoliyat yo'nalishlari belgilab berildi. Yaqinda vazirlik rahbariyatida o'zgarishlar amalga oshirilib, o'quv-kommunikatsiya texnologiyalarni joriy etish, o'qituvchilarning jamiyatdagi mavqeyini yuksaltirish orqali ta'lim sifatini oshirish bo'yicha ko'plab vazifalar qo'yildi. Biz bundan shuni tushunishimiz mumkinki. Xalq ta'lim tizimida boshqaruvning ahamyati qanchalik muhim ahamyat kasp etishini ko'rishimiz mumkin. Tabiyki bu Ikki sohani integratsiyalash masalasiga tohtaladigan bo'lsak bunda Aynan ta'lim boshqaruvi bo'yicha tehsil olgan kadrlarni oliy ta'limni bitirgandan so'ng xalq ta'lim sohasiga tog'ri yo'naltirish bunda shuni kuzatishimiz mumkinki hozirgi kunda aynan maktabning rahbariyat sohasida ishlash uchun eng kamida uch yillik staj talab qilinadi bunda tabiyki o'qishni aynan shu soha bo'yicha tehsil olgan kadir o'qishni bitirgandan so'ng unda hech qanday staj bo'lmaydi va aynan boshqaruv sohasida faoliyatini boshlay olmaydi. Bu jarayonda o'z o'zidan savol tug'ilishi mumkin unda ushbu kadrlar o'qishni bitirgandan so'ng aynan qayerdan faoliyatini boshlashadi ? biz bilamizki hozirgi kunda maktablarimizda kadrlar bo'yicha menejer lavozimi tashkil etilgan bunda aynan ta'lim boshqaruvi sohasining bakalavir kadrlari faoliyat yuritishi mumkin yani maktab menejmenti sohasini bitirgan kadrlar aynan shu jarayonda faoliyatlarini boshlashlari mumkin. Lekin kadrlar bo'yicha menejer lavozimining oylik ish haqiga to'htaladigan bo'lsak hozirda kadrlar bo'yicha menejer lavozimining oylik ish haqi o'rtacha bir million ikki yuz ming so'm miqdorda qilib belgilangan. Biz billamizki inson hayoti har jihatdan hayot faoliyatida moddiy jarayonga bog'lidir shu sababli aynan ta'lim boshqaruvi sohasi bo'yicha tahsil olgan kadrlarda ta'lim sohasida faoliyat yuritishga bo'lgan qiziqish susayishi mumkin va aynan xalq ta'limi sohasiga zarur bo'lgan bilimli intellektual yosh rahbar kadrlar boshqa sohalarda faoliyat yuritib ketishi orqali maktablarimizga malakali rahbar kadrlar kelishida muomolar kuzatilishi orqali ham xalq ta'lim tizimida oqsashlar kuzatilayotganini ko'rishimiz mumkin sababi hozirgi kunda maktabning rahbariyat sohasida faoliyat yuritayotgan rahbarlarning ko'pchiligida ta'lim boshqaruvi nima unda qanday usular orqali boshqariladi kabi bilimlarning yo'qligi yoki boshqaruv sohasi emas balki aynan ma'lum bir fan sohalaridan yoki malum ish staji borligi sababli eski tizimdagi kadrlar o'tirgani sababli yoki maktablarimizga yangicha innovatsiyalarni olip kirilmayotganligi yoki o'qituvchilarning yangicha ta'lim texnologiyalaridan qay darajada foydalanayotganligini nazorat qilish ular o'rtasida malasi bo'yicha ichki monitoringlar o'tkazish kabi ishlarning amalga oshirilmayotganligidir. Chunki, bugungi kundagi eng asosiy muomo-boshqaruv tizimi sifatini tubdan o'zgartirishdan iborat. Buning uchun boshqaruv tizimini soddalashtirish, uning turdosh tuzilmalarini birlashtirish , oraliqdagi o'rinsiz bo'g'inlarini qisqartirish, har bir tizim darajasidagi vazifalar mohiyatidan imkon qadar oqilona foydalanish eng asosiy vazifalar mohiyatidan imkon qadar oqilona foydalanish eng asosiy vazifalaridandir. Shu sababli biz ta'lim tizimimizga yangicha innovatsiyalar va texnologiyalarini yahshi anglab yetgan kadrlarni jalp qiladigan bo'lsak ta'lim tizimimiz asta sekin zamon talabiga mos ravishda o'zgarib borishini ko'rishimiz mumkin.

Hozirgi kunda biz ko'rishimiz mumkin zamon texnika texnologiyalar asoslangan holda rivojlanip bormoqda texnika texnologiyalar innovatsiyalar boshqa sohalar kabi ta'lim tizimiga ham o'z tas'sirini o'tkazmasdan qolmayapti bunga misol qilib kundalik. com saytini ham misol qilib keltirishimiz mumkin. Ushbu tizimning asosiy vazifasi o'quvchining darslarni o'zlashtirish reytingini uning darslardan olayotgan baholarini ota onalar tizim orqali ko'rib borishlari hamda farzandining reytingini kuzatib tahlil qilip borishlari uchun tashkil qilingan tizim hisoblanadi lekin hozirgi kunda olis hududagi maktablarimizda bu tizimdan foydalanish bo'yicha oqsashlar kuzatilayotganini ko'rishimiz mumkin bunga asosiy sabablardan internet tarmoqlaridagi nosozliklar

hamda maktab mamuriyati tomonidan ushbu tizim bo'yicha tushuntirish ishlarining olib borilmayotganligi sababli ham tizimda oqsashlar kuzatilmoqda bu mavzuni maqolamning mohiyatiga dahildor jihati shundaki hozirda maktablarimizda o'tirgan ko'pgina rahbar kadrlarimiz yoki o'qituvchilarimizning o'zida tizim bo'yicha tushunchalar shakillanmagan yani uning mohiyati yoki undan foydalanish va tizimni nazorat qilish bo'yicha ko'nikmalar yo'qligi sababli tizimga nisbatan befarqlikning o'zi ham bugungi kunda ta'lim tizimimizga innovatsion texnologiyalarga nisbatan intellekti yuqori kadrlarni kerakligiga misol bo'la oladi desak sira adashmagan bo'lamiz

Xulosa va takliflar: Biz maqoladan shuni xulosa qilishimiz mumkinki bugungi kunda xalq ta'lim tizimi va ta'lim boshqaruvi yo'nalishing integratsiyasi naqadar muhimligi hamda tizimni isloh qilishda boshqaruv bilimiga va mahoratiga ega bo'lgan hamda dunyo qarashi keng masalaga har tomonlama yondasha oladigan kadrlar bilan tizimni boyitish masalasi dolzarbligini ko'rishimiz mumkin. Ushbu hulosa kelishimning sababi shundan iboratki hozirgi kunda zamon shiddat bilan rivojlanib borayotgan bir davirda biz eskicha qarashlar yoki qog'ozbozlik asoslangan faoliyat orqali Xalq ta'lim tizimimizni rivojlantira olmaymiz.

Ushbu maqoladan kelip chiqan holda mening taklifim shundan iboratki shunday bir tizim yaratishimiz keraki ya'ni hozirgi kunda "Maktab menejmenti" yo'nalishi bo'yicha yetiship chiqayotgan intiluvchan dunyo qarashi keng texnika texnologiyalar bilan ishlay oladigan bo'lajak kadrlarni malakali o'z ishiga tog'ri yondasha oladigan bugungi kunda faoliyat yuritayotgan rahbarlarga biriktirgan holda ular bilan doimiy ravishda ish jarayonida birga bo'lish orqali ulardan jamoa bilan ishlash bo'yicha ko'nikmalarni olib borish bilan birga o'zlarida amalyot jarayonida ham to'liqroq tajriba olishlari orqali ta'lim tizimimizga Yosh rahbar kadrlarni tayyorlab boramiz va ushbu kadrlar o'qishni bitirgandan song to'laqonli ta'lim tizimiga jalb qilish orqali ular keljakda yetuk kadrlar sifatida faoliyat olib borishlari mumkin

Foydalanilgan adabiyotlar:

Menejment; N. K. YO'LDOSHEV, G. E. ZAXIDOV, Ta'lim menejmenti; R. X. Jo'rayev S. T. Turg'unov Ta'lim menejmenti va iqtisodiyot; dots. Sabirdjanova D. K. , dots. Ibragimov P. Boshqaruv Nazariyasi; X. A Muxitdinov A. A Sobirov

Internet saytlari;

<http://library.pharmi.uz/books/darslik/Muxitdinov%20X.%20Boshqarish%20nazariyasi.pdf>

<https://lex.uz/ru/docs/-2635197?ONDATE2=09.04.2022&action=compare>

<https://kitobtxtb.uz/2022/02/17/kitob-tuman-xalq-talimi-tizimini-isloh-qilish-va-2022-yilda-rivojlantirish-yol-xaritasi/>

BAG'RIKENGLIK-MILLATLARARO VA DINLARARO MUNOSABATLARDI INSON HUQUQLARIGA RIOYA ETISHNING ASOSIY TAMOIYILI

Eshonqulova I.U. – katta o'qituvchi

TerDU Akademik litseyi

Annotatsiya: Ushbu maqolada O'zbek xalqining bag'rikengligi, mehmondo'stligi, oliyjanobligi, bolajon xalqligi, sahovatpeshaligi, mehr-oqibat va odamiylik xislatlari, millatlararo va dinlararo totuvligi kabi tuyg'ulari imkon darajada yoritilgan. Sinovli kunlarda ham tushkunlikka tushmasdan ehtiyojmand oilalarga, jinsi, irqi, millati, tili, dini, ijtimoiy kelib chiqishi, e'tiqodi, shaxsi va ijtimoiy mavqeyidan qat'iy nazar, yordam berishi, shu aziz vatan rivoji uchun fidokorona xizmat qilishi aks ettirilgan.

Kalit so'zlar: Bag'rikenglik, insonparvarlik, mehmondo'stlik, insoniylik, halollik, dinlararo totuvlik.

Ma'lumki, bag'rikenglik g'oyasi-turli millat va elatlar vakillarining bir zamin, bir vatanda oliyjanob g'oya va niyatlar yo'lida hamkor va hamjihab bo'lib yashashini anglatadi. Qadim-qadimdan milliy qadriyatlarimiz ezgulik g'oyalariga asoslanib, yaxshilik, tinchlik, do'stlik kabi

fazilatlarga tayanib kelgan. Odamlarni halollik, poklik, mehr-oqibat va bag'rikenglikka chorlagan.

Mustaqillik sharofati bilan 130 dan ortiq turli millat va elat vakillari O'zbekistonda farovon va osoyishta yashashi, tinch-totuv hayot kechirishi uchun qulay sharoitlar yaratib kelinmoqda. Etnik munosabatlar va din sohasida olib borilayotgan izchil va oqilona siyosat tufayli mamlakatimizda bag'rikenglik, millatlararo va dinlararo totuvlik mustahkamlanib borilmoqda. Konstitutsiyamizda ta'kidlanganidek, "O'zbekiston Respublikasida barcha fuqarolar bir xil huquq va erkinliklarga ega bo'lib, jinsi, irqi, millati, tili, dini, ijtimoiy kelib chiqishi, e'tiqodi, shaxsi va ijtimoiy mavqeyidan qat'iy nazar, qonun oldida tengdir" degan tamoyilning mustahkamlab qo'yilishi esa, bu boradagi ishlarning qonuniy asosi bo'lib xizmat qilib kelmoqda.

O'zbek xalqi qadim-qadimdan bag'rikeng, oliyjanob, mehmondo'st, dinidan, millatidan qat'iy nazar insoniylik tuyg'ularini yuqori o'rinlarga qo'yadigan xalq hisoblanadi. Buning isboti sifatida qadim tariximizga yuzlanishimiz shart emas. Yaqin yillar mobaynida insoniyat boshiga tushgan va bu davom etib kelayotgan pandemiya, covid-19, karantin davrlarini misol qilib olishimiz mumkin.

2019 yil 17-noyabr kuni Xitoyning Uxan shahrida Covid-19 deb nom olgan virusdan kasallanish qayd etildi. Bu xabarni eshitgan dunyo aholisi o'ylab ham ko'rmagan edi bu vabo butun dunyoga qisqa vaqt ichida alanga olib tarqalishini va ko'pchilik insonlarni umriga zomin bo'lishini. Bu sinov o'zbek xalqini ham chetlab o'tmadi. 2019 yil mart oyida O'zbekiston Respublikasida ham bu virus qayd etildi va tez orada insonlar orasida kasallanish ko'rsatkichlari keskin ko'paya boshladi. Bu ko'zga ko'rinmas, lekin ayanchli bo'lgan virusni insoniyat hayotiga kirib kelishi bilan dunyo aholisi hayotida sinovli kunlar boshlandi. Prezidentimiz tashabbusi bilan hamma e'tibor covid-19 ni bartaraf qilishga qaratildi va Pandemiya zonalari tashkil etildi. Kasallangan hamyurtlarimizga millatidan, irqidan, dinidan, kelib chiqishidan qat'iy nazar inson huquqlarini eng yuqori o'ringa qo'yib, birinchi tibbiy yordam ko'rsatildi va pandemiya zonalariga yotqizildi. Bundan tashqari barcha tibbiy ko'riklar mutloqo bepul qilib qo'yilgani, zamonamiz qahramonlari bo'lgan shifokorlarga ham oyiligi saqlangan holda qo'shimcha oyliklar tayinlangani, shifokorlar o'z xoxshiga ko'ra karantin zonalarga kirib kasallangan hamyurtlarimizga yordam berishi insoniylik belgisidir.

Insoniyat boshiga tushgan qiyin davrda, Yevropa mamlakatlarida ko'pchilik xalqlar fursatdan unumli foydalanib, o'z boyliklarini ko'paytirish maqsadida yurgan bir vaqtda, bizning yurtimizda saxovatpesha insonlar qiynalib qolgan hamyurtlarimizga turli xil yo'llar bilan yordam qo'llarini cho'zishdi. Karantin zonalarga, kasalxonalariga, nochor oilalarga va shu kabi ehtiyojmand insonlarga oziq-ovqat, dori-darmon karvonlari joriy etildi. Shu yurtda yashayotgan insonlar millati, dini, irqi, kelib chiqishidan qat'iy nazar insoniylik huquqlarini eng yuqori o'ringa qo'yib, bir butun holatda harakat qilib, sinovli kunlarni ortda qoldirdi. Bu kasallikka qarshi ishlab chiqilgan vaktsinaning chet el mamlakatlaridan qimmatbaho narxlarda keltirilib, aholini bepul emlanishi ham insonparvarlikning belgisidir.

"Dard kelsa qo'sh-qo'llab keladi"— deganlaridek, pandemiya davrida, mamlakatimizda, bundan tashqari yana ko'plab sinovlarni mehmondo'st xalqimiz boshidan kechirdi. Buxoro viloyatini ayrim tumanlarida bo'lib o'tgan tabiat injiqliklari tufayli ko'plab xalqimizni uylari, tomlari, avtomobil va shu kabi narsalari kuchli shamol evaziga yaroqsiz holatga kelib qoldi. Bundan tashqari Sirdaryoni Sardoba tumanida joylashan Suv inshoatini ag'darilib ketishi va tinch aholini yashash manzillarini yaroqsiz holatga keltirib tashlashi ayanchli holat edi. Lekin o'zbek xalqi bu sinovli davrda to'xtab qolmadi. Bu muammolarni oliyjanob yurtboshimiz boshchiligida qisqa vaqt ichida bartaraf qilindi. Buxoroda talofat ko'rgan oilalarni uylari ta'mirlandi, zararlar imkon darajada qoplatildi. Sardobada bo'lib o'tgan holat ham juda tez bartaraf etildi. Suv zarar yetkazgan mahallalar o'rnini, zamonaviy ko'p qavatli uylar, bog'chalar, sport klublar, mahalla guzarlari, shifoxonalar, zamonaviy internet maktablari va shu kabi binolar egalladi. Mahallalarga yangi nomlar berildi. Bu kabi yuksak qurilish ishlarida oliyjanob xalqimiz ko'ngilli bo'lib, ishtirok etishi, bir butun bo'lib harakat qilishi, xalq boshiga tushgan muammolarni birgalikda ijobiy va qisqa vaqt ichida hal qilinishi o'zbek xalqlarining insoniylik

tuyg'ularini, huquqlarini eng yuqori cho'qqiga, birinchi o'ringa qo'yishidan dalolat beradi. Bu kabi o'zbek xalqini hamjihat, bag'rikengligi to'g'risida misollar juda ko'p, lekin yaqin yillarda bo'lib o'tgan insoniylikka xos voqealarni gapirib o'tdik xolos.

O'zbek xalqi shunday oliyjanob, bag'rikeng xalqi, biror bir mamlakat fuqarosiga, yoki boshqa din vakiliga past nazarda qaramaydi. Kelib chiqishidan qat'iy nazar, insoniylik tuyg'ularini yuqori o'ringa qo'yadi va inson zotiga hurmat ko'rsatadi. O'zbek xalqi azaldan Islom diniga e'tiqod qilib keladi. Islom dini insonlarni yaxshilikka, tozalikka, oliyjanob, mehmondo'st bo'lib yashashga chorlaydi. Bundan tashqari O'zbekistonda din erkinligi mavjud. Boshqa din vakillariga ham e'tiqod qilishlari uchun shart-sharoitlar yaratilgan. O'zbek xalqi hayotida, milliy qadriyatlarimiz ezgulik g'oyalariga asoslanib, yaxshilik, tinchlik, do'stlik kabi fazilatlarga tayanib hayot kechirishadi. Islom dinimiz odamlarni halollik, poklik, mehr-oqibat va bag'rikenglikka chorlaydi. Bundan tashqari, ota-onaga hurmat, vatanga sadoqat, qarindosh-urug'lariga mehribonlik ruhida tarbiyalaydi. Ayrim mamlakatlarda, boshqa din vakillarida bunaqa tuyg'ular kuzatilmaydi. Balog'atga yetgan farzand mustaqil o'z bilganicha yashaydi. Lekin bizni xalqimiz o'zi buva yoki buvi bo'lsa ham ota-onalarini hurmat qilishadi va ruxsati bilan maslahat qilib ish qilishadi.

Bag'rikenglik, insonparvarlik, millatlararo, dinlararo totuvlik, mehmondo'stlik tuyg'ulari gapirilganda birinchi bo'lib o'zbek xalqining bolajon xalqi ko'z oldimizda mujassam bo'ladi. Qo'shni mamlakatlarda sodir bo'layotgan turli xil ko'ngilsiz xunrezliklar davrida ham mamlakatimiz insonparvarlik ko'maklarini berib kelmoqda. Prezidentimiz boshchiligida qo'shni mamlakatlar bilan aloqalar, munosabatlar, chegaralarning ochilishi, quda-andachilik rishtalari va shu kabi insonparvarlik tuyg'ulari yo'lga qo'yildi. Xalqimizni azaldan qon-qoniga bu tuyg'ular singib ketgan va insoniylikni, diniy bag'rikenglikni saqlagan holda kelajak avlodni tarbiyalab kelmoqda.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR.

1. Sh. M. Mirziyoyev "Ekin va farovon demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz." "O'zbekiston" nashriyoti
2. Sh. M. Mirziyoyev Insonparvarlik, ezgulik va bunyodkorlik-milliy g'oyamizning poydevoridir. "Tasvir" nashriyot. Toshkent 2021 yil
3. Sh. M. Mirziyoyev "Yangi O'zbekistonda erkin va farovon yashaylik" 2021 yil
4. A.B. Narbekov. "Dinshunoslik" 2007 yil
5. Milliy istiqlol g'oyasi—Ziyo Net kutubxona.

JANUBIY MINTAQALARDA AVTOMOBIL YO'LLARINI TAMIRLASH

Boymatov O'. – o'qituvchi

Izzatullayev Sh.S. – talaba

Termiz muhandislik – texnologiya instituti

Annotatsiya: Ushbu maqolada avtomobil yo'llarini ta'mirlash va saqlash texnologiyalari ishlarining asosiy maqsadi va vazifalari masalasi ilmiy jihatdan tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: hisobiy yuk, belgilangan tezlik, yo'l inshootlari elementlari, texnik daraja, ekspluatation holati, ta'mirlash va saqlash texnologiyalari

Avtomobil yo'llari - hisobiy yuk va belgilangan tezlikda transport vositalarining uzluksiz, qulay va xavfsiz harakatlanishi uchun mo'ljallangan muhandislik inshootlari majmuasi hisoblanadi. Bu majmuaga yo'l poyi, yo'l to'shamasi, quvurlar, boshqa sun'iy inshootlar, yo'l jihozlari va himoya inshootlari, avtoservis, yo'l va avtotransport xizmati bino va inshootlari kiradi [9, 24, 25]. Yo'l va yo'l inshootlari elementlari va parametrlari holati ularning texnik darajasini va ekspluatation holatini aniqlaydi.

Avtomobil yo'llarining texnik darajasini va ekspluatation holatini talab darajasida bo'lishini ta'minlash uchun yo'llarni ta'mirlash va saqlash korxonalari tashkil etilgan. Avtomobil yo'llarini ta'mirlash va saqlash korxonalarining yakuniy maqsadi - transport va yuk hajmining o'sishiga muvofiq yo'llarning texnik darajasi va ekspluatation halatini qo'llab quvvatlash va doimiy

ravishda yaxshilash, natijada transport vositalarining samaradorligini oshirish, transport xarajatlarini kamaytirish hisoblanadi.

Yo'llarning texnik darajasini va ekspluatatsion holatini murakkab tabiiy-iqlim sharoitida oshirish, yo'llarning yuqori ish qobiliyatini ta'minlaydi. Buni faqat avtomobil yo'llarini ta'mirlash va saqlashda zamonaviy texnologiyalarni qo'llash va yo'llarni ekspluatatsiya qilishning nazariy asoslarini va amaliy ilg'or tajribalarni yaxshi bilish bilan amalga oshirish mumkin.

Avtomobil yo'llarini ta'mirlash va saqlash texnologiyalari fanining asosiy maqsadi quyidagilaridan iborat: talabalarni yo'l va yo'l inshootlarini samarali ta'mirlash va saqlash uslublari va zamonaviy texnologiyalari bilan tanishtirish, o'rgatish va ularni mavjud avtomobil yo'llari va yo'l inshootlarini talab qilingan texnik darajasini va ekspluatatsion holatini ta'minlash bo'yicha bilim va ko'nikmalarini shakllantirish, yo'llarni ta'mirlashlararo davrini va xizmat muddatini ta'minlash.

Avtomobil yo'llarini ta'mirlash va saqlash texnologiyalari fanining asosiy vazifalari quyidagilar hisoblanadi: avtomobil yo'llarini ta'mirlash va saqlash bo'yicha ishlarining amaliy ahamiyati, avtomobil yo'llarini ta'mirlash va saqlash bo'yicha ishlar tasnifi, yo'llarni ta'mirlashlararo muddatini va xizmat muddatini ta'minlash, avtomobil yo'llarini ta'mirlash va saqlash bo'yicha tadbirlar tizimi va ularni rejalashtirish, avtomobil yo'llarida ta'mirlash va saqlash texnologiyalarini rivojlanishi, avtomobil yo'llarini ta'mirlash va saqlashda zamonaviy mexanizastiyani qo'llash, murakkab sharoitda avtomobil yo'llarini ta'mirlash va saqlash ishlarini tashkil etish, avtomobil yo'llarini saqlash texnologiyalari, avtomobil yo'llarini qish davrida saqlash texnologiyalari, avtomobil yo'llarini ko'kalamzorlashtirish texnologiyalari, avtomobil yo'llarini joriy ta'mirlash texnologiyalari, avtomobil yo'llarini mukammal ta'mirlash texnologiyalari, avtomobil yo'llarini texnik hisobga olish va pasportlashtirish, avtomobil yo'llarini ta'mirlash va saqlash ishlarini tashkil etish va ishlarini qabul qilish, avtomobil yo'llarini ta'mirlash va saqlash ishlari bo'yicha mablag'lar sarfini hisoblash tamoyillari haqida talabalarning tushuncha va tassavurlarini shakllantirish [4, 26].

Avtomobil yo'llarini ta'mirlash va saqlash bo'yicha mavjud muammolar

Respublika avtomobil yo'llarining ko'pgina qismi emirilgan, ta'mirlash va qayta tiklashga zarurat bor. Ko'pgina avtomobil yo'llari harakat bilan yuklangan, yo'l holati nuqsonlari sabali yo'l-transport hodisalari ko'p sodir bo'ladigan joylar mavjud. Avtomobil yo'llarida ta'mirlash va saqlash ishlari hajmi talab darajasida emas. Adabiyotlarda keyingi yillarda "ta'mirlanmay qolgan yo'llar" atamasi paydo bo'ldi. Yo'llarni moliyalashtirish sharoiti o'zgardi. Oxirgi yillarda ta'mirlash ishlarini talab darajasida bajarilmayotganligi sababli avtomobil yo'llarida "ta'mirlanmay qolgan yo'llar" oshib bormoqda. Shuning uchun hozirgi vaqtda avtomobil yo'llarida qulay va xavfsiz harakat sharoitini ta'minlash uchun birinchi darajali vazifa "ta'mirlanmay qolgan yo'llar"ni bartaraf qilish va ta'mirlash va saqlashning samarali texnologiyalarini ishlab chiqish hisoblanadi.

Ko'pchilik ushbu avtomobil yo'llari tuzilmasi [27] talablari asosida «B» hisobiy guruh (o'qqa tushadigan yuk 60-70 kN) avtomobillariga loyihalanib qurilgan, lekin bugungi kunda ushbu yo'llarda harakat jadalligining o'sishi bilan oqim tarkibida «A» hisobiy guruh (o'qqa tushadigan yuk 100-110 kN) avtomobillarining harakati kuzatilishi, yo'l tuzilmasi ko'taruvchanligi pastligidan ko'plab buzilishlar sodir bo'lishiga olib kelmoqda.

Natijada mukammal ta'mirlashga bo'lgan talab muddatidan [5, 28] oldinroq yuzaga kelmoqda. Bugungi kunda respublikada ta'mirlash ishlarining o'z muddatida bajarilmasligi, qurilish materiallarining talabga javob bermasligi, zamonaviy texnologiyalarning etishmasligi, sohada malakali mutaxassislariga bo'lgan talabning yuqoriligi va yo'llarni saqlash ishlarining sifatsizligi kabi sabablar tufayli, "ta'mirlanmay qolgan yo'llar" ko'payib bormoqda va bu ko'rsatkich umumiy foydalanishdagi yo'l tarmog'ining 59% ni tashkil qiladi [29].

Hozirgi avtomobil yo'llarini ta'mirlash va saqlash ishlarini moliyalashtirish tizimi ushbu muammoni bartaraf qilishda talabga javob bermaydi. Chunki ajratilgan mablag'lar haqiqiy sarfxarajatlarga muvofiq kelmaydi. Avtomobil yo'llarini ta'mirlash va saqlash ishlarini moliyalashtirish amaliy ko'rsatkichini 1991 yilgiga nisbatan solishtirganda 29, 7% ga kamayganligini ko'rish mumkin [30].

Foydalanilgan adabitotlar:

1. Дороги, транспортные коммуникации <http://www.doroga.ru>.
2. Дорожное строительство <http://www.dorstroy.net>.
3. Автомобильные дороги <http://avtodor.ru>.
4. Пути, дороги <http://www.roadc.ru>.

YO‘L QURILISHIDA FOYDALANILADIGON MATERIALLARNING MUSTAHKAMLIGINI OSHIRISH

Boymatov O‘. – o‘qituvchi

Izzatullayev Sh.S. – talaba

Termiz muhandislik – texnologiya instituti

Annotatsiya: Yo‘l qurilishida foydalaniladigon materiallarning mustahkamligini oshirish uchun geosintetik materiallardan foydalanish.

Kalit so‘zlar: geosintetik, chidamli, geogrid, armiset, geonet, materiallar,

Yo‘l qurilishida geosintetik materiallar abadiy muzli hududlarda, cho‘llarda, torf botqoqlarida, botqoqlarda, boshqa qiyin geologik sharoitlarda, shuningdek texnogen tuproqlarda yo‘llarni yotqizishda foydalanish uchun majburiydir. Bir vaqtning o‘zida geosintetik materiallardan foydalanish transport vositalari uchun yo‘llarni qurish uchun maydonni tayyorlash xarajatlarini sezilarli darajada kamaytiradi, chunki juda ko‘p vaqt talab qiladigan va qimmat ishlarni bajarishning hojati yo‘q, masalan, er osti suvlarini tushirish, tekislash yoki mustahkamlash nishablari. Yo‘l qurilishida geosintetik materiallar. Yo‘l to‘shagini mustahkamlash uchun asosan geotekstil mashlari, geogridlar, shuningdek, to‘qilmagan geotekstil mato ishlatiladi, chunki ular mukammal ishlashga ega bo‘lgan juda bardoshli polimerlardan tayyorlanadi. Ushbu materiallar nuqta yukini idrok etish va uni sirtining eng keng maydoniga taqsimlashda bo‘linish va mustahkamlash funksiyalarini bajarishi mumkin. Ushbu qobiliyat sizga yo‘lning o‘zi yuzasida chuqurchalar, yoriqlar, chuqurlar va yoriqlar paydo bo‘lishini kamaytirishga imkon beradi. Bo‘limda yo‘lning qurilmasi ko‘p qatlamli "pirojnoe" bo‘lib, unda yo‘lning ishlash muddati har bir qatlamning barqarorligi va mustahkamligiga bog‘liq bo‘ladi. Ommaviy qatlamlar orasidagi qatlam sifatida foydalanish uchun geosintetikadan foydalanish yo‘lning asosini mustahkamlash va ishonchli yo‘l tuzilishini yaratish imkonini beradi. Shuningdek, tuproq va shag‘al qatlamlari orasiga geogrid yotqizilgan, bu maydalangan toshning yumshoq tuproqqa siqilishiga yo‘l qo‘ymaydi, shu bilan material sarfini kamaytiradi va poydevorning umumiy barqarorligini oshiradi, shu bilan birga maydalangan tosh fraktsiyalari xujayralarda o‘rnatiladi. geonet va yuklarga yaxshi chidamli kompozit qatlam hosil qiladi kompozit qatlam.



Geogrid To‘qilmagan geotekstil, siz hatto suv omborining qirg‘og‘ini mustahkamlashingiz mumkin, odatda qum va shag‘al orasiga yotqiziladi. Ushbu material qum zarralarini maydalangan toshning katta fraktsiyalari orasiga kirib borishiga yo‘l qo‘ymaydi, shuning uchun quyma materiallarning aralashishiga yo‘l qo‘ymaydi, bu ularning iste‘molini sezilarli darajada kamaytiradi va quyma qatlamlarning umumiy barqarorligini oshiradi, shu bilan birga ajratish va mustahkamlash

funktsiyalarini bajaradi. Geotekstil varaqdagi mikroskopik teshiklar ham drenaj va filtrlash xususiyatlarini beradi. Ular tufayli u tuproqning eng kichik zarralari bilan tiqilib qolmaydi, havo va namlikni erkin o'tkazadi. Dizayni bo'yicha geogrid - bu ma'lum qurilish ishlarini qurishda foydalanish maqsadiga qarab, turli xil quyma materiallar bilan to'ldirilgan hujayralar bilan uch o'lchamli tuvaldir. Bunday panjara yo'l to'shagiga qo'shimcha qat'iylik beradi va unga tushadigan yukning bir xil taqsimlanishiga yordam beradi. Qurilishdagi gesintetika transport xarajatlarini, materiallar, mashinalar va mexanizmlar uchun xarajatlarni, energiya xarajatlarini sezilarli darajada kamaytiradi, bu esa qurilish vaqtini sezilarli darajada qisqartirishga olib keladi. Geogrid Armiset-AS Geogrid Armiset-AS har bir rulon uchun 5, 4 metr standart kengligi bilan ta'minlanadi. Har bir rulo plastik plyonka bilan o'ralgan. Tranzit paytida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan shikastlanishlar uchun tekshirilishi kerak. Buzilgan yukni chetga surib qo'yish kerak. Mas'ul tomon Armiset-ASning yaxshi holatda olinganligini tasdiqlovchi dalolatnoma imzolashi kerak. Yukni tushirish uchun quyidagi qurilmalardan foydalanish mumkin: Tegishli po'lat tayanchli forklift (> 2/3 rulon uzunligi)

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Дороги, транспортные коммуникации <http://www.doroga.ru>.
2. Дорожное строительство <http://www.dorstroy.net>.
3. Автомобильные дороги <http://avtodor.ru>.
4. Пути, дороги <http://www.roadc.ru>.


OPTIMIZATSIYA MASALALARINI YECHISHDA MATHCAD DASTURIDAN FOYDALANISH (FAN VA TA'LIMNI RIVOJLANISHINING ZAMONAVIY TENDENTSIYALARI)

Sodiqxo'jayeva Sh. – o'qituvchi
Olimjonov D. – talaba
Farg'ona politexnika instituti


Amaliy masalalarni yechishda optimizatsiya masalasini information texnologiyalardan foydalanib hal qilish talabalarda amaliy masalalarni yechish uchun motivatsiya uyg'otadi. Oliy matematika fanida darslarda funktsiyani ekstremumga tekshirishda ko'p hisob ishlarini bajarishga majbur etadi. Agar bunday holatlarda Mathcad dastur tizimidan foydalansak, ancha qulayliklarga ega bo'lamiz. Ushbu masalani yechishni Mathcad dasturida ko'rib chiqaylik.

$$f(x) := \sqrt{8-x^2} - x^4$$

funktsiyani tekshirish



$$\frac{d}{dx} f(x) \rightarrow \frac{16-x-4x^3}{2\sqrt{8-x^2}-x^4}$$



Given

$$\frac{d}{dx} f(x) = 0$$

$$\text{Find}(x) \rightarrow (0 \ 2 \ -2)$$

$$A(x) := \frac{d^2}{dx^2} f(x) \rightarrow \frac{12x^2 - 16}{2\sqrt{8-x^2}-x^4} - \frac{(16-x-4x^3)^2}{4(8-x^2-x^4)^2}$$

$$A(2) = -4$$

$$A(-2) = -4$$

$x := 0$ hosila aniqlanmagan

$$D(x) := \frac{d}{dx} f(x) \rightarrow \frac{16x - 4x^3}{2\sqrt{8x^2 - x^4}}$$

$$D(0.1) = 2.823$$

$$D(-0.1) = -2.823$$

$$A(2) = -4 \quad \text{maximum} \quad f(2) = 4$$

$$A(-2) = -4 \quad \text{maximum} \quad f(-2) = 4$$


$$\text{minimum} \quad f(0) = 0$$

Misol.

Yer tomonidan Quyoshdan yiliga olinadigan energiya (fotovoltaiq yoki fotovoltaiq) butun insoniyatning yillik energiya iste'molidan taxminan 20 ming marta ko‘pdur (1-rasm).



1-rasm. Quyosh energiyasini Yer yuzidagi taqsimlanish xaritasi

Quyosh energiyasidan bor-yo‘g‘i 0, 0125% dan foydalanish bugungi kunning barcha global ehtiyojlarini, 0, 5% dan foydalanish esa kelajak ehtiyojlarini to‘liq qondirish imkonini beradi.

Hozirda polimerlardan foydalanib, chegara orbitallarining energiyalarida optimal farq bilan Quyosh spektriga mos keladigan yutilishga ega kompozitsiyani yaratish mumkin.

Xulosa qilib aytganda, Quyosh energiyasi va yarim o'tkazgichlarini o'rganish va amalga tatbiq etish bu murakkab kompleks masala bo'lib, uni mufassal o'rganish zarur bo'ladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

Н. Павлов. Солнечная энергия – энергия будущего. Электроника наука | технология | бизнес. Новые технологии. №1 (00123) 2013.

Инго Рабль, Ульрих Николаи. Электроника для солнечной энергетики и не только. Силовая электроника, № 3'2019.

3. **R. Ashurov.** O'zbekistonda quyosh energetikasini rivojlantirishdagi muammolar. <https://www.uzanalytics.com/iqtisodiet/8596/>

M. Sh. Usmonova. Quyosh energiyasidan foydalanishda elektronika elementlarning o'rni. International Conference on Developments in Education Hosted from Toronto, Canada <https://conferencezone.org> May 21 st 2022

YENGIL SANOAT SOHASIDAGI DOLZARB MUAMMOLAR VA YECHIMLAR

Mengliyeva M.T.

Termiz muhandislik-texnologiyalari instituti talabasi

Annotatsiya: Ushbu maqolada O'zbekiston Respublikasi Prezidentining mamlakatni rivojlantirish borasida ko'rsatib bergan yo'riqnomalar asosida Respublikamiz yengil sanoat mahsulotlari ishlab chiqarishni, iqtisodiyotini rivojlantirish, mahsulot sifati va raqobatbardoshligini oshirish uchun olib borilayotgan ilmiy izlanishlar natijalarini ommalashtirish, ishlab chiqarish va sanoat, muammolarini o'rganish va tahlil etishdan iboratdir.

Kalit so'zlar: Yengil sanoat, trikotaj, charm-galantereya, investitsiya.

Kirish qism

O'zbekiston Respublikasi Yengil sanoat ishlab chiqarish korxonalarida yangi texnika va texnologiyalar orqali tabiiy tola xom ashyosidan sifatli to'qima va noto'ima, trikotaj materiallar tayyorlash, jihozlarga texnik xizmat ko'rsatish va yigiruv-to'quv davomidagi ta'minoti uzluksizligini ta'minlash hamda zamonaviy texnika texnologiyalardan foydalanish va yo'qotishlarni kamaytirishga erishish, kafolatli, sifatli ishlab chiqarishning noan'anviy usullari samaradorligini oshirish muammolaridan iboratdir. Yengil sanoat — xilma-xil xom ashyodan keng iste'mol mahsulotlari va buyumlari ichki chizimga ixtisoslashgan sanoat tarmoqlari majmui. Asosiy qism: Yengil sanoatda xom ashyoga ham dastlabki ishlov berish, ham tayyor mahsulot ichki chizimda amalga oshiriladi. Yengil sanoatda paxta, ipak, zigir, kanop, jut tolalari, hayvonlar terisi, juni, sun'iy tolalar, sun'iy charm xom ashyo sifatida foydalaniladi. Uning asosiy tarmoqlari to'qimachilik, tikuvchilik, ko'nehilik, mo'ynado'zlik, poyabzal sanoatlari hisoblanadi. Yengil sanoat maqsadlari, shuningdek, mebelsozlik, aviatsiya, avtomobil, oziq-ovqat va boshqalar sanoat tarmoqlarida, qishloq xo'jaligi, transport, sog'liqni saqlash va boshqalar sohalarda ishlatiladi.

Hozir O'zbekiston hududida 19-asrning oxiriga qadar xo'jalik taraqqiyoti xonaki, kosibchilik, hunarmandchilik ishlab chiqarishidan iborat edi. Sanoat usulida ishlab chiqarilgan kiyim-kechak, poyabzal, trikotaj mahsulotlari, gazmollar asosan Rossiyaning markaziy shaharlaridan olib kelingan, chetga, asosan Rossiyaga paxta tolasi, xom ipak, teri va boshqa xom ashyo turlari chiqarilgan.

O'zbekistonda Yengil sanoat mahsulotlarini sanoat asosida ichki chizimga 19-asrning oxirida, 1874-yilda Toshkent shahrida paxta tozalash zavodi qurilishi bilan asos solingan. 20-asr boshlarida Yengil sanoat sohasi asosan paxtani qayta ishlash korxonalaridan iborat bo'lib, yalpi sanoat mahsulotining qariyb 4/5 qismi shu sohaga to'g'ri kelgan. 1920-yillardan paxta tozalash zavodlari, pillakashlik, yigiruv-to'quv, tikuvchilik, charm-galantereya, poyabzal fabrikalari qurila boshladi, respublikaning o'zida yetishtirilgan xom ashyodan tayyor mahsulot ichki chizim maqsadlarida mayda tarqoq hunarmandlarni birlash-tirib, sanoat asosi yaratildi. 1926-yilda Toshkentda "Qizil

tong" tikuvchilik fabrikasi, 1927-yilda Toshkent poyabzal fabrikasi, 1928-yilda Toshkent ko'n zavodi, 1926-yilda Farg'ona tikuvchilik fabrikasining birinchi navbati (10000 urchuq va 300 to'quv dastgohi) ishga tushirildi. Farg'ona (1927), Samarqand (1927), Buxoro va Marg'ilon (1928) pillakashlik fabrikalari, Samarqand shoyi to'qish fabrikasi (1930) ishga tushirilishi bilan O'zbekistonda ipakchilik sanoati poydevori yaratildi. 1937-yilda to'qimachilik sanoati gigantlaridan biri — Toshkent to'qimachilik kombinati ishlay boshladi. Ikkinchi jahon urushigacha bo'lgan davrda trikotaj sanoati tarmog'ida Qo'qon ip yigiruv-paypoq to'quv kombinati, Farg'ona va Toshkentda trikotaj buyumlari fabrikalari ishga tushirildi. Urushdan keyingi yillarda Yengil sanoat tarmoqlari yanada rivojlandi, bu sanoatning texnika bazasi takomillashtirildi.

60-yillarda respublikada trikotaj ichki chizimi ancha taraqqiyotga erishdi, Toshkent "Malika" trikotaj ichki chizim birlashmasi, Andijonda ichki trikotaj buyumlari fabrikasi qurildi. 70—80-yillarda Xivada gilam kombinati, Buxoro to'qimachilik kombinatining 1-navbati, Andijon to'qimachilik kombinati, viloyatlarning kichik shaharlari va tuman markazlarida nisbatan kichik quvvatli yigiruv, to'quv, yigiruv-to'quv fabrikalari ishga tushirildi. Respublikada Yengil sanoatning eng yangi sohasi bo'lgan chinni va fayans buyumlari Toshkent (1952), Samarqand (1970), Kuvasoy (1978) chinni zavodlari, Angren keramika kombinati (1967)da ishlab chiqariladi.

O'zbekistonning mustaqillikka erishishi bilan Yengil sanoat tarmoqlari yangi sifat bosqichiga ko'tarildi. Respublika hukumati qaroriga ko'ra tarmoqdagi deyarli hamma korxonalar davlat tasarrufidan chiqarish dasturiga ko'ra ochiq turdagi aksiyadorlik jamiyatlariga va mulkchilikning boshqa shakllariga aylantirildi. 1991-yilda respublika Yengil sanoati vazirligi tugatilib, uning negizida majmuada davlat boshqaruvini amalga oshiradigan, Yengil sanoat mahsulotlari ishlab chiqaradigan davlat uyushmasi — "O'zbekengilsanoat", 1998-yil 30 martda pillachilik va ipakchilik tar-moklariga rahbarlikni amalga oshiradigan "O'zbek ipagi" uyushmasi tashkil qilindi (qarang Ipakchilik sanoati). 2000-yil 4 martda ko'n-poyabzal sanoati korxonalari "O'zbekcharm-poyabzal" uyushmasiga birlashdi.

1991—2000-yillarda tarmoq bo'yicha 22 loyiha amalga oshirildi, jumladan Koreya Respublikasining "Kabul Tekstaylz" firmasi ishtirokida Toshkent va To'ytepa shaharlarida joylashgan "Kabul-O'zbek Ko" (quvvati yiliga 47, 0 ming t yigirilgan paxta ip va 24 mln. m gazlama), Farg'ona to'qimachilik kombinatini qayta jihozlash asosida "Kabul Farg'ona K°" (loyiha qiymati 110 mln. AQSH dollari) qo'shma korxonalari ishga tushirildi. Namanganda Turkiyaning "Aston" firmasi bilan hamkorlikda "Asnam tekstil" (quvvati yiliga 30, 2 ming t yigirilgan ip), "Timas" va "TIMI" firmalari bilan "Kosonsoy-Tekmen" (yillik quvvati 4, 2 mln. m jun va movut gazlamalar) qo'shma korxonalari, Qarshida "Pashtete", Gurlanda "Gurlanteks", Andijonda "Anteks" to'qimachilik majmualari va b. qurildi va ishga tushirildi (ularning yillik quvvati 18, 0 mln. dona tikuvchilik va trikotaj buyumlari). "Farg'onapoyabzal" aksiyadorlik jamiyati bilan Germaniyaning "Salamander" firmasi ishtirokida "O'zsalamon" qo'shma korxonasi ishga tushirildi (1995, yillik loyiha quvvati 500 ming juft poyabzal).

Hozirgi davrda O'zbekiston Yengil sanoati ko'p tarmoqli industrial majmua bo'lib, uning tarkibida paxta tozalash zavodlari, to'qimachilik, trikotaj, pillakashlik, shoyi to'qish, tikuvchilik, ko'n-poyabzal, gilamchilik, chinni-fayans buyumlari va attorlik mollari ichki chizim sohaslarida 150 ga yaqin korxonalar bor. Shulardan 14 tasi 1994—2000-yillarda chet'el kapitali ishtirokida tashkil qilingan qo'shma korxonalaridir [(bu korxonalar tarmoqda ishlab chiqarilgan umumiy mahsulot hajmining 20, 6% ni, eksportga chiqarilgan mahsulot hajmining 88, 1% ni beradi (2000)]. Respublika sanoat mahsuloti umumiy hajmida Yengil sanoat hissi eng katta salmoqqa ega va 2000-yilda 20, 1% ni tashkil qildi (1995-yilda 19%).

Mustaqillik yillarida yengil sanoat mamlakatimiz makroiqtisodiy kompleksida mustahkam o'rin egalladi.

Chet el investitsiyalari va zamonaviy texnologiyalarni keng jalb etish, ishlab chiqarishni modernizatsiya qilish, texnik va texnologik yangilash, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish bo'yicha amalga oshirilayotgan samarali loyihalar ishlab chiqarish sohasida yuqori ko'rsatkichlarga erishishni ta'minlayotir.

Mustaqillik yillarida tarmoqqa 2, 5 milliard dollardan ortiq sarmoya jalb etilib, 200 dan ziyod yirik investitsiya loyihasi hayotga tatbiq etildi. “O‘zbekengilsanoat” aksiyadorlik jamiyati korxonalarini tomonidan qiymati 31 trillion so‘mlikdan ziyod sanoat mahsulotlari, 13 trillion so‘mlikdan ortiq xalq iste‘moli tovarlari ishlab chiqarildi. Korxonalarda paxta kalava va gazlama, to‘qimachilik matolari, tikuvchilik va paypoq buyumlari, ip kalava, tayyor kiyimlar bilan birga tibbiyot uchun mo‘ljallangan mahsulotlar va maxsus kiyimlar ham ishlab chiqarilmoqda.

“O‘zbekengilsanoat” aksiyadorlik jamiyatida joriy yilning 9 oyida sanoat mahsulotlari ishlab chiqarish hajmi 18, 5 foiz, xalq iste‘moli tovarlari ishlab chiqarish 23 foizga o‘tdi.

Bugungi kunda jamiyat tarkibiga zamonaviy texnika bilan ta‘minlangan 380 dan ortiq to‘qimachilik, tikuvchilik va trikotaj, shuningdek, shoyi mahsulotlari ishlab chiqaradigan korxonalar kiradi. Ularning qariyb 360 tasi kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektidir.

Ushbu korxonalar ip kalavadan tortib tayyor buyumgacha bo‘lgan keng turdagi mahsulotlarni ichki va tashqi bozorga yetkazib bermoqda. Zamonaviy dizayn va yuqori sifat ishlab chiqarilayotgan mahsulotlar raqobatbardoshligini ta‘minlab, ularning xalqaro bozorda munosib o‘rin egallashi uchun imkoniyat bermoqda.

– Rivojlanishning asosiy omillaridan biri ishlab chiqariladigan mahsulotning jahon bozoriga eksport qilinishidir, deydi “O‘zbekengilsanoat” aksiyadorlik jamiyati boshqarma boshlig‘i o‘rinbosari Avaz Muhiddinov. – Ayni paytda jamiyat korxonalarini o‘z mahsulotlarini dunyoning 60 dan ziyod mamlakatiga eksport qilmoqda.

“O‘zbekengilsanoat” aksiyadorlik jamiyati ma‘lumotlariga ko‘ra, shu yilning o‘tgan uch choragida sanoat mahsulotlari ishlab chiqarish hajmi 2, 7 trillion so‘mdan ortgan, xalq iste‘moli tovarlari ishlab chiqarish esa 1, 2 trillion so‘mni tashkil qilgan. Ayni paytda ip va gazlama, trikotaj mato va undan tayyorlangan buyumlar, noto‘qima materiallar, xom ipak kabi asosiy turdagi mahsulotlar ishlab chiqarish hajmi o‘tdi.

Bugungi kunda ishlab chiqarishni modernizatsiyalash, texnik va texnologik yangilash, mamlakatimizda ishlab chiqarilgan mahsulotlarni xalqaro bozorlarga chiqarish, innovatsion loyihalarni amalga oshirish uchun xalqaro hamkorlikni mustahkamlash va xorijiy sheriklarni jalb etish “O‘zbekengilsanoat” aksiyadorlik jamiyatining muhim vazifalaridan biridir. Bularning barchasi mamlakatimiz yengil sanoatini sifat jihatidan yangi darajaga ko‘tarish imkonini beradi.

Xulosa : Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki, mamlakatimizda bu sohani yanada rivojlantirish maqsadida sifat o‘zgarishlarini ta‘minlashga qaratilgan islohotlar olib borilmoqda. Jumladan, to‘xtab qolgan eski ip-yigiruv kombinatlari o‘rniga zamonaviy texnologiyalar bilan jihozlangan xorijiy va qo‘shma korxonalar tashkil etilmoqda. Ko‘plab tarmoq korxonalarini modernizatsiya qilindi, ularda jahon andozalari darajasidagi raqobatbardosh mahsulotlar ishlab chiqarilishi yo‘lga qo‘yildi. Tarmoqda faoliyat ko‘rsatayotgan korxonalarini qo‘llab-quvvatlash maqsadida berilgan imtiyoz va preferensiyalar ularning tashqi bozorda mustahkam o‘rin egallashiga imkon yaratmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar:

Мартин Г. , Хетрик С. “Корпоративные репутации, брендинг и управление персоналом”. Учебник. М. : Группа ИДТ, 2013. – С. 333

Сабиржанова Д. , Туляганова Ш. Совершенствование корпоративного управления// Рынок, деньги и кредит. -2011. -№3. -С. 62-64

Nishanova L. N. , Umarova M. N. , Usmonov A. A. , “Yengil sanoat korxonalarini qayta jihozlash, rekonstruksiyalashda potok usulidan 332 foydalanish yo‘llari”. “To‘qimachilik muammolari” ilmiy - texnik jurnali. ISSN 2010 - 62 - 62.

Сфера услуг: экономика, менеджмент, Практикум: учебное пособие / М. : КРОНУС, 2013.

Райченко А. В. Общий менеджмент. - М. : ИНФРА-М, 2013.

Content management system. Wikipedia, the free encyclopedia. 2005.

НОВЫЙ ВИД ТКАНЕЙ ИЗ НАТУРАЛЬНОГО ШЕЛКА И ИХ ПРОИЗВОДСТВО

Абдумажидов Ж.Д. – студент

Ниязалиева М.М. – старший преподаватель

Ферганский политехнический институт

Аннотация. В данной статье представлены результаты исследования создания конкурентоспособной продукции высшего качества из местного сырья, новых конструкций на основе современных технологий их производства, а также увеличения объемов производства. Совмещая свойства нитей и новую структуру ткани, был разработан технический расчет ткани и выбрана производственно-технологическая система производства ткани с новым эффектом переплетения. Также изучены технологические параметры производства шелковых, креповых тканей с эффектом новой переплетения, результаты которых внедрены в производственных условиях Tang Group.

Annotation. This article presents the results of the study of the creation of competitive top-quality products from local raw materials, new structures based on modern technologies of their production, as well as increase in production. Combining the properties of the threads and the new structure of the tissue, the technical calculation of the tissue was developed and the production and technological system of fabric production with a new fastener effect was selected. The technological parameters of the production of silk, swimming fabrics with a new fastener effect are also studied, the results of which are introduced under production conditions Tang Group.

Ключевые слова: Креп газлама, хом-ипак, эшилган ипак, буғлаш, қайта ўраш, тандалаш, тўқув дастгоҳи, тўқима, пардозлаш, тайёр газлама.

Key words: Silk-raw, twisted silk, float, rewinding, hassle, weaving machine, fabric, finishing, ready-made cream fabric.

Введение. Согласно Постановления Президента Республики Узбекистан от 20. 08. 2018 г. № ПП-3910 «О мерах по дальнейшему эффективному использованию имеющихся возможностей шелковой отрасли в Республике», восстановление и обновление инновационных идей, научные работы, современные технологии и научные достижения. В целях дальнейшего усиления работы экспорта, зарубежного развития отрасли в широких масштабах на производственные и опытные предприятия «Узбекипаксаноат» возложена задача по переработке коконов и организации производства сырья шелка-сырца, шелковой пряжи и шелковых тканей из нее [1].

Сегодня во всем мире растет спрос на натуральный шелк. Выращивание коконов на мировом рынке считается управлением китайского государства из-за сокращения населения и земель, пригодных для коконо производства, с 2008 года для производства шелка, занимая 2-е место, Индия производит 8000 тонн шелка-сырца в год, а спрос на шелк на ее внутреннем рынке составляет 35000 тонн [2]. Доля Узбекистана в мировом производстве шелковых изделий составляет всего 5 %, и, таким образом, Узбекистан в состоянии занять место в мире в этой области (опередив Китай и Индию) [4].

Натуральный шелк с линейной плотностью 3, 23 текс и 2, 33 текс по основе и утку был использован для производства вновь разработанных сорочевых креповых тканей. ООО «Золотой шелк» в городе Наманган производил этот шелк из коконов, выращенных из семян заграничных стран. Для ткани сеток использовали вареные шелка линейной плотностью 3, 23x3 текс и 2, 33 текс, крученые в направлении Z, с числом круток 200 крут/м. Что касается крученной нити, линейная плотность 3, 23x3 текс и 2, 33 текс, уток двойной, направление Z wa S, крутка 2200 крут/м, шелка креп-обоженные не используются. Подготовка сырья для ткани из натурального шелка, совершенствование технологий в производственных процессах, совершенствование производства для улучшения подготовки. Качественные результаты, достигаемые на каждом этапе подготовки полуфабриката сырья к закладке, приведут к повышению качества готового продукта. Качественное сырье значительно

сокращает перерывы в ткацком процессе и приводит к повышению производительности труда и повышению качества ткани.

В новой пряже г-креп состояние нитей выполнено не из отдельных нитей, как нити, а в пучковой пастообразной пряже (200÷600 крут/м) и с использованием различных способов соединения нитей между собой. [5, патент 01410]. Обновляя нити и ее, креповые ткани обеспечит нам новую структуру жакета типа креп, обновляя технический учет марли, подбирая и улучшая уровень обновления можно возродиться. Технология газовой системы развивалась с тех пор, как она была разработана, и технология газовой системы развивалась.

Технологическая система для производства нового блинчатого газа с рубашкой

Ткачество можно начинать сразу после того, как уточные нити уложены на ткацкий станок и уточные нити обернуты вокруг ткацких трубок. Ткачество ткани осуществлялось на станках путем переплетения основных и уточных нитей заданной плотности и в порядке, указанном на схеме ткачества. После того как на станке была соткана марля-сырец заданной длины, рулон марли-сырца отрезали от станка. Рулоны сырой марли со станка направлялись в сортировочное отделение для сортировки и измерения. Здесь сырой газ упаковывается и взвешивается, затем газовые пакеты упаковываются, укладываются в группы и доставляются на склад суровой газовой ткани.

В Обществе с ограниченной ответственностью «ТАНГ ГРУП» внедрены в производство новые виды шелковой марли рубашечной креп-полированной и технологии их производства.

Используемая литература:

1 Мирзиёев, Ш. М. “Республикада пиллачилик тармоғидаги мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12-августдаги ПҚ-3910 сонли Қарори [Текст] / Ш. М. Мирзиёев // «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2020й, 12-август № 1778сон».

2. [https://www. finversia. ru/publication/na-mirovom-rynke-shelka](https://www.finversia.ru/publication/na-mirovom-rynke-shelka)

[4].

5, патент 01410

TILSHUNOSLIKDA LEKSIK-SEMANTIK IFODAVIY BELGILI SO‘ZLAR

Boymurodova F.E.– magistrant

Termiz davlat universiteti

Annotatsiya. Maqolada ingliz tiliga tarjima muammolari tadqiqida tilshunoslikda taom nomlari, etimologiyasi va leksik-semantik ifodaviy belgili so‘zlarning xususiyatlarini o‘rganish borasida so‘z yuritiladi.

Kalit so‘zlar. Ingliz tili, tarjima muammolari, tilshunoslik, taom nomlari, etimologiy, leksika, semantika.

XX asrda o‘zbek oshxonasida sezilarli o‘zgarishlarga duch kelindi. O‘zbek madaniyatida pazandalikka va ayniqsa, bayramona oshpazlikka katta ahamiyat berildi. O‘zbeklarning "milliy ishtiyoqi", bu xalqning milliy gastronomik san'ati, globallashuvning so‘nggi o‘n yilliklarida gastronomik brendga aylangan palov keng tarqalib, xalqning "tashrif kartasi", hurmatli an'ana va madaniyatining ajralmas qismiga aylandi. “YUNESKO” ning 2016-yilning 28-noyabridan 2-dekabrigacha Addis-Ababa (Efiopiya) shahrida bo‘lib o‘tgan navbatdagi majlisida o‘zbek milliy taomi hisoblangan palov “YUNESKO” ning nomoddiy madaniy meroslar ro‘yxatiga kiritildi²⁴. Toshkentda bo‘lib o‘tgan an'anaviy madaniyat festivalida rekord darajadagi osh tayyorlandi. 50 dan

²⁴ Палов “ЮНЕСКО”нинг номоддий маданий мерослар рўйхатига киритилди / <http://www.uzdaily.uz/>

ziyod oshpaz diametri 4, 2 metr bo'lgan qozonda besh soat ichida 7 ming 360 kilogrammik palov tayyorlandi²⁵.

Surxon vohasida ham dunyoda eng katta palov tayyorlash bo'yicha rekord o'rnatildi. Denov tumanida 2018 yil 14 yanvar kuni qariyb 9 tonna vaznga ega palov tayyorlandi. Palov - mamlakat madaniyatining o'ziga xos ramziga aylandi. Har yili 20-oktyabrda "Xalqaro oshpazlar kuni" ning nishonlanib borishi haqiqiy mahorat egalari oshpazlar uchun berilgan katta e'tirof bo'ldi²⁶.

Palov so'zining etimologiyasi haqida to'xtaladigan bo'lsak, bu so'z sanskritcha bo'lib, boshqa guruchli taomlar singari Hindistonning gastronomiya an'alariga borib taqalishi haqida ma'lumotlar borligini aytib o'tish mumkin²⁷. Guruch Sharqiy Osiyoda xonakilashtirilgan ekin hisoblanib, guruchdan *biryani*, *pulau*, *mandi*, *kabsa* va boshqa bir-biriga o'xshash taomlar tayyorlangan hamda G'arb tomon tarqalib, turli variatsiyalarda qayta ishlangan va turli shaklda madaniyatlarga kirib qolgan. Guruchli taomlar dastavval Xitoy va Hindiston, keyinchalik ularning orasidagi Hindi-Xitoyda tarqalgan bo'lib, O'rta Osiyo, Eron, Yaqin Sharq va Old Osiyoga yoyilishi arab xalifaligi bilan bog'liq. Oldin ham oldi-sotdi bo'lib, guruch bu o'lkalarga tanish bo'lgan. Lekin musulmon imperiyasining rivojlanishi global savdo-sotiqni keltirib chiqardi. Guruchli taomlarning ko'pchiligi forscha "palav" deb atalardi. O'z navbatida, bu so'z fors tiliga hindchadan kirib kelib — *palāu*, sanskritcha *pulāka* — "guruch" so'ziga borib taqaladi²⁸. "Palov" so'zi adabiy tilga qabul qilingan bo'lsa ham, so'zlashuvda uning o'rniga asosan "osh" so'zi ishlatiladi. "Osh" so'zi, bilamizki, dastlab, umuman "taom" ma'nosini anglatgan (hozir ham ba'zi o'rinlarda anglatadi), keyinchalik uning ma'nosi torayib, "palov"ni anglatadigan bo'lgan (bu ham palov qay darajada keng tarqalgan ovqat bo'lganini ko'rsatadi).

Osh – V-X asrlarga oid qadimgi turkiy qo'lyozmalarda ham uchraydi²⁹. Masalan, *osh* - qadimdan fors-tojik tilidan o'zlashib, turkiy xalqlarning o'z so'ziga aylanib ketgan³⁰. Mahmud Qoshg'ariy lug'atida *a:sh* – ovqat, taom, osh³¹, "Attuhfazuz zakiyatu fillug'atit turkiya" da *ash* – taom³², Muhammad Yoqub Chingiyning "Kelurnoma"sida *ash* - mashhur taom deb beriladi³³.

O'zbek tilida osh asosan, ikki xil: *issiq ovqat* va *palov* ma'nolarini anglatadi. Voha aholisi so'zlashuvda esa *osh yedik*, *oshga bordik*, *falonchini oshi edi*, *osh berdi* tarzida qo'llaniladi. Osh o'zagidan boshqa so'zlar ham kelib chiqqan: Ashich – qozon. Ashchi – oshpaz. Osh so'zi qilmoq, pishirmoq fe'llari bilan ma'nosini kengaytiradi. Masalan: tilshunoslar *palov tayyorlamoq*, *ovqat pishirmoq*, *palov* so'zi XV asrlardan fors-tojik tilidan kirib kelgan bo'lsa kerak, deb taxmin qilishadi³⁴.

Vaqt o'tishi bilan osh so'zidan yana boshqa cho'pon oshi, arvoq oshi, tugun oshi, chilton oshi, podachi oshi, xotin oshi, qiz oshi, erkak oshi, xudoyi oshi, yo'l oshi; go'ja osh, to'ppa osh, palov osh, ugra osh, oq osh; qora osh, kesma osh, uzma osh; oshpichoq, oshtaxta, oshxamir, oshqovoq, oshqozon, oshdamgir ma'nolari ham aholi orasida tarqalib ketgan hamda bugungi kungacha o'z ahamiyatini yo'qotmagan.

Surxon vohasida palov so'zining o'zidan bir necha semantik ifodaviy belgili so'zlar kelib chiqadi: *kartoshka palov*, *makaron palov*, *non palov* va boshq. Bu taomlarning hammasi bir xil uslubda aholi orasida ishlatiladi, tayyorlanadi (damlanadi) va tanovul qilinadi. *Kuyov palov*, *mehmon palov* tarzida ham kelishi palov so'zi kengayib, yuqoridagi taom nomlarining kelib chiqqanligini ko'rsatadi.

O'zbekistonda palovning 200 dan ortiq turi tayyorlansa, vohada *kovatok palov*, *mayizli palov*, *kartoshkali palov*, *behili palov*, *sholg'omli palov*, *tovuq go'shtli palov*, *qo'y go'shtli palov*, *mol*

²⁵ Тошкент, 18 май. /"Дунё" АА/.

²⁶ https://t.me/gastrotourism_uz

²⁷ Этимология / <https://t.me/AsanovEldar>

²⁸ Этимология / <https://t.me/AsanovEldar>

²⁹ Икрамова Н. Узбекская кулинарная лексика. – Т. : Фан, 1989. – С. 11.

³⁰ Ош – форс-тожикча сўз деб берилди. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. . . –III жилд. – Б. 168.

³¹ Қошғарий М. Девону луғотит турк. . . Т. 1. – Б. 109.

³² Аттухфауз закияту филлуғатит туркия. . . – Б. 173.

³³ Чингий М. Ё. Келурнома. . . – Б. 111.

³⁴ Икрамова Н. Узбекская кулинарная лексика. . . – С. 14.

go'shtli palov kabi turlari turlari tayyorlanadi. Iyun oyida uzumning yangi chiqqan barglariga *go'sht* bilan piyozning qiymasi solinib, do'lma tayyorlanadi. Bu taom Surxon vohasi tojiklarida *oshi kavobitokidor*, mayizli palov *oshi kishmich* deb atalgan³⁵.

Buyuk ipak yo'lining savdo-sotiq bo'yicha asosiy chorrahalaridan birida joylashgan o'lkaga bir qancha davlatlar madaniyatining kirib kelishi o'zbek oshxonasining rivojlanishiga turtki bo'lgan. Taom tayyorlash va ovqatlanish madaniyati har bir xalqning asosiy an'alaridan biri hisoblanadi va asrlar davomida shakllanib hamda takomillashib boradi. Pazandalik xalqning milliy an'alarini o'zida ifoda qiladi. Shuning uchun bo'lsa kerak, masalan, palov o'zbek yoki tojik xalqi uchun dunyoda eng mazali taom hisoblanadi va hech qachon, misol uchun, frantsuzlarning hatto, eng sevimli taomlarining birortasiga ham almashtirilmaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

Qoshg'ariy M. Devonu lug'otit turk. Tarjimon: S. Mutallibov. 3 tomlik. – T. : O'zFA, 1960. T. 1. – 499 b. ; – T. : O'zFA, 1961. T. II. – 427 b. ; – T. : O'zFA, 1963. T. III. – 463 b.

Navoiy asarlari lug'ati. – T. : G'. G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashriyoti, 1972. – 784 b.

Odilova G. Glyuttonik diskurs asoslari. - Toshkent. "Mumtoz so'z", 2020. – 312 b.

Ikramova N. Uzbekskaya kulinarnaya leksika. – T. : Fan, 1989. – 70 str.

Xudayarova M. T. O'zbek tilidagi taom nomlarining lingvistik tahlili (Qoraqalpog'iston hududi materiallari asosida). Nom. diss. qo'lyozmasi. - Toshkent. 2009. – 135 b.

Muxammadiyeva X. N. Professionalnaya i bitovaya leksika kulinarnogo isskustva v tadjikkom yazike. Avtoref. diss. . . . kand. filol. nauk. – Dushanbe, 1979.

Fayzullayeva M. X. O'zbek taomlari bilan bog'liq an'alar. – T. : Yangi nashr, 2010. – 160 b.

ХУДОЖЕСТВЕННЫЙ ОБРАЗ ГОРОДА В ЦИКЛЕ «ПЕТЕРБУРГСКИХ ПОВЕСТЕЙ» НИКОЛАЯ ВАСИЛЬЕВИЧА ГОГОЛЯ

Нарзуллаева Х. – вагистр второго курса факультета русского языка и литературы

Пардаева З.Дж. – научный руководитель проф. кафедры русской литературы и методики ее преподавания

Аннотация: Данная статья посвящена рассмотрению художественного пространства Петербурга в «Петербургских повестях» Николая Васильевича Гоголя через призму целостной картины общества.

Ключевые слова: «Петербургские повести», маленький человек, творчество, художественный образ.

Annotation: This article is devoted to the consideration of the artistic space of St. Petersburg in the "Petersburg Stories" by Nikolai Vasilyevich Gogol through the prism of a holistic picture of society.

Keywords: "Petersburg stories", little man, creativity, artistic image.

Annotatsiya: ushbu maqola Nikolay Vasilevich Gogolning "Peterbug hikoyalari" da Sankt-Peterburgning badiiy makonini jamiyatning yaxlit tasviri prizmasi orqali ko'rib chiqishga bag'ishlangan.

Kalit so'zlar: "Peterburg ertaklari", kichkina odam, ijodkorlik, badiiy obraz.

Город в каком-либо произведении - не просто внешняя среда обитания и место действия героев и персонажей, это целая социальная атмосфера. И у разных поэтов и писателей образ одного и того же города может быть представлен совершенно противоречиво. В данной статье рассматривается художественный образ города в «Петербургских новостях» великого русского художника слова Николая Васильевича Гоголя.

³⁵ Ершов Н. Н. , Кисляков Н. А. , Пещерева Е. М. , Русаякина С. П. Пища // Культура и быт таджикского колхозного крестьянства. – М. -Л. , 1954. – С. 159.

Повести писателя "Портрет", "Невский проспект", "Записки сумасшедшего", "Нос", "Шинель" - произведения, которые принято называть петербургскими. Несмотря на то, что сам автор никогда их не объединял эти произведения в единый цикл.

Петербургские повести - термин условный, сам писатель не обозначил их таким названием и объединил в "Арабесках" вместе с "Коляской" и "Римом". Тем не менее это название верно и точно: оно оправдано во-первых тем, что через повести проходит образ Петербурга, являющегося героем цикла, во - вторых, тем, что почти все повести задуманы и написаны в Петербурге. Николай Васильевич Гоголь запечатлел в своих произведениях образ Петербурга, увидев в нём не столько город роскоши и великолепия, сколько город резких социальных контрастов. Писатель горько задумался над судьбой "маленьких" людей, жителей чердаков, подвалов и рассказал о них. Жизнь и быт бедных лавочников, ремесленников, чиновников хорошо были ему знакомы. Наблюдения над их жизнью и послужили писателю материалом для петербургских повестей.

Петербургские повести - это прежде всего изображение жизни рядовых людей огромного города, судьба "маленького человека", его тяжелая жизнь в условиях помещичье-бюрократического государства. Образ Петербурга Н. В. Гоголя не может быть понят, рассмотренный изолированно. Только в связи с общим фоном его России можно осмыслить этот образ.

Санкт-Петербург, основанный в восемнадцатом веке и закрепивший за собой некогда данное ему наименование "окна в Европу", для Николая Васильевича Гоголя оказался окном в Россию. Выходец из провинции, где жизнь еще сохраняла непосредственную связь с патриархальным укладом, с простодушным "детством" человечества, он впервые заглянул здесь в бездну противоречий, созданных прогрессом и угрожающих гибелью современному миру. Писатель не воспринял увиденное в Петербурге как некую частичную истину, действительную лишь для определенного круга явлений. Все, что он открыл и нашел, работая над петербургской темой, было использовано для художественного постижения всех остальных сфер русской жизни. Можно сказать, что метод петербургских повестей проложил пути, ведущие к постижению ее целостности, ее скрытой сущности. Писатель одним из первых увидел в "петербургском периоде" - не просто испытание, но кризис, потрясающий самые основы национального бытия, чреватый возможностью катастрофы. Но тот же писатель уловил в близости грозного катаклизма возрождающую и преобразующую силу. С годами он все больше укреплялся в мысли о том, что именно катастрофические потрясения приведут Россию к обновлению, спасительному, быть может, для всего обреченного на погибель европейского мира. Писатель разделял Петербург на богатых и бедных, считал Петербург городом социальных контрастов. Остриё своей сатиры писатель направлял не на отдельные недостатки, а на всю систему общественных отношений, на обличие страшных противоречий Петербурга, где процветают те, у кого больше денег, у кого выше положение или звание, т. е. чиновничество и сребролюбие. В Петербурге нет места настоящим людям, тем, кто ставит духовные ценности намного выше материальных. Да, возможно, это люди не столь богаты, как чиновники - взяточники, но это настоящие люди, в отличие от глупцов, которые правят теми, кто даже боятся назвать себя людьми.

Произведения Н. В. Гоголя направлены против реального зла, против самодержавно - бюрократического строя николаевской России. Произведения Н. В. Гоголя, написанные им в XIX веке, актуальны и по сей день.

В. Белинский очень верно определил значение Петербурга для творчества Н. В. Гоголя: "Печать Петербурга видна на большей части его произведений, не в том, конечно, смысле, чтоб он Петербургу обязан был своей манерою писать, но в том смысле, что он Петербургу обязан многими типами созданных им характеров. Такие пьесы, как "Невский проспект", "Записки сумасшедшего", "Нос", "Шинель", "Женитьба", "Утро делового человека", "Разъезд" могли быть написаны не только человеком с огромным талантом и гениальным взглядом на вещи, но и человеком, который при этом знает Петербург не понаслышке".

Использованная литература:

1. Белинский В. Г. Петербургская литература. М. , "Художественная литература", 1981.
2. Воропаев В. А. Николай Гоголь: Опыт духовной биографии, М. , 2008.
3. Манн Ю. В. Поэтика Гоголя. М. : Худож. лит. , 2008.
4. Воропаев В. А. Гоголь над страницами духовных книг: Научно-популярные очерки. М. , 2009
5. Маркович В. М. Петербургские повести Гоголя. Л. , 2009
6. Воропаев В. А. Н. В. Гоголь: Жизнь и творчество. В помощь преподавателям, старшеклассникам и абитуриентам. М. , 2009.

МЕТАФОРИЧЕСКИЙ ОБРАЗ ГОРОДА В «ПЕТЕРБУРГСКИХ ПОВЕСТЯХ» Н. В. ГОГОЛЯ

: *Нарзуллаева Х. – магистр второго курса факультета русского языка и литературы Пардаева З.Дж. – научный руководитель проф. кафедры русской литературы и методики ее преподавания*

Аннотация: Данная статья посвящена поэтике «Петербургских повестей» Н. В. Гоголя. Концептуально-метафоричному образу города в творчестве писателя Ключевые слова: «Петербургские повести», маленький человек, творчество, художественный образ.

Annotation:: This article is devoted to the poetics of N. V. Gogol's "Peterbug Stories". The conceptual and metaphorical image of the city in the writer's work

Keywords: "Petersburg stories", little man, creativity, artistic image.

Annotatsiya:: ushbu maqola N. V. Gogolning "Peterbugning hikoyalari" she'riyatiga bag'ishlangan. Yozuvchi ijodidagi shaharning kontseptual va metaforik qiyofasi

Kalit so'zlar: "Peterburg ertaklari", kichkina odam, ijodkorlik, badiiy obraz.

В. Г. Белинский считал Гоголя представителем литературы «среднего сословия», потому что герои его произведений - выходцы из социальных низов, обитатели чердаков и подвалов, мелкие чиновники петербургских департаментов, те, чья жизнь была невыносимо трудна, однообразна и беспросветна.

Уже в первых сборниках («Вечера на хуторе близ Диканьки» - 1831 год, «Миргород» и «Арабески» - 1835 год) Гоголь явился выразителем и защитником народных интересов.

Своими произведениями Гоголь стремился пробудить у читателей чувство протеста против тех общественных условий, которые уродуют и принижают человека.

О первых гоголевских повестях Белинский говорил, что они в «высочайшей степени народны». И народность их основана на «страшной верности действительности».

Эта «страшная верность действительности» ещё более значительна в петербургских повестях. Остриё социальной сатиры направлено здесь не на отдельные недостатки, а на всю систему общественных отношений, на обличие страшных противоречий Петербурга, где настоящим людям нет места, где процветают глупцы, пошляки и взяточники, где человек боится назвать себя человеком.

В петербургских повестях Гоголь с глубоким сочувствием и любовью говорит о судьбе обездоленных простых людей, об их забитости и униженности. Но он не был абстрактным гуманистом. Произведения Гоголя направлены против реального зла, против самодержавно - бюрократического строя николаевской России.

Впервые в русской литературе Петербург изображён в этих повестях во всей наготе, мелочности и трагической нищете повседневной будничной жизни. Петербург представлялся Гоголю великолепным, почти волшебным городом. «Ежели об чём я теперь думаю, так это всё о будущей жизни моей. Во сне и наяву мне грезится Петербург» (Гоголь - матери. 26 февраля 1827 г. Нежин). Но первая встреча с столицей не оправдала надежд.

Когда Гоголь приехал в 1829 году в Петербург, он писал матери о том представлении, которое сложилось у него о городе. Более того, юноша даже испытал чувство, близкое к

разочарованию. В письме к матери Гоголь передаёт удивительно тонкие наблюдения, выражает своё понимание столицы, метко рисует облик Петербурга. «Каждая столица вообще характеризуется своим народом, набрасывающим на неё печать национальности, на Петербурге же нет никакого характера: иностранцы, которые поселились сюда, обжились и вовсе не похожи на иностранцев, а русские в свою очередь объиностранились и сделались ни тем, ни другим. Всё служащие да должностные, все толкуют о своих департаментах да коллегиях, всё подавлено, всё погрязло в бездельных, ничтожных трудах, в которых бесплодно издерживается жизнь их». (Гоголь - матери. 30 апреля 1829 г. Петербург).

Самым длительным пребыванием Гоголя в Петербурге было время с декабря 1828 года по весну 1836 года.

Первые годы петербургской жизни были трудными. Гоголь, по его словам, пламенел «неугасимую ревностью сделать жизнь свою нужною для блага государства». Каким образом он это сделает, юноша не знал. Он пробовал служить чиновником, стать актёром, читать лекции в университете, - но всё это не удовлетворяло его. И только выход в свет сборника «Вечера на хуторе близ Диканьки» решил судьбу Гоголя, определив весь его дальнейший путь - путь писателя.

Белинский, приехав в Петербург несколькими годами позже, также увидел в нём лишь царство «чинолюбия, крестолубия, взяточничества, отсутствия высоких духовных интересов, торжество бесстыдной и наглой глупости, посредственной бездарности».

Гоголь жил в мещанском и чиновничьем квартале Петербурга, на Екатерининском канале. «Поэт жизни действительной», Гоголь запечатлел в своих произведениях образ Петербурга, увидев в нём не столько город роскоши и великолепия, сколько город резких социальных контрастов. Писатель горько задумался над судьбой «маленьких» людей, жителей чердаков, подвалов и рассказал о них. Жизнь и быт бедных лавочников, ремесленников, чиновников хорошо были ему знакомы. Наблюдения над их жизнью и послужили Гоголю материалом для петербургских повестей.

Белинский, характеризуя «Арабески» и «Миргород», писал: «Он (Гоголь) расширил свою сцену действия и, не оставляя своей любимой, своей прекрасной, своей ненаглядной Малороссии, пошёл искать поэзии в нравах среднего сословия в России. И, боже мой, какую глубокую и могучую поэзию нашёл он тут!»¹⁹⁹ с

В повестях «Невский проспект», «Портрет», «Нос» и «Шинель» представлены люди противоположных групп. Одни довольны петербургской жизнью, являются убеждёнными её защитниками. Чинопочитание, взяточничество, карьеризм, презрение к беднякам - вот их характерные черты. Таковы преуспевающий поручик Пирогов, немцы - ремесленники Шиллер и Гофман, обыватель и взяточник майор Ковалёв, значительное лицо из повести «Шинель».

В петербургских повестях, в отличие от первых своих повестей, Гоголь не только клеймит частные пороки и недостатки своих героев, а заставляет читателей думать о том, какие именно причины вызывают в жизни появление и забитого, исковерканного Акакия Акакиевича, и потерявшего человеческий облик майора Ковалева. Причины эти писатель находит в самой действительности самодержавно - крепостнического государства, где отношения между людьми основаны на угнетении, взяточничестве и продажности, и такую действительность, такие отношения отрицает Гоголь в первую очередь.

Список литературы:

- Алтынов П. И. «Петербургские повести», 2002. - 173с.
Марченко Н. А. «Жизнь и творчество Н. В. Гоголя», 2000. - 64с.
Машинский С. И. «Художественный мир Гоголя», М. : «Просвещение», 2003. - 432с.
Рубцов М. Г. «Тропа к Гоголю», М. 2002. - 351с

TALABALARGA MUSTAQIL ISHLARDA ZAXIRANI BOSHQARISH USULINI O'RGATISH

Daliyev B.S. – katta o'qituvchi

Shermatov Y.U. – talaba

Farg'ona politexnika instituti

Ishlab chiqarish firmasi – ishlab chiqarishni tashkil etish uchun har-xil zaxiralarga ega bo'lish kerak (xom-ashyo, tayyor maxsulot, har-xil resurslar) va ularni saqlash va zaxirani boshqarish optimal usullarini qo'llash kerak. Bu yerda shuni unitmaslik kerakki mahsulotga talab noma'lum xarakterga ega, bu holda minimal zaxiraga ega bo'lsa ishlab chiqarish kamayadi va noyoblik ehtimolligi ortadi, ayrim hollarda zaxira yetarli bo'lishi mumkin, lekin, maxsulotga talab bo'lmaydi. Demak, zaxirani optimal miqdorini aniqlash, saqlash xarakterini tashkiliy xarajatlarini optimal usullarini topishni talabalarga o'rgatish maqsadga muvofiq.

Zaxirani boshqarishni matematik usullari ishlab chiqilgan. Biz eng sodda usulni talabalarga o'rgatishni maqsad qilib qo'ydik. Buning uchun sodda matematik modelni quramiz .

$$C = cd + \frac{sd}{q} + \frac{qh}{2}$$

Bu yerda C – jami xarajat, c - bir birlik tovar bahosi, tovarga bo'lgan talab intensivligi yiliga d birlikka teng, s - tashkiliy xarajatlar miqdori (shartli birlik), h - bir yillik saqlashga ketadigan xarajat (shartli birlik), bitta partiyadagi tovar q birlikka teng.

Bu yerda shuni eslatib o'tish kerakki c, d, s, h – parametrlar berilgan hisoblanadi. Bizning asosiy maqsadimiz yillik xarajatni minimallashtirishdan iborat.

q - optimal qiymatiga ega bo'lish uchun $\frac{dc}{dq} = 0$ va $\frac{d^2c}{dq^2} > 0$ shart

$q^* = \sqrt{\frac{2sd}{h}}$ optimal zaxira formulasi (Xarris formulasi) dan foydalanish maqsadga muvofiq.

Bu yerda talabalarga quyidagi savollarni berish o'rinli:

1. Ayrim hollarda ishlab chiqarishni istehmolchiga chegirma asosida tovar yetkazib beradi, u holda jami xarajat qanday hisoblanadi.

2. Asosiy modelda, tovar omborga bir vaqtda keladi deb faraz qilinadi, agar bu shart o'zgartirilsa, asosiy modelni qanday modifikatsiya qilish kerak.

3. Agar tovarni bahosi o'zgarsa, u holda optimal zaxirani formulasi o'zgaradimi?

4. Tashkiliy xarajatlar vaqtiga nisbatan o'zgarsa, model qanday o'zgaradi?

5. Agar resurs narxi o'zgarsa optimal zaxira qanday hisoblanadi?

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИ МУТАХАССИСЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИНТЕГРАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИ

Чориева М.М. – талаба

Бабаходжаева Н.М. – катта ўқитувчиси

Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти

АННОТАЦИЯ

Мақола олий таълим муассасалари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер хўжаликлар ва кластерлар ўртасидаги ҳамкорликнинг таъкилий механизмини яратиш, инновацион фаолиятни янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган. Шунингдек, олий таълим муассасаларида юқори малакали мутахассислар, жаҳоннинг кучли

университетлари олимлари билан рақобат қила оладиган илмий ходим, тадқиқотчи олимлар тайёрлаш масалалари таҳлил қилинган.

АННОТАЦИЯ

Настоящая статья посвящена проблемам интегрирования высших учебных заведений с производственными предприятиями сельского хозяйства. А также рассмотрены проблемы подготовки высококвалифицированных кадров, конкурентоспособных специалистов для научных исследований в аграрной промышленности

КАЛИТ СЎЗЛАР: интеграция, аграр соҳа, инновация, олий таълим муаммолари, си, малакали мутахассис, кластер, фермер хўжалиги, янги сортлар

Ўзбекистонда барча соҳалардагидек, аграр соҳада ҳам ҳамкорликнинг ташкилий механизмини яратиш, олий таълим муассасалари ва қишлоқ хўжалиги соҳаси корхоналари, фермер хўжаликлари ва кластерлар ўртасидаги инновацион фаолиятни янада такомиллаштириш куннинг долзарб масаларидан бўлиб қолмоқда. Мамлакатимизда олий таълим муассасалари ва буртмачилар ҳамкорлигини кенг қамровли ривожлантириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қуватлаш юзасидан бир қатор чора-тадбирлар қабул қилинган бўлса-да, янги, рақобатдош кадрлар тайёрлашга қаратилган олий ўқув юрларининг фаолиятини мукамал инновациялар асосида ташкил этиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Ш. М. Мирзиёев эътироф этганидек: “Олий ўқув юрлари нуфузини ошириш, нодавлат таълим масканлари сонини кўпайтириб, соҳага юқори малакали кадрларни жалб этиш ва рақобатни кучайтириш лозим”. Ҳақиқатан ҳам, аксарият олий таълим муассасаларида юқори малакали профессор-ўқитувчиларнинг улуши жуда кам, мамлакатимизнинг деярли барча университетларда илмий салоҳият паст, малакали кадрлар етишмайди. Жаҳоннинг кучли университетлари олимлари билан рақобат қила оладиган илмий ходим, тадқиқотчи олимларимиз кам. Бу ҳолат ўз навбатида мутахассис тайёрлашда ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.

Олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналарининг интеграллашуви юқорида келтирилган муаммоларимиз ечимида катта аҳамият касб этади. Авваламбор, интеграция самарали жараён бўлиб, миллий иқтисодиётимиз салоҳиятини кўтарувчи омил ҳисобланади. Шу ўринда Кэрри Кискер ва Розанна Кардуччи университет ва ишлаб чиқариш интеграциясига эришишда муҳим деб ҳисобланган 5 факторни санаб ўтамиз:

1. Худудий ривожланишнинг эътиборли муаммоларини аниқлаш

2. Университет ҳамда ишлаб чиқариш корхонаси учун умумий мақсадлар ва миссияни аниқлаш

3. Барча иштирокчилар, шу жумладан талабалар учун ҳам самарадорлик бўлишига ишониш

4. Олий ўқув юрти ва ҳамкор ташкилот тарафидан кучли бошқарувчини танлаб олиш

5. Бошқарув хисоботлар механизми ишлаб чиқиш

Бу факторлардан мамлакатимизда мавжуд бўлган аграр соҳаси учун мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юрлари ва ишлаб чиқариш корхоналарининг интеграшувида фойдаланса бўлади. Мисол тариқасида, Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти Агрономия факультети олимлари, илмий ходимлари, магистрантлари ва талабаларининг Ўзбекистон Республикаси сабзавотчилик, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти Сурхондаё илмий тажриба станцияси олимлари билан бирга олиб бораётган ишларини кўриб ўтамиз. Тадқиқотларининг дастлабки жараёни сабзавот, полиз экинлари, картошка етиштириш технологиясини ўрганиш ҳамда технологик жараёнлар билан чуқур танишишни назарда тутати. Агар ҳамкорликни босқичларга ажратсак қуйидагиларни белгилаб олсак бўлади:

Биринчи босқичда Сурхон воҳасининг худудий муаммолари аниқланади ва назоратга олинади.

Иккинчи босқичда институт, факультет ва тажриба станцияси учун умумий мақсад аниқланади: сабзавот, полиз экинлари, картошканинг касалликка чидамли, экспортбоп янги навларни ишлаб чиқариш назарда тутилади

Касалликка чидамли навларни ишлаб чиқаришда институт олимлари, илмий ходимларининг патентларидан, илмий ишларидан фойдаланиш, янги навларни синаш, уруғларни сотиш, фойда олиш ва илмий натижаларга эришиш лозим бўлади. Институт талабалари ва магистрантлари тажриба станциясининг чет эллардаги хорижий ҳамкорлари (Россия Федерацияси, Германия, Голландия, Покистон, Жанубий Корея) билан танишадилар, улар учун чет элда амалиёт ўташ имконияти яратилади. Ҳамкорликда лойиҳалар, дарсликлар яратилади. Энг муҳими, бундай интеграллашув тезда ўз самарасини беради. Лекин, ҳар иккала томондан ҳам кучли билимга эга, креатив, инновацион бошқарувчини танлаш лозим бўлади.

Шундай қилиб, биз тўлақонли инновацион фаолиятни ривожлантириш ва интеграцияга эришиш бўйича айрим мулоҳаза ва таклифларни билдиришни мақсадга мувофиқ деб топдик:

Мамлакатимизда олий таълим муассасалари ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳамкорликда самарали инновацион фаолият юритишлари учун етарли даражада шарт-шароитлар ва тўлақонли муҳит яратилиши лозимдир;

Интеграцияга жиддий тўсиқлардан бири молиявий маблағларнинг етишмаслигидир. Университетлар профессор-ўқитувчилари докторант, магистрант, бакалавр талабаларининг тадбиркорлик билан шуғулланишларига кенг йўл очиш мақсадга мувофиқдир;

Университетларда фаолият юритаётган интеллектуал маҳсулотлар ишлаб чиқараётган олимлар, тадқиқотчиларга сунъий тўсиқларни бартараф этишда давлат кўмаги зарур бўлади;

Инновацион ғоялар, илмий тадқиқотлар ва ишланмалар, уларнинг

бевосита амалиётга жориш этилиши мамлакатнинг инновацион

потенциалини баҳолаш, янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни

яратишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Шунинг учун инвестиция дастурларида кўпроқ инновацион технологияларнинг устуворлигини таъминлаш ва уларни регионларга жалб этиш механизмини такомиллаштириш, университетлар ва ташкилотлар инновацион ҳамкорлигини ривожлантириш долзарб масала ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ” олма пиш, оғзимга туш қабилада фаолият юритадиган ” олий ўқув юртларидан воз кечиш, ўз самарадорлигини ўзи оширадиган, миллий иқтисодиётда улуши катта бўлган олий ўқув юртларини кўпайтириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Маълумки, пандемия даврида рўй берган салбий ўзгаришлар олимларимиз томонидан ўрганилмоқда. Яқин орада “ туриб қолган аграр соҳаси ” оқибатлари ҳақида илмий мақолалар, китоблар ёзилади, Лекин “ туриб қолган ” университетлар, самарасиз тадқиқотлар, таълим ва ишлаб чиқаришнинг бир биридан ажралиб қолиши ҳам миллий иқтисодиётимизга, мамлакатимиз равнақи, қолаверса, халқимиз фаровонлигига жиддий таъсир кўрсатади. Шундай экан, олий таълим ва ишлаб чиқариш нинг интеграциясида куйидагилар устувор деб ҳисоблаймиз:

-таълимда, қишлоқ хўжалигида сингари хусусий секторни ривожлантириш йўли билан рақобатдошликни ошириш;

-давлат томонидан молиялаштиришни камайтириш;

-интеллектуал таълим маҳсулотлари турини кўпайтириш;

-халқаро таълим ҳамжамиятига интеграциялашув;

Бундан ташқари, олий таълим муассасаларининг қишлоқ хўжалиги соҳаси корхоналари билан ҳамкорлик дастурларида инвестицияларни жалб этиш бўйича инновация ва технологияларни киритишни кўзда тутувчи лойиҳалар ўз аксини топиши ёки улар тўғрисида аниқ маълумотлар берилиши керак. Шунинг учун ҳам худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни ифода этадиган регионал дастурларда олий таълим ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масаласига эътиборнинг кучайтирилиши ўринли бўлади. Ҳозирда кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, миллий иқтисодиётимизда олий таълим муассасалари ва корхоналар ўртасидаги фаолият йўлга

кўйилган бўлсада, инновацион технологиялар жорий қилинган корхоналарининг рақобатдош мутахассислар тайёрлаш жараёнидаги салмоғи у даражада юқори эмас. Ҳали буюртмачилар талабига жавоб бера оладига кадрларимиз жуда камдир. Шунинг учун мамлакатимизда олий таълим муассасаларининг малакали кадрлар тайёрлашдаги ҳамкорлик алоқаларининг янги, инновацион фаолиятини рағбатлантириш, уларнинг истиқболини айнан юқори малакали, рақобатдош кадрлар тайёрлашдаги натижавийлик билан боғлиқлиқлигини англаш жуда муҳимдир

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Харакатлар стратегияси. ПФ 4947-сон 07. 02. 2020
2. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси. ПФ-5847-сон 08. 10. 2018
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1533-сонли қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида инновацион ҳамкорликлар ҳолати ва халқаро алоқаларни ривожлантириш тўғрисида”ги (2010 йил 17 апрелдаги 3/2 ҳамда 25 декабрдаги 13/2-сонли) қарорлари ва 31 декабрдаги 516-сонли буйруғи.
ACC yordamida oldinda harakatlanayotgan ob'ektgacha bo'lgan masofa quyidagi formula yordamida aniqlanadi:

$$d = T c / 2, s$$

bu erda, T – impulsning radardan chiqib ob'ektga borib undan exo bo'lib qaytib kelishiga ketgan vaqt, s; c-elektromagnit to'liq tezligi $c=300\,000\text{ km/s}$. Masalan, $T=1\mu\text{s}$ bo'lsa ob'ektgacha bo'lgan masofa $d = 150\text{ m}$ ni tashkil etadi. Vaqt birligida masofani o'zgarishiga qarab tezlikni aniqlash mumkin.

Adabiyotlar:

1. Azim Eskandarian. Handbook of intelligent vehicles. Springer-Verlag London Ltd. 2012. – 1629 ps.
2. Yaobin Chen, Lingxi Li. Advances in intelligent Vehicles (Intelligent Systems). 2013.
3. Громаков Ю.А., Северин А.В., Шевцов В.А. Технология определения местоположения в GSM и УМТС. Учебное пособие. – М.: Эко-Трендз, 2005. – 144 с.
4. Горев А.Е. Информационные технологии на транспорте. Электронная идентификация автотранспортных средств и транспортного оборудования: учеб. пособие / А.Е.Горев. СПб: Гос.архит.-строит.ун-т, 2010. – 86с .
5. Власов В.М. Интеллектуальные транспортные системы в автомобильно-дорожном комплексе/ В.М. Власов, В.М. Приходко, С.В. Жанказиев, А.М. Иванов.- М.: МАДИ. – М.:ООО «МЕЙЛЕР», 2011.- 487с .

ROBOTOTEXNIKA – BU KELAJAK

Qurbonazarov Suhrob Erkin o'g'li - TMTI assistenti

Qurbonazarova Sh. E. - Chirchiq Davlat pedagogika universiteti talabasi

Annotatsiya: Ushbu maqolada robototexnikaning zamonaviy hayotdagi o'рни, avtomatlashtirilgan mashinalarning turli sohalarda, ayniqsa ishlab chiqarish sanoatida, harbiy sohada, tibbiyotda muhimligi va o'ziga xos xususiyatlari. Robot yaratish uchun kerak bo'ladigan zamonaviy intellektual qurilmalar haqida yoritilgan. Robotlarning hayotdagi alohida o'рни haqida yoritilgan.

Аннотация: В данной статье роль робототехники в современной жизни, значение и особенности автоматизированных машин в различных сферах, особенно в обрабатывающей промышленности, военной области и медицине. Рассмотрены современные интеллектуальные устройства, необходимые для создания робота. Объясняется особая роль роботов в жизни.

Annotation: In this article, the role of robotics in modern life, the importance and features of automated machines in various fields, especially in the manufacturing industry, the military field and medicine. Modern intelligent devices necessary to create a robot are considered. The special role of robots in life is explained.

Kalit so'zlar: Robototexnika, Robotlarning turlari, Dronlar va ularning turli sohalarda qo'llanilishi, Neyron tarmoqlar, sun'iy intellekt, manipulyatsiya jarayoni.

Ключевые слова: Робототехника, Виды роботов, Дроны и их применение в различных сферах, Нейронные сети, искусственный интеллект, процесс манипулирования.

Key words: Robotics, Types of robots, Drones and their application in various fields, Neural networks, artificial intelligence, manipulation process.

Robototexnikaning kelib chiqishi va rivojlanishi

Robototexnika - bu avtomatlashtirilgan texnik tizimlarni ishlab chiqish bilan shug'ullanadigan amaliy fan. "Robotika" so'zi (ingliz tilidagi "robotics") birinchi marta bosma nashrlarda *Isaak Asimov* tomonidan 1941 yilda nashr etilgan "Yolg'onchi" ilmiy-fantastik hikoyasida ishlatilgan. Robot so'zi (Chexiya tilida robot, robotadan - majburiy mehnat yoki rob - qul) - tirik organizm printsipli asosida yaratilgan avtomatik qurilma degan ma'noni anglatadi. Robotlar ularga yozilgan dasturga muvofiq harakat qiladigan va sensorlardan (tirik organizmlarning his-tuyg'u organlarining analoglari) tashqi dunyo haqida ma'lumot oladigan robot odatda odamlar (yoki hayvonlar) tomonidan amalga oshiriladigan ishlab chiqarish va boshqa operatsiyalarni mustaqil ravishda bajaradi. Bunday holda, robot operator bilan aloqaga ega bo'lishi (uning buyruqlarini olishi) yoki avtonom harakat qilishi mumkin. Zamonaviy robotlarning ko'rinishi va dizayni juda xilma-xil bo'lishi mumkin. Hozirgi vaqtda turli xil robotlar sanoat ishlab chiqarishida keng qo'llaniladi, ularning tashqi ko'rinishi (texnik va iqtisodiy sabablarga ko'ra) "odam" dan uzoqdir. Robotlarning ilk prototiplari arab olimi va ixtirochi Al-Jazariy (1136-1206) tomonidan yaratilgan mexanik figuralar ham edi. Shunday qilib, u daf, arfa va nay chalgan to'rta mexanik musiqachi bilan qayiq yaratgan. 18-asrning boshlarida matbuotda "razvedka belgilari" bo'lgan mashinalar haqida xabarlar paydo bo'la boshladi, ammo aksariyat hollarda bu firibgarlik ekanligi ma'lum bo'ldi. Mexanizmlar ichida tirik odamlar yoki o'qitilgan hayvonlar yashiringan bo'lgan. Fransuz mexanikasi va ixtirochi Jak de Vokanson 1738 yilda nay chaladigan birinchi ishlaydigan gumanoid qurilmani (android) yaratdi. U, shuningdek, oziq-ovqat tishlash va "najas qilish" qobiliyatiga ega bo'lgan mexanik o'rdaklar yasadi.

Robotlar va ularning turlari

Robotlar insoniyatning yumushini engillashtirish, inson hayoti uchun xavfli bo'lgan muhitlarda ishlash, bajarilishi qiyin (yoki imkonsiz) bo'lgan vazifalarni bajarish hamda boshqa turdagi murakkab vazifalarni bajarish uchun yaratilgan bo'lib, turli sohalar uchun har xilda funksiyalarni bajaradigan qilib yaratiladi. Masalan: tibbiyotda murakkab operatsiyalarni, jarrohlik amaliyotlarini bajarish uchun mo'ljallangan bo'lib, insonga nisbatan ko'proq vaqt davomida ishlash qobiliyati mavjud hisoblanadi. Misol uchun ba'zi bir operatsiyalar juda uzoq (10-20 soatgacha) vaqt

davom etadi. Bunday vaziyatlarda insonning quvvati etmasligi mumkin, lekin robotlar esa bemaol ishlay oladi. Agarda robotlarga uglerod-14 “abadiy” yadroviy batareyalar oʻrnatilsa, ishga tushirilgandan soʻng 20 yilgacha qayta quvvatlantirmasa ham boʻladi ^[1]

Robotlar hozirda turli sohalar uchun ishlab chiqarilmoqda. Ularning baʼzilarini koʻrib chiqamiz.

Sanoat robotlari

“Robotlar” kuniga 24 soat murakkab ishlab chiqarish operatsiyalarini bajaradi. Ishlab chiqarilgan mahsulotlar yuqori sifatga ega. Ular kasallanmaydilar, tushlik tanaffusi va dam olishga muhtoj emaslar, ish tashlashga chiqmaydilar, ish haqi va pensiyalarni oshirishni talab qilmaydilar. Robotlarga atrof-muhit harorati, gazlar yoki inson hayoti uchun xavfli boʻlgan korroziy moddalarning emissiyasi taʼsir qilmaydi.

Ishlab chiqarish sanoatida qoʻllaniladigan robotlar koʻplab murakkab va inson tomonidan bajarilsa uzoq vaqt talab etiladigan vazifalarni tez va sifatli bajarish uchun moʻljallab ishlab chiqariladi. Masalan avtosanoatda qoʻllaniladigan robotlar avtomobil ehtiyot qismlarini hamda yarim tayyor avtomobillarni biror joyga koʻchirish, qismlarni bir-biriga ulash va hokazo vazifalarni inson ishtirokisiz amalga oshiradi. Ishlab chiqarishning boshqa sohalarida ham xuddi shunga oʻxshash vazifalarni bajaradi.



1-rasm. Ishlab chiqarish sanoatida qoʻllaniladigan robotlar

Harbiy sohadagi robotlar

Jangovar robot - bu jangovar vaziyatlarda yoki harbiy maqsadlar uchun inson imkoniyatlariga mos kelmaydigan sharoitlarda ishlaganda odamning oʻrniga almashtiriladigan avtomatik qurilma: razvedka, harbiy harakatlar, minalardan tozalash va boshqalar. Jangovar robotlar nafaqat odamni qisman yoki toʻliq almashtiradigan antropomorf harakatga ega avtomatik qurilmalar, balki inson yashash joyi boʻlmagan havo va suv muhitida ham ishlaydi (masofadan boshqariladigan samolyotlar, suv osti transport vositalari, er usti kemalari va boshqalar).

Jorjiya Texnologiya Institutida professor *Xenrik Kristensen* rahbarligida chumolilarga oʻxshash insektomorf robotlar ishlab chiqilgan boʻlib, ular binoni dushmanlar va tuzoqlar bor-yoʻqligini tekshira oladi (binoga "master robot" tomonidan etkazib beriladi - mobil sudraluvchi robot). Qoʻshinlar orasida uchuvchi robotlar ham keng tarqaldi. 2012 yil boshida butun dunyo boʻylab harbiylar tomonidan 10 mingga yaqin quruqlikdagi va 5 mingta uchuvchi robotlardan foydalanilgan; Dunyoning 45 davlati harbiy robotlarni ishlab chiqaradi yoki sotib oladi. Shu va shu kabi sohalarida koʻplab miqdorda robotlardan foydalaniladi.

Xulosa

Hozirgi kunda robototexnikaning jadal rivojlanganligi sababli ulardan deyarli barcha sohalarida qoʻllanilsa ham boʻladi. Insoniyat uchun bajarilishi uzoq vaqt talab etiladigan hamda murakkab yumushlarni hozirda robotlar yordamida bajarilmoqda. Masalan harbiy dronlar (uchuvchisiz, masofadan boshqariladigan qurilmalar) razvedkada ham jang paytida ham

qo‘shinlarning ishlarini engillashtirmoqda. Xuddi shuningdek, tibbiyotda ham, ishlab chiqarish sanoatida ham, xatto uy – ro‘zg‘or buyumlarida ham keng miqyosda qo‘llanilmoqda.

Adabiyotlar:

1. Qurbonazarov Suhrob Erkin o‘g‘li “Atom batareyalari – kelajak batareyalari” Journal Of Integrated Education And Research ISSN: 2181-3558, DOI raqami: 10.5281/zenodo.6675309
2. Qurbonazarov Suhrob Erkin o‘g‘li, To‘rayeva Gulyuz Xushboqovna: “Robototexnika – kelajak texnologiyalari sohasi” Journal Of Integrated Education and Research, ISSN: 2181-3558, DOI raqami: 10.5281/zenodo.6675309
3. <https://neuronus.com/theory/robo/631-osnovy-robototekhniki.html>

KAM TAMINLANGAN YOSHLARGA IT SOHASIDA “INFORMATSION TEXNLOGIYALAR ZAMON NIGOHIDA” NOMLI KOMPYUTER O‘QUV KURSLARINI BEPUL TASHKIL ETISH

Ochilov N. O‘. - Jizzax davlat pedagogika universiteti talabasi

Annotatsiya. Asosiy maqsad mahallada, maktablarda, oliy ta’limda hamda uyushmagan yoshlar orasida kam taminlangan yoshlarga IT sohasida bepul ta’lim berish ularga ushbu sohaga qiziqtirish va IT sohasida boshlang‘ich ko‘nikma hosil qilishdan iborat. Shuning uchun «Informatsion texnologiyalar zamon nigohi» loyihasini amalga oshirmoqchiman. Loyihada kam taminlangan yoshlarga IT sohasida bepul va sifatli ta’lim berish ko‘zda tutulgan.

Abstract. The main goal is to provide free education in the field of IT to underprivileged youth in the neighborhood, schools, higher education and unorganized youth, to make them interested in this field and to create basic skills in the field of IT. That's why I want to implement the project "Time view of information technologies". The project envisages providing free and high-quality IT education to underprivileged youth.

Аннотация. Основная цель - предоставить бесплатное образование в области ИТ малоимущей молодежи по соседству, школам, высшим учебным заведениям и неорганизованной молодежи, заинтересовать их в этой области и сформировать базовые навыки в области ИТ. Именно поэтому я хочу реализовать проект «Взгляд на информационные технологии во времени».

Kalit so‘zlar: IT sohasi, Yoshlar daftari, dasturchilik, IT park, 3ds max, informatsion texnologiyalar.

Key words: IT industry, Youth notebook, programming, IT park, 3ds max, information technologies.

Ключевые слова: ИТ-индустрия, Молодежный блокнот, программирование, ИТ-парк, 3ds max, информационные технологии.

Kirish

Agar siz e'tibor berayotgan bo'lsangiz so'nggi paytlarda yurtimizda dasturchilik sohasiga doir ko'plab ko'zga ko'ringan ajoyib yangiliklar, loyihalar va tanlovlar ishlab chiqilmoqda. Dasturchilik bu "kelajak" kasbi ekanligini deyarli barchamiz bilib oldik. Biz axir axborot texnologiyalari asrida yashab kelmoqdamiz. Ana shunday imkoniyatlar berilayotgan ekan ijtmoy himoyaga muhtoj yoshlarimizga ham imkoniyat yaratib bersak ular ham albatta ertangi kunda vatanimizga munosib farzand bo'lib etishiga ishonchim komil. Buning uchun ularga munosib shart-sharoit yaratib berish zarur hisoblanadi, hozirgi kunda IT sohasini o'rganish ancha qimmat turadi, uni o'rganish uchun jamiyatimizda hammani ham qurbi etmaydi. Meni loyiham har bir tumanda hech bo'lmaganda bir donadan IT sohasini o'rgatuvchi kurslar ochib va ijtmoy himoyaga muhtoj yoshlarimizga bepul ta'lim berishdan iborat.

Asosiy qism

IT sohasida katta o'zgarishlar bo'lmoqda, asosiy maqsad kam taminlangan yoshlar orasidan malakali mutaxassislarni etishtirib chiqarishdir (kelajakda aynan shunday mutaxassislardan biri siz

bo'lishingiz mumkin) Yurtimizning ko'pgina viloyatlarida IT park tashkil etilgan. Ma'lumki, ko'pchilik IT park haqidagi tushunchaga ega emaslar. Chunki axborot texnologiyalari sohasidagi bu kabi ibora biz kabi barcha yoshlar, jumladan tengdoshlarim uchun ham ajoyib yangilik bo'ldi. Men o'ylaymanki, bundan keyin IT park yurtimizning hamma joylarida tashkil etiladi va uning mohiyati yanada takomillashib borgani sari IT sohasiga qiziquvchilar uchun keng ma'lumotlar eshigini ochadi !!! Shuningdek , IT park - dasturlashga qiziquvchilar va bu soha vakillariga juda ham katta imkoniyat bera oladi deb ayta olaman .

Ana shunday ekan ertamiz egalari bo'lmish yoshlarga bugun kata e'tbor berish kerak shuning uchun ham aynan kam ta'minlanganlar, ehtiyojmand oila farzandlari yoki ana shunday yoshlar uchun bugun biz kelajak eshiklarini ochib berishim kerak. Ularga hozirgi kunda eng tez rivojlanib borayotgan soha IT sohasini bepul o'rgatish ular uchun eng katta yordam bo'ladi desak adashmaymiz. Shunday ekan ijtmoyiy himoyaga muhtoj yoshlarni har tamonlama qo'llab quvvatlash oliy maqsad bo'lishi lozim. Buning uchun har birimiz qo'ldan kelgancha yordam qo'lini uzatsak jamiyatda ular ham o'z o'rnini topishga ozgina bo'lsa ham hissa qo'shgan bo'lamiz

Xulosa

Xulosa qilib aytganda bugungi kunda kam taminlangan yoshlarga juda ko'plab ikmoniyatlar eshiklari ochilayapdi bu imkoniyatlardan qanday foydalanish yoshlarimizni o'zlariga bog'liq. Men ham mana shu loyiham orqali mana shunday yoshlarimizga jamiyatimizda o'z o'rnini topsishga hissa qo'shsam nur ustiga a'lo nur bo'lgan bo'lardi. Masalan **“Loopix School” o'quv markazida** o'qish 4 oylik 3ds max modeling kursi — offline kurs 2,4 mln so'm; online kurs 2,1 mln so'm. **Bobir Akilkhanov Tech Academy:** o'quv markazida o'qish esa 1 yillik o'quv kursi uchun 20 mln so'm offline rejimda. Online rejimda esa 8 mln so'm. Bu ancha katta summa hisoblanadi, shuning uchun ham ijtmoyiy himoyaga muhtoj yoshlar o'qishga qurbi etmaydi. Mening maqsadim yuqorida keltilgan o'quv kurslariday bo'lmasa ham yoshlarmizda kamyuter savodxonligini shakillantrishdan iborat.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori, 12.09.2017 yildagi PQ-3268-son.
2. 17 mart 2021, 12:20 Texnologiyalar <https://www.spot.uz/oz/>
3. Copyright 2022 \ Hamma narsani qanday qilish kerakligi haqida Internet-jurnal \ IT sohasida birinchi ishingizni qanday topishingiz mumkin: yangi boshlanuvchilar uchun harakatlar rejasi
4. Jamiyat 29.07.2022, 16:13 t.me/Press_Secretary_Uz/2169

MEXATRONIKA- HOZIRGI ZAMON FAN VA TEXNIKANING YANGI YO'NALISHI *G'aniyeva Sh. N. - 5-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi kimyo fani o'qituvchisi*

ANNOTATSIYA. Mazkur ilmiy ishda zamonaviy mashinasozlik sohasida fan va texnika, mexatronika va robototexnika yutuqlaridan foydalanib, ularni loyihalash va ishlab chiqarish jarayonlariga innovatsion ishlanma sifatida joriy etish orqali texnologik jarayonlar sifatini oshirish ilmiy tahlillarga asoslangan holda bayon etilgan.

KALIT SO'ZLAR: mexanika, elektronika, robototexnika, agregat, senergetik, kompleks

ABSTRACT. In this scientific work, using the achievements of science and technology, mechatronics and robotics in the field of modern mechanical engineering, and introducing them as innovative developments into the design and production processes, the improvement of the quality of technological processes is described based on scientific analysis.

KEY WORDS: Mechanics, Electronics, Robotics, Aggregate, Synergetics, Complex

АННОТАЦИЯ. В данной научной работе с использованием достижений науки и техники, мехатроники и робототехники в области современного машиностроения описано повышение качества технологических процессов путем внедрения их как инновационных разработок в процессы проектирования и производства на основе научных анализ.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА: Механика, Электроника, Робототехника, Агрегат, Синергетика, Комплекс.

Keyingi yillarda fan va texnika sohasida yangi yo'nalish bo'lgan mexatronika paydo bo'ldi va shiddat bilan rivojlanmoqda. Mexatronika- mexanika, elektronika, hozirgi zamon kompyuterli boshqarish va informatsiyani qayta ishlash metodlari sohalari bilimlariga asoslanadi.

Mexatron modullar va sistemalar yangi xususiyatlarga ega bo'lgan texnologik mashinalar va agregatlar, robotlarni yaratishning asosi hisoblanadi. Mexatronika shunday fan va texnikaning sohasiki, unda mexanika, elektronika, kompyuter komponentlarining senergetik bog'lanishlari aks ettirilgan bo'ladi, bu esa o'z navbatida sifat jihatdan yangi bo'lgan modullar, sistemalarning funksional harakatlarini va intellektual boshqarishni ta'minlaydi.

Mexatronika va mexatron texnologiyalarning metodlari universal hisoblanadi, ular yordamida murakkab texnik sistemalarni yaratish, avtomatlashtirilgan loyihalash, mashinalarni va robotlarni modul prinsipi asosida qurish imkoniyatlari mavjud.

Hozirgi kunda mexatron modullar va sistemalar quyidagi sohalarda keng qo'llaniladi;

- mashinasozlik;
- sanoat va maxsus robototexnika;
- aviatsiya va kosmik texnika;
- elektron mashinasozlik;
- avtomobilsozlik;
- mikromashinalar;
- nazorat- o'lchov qurilmalari va mashinalari;
- intellektual mashinalar;

Robotlar bilan jihozlangan texnologik uyalar (yacheykalar), texnologik bo'linmalar va texnologik liniyalar robotlashtirilgan texnologik komplekslar (RKT) deb ataladi.

Robototexnik komplekslar yordamida yig'uv operatsiyalarini avtomatlashtirish.

Yig'uv operatsiyalari mexanizatsiyalash darajasi 25-40 foiz, avtomatlashtirish darajasi esa 5-7 foizdan oshmaydi. Sanoat robotlari yordamida avtomatik tarzda yig'uv jarayonini amalga oshirish quyidagi bosqishlarga bo'linadi.

- 1) detallarni turli qurilmalarda jamlash;
- 2) robot tomonidan yig'uv asbobi yordamida detallarni qisqichlab olish;
- 3) SR yordamida yig'uv pozitsiyasiga va yig'uv pozitsiyasidan jamlash pozitsiyalariga tashish;
- 4) yo'naltirish;
- 5) SR yordamida detallarni ushlash.

Mashinasozlikdagi buyumlarni avtomatik holda yig'ishda foydalaniladigan SR lari asosiy va yordamchi operatsiyalarni, ya'ni detallar va buyumlarni birlashtirish va tashish kabi operatsiyalarni bajaradi.

Robototexnik komplekslarning informatsion tizimlari

Sanoat robotining informatsion sistemasi robotning funksional mexanizmlarining holati va o'zaro joylashishi, hamda tashqi muhitning holatini xarakterlovchi ma'lumotlarni yig'ish, qayta ishlash va boshqarish sistemasiga uzatish uchun xizmat qiladi. Robotning informatsion sistemasi ikkita asosiy qismdan iborat: parametrlar bo'yicha informatsiyani yig'ishni amalga oshiruvchi sensor qurilmalar va qayta ishlovchi, robotning boshqarish sistemasiga kiruvchi hisoblash qurilmalari.

Sanoat robotlarini ishlatishda mehnat xavfsizligi

Sanoat roboti va robototexnik kompleks RTK bilan ishlaydigan odamlarning avariya va inson sog'ligi uchun xavfli holatlardagi xavfsizligi turli tadbirlar amalga oshirish bilan ta'minlanadi. RTK ishlaganda avariya holatlari sodir bo'lishining asosiy sabablari quyidagilar;

- robotni o'rgatish vaqtida va avtomatik ishlashdagi noto'g'ri harakatlari;
- robot ishchi organining to'xtash xatoligi tufayli;
- RTK texnologik jihozining ishdan chiqib qolishi;
- operatorning robotni sozlash va ta'mirlash vaqtidagi xatosi;
- robot avtomatik rejimda ishlaganda uning ishchi fazosida odamning bo'lishi;
- robot nominal yuk ko'tarish qobiliyatidan yukning massasi oshib ketishi;
- sanoat roboti boshqarish pultining robot ishchi fazosida joylashganligi va bu fazoni o'rab turuvchi maxsus to'siq yo'qligi;
- operatorlarda RTK ning holati bo'yicha aniq informatsiyaning yo'qligi sababli avariya holatlari sodir bo'lishi mumkin.

Robotlarni va RKT larni ishlatishda xavfsizlikni ta'minlash, ularni ratsional rejalashtirish, texnologik jihozlarni xavfsiz va avariyasiz ishlashi va maxsus qurilmalar orqali amalga oshiriladi. Ko'rsatilgan xavfsizlik choralarning asosiy maqsadi- inson va sanoat roboti mexanizmlarining ishchi fazosining biror nuqtasida bir vaqtning o'zida bo'lishini oldini olishdan iborat.

Xulosa qilib aytganda, hozirgi zamon yuqori texnologiyalarida sanoat robotlari va robototexnika tizimlari keng qo'llanilmoqda. Robotlar, robototexnik va moslashuvchan ishlab chiqarishni rivojlantirishning texnik asoslari hisoblanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

X.N NAZAROV. Robotlar va Robototexnik tizimlar. Darslik Toshkent 2020.

Angeles J. Fundamentals of Robotic Mechanical System Theory, Methods and Algorithms.

Nazarov. X. N. Robototexnik asoslari T- 2015.

TEXNIK SOHALARDA OLIY MALAKALI KADRLARNI TAYYORLASH ISTIQBOLLARI VA MUAMMOLARI

Po'latova G. M. - Farg'ona davlat universiteti o'qituvchisi

Mahamadjonov J. Z. - Farg'ona davlat universiteti talabasi

Davlatov I. Sh. Farg'ona davlat universiteti talabasi

Annotatsiya. Maskur maqolada o'qituvchining kommunikativ qobiliyatida so'z bilan og'zaki ta'sir o'tkazish haqida mulohazalar keltirilgan.

Kalit so'zlar: madaniyat saviyasi, tafakkun, pedagogik faoliyati, pedagogik qobiliyat, pedagogik texnika, kommunikativ munosabat, his-tuyg'uga berilish, notiqlik san'ati.

Shu sababli ham bugun dunyo taraqqiyotning tamal toshi, mamlakatni qudratli, millatni buyuk eta oladigan qudratli kuch bo'lgan ilm-fan, ta'lim va tarbiyaga alohida e'tibor qaratmoqda. Jahonning qator etakchi davlatlarida ta'limni rivojlantirish birinchi galdagi vazifa sifatida belgilanishi ham bejiz emas. Zero, mamlakatning ertangi kuni, ravnaqi aynan shu sohada qo'lga kiritilgan yutuqlarga bevosita va bilvosita bog'liq.

Mamlakatimiz ham bu jarayonning faol ishtirokchisi ekani quvonarli hol, albatta. E'tirof etish lozim, oliy ta'lim tizimining keyingi yillardagi faoliyatiga nazar tashlaydigan bo'lsak, ko'plab ijobiy ishlar amalga oshirilganiga guvoh bo'lamiz.

Oliy ta'lim tizimida yuzaga kelgan muammolarni qisqa muddatda bartaraf etish maqsadida keyingi yillarda sohani tubdan takomillashtirish, izchil rivojlantirish, XXI asr talablariga moslashtirish, zamon bilan hamnafas qilish borasida aniq, izchil va keng ko'lamli kompleks chora-tadbirlar amalga oshirildi. Shuningdek, soha taraqqiyotiga yo'naltirilgan o'nlab muhim farmon, qaror va dasturlar qabul qilindi.

Jumladan, O'zbekiston Respublikasida oliy ta'limni tizimli isloh qilishning ustuvor yo'nalishlarini belgilash, mustaqil fikrlaydigan, yuqori malakali kadrlar tayyorlash jarayonini sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarish, oliy ta'limni modernizasiya qilish, ilg'or ta'lim texnologiyalariga asoslangan holda ijtimoiy soha va iqtisodiyot tarmoqlarini rivojlantirish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 8-oktyabrdagi farmoni bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasi

sohadagi yangi islohotlar uchun dasturulamal vazifasini bajarmoqda. Ushbu hujjatga intellektual taraqqiyotni jadallashtirish, raqobatbardosh kadrlar tayyorlash, ilmiy va innovasion faoliyatni samarali tashkil etish hamda xalqaro hamkorlikni mustahkamlash maqsadida fan, ta'lim va ishlab chiqarish integratsiyasini rivojlantirish singari vazifalar asos qilib olindi. Konsepsiya mazmuni mamlakatimiz oliy ta'lim tizimini isloh qilishning ustuvor yo'nalishlarini aks ettirdi. Unda oliy o'quv yurtlarida qamrov darajasini kengaytirish hamda ta'lim sifatini oshirish, raqamli texnologiyalar va ta'lim platformalarini joriy etish, yoshlarni ilmiy faoliyatga jalb qilish, innovasion tuzilmalarni shakllantirish, ilmiy tadqiqotlar natijalarini tijoriylashtirish, xalqaro e'tirofga erishish hamda boshqa ko'plab aniq yo'nalishlar belgilab berildi. Bularning barchasi ta'lim jarayonini yangi sifat bosqichiga ko'tarish uchun xizmat qildi.

Shuningdek, O'zbekiston Respublikasining ta'lim sohasidagi munosabatlarni tartibga solishga yo'naltirilgan "Ta'lim to'g'risida"gi qonuni 2020-yil 23-sentyabr kuni qabul qilindi. Ta'kidlab o'tish joizki, qonun jahon standartlari talablaridan kelib chiqqan holda ta'lim sohasidagi munosabatlarni tartibga solishning qamrovi kengligi va o'ziga xos xususiyati bilan "Ta'lim to'g'risida"gi avvalgi qonundan tubdan farq qiladi. Mazkur qonun ushbu soha taraqqiyotida, hech shubhasiz, yangi ufqlarni ochib beradi. Unga muvofiq, o'qitishning masofaviy, inklyuziv shakllari joriy qilindi. Ta'lim tashkilotlariga xorijiy muassasalar bilan hamkorlikda qo'shma fakultet va o'quv markazlari tashkil qilishga ruxsat etildi. Shuningdek, o'qituvchilarga mualliflik dasturi va o'qitish uslublarini joriy etish, zamonaviy pedagogik shakllar, o'qitish va tarbiya usullarini erkin tanlash huquqi berildi.

Keyingi to'rt yilda mamlakatimizda innovasion va kreativ fikrlaydigan zamonaviy kadrlar tayyorlash uchun ta'lim tizimini takomillashtirish masalalariga qaratilayotgan e'tibor tizimli ravishda va izchil ortmoqda.

O'ttizta etakchi oliy o'quv yurtiga o'quv dasturlarini ishlab chiqish, qabul kvotasi va moliyaviy masalalarni mustaqil hal qilish huquqi berildi. Dosent va professor ilmiy unvonlari hamda falsafa va fan doktori ilmiy darajalarini berish vakolatining etakchi oliy ta'lim muassasalar ilmiy kengashlariga taqdim etilishi ham har bir pedagog va tadqiqotchilarga yangi imkoniyat eshiklarini ochib beradi.

Shuningdek, keyingi yillarda oliy ta'lim sohasida davlat-xususiy sheriklikni rivojlantirish, oliy ta'lim muassasalarining moddiy-texnik bazasini takomillashtirish, ularni zamonaviy o'quv-ilmiy laboratoriyalar va axborot-kommunikasiya texnologiyalari bilan ta'minlash, xalqaro ta'lim standartlariga asoslangan o'quv-uslubiy materiallar va o'quv dasturlari, etakchi pedagogik texnologiyalarni o'quv jarayoniga keng joriy qilish orqali o'quv sifatini oshirish masalalariga keng e'tibor qaratilyapti. Davlat va nodavlat oliy ta'lim muassasalari soni va samaradorligini oshirish hisobiga oliy ta'limga qamrov darajasini 2030-yilga qadar ellik foizdan oshirish, oliy ta'lim muassasalarini yanada ko'paytirish borasida amaliy ishlar olib borilmoqda. Kamida o'nta oliy ta'lim muassasasini xalqaro e'tirof etilgan tashkilotlar reytingining birinchi 1000 taligi ro'yxatiga, jumladan, O'zbekiston Milliy universiteti va Samarqand davlat universitetini birinchi 500 ta oliy ta'lim muassasasi ro'yxatiga kiritish borasidagi sa'y-harakatlar davom etmoqda.

Raqobatbardosh milliy kadrlar tayyorlaydigan oliy ta'lim tizimi islohotlari doimiylik va izchillik talab etadigan jarayondir. Zero, tobora globallashtayotgan dunyoda sifatli kadrlar tayyorlash masalasi har bir davlatning kelajagini belgilab beruvchi asosiy omil ekani o'z-o'zidan ayon. Oliy o'quv yurtlariga yon-atrofdagi mahallalardagi uyushmagan yoshlarni xorijiy tillar, komp'yuter savodxonligi, sport, madaniyat va kitobxonlik to'garaklariga jalb etish, ularning ma'naviy dunyoqarashini shakllantirishga ko'maklashish vazifasi topshirildi. Shuningdek, oliy ta'lim muassasalari o'zlariga birlashtirilgan mahalladagi "Yoshlar daftari"dagi yoshlar uchun oliy o'quv yurtlariga kirish bo'yicha bepul tayyorlov kurslarini tashkil etadi.

Bir so'z bilan aytganda, bugungi globallashtayotgan va davlatlararo raqobat tobora kuchayib, internet va innovasion texnologiyalar har sohaga chuqur kirib borayotgan, dunyoda an'anaviy jamiyatdan axborotlashgan jamiyat sari harakatlar kechayotgan davrda mamlakatimizda har bir mutaxassisni mustaqil fikrlaydigan, jamiyatda faollik ko'rsatadigan, qiyinchiliklarni qo'rqmasdan

engib o'ta oladigan, raqobatbardosh, o'z Vataniga sodiq shaxs sifatida kamolga etkazish oliy ta'lim sohasining eng asosiy, ustuvor vazifasi bo'lib qolmoqda. Bu boradagi sa'y-harakatlarning dastlabki ijobiy natijalari hozirdanoq ko'zga tashlana boshlagani esa hammamizni mamnun etdi.

Adabiyotlar:

1. Tolipov U., Usmanbayeva M. Pedagogik texnologiya: nazariya va amaliyot.-T.: "Fan". 2005.
2. Iqboljon O'g'li, Tojimamatov Jamshidbek, and Egamberdiyev Oyatillokh Alisher o'g'li. "THE IMPORTANCE OF PHYSICAL EDUCATION IN THE FORMATION OF PSYCHOLOGICAL HEALTH OF A PERSON." PEDAGOGS jurnali 9.3 (2022): 4-7.
3. Khakimov, Mukhammad Khodjakhonovich, and Azimjon Latifjon ugli Melikuziev. "The History of Paralinguistic Researches." International Journal of Culture and Modernity 13 (2022): 90-95.
4. Akhmedov, A., and O. Egamberdiyev. "PEDAGOGICAL ASPECTS OF FORMATION OF PROFESSIONAL COMPETENCE IN FUTURE TEACHERS." Science and innovation 1. B4 (2022): 136-138.
5. Alisher o'g'li, Egamberdiyev Oyatillokh. "Issues of Retraining and Professional Development of Pedagogical Personnel." The Peerian Journal 5 (2022): 192-194.
6. Tojimamatov, Jamshidbek, and Oyatillokh Egamberdiyev. "THE IMPORTANCE OF PHYSICAL EDUCATION IN THE FORMATION OF PSYCHOLOGICAL HEALTH OF A PERSON." Eurasian Journal of Academic Research 2.5 (2022): 470-473.

KO'PBURCHAK VA AYLANA KOMBINATSIYASINI O'QITISH HAQIDA

Isoqova E. J. - Jizzax davlat pedagogika universiteti talabasi

Annotasiya. Ushbu maqolada ko'pburchak va aylana kombinatsiyasiga doir bo'lib, bunda uchburchak, to'rtburchak, muntazam ko'pburchak va unga ichki va tashqi chizilgan aylanalarga doir qiziqarli masalalarni echish usullari berilgan.

Kalit so'zlar: uchburchak, to'rtburchak, muntazam ko'pburchak, aylana.

Umumiy o'rta ta'lim maktabi geometriya darsida 7-sinf darsligida "Ko'pburchaklar va uchburchaklar" mavzusiga jami 8 soat, "Uchburchak tomonlari va ular orasidagi munosabatlar" mavzusiga jami 7 soat, 8-sinfda "Ko'pburchaklar, qavariq ko'pburchak ichki va tashqi burchaklarining yig'indisi, parallelogram va uning xossalari, paralelogramning alomatlari, to'g'ri to'rtburchak va uning xossalari, romb va uning xossalari, kvadrat va uning xossalari, uchburchakning o'rta chizig'i, trapetsiya, teng yonli trapetsiyaning xossalari, trapetsiyaning o'rta chizig'i, uchburchak yuzi kvadrat yuzi ko'pburchak yuzi" mavzulariga jami 14 soat, "Aylana, markaziy burchak, aylana vatari va diametrir, aylanaga urinma, aylanaga ichki chizilgan burchak, ichki chizilgan aylana, tashqi chizilgan aylana" mavzularga jami 7 soat, 9-sinf darsligida "Ko'pburchakning o'xshashligi, uchburchak o'xshashligi, aylana ichki chizilgan ko'pburchak, aylana tashqi chizilgan ko'pburchak, muntazam ko'pburchaklar, muntazam ko'pburchakka ichki va tashqi chizilgan aylana, aylana uzunligi, diora yuzi, doira bo'laklar yuzi" mavzularga jami 9 soat ajratilgan [1,2,3]. Bundan ko'rinib turibdiki, ko'pburchak va aylana masalasi xususiy hollarda o'rganiladi, ya'ni uchburchak va aylana, to'rtburchak va aylana, ko'pburchak va aylana. Aynan bir masalada bir nechta shakllarning kombinatsiyasi juda kam hollarda qaralgan. Ushbu maqolada biz bir nechta geometrik shakllarning kombinatsiyasini o'qitishni berib o'tamiz.

Quyidagi masalalarni qaraylik:

1-masala. Muntazam oltiburchakning tomonlari davom ettirilishidan hosil bo'lgan uchburchaklarga doiralar ichki. Muntazam oltiburchakka tashqi chizilgan doira yuzini, doiralar yuzlari yig'indisi nisbatini toping (1-rasm).

Yechish: Ma'lum bo'lishicha muntazam ko'pburchaklar tomonlari davom ettirilishidan hosil bo'lgan uchburchaklar o'zaro teng va teng tomonli shu bilan birga tomonlari muntazam ko'pburchak tomonlariga teng ekanligi kelib chiqadi.


Ishni avvalo, muntazam uchburchakka ichki chizilgan doira radiusini topishdan boshlaymiz

$$r = \frac{h}{3} = \frac{\sqrt{3}}{6} a = \frac{a}{2\sqrt{3}}$$

Muntazam oltiburchakka tashqi chizilgan doira radiusi tomoniga teng. Bundan

$$\frac{S_1}{S_2} = \frac{\pi a^2}{\pi \frac{a^2}{12} \cdot 6} = 2$$

Javob: $\frac{S_1}{S_2} = 2$ ga teng.




1-rasm


2-masala. O'rta chizig'i M ga, diagonalarini tutashtiruvchi kesma N ga teng bo'lgan teng yonli trapetsiyaga aylana ichki chizilgan. Shu aylanaga tashqi chizilgan muntazam uchburchak tomonini toping (2-rasm)?

Yechish: Shartda berilgandek chizma chizamiz va aylana radiusini topamiz. Diagonalari o'rtasini tutashtiruvchi kesma asoslar ayirmasi yarmiga teng o'rta chiziq esa yig'indisi yarmiga teng. Aylanaga tashqi chizilgan uchburchak qarama qarshi tomonlari yig'indisiga $a + b = c + c$ ga teng bo'ladi. Bundan esa $c = M = \frac{a+b}{2}$ kelib chiqadi.

Demak, yon tomoni ham M ga teng. Balandlik esa radius ikkilanmasiga teng shu sababli balandlikni topamiz. Asoslari ayirmasi yarmi N ga teng.



2-rasm



3-rasm

Endi muntazam uchburchakni aylanaga tashqi chizamiz (3-rasm)

$$r = \frac{h}{3} = \frac{\sqrt{M^2 - N^2}}{2} = \frac{h}{3}, \quad h = \frac{3\sqrt{M^2 - N^2}}{2}$$

$$a^2 = \frac{a^2}{4} + \left(\frac{3\sqrt{M^2 - N^2}}{2}\right)^2, \quad a^2 = \frac{a^2}{4} + \frac{9(M^2 - N^2)}{4}, \quad a = \sqrt{3(M^2 - N^2)}$$


Javob: $a = \sqrt{3(M^2 - N^2)}$

3-masala. Kvadratning har bir burchagi markaz qilib radiusi kvadrat tomonining yarmiga teng bo'lgan doiralar chizilgan. Shu aylanalarga tashqi chizilgan kvadratga tashqi chizilgan doira yarmi doiralar kichik kvadratdan kesib olingan yarmiga nisbatini toping (4-rasm).

Yechish: Birinchi kvadrat tomonini a deb belgilab olamiz. Kichik doira radiusi kichik kvadrat tomoning yarmiga teng. Birinchi navbatda kichik doira yuzini topib olamiz

$$r = \frac{a}{2}, \quad S = \pi R^2 = \pi \cdot \frac{a^2}{4},$$

$$\frac{S}{4} = \pi \cdot \frac{a^2}{4} \cdot \frac{1}{4} = \frac{\pi a^2}{16}$$



4-rasm

Bu aylana berilgan aylananing 4 dan 1 qismi. Shunday qismlardan 4 ta ularning yuzi $S^1 = 4 \cdot \frac{\pi a^2}{16} = \frac{\pi a^2}{4}$ ga teng. U holda, $S_1 = a^2 - \frac{\pi a^2 (4-\pi)}{4}$

Endi katta kvadrat tomonini topamiz va uning tomoni 4 ta kichik doiralar radiusiga teng $4 \cdot \frac{a}{2} = 2a$

Tomoni $2a$ bo'lgan kvadratning diagonali $d = 2\sqrt{2}a$ ga teng. Katta doira radiusi diagonal yarmiga teng ekanligidan $R = \frac{2\sqrt{2}a}{2} = \sqrt{2}a$, $S_2 = \pi R^2 = 2\pi a^2$ ga teng. Demak,

$$\frac{S_2}{S_1} = \frac{2\pi a^2}{\frac{a^2(4-\pi)}{4}} = \frac{8\pi}{(4-\pi)} \text{ ga teng ekan.}$$

Javob: $\frac{S_2}{S_1} = \frac{2\pi a^2}{\frac{a^2(4-\pi)}{4}} = \frac{8\pi}{(4-\pi)}$

Agar umumiy o'rta ta'lim maktabi geometriya darslarida bitta masalada bir nechta jismlar kombinatsiyasi birgalikda qaralsa o'quvchilarga berilgan tushuncha va tushunchalar umumlashmasini o'quvchilar tomonidan yaxshi o'zlashtirishi, mavzulararo aloqadorlikni ta'minlashga xizmat qiladi.

ADABIYOTLAR:

1. A'zamov A., Haydarov B., Sariqov E., Qo'chqorov A., Sag'diyev U. Geometriya. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 7 – sinfi uchun darslik. Toshkent. Yangiyo'l poligraf. 2017 yil. 160 bet.
2. Rahimqoriyev A., To'xtaxo'jayeva M. Geometriya. 8 – sinf uchun darslik. Toshkent. Yangiyo'l poligraf servis. 2014 yil. 160 b.
3. Haydarov B., Sariqov E., Qo'chqorov A. Geometriya. 9 – sinf uchun darslik. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi davlat ilmiy nashriyoti. Toshkent. 2014 yil. 160 b.

TEXNIK SOHALARDA OLIY MALAKALI KADRLARNI TAYYORLASH ISTIQBOLLARI VA MUAMMOLARI

Pulatova G. M. - Farg'ona davlat universiteti o'qituvchisi
Egamberdiyev O. A. - Farg'ona davlat universiteti talabasi
Mahamadjonov J. Z. - Farg'ona davlat universiteti talabasi

Annotatsiya. Maskur maqolada o'qituvchining kommunikativ qobiliyatida so'z bilan og'zaki ta'sir o'tkazish haqida muloxazalar keltirilgan.

Kalit so'zlar: madaniyat saviyasi, tafakkun, pedagogik faoliyati, pedagogik qobiliyat, pedagogik texnika, kommunikativ munosabat, his-tuyg'uga berilish, notiqlik san'ati.

Shu sababli ham bugun dunyo taraqqiyotning tamal toshi, mamlakatni qudratli, millatni buyuk eta oladigan qudratli kuch bo'lgan ilm-fan, ta'lim va tarbiyaga alohida e'tibor qaratmoqda. Jahonning qator etakchi davlatlarida ta'limni rivojlantirish birinchi galdagi vazifa sifatida belgilanishi ham bejiz emas. Zero, mamlakatning ertangi kuni, ravnaqi aynan shu sohada qo'lga kiritilgan yutuqlarga bevosita va bilvosita bog'liq.

Mamlakatimiz ham bu jarayonning faol ishtirokchisi ekani quvonarli hol, albatta. E'tirof etish lozim, oliy ta'lim tizimining keyingi yillardagi faoliyatiga nazar tashlaydigan bo'lsak, ko'plab ijobiy ishlar amalga oshirilganiga guvoh bo'lamiz.

Oliy ta'lim tizimida yuzaga kelgan muammolarni qisqa muddatda bartaraf etish maqsadida keyingi yillarda sohani tubdan takomillashtirish, izchil rivojlantirish, XXI asr talablariga moslashtirish, zamon bilan hamnafas qilish borasida aniq, izchil va keng ko'lamlı kompleks choratadbirlar amalga oshirildi. Shuningdek, soha taraqqiyotiga yo'naltirilgan o'nlab muhim farmon, qaror va dasturlar qabul qilindi.

Jumladan, O'zbekiston Respublikasida oliy ta'limni tizimli isloh qilishning ustuvor yo'nalishlarini belgilash, mustaqil fikrlaydigan, yuqori malakali kadrlar tayyorlash jarayonini sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarish, oliy ta'limni modernizasiya qilish, ilg'or ta'lim texnologiyalariga asoslangan holda ijtimoiy soha va iqtisodiyot tarmoqlarini rivojlantirish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 8 oktyabrdagi farmoni bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasi sohadagi yangi islohotlar uchun dasturulamal vazifasini bajarmoqda. Ushbu hujjatga intellektual taraqqiyotni jadallashtirish, raqobatbardosh kadrlar tayyorlash, ilmiy va innovasion faoliyatni samarali tashkil etish hamda xalqaro hamkorlikni mustahkamlash maqsadida fan, ta'lim va ishlab chiqarish integratsiyasini rivojlantirish singari vazifalar asos qilib olindi. Konsepsiya mazmuni mamlakatimiz oliy ta'lim tizimini isloh qilishning ustuvor yo'nalishlarini aks ettirdi. Unda oliy o'quv yurtlarida qamrov darajasini kengaytirish hamda ta'lim sifatini oshirish, raqamli texnologiyalar va ta'lim platformalarini joriy etish, yoshlarni ilmiy faoliyatga jalb qilish, innovasion tuzilmalarni shakllantirish, ilmiy tadqiqotlar natijalarini tijoriylashtirish, xalqaro e'tirofga erishish hamda boshqa ko'plab aniq yo'nalishlar belgilab berildi. Bularning barchasi ta'lim jarayonini yangi sifat bosqichiga ko'tarish uchun xizmat qildi.

Shuningdek, O'zbekiston Respublikasining ta'lim sohasidagi munosabatlarni tartibga solishga yo'naltirilgan "Ta'lim to'g'risida"gi qonuni 2020 yil 23 sentyabr kuni qabul qilindi. Ta'kidlab o'tish joizki, qonun jahon standartlari talablaridan kelib chiqqan holda ta'lim sohasidagi munosabatlarni tartibga solishning qamrovi kengligi va o'ziga xos xususiyati bilan "Ta'lim to'g'risida"gi avvalgi qonundan tubdan farq qiladi. Mazkur qonun ushbu soha taraqqiyotida, hech shubhasiz, yangi ufqlarni ochib beradi. Unga muvofiq, o'qitishning masofaviy, inklyuziv shakllari joriy qilindi. Ta'lim tashkilotlariga xorijiy muassasalar bilan hamkorlikda qo'shma fakul'tet va o'quv markazlari tashkil qilishga ruxsat etildi. Shuningdek, o'qituvchilarga mualliflik dasturi va o'qitish uslublarini joriy etish, zamonaviy pedagogik shakllar, o'qitish va tarbiya usullarini erkin tanlash huquqi berildi.

Keyingi to'rt yilda mamlakatimizda innovasion va kreativ fikrlaydigan zamonaviy kadrlar tayyorlash uchun ta'lim tizimini takomillashtirish masalalariga qaratilayotgan e'tibor tizimli ravishda va izchil ortmoqda.

O'ttizta etakchi oliy o'quv yurtiga o'quv dasturlarini ishlab chiqish, qabul kvotasi va moliyaviy masalalarni mustaqil hal qilish huquqi berildi. Dosent va professor ilmiy unvonlari hamda falsafa va fan doktori ilmiy darajalarini berish vakolatining etakchi oliy ta'lim muassasalar ilmiy kengashlariga taqdim etilishi ham har bir pedagog va tadqiqotchilarga yangi imkoniyat eshiklarini ochib beradi.

Shuningdek, keyingi yillarda oliy ta'lim sohasida davlat-xususiy sheriklikni rivojlantirish, oliy ta'lim muassasalarining moddiy-texnik bazasini takomillashtirish, ularni zamonaviy o'quv-ilmiy laboratoriyalar va axborot-kommunikasiya texnologiyalari bilan ta'minlash, xalqaro ta'lim standartlariga asoslangan o'quv-uslubiy materiallar va o'quv dasturlari, etakchi pedagogik texnologiyalarni o'quv jarayoniga keng joriy qilish orqali o'quv sifatini oshirish masalalariga keng

e'tibor qaratilyapti. Davlat va nodavlat oliy ta'lim muassasalari soni va samaradorligini oshirish hisobiga oliy ta'limga qamrov darajasini 2030 yilga qadar ellik foizdan oshirish, oliy ta'lim muassasalarini yanada ko'paytirish borasida amaliy ishlar olib borilmoqda. Kamida o'nta oliy ta'lim muassasasini xalqaro e'tirof etilgan tashkilotlar reytingining birinchi 1000 taligi ro'yxatiga, jumladan, O'zbekiston Milliy universiteti va Samarqand davlat universitetini birinchi 500 ta oliy ta'lim muassasasi ro'yxatiga kiritish borasidagi sa'y-harakatlar davom etmoqda.

Raqobatbardosh milliy kadrlar tayyorlaydigan oliy ta'lim tizimi islohotlari doimiylik va izchillik talab etadigan jarayondir. Zero, tobora globallashayotgan dunyoda sifatli kadrlar tayyorlash masalasi har bir davlatning kelajagini belgilab beruvchi asosiy omil ekani o'z-o'zidan ayon. Oliy o'quv yurtlariga yon-atrofdagi mahallalardagi uyushmagan yoshlarni xorijiy tillar, komp'yuter savodxonligi, sport, madaniyat va kitobxonlik to'garaklariga jalb etish, ularning ma'naviy dunyoqarashini shakllantirishga ko'maklashish vazifasi topshirildi. Shuningdek, oliy ta'lim muassasalari o'zlariga birlashtirilgan mahalladagi "Yoshlar daftari"dagi yoshlar uchun oliy o'quv yurtlariga kirish bo'yicha bepul tayyorlov kurslarini tashkil etadi.

Bir so'z bilan aytganda, bugungi globallashuv va davlatlararo raqobat tobora kuchayib, internet va innovasion texnologiyalar har sohaga chuqur kirib borayotgan, dunyoda an'anaviy jamiyatdan axborotlashgan jamiyat sari harakatlar kechayotgan davrda mamlakatimizda har bir mutaxassisni mustaqil fikrlaydigan, jamiyatda faollik ko'rsatadigan, qiyinchiliklarni qo'rqmasdan engib o'ta oladigan, raqobatbardosh, o'z Vataniga sodiq shaxs sifatida kamolga etkazish oliy ta'lim sohasining eng asosiy, ustuvor vazifasi bo'lib qolmoqda. Bu boradagi sa'y-harakatlarning dastlabki ijobiy natijalari hozirdanoq ko'zga tashlana boshlagani esa hammamizni mamnun etdi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Tolipov U., Usmanbayeva M. Pedagogik texnologiya: nazariya va amaliyot. -T.: "Fan". 2005.
2. Iqboljon O'g'li, Tojimamatov Jamshidbek, and Egamberdiyev Oyatillokh Alisher o'g'li. "THE IMPORTANCE OF PHYSICAL EDUCATION IN THE FORMATION OF PSYCHOLOGICAL HEALTH OF A PERSON." PEDAGOGS jurnali 9.3 (2022): 4-7.
3. Khakimov, Mukhammad Khodjakhonovich, and Azimjon Latifjon ugli Melikuziev. "The History of Paralinguistic Researches." International Journal of Culture and Modernity 13 (2022): 90-95.
4. Akhmedov, A., and O. Egamberdiyev. "PEDAGOGICAL ASPECTS OF FORMATION OF PROFESSIONAL COMPETENCE IN FUTURE TEACHERS." Science and innovation 1. B4 (2022): 136-138.
5. Alisher o'g'li, Egamberdiyev Oyatillokh. "Issues of Retraining and Professional Development of Pedagogical Personnel." The Peerian Journal 5 (2022): 192-194.
6. Tojimamatov, Jamshidbek, and Oyatillokh Egamberdiyev. "THE IMPORTANCE OF PHYSICAL EDUCATION IN THE FORMATION OF PSYCHOLOGICAL HEALTH OF A PERSON." Eurasian Journal of Academic Research 2.5 (2022): 470-473.

BANK TIZIMIDA BLOKCHEYN TEXNOLOGIYASI ASOSIDA TRANZAKSIYA BLOKLARINI QABUL QILISH

Xasanov M.K. - Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU Nurafshon filiali, magistr

Annotatsiya. Ushbu maqolada, blokchen texnologiyasi haqida asosiy tushunchalar, blokcheyn texnologiyasining nazariy asoslari, blokcheyn texnologiyasining qo'llanilish sohalar, blok zanjirlarini shakllantirish texnologiyasi, blok umumiy ko'rinishi, tranzaksiyalar, blok korpusishakllantirilishi, blokcheynga bo'ladigan kriptohujumlar tasnifi, butun dunyo blokcheyn texnologiyasidan foydalanilganlik darajasi, blokcheyn texnologiyasining matematik asosi va bir qancha masalalarning echimlari keltirilgan.

Kalit so'zlar: blokcheyn, algoritm, tranzaksiya, bitcoin, intellektual mulk

Hozirgi kunda, butun dunyoda blokcheyn texnologiyasi jamiyatning ijtimoiy iqtisodiy vahakazo sohalorida kengqo'llanilmoqda. Blokcheyn texnologiyasida axborot kommunikatsiya texnologiyasida sohasida katta burilish yasadi. Bu burilishni internet yaratilishi bilan qiyoslash mumkin. Jamiyat va undagi insonlar hayoti pul, ma'lumotlar va hujjatlar bilan bog'liqdir. Shunga bog'liq holda biz pul, hujjat vaaxborotlarni beruvchi va ularni tekshirib haqiqiyiligini kafolatlovchi, yozuvlarning haqiqiyiligini tekshiruvchi har hil turdagi vositachilar bilan munosabatda bo'ladi

Hozirgi kunda, butun dunyoda blokcheyn texnologiyasi jamiyatning ijtimoiy iqtisodiy vahakazo sohalorida kengqo'llanilmoqda. Blokcheyn texnologiyasida axborot kommunikatsiya texnologiyasida sohasida katta burilish yasadi. Bu burilishni internet yaratilishi bilan qiyoslash mumkin. Jamiyat va undagi insonlar hayoti pul, ma'lumotlar va hujjatlar bilan bog'liqdir. Shunga bog'liq holda biz pul, hujjat vaaxborotlarni beruvchi va ularni tekshirib haqiqiyiligini kafolatlovchi, yozuvlarning haqiqiyiligini tekshiruvchi har hil turdagi vositachilar bilan munosabatda bo'ladi

Bugungi kunda blokcheyn texnologiyalari yangi inovatsion texnologiya yo'nalishi bo'lishiga qaramasdan bir qator ijtimoiy sohalarga kirib borib, o'z o'rnini egallagan. Insonlarning intellektual ijodi mahsuli yaratilishining jadallashishi bilan bir qatorda, ulardan foydalanish, muhofazasini ta'minlash masalasi ham dolzarblashib bormoqda. Qolaversa, internet tarmog'ining jamiyatimiz hayotida kirib kelishining takomillashishi oqibatida ma'lumotlar olish, axborot almashish hamda mulkka bo'lgan huquqlarning ruxsatsiz foydalanish ham oshib bormoqda. Ushbu holatda yaratilayotgan intellektual mulk obyektlarini shaffof, ishonchli himoyasini tashkillashtiruvchi texnologiyalarga talab ortib bormoqda. Sababi, intellektual mulk obyektlaridan foydalanishda, ularni fuqarolik huquqiy munosabatlar muomalasiga tatbiq etishda, ularning muhofazasi, nazorati va himoyasini ta'minlashda bir qator texnik usullarni amalda qo'llanilishi bugungi kunda barchamizga ma'lum. Hozirgi kun jamiyatining yashash sharoitlarini engillashtirish vositasi sifatida qaralayotgan internet tarmog'i o'z o'rnida, intellektual mulk siyosatida yaratilgan obyektlarni muhofazasini ta'minlashda ishonchlilik nuqtai nazaridan emas, balki, ularning muhofazasini buzilishiga sababchi bo'layotganligini kuzatishimiz mumkin.

Shu o'rinda, jamiyatimizning ijtimoiy munosabatlarining barcha sohalarini axborotlashtirish dolzarbdir. Har bir jamiyat va davlatning rivojlanishi uchun raqamli texnologiyalarning ahamiyatini oshirmog'imiz, uning jamiyatimizning barcha jabhalariga kirib borishini ta'minlashimiz darkor. Barcha ma'lumotlarni saqlashning eng qulay usuli –bu uni taqsimlab qayd etishdir. Taqsimlangan ma'lumotlarning reyestri sifatida, bugungi kunda blokcheyn texnologiyasi namoyon bo'lishi mumkin. Shu bilan bir qatorda, blokcheyn tushunchasiga, uning kelib chiqish doirasiga aniqlik kiritadigan bo'lsak, ushbu tushuncha borasida, bir qator ta'riflar mavjud bo'lib, ularga birma bir to'xtalib o'tsak. Avvalombor, "blokcheyn" so'zi ingliz tilidan olingan bo'lib, "bloklar zanjiri" ma'nosini anglatadi. Boshqa bir adabiyotda keltirilgan ta'rifga asosan, "Blokcheyn-bu markazlashtirilmagan ma'lumotlar bazasi bo'lib, u o'zida undan ro'yxatdan o'tgan barcha ishtirokchilar ma'lumotlari (o'tkazmalari) haqida ma'lumotlarni alohida "zanjir" shaklida saqlash imkonini beradi"

Angliya bankining fikricha, "blokcheyn – bu bir-birini bilmaydigan insonlarga ishonchli tarzda va birgalikda foydalanish imkonini beradigan texnologiyadir". Bir so'z bilan aytganda, Blokcheyn –ma'lum qoidalar asosida tuzilgan ma'lumotni o'z ichiga olgan bloklarning doimiy ketma-ket zanjiridir. Shu o'rinda, blokcheyn texnologiyasi bilan bog'liq, uning faoliyatini tashkil etishdagi asosiy tushunchalarga, ya'ni mazkur texnologiyalarni ushbu tushunchalardan ayro ravishda tasavvur etishning imkoniyati mavjud emasligidan kelib chiqqan holda, aniqlik kiritib ketishimiz maqsadga muvofiqdir. Ta'kidlangani kabi, blokcheynni

tizimlashtirilgan reyestrlar texnologiyasi sifatida ham atashadi, sababi bir qator mustaqil foylanuvchilar tomonidan zanjir ko'rinishida ma'lumotlar saqlash imkoniyati mavjud. Xatto,

virtual kompyuterlardan biri ishdan chiqib, xatolik yuzaga kelgan taqdirda ham tizimga kiritilgan ma'lumotlar yo'qolmaydi, ya'ni saqlanib qolinadi. Shu bilan bir qatorda, e'tiborimizni asosiy tushunchalarga qaratadigan bo'lsak, birinchi asosiy tushuncha -bu aktiv. Aktiv tushunchasi ostida, qardli, muhim ma'lumotlarni tushunishimiz lozim. Misol uchun, pul, mol-mulk, qimmatli qog'ozlar, axborotlar. Aktivlar ashyoviy: uy, mashina ko'rinishida yoki butunlay raqamlashtirilgan holda ham bo'lishi mumkin.

Keyingi asosiy tushuncha – bu *tranzaksiya* hisoblanadi. Aktivlarni bir shaxsdan ikkinchisiga o'tkazish jarayoni tranzaksiya deb ataladi. Masalan, A shaxs o'ziga mulk huquqi asosida tegishli bo'lgan ashyoni B shaxsga sovg'a qilmoqchi yoki sotmoqchi bo'ldi. A shaxs tomonidan ushbu jarayonning amalga oshirilishi tranzaksiya deb ataladi. Tranzaksiyada faqat ashyoni berish emas balki unga bo'lgan mutlaq mulk huquqini ham berilishi mumkin.

Navbatdagi tushuncha– bu tranzaksiyalarni hisobga olishdir. Tranzaksiyalarni

hisobga olish o'z o'rnida bir shaxsdan ikkinchi shaxsga o'tgan barcha aktivlar yoki aktivlarga bo'lgan mulk huquqlarini qayd etish hisoblanadi. Masalan, A shaxs chet davlatda bo'lgan B shaxs do'stiga tegishli miqdordagi summani o'tkazmoqchi bo'ldi. Bank emitentlari tizimi bilan bog'liq muammolar, xakerlik atakalari, firibgarlik va boshqa bir qator vujudga kelishi mumkin bo'lgan ko'ngilsiz hodisalar o'tkazmalarning o'zgarishi yoki yo'qolishiga sababchi bo'lishi mumkinligi barchaga ayon holatdir. Bu kabi operatsiyaviy holatlarning oldini olish mumkin emas, sababi barcha ma'lumotlar va jarayonlar bitta markaziy tizimda saqlanadi. Biroq blokcheyn texnologiyasi bu kabi holatlarning vujudga kelishini qisqartiradi, sababi ushbu texnologiya taqsimlangan reyestr asosida ishlaydi.

Taqsimlangan reyestr -ma'lumotlarning bitta tashkilotning reyestradasaqlanmasligidi namoyon bo'ladi. Ushbu ma'lumotlarning nusxalari bir vaqtning o'zida internet tarmog'i orqali ulangan virtual kompyuterlarning sonidan qat'i nazar yangilanadi. Blokcheyn texnologiyasida mavjud bo'lgan ma'lumotlar reyestrini o'z o'rnida qalbakilashtirib bo'lmasligi bilan ham xarakterlanadi. Kompyuterlarda saqlanayotgan ma'lumotlar barcha foydalanuvchilarda to'liq va ishonchli bo'lishida, blokcheyn texnologiyasida konsensus tushunchasini tatbiq etishgan.

Bir qator foydalanuvchilar agar kompyuterlari o'chirilgan bo'lsa ham, agar ular tomonidan kiritilgan ma'lumotlar haqiqiy bo'lmasa, ishonchsiz ma'lumotlar

foydalanuvchilarda aks etmaydi hamda kompyuterlarning ishlash faoliyatiga ta'sir qilmaydi. Konsensus jarayoni, ya'ni rozlikni olish bosqichi, haqiqiy ma'lumotlarni tiklashdir. Blokcheyn texnologiyasidabarcha ma'lumotlarning tranzaksiyasilari haqidagi axborotlar bitta blokka joylashtiriladi.

Blok –bu taqsimlangan reyestrda amalga oshirilgan tranzaksiyalar haqidagi qaydlar hisoblanadi. Unda, birshaxs boshqa shaxsga qancha miqdordagi aktivlar o'tkazmalari aks etgan bo'ladi. Barcha bloklaro'z o'rnida bitta zanjirga ulangan bo'ladi. Blokcheyn zanjiri uzilmasdir, sababi har bir blok oldingi blokka havola qiladi. Bloklarn o'zgartirib yoki o'chirib bo'lmaydi, faqat unga yangi bloklarni qo'shish mumkin. Ushbu holat bilan, har qanday holatda muayyan aktivlarning o'tkazmalari to'g'risidagi ma'lumotlarning tarixini tiklab, uning olgingi egasini aniqlash imkoniyati mavjud. Blokcheyn zanjiridagi bloklarni maynerlar ko'shishadi.

Mayner blokcheynda bir qator funksiyalarni amalga oshiradi:

•Blokcheyn nusxalarinisaqlaydi, shu bilan bir qatorda ma'lumotlarni yo'qolishidan yoki qalbakilashtirilishidan himoya qiladi;

•Tranzaksiyalarni tasdiqlaydi;

•Boshqa maynerlar tomonidan kiritilgan tranzaksiyalarni tekshiradi.

Qoidaga ko'ra, maynerlarning soni cheklanmagan. Maynerlar soni ko'p bo'lishi, tizimning ishonchliligini taqozo etadi. Har qanday shaxs mayner bo'la olishi mumkin. Buning uchunularga ixtisoslashtirilgan kompyuterlar hamda dasturiy ta'minot kerak. Maynerlarni yangitranzaksiyalarni ro'yxatdan o'tkazishni ta'minlashiga mukofot olishadi.

Mukofot sifatidabloklarda qayd etilgan tranzaksiyalardan kelib tushuvchi kommission to'lovlar namoyon bo'ladi. Muayyan algoritm asosida tizim mukofotlarni taqsimlaydi. Mukofotni olish uchun ta'kidlangani kabi maynerlar tomonidan muayyan masalani echishi kerak. Qaysi

mayner birinchi bo‘lib matematik masalani echadigan bo‘lsa, omadli hisoblanib, birinchi bo‘lib tranzaksiyalarni tizimga joylashtiradi. Bu esa o‘z navbatida, maynerlarning kompyuterlarining ishlash tezligiga bog‘liq hisoblanadi. Olingan mukofotlar tegishli tartibda virtual hamyonga mukofot tegishli tartibda tushadi. Mavjud masalalarni echish jarayonialohida bir fan doirasida o‘rganilib, ushbu fan –kriptografiya deb ataladi. Shifrlash tushunchasi ham blokcheyn texnologiyasi bilan bevosita bog‘liqdir. Kriptografiyani metodlaridan biri ham shifrlash hisoblanadi. Blokcheyn tizimidafoydalanuvchilar o‘rtasida amalga oshirilgan aktivlarning tranzaksiyalarini tegishli kriptografik kalitlar, ya’ni maxsus noyob raqamli kalitlar orqali amalga oshiriladi. Raqamli kodlarning ketma-ketligini bilib olish deyarli imkonsiz hisoblanadi. Ushbu holat o‘z o‘rnida blokcheyn texnologiyalarni bu turdagi texnologiyalar ichida yaxshilardan biri bo‘lishiga olib keladi.

Tranzaksiyalar amalga oshirilayotganda virtual hamyonni internetga ulangan holda ishlatish, qolgan vaziyatlarda internet tarmog‘idan o‘chirilgan holda saqlash tavsiya etiladi, bu esa o‘z navbatida ma’lumotlarni xakerlar atakasidan muhofaza etishiga yordam beradi. Shu bilan bir qatorda, texnologiyaning intellektual mulk himoyasidagi axborotlarni saqlashida, ishlash tartibiga to‘xtaladigan bo‘lsak, bir necha bora aytilganidek, blokcheyn (blokklar zanjiri) – taqsimlangan ma’lumotlar to‘plami bo‘lib, unda ma’lumotlar saqlash qurilmalari umumiy serverga ulanmagan bo‘ladi. Ushbu zanjirlar, ya’ni blokklar doimiy ravishda o‘sib boradi va uning o‘sib boruvchi ro‘yxati tizimda saqlanadi. Har bir blok vaqt belgisiga va bundan oldingi blokka havolaga ega bo‘ladi. Shifrlashni qo‘llash shuni kafolatlaydiki, foydalanuvchilar nafaqat ularsiz faylga yozuv kiritish imkoni bo‘lmagan yopiq kalitlar mavjudligi ma’nosida «egalik» qiladigan blokklar zanjirlari qisminigina o‘zgartirishi mumkin. Bundan tashqari, shifrlash barcha foydalanuvchilarda blokklar taqsimlangan zanjirlari nusxalarini sinxronlashtirishni ta’minlaydi. Ba’zida blokcheyn texnologiyasi «qadriyatlar interneti» deb ataladi. Blokklar orasidagi aloqa nafaqat raqamlash bilan balki, har bir blokda o‘zining va o‘zidan oldingi blokning xesh qiymati bilan ta’minlanadi. Blokda ma’lumotni o‘zgartirish uchun keyingi barcha bloklarni tahrirlash kerak bo‘ladi. Ko‘pincha blok zanjirlarining nusxalari bir-biridan mustaqil ravishda turli kompyuterlarda saqlanadi. Bu esa o‘z navbatida bloklarga o‘zgartirish kiritishni qiyinlashtiradi. O‘z o‘rnida, blokcheyn bir qator mutaxassilar tomonidan kelajak texnologiyasi sifatida qaralib, uning asosiy vazifasi tizimlashtirilgan ma’lumotlarni saqlashdan iborat. Ushbu texnologiya bir so‘z bilan aytganda, markazlashtirilmagan ma’lumotlar ba’zasi hisoblanib, mazkur texnologiyadan o‘tgan foydalanuvchilarning ma’lumotlari yoki o‘tkazmalarini o‘zida zanjir ko‘rinishida saqlaydi. Mazkur texnologiya o‘z o‘rnida, minglab virtual kompyuterlarni jamlagan bo‘lib, foydalanuvchilar ushbu o‘zlari uchun alohida yaratilgan tegishli kalit bilan tranzaksiyalarini amalga oshiradilar. Statistik ma’lumotlarga ko‘ra, 2021 yil avgust oyining o‘rtalarida, mazkur texnologiya, ya’ni blokcheyn hamyoniga ega bo‘lgan 75.6 milliondan ortiq foydalanuvchi butun dunyo bo‘ylab ro‘yxatga olingan.

Bevosita, texnologiyaning yaratilish tarixiga to‘xtaladigan bo‘lsak, blokcheyn texnologiyasi XXI asrning eng yirik kashfiyotlaridan biri desak mubolag‘a bo‘lmaydi.

Ma’lum qoidalarga muvofiq qurilgan, ma’lumotlarni o‘z ichiga olgan uzluksiz ketma-ket blokklar zanjirining kelib chiqish tarixi o‘tgan asrning 90 yillari boshiga borib taqalishi ko‘pchilikka ma’lum emas. Blokcheynning rivojlanishi, yildan-yilga takomillashib kelayotganligi sababli, raqamli iqtisodiyotdagi izlanishlar natijasida blokcheynga ta’sir ko‘rsatadigan bir nechta dasturlar paydo bo‘ldi. 1991 yilda AQSH olimlari Styuart Xaber va V. Skott Stornettalar o‘sha davrda ko‘pchilik insonlar blokcheyn deb nomlagan tizimni yaratishadi. Ularning ilk tadqiqotlari kriptografik jihatdan himoyalangan blokklar zanjirini yaratish ustida bo‘lgan. Mazkur tizim yordamida hujjatlarga qo‘yilgan vaqtinchalik belgilarni hech kim qalbakilashtira olmagan. 1992 yilda ular o‘z tizimini Merkle daraxtlarini o‘z ichiga olgan holda takomillashtiradilar, bu esa samaradorlikni oshirdi va bitta blokda ko‘proq hujjatlarni to‘plash imkonini berdi. Biroq, blokcheyn texnologiyasining konsepsiyasi 2008 yilda Satoshi Nakamoto tomonidan taklif qilingan bo‘lib, butun dunyoga birinchi marotaba 2009 yilda realizatsiya qilingan. Satoshi Nakamoto blokcheyn texnologiyasining asoschisi hisoblanadi.

Nakamoto Bitcoin tranzaksiyalarini amalga oshirish maqsadida ushbu texnologiyani ishlab chiqqan deb taxmin qilinadi. Bitcoin esa raqamli hisob-kitob texnologiyasining birinchi ko'rinishlaridan edi. Nakamoto mazkur texnologiyaning imkoniyatlaridan faqatgina kriptovalyutalar uchungina emas balki turli boshqa yo'nalishdagi dasturlarda ham foydalanish mumkinligini bildirdi. Satoshi Nakamoto mazkur texnologiya bo'yicha birinchi texnik reglamentni 2009 yilda yaratdi. Unda Nakamoto blokcheyn texnologiyasining markazlashmagan aspektini hisobga olgan holda raqamli ishonchni oshirish uchun qanchalik yaxshi jihozlangan ekanligini va bu hech kim hech narsani nazorat qila olmasligini batafsil yoritib bergan. Oddiy qilib aytganda, blokcheyn –bu xavfsiz va ko'plab kompyuterlar bo'ylab tranzaksiyalarni amalga oshirish uchun ishlatiladigan taqsimlangan raqamli hisob-kitoblar tizimidir. Mazkur hisob-kitoblarning mohiyati – faqat oldingi blokga tegishli boshqa blokni qo'shish orqali yangilanadigan tizimdir. Buni Internet orqali ishlaydigan P2P (Peer-to-

Peer –shaxsdan shaxsga) tarmog'i sifatida ham tasavvur qilish mumkin. Ta'kidlangani kabi, blokcheynning birinchi shakli bitkoin bilan amalga oshiriladigan operatsiyalarning asosiy va umumiy reyestri sifatida namoyon bo'lgan. Dastavval, blokcheyn texnologiyasi moliya va bank sektorlarida jadal foydalanilgan. Hozirgi kunda ushbu texnologiyaning qo'llanish sohalari ijtimoiy munosabatlarning rivoji bilan bevosita bog'liq bo'lib, deyarli barcha sektorlarda, xususan, transport, ta'lim, meditsina, jinoyat protsessi, davlat xizmatlari, turizm, qishloq xo'jaligi, ko'chmas mulk va h.k.

Hozirgi kunda odamlar tomonidan o'zlariga tegishli bo'lgan nomoddiy axborotlarni interaktiv jarayonlarni amalga oshiruvchi internet platformasi orqali amalga oshirish jadallashgan. Ammo fuqarolar tomonidan pul bilan bog'liq munosabatlarda, shaxslar ko'proq bank emitentlariga murojaat qilishi barchaga ma'lum holatdir. Oddiy misol, bugungi kunda mamlakatimizda ommalashgan pul tranzaksiyalarni amalga oshirishda, "Click", "Payme", "Apelsin" kabi ilovalar mavjud bo'lib, ushbu ilovalar orqali elektron pul mablag'larini bir joydan ikkinchi joyga o'tkazish imkoniyati mavjud. Xususan, "Apelsin" ilovasida pul mablag'larini viza, master karta orqali boshqa davlat valyutasiga erkin konvertatsiya qilish imkoniyati yaratilgan. Bir ko'rinishda, shaxslar tomonidan amalga oshirilayotgan elektron pul mablag'larini o'tkazish bevosita, shaxslar o'rtasida to'g'ridan to'g'ri amalga oshirilayotgandek ko'rinsa ham, ushbu vaziyatda markazlashtirilgan moliyaviy muassasalar (banklar) o'rtada vositachi bo'lib xizmat qiladi, ya'ni ular orqali o'tkazmalar amalga oshiriladi. Bevosita, butun dunyoda amalga oshiriladigan pul mablag'larining o'tkazmalarini amalga oshiruvchi to'lov usullaridan biri hisoblanmish – RauPulning mohiyatiga ham e'tiborimizni qaratadigan bo'lsak, unda ham qoidaga ko'ra, bank hisob raqami yoki kredit kartasi bilan integratsiya talab qiladi. Blokcheyn texnologiyasi esa o'z navbatida, "ortiqcha bo'g'in"dan xalos bo'lishga imkoniyat yaratadi. U an'anaviy ravishda moliyaviy xizmatlar sektori bajaradigan uch muhim rolni o'z zimmasiga olishi mumkin: bitimlarni ro'yxatdan o'tkazish, shaxs haqiqiylikini tasdiqlash va shartnomalar tuzish.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Григорьев В. В. Указ. соч. С. 489
2. Интеллектуальный капитал. Дарслик. Мас'ul muharrirlar: yu.f.d., prof., O.Oqyulov, yu.f.f.d. (PhD), dotsent N.E. Gafurova // Mualliflajamoasi. –T., TDYUnashriyoti, 2019. – 588 bet
3. Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 21.08.2021 y., 03/21/709/0808-son
4. Афанасьев А. В. Интеллектуальная собственность и авторское право в Интернете // Имущественные отношения в РФ. 2006. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/intellektualnaya-sobstvennost-i-avtorskoe-pravo-v-internete> (дата обращения: 11.04.2022).

TA'LIM TIZIMIDA INNOVATSIYANING TURLARI VA AHAMIYATI

Shukurova B.B. - TMTI "O'zbek tili va adabiyoti" kafedrasida katta o'qituvchisi

Annotatsiya. Hozirgi kunda ta'lim jarayonida innovatsion texnologiyalar, interfaol usullar, pedagogik va axborot texnologiyalarini o'quv jarayoniga qo'llashga bo'lgan e'tibor dolzarb mavzu hisoblanadi. Ushbu maqolada, asosan, oliy ta'lim tizimida innovatsion ta'lim texnologiyalarining ahamiyati haqida fikr yuritilgan.

Kalit so'zlar: innovatsion texnologiyalar, ta'lim, pedagogik va axborot texnologiyalari, aktiv, passiv va interaktiv metodlar.

Har bir jamiyatning kelajagi uning ajralmas qismi va hayotiy zarurati bo'lgan ta'lim tizimining qay darajada rivojlanganligi bilan belgilanadi. Bugungi kunda mustaqil taraqqiyot yo'lidan borayotgan mamlakatimizning uzluksiz ta'lim tizimini isloh qilish va takomillashtirish, yangi sifat bosqichiga ko'tarish, unga ilg'or pedagogik va axborot texnologiyalarini joriy qilish hamda ta'lim samaradorligini oshirish davlat siyosati darajasiga ko'tarildi. Ma'lumki, uzluksizlik va uzviylik ta'lim tizimida, avvalo, jamiyatning ma'naviy va intellektual salohiyatini kengaytiradi, qolaversa, davlatning ijtimoiy va ilmiy taraqqiyotini takomillashtirish omili sifatida ishlab chiqarishning barqaror rivojlanishini ta'minlaydi.

Pedagogik texnologiyalarning rivojlanishi va ularning o'quv-tarbiya jarayoniga kirib kelishi, shuningdek, axborot texnologiyalarining tez almashuvi va takomillashuvi jarayonida har bir inson o'z kasbiy tayyorgarligini, mahoratini kuchaytirish imkoniyati yaratiladi. Ta'limning barcha bosqichlariga oid umumiy pedagogik va didaktik vositalari, talaba (yoki o'quvchi)ning dasturiy bilim, tasavvur va ko'nikmalari asosida mustaqil ishlash samaradorligini takomillashtirish, ilmiy fikrlashga, o'quv faniga qiziqishini kuchaytirish, kasbiy bilimlarini chuqurlashtirish, nazariy va amaliy mashg'ulot mobaynida ularning faolligini oshirishdan iboratdir. Jahon pedagogik tajribasi, zamonaviy pedagogik texnologiyalarining talaba (yoki o'quvchi)larni fanlarga qiziqtirishga, ularning mustaqil ishlashda faolliklarini oshirishga imkoniyati cheksiz ekanligini tasdiqlamoqda. Ta'limning bugungi vazifasi talabalarni kun sayin oshib borayotgan axborot ta'lim muhiti sharoitida mustaqil ravishda faoliyat ko'rsata olishga axborot oqimidan oqilona foydalanishga o'rgatishdan iboratdir. Buning uchun ularga uzluksiz ravishda mustaqil ishlash imkoniyati va sharoitini yaratib berish zarur. Shuga ko'ra yoshlarining talab va istaklaridan kelib chiqqan holda umumkasbiy fanlarni axborot kommunikatsion texnologiyalar orqali tayyorlab, yoshlarning yanada bilim va ko'nikmalarini shakllantirishga harakat qilish bugungi kunning dolzarb muammosi desak, xato qilmagan bo'lamiz.

Hozirgi kunda ta'lim jarayonida interfaol uslublar (innovatsion pedagogik va axborot texnologiyalari)dan foydalanish ta'limning samaradorligini yanada oshirishga imkon yaratadi. Zamonaviy texnologiyalar qo'llanilgan mashg'ulotlar talaba (yoki o'quvchi)lar egallayotgan bilimlarni o'zlari qidirib topishlariga, mustaqil o'rganib, tahlil qilishlariga, hatto xulosalarni ham o'zlari chiqarishlariga qaratilgan. O'qituvchi bu jarayonda shaxs va jamoaning rivojlanishi, shakllanishi, bilim olishi va tarbiyalanishiga sharoit yaratadi, shu bilan bir qatorda, boshqaruvchilik, yo'naltiruvchilik vazifasini bajaradi. Bunday o'quv jarayonida talaba (yoki o'quvchi) asosiy figuraga aylanadi.

Pedagog – olimlarning yillar davomida ta'lim tizimida Nega o'qitamiz? Nimani o'qitayiz? Qanday o'qitamiz? savollariga javob izlash bilan bir qatorda qanday qilib samarali va natijali o'qitish mumkin? - degan savoliga ham javobni ta'limning serqirraligini inobatga olgan holda qisman topdilar. Chunki innovatsion texnologiyalar orqali professor – o'qituvchilar global avditoryani yaratishdi. Bu esa ta'limni yanada imkoniyatlarini kengayishiga olib keldi. Bunday global tizim esa o'zi bilan birgalikda dunyo ta'limining bosqichma – bosqich rivojlanish sturukturasini shakllantirdi. Shu bilan bir qatorda ta'lim oluvchi tomonidan yangi bilimlarni o'zlashtirish, ixtirolarni o'zgaralar bilan almashish tarmog'iga erishildi.

Axborot - yuksak rivojlangan texnologiyalar asri deb yuritilayotgan XXI asrga kelib, ta'lim jarayoniga innovatsiyani keng joriy qilish masalasiga e'tibor yanada kuchaytirildi. O'zbekistonda ham so'nggi yillarda innovatsiya boshqa sohalarga qaraganda birinchilardan bo'lib

ta'lim tizimiga kirib keldi va innovatsiyani ta'lim jarayonida qanday o'z aksini topganligini quyidagilarda ko'rishimiz mumkin. Pedagogik fanlar tizimiga innovatsiyaning kirib kelishini pedagogika fanlari tarkibiga quyidagi:

- a) Gendr pedagogikasi;
- b) Evristik pedagogika;
- v) Majburiy pedagogika;

g) Androgogik pedagogika kabi fanlarning kirib kelishi bilan belgilandi. O'qitish tizimiga innovatsiyaning kirib kelishini ta'lim mazmunida, o'qitish metodlarida, dars shakli, o'qitish turlari, o'qitish vositalarida ko'rishimiz mumkin.

- Ta'lim mazmuniga innovatsiya an'anaviy, noan'anaviy va masofaviy o'qitish turlarining kirib kelishi bilan izohlanadi.

- O'qitish metodlariga innovatsiya aktiv, passiv va interaktiv metodlarining kirib kelishi misolida ko'ramiz. Aktiv metodni qo'llash talabalarni dars jarayonidagi faolligini oshirishga xizmat qilsa, passiv metod talabalarni bir tomonlama tushuncha berilishi bilan izohlanadi. Interaktiv metod esa birgalikda faol harakat qilishi (o'qituvchi bilan talaba, talaba bilan talaba) tushuniladi.

- Dars shakliga innovatsiyani kirib kelishini standart, nostandart hamda vertual dars shakllari misolida ko'rishimiz mumkin.

- O'qitish turlaridagi innovatsiyani muammoli ta'lim, evristik ta'lim, darajalangan ta'lim, integratsiyalangan ta'lim, interfaol ta'lim, informal ta'lim, rasmiy ta'lim, norasmiy ta'lim turlari bilan izohlanadi.

- O'qitish vositalariga innovatsiyani kirib kelishini dars jarayonida multimedia, elektron doskalar va boshqa vositalar bilan izohlaymiz.

- O'qitish metodlaridagi innovatsiyani quyidagi metodlarda ko'rishimiz mumkin.

1. Aktiv metod. Bu metodni dars jarayonida faollashuviga, ma'lum bir holat va voqelikka nisbatan fikrlashga-mulohaza yuritishga undaydi.

2. Passiv metod. Bu metod dars jarayonida talabalarda o'rganilayotgan mavzu bo'yicha bir tomonlama tushuncha hosil bo'lishiga olib keladi.

3. Interaktiv metod. Bu metodning maqsadi dars jarayonida o'qituvchi va talabalarni birgalikdagi faol xatti-harakatlariga asoslanadi.

Dars shaklidagi innovatsiyani quyidagi shaklda ko'rishimiz mumkin:

a) Standart dars – dars ichidagi struktura o'zgarmaydi.

b) Nostandart dars – dars ichidagi struktura o'zgaradi.

v) Vertual dars – yani masofadan o'qitish. Pedagogik innovatsiyada "Yangi" tushunchasi markaziy o'rin tutadi. Shuningdek, pedagogik fanda xususiy, shartli, mahalliy va sub'ektiv yangilikka qiziqish uyg'otadi.

Innovatsiya jarayoni tarkibiy tuzilmalar va qonuniyatlarni qamrab olgan tizimdan iborat bo'lib, innovatsiya jarayonlari, ularning funksiyalari, rivojlanish qonuniyatlari, mexanizmlari va uni amalga oshirish texnologiyalari, boshqarish tamoyillarining pedagogik asoslarini o'rganish oliy o'quv yurtida o'quv jarayonini zamonaviy pedagogika hamda psixologiya fanlari yutuqlari asosida jahon standartlari darajasida tashkil etish imkonini beradi. Ayniqsa, texnika fanlarini o'qitishga ixtisoslashgan oliy o'quv yurtlarida muhandis kadrlarni tayyorlashda zamonaviy ta'lim texnologiyalarining ahamiyati beqiyosdir. Zero, zamonaviy interfaol ta'lim texnologiyalari asosida darsni tashkil etish –davr talabi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.G.Dj.Tosheva B.B.Toirov Innovatsion texnologiyalar ta'lim taraqqiyotining asosiy kuchi va tutgan o'rni

2.Turanova Iroda Oliy ta'lim tizimida innovatsion texnologiyalardan foydalanish 217-bet

3.Pedagogik texnologiya: muammo va istiqbollar (zamonaviy pedagogik texnologiyaning ilmiy-nazariy asoslari).Mualliflar uruhi./T.OOMQHTRM, 320-bet;

4. Ergashev R.N,Ergasheva G.M, Eshonqulova M.X. Boshlang_ich ta'lim pedagogikasi,innovatsiya va integratsiyasi.-T.:Toshkent,2021.-119bet;

5. Ibragimov X. Abdullayeva Sh. Pedagogika nazariyasi. - T. «Fan va texnologiya», 2008. - 225-bet.
4. Рашидов Х. ва бошқалар. «Касбий педагогика» блокени ўқитиш методикаси. Тошкент: ЎМКХТТМО ва УҚТИ, 2007. 200 б.
5. Олимов Қ.Т. ва бошқалар. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси. Ўқув кўлланма. Тошкент, «Фан» – 2009. 172 б.

RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR
DAVRIDA ENG YAXSHI DASTURLASH TILLARI
Xayitov A.M. - Farg'ona palitexnika instituti o'qituvchisi

Ushbu maqola hozirgi davrda eng keng tarqalgan dasturlash tillarini ko'rib chiqishga, shuningdek ularni qiyosiy tahlil qilishga va kelajakda ulardan foydalanish istiqbollari o'rganishga bag'ishlangan.

Kalit so'zlar: Python, C++, Java, dasturlash, kompyuter, kod, sintaksis.

Kompyuter dasturlarini yaratishning ishchi quroli dasturlash tillaridir. Ularning rivojlanishi taxminan ellik yildan buyon davom etmoqda. Shuning uchun eng ilg'or dasturchilar orasida mashhur bo'lgan dasturlash tillarini ko'rib chiqamiz.

Python: O'sib borayotgan zamonaviy dasturlash tili. U nisbatan kam sonli oddiy buyruqlarga ega, bu shubhasiz uning sintaksisini zamonaviy dasturlash tillari orasida eng oddiylaridan biriga aylantiradi. O'rganish qulayligi va ko'p sonli dasturlash uslublari (shu jumladan tizimli, funktsional, ob'ektga yo'naltirilgan, imperativ va aspektga yo'naltirilgan) Python deb ataladi. Bitta dasturchi tomonidan Python-da yozilgan kod boshqalar tomonidan oson o'qilishi mumkin, bu Python dasturlash tilida kod bilan ishlashni osonlashtiradi.

Pythonning boshqa afzalliklari:

- dasturning butun emas, balki alohida bo'limlari bo'yicha xatolarni tekshirish imkoniyati;
- deyarli barcha zamonaviy platformalar uchun moslashuvchan;
- katta standart kutubxona;
- C++ va C kabi tillar bilan barcha muhitlar bilan moslashuvchan.

Ushbu tilning kamchiliklari:

- ko'pgina talqin qilinadigan dasturlash tillariga xos bo'lgan algoritmi bajarish tezligining nisbatan pastligi;
- katta loyihalarda fayllarni uzatishda dinamik yozishdan foydalanish tufayli ma'lumotlar turlari bilan bog'liq muammolar.

Python doimiy ravishda yangi muxlislarni topib, dasturchilar orasida o'z mavqegini mustahkamlab borish bilan birga, web-ilovalarni ishlab chiqish segmentida etakchilardan biriga aylandi. Til har qanday platformada turli muammolarni hal qilish uchun moslashtirilgan ko'plab ilovalarga ega. Ular orasida: PyPy, IronPython, Stackless, Jython, Unladen Swallow, Micro Python va boshqalar.

C++: Ushbu dasturlash tili o'tgan asrning saksoninchi yillarining boshlarida yaratilganiga qaramay, uni zamonaviy deb tasniflash mumkin, chunki u dasturchilar orasida mashhurligini yo'qotmagan, balki yuqori darajadagi mutaxassislar tomonidan qo'llaniladi. Bugungi kunga qadar C-plus-plus eng keng tarqalgan dasturlash tili hisoblanadi (u asta-sekin o'z o'rnini yo'qotib, Java oilasi tillariga o'z o'rnini bosmoqda deb takidlab o'tsa bo'ladi), o'rganish har qanday dasturchining zimmasida. C++ kompilyatsiya qilingan statistik tiplashtirilgan C dasturlash tiliga asoslanadi, buning natijasida undan ba'zi kamchiliklarni oladi:

- nisbatan noqulay sintaksis, buning natijasida tanib olish qiyinroq bo'lgan xatolar yuzaga kelishi mumkin va shuning uchun ularni yo'q qiladi. Tilning murakkab spetsifikatsiyasi bilan birgalikda sintaksisning noqulayligi o'rganishni qiyinlashtiradi;

- uzoq dastur kodi, bu kompilyatsiya vaqtini ko'paytirishga va dasturlardan foydalanishda qiyinchiliklarga olib keladi.

C++ tilining asosiy afzalliklari quyidagilardan iborat:

- C kompilyatori tomonidan ishlov berish qulayligi, shuning uchun yuqori kod muvofiqligi. C++ kodi C tilida minimal o'zgarishlar bilan ishlatilishi mumkin va aksincha;
- ko'p qirrali. C-plus-plus deyarli har qanday dasturiy vazifani hal qilish uchun javob beradi;
- o'zaro platformalar va kompyuterlarning hisoblash quvvatiga past talablar;
- dasturchiga turli xil dasturlash uslublarini tanlash erkinligi: tizimli, ob'ektga yo'naltirilgan, funktsional, generativ.

Til standartlari vaqti-vaqti bilan yangilanadi. Oxirgisi 2021-yil dekabrda chiqdi. C++ standart kutubxonaga yangi qo'shimchalar kiritish orqali unumdorlikni oshirish va takomillashtirish yo'nalishida rivojlanishda davom etmoqda. Shu bilan birga, tilning asosiy qoidasi avvalgi til - C bilan moslikni saqlash bo'lib qolmoqda. Shu bilan birga, ishlab chiquvchilar ta'kidlaganidek, C++ da kod yozish ancha oson.

Java: Java dasturlash tili kuchli terilgan va ob'ektga yo'naltirilgan dasturlash uchun mo'ljallangan. Java, xuddi C++ kabi, asosiy C tiliga asoslangan. Tilning asosiy xususiyati - operatsion tizim va kompyuter texnikasidan qat'i nazar, dastur kodini qayta ishlaydigan virtual mashinadan foydalanish. Ushbu qayta ishlash usulining afzalliklari xavfsizlikni oshirishni o'z ichiga oladi, va kamchiliklarga bayt kod bilan ishlash usullarini takomillashtirish orqali qarshi kurash olib borilayotgan ishlashning pasayishi kiradi.

Java tilining afzalliklari quyidagilardan iborat:

- qo'shimchalarni talab qilmaydigan ilg'or standart kutubxonalar;
- dasturning yuqori darajadagi ko'chma qobiliyati;
- o'qishning nisbatan qulayligi;
- kompyuter tarmoqlarida ishlash uchun o'rnatilgan yordamga ega.

Salbiy fazilatlariga quyidagilar kiradi:

- mashinaning operativ xotirasiga kuchli yuklanish va buning natijasida past tezlik va past unumdorlik;

- til uzoq vaqtdan beri rivojlanmoqda, shuning uchun tilning qo'shimchalari va asosiy vositalari orasida butunlay bir xil funktsional qiymatga ega vositalar mavjud.

So'nggi bir necha yil ichida Java barcha turdagi ishlab chiquvchilar uchun eng yaxshi dasturiy ta'minot ro'yxatini boshqarib kelmoqda. Shuning uchun 1990 yilda asos solingan ushbu tilning dolzarbligi hali to'liq tugamagan. Java mobil ilovalar segmentida dasturlash tillari orasida etakchi bo'lib, dasturchilar uchun mehnat bozorida rivojlanish ulushi doimiy ravishda oshib bormoqda. Veb-loyihalarda Java oilasiga tegishli tillarning katta qismi ham mavjud.

Xulosa: Zamonaviy davrda dasturchilar turli xil xususiyatlarga ega bo'lgan bir qator dasturlash tillariga duch kelishadi. Ularning rivojlanishi to'xtamaydi, aksincha, faqat tezlashadi va tillar turlarini ko'paytirish yo'nalishida. Shu sababli, asosiy mutaxassislikni tanlash tobora qiyinlashib bormoqda, lekin shu bilan birga, ushbu maqolada muhokama qilingan asosiy va eng keng tarqalgan tillarni bilish har bir o'zini hurmat qiladigan mutaxassis uchun zarurdir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Xolmatov, A. A., Karimov, J. X., & Xayitov, A. M. EFFECT OF CRYSTALLIZER CATALYST ON PROPERTIES OF GLASS-CRYSTALLINE MATERIALS. Chief Editor.

2. Halimovich, T. T., Mamirovich, I. S., Muminovich, K. A., Solizhonovich, A. S., & Valerievich, S. Z. (2020). Monte Carlo method for constructing an unbelised assessment of diffusion problems. European science review, (1-2), 7-12.

БЕЛАЗ-75131 КАРЬЕР САМОСВАЛИ ТОРМОЗЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Касимов О.К., Эшнўлатов Ж.О. - Тошкент Давлат Транспорт Университети

“НКМК” акциядорлик жамиятининг рудани очиқ усулда қазиб олиш конида юк кўтарувчанлиги анча катта бўлган карьер самосваллари эксплуатация қилинади. Қазиб олиш ҳажмига қараб, юк кўтариш қобилияти ҳар хил бўлган автомобиллардан фойдаланилади,

“НКМК” АЖга қарашли энг катта “Мурунтоғ” конида, 136 т, 168 т, 220 т ҳамда 240 т юк кўтара оладиган карьер самосвалларидан фойдаланилади. Уларнинг асосий қисми Белоруссиянинг “БелАЗ” автомобил заводида ишлаб чиқарилган, шунингдек АҚШ нинг “Катерпиллар” компанияси томонидан, Япониянинг “Комацу” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган.

Корхонадаги БелАЗ автомобилларининг 136 т ва ундан юқори юк кўтара оладиган моделлари гибрид двигател билан жиҳозланган бўлиб, бу двигател ИЁД ва генератордан ташкил топган. БелАЗ-75131 моделига 4 тактли V-симон турбонаддувли Сумминс КТА 50-С двигатели ўрнатилган, двигател қуввати 1600 от кучи (1194 кВт), максимал буровчи момент 6292 Н*м .

БелАЗ-75131 автомобилининг қисқа техник тавсифи

1.	Кузов узунлиги	11,5 м
2.	Кузов кенглиги	6,4 м
3.	Кузов баландлиги	5,9 м
4.	Автомобилнинг шайланган массаси	107,1 т
5.	Автомобилнинг тўла массаси	243,1 т
6.	Автомобилнинг юк кўтарувчанлиги	136 т
7.	Кузов ҳажми	104 куб.м
8.	Ғилдираклар базаси	5,3 м
9.	Клиренс	0,6 м
10.	Тортувчи генератор қуввати	1000 кВт
11.	Тортувчи электродвигател қуввати	420/520/590 кВт
12.	Двигател қуввати	1194 кВт
13.	Двигател ҳажми	50,3 л
14.	Ғилдираклардаги босим	7 атм
15.	Максимал тезлик	50 км/с



2-расм. БелАЗ-75131 карьер самосвали РЭКларининг жойлашуви

ИЁД генераторни ишга туширади, генератор ишлаб чиқарган электр токини ўтказгичлар орқали электродвигателларга узатади ва РЭК (Редуктор-Электромотор-Колесо)ни ишга туширади, РЭК ўз навбатида орқа кўприкдаги етакчи ғилдиракларни ишга туширади.

2-расмда кўриниб турибдики автомобилда ИЁД ва генератор бир-бири билан бевосита боғлиқ, ҳайдовчи кабинасининг ён томонида эса электродвигател ва РЭКлардан маълумот олиб, олинган маълумотни таҳлил қилиб, сўнг эса керакли буйрукни берадиган электрон бошқарув блоки (ЭББ) жойлаштирилган.

БелАЗ-75131нинг трансмиссияси электромеханик бўлиб, генератор, орқа кўприкда жойлашган 2 та электродвигател ва РЭКлардан ташкил топган. РЭКлар орқа ғилдираклар ступицаларида жойлашган ва уларни электродвигателлар ҳаракатга келтирадилар. РЭК икки қатор планетар механизмдан ташкил топган, диференциалли, шестернялари тўғри тишлидир ҳамда 2-расмда кўрсатилганидек, РЭК орқа кўприк қартерига болтлар ёрдамида маҳкамланган.

БелАЗ-75131 самосвали юк билан карьерда юқорига ва горизонтал йўлда ҳаракатланганда тезлиги юқори эмас(30-50км/с), шунинг учун унинг тезлигини пасайтиришда ёрдамчи тормоз тизимидан фойдаланилади.

БелАЗ-75131нинг тормоз бошқармаси СТБ ИСО 3450 нинг хавфсизлик бўйича халқаро меъёр ва талабларга жавоб беради ва ишчи, ёрдамчи, тўхтаб туриш, захира тормоз тизимлари билан жиҳозланган.

Ишчи тормоз тизими гидравлик бўлиб, олд ва орқа контурларга бўлинган ва барча ғилдиракларга таъсир қилади. Олд ва орқа ғилдиракларга тирқиши автоматик ростланадиган диски тормоз тизими ўрнатилган. Орқа ғилдиракларнинг тормоз диски орқа кўприкдаги электродвигателнинг валида жойлашган. Бу тизим оддий режимда секинланиш ёки тормозлаш учун мўлжалланмаган, биз ундан ҳар доим ҳам фойдалана олмаймиз, ишчи тормоз тизимидан фақатгина ёрдамчи тормоз тизими етарлича самара бермаганида ва критик ҳолатларда автомобилни кескин ва тўла тўхтатиш учун фойдаланилади. Ишчи тормоз билан тормозлаш вақтида автомобил паст тезликда ҳаракатланаётган бўлиши керак, чунки юқори тезликда оғир массали юк билан тормозлаганда суппортлардаги колодкаларнинг қопламалари куйиб кетиши мумкин.

Ишчи тормоз тизими ҳайдовчи кабинасидаги тормоз крани педали билан бошқарилади. Ишчи тормоз тизимининг контурида 2 та пневмогидроаккумуляторлар жойлашган, улар ишчи суюқлик энергиясини босим остида йиғади ва тормозлаш вақтида гидротизимга узатади.

Ёрдамчи тормоз тизими қияликдан тушиш вақтида тезликни чеклаш учун хизмат қилади. Бу тизимни ишга тушириш учун газ педали қўйиб юборилиб, ёрдамчи тормоз тизими педали босилади ва керакли тезлик педални босиш бурчаги билан танланади. Ёрдамчи тормоз тизими сифатида тортувчи электродвигателларнинг тормозлаш режимдан фойдаланилади. Қияликдан тушаётганда тезликни чеклаш учун ускуналар панелидаги “тезлик стабилизatsiяси” тугмасини босиш зарур, шунда тезлик тугма босилган вақтдагидек сақланиб қолади. Ёрдамчи тормоз тизими 10 км/соат дан паст тезликларда самарадор эмас.

Тўхтаиб туриш тормоз тизими гидравлик бўлиб, орқа кўприк ғилди-ракларига таъсир кўрсатади. Бу тизимдан фақат карьер самосвали тўхтаб турганида, ҳамда юклаш ва тўкиш вақтида фойдаланилади.

Захира тормоз тизими сифатида тўхтаиб туриш ва ишчи тормоз тизимининг контуридан фойдаланилади. Карьер самосвалининг гидравлик тизими, тормоз тизими контурларида тормоз суюқлигининг босими тушиб кетганида орқа кўприкдаги тормоз тизимларини автоматик ишга тушириб, ғилдиракларни блокировкалаб қўяди.

SUN'IIY INTELEKTDI NEYRON TARMOQNING STRUKTURAVIY MODELI, NEYRON TARMOQLAR, UMUMAN OLGANDA, ODDIY BIOLOGIK JARAYONLARNI MODELLASHTIRADIGAN HISOBLASH TUZILMALARI

Musojonov X. M. - TATU Farg'ona filiali magistranti

Tojiddinov A. I. - TATU Farg'ona filiali talabasi

Abdusalomov A. Z. - TATU Farg'ona filiali talabasi

Annotatsiya. Neyron tarmoqlar, umuman olganda, oddiy biologik jarayonlarni modellashtiradigan hisoblash tuzilmalari. Assotsiatsiya sifatida, masalan, miya yarim korteksida neyronlarning faollashishi va inhibitsiyonu jarayonlari harakat qiladi.

Kalit so'zlar: neyron tarmoqlarni tasnifi, o'rganish yo'li bilan, topologiya bo'yicha, NS modeliga ko'ra, og'irlik koeffitsientlarini belgilash usuli bilan, milliy assambleya yordamida hal qilingan vazifalarga ko'ra.

Kirish

Har qanday neyron tarmoq ichidagi elementar konvertor sun'iy neyronidir. Ushbu va boshqa maqolalarda soddalik uchun biz uni oddiygina neyron deb ataymiz. Endi to'g'ridan-to'g'ri neyron tarmoqlar (NN) tasnifiga o'tamiz.

Shunday qilib, neyroinformatika bilan tanishish uchun ko'plab yangi boshlanuvchilar tarmoq arxitekturalari o'rtasidagi farqni umuman ko'rmaydilar va ular uchun har qanday neyron tarmoq bir qatlamli yoki ko'p qatlamli perseptron - o'qituvchi bilan iterativ ravishda o'qitilgan to'g'ridan-to'g'ri tarqatish tarmog'idir. Quyida ko'rib turganingizdek, bu haqiqatdan uzoqdir.

Asosiy qism

Radial-asosiy funktsiyalar tarmoqlari mavjud bo'lib, ular ham to'g'ridan-to'g'ri ulanish tuzilishiga ega, o'qituvchi bilan o'qitiladi, ammo og'irliklar eng kichik kvadratlar usuli holatlaridan biri sifatida bir marta hisoblanadi.

Nazorat qilinmagan ta'lim tarmoqlari (o'z-o'zini o'rganish yoki o'z-o'zini tashkil qilish), masalan, tuzatish munosabatlari va kirish ma'lumotlarini taqdim etish formatlarida farq qiluvchi Kohonen va adaptiv rezonans tarmoqlarini o'z ichiga oladi. Va bu tarmoqlar ham to'g'ridan-to'g'ri tarqatishdir.


Ammo oldingi qatlamlarga chiqishlardan olingan fikr-mulohazalar, masalan, Hopfield, Cosco va Hamming tarmoqlariga ega. Ularning arxitekturasidagi ichki farqlar, shuningdek, signallarni ifodalash va qayta ishlash usullari ular butunlay boshqa muammolarni hal qila olishiga olib keladi.

Neyron tarmoqlarni tasnifi. Tasniflash mezoniga ko'ra, NS har xil turlarga bo'linishi mumkin. Ushbu sun'iy intellekt usulini quyidagi xususiyatlarga ko'ra tasniflashimiz mumkin:

1. O'rganish yo'li bilan
2. Topologiya bo'yicha
3. NS modeliga ko'ra
4. Og'irlik koeffitsientlarini belgilash usuli bilan
5. Milliy Assambleya yordamida hal qilingan vazifalarga ko'ra

Quyidagi rasmda birinchi to'rt xususiyatga ko'ra eng universal tasnif ko'rsatilgan.

Neyron tarmoqlarni echilayotgan masala turiga qarab tasniflash



Quyidagi rasmda hal qilinayotgan muammo va foydalanilgan NN turi o'rtasidagi bog'liqlik ko'rsatilgan.

Xulosa

Biz sun'iy neyron tarmoqlarning eng mashhur turlarini ko'rib chiqdik va ular yordamida qanday vazifalarni hal qilish mumkinligini ko'rsatdik va turli mezonlarga ko'ra neyron tarmoqlarning bir nechta tasniflarini berdik.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. S.K.G'aniev, M.M. Karimov, K.A. Toshev «Axborot xavfsizligi. Axborot-kommunikatsion tizimlari xavfsizligi», «Aloqachi» 2008 y.
2. Qosimov S.S “Axborot texnologiyalari” texnik oily o'quv yurtlari uchun uslubiy qo'lanma. Toshkent.: “Aloqachi” 2006 y.

SUN'IY INTELEKTD A PERSEPTRON VA XUSUSIYATLARI. PERCEPTRON - NEYROKOMPYUTERLARNING PROTOTIPI

Musojonov X. M. - TATU Farg'ona filiali magistranti

Tojidinov A. I. - TATU Farg'ona filiali talabasi


Abdusalomov A. Z. - TATU Farg'ona filiali talabasi

Annotatsiya. Sun'iy neyron tarmoq (Artificial neural network ANN) biologik neyron tarmoqning soddalashtirilgan modeli bo'lib, u bir-biri bilan o'zaro ta'sir qiluvchi sun'iy neyronlar to'plamidir.

Kalit so'zlar: Neyron tarmoqning tuzilishi, neyron tarmoqlarning turlari, bir qatlamli neyron tarmoq (ingliz. *Single-layer Neural network*) ko'p qatlamli neyron tarmoq (ingliz. *Ko'p qatlamli neyron tarmog'i*)

Kirish

Sun'iy neyron tarmoq (Artificial neural network ANN) biologik neyron tarmoqning soddalashtirilgan modeli bo'lib, u bir-biri bilan o'zaro ta'sir qiluvchi sun'iy neyronlar to'plamidir.



1-rasm. Biologik neyron tarmoqni soddalashtirish

Neyron tarmoqlarning asosiy tamoyillari 1943-yilda Uorren Makkaloch va Uolter Pits tomonidan tasvirlangan. 1957-yilda nevrolog Frenk Rozenblatt birinchi neyron tarmoqni ishlab chiqdi va 2010-yilda katta hajmdagi o'quv ma'lumotlari mashinani o'rganish uchun neyron tarmoqlardan foydalanish imkoniyatini ochdi.

Asosiy qism

Hozirgi vaqtda neyron tarmoqlar mashinani o'rganishning ko'plab sohalarida qo'llaniladi va turli xil murakkablikdagi muammolarni hal qiladi.

Neyron tarmoqning tuzilishi. Biologik neyron tarmog'ining yaxshi namunasi - inson miyasi. Bizning miyamiz murakkab biologik neyron tarmoq bo'lib, u sezgilardan ma'lumot oladi va uni qandaydir tarzda qayta ishlaydi (yuzlarni tan olish, hislarning paydo bo'lishi va boshqalar). Miya, o'z navbatida, bir-biri bilan o'zaro ta'sir qiluvchi neyronlardan iborat.

Sun'iy neyron tarmog'ini qurish uchun biz xuddi shu tuzilmadan foydalanamiz. Biologik neyron tarmog'i singari, sun'iy bir-biri bilan o'zaro ta'sir qiluvchi neyronlardan iborat, ammo u soddalashtirilgan modeldir. Shunday qilib, masalan, ANNni tashkil etuvchi sun'iy neyron ancha soddaga ega: u turli xil signallarni qabul qiladigan, ularni o'zgartiradigan va boshqa neyronlarga uzatadigan bir nechta kirishlarga ega. Boshqacha qilib aytganda, sun'iy neyron $R^n \rightarrow R^n \rightarrow R$ funksiya bo'lib, bir nechta kirish parametrlarini bitta chiqishga aylantiradi.


Misollar yoki kuzatishlar asosida o'rganishning eng oddiy shakli - bu xulosaning natijasi bo'lishi kerak bo'lgan qoidaning umumiy shaklini aniqlash va keyin ma'lumotlarga qarab ushbu qoidaga kiritilgan parametrlarni moslashtirishdir. Shu bilan birga, psixologik ta'lim modellari, ta'limni boshqarish tizimlari va boshqa usullar qo'llaniladi.

Sun'iy intellekt sohasidagi ushbu toifadagi o'quv tizimiga misol sifatida Meta-Dentral tizimidir. Ushbu tizim o'quv jarayonida ishlab chiqarish qoidalarini to'g'rilash yoki boshlang'ich ommaviy spektral ma'lumotlarga asoslanib, yangi qoidalarni keltirib chiqaradi, parametrik o'rganish unda biroz o'ziga xos shaklda taqdim etiladi, ammo baribir u yuqoridagi toifaga kiradi, chunki tizim asosiy xususiyatga ega. alohida ma'lumotlarga ko'ra ketma-ket tuzatiladigan bilimlar tuzilishi.

Neyron tarmoqlarning turlari. Neyronning neyron tarmog'ida qanday joylashishini aniqlagandan so'ng, ularni ushbu tarmoqda qanday tartibga solish va ulash kerakligini tushunish qoladi.

Qoida tariqasida, ko'pchilik neyron tarmoqlarda deb ataladigan kirish qatlami, u faqat bitta vazifani bajaradi - kirish signallarini boshqa neyronlarga taqsimlash. Bu qatlamning neyronlari hech qanday hisob-kitoblarni amalga oshirmaydi. Aks holda, neyron tarmoqlar quyidagi asosiy toifalarga kiradi.


Bir qatlamli neyron tarmoq (ingliz. *Single-layer Neural network*) - kirish qatlamidan signallar darhol chiqish qatlamiga uzatiladigan, signalni o'zgartiradigan va darhol javob beradigan tarmoq



2-rasm. Bir qavatli neyron tarmoq sxemasi

O'ng tomonda keltirilgan bir qatlamli neyron tarmog'ining diagrammasidan ko'rinib turibdiki, x_1, x_2, \dots, x_n signallari kirish qatlamiga keladi (bu neyron tarmoq qatlami hisoblanmaydi), keyin esa signallar oddiy neyronlarning chiqish qatlamiga taqsimlanadi. Kirish qatlamining neyronidan chiqish qatlamining neyroniga qadar har bir chekkada raqam yoziladi - mos keladigan ulanishning og'irligi.

Ko'p qatlamli neyron tarmoq (ingliz. *Ko'p qatlamli neyron tarmog'i*) - kirish, chiqish va ular orasida joylashgan neyronlarning bir (bir nechta) yashirin qatlamlaridan iborat neyron tarmoq.



3-rasm. Ko'p qatlamli neyron tarmoq sxemasi

Perseptron g'oyasini nevrolog Frenk Rozenblat taklif qilgan. U insonning idrok etish jarayonini taqlid qiluvchi qurilma sxemasini taklif qildi va uni “*perseptron*” (lotincha *perceptio* – sezgidan) deb atadi. 1960 yilda Rosenblatt ingliz alifbosining ba'zi harflarini taniy oladigan Mark-1 nomli birinchi neyrokompyuterni taqdim etdi.

Xulosa

Kirish va chiqish qatlamlariga qo'shimcha ravishda, bu neyron tarmoqlarda oraliq, *yashirin qatlamlar* mavjud. Bunday tarmoqlar bir qatlamli neyron tarmoqlarga qaraganda ancha ko'proq imkoniyatlarga ega, ammo yashirin qatlam neyronlarini o'rgatish usullari nisbatan yaqinda ishlab chiqilgan.

Neyronlarning yashirin qatlamlari ishini yirik zavod ishi bilan solishtirish mumkin. Zavoddagi mahsulot (chiqish signali) dastgohlarda bosqichma-bosqich yig'iladi. Har bir mashinadan keyin ba'zi bir oraliq natija olinadi. Yashirin qatlamlar, shuningdek, kirish signallarini ba'zi bir oraliq natijalarga aylantiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. S.K.G'aniev, M.M. Karimov, K.A. Toshev «Axborot xavfsizligi. Axborot - kommunikatsion tizimlari xavfsizligi», «Aloqachi» 2008 y.
2. Qosimov S.S “Axborot texnologiyalari” texnik oily o'quv yurtlari uchun uslubiy qo'lanma. Toshkent.: “Aloqachi” 2006 y.

SUN'IY INTELEKTD A BILIMLAR BILAN ISHLASH VOSITALARINING TASNIFI, MISOLLAR BO'YICHA BILIMLARNI O'ZLASHTIRISH. BILIMLAR BILAN ISHLASH VOSITALARI, BILIM INJENERIYASI

Musojonov X. M. - TATU Farg'ona filiali magistranti

Tojiddinov A. I. - TATU Farg'ona filiali talabasi

Abdusalomov A. Z. - TATU Farg'ona filiali talabasi

Annotatsiya. Ushbu maqolada men ushbu kompleksning muammolaridan birini hal qilish usullarini tasvirlashga harakat qildim - bu bilimlarni egallash muammolari yoki boshqacha qilib aytganda - o'rganish.

Kalit so'zlar: bilim injeneriyasi , bilimlarni egallash usullari , xulosasiz o'rganish misollar bo'yicha bilimlarni o'zlashtirish.

Kirish

Bilim injeneriyasi - axborot texnologiyalari sohasi bo'lib, uning maqsadi bilimlarni inson tomonidan qayta ishlash ob'ekti sifatida emas, balki kompyuterda ishlov berish ob'ekti sifatida to'plash va qo'llashdir. Buning uchun inson va kompyuter tomonidan bilim va ularni qayta ishlash xususiyatlarini tahlil qilish, shuningdek, ularning mashina tasvirini ishlab chiqish kerak. Afsuski, bu

aniq va inkor etilmaydigan ta'rif bilimlarni ifodalaydi, hali berilmagan. Shunga qaramay, bilim injeneriyasining maqsadi - kompyuter tizimlarida bilimlardan avvalgidan yuqori darajada foydalanishni ta'minlash - dolzarbdir. Ammo shuni ta'kidlash kerakki, bilimdan foydalanish imkoniyati faqat ushbu bilim mavjud bo'lganda amalga oshirilishi mumkin, bu juda tushunarli. Bilimlarni to'plash va umumlashtirish texnologiyasi bilimlardan foydalanish texnologiyasi bilan yonma-yon boradi, ular bir-birini to'ldiradi va bitta texnologiyani, bilimlarni qayta ishlash texnologiyasini yaratishga olib keladi.

Asosiy qism

Bilimlarni egallash usullari. Bilimlarni egallash ikki funktsiya yordamida amalga oshiriladi: tashqaridan axborot olish va uni tizimlashtirish. Shu bilan birga, ta'lim tizimining mantiqiy xulosalar chiqarish qobiliyatiga qarab, bilimlarni o'zlashtirishning turli shakllari, shuningdek, olingan ma'lumotlarning turli shakllari mumkin. Ulardan foydalanish uchun bilimlarni ifodalash shakli tizim ichida belgilanadi, shuning uchun uni olishi mumkin bo'lgan ma'lumot shakli tizim ma'lumotni bilim darajasiga rasmiylashtirish uchun qanday qobiliyatlarga ega ekanligiga bog'liq. Agar o'quv tizimi bunday qobiliyatlardan butunlay mahrum bo'lsa, unda odam hamma narsani oldindan, ma'lumotni rasmiylashtirishga qadar tayyorlashi kerak, ya'ni mashinaning mantiqiy xulosalar chiqarish qobiliyati qanchalik baland bo'lsa, odamga yuk shunchalik kam bo'ladi.

Ta'lim tizimi tomonidan bilim olish uchun talab qilinadigan funktsiyalar tizim konfiguratsiyasiga qarab farqlanadi. Quyida bilimlarni muhandislik tizimlarini ko'rib chiqishda 1.1-rasmda ko'rsatilgan konfiguratsiyaga ega bo'lgan tizim mavjudligi taxmin qilinadi, u bilimlar bazasini va muammolarni hal qilish uchun ushbu bilimlardan foydalanadigan xulosa chiqarish mexanizmini o'z ichiga oladi. Agar bilimlar bazasi ularni taqdim etishning standart shakli haqidagi bilimlar bilan to'ldirilgan bo'lsa, unda bu bilimlardan ham foydalanish mumkin. Binobarin, ta'lim funktsiyalari tashqaridan olingan ma'lumotlarni bilimga aylantirish va ular bilan bilimlar bazasini to'ldirish uchun talab qilinadi.

Xulosasiz o'rganish. A toifasini xulosalarsiz yoki eslab qolmasdan o'rganish deb atash mumkin, bu ma'lumotni olishning oddiy jarayoni bo'lib, unda xulosalar funktsiyalari ixtiyoriydir va dasturlar yoki ma'lumotlar shaklida olingan ma'lumotlar muammolarni o'zgarmagan holda hal qilish uchun ishlatiladi. Boshqacha qilib aytganda, bu mavjud kompyuterlarga xos bo'lgan axborotni olish usulidir. B toifasi - bilim shaklida, ya'ni xulosa qilish uchun ishlatilishi mumkin bo'lgan shaklda taqdim etilgan tashqi ma'lumotni olish. O'quv tizimi kiritilgan ma'lumotlarni keyinchalik foydalanish va bilimlar bazasiga kiritish uchun qulay formatga aylantirish funktsiyasiga ega bo'lishi kerak.

Misollar bo'yicha bilimlarni o'zlashtirish. Misollar bo'yicha bilimlarni o'zlashtirish usuli avvalgi usuldan farq qiladi, chunki bu erda individual faktlar to'planadi, o'zgartiriladi va umumlashtiriladi va shundan keyingina ular bilim sifatida qo'llaniladi. .. Va shunga mos ravishda, tizimdagi xulosalar tizimining murakkablik darajasidan umumiylik va murakkablik darajasi bo'yicha har xil bilimlar paydo bo'ladi. Shuni ham ta'kidlash kerakki, bilimlarni o'zlashtirishning ushbu usuli deyarli amaliy qo'llanilmagan, bu kirish ma'lumotlari tizimli ma'lumotlar to'plami emasligi va ularni qayta ishlash uchun tizim ma'lum bir sohada keng bilimlarni talab qilishi bilan bog'liq bo'lishi mumkin.

Ilm olishning oldingi usuli bilan solishtirganda, bu usul katta erkinlik darajasiga ega va shunga mos ravishda ushbu tamoyilning umumiy qoidalarini tavsiflash kerak.

Xulosa

Misollar yoki kuzatishlar asosida o'rganishning eng oddiy shakli - bu xulosaning natijasi bo'lishi kerak bo'lgan qoidaning umumiy shaklini aniqlash va keyin ma'lumotlarga qarab ushbu qoidaga kiritilgan parametrlarni moslashtirishdir. Shu bilan birga, psixologik ta'lim modellari, ta'limni boshqarish tizimlari va boshqa usullar qo'llaniladi.

Sun'iy intellekt sohasidagi ushbu toifadagi o'quv tizimiga misol sifatida Meta-Dentral tizimidir. Ushbu tizim o'quv jarayonida ishlab chiqarish qoidalarini to'g'rilash yoki boshlang'ich ommaviy spektral ma'lumotlarga asoslanib, yangi qoidalarni keltirib chiqaradi, parametrik o'rganish

unda biroz o'ziga xos shaklda taqdim etiladi, ammo baribir u yuqoridagi toifaga kiradi, chunki tizim asosiy xususiyatga ega. alohida ma'lumotlarga ko'ra ketma-ket tuzatiladigan bilimlar tuzilishi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. S.K.G'aniev, M.M. Karimov, K.A. Toshev «Axborot xavfsizligi. Axborot - kommunikatsion tizimlari xavfsizligi», «Aloqachi» 2008 y.
2. Qosimov S.S “Axborot texnologiyalari” texnik oily o'quv yurtlari uchun uslubiy qo'lanma. Toshkent.: “Aloqachi” 2006 y.

ROBOTOTEXNIKA QURILMALARINING ENERGIYA TA'MINOTI MUAMMOLARI *Xushboqov B.X., Abduraxmonov A. – TMTI*

Robot nima? A.Azimov qisqa tushuncha beradi: robot=mashina+kompyuter. Robot bu qo'yilgan muammoni echuvchi kompyuterlashgan mashina. Ushbu vazifalar insondan boshqa ixtiyoriy tirik mavjudot uchun murakkab hisoblanib, mashina kompyutersiz xal eta olmaydi.

ISO 8773-20143 standartiga ko'ra robot atamasi – ikki va undan ortiq o'qlar bo'yicha dasturlanadigan, ishchi muhitda harakatlanishda bir qadar avtonomlikka ega bo'lgan va maqsadiga ko'ra vazifalarni bajaruvchi yuritmal mexanizmini anglatadi.

Robototexnik qurilma (RTQ) atamasi esa – sanoat yoki xizmat ko'rsatuvchi robot tavsifiga ega yuritmal mexanizm tushuniladi.

RTQ strukturaviy modeliga quyidagi tizimlar kiradi: transport, axborot, texnologik, kommunikatsion, intellektual, energetik va yordamchi. Shuni ta'kidlab o'tish lozimki, ixtiyoriy robototexnik qurilma boshqaruv, turli ma'lumotlarni qabul qilish va uzatish uchun aloqa vositasi bo'lishi lozim.

RTQ larni quyidagicha sinflash mumkin:

Maqsadiga ko'ra: ma'lumot yig'uvchi, muhandislik, transport;

Qo'llanilish muhitiga ko'ra: havo/kosmik, er usti, dengiz;

Harakatlantirgich turiga ko'ra: vintli, gusinitkali, g'ildirakli, qadamlovchi, g'ildirakli-qadamlovchi, suv otuvchi, reaktiv;

Boshqaruv turiga ko'ra: qo'lda boshqariladigan, dasturiy boshqaruvli, adaptiv boshqaruvli;

Energiya manbasiga ko'ra: ichki yonuv dvigatel, tokning kimyoviy manbasi, quyosh element, yonilg'i element, energiyani molekular yig'uvchi, yadro reaktorli, kombinatsiyalangan;

Yuritma turiga ko'ra: elektr, gidravlik, pnevmatik, aralash.

Qo'yilgan maqsadiga ko'ra RTQ ga turli talab qo'yilish mumkin, masalan axborot yig'uvchi - tezkor, transport – yuk ko'taruvchan. Lekin shunga qaramasdan har qanday maqsadli RTQ uchun umumiy bitta talab – avtonomlik talabi qo'yiladi.

Avtonomlik deyilganda fazoda ma'lum bir vaqt oralig'ida, o'zgaruvchan atrof muxit sharoitida boshqa yordam beruvchi va yuqori turuvchi sub'ektlar bilan aloqa qilmasdan o'ziga yuklatilgan funksional vazifasini bajara olish qobiliyati kiradi.


Yuqorida keltirilgan avtonomlik talabidan kelib chiqadiki, RTQ avtonomligini ta'minlovchi asosiy element elektr ta'minot tizimi ekan. Elektr ta'minot tizimiga quyidagilar kiradi: RTQ ishini yonilg'i, moylash, sovutish, xavoni tozalash va boshqalar birgalikda ta'minlovchi ichki yonuv dvigateli yordamida ishlovchi elektroagregat; akkumulator batareyalari; boshqaruv bloki, kommutatsiya va himoya.

Elektr ta'minot tizimi foydalanishning barcha berilgan gartlarida, jumladan dengiz satxidan 3000 m balandlikda ham apparatlar va jixozlarni elektr energiya bilan ta'minlashi lozim. Ushbu tizim istemolchilarni harakatlanishda va to'xtab turishda elektr energiya bilan elektroagregat hamda akkumulator batareyasidan ta'minlashi lozim (harakatlanishda 0,5 soat, to'xtab turganda 5 soatdan kam bo'lmagan vaqtda, navbatchi rejimda 6 soat).

RTQni energiya ta'minoti muammosini xal qilish hozirda juda dolzarb. Ushbu sohada tadqiqot olib borayotgan olimlar noan'anaviy va yangi turdagi energiya manbalari, energiya tejamkorligini amalga oshiradigan qurilma va algoritmlardan foydalanish, mexanik energiyani

elektr energiyaga rekuperatsiya qilish va akkumulator batareyalariga yig'ish ustida ish olib borishmoqda.

Olimlar hozirgi kunda akkumulator batareyalariga muqobil sifatida yoqilg'i elementlarini RTQ larga almashtirish ustida ish olib borishmoqda.



1-rasm. RTQlarni boshqarish uchun taklif qilinayotgan prinsip

Xulosa qilib aytganda hozirgi vaqtda avtonom rejimda ishlovchi RTQ larning energiya ta'minoti muammosi hal qilinmagan. Bizning fikrimizcha, RTQ lar energiya ta'minotini ta'minlashga qaratilgan tadqiqotlar uchun bort energiya ta'minot manbalari, rekuperatsiya qurilmalari va energiya tejamkorlikni amalga oshiruvchi dasturiy ta'minotlarning kombinatsiyalashgan prinsipidan foydalanish maqsadga muvofiq.

Adabiyotlar:

1. Постников А.А., Юров Ю.Ю. Современные проблемы энергетического обеспечения робототехнических устройств. <https://cyberleninka.ru/article/n/sovremennye-problemy-energeticheskogo-obespecheniya-robototekhnicheskix-ustroystv>
2. Готлиб, Б. М. Введение в специальность «Мехатроника и робототехника»: курс лекций / Б. М. Готлиб, А. А. Вакалюк. – Екатеринбург : УрГУПС, 2012. – 134 [2] с.

РАЗВИТИЕ СИСТЕМЫ ИНТЕРНЕТ-МЕДИА КАК ИНСТРУМЕНТА ЭЛЕКТРОННОЙ КОММЕРЦИИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Алимжонова О. С. - Ташкентский университет информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразмий, Узбекистан

В настоящее время информационные технологии и глобальные сети становятся неотъемлемой частью социально-экономического развития страны. Что отражается на росте числа предпринимателей, строящих свой бизнес на основе электронной коммерции. Практически все развитые и развивающиеся страны мира переходят на электронную коммерцию в целях выйти на мировой рынок и Узбекистан не является исключением. Экономика современного Узбекистана более самостоятельна, нежели до обретения государственной независимости. Страна находится на пути к большей самообеспеченности по целому ряду товаров - от лекарственных препаратов до комплектующих для автомобилестроения. Интеграция страны в мировое информационное пространство, активизация и укрепление её позиций на международном рынке, совершенствование торговых операций на территории страны во многом зависит от успешности внедрения современных информационных и коммуникационных технологий в практику торговли. Актуальность разработки электронных площадок обусловлена необходимостью замены традиционного механизма торговли между предприятиями, между предприятием и клиентом, для оказания услуг на должном уровне. В этом плане изучение разработанных в

Узбекистане веб-приложений для электронной коммерции, остаётся актуальной проблемой для мониторинга сферы.

Для решения этой проблемы поставлена задача, в которой ведутся исследования и анализ интернет-технологий, особенности организаций и введения бизнеса на новой технологической основе в условиях интернет-среды. Роль электронной коммерции в системе рыночных отношений, где уровень доверия клиента решают веб-сервисы.

Развитие сети Интернет привело к образованию новых возможностей для продвижения бизнеса онлайн, а именно:

- онлайн-продажи
- интернет-банкинг
- бронирования билетов и отелей
- транзакции в платежных системах
- онлайн-маркетинг и реклама.

По результатам исследования можно сделать следующие выводы:

1. За 2020 год электронная коммерция принесла республике Узбекистан в размере 481,3 млн долларов, в частности 32% из них приходятся на электронные услуги. По статистике Минторга США к 2025 показатели будут расти ежегодно на 6,3%. Одной из ключевых аспектов электронной коммерции является универсальность. Работая по всем возможным принципам в Узбекистане успешно внедрены веб-приложения для электронной торговли, включая B2B (Business-to-Business) на примере webname.uz, B2C (Business-to-Consumer) на примере Express 24, C2C (Consumer-to-Consumer) на примере olx.uz, G2C (Government-to-Citizens) на примере uzairways.uz и eticket.railway.uz, C2B (Consumer-to-Business) humocard.uz, G2G (Government-to-Government) my.gov.uz, B2P B2E (Business-to-Employee) zumrad.uz. apelsin.uz. anorbank.uz, B2B2C (Business-to-Business-to-Customer) fargo.uz.

2. Расширение бизнеса с учетом современных реалий, по стандартам цифровой экономики, где доступность веб-приложений изменяют потребности клиентов. Потребители становятся менее лояльны к одному поставщику услуг. Объясняется это появлением новых продуктов, условий и возможности выбора, которые неуклонно расширяются. Сейчас уже невозможно переманить клиентов на свою сторону, если они не получают то, что им нужно, за несколько кликов. Некоторые продавцы постепенно переходят на новый уровень, предлагая услугу онлайн-чата. Это дает моментальную связь с клиентом. И если магазин может предложить покупателю полезный совет через его мобильное устройство, то с высокой долей вероятности посетитель станет лояльным клиентом, и будет возвращаться постоянно.

3. Социальное взаимодействие сегодня на подъеме в мире онлайн-торговли. Одно дело иметь продукты, которые хотят клиенты, другое – подстраиваться под пользователя, но именно это и происходит сейчас. За последние 5 лет правительство Узбекистана координирует и реализовывает переход государственных услуг в области электронной коммерции.

Развиваются платежные инфраструктуры банковских систем, национальная почтовая связь создает торговую площадку, а также создаются масштабные маркетплейсы для продвижения экспорта Узбекистана.

Использованная литература:

- ЭЛЕКТРОННАЯ КОММЕРЦИЯ. Д.М. РАСУЛЕВ, Р.Х. АЛИМОВ, Ш.Р. ДЖУМ АНИЯЗОВ, У.Т. ХАЙИТМАТОВ. 2019
- Тронин Ю.Н. Информационные системы и технологии в бизнесе, – М.: Изд-во "Альфа Пресс", 2005.
- <https://www.calltouch.ru>
- <https://retail-loyalty.org/>

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА КИБЕРХАВФСИЗЛИКНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Абдураимов Р. Э. – Тошкент давлат техника университети

Қиличев С. Т., Абдураимов Д. Э. – Гулистон давлат университети

Рақамли иқтисодиёт - бу хўжалик фаолиятини юритиш бўлиб, бунда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишдаги асосий омил рақамлар кўринишидаги маълумотлар бўлиб, катта ҳажмдаги ахборотларни қайта ишлаш ва шу қайта ишлаш натижасини анализ қилиш ёрдамида ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, технологиялар, қурилмалар, сақлаш, маҳсулотларни етказиб беришда олдинги тизимдан самаралироқ ечимлар тадбиқ қилишдир. Бошқача қилиб айтганча, рақамли иқтисодиёт бу онлайн хизматлар кўрсатиш, электрон тўловлар амалга ошириш, интернет савдо, краудфандинг ва бошқа турдаги соҳаларни рақамли компьютер технологияларини ривожланиши билан боғланган фаолиятдир.

Асосан рақамли иқтисодиётни ривожланишининг асосий элементи сифатида электрон тижорат, интернет банкинг, электрон тўловлар, интернет реклама ва шу билан бирга, интернет ўйинлари кўрилади.

Иқтисодиётнинг ривожланишини бошқа афзалликлари қуйидагича бўлиши мумкин:

- ишлаб чиқаришда меҳнат самдорлигини ошиши;
- компанияларнинг рақобатбардошлигини ўсиши;
- ишлаб чиқаришдаги ҳаражатларнинг камайиши;
- янги иш ўринлари яратилиниши;
- янги замонавий касблар пайдо бўлиши;
- камбағалликни енгиш ва ижтимоий тенгсизликни йўқолиши.

Дунё мамлакатлари каби Ўзбекистонда ҳам рақамли иқтисодиёт ривожланмоқда. Кундалик ҳаётимизга ахборот технологияларни тадбиқ қилиниши ортидан оддий инсонлар учун кўплаб имкониятлар яратилмоқда. Лекин шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт Ўзбекистон потенциалига нисбатан бир неча баробар секинроқ ривожланмоқда. Яъни имконият бор, керакли ресурслар мавжуд лекин ривожланиш анча суст. Бунга сабаб сифатида рақамли иқтисодиётни Ўзбекистонда ривожланишини бир канча тўсиқларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

- кўплаб соҳалардаги монополия;
- интернет тезлигини пастлиги ва уни сифатсизлиги;
- ахборот технологиялари соҳасида қонунчиликнинг замондан орқада қолганлиги;
- фуқароларда компьютер саводхонлигининг ўта пастлиги;
- қонунчиликнинг шаффоф эмаслиги;
- ахборот технологийлари бўйича мутахассисларнинг етишмаслиги ёки уларни бошқа мамлакатларга кетиб қолиши;
- ахборот маданияти, ахборот гигиенаси пастлиги;
- ахборот технологиялари хавфсизлиги яхши эмаслиги;
- бошқарув органларида соҳани тушунадиган мутахассисларнинг камлиги ёки (баъзиларида) уларнинг умуман йўқлиги;
- илм-фан ва айниқса аниқ фанларнинг ривожланиши суствлиги (ёки ривожланишдан тўхтаб қолганлиги).

Юқорида келтирилган муоммолар босқича-босқич, тизимли, дунё тажрибасидан келиб чиқиб ҳал қилинса, Ўзбекистон ҳам бемалол рақамли иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда бири бўла олади.

Рақамли иқтисодиёт келтириб чиқариши мумкин бўлган хавфлар қуйидагилар ҳисобланади:

- Кибер ҳужум хавфи, шахсий маълумотлар ҳимояси билан боғлиқ муоммолар;

➤ “рақамли қуллик” (миллионлаб инсонлар маълумотларидан кейинчалик уларни ўзларини тутишини бошқариш учун фойдаланиш);

➤ ишсизликни ошиши, ахборот технолоияларини ривожланиши ва уни тадбиқ қилиниши ортидан бир қанча соҳалар ва касблар йўқ бўлиб кетиши мумкин.

Рақамли иқтисодиёт рақамли технологияларга асосланган, электрон бизнес, электрон тижорат билан боғланган, рақамли товар ва хизматлар ишлаб чиқараётган ва тақдим этаётган иқтисодий фаолиятдир. Бунда иқтисодий хизмат ва товарлар учун ҳисоб-китоблар электрон пул орқали амалга оширилади. Рақамли иқтисодиёт концепцияси атомдан битга, яъни кимёвий енг кичик заррадан электрон бирликка ўтишга асосланади. Рақамли иқтисодиёт йирик саноат объектлари иш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришда ўсиш, фаолият шаффофлигини таъминлаш, маҳсулот таннархини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистонда барча тизимлар рақамлашмоқда. Айниқса, коронавирус туфайли жорий этилган карантин режимида онлайн товар ва хизматларга бўлган талаб яна-да ортди, барча соҳаларда рақамли функцияларнинг сафи кенгайди. Бугун уйдан чиқмасдан тўловларни амалга ошириш, ҳеч бир муаммосиз масофавий таълим олиш, дунёнинг йирик кутубхоналаридан фойдаланиш ва ҳатто ишлаш мумкин. Рақамли хизматлар анъанавий турга қараганда қоғозбозлик, расмиятчиликнинг йўқлиги, вақтни тежаш каби бир қатор афзалликларга эга. Масалан, давлат хизматларини рақамли кўринишда олсангиз, сизга белгиланган тўловнинг 10 фоизи миқдоридида чегирма тақдим етилади.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда рақамли иқтисодиётга фаол ўтилаётганининг белгиси. Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг яна бир омили — киберхавфсизликни таъминлашдир. Сохта онлайн-дўконлар, веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлардаги аккаунтлар ва электрон почта манзилларидан фойдаланишди. Бу ҳам ахборот хавфсизлигини таъминлаш заруратини яна бир бор тасдиқлайди. Рақамлашув ва киберхавфсизлик тушунчалари доимо ёнма-ён келади. Чунки барча тизим ва жараёнларни рақамлаштириш билан бирга, уларнинг техник жиҳатдан мукамал ва беҳато ишлашини, хавфсизлигини таъминлаш муҳим ҳисобланади. Юртимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга қанчалик эътибор қаратилаётган бўлса, киберхавфсизликни таъминлаш ҳам шунча долзарблик касб этмоқда. Ўзбекистон киберхавфсизлик глобал индексида ўзи позициясини мустаҳкамлаб бормоқда.

Киберхавфсизлик ахборот хавфсизлигининг бир кўриниши бўлиш билан ахборотларни саралаб олишга хизмат қилувчи юксак маънавиятдан ўзгачароқ тушунча. У кўпроқ техник жараёнларга оид бўлиб оддий фойдаланувчи учун почта, ижтимоий тармоқлар, тўлов тизимларида ишончли ва мустаҳкам паролларни ўрнатиш, ўз шахсий компютери ва смарфонини вируслардан ҳимоялашни англатади. Кенгроқ маънода эса киберхавфсизлик тармоқлар, мобил иловалар ва қурилмаларнинг ҳимоясига қаратилган чоратadbирлар мажмуидир. Бу маълумотлар конфиденциаллигини сақлаш, уларнинг бутунлигини ҳимоялаш, у ёки бу сайт, илова, дастурнинг тўлақонли ишлашини англатади.

2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурига кўра, 2020–2023-йилларга мўлжалланган киберхавфсизликка доир миллий стратегия ва “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Киберхавфсизликка доир меъёрларнинг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиши ниҳоятда зарур ва ўз ўрнидаги тадбирдир. Рақамли олам ҳали-ҳамон ҳуқуқий жиҳатдан ўз мақомини аниқ белгилай олгани йўқ. Бу борада янги кун сайин таҳдидларнинг янги тур ва шакллари пайдо бўлмоқда, уларни қонунчиликда акс еттириш зарур.

ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШДА ВИДЕО МОНТАЖ ДАСТУРИЙ ВОСИТАЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Абдураимов Д.Э., Нафасов Ғ.А. – Гулистон давлат университети

Абдураимов Р.Э. – Тошкент давлат техника университети

Айни вақтда биз бугун юқори ахборот технологиялари асрида яшамоқдамиз, ахборот оқимлари ҳажмининг шиддат билан ортиб бориши янги билимлар ва фаолият усулларини тақозо этади. Ахборот технологиялари видео ахборотларни монтаж қилишнинг янги имкониятларини очиб берди. Видео монтажга мўлжалланган дастурий воситалар махсус эффектлар яратиш, видеодаги ранг сифатини тўғрилаш, видеони кесиб олиш, бирлаштириш, турлича ўтишларни қўллаш, устига қўйиш, овозни тахрирлаш ва бошқа имкониятларни беради. Шундай экан муайян студия ёки телеканалларнинг мавжуд имкониятларидан келиб чиқиб фойдаланиш мумкин бўлган видео монтаж дастурларини қиёсий таҳлил қилиш ва дастурларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш муҳим аҳамиятга эга.

Видео муҳаррирлик касби нафақат техник жиҳатдан, балки драматургия, кадрлар композицияси, актёрлик маҳорати каби асосий билимларни талаб этади. Бугунги кунда етарлича имкониятларни тақдим этувчи профессионал монтаж дастурларидан кўпчилик, жумладан элементар билимга эга бошланғич даражадаги монтажчилар ҳам фойдаланиши мумкин. Муайян монтаж дастурларида ишлаш бўйича YouTube каби интернет ресурсларида кўплаб видео манбаларни топиш мумкин, бу эса фойдаланувчиларга маълум даражада дастурни ўзлаштиришларида энгилликлар тақдим этади.

Вақт билан ҳамнафас юриш учун видео ва фотоматериалларни қайта ишлаш ва тахрирлай олиш зарур, бунинг учун кўп сонли дастурлар мавжуд бўлиб, биз уларнинг айримлари ҳақида қисқача маълумот келтириб ўтамиз.

Sony Vegas Pro – кўп каналли ёзиш учун профессионал дастур бўлиб, видео ва аудио оқимларни тахрирлар ва монтаж қилишга мўлжалланган. Қулай интерфейс, универсаллик ва кўп сонли профессионал имкониятлар ушбу дастурнинг оммалашишига олиб келди. Шуни ҳам тан олиш керакки дастурни ишлаб чикувчи Sony компанияси рақамли видео оламида етакчилардан ҳисобланади. Дастурнинг асосий афзаллиги ундан фойдаланишнинг қулайлиги ва ўзлаштиришнинг осонлиги ҳисобланади. Дастурдаги калитлар ёрдамида турли объектлар ва эффектлар анимациясини белгилаш мумкин, эгри чизиқларни бошқариш режими мавжуд бўлсада аммо бу анча кўпол ва силлиқ чиқмайди. Дастурнинг каттагина ютуқлари ҳам борки, объект устида ҳар қандай элементар ўзгаришлар (баландлик, кенглик, горизонтал ва вертикал силжишлар, бурилиш, масштаб ва бошқа параметрлар) дарҳол интерфейс панелида акс этади. Бу эса ҳар қандай бошқа объектлар билан бажарилган барча ишларни ҳеч қандай қийинчиликлар такрорлаш имконини беради, ахир бутун жараён сақланади ва қайд этиб борилади.

Умуман олганда, Sony Vegas Pro видео ахборотларни муҳаррирлашни бошловчилар учун яхши дастур деб аташ мумкин, шунингдек у қизиқувчилар ва профессионаллар учун мос келади. Дастурнинг имкониятлари бошловчилар учун етарли, аммо профессионаллар учун унинг ресурслари юқори сифатли анимациялар ва махсус эффектлар учун етарли эмас. Шунинг учун бу вазифаларни амалга ошириш имконини берувчи дастурларни кўриб чиқишга ўтамиз.

Adobe Premiere Pro – ночизиқли видео монтажни бажариш ҳисобга олинган дастур. Premiere Pro тасвирга олинган видеони кейинги ҳар қандай қайта ишлаш ва монтаж қилиш учун ҳар томонлама яхши дастур ҳисобланади. Шуни қайд этиш ўринлики, мазкур дастурдан юртимиз ва хориж теле ва кино саноатининг машҳур мутахассислари фойдаланишади. Жумладан, BBC, The Tonight Show ва шу каби бошқа машҳур компаниялар ишлатишади.

Ушбу дастурнинг бу қадар кенг оммалашиши, унинг Adobe компаниясининг бошқа маҳсулотлари билан эркин интеграцияда бўла олиши ҳисобланади. Аксарият профессионаллар Premiere Pro + After Effects + Photoshop дастурлари алоқадорлигида ишлашади. Бундай боғлиқлик амалда монтаж билан боғлиқ барча вазифаларни ҳал этади.

Adobe Premiere Pro дастурининг бир неча асосий имкониятларини келтириб ўтадим:

1. Дастур интерфейси максимал даражада қулай, баъзи бир томонлари **Sony Vegas Pro** дастурий интерфейсини эслатади.

2. Деярли барча амалларни “қайноқ тугмалар” орқали бажариш мумкин, фойдаланувчи ўзига мос равишда “қайноқ тугмалар”ни ярата олади.

3. **Adobe Premiere Pro** дастурининг муҳим жиҳати унинг барқарорлиги ҳисобланади: дастур ишидаги бузилишлар кузатилмайди, **Sony Vegas Pro** дастурида эса баъзан содир бўлади.

4. **Audio Clip** мавжудлиги аудио билан оддий ва қулай ишлашга олиб келади.

Adobe ҳар доим ўзининг маҳсулотларини янгилаб, қўшимча функцияларни киритиб, интерфейсни янада соддалаштириб туради. Бундай дастурларнинг барча имкониятларини мустақил равишда ўрганиш етарлича мураккаб иш ҳисобланади.

Adobe After Effects – видео ва динамик тасвирларни таҳрирлаш, шунингдек рақамли видео эффектлар қўллаш ва бошқалар учун мўлжалланган. Кўпроқ реклама роликлари, мусиқали клиплар, телевизион ва бадиий фильмлар учун титрлар, анимацияни ишлаб чиқишда фойдаланилади. Бугунги кунда биз фильмлар, рекламалар, ўйинларда кўраётган деярли барча эффектлар, хаттоки сайтлар учун анимациялар ҳам ушбу дастур ёрдамида яратилади. Инсон ўз ҳаракатларида нимани кўрса, буларнинг барчасини Adobe After Effects дастурида яратиши мумкин. Аммо бунинг учун мазкур дастурдан фойдаланиш бўйича етарлича малакага эга бўлиш талаб этилади. Шунингдек After Effects дастури таркибида бўлган эффектлардан ташқари, кўп сонли плагинлар ҳам мавжуд.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ахборот технологияларининг ривожланиши билан боғлиқ янги гаджетларнинг пайдо бўлиши видео монтаж малакасининг бу қадар долзарб аҳамият касб этишига олиб келмоқда. Ҳар қандай янги технология, ҳар бир янги маҳсулот инсонларни қизиқтириши учун максимал чиройни тақдим этиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ш.М. Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.– Тошкент : Ўзбекистон, 2016. - 56 б.

2. Михаил Райтман: Видеомонтаж в Sony Vegas Pro 13. ДМК-Пресс, 2017 г. 302 стр.

3. Рознатовская А.Г. Создание компьютерного видеоролика в Adobe Premiere Pro CS2. НОУ «ИНТУИТ», 2016 г. 136 стр.

4. Adobe After Effects CC. Официальный учебный курс. Adobe, Эксмо, 2014 г. 428 стр.

5. Қулмаматов, С. И., Абдураимов, Д. Э., Норматова, М. Н., & Моносилова, Р. Ф. (2021). УГРОЗЫ В ИНТЕРНЕТЕ И СПОСОБЫ ИХ УСТРАНЕНИЯ. Экономика и социум, (7), 351-356.

Янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда талабаларнинг билимларини ошириш ва самарадорлик даражаси

Абдураимов Д.Э., Моносилова Р.Ф. – Гулистон давлат университети

Абдураимов Р.Э. – Тошкент давлат техника университети

Бугунги кунда инсоният ҳаёти ва унинг тараққиёти жуда мураккаб, кўп қиррали ва ғоят чигал муаммоларга бойдир. Бу муаммолар кишиларнинг моддий неъматлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш, фан, маданият, сиёсат, мафкура, ахлоқ, давлатни бошқариш соҳаларидаги, шунингдек, оиладаги ва бошқа фаолият турларининг борган сари кўпайиб, ривожланиб ҳамда уларнинг ўзгариб бориши натижасида вужудга келади. Узоқ даврлар мобайнида инсоният фикрини банд қилиб келган айрим масалалар бугунги кунда оддий ҳақиқат ва осон билиш мумкин бўлган нарсага ўхшаб кўринади. Шу муаммоларни ечиш ва ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида кишилар турли йўналишларда, соҳаларда фаолият кўрсатадилар. Демак, инсоннинг турли фаолиятлари ичида энг асосийси, уларнинг яшаши,

камол топишини таъминлайдигани соғлиқ ва маънавий неъматлар ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатишдан иборат бўлган фаолиятдир.

Жисмоний тарбия таълими мураккаб жараён бўлиб, унинг методлари, восита ва омиллари асрлар давомида шаклланиб такомиллашади, ўзини оқлаган урф-одатлар анъанага айланади.

Халқ педагогикасида турли таълим усуллари ва воситаларидан фойдаланилади, бу усул ва воситалар ниҳоятда ранг-барангдир. Булар илмий педагогиканинг шаклланишига ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Педагогикада назарий билим олиш методлари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- ижтимоий онгни шакллантирувчи усуллар;
- фаолият жараёнида ижтимоий тажрибаларни шакллантириш усуллари;
- мустақил билим олиш усуллари;
- рағбатлантириш ва жазолаш усуллари.

Назарий билим беришда ўқитишнинг турли-туман методларидан фойдаланилади. Бу ўринда И.Я.Лернер, М.Н.Скаткин, М.А.Данилов, Б.П.Есипнинг тавсия қиладиган методларидан фойдаланиш ижобий натижаларни беради. Улар қуйидагилар:

- тушунтириш методи
- репродуктив метод
- муаммоли баён қилиш методи - қисман изланиш методи
- тадқиқот методи.

Талабаларга назарий таълим беришда *муаммоли ўқитиш методлари* ҳам самарали натижаларни беради, чунки таълимда муаммоли ёндошиш ўқув дастурларида ҳам, ўқитувчи билимларини баён қилишда ҳам, талабаларнинг мустақил ишларида ҳам ўз ифодасини топади.

Инноватсион усуллар орқали назарий билимларни ошириш талабаларда билимдонликни ва маданиятни қарор топтиришга қаратилган. Инсонпарварлик нуқтаи назаридан тарбиянинг асл мақсади ҳар бир тарбияланувчининг муносабатлари, ўзлаштириш фаолияти, тўла ҳуқуқли субъектнинг мустақил, эркин шахс бўлиб етишишидан иборатдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, инноватсион жараёнларни ўрганиш учун бошқа йўллар зарур, унда инноватсия таҳлили фақатгина фан ва техника эришган замонавий ютуқлардан фойдаланишнигина ўз ичига олмай, балки, бошқариш, таълим, ҳуқуқ, касбий таълим ва бошқа соҳаларни ҳам қамраб олади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.– Тошкент : Ўзбекистон, 2016. - 56 б.
2. Ишмухаммадов Р. Абдуқодиров А. Пардаев А. Таълимда инноватсион технологиялар. –Тошкент 2008 - 181 бет.
3. Абдураимов Д. Э. Описание алгоритмов важность программы Crocodile ICT //Вестник научных конференций. – ООО Консалтинговая компания Юком, 2019. – №. 4-3. – С. 8-9.
4. Нуркулов, Ж. А. Ў. (2022). МОДЕЛИРОВАНИЕ ПРОЦЕССА ПЕРЕДАЧИ ДАННЫХ ПО ПРОТОКОЛАМ В КОРПОРАТИВНОЙ СЕТИ. Science and innovation, 1(A3), 158-163.
5. Абдураимов, Достонбек Эгамназар Ўғли, Абдураим Намазович Адиллов, and Алишер Пардабо Ўғли Турдиев. "АНИЗОТРОП ВА ИЗОТРОП ЖИСМЛАР УЧУН ТЕРМОЭЛАСТИК БОҒЛИҚ МАСАЛАНИНГ ИККИ ЎЛЧОВЛИ ҲОЛАТДАГИ МАТЕМАТИК МОДЕЛИ." Scientific progress 1.5 (2021): 449-453.
6. Абдураимов Д. Э. Ў., Абдурахманов О. Н. ОБЪЕКТ АЛОМАТ ВАЗНЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ ОРҚАЛИ РЕЙТИНГИНИ АНИҚЛАШ МОДЕЛИ //Science and Education. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 21-25.

АНИҚ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШГА АХБОРОТ КОММУНИКАТСИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

Абдураимов Д.Э., Норматова М.Н. – Гулистон давлат университети

Абдураимов Р.Э. – Тошкент давлат техника университети

Бугунги кунда инноватсион педагогик технологияларнинг назарий асосларини ўрганиш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш зарурати шунинг учун асосий муаммо бўлиб қолмоқдаки, анъанавий ўқитиш тизимлари ўз фаоллигини бироз йўқотди, бундай ўқитиш яхши натижа бермай қолди. Бунинг ўрнига инноватсион педагогик технологияларни қўллаш таълим-тарбия жараёнига кўпроқ самара бермоқда.

Замонавий ахборот ресурслари бу илмий назариялар, янгиликлар, патент ва ихтиролар, иқтисодий-математик моделлар, машина ва технологик жараёнлар лойиҳалари, ер ва океанлар бойликлари ҳақидаги маълумотлардир [3].

Шунингдек, илм-фан, техника тараққиётининг жуда тез ривожланиши натижасида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги, улардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш учун вақтнинг чегараланганлиги таълим жараёнига технологик ёндошиш заруриятини келтириб чиқармоқда. Бугунги кунда инноватсион педагогик технологияларнинг назарий асосларини ўрганиш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш зарурати шунинг учун асосий муаммо бўлиб қолмоқдаки, анъанавий ўқитиш тизимлари ўз фаоллигини бироз йўқотди, ёрдамида ўқитиш яхши натижа бермай қолди. Бунинг ўрнига “Ахборотли ўқитиш” таълим-тарбия жараёнига кўпроқ самара бермоқда.

Ахборот – жамият, барча инсон ҳаёти ва фаолиятида муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Унинг ҳажми тез ўсмоқда. Ахборотлардан фойдаланиш характери жуда тез ўзгармоқда. Шунини таъкидлаш керакки, ахборот турли бўлганлигига қарамай, у учта муҳим сифатга эга бўлишлиги керак:

1. Тўлиқлик, яъни ўрганилаётган объект ёки ҳодисани тўлиқ фойдаланиши керак.
2. Бебаҳолик, яъни унинг талабгорлиги, акс ҳолда ахборот талаб қилинмайди.
3. Ишончлилик, яъни ахборот шубҳа туғдирмаслиги ва бошқатдан қайта ишланмаслиги керак.

Шу билан бирга физика фани ҳам тез суратлар билан ривожланиб бормоқда. Ўқув жараёнида такомиллаштирилган методлардан фойдаланиб намоиш тажрибаларини кўрсатиш, шунингдек, мустақил таълимдан фойдаланиш талаб этилади. Бу услубларни ўқитиш жараёнига тадбиқ этиш инноватсион характерда бўлиб, айрим қийинчиликларни юзага келтириши мумкин. Чунки инноватсион усуллар педагогика фанида янгича ижодий ёндошишни ва оммавийликни талаб этади.

Бундай заруриятлар физика ва математика фанларидан ўқувчиларга таълим ва тарбия беришда ўқитувчиларга дарсларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида таълим технологиялари ва воситаларидан самарали фойдаланишни тақозо қилмоқда. Дарсларда аниматсион роликлар, ко`рғазмали тақдимотлар, айнан жорий мавзуга оид видео роликлардан фойдаланиш ўқувчини қизиқишини орттиради, янги мавзунини осон ва тез ўзлаштиришига ёрдам беради. Ўқитувчи фаолияти қанчалик фаоллашса, таълим олувчиларнинг хатти-ҳаракатлари қанчалик ижодий, қизиқарли, истиқболли ташкил эта олинса, албатта, қўлланилаётган таълим технологияларининг самарадорлиги ортади, лойиҳалаштирилган ўқув мақсадлари осонроқ амалга ошади, кутилаётган натижага тезроқ эришилади.

Замонавий ахборот-ресурслари, ахборот тизимидаги ҳужжатлар оқимининг тавсиф ва хусусиятлари тобора ўзгариб бормоқда. Компютер техникаси туфайли ҳаётимизга Интернет кириб келди, китоблар ҳам, матбуот асарлари ҳам электрон вариантда тақдим этила бошланди. Интернет тармоғидан фойдаланиш имконияти ахборотларни мислсиз тезликда, ер юзининг исталган нуқтасидан туриб узатиш ва қабул қилиш имконини бермоқда.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, физика ва математика дарсларини ташкил этишда замонавий таълим технологиялари ва воситаларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, инноватсион педагогик технологияларни жорий этиш натижасида ўқувчиларда физика фанига

бўлган кизиқишлари ортиши, лаборатория машғулотларда ишни бажариш бўйича аниқ тасаввурларга эга бўлиши, физикага доир масалаларни ечиш бўйича чуқур билим, малака ва кўникмаларни ҳосил қилишида кенг имкониятлар очади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

7. Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.– Тошкент : Ўзбекистон, 2016. - 56 б.
8. Таштемиров Д.Е., Абдураимов Д.Е., Джумабаева Я.Э. «СОВРЕМЕННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СИСТЕМЫ ТЕСТИРОВАНИЯ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ». Вестник Гулистанского государственного университета 2018.4 (2018): 39-46.
9. Қулмаматов, С. И., Абдураимов, Д. Э., Норматова, М. Н., & Моносилова, Р. Ф. (2021). УГРОЗЫ В ИНТЕРНЕТЕ И СПОСОБЫ ИХ УСТРАНЕНИЯ. Экономика и социум, (7), 351-356.
10. М.Камолдинов, Б.Вахобжонов. Инновацион педагогик технология асослари.- Т: “Талқин”, 2010 й.
11. Ишмухаматов Р. Абдуқодиров А. Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. –Тошкент 2008 - 181 бет.

РАЗРАБОТКА ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СИСТЕМЫ ДИАГНОСТИКИ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

*Абдураимов Д.Э., Моносилова Р.Ф. – Гулистанский государственный университет
Абдураимов Р.Э. – Ташкентский государственный технический университет*

В мире ведутся научно-исследовательские работы по получению точных сведений об эксплуатационно-технологических параметрах сельскохозяйственной техники, военной техники и некоторых других специальных средств, а также по разработке системы контроля и диагностики состояния инструментов и технических средств. используется в неблагоприятных климатических, рельефных и агрессивных условиях. В связи с этим важной задачей является разработка технических средств и методов контроля технологических параметров и систем диагностики, позволяющих осуществлять оперативный контроль и диагностику деталей сельскохозяйственной техники с высокой точностью и достоверностью данных, отвечающих требованиям метрологических условий [1].

Обработка обрабатываемых земель необходима для повышения урожайности любой культуры. Основное внимание уделяется восстановлению плодородия почвы. Для этого в зависимости от местных условий применяют традиционные и ресурсосберегающие способы обработки почвы.

Сегодня в сельском хозяйстве нашей независимой республики используется более 40 моделей тракторов. Они подразделяются на тяговые классы от 0,2 до 6 (от 2 до 60 кН тягового усилия). К тяговому классу 0,2 относятся малогабаритные, четырехколесные тракторы мощностью 9...12 кВт, с дизельным двигателем. Такие тракторы предназначены для работы в садах, теплицах, на участках небольшой и тихой конфигурации, в частных и институциональных хозяйствах. Когда нет возможности использовать тракторы высокого класса или это экономически нецелесообразно.

тракторы этого класса используются в сельскохозяйственных работах с небольшой энергоемкостью [2].

Например, хлопкоуборочные машины, производимые в нашей стране, прицепляются к тракторам серии ТТЗ. Тракторы ТТЗ оснащены устройствами, контролирующими только параметры системы двигателя (температура охлаждающей жидкости, давление масла в системе смазки, заряд аккумуляторной батареи, показатели тахометра).

Технологические параметры хлопкоуборочных, сеноуборочных, сеялок и других тракторов ТТЗ в процессе эксплуатации не контролируются из-за отсутствия электронных бортовых приборов их контроля и управления [3].

При классификации эксплуатационных параметров трактора ТТЗ-80 и хлопкоуборочных машин необходимо определить способы их контроля, выбрать технологические параметры хлопкоуборочных машин, подлежащие контролю, определить пределы их изменения и разработать технические требования (табл. 1).

Одним из наиболее эффективных способов повышения надежности сельскохозяйственной, военной техники, специальной техники и агрегатов к ним является осуществление комплексной автоматизации контрольно-диагностических работ с помощью современных микропроцессорных средств и соответствующего программного обеспечения. Для диагностики устанавливаются специальные датчики. Данные с датчиков передаются в микропроцессорную систему для обработки.

Таблица 1. Параметры хлопкоуборочной машины, которые необходимо контролировать

	Имя контролируемого параметра	Диапазон изменения
	Высота циферблата по отношению к поверхности ребра (мм)	0 - 100
	Хлопкоуборочное устройство хлопкового ряда отклонение от рабочего диапазона (мм)	0 - 30
	Отклонение от рабочего диапазона хлопкоуборочной машины (мм)	22 - 40
	Давление в пневматической камере	Нормальный или низкий
	Наполнение бункера	Полный или нет
	Потеря урожая (%)	0 - 100%
	Скорость ПТМ, км/ч	0 - 15
	Частота вращения шпинделей, об/мин	900 - 1100
	Скорость вращения сепаратора, об/мин	1500 - 1700
0	Скорость вращения вентилятора, об/мин	1400 - 1800

Разработанная система позволяет диагностировать отказ механических и электрических частей сельскохозяйственной техники в процессе работы. Уведомляет о приближении времени технического обслуживания.

Своевременно обнаруживая отказ сельхозтехники, предотвращаются возможные негативные последствия и создается комфорт для оператора.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА

1. Н.Бойбобоев, А.Нуриддинов. Текст лекций по теме "Сельскохозяйственные машины". Наманган-2016. 3 б.
2. М.З.Муртозаев, Ж.А.Хамидов, А.А.Кушаков, К.И.Исаев, С.С.Умаров. «Сельскохозяйственные машины». Ташкент-2012. 5-8 бб.
3. У.М.Убайдуллаев. Диссертация доктора философских наук (PhD) «Система контроля и диагностики технологических параметров хлопкоуборочных машин». Ташкент-2018.
4. Таштемиров Д.Е., Абдураимов Д.Е., Джумабаева Я.Э. «СОВРЕМЕННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СИСТЕМЫ ТЕСТИРОВАНИЯ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ». Вестник Гулистанского государственного университета 2018.4 (2018): 39-46.
5. Кулмаматов, С. И., Абдураимов, Д. Э., Норматова, М. Н., & Монасипова, Р. Ф. (2021). УГРОЗЫ В ИНТЕРНЕТЕ И СПОСОБЫ ИХ УСТРАНЕНИЯ. Экономика и социум, (7), 351-356.

РОЛЬ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНЫХ СИСТЕМ В ПОВЫШЕНИИ ЗНАНИЙ И ПОДГОТОВКЕ СТУДЕНТОВ

*Абдураимов Д.Э., Монасипова Р.Ф. – Гулистанский государственный университет
Абдураимов Р. Э. – Ташкентский государственный технический университет*

Интеллектуализация современных информационно-образовательных ресурсов в настоящее время является одним из наиболее перспективных направлений совместных исследований с педагогами, психологами и специалистами в области информационно-образовательных технологий.

Можно сказать, что термины «искусственный интеллект» и «интеллектуальные системы» стали широко использоваться в нашей жизни и работе. Что такое искусственный интеллект и интеллектуальные системы, дадим им краткое определение.

Искусственный интеллект (ИИ) — одно из направлений информатики в области разработки программируемых технических средств, целью которого является поиск способов выполнения задач без участия человека с помощью компьютера или программируемого аппаратно-технического средства на уровне, который может быть равным восприятию человеческого разума. СИ строится путем изучения поведения человека, животных и пытаются найти способы имитации, то есть механизм какого-либо подобного поведения искусственно созданных людей, животных. Несмотря на более чем полувековой стаж, до сих пор нет единого определения этого термина.

Интеллектуальные системные (ИТ) образовательные системы – это качественно новая технология, характеристиками которой являются моделирование образовательного процесса с использованием динамично развивающейся базы знаний; автоматический выбор разумной стратегии обучения для каждого ученика, автоматическая запись новой информации, поступающей в базу данных.

Интеллектуальные обучающие системы (ИТС) являются практическим результатом использования методов и инструментов искусственного интеллекта в области автоматизированного обучения и представляют собой обучающие системы нового поколения. Для достижения максимально возможного результата в области развития потенциала учащегося в ходе образовательного процесса учитель-предметник использует три основных вида специальных знаний: знания о предмете обучения, знания о методах обучения и знания о учащемся. В традиционных автоматизированных системах обучения части этой информации строго включаются в текст отдельных фреймов учебного курса в соответствии с выбранной методикой обучения. В ИТС выделены требуемые знания с использованием различных методов и технологий искусственного интеллекта.

Используя эти знания, ИТТ повышает качество учебного процесса за счет его индивидуализации за счет выбора наиболее эффективных методов обучения, скорости и способов подачи учебного материала, регулирования его содержания, объема и сложности в зависимости от психофизиологических и интеллектуальных возможностей обучающегося.

Интеллектуальные системы (ИТ) — это системы, предназначенные для решения задач, которые, как правило, превосходят логические вычисления (семантические) обработки. ИТ используются практически во всех сферах человеческой деятельности.

Интеллектуальные системы делятся на следующие классы:

1. Экспертные системы
2. Вычислительные и логические системы
3. Умные CAD и SANI
4. Умные роботы
5. Образовательные системы

В современных интеллектуальных системах обучения широко используются следующие интеллектуальные технологии:

создание последовательности курса обучения;

интеллектуальный анализ ответов слушателя, учащихся; интерактивная помощь в выполнении заданий;

помогите решить задачи на примерах.

Создайте последовательность курса. Цель технологии построения последовательности учебного курса состоит в том, чтобы обеспечить последовательность информационных блоков и последовательность учебных заданий, наиболее подходящую для слушателя, обучающегося и индивидуально спланированную.

Существует два типа технологии построения последовательности учебного курса: активная и пассивная.

Активная последовательность предполагает наличие цели обучения (небольшой части понятий изучаемой предметной области, которую необходимо усвоить). Большинство существующих систем имеют фиксированную цель обучения — полный набор концепций учебной программы. Многие гибкие системы целей позволяют учителю или ученику выбирать подмножества концепций целей обучения в качестве текущих целей.

Пассивная (корректирующая) последовательность — это метод обратной связи, не требующий активной цели обучения. Это срабатывает, если пользователь не может решить проблему или правильно ответить на вопрос. Технология коррекции в этом случае предлагает пользователю часть имеющегося информационного материала, способного восполнить пробел в знаниях учащегося для устранения ошибки.

Рациональный анализ решений учащегося связан с окончательными ответами учащегося на учебные задачи (неважно, каким образом эти ответы были получены). Задача интеллектуального анализатора решений — определить, является ли решение, предложенное слушателем, правильным или неправильным, выяснить, что именно неверно или неполно в ответе, и предоставить ему дополнительную информацию для восполнения пробела в знаниях обучающегося, которые могут иметь недостающие или неправильные знания. Интеллектуальные анализаторы могут предоставлять удаленную обратную связь учащимся и обновлять модель учащегося.

Интерактивная помощь в выполнении заданий — данная технология обеспечивает интеллектуальную поддержку ученика на каждом этапе выполнения заданий, вместо ожидания окончательного решения. Уровень поддержки может быть разным: от предупреждения о неверном шаге, дачи совета и постановки ученику следующего шага.

Системы, реализующие эту технологию (часто называемые интерактивными симуляторами), могут отслеживать действия учащегося, использовать их для понимания и понимания, а также обновлять модель учащегося. Вспомогательные технологии являются старейшими примерами выполнения задач. Эта технология помогает учащимся решать

новые задачи, не подчеркивать свои ошибки, а приводить примеры аналогичных задач, которые были успешно решены ранее.

Видно, что интеллектуальные технологии открывают новые пути повышения качества образовательных услуг в условиях современного информационного общества. Интеллектуальные электронные средства контроля и обучения позволяют адаптироваться к конкретному студенту и организовать учебный процесс в соответствии с его уровнем знаний. Использование интеллектуальных электронных средств позволяет повысить эффективность самостоятельного обучения студентов и сократить время, что очень важно для открытого и дистанционного образования.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА

1. Агапова О.И., Джонс Л.Л., Ушакова А.С. Проект новой модели обучения для информационного общества // Информатика и образование. 1996. № 1. С. 105-109
2. Андрусенко Т.Б. Лингвистические структуры в компьютерных учебных средах. Киев: Наукова думка, 1994. - 160 с
3. Таштемиров Д.Е., Абдураимов Д.Е., Джумабаева Я.Э. «СОВРЕМЕННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СИСТЕМЫ ТЕСТИРОВАНИЯ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ». Вестник Гулистанского государственного университета 2018.4 (2018): 39-46.
4. Қулмаматов, С. И., Абдураимов, Д. Э., Норматова, М. Н., & Монасипова, Р. Ф. (2021). УГРОЗЫ В ИНТЕРНЕТЕ И СПОСОБЫ ИХ УСТРАНЕНИЯ. Экономика и социум, (7), 351-356.

АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДА ХАВФСИЗЛИК МУАММОСИ

Қудратов А.Н. - Гулистон давлат университети

Ҳозирги кунда ривожланиб бораётган ахборот технологиялари барча соҳаларда кенг тадбиқ қилинмоқда. Бугун эртанги кунни уларсиз тасавур қилиб бўлмаслигини ҳеч ким рад эта олмайди. Бугунги кунда ҳимояланган электрон хатлар алмашиш миллий тизимларни яратиш муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бундай тизимларни яратишда катта эътиборни ахборот хавфсизлиги муаммосига қаратилиши лозим. Юртимизда ахборот хавфсизлиги муаммосига катта эътибор қаратилган. Фикримизнинг исботи сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлидаги 117-ПҚ қарори, 2007 йил 3 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида ахборотни криптографик муҳофазалаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 614-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 22 ноябридаги №256-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги “Республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги 155-сонли қарори ва 2013 йил 27 июндаги № ПҚ-1989 «Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот коммуникатсия тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 16 сентябрдаги қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникатсия технологиялари давлат қўмитаси қошида «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш маркази ташкил этилгани, айти қарор асосида «Электрон ҳукумат» тизимини ахборот комплекслари, ресурслари ва маълумотлар базаларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази ҳам тузилганлигини кўришимиз мумкин..

Юқоридаги қарорлар юзасидан қатор қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилган бўлиб, улар асосида мамлакатимизда яратилган дастурий воситалардан бири Е-НУЖАТ электрон ҳужжат алмашиш тизимидир. Электрон ҳужжат айланиши тизими (ЭХТ) ташкилотдаги иш юритишнинг мавжуд тизимини такомиллаштириш учун мўлжалланган. ЭХТ ЭРИни О‘z DSt 1092:2009 «Электрон рақамли имзони шакллантириш ва текшириш жараёнлари» стандартига

мувофиқ қўллайди. ЭХТ фойдаланувчи ва чикувчи ҳужжатларнинг ўзбек (кирилл) ва рус тилларидаги интерфейсларини қўллаб-қувватлайди.

Тақдим этиш шаклларига қўйиладиган талаблар:

➤ Электрон почта принципидан фойдаланилди, бу ЭХТдан фойдаланишни осонлаштиради;

➤ Электрон ҳужжатни жўнатиш учун вазифа шакллантирилади ;

➤ Вазифада кўрсатилади: жўнатувчи, олувчилар, топшириқ , бажариш муддати, вазифа мавзуси;

➤ Вазифа шакллари: вазифа, раҳбарият резолюцияси, назорат карточкаси.

Хавфсизлик талаблари:

➤ Тизим фойдаланувчиларининг ЭРИ асосида уларни аутентификация қилиш;

➤ Ахборотнинг бутунлигини текшириш .

Тизим куйидагиларга имкон беради:

➤ Ахборот алмашинувининг самарали тизимини яратиш;

➤ Қоғозсиз электрон ҳужжат айланишига босқичма-босқич ўтиш;

➤ Электрон ҳужжатларнинг сақланиши ва самарали қидирувини таъминлаш.

Мазкур тизим билан бир қаторда маълумот алмашинишида электрон почталардан ҳам кенг фойдаланилади. Дунё миқёсида юзга яқин электрон почта тизимлари мавжуд бўлиб улардан кўп ишлатиладигани ҳақида тўхталиб ўтамиз. Yahoo.com, yandex.ru, mail.ru, rambler.ru, takemail.ru бундай почта тизимлари орқали жўнатилган хатларни чет эл мутахассислари томонидан ўқиш имконияти мавжуд.

Экспертларнинг ҳамда олинган статистик маълумотларнинг таҳлилига кўра кунига 500 мингга яқин электрон хат чет эл махсус органлари томонидан доимо назорат қилиниб келиш эҳтимоли бор хат алмашиш тизимлари - Yahoo.com, mail.ru, rambler.ru, takemail.ru ва бошқалар орқали жўнатилади ёки қабул қилинади.

Ҳимояланмаган электрон хат алмашиш тизимлари орқали жўнатилган ҳар бир хатни бузғунчилар томонидан олиб ўқиш, қалбакилаштириш ҳамда йўқ қилиш имконияти мавжудлигидан мутахассисларнинг хабари бор.

Бу муаммони олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2011 йил 4 майда «Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати билан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасида ҳимояланган ягона корпоратив электрон почтани ва электрон ҳужжат айланиш тизимини жорий этиш чоралари тўғрисида»ги 126-сон қарори қабул қилинди.

Ҳимояланган электрон почта тизимига қўйиладиган асосий талаблар куйидагилардан иборат:

➤ Узатилаётган, қабул қилинаётган ва серверда сақланаётган электрон хатларни бузғунчи ва бегонашахслар ўқиб олмайдиган ва ўзгартириб бўлмайдиган ҳолга келтириш;

➤ Тизимнинг давлат стандартлари талабларига жавоб бериши;

➤ Электрон хатларни электрон рақамлиимзо орқали жўнатиш.

Мутахассисларнинг фикрича, бу талабларга республикамининг етакчи мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган Е-ХАТ ҳимояланган электрон хат алмашиш тизими жавоб бериши аниқланди .

Е-ХАТ ҳимояланган электрон хат алмашиш тизимининг асосий вазифаси куйидагилар:

- электрон хатларнинг бутунлиги;

- электрон хатларнинг махфийлиги;

- электрон хатларнинг ишончилиги.

Умуман айтганда фойдаланувчилар ўртасидаги электрон хат ҳамда овоз маълумотларини узатишдаги ҳимоясини таъминлаб бериш мақсадида ишлаб чиқилган.

Е-ХАТ тизими куйидаги криптографик стандартлар асосида ишлаб чиқилган.

➤ Электрон рақамли имзода - О'зDST 1092:2009 «Ахборот технологияси. Ахборотни криптографик муҳофазаси. Электрон рақамли имзони шакллантириш ва текшириш жараёнлари» миллий стандарти.

➤ Шифрлашда - О'зDST 1105:2009 «Ахборот технологияси. Ахборотни криптографик муҳофазаси. Маълумотларни шифрлаш алгоритми» миллий стандартлари асосида ишлаб чиқилган.

Е-ХАТ тизими куйидаги криптографик масалаларига катта эътибор қаратилган:

- Электрон рақамли имзо;
- Электрон маълумотларни, жумладан овоз маълумотини ва бириктирилган файлларни шифрлаш ва дешифрлаш;
- Махфий калитларни алмашиштизими;
- Аутентификация тизими;
- Калитларни ҳамда сертификатларни бошқариш тизими.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, электрон кўринишдаги маълумотлар алмашинувида Е-Нужат ва Е-Хат тизимлари хавфсизлик талабларига тўла жавоб беради. Маълумотлар базасидаги маълумотлар шифрланган ҳолда сақланади ва бу фойдаланувчиларга кўплаб қулайликларни яратади. Республикамизда миллий тизимлардан фойдаланиш катта самара бериши шубҳасиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.– Тошкент : Ўзбекистон, 2016. - 56 б.
2. Ғуломов С.С «Ахборот хавфсизлиги асослари» Тошкент, 2004 й.
3. Муҳаммадиев Ж.Ў.Ахборот хавфсизлиги: муаммо ва ечимлар: Монография. – Т., 2011й.
4. Қулмаматов, С. И., Абдураимов, Д. Э., Норматова, М. Н., & Монасипова, Р. Ф. (2021). УГРОЗЫ В ИНТЕРНЕТЕ И СПОСОБЫ ИХ УСТРАНЕНИЯ. Экономика и социум, (7), 351-356.

О РЕШЕНИИ ЗАДАЧИ МОДЕРНИЗАЦИИ БАЗОВЫХ СТАНЦИЙ СОТОВОЙ СВЯЗИ

Абдураимов Д.Э., Норматова М.Н., Монасипова Р.Ф.

Гулистанский государственный университет

В настоящее время мобильный Интернет становится неотъемлемой частью повседневной и деловой жизни, предоставляя постоянный доступ к необходимой информации и не ограничивая свободу перемещений. Непрерывное развитие беспроводных технологий, обеспечивающих повышение качества связи и снижение себестоимости, на фоне возрастающей конкуренции требует от сотовых операторов проведения периодической реструктуризации отдельных компонентов сети. В силу ограниченности финансовых средств возникает необходимость решения задачи оптимального выбора заменяемого оборудования с целью получения максимального дохода благодаря привлечению большего числа абонентов.

В [1] исследовалась задача модернизации базовых станций, построена модель целочисленного линейного программирования, представлены результаты расчетов на тестовых примерах, показавшие сложность получения точного решения для задач с размерностью, близкой к реальным случаям. В данной работе предлагается гибридный алгоритм приближенного решения указанной задачи, основанный на использовании схем муравьиной колонии и клональной селекции.

Приведем постановку рассматриваемой задачи. Имеется конечное множество базовых станций I . Задано несколько видов устанавливаемого оборудования R , отличающихся стоимостью и мощностью. Известно количество клиентов t'_i , подключаемых в каждой станции i при оснащении ее оборудованием вида r , $i \in I, r \in R$. Пересечение зон действия

базовых станций приводит к ухудшению качества связи. Определено количество клиентов S_{ij}^{rq} , которые отключатся от услуг по этой причине, где $i, j \in I$ - модернизируемые станции, $r, q \in R$ - выбранное оборудование. Число станций, имеющих высокую мощность, ограничено величиной $b_r, r \in R$. Выделен доступный объем финансовых средств β и задано минимальное количество станций α , которые необходимо обновить. Стоимость переоснащения каждой станции c_i^r зависит от ее размещения i и вида используемого оборудования $r, i \in I, r \in R$. Требуется выбрать станции и соответствующее оборудование для их модернизации, чтобы количество обслуживаемых клиентов было максимальным.

Переменные модели:

$$z_i^r = \begin{cases} 1, & \text{если на станции } i \text{ устанавливается оборудование вида } r, \\ 0 & \text{иначе} \end{cases} \quad i \in I, r \in R;$$

$x_{ij}^{rq} \in \{0, 1\}$, переменные z_i^r и x_{ij}^{rq} связаны следующим правилом: если z_i^r и z_j^q одновременно равны 1, то $x_{ij}^{rq} = 1, i, j \in I, r, q \in R$.

Модель линейного целочисленного программирования имеет вид:

$$\sum_{i \in I} \sum_{r \in R} t_i^r z_i^r - \sum_{i \in I} \sum_{r \in R} \sum_{j \in I} \sum_{q \in R} S_{ij}^{rq} x_{ij}^{rq} \rightarrow \max \quad (1)$$

при условиях

$$\sum_{i \in I} \sum_{r \in R} z_i^r \geq \alpha; \quad (2)$$

$$\sum_{i \in I} z_i^r \leq b_r, r \in R; \quad (3)$$

$$\sum_{i \in I} \sum_{r \in R} c_i^r z_i^r \leq \beta; \quad (4)$$

$$\sum_{r \in R} z_i^r \leq 1, i \in I; \quad (5)$$

$$z_i^r + z_j^q \leq 1 + x_{ij}^{rq}, \quad i, j \in I, r, q \in R; \quad (6)$$

$$x_{ij}^{rq} \in \{0, 1\}, \quad i, j \in I, r, q \in R; \quad (7)$$

$$z_i^r \in \{0, 1\}, \quad i \in I, r \in R. \quad (8)$$

Целевая функция (1) состоит в максимизации суммарного количества подключаемых абонентов к переоснащенным станциям. Неравенство (2) отражает наличие нижней границы общего числа модернизируемых станций. Условия (3) устанавливают максимально допустимое количество станций с оборудованием каждого вида. Ограничения (4) гарантируют, что суммарные затраты не превысят объем выделенных финансовых средств. Условия (5) указывают, что на каждой станции можно разместить не более одного вида оборудования. Неравенства (7) связывают переменные z_i^r и x_{ij}^{rq} , по приведенному ранее правилу.

Данная задача NP-трудна, поскольку известная задача о рюкзаке является ее частным случаем [2], и может иметь достаточно большую размерность, поэтому возникает необходимость разработки алгоритмов приближенного решения. Нами был предложен гибридный алгоритм, реализованный по схеме муравьиной колонии [3] и включающий некоторые принципы иммунных алгоритмов [4].

В основе алгоритма муравьиной колонии (МК) лежит идея накопления и использования статистической информации о задаче в процессе поиска решений. Для построения текущих решений применяется алгоритм искусственного муравья (ИМ), представляющий собой вероятностную жадную эвристику. Полученный результат анализируется, собирается некоторая информация для дальнейшего поиска решений, которая может рассматриваться как аналог феромона.

Схема алгоритма муравьиной колонии

Шаг 1. Инициализация начальных параметров.

Итерация k , $k \geq 1$.

Шаг 2. Построение решений с помощью алгоритма ИМ с учетом статистической информации задачи.

Шаг 3. Отбор лучших решений.

Шаг 4. Анализ результата и сбор статистической информации задачи.

Переход на следующую итерацию, $k:=k+1$.

На каждой итерации алгоритма муравьиной колонии для искусственного муравья определяется решение, с которого начинается поиск. Процедура построения такого решения основана на идее клональной селекции, заимствованной из биологической иммунной системы [4], и реализована следующим образом. Сначала выбирается некоторое решение из множества, полученного на предыдущей итерации алгоритма МК по специальному вероятностному правилу. Это решение модифицируется путем уменьшения мощности оборудования модернизируемых станций: чем больше значение целевой функции, тем меньше изменений производится. Затем начальное решение улучшается с использованием процедуры локального поиска, результат работы которой является конечным решением алгоритма ИМ.

